



ΦΑΛΣΑΦΑ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА

(уқув қулланма)

Э. Ю. Юсуповнинг умумий таҳрири остида

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 1999

«ФАЛСАФА» уқув қулланмаси қўйидаги муаллифлар томонидан ёзилди: фалсафа фанлари номзоди, доц. Ш. А. Азизов (олтинчи булим 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 11-параграфлар), проф. А. Т. Аюпов (иккинчи булим 8-параграфи, проф. И. Р. Раҳимов билан ҳаммуаллифликда, саккизинчи булим), фалсафа фанлари доктори, проф. А. М. Жалолов (унинчи булим 3, 4, 5-параграфлари), фалсафа фанлари номзоди А. Зоҳидов (иккинчи булим 2, 3, 4, 7-параграфлари), фалсафа фанлари доктори, проф. Ф. Ю. Исмоилов (бешинчи булим), фалсафа фанлари номзоди, доц. Б. И. Искандаров (иккинчи булим 1, 5, 6-параграфлари), УзРФА мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, проф. С. Ш. Шермуҳаммедов (олтинчи булим 9-параграфи, доц. А. Очилдиев билан ҳаммуаллифликда), фалсафа фанлари номзоди, доц. А. Хожибоев (биринчи булим 1, 2, 3-параграфлари, учинчи, туртинчи, еттинчи, туққизинчи булимлар), фалсафа фанлари номзоди, Ў. Юсупов (унинчи булим 1, 2-параграфлари, Э. Юсупов (кириш, биринчи булим 4, 5, 6-параграфлари, олтинчи булим 10-параграфи), фалсафа фанлари доктори, проф. Б. О. Тураев (учинчи булим 3- параграфи, доц. А. Хожибоев билан ҳаммуаллифликда).

Уқув қулланмасини таҳрир этиш ва нашрга тайёрлашда фалсафа фанлари доктори, проф. М. А. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, проф. Ф. Ю. Исмоилов, проф. А. Т. Аюпов, проф. И. Р. Раҳимов иштирок этдилар.



973

Фалсафа: (Ўкув қулланма) /Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. — Т.: «Шарқ», 1999. — 496 б.

Сарл. олдида: УзР Олий ва урга маҳсус таътиим вазирлиги, Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети.

ББК 87

КИРИШ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча ижтимоий фанлар каби фалсафа фанининг ҳам муаммоларига муносабат узгарди. 70 йилдан ортиқ вақт давом этган совет тузуми шароитида муҳим, мураккаб фалсафий муаммолар устида эркин фикрлашга, минглаб йиллар давомида шаклланган ва ривожланган фалсафий мерос ва қадриятлар холисона урганилишига йул қўйилмади. Марксизм гоялари фалсафа тараққиётининг энг олий босқичи, унинг пайдо булиши эса фан соҳасидаги революция деб қаралиб келинди. Якка мафкура, турғун дунёқарашни тарғиб қилиб, синфийлик ва партиявийлик принципларини ўзининг асосий мезони қилиб олган, тоталитар сиёсий тузумга хизмат қилиб келган марксча фалсафа жамият тараққиёти талабларига зид булиб, кишиларнинг тафаккур салоҳияти қотиб колган ақидалар доирасида чекланиб, чегараланиб қолишига олиб келди. Мустақил илмий, ижодий тадқиқотлар ўрнини ақидапарастлик, тоталитар тузум сиёсатини, авторитар фояларни тарғиб этиш эгаллади. Натижада асрлар давомида инсон ақлий салоҳиятининг юксак чўққиси сифатида қараб келинган фалсафанинг жамият тараққиёти, инсон билимлари, маънавияти юксалишидаги ўрни, аҳамияти торайиб қолди.

Мустақил тараққиётимиз яратган шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятлар фалсафага умуминсоний қадрият сифатида ёндашиш, жамият тарихида шаклланган барча фалсафий таълимотларни бир-бири билан узвий боғланган маънавий жараён сифатида қараш, Шарқ фалсафаси, жумладан, Ўрта Осиё ҳалқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихи ва анъаналарини чўқур ёритиш, ҳалқимизнинг ҳозирги кундаги мустақил тараққиёти, истиқболи билан боғлиқ бўлган назарий, амалий муаммоларини холисона урганиш ва умумлаштириш зарурриятини юзага келтирди.

Фалсафий мерос ва қадриятларни урганишда миллий, минтақавий маҳдудлик ва калондимоғликка бери-

лиш илмий, маънавий заифликнинг белгисидир. Барча фалсафий таълимотлар оламни билиш, фан ва амалиёт ютуқларини илмий умумлаштиришнинг бир-бири билан боғланган турли йуллари ва усуллари дир. Табиат, жамият, инсон ва унинг маънавияти таҳлили тарихида уларнинг үзига хос урни ва аҳамияти бор. Шу сабабли материализм ва идеализмни бир-бирига қарама-қарши кўйиш, уларни прогрессив ва реакцион синфларнинг мағкураси, дунёқараши сифатида таърифлаб, бирини ижобий, иккинчисини салбий деб баҳолаш илмий тафаккур мезонларига зиддир. Фалсафа конкрет тарихий даврларда, шароитларда турли даражада ривожланган яхлит фан ҳисобланади. Фалсафа инсон билимларининг оддий йигиндиси эмас, балки уларни ақлий умумлаштириш асосида шаклланган хulosалар тизими-дир. Инсон фалсафий тафаккур орқали уз моҳиятини, борлиқдаги урнини англайди, авлодлар қолдирган мерос, узининг, уз даврининг амалий, илмий ютуқларини фалсафий умумлаштириб оламни бир-бири билан боғланган, тараққиётда булган жараён сифатида англайди, истиқбол режаларини белгилайди. Фалсафа тафаккур маданияти, инсоният ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиёти тарихининг умумлашган ифодасидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек «узликни англаш тарихни билишдан бошланади».¹

Инсон маънавий камол топиб, жамият, фан ва техника ривожланиб боргани сари фалсафий умумлашмаларга булган эҳтиёж ҳам кенгаяди, чуқурлашади. Бу эса фалсафага янгича, ижодий ёндашиш заруриятини келтириб чиқаради.

Фалсафага янгича ёндашиш — инсониятнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган, инсон ақли-заковатининг етук маҳсули бўлган фалсафий мерос ва қадриятларни чуқур, холисона ўрганиш, уларни давримизнинг долзарб муаммолари билан боғлаб ривожлантириш, мустақил Ўзбекистон тадрижий тараққиётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммоларини яхлит таҳлил қилиш, кишиларнинг янги дунёқарашини шакллантиришдир.

Янги фалсафа, биринчидан, барча фалсафий таълимотларни уз ичига олиб ўрганиши; иккинчидан, турли

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ» нашрийатмабаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 5-бст.

хил дунёқарашлар ва фикрлар хилма-хиллигига, хур-фикрлиликка асосланиши; учинчидан, миллий заминга, умуминсоний қадриятларга таяниши; туртинчидан, мустақиллик муаммолари таҳлилини ўзининг бош мақсади деб билиши, синфиийлик ва партиявиийликни ҳамда ақидапараастликни бутунлай рад этиши билан аввал амалда булган марксча фалсафадан тубдан фарқ қилиши лозим.

Янги фалсафа инсоният тарихий тараққиёти давомида яратилган маънавий маданиятнинг узвий таркибий қисми, инсоннинг ўзига ва борлиққа булган муносабати ҳақидаги қарашларининг бир бутун тизими бўлмоғи, инсон камолотига ва бутун жамиятнинг ижтимоий, маънавий юксалишига хизмат қилмоғи зарур.

Ҳар бир даврнинг маънавий камолоти даражаси унинг фалсафий ғоялари тизимида ўзининг аниқ ифодасини топган ва топмоқда.

Фалсафий қадриятлар давлатлар, ҳалқлар ва миллатлар уртасидаги узаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бирлик ва тотувликни таъминлашга, комил инсон шахсини тарбиялашга, мустақилликни янада мустаҳкамлашга, ёшлиаримизда янгича, эркин, ижодий тафаккур салоҳияти шаклланишига, фан ва маданият тараққиётига илмий методологик замин бўлмоғи керак. Бу вазифаларни у минглаб йиллар давомида шаклланган, миллий, ҳудудий, диний чегаралар билан чекланмаган, ҳаёт синовларидан муваффақиятли утиб сайқалланган умуминсоний фалсафий қадриятларга таяниб бажариши мумкин.

Фалсафанинг юқорида баён қилинган моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу уқув қулланмаси Олий уқув юртлари талабалари учун ёзилди.

Уқув қулланмаси фалсафага янгича ёндашиш борасида қўйилаётган илк қадамлардандир.

Фалсафа совет тоталитар тузуми даврида энг кучли деформацияга учраган фанлардан биридир. Шу сабабли унинг муаммоларига янгича ёндашиш ҳам умуминсоний фалсафий мерос ва қадриятларни холисона урганиш асосида аста-секин амалга ошади. Бундан кейин тайёрланадиган ҳар бир дарслик, уқув қўлланмаси ушбу муаммони қадамба-қадам түгри ҳал этиб боришга имкон беради, деб умид қиласиз. Фалсафа муаммоларини ҳал этишда вақтингчалик эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмай, сабр-тоқат, ақл-заковат билан бамаслаҳат, холисона йўл тутмоқ керак. Фалсафани сиёсатга мос-

лаштиргандан кура сиёсатни илмий фалсафий қадриятлар билан кенгроқ боғлаш жамият ва инсон тафаккури тараққиёти учун фойдали булади. Фалсафани тор синфий, сиёсий мақсадларни, авторитар гояларни оқлаш ва асослаш қоролига айлантириш ҳеч қачон ижобий натижа бермаган, бермайди ҳам.

Құлланманинг нашр этилиши, унда үргага қуйилған мавзулар мұхқама қилиниши Олий үқув юртларида фалсафа фанининг үқитишнинг яна ҳам такомиллашган режаларини тузишга имкон беради.

Ушбу үқув құлланмасини яратында Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлари фалсафа кафедраси аъзолари, Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходимлари ва бошқа Олий үқув юртларида ишлайдиган олимлар иштирок этдилар.

Үқув құлланмаси бүйича ўз фикр ва мұлоҳазаларини билдирган ҳамкасб дүстларга беҳад миннатдорчилік билдирамиз. Фалсафа бүйича давримиз талабларига мос келадиган янги дарсліклар ва үқув құлланмалари яратыш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Фалсафа умуминсоний қадрият сифатида ёшларнинг янги дунёқараши шакланишида, илмий, ижодий тафаккур салоҳияти ривожланишида катта аҳамият қасб этади. Бу эса жамият тараққиёти маънавий омиллари мустаҳкамланинг асосий шартларидандыр.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ижтимоий-гуманитар фанларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти устида алоҳида тұхтаб қуйидаги фикрларни айтган эди: «Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратып бериш, эртанги кунимизнинг йуналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатып беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йуқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олга силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим».¹

Бу фикрлар фалсафа фани учун ҳам методологик аҳамиятта эга.

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йуқ. Т., «Шарқ» нашириёт-матбаа концерни Баш таҳририяти, 1998, 25-бет.

I Б ў л и м .

ФАЛСАФА, УНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА, ИНСОН МА ННАВИЙ ҚАМОЛОТИДА ТУТГАН ӮРНИ

«Фалсафа» атамаси асли қадимги юонон тилидан олинган «филио» (севмок) ва «софос» (донишмандлик) сўзларининг бирикувидан иборат бўлиб, унинг луғавий маъноси — «донишмандликни севиш», демакдир.

Абу Наср Форобий ҳам үзининг «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши ҳақида» деб номланган асарида «фалсафа» атамасининг юонон тилидан келиб чиқсанлигини таъкидлайди.

Жамият маънавий тараққиётининг дастлабки даврларида фалсафа инсоннинг олам ҳақидаги барча билимларини ўз ичига олган. Кейинроқ, фалсафа кенгроқ мазмунга эга бўлиб, мустақил фан сифатида шаклланади ва ривожланади. У табиат, жамият ва инсоннинг моҳияти ҳақидаги энг умумий билимларни ўзида ифодалаб, инсонни борлиққа бўлган муносабатининг методологик асосларини белгилаб беради, табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий муаммоларини ўрганади ва фалсафий дунёқарашни шакллантиради.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодалайдиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламдаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, мавхумлаштириб, узаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиб, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тулароқ билишдир. Фалсафа фанлар ичидағи фандир, тафаккур маданиятидир.

Кишилар қадим замонлардан бошлаб борлиқ, дунё, табиат нима, улар қандай тузилган, борлиқнинг асосида нима ётади, инсоннинг узи нима, у дунёга қандай қарайди, каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб келганлар. Фалсафий тафаккур инсоннинг ўз-узи-

ни англашидан бошланади, унинг олам ҳақидаги билимларини умумлаштириш асосида ривожланиб боради. Ватандошимиз, шарқда машхур бўлган файласуф Азизиддин Насафий шундай деган: «Эй дарвеш, улуғ оламнинг аввалу охири, зохиру ботини, моҳият ва шаклларини англаб етиш учун үзингнинг моҳиятингни, зохир ва ботинингни англаб еткин. Бундан бошқа йул йўқ»¹.

Инсон билишининг объекти бўлган олам чексизлиги сабабли, бу саволларга жавоб бериш имконияти ҳам чексиздир. Бу саволларга жавоб излаш бизнинг кунларимизгача давом этиб келмоқда, бундан кейин ҳам давом эта беради.

Бугунги кунда бу масалалар қаторига яна бошқа муаммолар келиб қўшилмоқда. Инсоният ўзи вужудга келтирган цивилизацияни сақлаб қола оладими, инсониятнинг йул қўйган хатоларидан келиб чиқаётган умумбашарий муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкин, инсониятнинг келгуси тараққиёт истиқболи қандай бўлади, деган саволлар ҳам шулар жумласидандир.

Бу муаммолар ҳар доим инсон ўзи яшаб турган дунёни тўғри билишини, ўзининг дунёдаги ўрнини тўғри белгилашини, жамият тараққиётининг истиқболини туғри тасаввур қилишини талаб қилади. Кишилар бу муаммоларни ҳал қилиш учун фалсафий фикр юрита бошлайдилар. Кишилар борлиқни ва унга бўлган ўзларининг муносабатларини ўргана бориши, уларнинг ўз турмуш тажрибалари асосида онгли ва онгсиз равишда ҳосил қила борган тасаввурлари ва қарашлари мияларида қайта ишланиб, ўзига ҳос турли хил дунёқарашни ҳосил қилади.

1. ДУНЁҚАРАШ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, СТРУКТУРАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дунёқараш тушунчасини турлича изоҳлаш, тушунтириш ва таърифлаш мумкин. Дунёқараш — бу, аввали, инсон ўзини ва дунёни зарурий равищда англаши, тұмғуниши, билиши ва баҳодлаши натижасида юзага келган хulosалари, билимлари асосида шаклланган умумлашмалар тизимиdir. Бу жиҳатдан дунёқараш дунёning инсон онгидаги ўзига хос инъикоси булиб,

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ, Форсийдан Нажмиддин Комилов таржимаси. Т., «Камалак», 1995, 5-бет.

инсон ўз-ўзини ва дунёни англашининг алоҳида шаклидир. Дунёқараш, шу билан бирга, инсоннинг ўзига ва уни куршаб турган борлиқда бўлган муносабатларини ифодалайдиган муайян кўникмалари, малакалари, билимлари, ҳамда дунёни амалий ва назарий ўзлаштириши ҳамдир. Хуллас, у инсоннинг дунёни сезиши, идрок этиши, тасаввур қилиши, тушунишидан тортиб, унинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилаши, ўзини ва дунёни ўзгартиришининг умумий маънавий заминлари ҳамдири

■ Дунёқараш ижтимоий-тарихий характерга эга. Бу жиҳатдан ҳар бир даврнинг, ҳар бир авлоднинг, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос дунёқараши мавжуд. Шунга кўра дунёқараш ўзига хос алоҳида, маҳсус ва умумий хусусиятларга эга булади

Дунёқарашнинг ижтимоий ўз-ўзини англаш сифатидаги хусусияти шуки, у муҳим ҳодиса ва воқеаларга кишиларнинг ўз ҳаётий мақсад ва манфаатлари асосида, уларнинг шахсий ёки ижтимоий мавқеларидан келиб чиқсан ҳолдаги муносабатларининг ифодаланишидир. Шунга кура дунёқараш инсоннинг дунёни кундалик онгда акс эттиришигина бўлмай, балки уни қайта ўзлаштириши натижаси сифатидаги билимлари ҳамдир.

■ Дунёқарашнинг ўзига хос маҳсус хусусияти шуки, унда мифология, дин, фалсафа, фан, сиёsat, хуқуқ, санъат, ахлоқ ва шу каби ижтимоий-маънавий ҳодисалар мужассамлашган ҳолда инъикос этган булади. Шуннинг учун дунёқараш инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англаши йулидаги бир бутун қарашларининг йигиндиси деб эмас, маънавий фаолиятининг маҳсус бир шакли сифатида ҳам қаралади.

Дунёқарашнинг умумий хусусияти шуки, у инсонни дунёни ва ўзини англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаш усули булиши жиҳатдан унинг ҳар қандай моддий ва маънавий фаолиятида ўз ифодасини топади.

Дунёқарашнинг таркибига борлиқнинг оддий ҳиссий ва ақлий инъикоси сифатида ҳосил бўлган сезги, идрок ва тасаввурлардан тортиб, назарий тафаккурда мантиқий жиҳатдан қайта ишланиб ҳосил бўлган мифологик, диний, фалсафий, сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, эстетик, бадиий ва илмий билимлар, нуқтаи назарлар, ишонч ва эътиқодларнинг барчаси киради. Дунёқараш, шу билан бирга, кишиларнинг кундалик турмушидаги оддий ҳаётий-амалий малака ва кўникмаларини, улар-

нинг билиш ва баҳолашга оид йул-йўриқлари, ишонч ва эътиқодлари, ният ва мақсадларини, идеал орзу ва умидларини, хуллас, амалий ва илмий билимларининг жамини ўз ичига олади. Дунёқарааш уз ичига яна кишилардаги хурофий, афсонавий, файри илмий нуқтаи назарларни, салбий, реакцион қарашларни ҳам олади. Дунёқарааш юқоридаги санаб ўтилганларнинг оддий йифиндиси бўлмай, балки уларнинг мантиқий бирлигидир. Дунёқараашга кирган бу элементларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга булиши билан бирга, унинг таркибида бир бутунликни ҳосил қиласди ва умумий бир мазмунни ифодалайди.

Ҳар бир киши ҳаётий фаолияти жараёнида улғайиб бориши билан унинг муайян дунёқараши ҳам шаклланниб, таркиб топа бошлайди. Унинг маълум бир барқарор шаклга келиши билан инсон шахс сифатида курина бошлайди. Акс ҳолда шахс була олмайди. Муайян жамият доирасидаги дунёқараашлар мажмуаси унинг эътиқодини ташкил этади.

Дунёқарааш ўзига хос ворислик ва давомийликка ҳам эга. Тарихда босиб ўтилган ҳар бир даврда яшаган авлодлар томонидан ҳосил қилинган дунёқараашни танқидий ўрганиб, уларнинг муҳим, ижобий томонларини ўзлаштириб олиш жуда муҳимдир. Утган авлодлар томонидан яратилган дунёқараашлар ҳар бир янги авлод дунёқарашининг шаклланишида маънавий заммин вазифасини бажаради.

Умуман, дунёқарааш — инсониятнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажақдаги ҳаёти шароитларининг англаб олинган қадриятлари тизимидан иборатдир. Дунёқарааш кишиларнинг турмуш тарзлари ва ҳаётий мавқеларини, уларнинг ахлоқ-одоб меъёрларидан тортиб бир бутун маданияти ва маънавиятигача булган барча жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Шу сабабли дунёқараашда бутун инсоният ҳаётига оид маънавийликдан баҳрамандлик, инсоният ҳаётининг мазмунини англаш тажрибаси жамулжам булиб, унинг тараққиётида доимо эскириб қолган нималардандир воз кечиш, нималарнидир авайлаб асраш ва янги пайдо бўлган тасаввурлар, қарашлар ва билимларни қабул қилиб олиб, уларни янада ривожлантириб бориш муҳим ўрин тутади.

Жамият ривожланиб бориши билан инсоннинг амалий ва назарий билиш фаолияти, хуллас, бир бутун дунёқараши ҳам такомиллашиб боради. Инсоният та-

рихига назар ташлар эканмиз, унинг дунёқараши, яъни, дунёни юзаки, содда, чекланган тушунишдан бошлаб, узининг мифологик, диний ва фалсафий босқичларига томон ривожланиб борганилигининг гувоҳи буламиз. Шу асосда дунёқараашнинг тарихий шакллари вужудга келади.

2. ДУНЁҚАРАШНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ

Жамият тараққиёти билан инсоннинг амалий ва назарий билиш фаолияти ҳам ривожланиб бориб, дунёқараашнинг янги-янги тарихий шакллари пайдо булади. Бунда дунёқарааш оддий, кундалик онгдан, тортиб мифологик, диний ва фалсафий дунёқараашларга томон ривожланиб боради. Мифологик, диний ва фалсафий дунёқараашлар дунёқараашнинг тарихий шаклларини ташкил қилиб, улар бир-биридан фарқ қиласди.

a) Мифологик (афсонавий) дунёқарааш.

Мифологик дунёқарааш ижтимоий тараққиётнинг бошланғич босқичларига хос бўлиб, инсон дунёни тушунишининг узига хос оддий усули, яъни хаёлий инъикоси сифатида пайдо бўлган.

Мифологик дунёқарааш воқеликнинг хаёлий инъикоси сифатида асосан қадимги давр кишилари учун характерлидир. Бу дунёқарааш уз ифодасини күпроқ қадимги даврларда яратилган нақлларда, ривоят ва афсоналарда топган. Бу ривоятлар ва афсоналар ижтимоий тараққиётнинг дастлабки давларида, унинг турли босқичларида пайдо булиб, уларда тасвирланган образлар афсонавий қаҳрамонлар, худолар, ёвуз кучлар булишган. Қадимги кишилар бу афсона ва ривоятларда табиат ва жамиятнинг турли ҳодиса ва воқеаларини умумлаштириб, уларни хаёлий шаклларда тасвирлаганлар. Бу билан уларга булган муносабатларини билдиригандар ва олам ҳақидаги қарааш ва тасаввурларини тартибга туширишга ҳаракат қилганлар.

Мифологик дунёқараашнинг хусусияти шуки, унда ҳамма нарса ва ҳодисалар бир-бирининг иштирокчиси сифатида тасвирланади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатларини иккинчи хил буюмларга бемалол кучириш мумкин булади. Мифологик дунёқараашда табиат кучлари алоҳида жонли вужудлар кўринишида жонлантириб тасвирланади. Мифологияда бир хил нарсаларнинг хоссалари иккинчи хил нарсаларга бемалол кўчирилганилиги сабабли, у хаёлотга кенг йўл

очиб беради. Натижада, унда тасвиrlанган образлар ҳар қандай узгаришлар қилиши ва жасоратлар курсатиши мумкин булади.

Ҳар бир халқда ўзининг узоқ тарихий утмишига оид жуда күп ривоятлар ва афсоналар мавжуд. Уларда бу халқнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш ва тафаккур тарзлари, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий муносабатлари хаёлий тарзда акс эттирилади, улар афсонавий қаҳрамонлар қиёфасида ёвуз кучларга қарши кураш олиб борадилар. Оқибатда, бу курашларда доимо адолат ва ҳақиқат тантана қиласди. Бундай ривоятлар ва афсоналар дастлабки пайтларда халқ оғзаки ижоди на-муналарида, кейинчалик ёзувнинг пайдо бўлиши билан тараққий этган халқларда ўзига хос адабий-бадиий асарларда ўз ифодасини топади. Буни биз Ўрта Осиё халқларининг афсона-асотирларида ҳам яққол курамиз. Қадимги Ўрта Осиё халқлари яратган купчилик афсоналар ва ривоятларга яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат ўртасидаги кураш характерлидир. Уларда айтилишича, гўё табиатда Қуёш ва Сувдан иборат улуғ ва яратувчи кучлар, ҳамда зулмат ва кулфатдан иборат оғат келтирувчи кучлар бор эмиш. Бу икки қуч — икки олам сифатида доимо бир-бири билан курашади. Масалан, «Авесто» тарихий ёдгорлигига айтилишича икки олам — яхшилик ва ёмонлик оламлари булиб, яхшилик оламига Ахура Мазда (Хурмуз), ёмонлик оламига Ангра Маню (Ахриман) бошчилик қиласди. Ер юзи уларнинг курашлари ва тўқнашуви майдонига айланади. Ниҳоят, яхшилик (Нур) ёмонлик (Зулмат) устидан фалаба қозонади.

Умуман, мифологик дунёқарашда ифодаланган ривоятлар ва афсоналар уз мавзулари жиҳатдан турли тумандир. Уларнинг баъзилари дунёнинг пайдо булиши, унинг тузилиши, табиат ва жамият ҳодисаларининг юз бериши, дунёнинг бошқарилиши, ундаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари, боғланишларига оид булса, иккинчи хиллари эса инсоннинг пайдо булиши, яшаши, ҳаёти, дунёдаги ўрни, ишлари, табиат кучлари билан олиб борган курашлари, маънавий камолат сари интилишлари, ниҳоят, унинг ўлиши ва шу кабиларга бағищланган. Шундай қилиб, ривоят ва афсоналар қандай мавзуга ва қандай соҳага оид бўлмасин, барибир улар афсонавий онг даражасидаги қадимги-ибтидоий жамият кишилари қарашларининг асоси бўлган мифологик дунёқарашни ифодалайди. Бу дунёқараш қадимги дунё кишиларининг ўша даврга хос

дунёни ўзларича тушуниши, идрок қилиши, уни изоҳлаши ва баҳолаши сифатида турли вазифаларни бажарган. Бу дунёқарашда интеллектуал момент аниқ эмоционал, ҳиссий, поэтик, метафорик ҳолатларда ифодаланганлиги туфайли, инсонни қуршаб турган дунёдаги нарса ва ҳодисалар инсоний сифатлар ва хусусиятлардан келиб чиқиб баҳоланади ва тушунилади. Шу жиҳатдан образли қилиб, мифологик дунёқарашни инсониятнинг гўдаклик дунёқарashi, дейиш мумкин. Инсониятнинг гудаклиги ривожи натижасида мифологик дунёқарашдан дунёқарашнинг янги тарихий шакллари: диний ва фалсафий дунёқарашлар келиб чиқади.

б) Диний дунёқараш.

Дунёқарашнинг иккинчи тарихий шакли — диний дунёқарашдир. Диний дунёқараш — оламдаги воқеа ва ҳодисалар сабабларини илоҳий кучлар, олдиндан белгиланган мақсадлар билан боғлаб тушунишдир.

Мифологик дунёқарашда барча ҳодиса ва воқеаларнинг сабаби афсонавий кучлар ҳисобланса, диний дунёқарашда уларнинг ўрнини турли динларга хос бўлган худолар ва илоҳий құдратлар олади. Диний дунёқараш ҳам инсоннинг олам моҳиятини билишидаги ўзига хос бир йўл, бир босқичдир. Диний дунёқарашнинг шаклланиб бориши билан дин келиб чиқади.

Дин воқеликни ўзига хос акс эттирувчи ижтимоий ҳодисадир.

Диний дунёқарашнинг муҳим жиҳатларини диний туйғу, диний ақидаларга ишониш, сифиниш, диний эътиқод ва шу кабилар ташкил қиласи.

Диний дунёқарашнинг бошлангич элементи — бу диний туйғудир. Диний туйғу — бу кишиларнинг табаррук ва азиз, деб тасаввур қилинадиган мавжудотларга, муқаддаслаштирилган буюмлар, шахслар, жойларга, бир-бирларига, ўз-ўзига, шунингдек, илоҳий мазмунда талқин этилган табиат ва жамият ҳодисалирига муносабатларида пайдо бўладиган ҳиссиётдир. Диний туйғу тугма бўлмайди, у киши ёки кишилар яшайдиган ижтимоий ва руҳий шарт-шароитлар асосида вужудга келади. Диний туйғу кишидаги ҳис-ҳаяжон, кечинма, руҳий ҳолат билан боғлиқ булади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай ҳис-ҳаяжон, руҳий кечинма диний туйғуни туғдиравермайди. Бу ҳис-ҳаяжон ва руҳий кечинмалар қачонки маълум диний тасаввурлар, диний ғоялар ва қарашлар билан қўшилиб, маълум йўналиш, маълум маъно касб этган тақдирдагина диний

туйғуга айланади. Бу жиҳатдан диний туйғу ҳам уз физиологик асослари ва руҳий хоссаларига эга. Кишиларнинг турли ҳиссиётлари: күрқиши, даҳшатга тушиш, шодлиги, завқланиши, умиди ва умидсизлиги, муваффақият ва мағлубият каби ҳолатлари уларнинг диний тасаввурлари ва тушунчалари, диний ғоялари ва қарашлари билан қушилиб, маълум маъно ва мазмун касб этгандан кейингина диний туйғуга айланади.

Диний дунёқарашнинг иккинчи элементи — бу диний ақидалардир. Диний ақидалар ўз мазмуни билан дунё ва ундаги воқеа-ҳодисаларни илоҳий эътиқод асосида тушуниш билан боғланган тасаввурлар ва тушунчалардир. Масалан, бундай ақидаларнинг намунаси сифатида ислом динининг суннийлик мазҳабида шаклланган иймон талабларига оид ақидаларни кўриб чиқиши мумкин. Улар: Оллоҳнинг ягоналиги, фариштадарнинг мавжудлиги, диний китобларнинг муқаддаслиги, пайғамбарларга ишониш лозимлиги, охиратнинг борлиги, тақдирнинг илоҳийлиги, ўлгандан кейин қайта (қиёмат куни) тирилиш мумкинлигидир.

Диний дунёқарашнинг навбатдаги элементи — бу бирон буюмга, нарсага, ҳайвон ёки дарахтга, кишига ёки, ниҳоят, худога сифинишдир. Сифиниш содда ёки мураккаб булиши мумкин. Сифинишнинг содда кўриниши — кишиларнинг кундалик ҳаётида илоҳий кучларга тоат-ибодат қилишидир. Сифиниш диний тасаввурлар ва ғояларни ифода этувчи, илоҳий кучларга, илоҳий объектларга қаратилган, якка ёки жамоа булиб бажариладиган рамзий хатти-ҳаракатдир. Масалан: таъзим қилиш, тиз чукиш, сажда қилиш, бош эгиш, қул қовуштириш, чуқиниш, тоат-ибодат қилишлар сифинишнинг содда кўринишларидир. Номоз үқиши, Куръон үқиши ва үқитиши, курбонлик ва худойи қилиш, диний байрамларни низонлаш сифинишнинг мураккаб шаклларидир. Сифиниш билан кишидаги руҳий эҳтиёж қондирилади.

Сифиниш диний эътиқод билан чамбарчас боғлиқ. Диний эътиқод диний дунёқарашнинг энг муҳим элементи булиб, у гайри табиий кучлар ва илоҳий мавжудотларга, диний тасаввур ва тушунчаларга, диний ғоялар ва қарашларга сузсиз ишонишдир. Диний эътиқод диний туйғуни, динга ва худога ишонишни, дин муқаддас, деб қарайдиган нарсаларга сифинишни келтириб чиқаради. У диндор кишиларнинг ҳис-туйғуларини, уларнинг руҳий кечинмаларини, хулқ-атворларини белгилаб беради. Диний эътиқод динга ишонувчи ки-

шиларнинг бутун ҳиссий ва ақлий-интеллектуал жиҳатларини қамраб оловчи маънавий ҳодисадир. Диний эътиқоднинг диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, муҳокама қилмасдан, ҳақиқатлигини амалда текширмасдан ишониш лозим бўлган талаблари мавжуд бўлади. Бу — мутаассибликдир. Хуллас, диний дунёқарааш борлиқни, табиат ва жамиятни, инсонни, унинг онги ва тафаккурини илоҳий кучлар ва шу кабиларнинг ҳоҳиши-иродасига ва куч-қудратига боғлаб тушунтиради ҳамда шу асосда дунёнинг ўзига хос илоҳий-руҳий манзарасини яратади.

Илоҳий кучларга, файри табиий нарсаларнинг қудратига ишониш, илоҳий шахсларга сифиниш кишилар онгига аста-секин худо ҳақидаги тасаввурнинг пайдо булишига олиб келади. Худо — деярли барча динларда ва диний таълимотларда бош объект бўлган олий илоҳий қудратдир, кучдир. Барча диний таълимотларда худо ўз хоҳишига кўра дунёни — бутун борлиқни, унинг барча кўринишларини яратганлиги ва идора қилиши айтилади. Худони ута такомил топган, мукаммал, олий ва файри табиий илоҳий куч сифатида қарааш диний дунёқараашнинг асосий белгисидир. Диний дунёқараашнинг шаклланиши ва тараққиёти худо туғрисидаги диний таълимот — илоҳиёт (теизм)ни вужудга келтиради. Илоҳиётда «худо» тушунчалиги фақат диний тушунча булмай, балки фалсафий тушунчага ҳам айланади. Худо тушунчалиги илоҳиётда барча нарсаларнинг ижодкори, адолат ва ҳақиқатнинг олий тимсоли, ҳамма умуминсоний қадриятларнинг яратувчиси сифатида талқин этилади.

Диний дунёқараашнинг такомиллашиши натижасида кишилар ҳаётида ҳар доим учраб турадиган дунёвий муаммолар ҳам илоҳий тус олабошлайди.

Ниҳоят, диний дунёқараашга кўра бутун борлиқ олам, табиат, жамият, инсоннинг ўзи ҳам Худо томонидан яратилган, унинг ижоди маҳсули, ҳамма жойда ва ҳамма нарсада худонинг иродаси ҳукмрондир. Диний дунёқараашга кўра, дунё: «бу дунё» ва «у дунё»дан иборатдир. «Бу дунё» инсонлар вақтинча яшайдиган уткинчи, алдамчи дунёдир. «У дунё» эса инсонлар вафот этгандан кейин уларнинг руҳлари яшайдиган бирдан-бир ҳақиқий боқий ва абадий дунёдир. Шунинг учун инсон бу ёлғончи ва уткинчи дунё деб узининг «у дунё»сини унутмаслиги, «охират»ни ўйлаши керак, дейилади.

Диний дунёқараашда худодан құрқиши, худоғазабидан сақланиш ҳам мұхим үрин тутади. Худодан құрқиши — бу диний ақидаларни, диний принциптер ва қараашларни бузғанлиги учун олий буюк зот — Худонинг гуноңкор инсондан ўч олишига ишониш билан бөглиқ ҳис-туйғудир. Диний таълимотларда айтилишича, диний ақидаларга, диний тамойилларга заррача бұлсада хилоф иш қилиш, худога шак келтириш инсонға охиратда дұзах азобини беради. Бу ҳам дунёвий муаммоларга үзігін хос ёндашишга йул очишининг инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги, инсоннинг ҳис-туйғу, қувонч ва ташвишларига, ишонч ва умидларига бевосита алоқадорлығы, әзтиқодға устун даражада әзтиборини қаратиши билан дунёқараашнинг бошқа типларидан ажралиб туради.

Афсонавий, диний дунёқараашни фалсафий дунёқараашдан бутунлай ажратиб ташлаб булмайды. Улар инсон тафаккури салоҳиятининг бир-бири билан боғланған шаклларидир, босқичларидир.

Мустақил Ўзбекистонда динга нисбатан янгича мұносабат шаклланды. Бу — динни инсон маънавий камолатининг мұхим таркибий қисми, омили, деб қараашдир. Қуръони Карим, ҳадислар, шариат қоидала-рида ўртага қўйилган ғоялар ҳозир ҳам комил инсон шахсини тарбиялашда катта аҳамиятта эга. Лекин динга, кишиларнинг әзтиқодига мұносабат Ўзбекистон Конституциясида белгиланған виждон эркинлиги мезонларига таянади. Республикализ Конституциясининг 31-моддасида бу ҳақда шундай дейилади: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга әзтиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга әзтиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қараашларнинг мажбуран сингдирилишига йул қўйилмайди».

Конституциянинг бу моддаси инсон маънавий камолати масалаларига адолатли, демократия асосларida ёндашишнинг ифодасидир. Диний дунёқарааш умуминсоний қадриятларнинг, дунёвий билимларнинг барча томонлари билан боғланганида жамият маънавий камолатига катта таъсир күрсатади.

в) Фалсафий дунёқарааш.

Дунёқараашнинг навбатдаги шакли фалсафий дунёқараашдир. Фалсафий дунёқарааш дунёни, борлиқни ақлий жиҳатдан умумлаштириб тушунтирувчи назарий қараашлар тизимиدير. У диний дунёқараашдан фарқли

равиша, инсоннинг ақлий-интеллектуал фаолиятига кўпроқ эътибор беради. Шу сабабли фалсафий дунёқарашига ҳар доим ҳур фикрлилик, фикрий теранлик каби хусусиятлар хосдир. Фалсафий дунёқарааш — бу аслида мантиқий таҳлил ва умумлаштиришлар, мантиқий муҳокамалар ва хулоса чиқаришлар, мантиқий исботлар ва раддиялар асосида назарий фикр юритишлар орқали дунёни, борлиқни тушуниш, тушунтириш, баҳолаш ва изоҳлашдир. Фалсафий дунёқарааш кўр-кўронга эътиқодлар, хаёлий образлар тўғрисидаги тасаввурлар ва тушунчаларга эмас, балки инсоннинг борлиққа муносабати тўғрисидаги эркин, танқидий ва айни вақтда умумий ақлий мушоҳадаларига, назарий умумлашмалигига асосланади. Фалсафий дунёқараашда инсон табиатнинг бир қисми сифатидагина эмас, балки алоҳида ўзига хос борлиқ сифатида қаралади. Фалсафий дунёқараашда «ташқи» ва «ички» дунёлар, «табиий борлиқ», «инсоний борлиқ»лар бир-бирларидан фарқ қилинади. Инсонни қуршаган ҳодисалар дунёси, яъни «ташқи» дунё, инсоннинг онгига таъсир қиласди, унда акс этиб, инсон маънавий дунёсини ташкил этади. Бу «ташқи» ва «ички» дунёлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ ва айни вақтда улар бир-бирларидан фарқ қиласди. Улар ўргасидаги муносабатлар фалсафий дунёқарааш мазмунини ташкил қиласди. Хуллас, дунёқарааш тизимида фалсафий дунёқарааш энг ривожланган, маълум даражада мукаммал дунёқарааш ҳисобланади. Бир бутун борлиқнинг турли кўринишлари: табиат, жамият, инсон, унинг онги, моддий ва маънавийликни ўзида назарий жиҳатдан умумлаштириб акс эттирувчи умумий тушунчалар тизими фалсафий дунёқараашни ташкил этади ва унинг куламини белгилаб беради. Фалсафий дунёқарааш бошқа дунёқараашларнинг муҳим умумий томонларини ўз ичига олади.

Фалсафий дунёқарааш шаклланиши ва ривожланишига афсонавий (асотирий), диний дунёқараашнинг таъсири булганини инкор этиб бўлмайди.

Фалсафий дунёқарааш доимо инсоннинг муайян мақсадга қаратилган, амалий ва назарий фаолияти билан уйғунлашган энг умумий тушунчаларида ифодаланади.

Фалсафий дунёқараашнинг шаклланиши ва ривожланиши фалсафа фанининг пайдо булиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради. Зотан фалсафий дунёқараашнинг асосини фалсафий қарашлар ва тасаввурлар ташкил этади.

3. ФАЛСАФАНИНГ БАҲС МАВЗУСИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши фалсафий қарашларнинг ривожланиши билан боғлиқ булганидек, ўз ўрнида шаклланган дунёқарашибам фалсафий тафаккур тараққиётига самарали таъсир этади. **Фалсафа ижтимоий онгнинг назарий негизи сифатида узининг тамойиллари ва қоидаларини мантикий муҳокамалар, назарий умумлашмалар ва назарий хуносалар асосида ишлаб чиқади.** Шу тарзда фалсафа борлиқни бир бутун ва яхлит ҳолда умумлаштириб ўрганувчи назарий қарашлар тизимидан иборат.

Фалсафа фан сифатида бундан 3 минг йил илгари қулдорлик тузуми даврида, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажрала бошлаган бир шароитда инсоннинг объектив борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари тўғрисидаги назарий билимлар тизими шаклида пайдо бўлади. **Фалсафанинг** пайдо булишида жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт муҳим роль ўйнайди. Чунки, фалсафа ижтимоий онгнинг алоҳида ўзига хос шакли сифатида жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ булиб, **ударни ўзида** акс эттиради.

Фалсафа жамиятнинг ижтимоий эҳтиёж ва манфатлари, ғоявий-сиёсий қарашлари, умуман, унинг моддий ва маънавий ҳаёти билан алоқадор булиб, ижтимоий борлиқни акс эттиради ва ўз ўрнида унга фаол таъсир кўрсатади, ўзининг тамойиллари, қонун ва категориялари орқали янги ғоя ва назариялар, ижтимоий идеаллар, маънавий қадриялар шаклланишига ёрдам беради.

У фан сифатида борлиқни, яъни табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури тараққиётининг энг умумий муаммоларини ўрганади.

Фалсафий билимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг таркибиға қўйидагилар киради: а) онтология — борлиқ ҳақидаги қарашлар; б) социология — жамият ҳақидаги қарашлар; в) гносеология — борлиқни билиш муаммолари; г) логика — инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимлари. Шунингдек, ахлоқийлик ва гузаллик ҳақидаги билимлар тизимини ўз ичига оладиган этика ва эстетика ҳам фалсафий билимлар қаторига киради.

Фалсафа фан сифатида юқоридаги билимлар билан боғлиқ булган барча муаммоларни ўз ичига олади, у

бир бутун борлик тараққиётининг энг умумий томонларини муайян фалсафий тамойиллар, қонунлар ва категорияларда ифодалайди. ✓

Фалсафа пайдо булиши билан мантиқий муҳокамалар, таҳлиллар, ақдий хулоса чиқаришлар ва исботлар асосида афсонавий ва диний қарашлар назарий жиҳатдан қайта ишланиб, уларга илмий мазмун берила бошлайди. Шу асосда улардан фарқ қиласидиган мустақил фан таркиб топа бошлади. Бу фан дунёга, унда юз берадиган воқеа ва ҳодисаларга, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрнига бўлган муносабатларни ўрганадиган билимлар тизими сифатида пайдо бўлади. Фалсафий қарашларнинг ривожланиб бориши фақат мифологик ва диний қарашларни ўзгартириб қолмасдан, балки оддий кундалик онгнинг ҳам чегараларини бузиб, маданиятнинг қимматли ютуқларини ўзида мужассамлаштирувчи маънавият соҳасининг бир тури — умумисоний қадриятлар тизимига айланиб боради.

Фалсафанинг пайдо булиши қадимги дунё ҳалқарининг маънавият соҳасидаги юксалишида янги бир босқич бууди. Унинг пайдо булиши билан фалсафий тафаккур дунё ҳақидаги кўпдан-кўп маълумотларнинг оддий фикрий йигиндисидан иборат булмай, балки дунё, борлик уз асосига кура бир бутундир, инсон жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир, деган мантиқий муаммони ифодалай бошлайди. Фалсафа эса билимларнинг алоҳида, ўзига хос, «ҳамма нарсаларни бир бутун ҳолда олиб, уларнинг энг умумий муаммоларини ўрганувчи» билим соҳасини ифодалай бошлайди. Ана шу соҳанинг билимдонларини эса файласуфлар деб атай бошладилар.

Фалсафа фани фақат борлиқни бир бутун ҳолда олиб ўрганиш ва тушунтириш билан чекланмай, у инсоннинг ўзини ҳам бир бутун ҳолда олиб, унинг табиати ва мөҳиятини, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини, унинг ўз ҳаётини ақлга мувофиқ қилиб қуришга қаратилган мақсадларини, орзу-умидлари ва ижтимой идеалларини ҳамда эҳтиёжлари, манфаатларини ҳам ўрганади.

Маълумки, оламни, унда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг ҳолати ва ҳаракати, моҳияти ва табиатини бошқа фанлар ҳам ўрганади. Улар эришган ютуқлар бирликда инсоннинг дунё тўғрисидаги яхлит билимлари тизимини ташкил қиласиди. Ҳар бир фан дунёни турли томондан, турли усуслар ёрдамида ўрганади. Натижада, бу фанлар дунё ҳақида бир-биридан

фарқ қилувчи ва айни вақтда бир-бирини тұлдирувчи турли хил билимларни ҳосил қиласы.

Дунёни урганувчи турли хил фанлар тизимида фалсафа алоқида үзига хос ўринга эга. Бунинг сабаби шуки, фалсафа барча фанлардан фарқлы равишда, дунёни бир бутун ҳолда олиб, унинг эңг умумий томонларини, алоқадорлик ва боғланишларини кенг қамровли фалсафий умумлашмалар асосида очиб беради. Шу асосда у бир бутун дунё ҳақида, унда инсоннинг тутган ўрни ҳақида, инсоннинг дунёга ва үзига бұлган муносабатларига оид эңг умумий қонунлар, категориялар, принциплар ва усуллар тизимини ишлаб чиқади.

Фалсафа күп қиррали, умумий ижтимоий-маънавий билимлар тизимиدير. У ҳам фан, ҳам ижтимоий онгнинг алоқида назарий шаклидир. Фалсафа фан сифатида борлық, табиат, жамият, инсон, унинг тафаккури моҳияти ва тараққиётининг эңг умумий муаммоларини үрганади. Фалсафа ижтимоий онгнинг назарий шакли сифатида, жамиятдаги ижтимоий ва маънавий манфаатлар, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, илмий қарашлар, барча табиатшунослик, ижтимоий ва гуманитар фанлар билан — хуллас, жамиятнинг бир бутун моддий ва маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятнинг ижтимоий борлиги билан бевосита боғлиқ бұлган фалсафа ижтимоий онгга фаол таъсир күрсатади.

Тарихнинг турли даврларида фалсафа нима ва у нишани үрганади, деган саволларга турли мутафаккирлар турлича жавоб беріб келгандар. Бунинг үзига хос бир қанча сабаблари бұлган, албатта. Инсониятнинг ижтимоий амалиёти ва маънавияти ривожланиб бориши билан фалсафанинг баҳс мавзуси, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳам доимо үзгариб борган. Шу сабабли ҳар бир даврда борлиқни, табиатни, инсон ҳаёти ва жамиятни тушунишда турли хил фалсафий қарашлар пайдо булиб борган. Ижтимоий-тарихий даврларнинг турли босқичларыда фалсафа сиёсат, иқтисодиёт, фан ва маданият, санъат ва адабиёт, шунингдек, дин билан, хуллас, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бұлган. Айни вақтда унинг жамиятдаги роли үзгариб борган. Фалсафий қарашларнинг ривожланиб бориши жараёнида турли хил оқимлар ва йұналишлар келиб чиқади.

Динлар ҳам фалсафий тафаккурнинг үзига хос шакли, босқичидир. Шу сабабли муқаддас диний китобларда ҳам фалсафий фикрларнинг үзига хос маълум бир тизимини күрамиз.

Фалсафа тараққиётида муайян умумий назарий қарашларни ишлаб чиқкан мутафаккирларнинг бир қисми ўзининг эътиборини табиатга, уни тушунтириш ва изоҳлаб беришга қаратганлар. Бунга Лукреций Карнинг «Нарсаларнинг табиати тўғрисида», Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономик рисолалар», ал-Хоразмийнинг «Васая: аз-Зижжи мумтахана», Ж. Брунонинг «Оламнинг ва дунёning чексизлиги», Г. Галилейнинг «Дунёning икки системаси тўғрисида сұхбат», Дидронинг «Табиатни баён қилиш ҳақида фикрлар», П. Гольбахнинг «Табиат системаси», Ҳегелнинг «Табиат фалсафаси», А. Герценнинг «Табиатни үрганиш ҳақидаги хатлар» ва Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикаси» асарларини мисол қилиб курсатиш мумкин. Бу мутафаккирлар ўз асарларида Ер, Қуёш ва юлдузларнинг, хуллас, Коинотдаги жисмларнинг пайдо булиши, уларнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги космологик ва космогоник муаммоларни ёритишга уринадилар. Уларнинг фалсафий қарашлари марказида табиатдаги нарсаларнинг пайдо булиши, ривожланиши, емирилиши, бошқа нарсаларга айланиши, нарса ва ҳодисаларнинг биринчи асоси ҳақидаги фикрлар ётади. Ҳамма нарсанинг биринчи ибтидоий асосини қидириш, нарса ва ҳодисаларни ана шунга суюниб изоҳлаш, уларни бир бутунга бирлаштириб үрганишга интилиш — бу мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари моҳиятини ташкил этади. Уларнинг фалсафий изланишлари натижасида табиат фалсафаси майдонга келади.

Бир гурӯҳ мутафаккирлар диққатини инсон, инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни, унинг дунёда тутган ўрни, табиатга ва жамиятга бўлган муносабатлари муаммолари ўзига жалб қиласди. Улар инсон ҳаётининг маъноси ва мазмунини нима белгилайди, инсоннинг дунёдаги ўрни қандай, инсон дунёни била оладими, фалсафа инсонни қайси жиҳатдан үрганади?, каби саволларга жавоб излаганлар. Бу муаммолар ҳақида турли даврларда яшаган мутафаккирлар турли хил фикрлар юритганлар ва кўплаб асарлар ёзганлар. Бунга Арастунинг «Этика»си, Ибн Синонинг «ат-Тадобару манозил» (Давлатни бошқариш), Юсуф Хос Хожибининг «Кутадгу билик», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»лари, Амир Темурнинг «Тузуклар»и, Эразм Роттердамскийнинг «Христиан жангчиси қуроли», Т. Гоббснинг «Инсон табиати», Б. Спинозанинг «Илоҳий-сиёсий трактат» ва «Ақл камолоти ҳақида трактат»,

А. Гельвецийнинг «Инсон ҳақида», И. Кантнинг «Осмон умумий табиий тарихи ва назарияси», «Соф ақлни танқид»и, Ҳегелнинг «Рұх фалсафаси», Л. Фейербахнинг «Христианликнинг моҳияти» асарлари мисол була олади. Бу асарларнинг муаллифлари ўз давридаги илм-ған асосида инсоннинг бошқа мавжудотлардан туб фарқлари, моҳияти, ҳаётининг маъноси ва мазмуни, бу ёруғ оламдаги ўрни, ўлими ва абадийлиги каби муаммоларни ёритганлар.

Инсон билимлари орта боргани сари жамият, унинг моддий ва маънавий ҳаёти, ижтимоий муносабатлар, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий муаммолар ҳам мутафаккирларнинг эътиборини ўзига жалб қила бошлаган. Натижада, мутафаккир-файласуфлар бу соҳада ҳам тадқиқотлар олиб бориб, жамият ҳақида кўплаб асарлар яратадилар. Буларга Афлотуннинг «Давлат», «Қонунлар», Арастунинг «Сиёсат» асарини, Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси», «ас-Сийаса ал маданийа» (Сиёсат илми), Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Мискавайхнинг «Жаҳон халқлари тарихи», Мирзо Улуғбекнинг «Турт улус тарихи», Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя», Т. Гоббснинг «Гражданин түғрисида», Локкнинг «Қонунларнинг руҳи түғрисида», Ҳегелнинг «Тарих фалсафаси» ва «Ҳуқуқ фалсафаси», каби асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу асарларда, ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, бир бутун жамият, унинг моддий ва маънавий ҳаёти, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, унинг базиси ва устқурмасига оид назарий қараашлар ўргатга ташланади. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳодисаларнинг турли томонларини ўрганиш билан бирга,adolatli жамият ҳақидаги, тенглик ва озодлик ҳақидаги ғояларни ўргатга ташлаганлар.

Шундай қилиб, фалсафа инсоният маънавий маданиятининг мустақил бир соҳаси сифатида шаклланиб, унинг таркиб топиши узоқ давом этган.

Биринчи бўлиб фалсафани назарий билишнинг алоҳида бир соҳаси сифатида қараган файласуфлар — Афлотун ва Арастудир. Улар фалсафа деганда нимани тушунамиз ва у нимани ўрганади деган саволга: «Фалсафа — бу инсоннинг дунё ва ўзи түғрисидаги ҳамма билимларини ўз ичига олувчи фан»дир деб жавоб беришади. Буюк мутафаккир Абу Носир Форобий ҳам фалсафанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида шундай деган эди: «Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса,

шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-хужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввурлар пайдо булса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз».¹ Фалсафани бундай тушуниш ўз даври учун, унинг ривожланиш даражаси учун тўғри эди.

Кейинги даврларда ҳам фалсафа жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борди. Фалсафадан секин-аста айrim билим соҳалари ажралиб чиқа бошлайди. Бу жараён узоқ давом этиб, дастлаб фалсафадан математика, геометрия, астрономия (милоддан илгари II—I асрларда ва янги эранинг I—II асрларида), кейинчалик геология, геодезия, тиббиёт, фармакология (X—XIV асрларда), механика (XV—XVI асрларда), физика, кимё, биология, физиология (XVI—XVIII асрларга келиб), яна бир оз кейинроқ эса гуманитар ва ижтимоий фанлар (XVIII—XIX асрлар давомида) ажралиб чиқиши жараёни рўй берди. Фалсафадан ажралиб чиққан аниқ фанлар узларининг дастлабки босқичларида ҳали асосан фактлар тұплаш, уларни тартибга солиш ва умумлаштириш, маълум турларга, гуруҳларга ажратиш билан шуғулланади. Улар даставал табиат, инсон ва жамият муаммоларининг ҳар бир соҳасини алоҳида-алоҳида, бошқа соҳалар билан боғланмаган ҳолда ўргандилар.

XVI—XVIII асрларда фалсафанинг баҳс мавзуси дунёning турли томонларини алоҳида-алоҳида ўрганаётган аниқ фанлар уртасидаги алоқадорлик ва боғланышларни ўрганиш ва текширишдан иборат деб қарала бошлади. Шу туфайли бу давр файласуфлари барча аниқ фанларни яна қайтадан гуруҳ-гуруҳ қилиб бирлаштириб, инсон билимларининг ҳаммасини ўзида қамровчи фалсафий тизимларни туза бошлайдилар. Натижада, фалсафага фанларнинг фани, ёхуд фанлар қомуси сифатида қарала бошланади. Бунга Ҳегелнинг фалсафий системаси — табиат фалсафаси, тарих фалсафаси, руҳ фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси ва логикаси (мантиқ)ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Маълум системалардан иборат бўлган бу давр фалсафаси бошқа аниқ фанларга нисбатан «фанлар фани» даъво-

¹ Абу Носир Форобий. Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари. Т., «Камалак», 1993, 183—184-бетлар.

си билан майдонга чиқади. Ҳали табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурига оид билимлар етарли эмасди, шунингдек, улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғланышлар ҳам етарлича очилмаганди. Ҳали инсон билимларида чала жойлар кўп бўлган бир вақтда фалсафанинг «фанлар фани» даъвосини қилишга ҳақи бор эди. Чунки фалсафа бу даврда инсоният билимларидағи бу чала жойларни мантиқий мулоҳазалар йули билан тўлдира бошлаганди. Бу давр файласуфлари шу йўл билан дунёning турли соҳалари ўртасидаги алоқа ва боғланышлар, материянинг тузилиши ва хоссалари ҳақида башоратомуз фаразларни ўртага ташлай бошланган эдилар. Масалан, ўша давр файласуфларидан И. Кант фалсафанинг баҳс мавзуси ва унинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини биринчи бўлиб тўғри таърифлашга уринган эди. Бу давр фалсафасида кейинчалик илмий равишда тасдиқланган гениал гумонлар билан бирга, фанлар тараққиётига тўсқинлик қилган кўпгина уйдирмалар ҳам бўлган.

XIX асрнинг ўрталарига келганда, аниқ фанлар соҳаларида бир қатор илмий кашфиётлар қилинганлиги, табиат, инсон ва жамият ўзаро бир-бири билан алоқадорлигининг янги томонлари очилиши натижасида борлиқнинг умумий манзарасини илмий равишда тасвиirlab бериш мумкин бўлди. Натижада, табиат, инсон ва жамиятнинг умумий манзарасини фақат мантиқий мулоҳазалар йули билан тасвиirlab келган фалсафий таълимотлар ўрнига янгича фалсафий таълимотлар юзага келади. Фалсафий таълимотлар конкрет фанлар эришган ютуқларни бир-бири билан боғлаб умумлаштирадилар ва янги методологик хуносалар чиқариш имконига эга бўладилар. Бу фалсафанинг ўзи учун ҳам, бошқа барча аниқ фанлар учун ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Демак, фалсафа инсоният тарихий тараққиёти давомида яратилган маънавий маданиятнинг бир қисми бўлиб, инсоннинг ўзи ва борлиқ түғрисидаги бир бутун дунёқарashi тизимидан иборатdir. Уз моҳияти ва мазмунига кўра фалсафий билимлар умуминсоний маънавий қадриятлар тизимиға киради. Фалсафа инсон муаммосини ўзининг асосий ўрганиш мавзуси ҳисоблаб, унинг ўзига, борлиққа муносабатини фалсафанинг бош масаласи деб қарайди. Шу сабабли унинг асосий мақсади ҳам инсон манфаатларига хизмат қилишдан иборатdir.

Фалсафанинг вазифаларидан яна бири — ёшларда фалсафий тафаккур маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда фалсафа фани олдида миллий мустақиллик ғоялари билан суғорилган назарий тафаккур маданиятини шакллантириш вазифаси турибди. Фалсафани сиёсат ва мафкура таъсирига тушириб, уларга бутунлай боғлаб қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Энг аввало, фалсафа фандир. Шунга кура унинг тамойиллари ва асосий қоидалари умумбашарий мазмунга эга. Демак, сиёсатнинг тұғрилиги ва ҳаққонийлиги унинг қай даражада фалсафий негизга эга эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги замон фалсафасининг назарий манбааси иенсоният томонидан яратилган барча фалсафий таълимотлар ташкил қиласди. Унинг илдизлари эса шу пайтгача табиий-илмий, ижтимоий-гуманитар фанлар қўлга киритган ютуқларга бориб тақалади. Фалсафа иенсон ва жамиятнинг маънавий камолати учун хизмат қиласди ва айни вақтда иенсон ва иенсониятнинг тарихий тажрибасига суюнган ҳолда ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб боради.

Янги фалсафа ўзининг динга бўлган муносабатини адолатли асосда белгилайди. Бу фалсафа динни қоралаш, бутунлай инкор этиш ўрнига, уни иенсоният маданий тараққиётининг маҳсули, борлиқни тушунтиришнинг ўзига хос бир услуги деб қарайди ва унинг иенсоният маънавий камолатида ўйнаган ва ўйнайдиган ролини очиқ эътироф этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг қарор топиши ҳам ҳозирги кунда мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиласдиган, умуминсоний ва миллий қадриятларга, Шарқ фалсафаси ва ислом дини фалсафий-ахлоқий таълимотларига асосланувчи, халқимизнинг янги тафаккурига мос келадиган мазмун ва моҳиятга эга бўлган фалсафани яратиш талабини қўймоқда. Бу фалсафа умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш билан бирга, Шарқ халқлари, хусусан, Ўрта Осиё халқлари буюк мутафаккирлари томонидан яратилган фалсафий қараашлар ва ислом дини фалсафий-ахлоқий таълимотига асосланиб, истиқбол ғоялари билан уйғуллашиб, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти олдида турган муаммоларни ечишга ёрдам бериши, ёшларда янгича тафаккур маданияти шаклланишига хизмат қилмоғи лозим.

4. ФАЛСАФАНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўтмишдаги барча фалсафий таълимотлар доимо жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган. Улар ўз табиати ва характери жиҳатдан хилма-хил бўлиб, жамиятда пишиб етилган назарий муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал қилишда муҳим ўрин тутган.

Маълумки, жамият тарихида содир бўлган ҳамма ижтимоий, сиёсий ва маданий инқилоблар гояси дастлаб илфор мутафаккирларнинг фикрларида етилади. Капитализмнинг қарор топиши ва буржуа инқилобига тайёргарлик даврида йирик Farb файласуфлари, гарчи ҳар хил изчиллик билан бўлсада, феодал қарамлигига, табақавий имтиёзларга қарши олиб борган курашларни назарий асослаб ва уларнинг истиқболини кўрсатиб берганлар. Улар феодализмга қарши курашиш учун барча ижтимоий кучларни тайёрлаш ва бирлаштиришга, жамиятшунослик ва табиатшунослик билимларини ривожлантиришга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Бундан ташқари, фалсафа ижтимоий воқелик билан узвий боғлиқ ҳолда жамиятга, унинг ижтимоий борлиғига доимо фаол таъсир қилиб, янги гояларни назарий жиҳатдан шакллантириб боради. У ижтимоий онгнинг назарий шакли сифатида ўз қоидаларини ақлий, интеллектуал жиҳатдан асослаш билан жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутади.

Фалсафанинг жамият ҳаётидаги вазифаси юқорида айтилганлар билан чекланмайди. Унинг асосий вазифаси жамиятда бажарадиган функцияларида янада аниқроқ намоён бўлади. Фалсафанинг бундай функциялари қўйидагилардир: 1) дунёқараашлик функцияси; 2) методологик функция; 3) гносеологик функция; 4) ижтимоий функциялари; 5) аксиологик функция ва ҳ. к.

Фалсафа ўз тадқиқот мавзууси сифатида инсоннинг моҳияти, жамиятдағи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларнинг асослари ва сабаблари, борлиқ, материя, табиат тараққиётининг энг умумий муаммоларини ўрганади. У бунда инсон тафаккури ва билишига оид энг умумий тушунчалар системаси билан иш қуради. Булар ичida энг муҳимлари — инсон, борлиқ, материя, онг, тафаккур, хосса, муносабат, ўзгариш, ривожланиш, сабаб ва оқибат, тасодиф ва зарурят, бутун ва бўлак, элемент ва структура ва бошқа-

лардир. Фалсафанинг бу категориялари дунёдаги, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий томонларини, боғланиш ва алоқадорликларини ињикос эттиради. Фалсафа, шу билан бирга, инсон билишининг энг умумий универсал принципларини ҳам ишлаб чиқади. Фалсафа ўзининг бу категориялари тизими ва универсал принципларини дунёни бир бутун ҳолда олиб, унинг энг умумий томонларини ўрганиш асосида ҳосил қиласди. Фалсафанинг бу методологик умумлашмалари инсоният фаолияти, билимлари тизимининг ҳамма соҳаларига, уларнинг бутун мазмунига сингиб кетган бўлади. Борлиқнинг турли томонларини ўрганувчи алоҳида фанлар ўзлари эришган ютуқларни изоҳлашда, улардан умумий хулосалар чиқаришда фалсафий методологик умумлашмалардан фойдаланишга муҳтоҷ бўладилар. Аниқ фанлар ўз тадқиқотида ҳеч қачон умумий хулосалар қилолмайдилар. Аниқ фанлар ривожлангани сари фалсафий методологик умумлашмаларнинг аҳамияти ҳам ортиб боради.

Умуман, аниқ фанлар тараққиётида фалсафанинг роли катта. Баъзан шундай бўладики, аниқ фанлар ўз ривожланиши жараёнида мураккаб муаммоларга дуч келадилар. Улар бу мураккаб муаммоларни фалсафий умумлашмаларсиз ҳал қила олмайдилар. Бундай пайларда фалсафа уларга маълум йўл-йўриқ топишда, бу қийинчиликларни енгишда ёрдамга келади. Бундай ҳолларда ҳам фалсафанинг методологик функцияси намоён бўлади.

Фалсафанинг гносеологик функцияси куйидагичадир. Фалсафа дунёни билиш муаммосини ўрганар экан, ўзининг умумий методларини ишлаб чиқиб, инсон билишининг бир бутун умумий назариясини ҳам яратади. Шу асосда инсон билиш фаолиятининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш тенденциялари ва энг умумий қонунларини очиб беради. У фан, инсон амалий тажрибасида ҳосил бўлган билимларнинг ҳақиқатлигини текширувчи мезонларни ҳам тадқиқ этади.

Фалсафа дунёни билишнинг энг умумий қонунларини кашф этиш билан чекланмай, инсон олдига, аввало, ўзини англаш ва сўнгра борлиқни ўзгартириш масаласини ҳам қўяди. Дунёни билиш асосида инсоннинг ўзи ҳам ўзгариб, сўнг дунёни ўзгартириши мумкинлигини назарий жиҳатдан асослайди.

Кишиларда фалсафий фикр юритиш малакасини ҳосил қилиш инсон тафаккури маданиятининг равна-

қида, унинг турли-туман амалий ва назарий масалаларни ҳал қилишида катта роль ўйнайди. Бундай ҳолларнинг барчасида фалсафанинг гносеологик функцияси намоён бўлади.

Фалсафанинг методологик ва гносеологик функциялари аҳамиятини кўпчилик табиатшунос олимлар тўғри тушуниб, бу ҳақда ўзларининг қимматли фикрларини билдирганлар.

Фалсафа умуминсоний маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида ижтимоий ҳодисалар — сиёсат, ҳукуқ, ахлоқ, санъат, дин ва фан билан чамбарчас боғлиқдир. Фалсафий муаммоларнинг асосий моҳияти — инсон ва унинг борлиқقا муносабатини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунда фалсафа, биринчидан, инсонни дунёни билишнинг субъекти сифатида ўрганади. Иккинчидан, фалсафа инсонни универсал субъект сифатида ўрганади. Учинчидан, фалсафа айни шу субъектнинг обьектга муносабатини ўрганади. Бунда фалсафанинг вазифаси обьектлар дунёси билан субъектларни бирлаштирувчи умумийликни топишга қаратилган бўлади. Ва ниҳоят, фалсафа субъектнинг дунёни билишида асосий таянч бўладиган назарий, умумий принципларни асослаб беради.

Фалсафа инсон ижтимоий-тарихий тажрибасининг ҳамма шаклларини, яъни амалий ўзгартувчанлик, билувчанлик ва қимматдорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифаларини ҳам бажаради. Уларнинг бир бутун ҳолда, муайян тизим сифатида тушунилиши ижтимоий ҳаёт ривожининг мухим шартидир. Масалан, олиб борилаётган сиёсат тўғри бўлиши учун у фан, ахлоқ ва ҳукуқ нормаларидан келиб чиқиши лозим. Ҳукуқий жиҳатдан таъминланмаган, илмий жиҳатдан асосланмаган, гуманистик ахлоқ нормаларидан келиб чиқмаган, халқларнинг миллий, диний жиҳатдан ўзига хослигини эътироф этмайдиган сиёсатнинг истиқболи бўлмайди, у пировард оқибатда инқирозга маҳкум бўлади.

Жамият ҳаётининг ҳозирги шароитида фалсафанинг аксиологик функцияси¹ ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Фалсафа инсон ҳаётининг моҳиятини, яшининг асосий мазмунини, турмушдаги қадр-қиммати ва жа-

¹ Аксиология (юонча: аксиокс — қадрли, қимматдор, логия — таълимот) қадриятлар ҳақидаги фалсафий таълимотдир.

миятда тутган ўрнини гуманистик тамойиллар, прогрессив, ижтимоий идеаллар, қадриятлар нуқтаи назаридан тушунтиради. Инсоният бошига хавф солаётган жаҳон термоядро уруши эҳтимоли кучайган, экологик вазият бузилиб кетган, энергия ресурслари тугаётган, жамиятда иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликлар кучайган ҳозирги шароитда бунинг аҳамияти каттадир. Барча муаммоларга тарих сабоқлари ва инсониятнинг истиқболи масалаларини эътиборга олиб ёндошиш ҳам фалсафий тафаккурнинг ифодасидир. Фалсафанинг аксиологик функцияси шунда намоён булади.

Ижтимоий ҳодисаларни диалектик тушуниш фалсафанинг функциялари ўзгармас, деб қарашга барҳам беради. Ҳатто «инсон ва табиат», «одам ва олам», «инсон ва жамият» каби фалсафий муаммолар ҳам ўзгариб, ривожланиб борувчи жараён сифатида қараладиган бўлди. Фалсафа инсоннинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш билан бирга, унинг табиатга муносабатини, жамиятнинг табиат билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам асослаб беради. Инсон табиатга уни ўзига бўйсундириш, устидан ҳукмронлик қилиш мақсадидагина муносабатда бўлмасдан, келажакни ўйлаб оқилона ёндашиши лозим. Чунки, табиат инсон учун фақат моддий бойликлар манбай бўлиб қолмай, балки унинг маънавий эҳтиёжи, руҳий олами, ҳиссиёт дунёсини қондирадиган сарчашмадир. Табиатни англаш туфайли инсон ўзини бу ёргу оламнинг олий неъмати эканлигига ишонч ҳосил қиласди. Бу ишонч унда маънавий бой, руҳан пок бўлиш эҳтиёжини туғдиради. Ана шундай интилиш унда ҳаётга бўлган муҳаббатни шакллантиради.

Фалсафа қадим даврлардан бошлаб кишиларнинг ақлий салоҳияти ўсишида, назарий тафаккури қарор топишида, ахлоқий камолатида муҳим роль ўйнаб келган. Фалсафани ўрганиш кишиларда фақат назарий фикр юритиш қобилиятинигина шакллантириб қолмай, балки уларнинг кенг фикр доирасига эга бўлиши, ахлоқий жиҳатдан камол топиб, юксак савияли бўлишга ҳам олиб келган. Фалсафанинг бу функцияси мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги шароитида янада равшанроқ ўз ифодасини топмоқда. Фалсафа кишиларни юксак ғоявийлик, мустаҳкам эътиқодлилик руҳида тарбиялашда, уларда илмий дунёқарашни қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. Фалсафани ўрганиш ва уни эгаллаш кишиларга табиат ва жамиятда содир бўладиган реал жараёнларни, воқеа-ҳодисаларни чуқур

билиш учун, уларни илмий таҳлил қилиш, тўғри баҳолаш, тўғри умумлаштириб, ҳаётий хуласалар чиқариш учун жуда катта аҳамиятга эга.

5. Фалсафа ёш авлодни порлоқ турмуш учун курашувчи, ўз истиқболларини тўғри белгиловчи қилиб тарбиялашга кўмаклашувчи таъсирчан тарбиявий воситадир. У ёшларда онгли фаолиятни, ташаббускорликни, интизомни, инсонпарварлик ва ҳақиқий ватанпарварликни шакллантиради. У ёшларнинг эътиқодига назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Фалсафани чукур ўрганиш кишилар ижтимоий тараққиёт йўналишини тўғри тушуниши ва унинг истиқболини кура билиши, ҳозирги кунда мамлакатимизда содир булаётган мураккаб ўтиш жараёнининг моҳиятини тўғри англаб олишларига ҳам имкон беради. Фалсафа ёшларда фақат ўз миллатига ҳурматнигина эмас, балки инсонпарварлик, миллатпарварлик, байналминалчилик эътиқодини ҳам тарбиялайди, барча халқлар ва миллатларга нисбатан қардошлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради.

Демак, фалсафа тор профессионализмга, фикрий маҳдудликка барҳам беради, у кишига кенг қўламли фикр юритишга имкон бераб, уни фикрий саёзлик, енгил-елпи муҳокамалардан сақлаб, кенг ва чуқур ақлий мушоҳадалар қилишга ўргатади. Уни чуқур ўрганиш инсонда фалсафий маданиятнинг шаклланишига олиб келади.

Умуман, фалсафа инсоннинг ўзини ва дунёни билиш, уни назарий ўзлаштириш ва ўзгартиришнинг кучли қуролидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, фалсафанинг тамойиллари қонун ва қоидалари абадий, ўзгармас, қотиб қолган ғоялар эмас, балки жамият тараққий этиши билан, ижтимоий амалиётнинг янги-янги ютуқларига, кишиларнинг тарихий тажрибасига суюнган ҳолда ўзгариб, ривожланиб ва бойиб боради.

5. ФАЛСАФАГА СИНФИЙ ЁНДАШИШ ВА УНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ

Умумжаҳон фалсафий фикри тараққиёти ўтган асрнинг 40-йилларида ишчилар синфининг дунёқараси деб ном олган фалсафанинг шаклланишига олиб келди. Бу фалсафанинг келиб чиқиши, унинг яратувчилари фикрича, ишчилар синфининг инқилобий ҳаракати тажрибасини, ижтимоий фанлар, ҳамда табиат илми-

нинг янги далилларини умумлаштириш асосида содир бўлди. Тўгри, Маркс билан Энгельс Оврўпанинг Қадимги Юнон донишмандларидан тортиб то XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ижод қилган мутафаккирлар эришган барча ютуқлардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Натижада, ўша даврнинг бир қанча долзарб ижтимоий-фалсафий муаммолари К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларида ўз ифодасини топди. Хусусан, билиш назарияси («Анти Дюоринг»), табиат илмининг фалсафий муаммолари («Табиат диалектикаси»), жамият тараққиёти масалалари («Капитал», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши») ва шунга ўхшаш бир қанча соҳаларда диққатга сазовор фикрлар мавжуд.

Марксча фалсафанинг келиб чиқишида XIX асрнинг биринчи ярмида табиатшунослик фанларида қўлга киритилган йирик кашфиётлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу кашфиётлар туфайли барча қотиб қолган нарсалар янгиланиб турувчи, ҳаракатсиз нарсалар ҳаракат қилувчи, мангу деб ҳисобланган нарсалар ҳаммаси ўткинчи булиб чиқди, табиатнинг доимо ўзгариб, ҳаракат қилиб туриши исботланди. Оламнинг моддий бирлигини илмий-фалсафий таҳлил этиш учун янги имкониятлар юзага келди. Натижада, диалектик материализм ўша йилларда маълум тарихий давр учун аҳамиятга эга бўлган таълимот сифатида шаклланди.

К. Маркс капитализм тараққиётининг дастлабки даврларига хос бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий зиддиятларни ҳам таҳлил этди, ишчилар синфи тобора қашшоқлашиб боришининг сабабларини очиб берди.

Марксча таълимот бир асрдан кўпроқ вақт давомида жаҳондаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий жараёнларга ҳам таъсир этди ва синфий курашлар, инқилобий тунтаришларнинг назарий асоси сифатида қаралди.

Лекин, XX аср бошлари ва урталаридағи инсониятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқлар марксча фалсафанинг куплаб хulosалари ва башоратлари ҳаётий эмаслигини курсатди.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, марксча фалсафа асосан кишиларни кескин, муросасиз синфий курашга чорловчи таълимот сифатида юзага келган эди. Марксизмда фалсафанинг асрлар давомида ривожланган ил-

мий, назарий умумлашмалари, умуминсоний қадриятлар сифатида шаклланган адолатпарварлик, инсонпарварлик билан боғланган прогрессив ғоялари тор сиёсий мақсадлар соясида қолиб кетди. Кишилик жамияти бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган сиёсий гуруҳларга булиб ташланди. Муросасиз синфий курашлар жамият тараққиётининг ҳал қилувчи ягона омили сифатида курсатилди.

Марксча фалсафа социализм, коммунизм қуришга қаратилган фаолиятнинг назарий асоси деб таърифланниши ҳам уни ўта сиёсий таълимот сифатида шаклланганини курсатди. Марксча фалсафанинг сиёсийлашуви уни инсониятнинг ижтимоий, моддий, маданий тарихини, фан ва амалиёт соҳасида қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқларни холисона, илмий ўрганиш ва умумлаштириш имконидан маҳрум этди.

К. Маркс «Фейербах ҳақида тезислар»ида «Файлласуфлар олами турлича изоҳлаб келдилар, холос, лекин гап, уни ўзгартиришдадир». деган фикрни ўзи яратган фалсафий қарашлар тизимининг асосий мақсади сифатида ўргага қўйди. Бу фикр фалсафанинг моҳияти, баҳс мавзуи, амалий аҳамияти масаласига бир ёқдама ёндашишнинг ифодаси эди. Ҳолбуки, фалсафанинг мазмуни ва аҳамияти инсоннинг моҳияти, борлиқдаги ўрнини ўрганиш, унинг амалий фаолияти, билимлари якунларини илмий-назарий хулосалар, ахлоқий қадриятлар асосида умумлаштириш, дунёқарашни шакллантиришдир. Фалсафа ўзининг бутун тарихи давомида фанлар ичидаги фан, амалиёт ва илмий тадқиқотлар методологияси, тафаккур маданияти сифатида инсоннинг конкрет билимларини умумлаштириб, олам ҳақида бир бутун тасаввур, тушунча ҳосил қилишга, жамият ҳаётини адолат, инсонпарварлик мезонлари асосида ривожлантиришга методологик асос бўлди. Фалсафа асрлар давомида кишиларни инсонпарварлик, адолатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Француз файлласуфи Жан Жак Руссо айттанидек, «одамни файлласуф қилишдан аввал, уни инсон сифатида тарбиялаш керак. Бу уни бошқаларга ёмонлик қилмасликка ўргатишдан бошланади»¹.

Марксизм асосчилари ўтмиш фалсафий, илмий меросига ҳам муайян сиёсий мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда ёндошдилар.

¹ Руссо Ж. Ж. О причинах нравственности. СПб. 1907. С. 22.

К. Маркс Ҳегелнинг диалектикасини, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кураши, миқдор ва сифат ўзгаришлари, инкорни инкор қилиш тұғрисидаги ғояларини, бошқа фалсафий хulosаларини үрганиб, юксак баҳолаган бұлса ҳам, улардан асосан жамиятни зўрлик йули билан ўзгартыришга қаратилган сиёсий мақсадларини асослаш йўлида фойдаланди. Бу катта фалсафий методологик аҳамиятга эга бўлган Ҳегель диалектикасига бир томонлама, тор синфий мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда субъектив ёндашишнинг белгиси эди. К. Маркс Ҳегель диалектикасидан қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кураши ҳақидаги фикрларни олиб, ундаги айният (уйғунлик, томонларнинг ўзаро бир-бирини тақозо этиши) каби муҳим фундаментал методологик ечимни сояда қолдирди. Бу эса Маркс таълимотида диалектика муаммолари бир томонлама талқин этилишига сабаб бўлди. XX аср ўрталарига келиб, капитализм XIX асрдаги катализмдан холос бўлиб, жамиятни инсонпарварлаштириш, ижтимоий адолатни тиклаш, тараққиёт суръатларини тезлаштириш йулига ўтиб олгач, бу бирёзламалик яна ҳам кўпроқ аён бўлиб қолди. Бундай шароитда марксизм курсатган йўлдан бориш жамиятни янги ҳалокатлар гирдобига олиб келиши аниқ эди.

Марксча фалсафа шаклланишида Фейербах таълимотининг таъсири ҳам катта бўлган. Лекин К. Маркс Фейербахнинг ғояларини үрганиб, унинг кўп томонларини ўз таълимоти таркибига киритган бўлса ҳам, фалсафий антропология муаммолари таҳлилини ғайри илмий деб баҳолади. Фейербахнинг, одамлар синфий, миллий, ирқий тафовутлари, диний эътиқодларидаги фарқларига қарамай, бир-бирини севиши, хурмат қилиши, ҳамкор ва ҳамдард булиши лозимлиги тұғрисидаги ғояси инсиятни кескин, шафқатсиз синфий куашларга, диний эътиқодларни оёқ-ости қилишга чорловчи марксистик таълимотнинг мезонларига мос келмас эди.

Марксизм фалсафаси асосчилари Ҳегель диалектикаси рационал мағизини, Фейербахнинг материя ҳақидаги таълимотининг ижобий томонларини ижодий, танқидий үрганиб, диалектик материализм таълимотини яратганликларини бутун жаҳонга эълон қилган эдилар. Ҳақиқатда бўлса, борлиқнинг умумий моддий заминларини тан олиш, оламдаги барча нарсалар ўсишда, ўзгаришда, ривожланишда эканини курсатиш энг қадимги фалсафий таълимотларга ҳам хос бўлган.

Борлиқни яхлит билишга интилган файласуфлар унинг умумий боғлиқликда ва алоқадорликда, ўсишда ва ўзгаришда эканини, бу жараёнлар қарама-қаршиликлар кураши асосида бўлишини инкор этмаганлар. Борлиқнинг диалектик моҳиятини тан олиш Шарқ фалсафа-сига ҳам хос бўлган. Шу сабабли ҳам диалектик материализм деб номланган марксча таълимот асрлар давомида шаклланиб ривожланиб келган фалсафий қарашларнинг ўзига хос бир синтези эди холос.

Жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласини ёритувчи кўплаб ижтимоий фалсафий таълимотлар ўтмишда ҳам бўлган. Бу таълимотларда жамиятнинг моҳияти, кишилар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар шаклланиши, маданият ривожланиши масалаларини ёритиш катта ўрин олган. Шу сабабли Маркс яратган тарихий материализм ҳам жамият ҳақидаги узоқ тарихий тараққиёт давомида шаклланиб, ривожланиб келган қарашларнинг ўзига хос сиёсий, ғоявий мақсадлар асосида тартибга солинган синтези эди. Нари борса, бу таълимот жамият тараққиётининг моҳияти ва истиқболлари ҳақидаги мунозарали бир концепция эди холос.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо айтганидек, «Жамиятни ўрганаётган барча файласуфлар унинг табиий ҳолатини ҳам билишга ҳаракат қилганлар. Лекин уларнинг бирортаси ҳам бунинг сирини англай олмаганлар»¹. Шу жиҳатдан олиб қараганда, К. Маркс яратган тарихий материализмнинг ақидаларини мутлоқлаштириш хатодир. Жамият доим такомиллашиб, ривожланиб турганлиги сабабли, бу жараёнлар ҳақида тугалланган таълимотлар яратиш ҳам мумкин эмас.

Тарихий материализм фалсафий эмас, балки сиёсий, мафкуравий қарашлар, мақсадлар тизими сифатида юзага келди. Жамият тарихини сунъий равищда муросасиз синфий, сиёсий қурашлар майдони сифатида қараш, капитализмнинг ҳалокати, социализм ва коммунизмнинг жаҳон миқёсида узил-кесил ғалаба қилиши муқаррар эканини кўрсатишга уриниш, шу асосда ишчилар синфини буржуазия билан муросасиз қурашга, ўз диктатурасини ўрнатишга чорлаш, жамиятнинг эволюцион тараққиёти имкониятларини, моддий ва маънавий жараёнлар нисбатини бир ёқлама ёритиш тарихни материалистик тушуниш асосида ётган бош мақсадлардир.

¹ Руссо Ж. Ж. О причинах нравственности. СПб. 1907. С. 25

Машхур француз тарихчилари Ж. Тьеरри, Ф. Гизо, Ф. Минье асарлари, табиатшунослик фанлари соҳасидаги айрим кашфиётлар, айниқса, энергиянинг сақлашиши ва бир турдан иккинчи турга утиши қонунининг кашф этилиши, Дарвиннинг эволюцион таълимоти ва бошқалар ҳам марксча фалсафанинг шаклланишига таъсир этди. Бу кашфиётлар дунёнинг моддий асосларини, унда содир булаётган жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги, алоқадорлиги, ўсиши ва ривожланиши, тирик табиатнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ билиб олишга имкон берди. Лекин марксча фалсафага асос булган, ўта сиёсалаштирилган мақсадлар тарих фани, табиатшунослик фанлари ютуқларидан ҳам мукаммал объектив илмий хуносалар қилишга имкон бермади.

Марксча фалсафа шаклланаётган шароитда капиталистик жамиятта хос бўлган зиддиятлар ҳам кескинлаша бошлаган эди. Капитализмнинг дастлабки босқичларида қишлоқлардан шаҳарга кўчиб келган аҳоли, шаҳар ҳунармандлари ва кичик савдо гарлар ёлланма ишчиларга айланиб қашшоқлашгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи тобора оғирлашиб боргани ҳам тарихий фактдир. Шу сабабли XIX асрнинг 30 йилларида ёқ ёлланма ишчиларнинг буржуазияга қарши ўз ҳаққи, ҳукуқи учун олиб борган кураши ҳам кучайди. 1831—1834 йилларда Франциянинг Лион шаҳрида, 1848 йилда Германияда булиб ўтган ишчиларнинг қўзғолонлари, Англиядаги чартистлар ҳаракати шулар жумласидандир. К. Маркс бу жараёнларни чуқур ўргангани ва таҳтил этганини инкор этиб бўлмайди. Лекин, марксизм асосчилари уша даврдаги қўзғолонларни ўрганиб, сабоқларини умумлаштириб, пролетариат капитализмнинг гўрковидир, капитализмни ағдариб, социализм, коммунизм қуришга қодир бўлган ягона сиёсий кучдир, деган хуносага келдилар. Уларнинг фикрича, капиталистик жамиятдаги сиёсий кураш муқаррар равишда пролетариат диктатураси ўрнатилишига олиб келади. Бу хуносалар тарихий тараққиётнинг моҳияти ва истиқболини соҳталаштиришга, сиёсий, синфий мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ҳар қандай зўравонликларни, қонли курашларни оқлашга олиб келди. Зўрлик билан амалга ошириладиган сиёсий тўнтаришлар капитализмдан социализмга ўтишнинг асосий йўли сифатида талқин этилади.

Шундай хulosаларга асосланган К. Маркс Германияда мавжуд булган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатларга қарши очиқ кураш эълон қилди. Унинг фикрича, моддий кучни фақат моддий куч билан қўпориб ташлаш мумкин. Германия ўз озодлигини фақат пролетариатнинг қўлидан олади, деган қатъий фикр ҳам шундай хulosалар жумласидандир.

Кейинроқ бориб, бу хулосалар бутун жаҳоннинг таракқиётига асос бўладиган умумий илмий гоя сифатида кенг тарғиб этилди. Пролетариат зўрлик билан, ўз диктатурасини ўрнатиш орқали «тengсизлик ва адолат-сизликни йўқ қилишга қодир булган сиёсий куч» эканни, янги фалсафа эса унга хизмат қилмоғи лозимлиги курсатилди. Марксча фалсафа пролетариатнинг дунё-қарashi, жамиятни инқилобий ўзгартиш йўлидаги на-зарий қуроли сифатида таърифланди. Бу эса минглаб йиллар давомида умуминсоний қадрият сифатида шаклланган ва ривожланган фалсафанинг моҳияти, мазмуни, аҳамияти масаласига нотуғри, бир томонлама ёндашишнинг кўрининиши эди.

Фалсафанинг барча муаммоларига партиявиийлик, синфиийлик мезонлари асосида ёндашиш бу фанни ўта сиёсийлаштиришга, моҳияти ва аҳамиятини сохталаштиришга, умуминсоний қадриятга айланган ғоялар, ху-лосалар, методологик умумлашларни ҳаёт воқеийлигидан узоқлаштиришга олиб келди. Тор синфий мақсадлар ва манфаатлар доираси билан чекланган марксча фалсафа үзининг бутун тарихи давомида умуминсоний қадрият даражасига кутарила олмади.

Жамият тарихининг барча даврларида фалсафа инсоннинг моҳияти, борлиқдаги ўрни, амалий фаолияти, олам ҳақидаги билимларини умумлаштириб, янги методологик хуносалар, йўлланмалар чиқарувчи фан сифатида ривожланиб келган. Бундан 25 аср муқаддам яшаган машҳур Хитой файласуфи Конфуций ҳам фалсафий билимларнинг аҳамияти устида алоҳида тұхтаб, «билиш — бу инсонни билишдир», деган эди. Шарқ фалсафасыда инсон, унинг моҳияти, манфаатлари, инсоний муносабатларнинг мезонлари масаласи катта ўрин олгани ҳам тасодифий эмас, албатта.

Марксча таълимотда фалсафанинг бош масаласи, баҳс мавзуси муаммоси ҳам сохталаширилди. Материя билан онг уртасидаги муносабат фалсафанинг асосий масаласи сифатида таърифланди. Бу эса фалсафанинг баҳс мавзусига бир ёқлама ёндашишнинг кўри-

ниши эди. Материя билан онг ўртасидаги муносабатни урганиш фалсафанинг бош масаласи эмас, балки бу фан урганаётган муаммоларнинг бир томонидир. Материя бирламчи, онг иккиламчидир деган хulosса ҳам сўнгги даражадаги мутлоқ ҳақиқат эмас, балки оламнинг моҳияти ва асоси ҳақидаги фалсафий хulosаларнинг бир кўринишидир.

Материя бирламчи, онг иккиламчи деган foя мутлоқлаштирилиб, жамият ҳаётига тадбиқ этилиши яна ҳам чалкаш хulosаларга олиб келди. К. Маркс үзининг «Немис идеологияси» номли асарида кишилар тарихни яратиш учун, аввало, яшаш воситаларига эга булиши, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак ишлаб чиқаришлари, уй-жой қуришлари керак деган Фикрни ўртага қўйди. Бундан ижтимоий ҳаётнинг асосий, ҳал қилувчи омили моддий ишлаб чиқаришдир деган хulosса келиб чиқади. Бу foя эса, ўз навбатида, ижтимоий борлиқ бирламчи, ижтимоий онг иккиламчи, яъни унинг пассив инъикосидан бўлак нарса эмас деган хulosага олиб келади. Бу хulosса жамият ҳаёти ва тараққиётини марксча таҳлил этишнинг ягона, исбот талаб қўлмайдиган методологик асоси сифатида курсатилди. Натижада, маънавий омилларнинг, инсон ақлий салоҳияти, ижодий имкониятларининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти камсатилди. Индивид онгги, миллий онгнинг жамият тараққиётига қандай таъсир курсатиши масаласи фалсафий муаммолар доирасидан чиқариб ташланди. Кишилар жамиятда содир булаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнларнинг пассив иштирокчиси ва кузатувчиси сифатида таърифланди.

Фалсафа тарихида минглаб йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келган, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган турли таълимотлар сунъий равишда материализм ва идеализм оқимларига булиб юборилди, улар ўртасидаги тафовутлар мутлақлаштирилиб, жамиятда рўй берган ва бераётган сиёсий воқеалар ва ҳодисалар синфий курашларнинг мафкуравий ифодаси деб кўрсатилди. Бу ҳам фалсафа тарихини сохталаштириш ва ўта сиёсийлаштиришдан бошқа нарса эмас эди. Материализм илфор, тараққийпарвар кучларнинг дунёқарashi, идеализм эса реакцион кучларнинг мафкураси сифатида курсатилди. Натижада, сиёсий тафаккурнинг таъсири ва тазиёки фалсафий таълимотларга баҳо беришда ҳам ўз ифодасини топди. Инсониятнинг илмий, маънавий, ижтимоий камолотига катта ҳисса

қүшган олимлар, жумладан, Урта Осиёлик күплаб мутафаккирлар, сунъий равишида материалистлар сафиға қўшилди. Ҳолбуки, материалистик ва идеалистик таълимотлар бир-бирини бутунлай инкор этувчи қарашлар эмас. Улар оламдаги моддий, маънавий жараёнларнинг ўзига хослиги, бирлиги ва бодликлигини тулароқ билишга имкон берадиган фалсафий таълимотлардир. Мутлақ материализм ёки мутлақ идеализм позициясида туриб, чексиз олам, ундаги моддий ва маънавий жараёнларнинг моҳияти ҳақида фалсафий умумлашмалар қилиш мумкин эмас. Албатта, жамият тараққиётининг турли босқичларида, айниқса, бурулиш даврларида юзага келган фалсафий қарашларда илфор ва қолоқ, эскича томонлар ҳам бўлган. Бу тараққиёт муаммоларига турлича ёндашишнинг белгисидир. Лекин уларни қолоқ ва эски синфларнинг дунёқараши, манфаатлари билан айнан тенглаштириб бўлмайди. Машҳур ҳинд файласуфи С. Радхакришнан ўзининг «Ҳиндистон фалсафаси» номли асарида шундай деган эди: илмий тарихий таҳдил усули биздан узаро мунозара қилаётган фалсафий мактабларнинг бири томонига ўтиб олишни эмас, балки уларга нисбатан объектив, холис ёндашишни талаб қиласди.

Фалсафа тарихини синфий, сиёсий мезонлар билан ўлчаш күплаб муаммоларни бирёқлама баҳолашга олиб келди. Жаҳон халқлари фалсафий фикри тараққиётидаги марксча мезонларга мос келмайдиган күплаб таълимотлар идеалистик, метафизик қарашлар сифатида таърифланиб, бутунлай ўрганилмади, ёки уларга бирёқлама баҳо берилди. Инсон моҳияти ва унинг руҳий оламини ўрганишга катта эътибор берган Шарқ фалсафасини холисона ўрганиш имкониятлари ҳам чеклаб қўйилди. Фарб фалсафаси, Россияда XIX асрда ривожланган айрим файласуфларнинг таълимотлари ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилди. Бунинг сабаби уларнинг айрим фикрлари марксизм ақидаларига бироз бўлсада мос келиши эди.

Марксча фалсафанинг динларга бўлган муносабати ҳам фалсафий тафаккурнинг тарихи ва назариясини холисона тушунишга имкон бермади. Дин халқ учун афъюн, бидъат, хурофот деб талқин этилиши инсоният маънавияти шаклланиши ва ривожланишида диннинг ўрни ва ролини тұғри, илмий холис баҳолаш йўлидаги энг катта ғоявий түсиқлардан бири бўлди. Марксизм асосчилари барча динларга ана шундай бир томонлама

муносабатда бўлдилар. Уларнинг инсоният маънавий камолоти, фалсафий фикрлар тараққиётидаги урни ва аҳамиятини сохталаштирилар. Бу эса совет тоталитар тузуми шароитида мамлакатда чуқур томир отган маънавий инқирознинг сабабларидан бири бўлди. Ҳолбуки, ҳар бир дин инсон маънавиятининг бир шакли, фалсафий тафаккур тараққиётининг муайян босқичлариdir. Инсоннинг моҳияти, ҳаёти ва мақсадини талқин этувчи теран фалсафий гоялар барча динларда мавжуд. Бундай гоялар Буддизмда, Ислом фалсафасида яққол кўзга ташланади. Буни кўр-кўrona инкор этиш фалсафий қадриятларни холисона, тўғри тушуниш йўлидаги катта тўсиқдир. Динларни эътибордан четда қолдириб, фалсафий таълимотлар тарихини, уларнинг ўзига хос шаклларини ҳам тўғри тасаввур этиб бўлмайди. Динни инкор этиш ёшларнинг дунёқараши шаклланишига салбий таъсир этишини совет тузуми даври тажрибаси тўла исботлаб берди.

Марксча таълимотда инсоннинг моҳияти, руҳий дунёси, эҳтиёжлари, мақсадлари, эркин фаолияти, қадр-қиммати, миллий руҳ, шахс масаласини чуқур ўрганишга эътибор берилмади. Инсон ва жамият түғрисида кўп гапирилса ҳам, ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, эҳтиёжлари, имкониятлари, истеъоди ва қобилияти, манфаатлари масаласи сояда қолиб кетди. Ҳар бир шахс ўз хоҳиши ва иродасига эга бўлмаган, юқоридан берилган топшириқларни кўр-кўrona бажарувчи куч сифатида қаралди. Совет тузуми даврида чексиз ҳокимиятни ўз қулига олган раҳбарлар одамлар нималар ҳақида ўйлаши кераклиги ҳақида курсатмалар бердилару, лекин улар қандай ўйлаётгани билан қизиқмадилар. Бу ишда кўзланган мақсад инсонларни ўйламайдиган, мустақил фикрламайдиган итоаткор қулларга айлантириш эди. Натижада, инсон ўз-ўзини англаши, миллий онг шаклланиши масаласини ўрганиш муаммоси ҳам фалсафий таълимотлар тизимиға кирмади. Ҳақиқатда эса, инсон аввал ўзини англайди, шу асосда бошқаларни, бутун жамиятни англаб, улар билан муносабатга киради. Ишбилармонлик, тадбиркорлик, манфаатдорлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, миллатпарварлик, иймонлилик, инсофилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, оиласпарварлик сингари фазилатлар инсон ўз-ўзини, кейин бошқаларни англаши натижасида шаклланади. Ўз-ўзини анлаган инсон ўз фаолиятига бошқаларнинг муносабатини, жамият

яратган ахлоқий, ҳуқуқий мезонларни ҳисобга олиб, виждон ва иймон билан баҳо бериш имконига эга бўлади. Буларсиз ҳаёт фалсафасини тасаввур этиш қийин, албатта.

Марксча фалсафада ҳалқ оммаси тарихни яратувчи куч сифатида кўрсатилгани маълум. Лекин бу яратувчилик, марксча фалсафа нуқтаи назарида, демократия, қонунчилик, адолат, тенглик, тенгхуқуқлик, ошкоралик, фикрлар турли-туманлиги шароитида амалга ошадиган ижодий, манфаатли меҳнат эмас, балки юқоридан берилган буйруқларни, ҳукмрон якка партиянинг мавҳум режаларини кузини юмиб, қулоқни кар қилиб бажаришдан иборат, деб талқин этилди. Совет тузуми даврида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида, маданий ҳаётида кўплаб ишлар қилингани маълум. Булар ҳаммаси ҳалқнинг меҳнати билан бажарилди. Лекин бу ишларнинг асосида муайян манфаат билан боғланган онгли меҳнат эмас, балки сиёsat даражасига кутарилган оммавий ташаббуслар, мажбурий меҳнат ётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Очигини айтганда, тургун иқтисодий муносабатларга, сиёсий, мафкуравий тазиикқа асосланган совет тоталитар тузуми омманинг ижодий яратувчилик фаолиятини кучайтиrmади, балки сусайтириб юборди. Одамларнинг меҳнатга, мулкчилик шаклларига бўлган муносабатида, бу борадаги тажриба, анъана ва малакаларида чуқур деформация юз берди. Мамлакатда кетма-кет бўлиб турган иқтисодий упирлишлар, қўшиб ёзишлар, ҳалқнинг моддий турмуш шароитлари тобора ёмонлашиб бориши одамлар манфаатдорликни англаб, ижодий меҳнат қилиш имконидан маҳрум бўлиб қолганининг оқибатидир. Натижада, 80-йилларнинг охирига келиб мамлакатдаги вазият ниҳоятда оғирлашди.

Мулкчилик муносабатлари масаласи ҳам марксча фалсафада тараққиёт сабоқларидан ажралган ҳолда таҳлил этилди. Мулкчиликнинг турли шаклларига, уларнинг имкониятларига ақидапарастларча ёндашиш социалистик жамиятни кучли инқирозга олиб келган сабаблардандир. Социалистик мулкчиликнинг аҳамияти ва имкониятларини мутлақлаштириш, хусусий мулкчиликни чеклаш ва чегаралаш жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиётига салбий таъсир этди. Одамларда меҳнат маҳсулотидан, унинг сифатидан манфаатдорлик билан боғлиқ бўлган интилишлар кучайтиди. Меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарилган

маҳсулотнинг сифати тобора пасайиб борди. Натижада, катта хомашё захираларига, арzon ишчи кучига эга бўлган мамлакат жаҳон бозоридаги рақобатга бардош бера олмай қолди. Давлат мулкига айлантирилган корхоналарда ҳам сон кетидан қувиб, сифатига эътибор бермай қўйилди. Бу ҳам корхона ишчилари кур-кўруна режани бажаришга интилиб, маҳсулотнинг сифатига, техника, технология, хомашёдан унумли фойдаланиш масалаларига эътибор бермай қўйганининг оқибати бўлди. Саноат ишчилари ва мутахассисларда ҳам давлат мулкига нисбатан тежамкорлик билан муносабатда бўлиш масъулияти шаклланмади. Колхоз мулки — жамоа мулки деб эълон қилинган бўлса ҳам, бутун совет тузумида бирорта колхозчида жамоа мулки — менинг ҳам мулким, деган тушунча шаклланмади. Хусусий мулкчиликнинг барча шакллари чекланиши ва таъкидланиши жамиятдаги иқтисодий қийинчиликларни яна ҳам оғирлаштириб юборди. Хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик чекланиши инсон омилининг жамият тараққиётидаги ўрнини ҳам заифлаштириди. Манфаатсиз қилинган меҳнат бирор ерда ҳам самара бермади. Сиёсий шиорлар асосида ташкил этилган «стахановчилик», «юз центнерчилик» ҳаракатлари ҳам узоқ самара бермай, кенг кўламли қўзбўямачиликларга йўл очди. Натижада, республикалар, корхоналар, колхозлар ва совхозлар кетма-кет ғалаба рапортлари бериб турсалар ҳам, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари тобора оғирлашиб борди. Бундай вазият жамоа мулкига асосланган социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олган барча мамлакатларда юз берди.

Совет тоталитар тузуми емирилганидан кейин айрим социалистик мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларида сезиларли бурилиш ясади. Хитой Xалқ Республикасида, асосан, жамоа мулкчилик сақланиб қолса ҳам, маълум соҳаларда хусусий мулкчиликка, ишбилармонлик ва тадбиркорликка, хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётига кириб келишига йўл очиб берилиши оғир иқтисодий бухроннинг бир қадар олдини олишга имкон берди.

Қарама-қаршиликлар, зиддиятлар муаммоси талқини ҳам асосан жамиятдаги синфий, сиёсий, мафкуравий курашлар билан боғланди. Антагонистик қарама-қаршиликларни бўрттириш, уларни муросасиз сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларнинг ифодаси си-

фатида талқин этйш жамият ҳаётининг моҳияти ва тараққиёти сабабларини нотўғри тушунтиришга олиб келди. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятлар муқаррар түқнашувларга, инқилобий тўнтаришларга олиб келади, деган ғоя синфлар, турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасидаги ихтилофларни сунъий равишда кучайтиришга, уларни қонли ихтилофларга томон буриб юборишга йўл очди. Ижтимоий зиддиятларни ҳал этишда, консесус (келишиш, муросаю-мадора) йулининг имкониятлари камситилди, ёки бутунлай инкор этилди. Натижада, жамият тараққиётининг моҳияти ва имкониятлари хаспушланди. Инсониятниң ҳозирги тараққиёти, мустақил Ўзбекистонда тадрижий йўл билан амалга оширилаётган ўзгаришлар антагонистик зиддиятларни кескинлаштириш, инқилобий сакрашларни амалга ошириш йўли билангина жамиятнинг илгарилама ривожланишини таъминлаш мумкин, деган фикрлар бутунлай хато эканини курсатмоқда. Ҳозирги тараққиёт йули турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасидаги тафовутларни бўрттир-маслик, уларни кескин синфий курашга эмас, балки муросага, бирлашиб, холислик билан, инсонпарварлик қадриятларига таяниб, мавжуд зиддиятларни тинч йул билан ҳал этишга чорлашдир. Қонли урушлардан, сиёсий ихтилофлардан чарчаган инсоният учун бундан бошқа йўл йўқ.

Марксча фалсафанинг жиддий нуқсонларидан бири, давлат ва миллатларнинг барҳам топиши тўғрисидаги таълимотдир.

Давлат — жамият иқтисодий, сиёсий тараққиётининг зарурий оқибатидир. Кишилик жамияти мавжуд экан, ундаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муносабатларни бошқариш зарурияти ҳам доим булади. Тараққиёт жараёнида, муайян шароит ва имкониятлар асосида давлатнинг функцияси, шакллари ўзгариб туриши мумкин. Лекин кишилик жамиятини муайян бошқарув тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар давлат бўлмаса, ҳар қандай жамоатчилик таъсири ва назорати ҳам жамиятни бошқариш учун етарли асос бўла олмайди.

Марксизм асосчилари давлатнинг барҳам топиши масаласини коммунизмнинг жаҳон миқёсидаги узил-кесил галабаси билан боғлашга ҳаракат қилган эдилар. Коммунизмнинг узил-кесил галабаси хаёлий бир фараз бўлганлиги учун давлатнинг барҳам топиши

ғояси ҳам шундай тасаввурлар доирасидан чиқиб кетмади. Совет тузуми даврида давлатнинг барҳам топиши тўғрисидаги таълимот иттифокчи республикалардаги давлат тизими мустаҳкамланишига, мустақил миллий давлатлар ташкил топишга йўл қўймаслик мақсадларида қўлланилди.

Миллатларнинг барҳам топиши ва қушилиб кетиши тўғрисидаги таълимот эса майда этник гуруҳлар, мустамлака ва қарам халқларнинг ҳукмрон йирик миллатлар таркибига синггиб кетишини назарий асослашдан бошқа нарса эмас эди. Совет тузуми шароитида шундай шовинистик мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда рус бўлмаган миллатларнинг миллий онги усисига, маданияти, тили, бошқа этник хусусиятлари ривожланишига тусқинлик қилинди. Бу уринда ҳам кенг тарғиб этилган фалсафий ғоялар остида аниқ сиёсий мақсадлар ётганини куриш мумкин. Пролетар интернационализм ғоялари ҳам шу мақсадларга хизмат қилди.

Марксча фалсафа ижодий ривожланиб борувчи фандеб кўрсатилган бўлса ҳам, унинг янгиланиши имкониятлари мавхум, қотиб қолтан ақидалар, авторитар ғоялар, КПССнинг сиёсий кўрсатмалари чегарасида қолиб кетди. Олимларнинг вазифаси янги «доҳийлар» айтган фикрлар, партия органлари ҳужжатларида кўрсатилган йул-йуриқларни шарҳлашдан иборат булиб қолди. Бу чегаралардан чиқиш эса ревизионизм, марксизм таълимотидан чекиниш, партия сиёсатига хилоф иш тутиш деб баҳоланди. Шу сабабли ҳам 70 йилдан кўпроқ вақт ичиде марксча фалсафанинг «ижодий ривожи» олдиндан белгиланган фалсафий, сиёсий мезонлар чегарасидан чиқа олмади. Бир ярим аср муқаддам шаклланган ақидалар, ғоялар, давлат, партия органларида катта мансабларни эгаллаб турган «доҳийлар», партия съездлари, марказий комитет қарорлари марксча ижодий тафаккурнинг энг сўнгги ютуғи сифатида талқин этилди. Фалсафа фани ривожланиши ҳам юқоридан белгилаб берилган назарий андозалар чегарасида қолиб кетди. «Ривожланган социализм», «социализмнинг узил-кесил ғалабаси», «совет халқи», «умумхалқ давлати» сингари тушунча ва ғоялар ана шундай сохта андозалардан эди. Турлича фикрлар, қарашлар эркинлигини чеклаш, барчани бир хил фикрлашга мажбур этиш марксча фалсафани инқирозга олиб келган асосий сабаблардан бири эди. Фалсафий фикрлар-

да турғунлик ҳолати кучайишига В. И. Ленин, И. В. Сталиннинг асарлари ҳам таъсир этди. Булар фалсафий тафаккурнинг бутун совет тузуми даврида, барча социалистик мамлакатларда таназзулга юз тутганининг яққол ифодаси эди.

Инсон тафаккури тараққиётига нисбатан бундай ақидапаастларча ёндашиш табиатшунослик, жамиятшунослик фанларига нисбатан ҳам кенг қўлланилди. Марксизмнинг назарий ақидалари доирасига сифмайдиган янги кашфиётлар реакцион, буржуа мафкураси деб эълон қилинди. Генетика, кибернетика, тилшунослик, иқтисод фанларига нисбатан бўлган муносабат юқоридаги фикрларимизнинг исботидир. Бу ўринда янги илмий ғояларни танқид қилиш билан чекланмай, уларнинг ижодкори бўлган буюк олимлар қатағон қилинди, турмаларга ташланди, айримлари жисмонан йўқ қилинди. Маънавиятнинг миллат ва мамлакат тараққиётидаги ҳал қилувчи ролига катта аҳамият берган маърифатпарвар алломалар Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, фан тараққиёти ва маданий меросга холисона ёндашган академиклардан Д. Лихачев, Л. Келдиш, М. Дубинин, А. Сахаров, Ҳ. Абдуллаев, И. Мўминов ва бошқалар тақдирли фандаги сиёсий қатагончиликнинг ёрқин мисолидир.

Жаҳон тараққиёти Маркс башорат қилган йулдан бормади. Ҳалокатга маҳкум деб топилган капиталистик жамият ўзининг ички зиддиятларини тадрижий йўл билан баратараф этиб, фан ва техника ютуқларига таяниб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий тараққиётнинг янги босқичига кутарилди. Капитализмнинг гуркови деб таърифланган ишчилар синфи ҳам муросасиз эҳтирослар гирдобига ботмай, капиталистик жамият ичida ўзининг сиёсий, иқтисодий муаммоларини ҳал этиш имконига эга бўлди. Башорат қилинган жаҳон инқилоби учқуни алангага айланмади, балки астасекин сўниб борди. Айрим мамлакатларда бўлиб турган иш ташлашлар ҳам асосан иқтисодий талаблар доираси билан чекланиб, соғлом ва маданий курашлар шаклини олди. Ривожланган мамлакатлардаги давлат ҳокимияти ҳам барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини муштарак ҳал этиш йўлидан бормоқда. Демократия, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари ҳам тобора яхшиланиб, такомиллашиб бормоқда. Ҳуссий мулкчиликка асосланган жамиятда ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётнинг тез суръатларини

таъминлаш, тенглик ва тенг ҳуқуқликка асосланган демократик жамият, ҳуқукий давлат қуриш, кишиларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларини тобора яхшилаб бориш миллий зиддиятлар ва синфий ихтилофларга аста-секин барҳам бериши мумкинлигини тарих сабоқлари яна бир бор курсатди. Жаҳон тажрибасининг бу сабоқлари ҳозир мустақил Ўзбекистонда ҳам ижодий, конкрет шароитларни ҳисобга олиб, амалга оширилмоқда.

Марксизм асосчилари томонидан жамият тараққиётининг капитализм емирилганидан кейин юзага келадиган энг илфор ижтимоий шакли деб таърифланган тоталитар сиёсий тузум тарих синовларидан ута олмади. Пролетариат диктатураси сифатида зўрлик билан урнатилган, ниҳоят, бориб якка партия ва чексиз ҳокимиятни ўз қўлида туплаган раҳбарларнинг диктатурасига айланган совет тузуми тақдири жамият тараққиёти ҳақидаги марксча таълимотнинг хато ва бирёзламалигини курсатувчи тарихий далиллар. Социалистик демократия, барча миллатлар, фуқароларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлиги, «ривожланган социализм», «умумхалқ давлати», «социализмнинг асосий иқтисодий қонуни» ҳақидаги фоялар сароб сингари осмонда муаллақ бўлиб қолди.

Зуравонлик билан урнатилган ва зуравонликни ўз сиёсатининг асосий йули сифатида танлаб олган сиёсий тузум бир мамлакат халқинигина эмас, балки жаҳондаги айрим мамлакатлар халқлари бошига ҳам кўплаб мусибатлар келтириди. Очиқ қатағон сиёсати таъсири остида даҳшат ва қўрқувда, тоталитар тузумда яшаган кишилар оғир иқтисодий, маънавий бўхронларни ҳам бошидан кечирдилар. Жаҳондаги энг даҳшатли умумий қирғин қуролларини ўз қўлида тўплаб, бутун инсониятни қурқув остида ушлаб турган улкан мамлакат ўз ички зиддиятлари таъсирида аста-секин тадрижий йўл билан ҳалокат сари борди ва ниҳоят, тарих саҳнасидан тушиб кетди. Ташқи таъсир асосида социалистик тараққиёт йўлига ўтишни режалаштирган Ҳабашистон, Ангола, Конго, Яман, Лаос, Комбоджа сингари мамлакатлар қатта иқтисодий, сиёсий бўхронлар гирдобида қолиб, ўз тараққиёти истиқболи режаларини жаҳон тажрибасини ва ўз имкониятларини ҳисобга олиб янгидан кўриб чиқдилар. Бу мамлакатлардаги барча бўхронлар совет тузуми тажрибасини ўз мамлакатида кўр-кўrona қўллашга интилиш натижасида со-

дир бўлган эди. Шимолий Корея ва Кубада социалистик тараққиёт йўлидан боришни зўрлик билан, кўзни юмиб, хаёлий ақидаларга таяниб амалга ошириш сиёсати ҳануз давом этмоқда. Бундай йўл мамлакатдаги вазиятни кескинлангтиromoқда, оғир иқтисодий аҳволда қолган, ҳуқуқлари паймол этилган омманинг норозиликлари кучайишига сабаб бўлмоқда.

Марксча таълимотнинг тарих имтиҳонларидан ўта олмаганлиги жаҳондаги коммунистик партияларнинг обрусини ҳам тушириб юборди. Ўнлаб йиллар давомида мамлакатдаги йирик сиёсий куч бўлган Италия, Франция коммунистик партиялари ўз мавқеини йўқотди, омма уларнинг сиёсий шиорларига ишонмай қўйди. Амалга ошириб бўлмайдиган, «ҳамманинг тенглиги, баҳтли-саодатли бўлиши» кўзда тутилган щирин орзу-хаёллар жамияти — коммунизмни мутаассибларча, қатафон ва зўрлик билан амалга оширишга қаратилган назарий гоялар ва амалий ишлар ижобий натижажа бермаганлиги ижтимоий тараққиёт қонунлари ва йўллари ҳақидаги марксча таълимотнинг нафақат обрусини тушириб юборди, балки бу таълимотнинг назарий жиҳатдан мунозарали, амалий жиҳатдан ўта ҳалокатли эканини жаҳон афкор оммаси олдида исботлади.

II Бўлим.

ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР РИВОЖЛАНИШИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ

Жамият тараққиёти натижасида кишиларнинг ҳаётиний фаолиятлари кенгайиб, ақлий заковати ҳам бойиб боради. Бинобарин, уларнинг фалсафий дунёқараши ҳам тарихий даврнинг инъикоси сифатида жамият тараққиётининг муҳим омилига айланади. Шу сабаб инсоният тараққиётининг турли даврлари фалсафанинг турли шакллари пайдо бўлишига олиб келади.

1. ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН, ХИТОЙ ВА ЮНОНИСТОНДАГИ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

Илк фалсафий фикрлар қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистонда келиб чиққан.

Қадимги Ҳиндистондаги фалсафий мактаблар асосан икки туркумга бўлинади. Бири Ведалардан келиб чиққан ва унга суюнувчи мактаблар, иккинчиси Ведаларни тан олмайдиган, уларни рад этувчи мактаблар. Ведаларни тан оловчи ва уларга суюнувчи мактабларга веданта, миманса, санкхъя, нъяя ва вайшешика мактаблари киради. Ведаларни тан олмайдиган фалсафий мактабларга жайнизм, буддизм ва чорвак мактаблари киради. Уларнинг айримлари билан танишиб чиқайлик.

Ведалар таълимотини талқин этувчи дастлабки диний-фалсафий мактаблардан бири миманса ва веданта ҳисобланади. Бу иккала мактаб ҳам Ведаларни муқаддас китоблар деб билади ва кишилардан ҳаётда уларга тұла амал қилишни талаб қиласыди. Бироқ уларда диний қарашлар билан бир қаторда соф фалсафий масалалар ҳам күтарилади. Масалан, миманса мактаби билиш масалаларига катта эътибор қаратган. Үнда ҳиссий билиш ва унинг манбаи, мантиқ масалалари күтарилади.

Веданта мактаби намоёндалари жон билан худони үзаро муносабати масаласига эътибор қаратадилар. Веданта мактабининг фалсафий таълимотини ишлаб чиқишида Бадарайна деган файласуф катта хизмат қиласыган. Жон ва худонинг үзаро муносабати масаласида бу мактаб вакиллари иккига бўлинган. Мадхва тарафдорлари

худо ва жон тамоман мустақил нарсалардир деб ўргатса, Шарката тарафдорлари бунга тескари фикрни, яъни худо ва жон бирдир деган қарашни илгари сурганлар.

Ведаларни шарҳлаш ва ундаги ақидаларни фалсафий жиҳатдан асослашда санкхъя мактаби алоҳида ўрин тутади. Бу мактабнинг асосчиси Капила ҳисобланади. У таҳминан милоддан аввалги 600 йилларда яшаган. Санкхъя мактаби икки бошланғични — моддий ва руҳий бошланғични эътироф этади. Санкхъя мактабининг таълимотига кўра, биз яшаб турган дунёдаги ҳамма нарсалар моддийдир. Бироқ моддийлик билан бир қаторда дунёнинг руҳий асоси ҳам бор. Санкхъя мактаби бу руҳий асосни Пракхрити деб атайди. Пракхрити дунёдаги ҳамма нарсанинг асоси. У абадийдир.

Билиш масаласига келганда санкхъя мактаби кишининг сезги аъзоларини ва ақлнинг ролини инкор этмаса ҳам Ведалар таълимотига катта аҳамият беради. Санкхъя мактабининг вакиллари Веда ақидалари дунёнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради деб уқдирадилар.

Иккинчи туркумга кирувчи мактаблар ичida жайниزم ва чорвак фалсафаси диққатга сазовордир.

Жайнизм фалсафий мактабининг асосчиси Вардхамана ҳисобланади. У милоддан аввалги VI асрда яшаган бўлиб Фолиб — Жина деган тахаллус билан машхур бўлган. Унинг издошлиари жайничилар деб аталганлар.

Жайничилар борлиқни иккига — тирик ва нотирик дунёга бўладилар. Нотирик табиатга улар моддийликни киритадилар. Моддий нарсаларнинг ҳаммаси бўлинмас майда заррачалардан ташкил топган. Нотирик табиатга жайничилар яна макон, вақт, ҳаракат кабиларни ҳам киритадилар.

Тирик табиатга, жайничилар фикрича, жон киради. Жоннинг асосий хусусияти онглиликдир. Онглилик, жайничилар таълимотича, турли жонларда турлича дарражада бўлади/ Жон ўз табиатига кўра мукаммал нарса бўлиб, унинг имкониятлари чексиздир. Бироқ жон тана билан боғлангандир. У эҳтирослар, хоҳиш-истаклар доирасига тушиб қолган. Бу эса, унинг имкониятларини чеклаб қўйган. Шунинг учун ҳақиқий билим, жайничилар таълимотича, жонни танадан халос бўлишига ёрдам қилиши керак.

Қадимги ҳинд фалсафасида чорвак мактаби алоҳида ўрин тутади. Чорвак фалсафаси милоддан аввалги VI асрларда келиб чиқкан. Чорвак фалсафаси намоёндала-

рининг таълимотича, олам моддийдир. Моддий дунё эса тўрт унсур — сув, ҳаво, тупроқ ва ўтдан ташкил топган. Органик табиат ва шу жумладан инсон ҳам ана шу моддий унсурларнинг бирикмасидан иборат. Инсоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у аввало ақли мавжудотдир. Чорвак таълимотича, инсон ўз ақли ва сезги аъзолари ёрдамида ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисаларни билишга қодир. Чорвак мактаби кўпгина фалсафий муаммоларни ўртага ташлади ва уларни ҳал қилишга уринди. Бу қадимги Ҳиндистонда фалсафий фикр анча ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Қадимги Хитой ҳам ижтимоий-фалсафий фикр дастлаб вужудга келган ва тарақкий этган мамлакатлардан бири эди. Қадимги Хитойда ижтимоий-фалсафий фикр милоддан аввалги VII асрларда вужудга кела бошлаган. Қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихида Конфуцийнинг (551—479) қарашлари алоҳида ўрин тутади. У қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожига катта ҳисса қўшган. У қадимий ёдгорликлардан ҳисобланган «Қўшиқлар китоби», «Баҳор ва куз» каби китобларни тузишда қатнашган Конфуцийнинг ўзи «Афоризмлар»и билан машҳурдир. Яратувчи илоҳий кучни тан олган Конфуций «кишиларнинг ҳаёти тақдирга боғлиқ, бойлик ва улуғлик эса Илоҳ томонидан берилади» деб уқдиради.

Конфуцийнинг фалсафий қарашларида ахлоқий масалалар марказий ўрин тутади. «Ҳамма одамлар ўз табиатига кўра бир-бирларига ўхшайдилар, тарбияга қараб улар бир-бирларидан фарқланадилар», «янгини билиш учун эскини ўрганиш керак», «мулоҳазасиз таълимот фойдасизdir, таълимотсиз мулоҳаза бўлмайди», деган фикрлар Конфуцийнинг ахлоқ ҳақидаги таълимотида асосий ўрин олган.

Конфуций қарашларида Ли деган тушунча алоҳида аҳамият касб этади, Ли — тартиб, қоида деган маънони англатади. Ли бўлмаса жамият равнақ топмайди. Тартиб, қонун-қоида ҳар қандай жамият ривожининг омилидир. Конфуций Ли тушунчасини ҳатто илоҳийлаштиришга бориб етади.

Кейинчалик қадимги Хитойда конфуцийчилар таълимотига қўшилмаган моистлар мактаби вужудга келади. Бу мактабнинг асосчиси Моцзи (Мо Ди) ҳисобланади. У милоддан аввалги 479—400 йилларда яшаган. Унинг фирмича инсон ўз ҳаёти давомида ило-

ҳий куч белгилаган қоидаларга мос ҳолда яшashi кепрак. Уларга амал қилган кишини Илоҳ баҳтиёр қилади, амал қилмаганларни жазолайди. Шуниси диққатга сазоворки, Моцзи урушларни қоралайди, давлатлар ўртасидаги тинч-тотувликни кўллаб кувватлайди.

Моистларнинг фалсафий қарашларида билиш билан боғлиқ масалалар ҳам кутарилади. Улар инсоннинг бутун билимлари сезги аъзолари билан тафаккурнинг ўзаро бирлиги натижасида вужудга келишини таъкидлайдилар.

✓ Қадимги Хитойдаги йирик фалсафий мактаблардан бири даосизм мактаби эди. Дао — қонун, йўл деган маънони билдиради. Даосизм мактабининг асосчиси Лаоцзи ҳисобланади (милоддан аввалги VI асрда яшаган). Лаоцзи ва унинг шогирдлари оламнинг моддийлигини, моддий дунё табиий қонуният — дао асосида тұхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда эканлигини қайд этдилар. Даоистлар қадимги Хитой фалсафасида биринчи булиб моддий дунёдаги ҳамма нарсалар қарама-қаршиликдан иборат эканлигини эътироф этдилар. Даоистлар моддий дунёни билиш мумкинлигини, билиш сезгилардан бошланиб тафаккур билан якунланишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Улар билишдан мақсад оламнинг моҳиятини, яъни даони билишдан иборат деб таъкидладилар.

✓ Қадимги дунёда фалсафий фикр тарақкий этган мамлакатлардан бири Юнонистон эди. Қадимги юонон фалсафаси милоддан олдинги VI асрда, ибтидоий жамоа тузуми қулдорлик жамияти билан алмашган даврда вужудга келди✓ Кулдорликнинг вужудга келиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи Юнонистонда шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Юонон шаҳар-давлатлари савдо ва саноат маркази ҳамда маданий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Қадимги Юнонистонда фалсафа ижтимоий ҳаётнинг инъикоси сифатида табиат тўғрисидағи билимлар билан боғланиб бир бутун дунёқарашни ўзида мужассамлантирган эди.

Қадимги юонон фалсафий фикри дастлаб кичик Осиё фарбидаги Иония оролида вужудга келди ва ривожланди. Милет Иония денгизи қирғоғида жойлашган йирик шаҳар булиб, Юнонистон билан Эрон, Миср, Вавилония ва Қора денгиз мамлакатлари ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларнинг маркази эди. Милет фалсафий мактабининг асосчилари — Фалес,

Анаксимандр ва Анаксименлардир. Милет мактабига мансуб файласуфлар учун содда дунёқараш характерлидир. Бу уларнинг борлиқ ҳақидаги таълимотида яққол ўз ифодасини топди. Юқорида номлари тилга олинган Милет мактабининг намояндалари борлиқ асосига муайян бир моддий унсурни қўядилар. Масалан, Фалес сувни, Анаксимандр апейронни (чексиз, чегарасиз моддий нарса), Анаксимен эса ҳавони. Уларнинг фикрича, оламдаги барча нарсалар мана шу моддий унсурларнинг турлича ҳолатидир. Шуниси аҳамиятлики, улар оламнинг моддийлигини ва мангулигини эътироф этганлар.

✓ Бу қарашлар кейинчалик Гераклит томонидан ривожлантирилган. У Кичик Осиёнинг Эфес шаҳрида дунёга келган (милоддан олдинги 530—470 йиллар). Гераклит Милет мактаби намояндаларидан фарқли ўлароқ, оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг сабаби — ўт (олов) деб таъкидлади. Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг чексизлигига, турли туманлигига, Гераклитнинг фикрича, бошланғич ўтнинг мангу ҳаракати ва ўзгариши сабабчидир. Бироқ, унинг фалсафасидаги энг қимматли фикр ҳаракат, тараққиёт ҳақидаги фоя ҳисобланади. Гераклитнинг фикрича, олам доимий ҳаракат жараёнидан иборат. Оламда доимий, ўзгармас бирон нарса йўқ, ундаги ҳамма нарса ўсиб, ўзгариб боради. Оламдаги бундай доимий жараённи Гераклит дарёдаги сув оқимиға ўхшатади. Унинг фикрича, оқиб турган дарёга икки марта тушиб бўлмайди. Иккинчи марта тушганда олдинги сувлар аллақачон оқиб кетган бўлади. Бу — диалектика ҳақидаги дастлабки гоялардандир. Олам диалектикаси тўғрисидаги бу тасаввур Гераклит томонидан тўғри ифода этилган бўлиб, у ҳамма нарса бор ва шу вақтнинг ўзида йўқ, чунки ҳамма нарса оқиб туради, ҳамма нарса ўзгариб боради, ҳамма нарса доим вужудга келади ва йўқолиб кетади деган қарашдан келиб чиқади.

3 Мана шу даврда атомистик дунёқараш ҳам вужудга келади. Қадимги Юнонистондаги атомистик дунёқарашнинг асосчилари Левклипп ва Демокрит ҳисобланади. Масалан, Демокрит оламнинг асоси атомлар (майда, бўлинмас, моддий заррачалар) ва бўшлиқдан иборат, турли-туман нарса ва ҳодисалар шу атомларнинг турлича қўшилишидан ташкил топган деб таъкидлайди. Демокрит моддий нарсаларни доимий ҳаракатда эканлигини ҳам уқдириб утади.

Демокрит атомистик ва детерминистик ғояларини ўзининг космогоник назариясига ҳам татбиқ этди. Атомлар ўзларининг фазодаги тартибсиз ҳаракатлари жараёнида, бир томондан, ўзаро тўқнашиб, бир-бирини парчалаб боради. Иккинчи томондан, бир-бирига қушилиб, тупроқ, сув, ҳаво, ўтдан қуюн шаклида ҳаракатланувчи кўп дунёларни вужудга келтиради. Демокритнинг космогоник таълимоти (айниқса, ер ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласида) гарчи содда бўлса-да, катта илмий аҳамиятга эга эди.

Демокритнинг билиш назарияси ҳам маълум илмий аҳамиятга эга. Унинг фикрича, билиш обьекти моддий олам бўлиб, онгимиз эса моддий оламнинг сезгилар орқали акс эттирилишидан иборатdir.

Демокритнинг атомистик таълимоти кейинчалик Эпикур томонидан ривожлантирилди.

✓ Қадимги Юнонистонда рухни, ғояни оламнинг асоси сифатида талқин этувчи фалсафий қарашлар ҳам вужудга келиб, ривожланиб борди. У ердаги Демокрит ва Эпикур қарашларидан фарқ қилувчи фалсафанинг асосчилари Пифагор, Суқрот, Афлотунлар ҳисобланади. ✓

✓ Қадимги Юнонистонда бундай дунёқарашни ривожлантириб, уни дастлаб муайян тизим ҳолига келтиришга ҳаракат қилган файласуф Афлотун эди. ✓ Афлотуннинг фалсафий қарашлари, асосан, унинг «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий қарашлари эса, «Давлат» ва «Қонунлар» номли асарларида баён этилган. ✓

✓ Афлотун таълимотича, оламда «ғоялар дунёси» бирламчи бўлиб, моддий дунё эса унинг маҳсули, соясидир. «Ғоялар дунёси» замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангув, ҳаракатсиз, ўзгармасдир, у — ҳақиқий дунёдир. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар замон ва маконга боғлиқ бўлиб, ўткинчи табиатга эга. Чунки, улар вужудга келади ва йўқолади. Афлотун нуқтаи назарича, «ғоялар дунёси»да энг олий гоя — яхшилик ва баҳт ғояси — худодир. Бошқа ғояларнинг ҳаммаси у билан боғлиқ. ✓

Ҳақиқатда эса Афлотун таъкидлаган «умумий ғоялар» моддий дунёдаги нарсалар тўғрисидаги инсон тушунчаларидир.

Афлотуннинг билиш назариясида ҳам муҳим таъмонлар бор. Унинг таълимотича, «ғоялар дунёси» билиш обьектидир. Моддий дунё, нарсалар тўғрисидаги

тасаввурларимиз эса ҳиссий билиш орқали пайдо була-ди. Ҳиссий билиш эса, Афлотуннинг фикрича, ҳақи-қат эмас. Моддий нарсаларнинг бошланғич асоси, мо-ҳияти бўлган «ғоялар дунёси»ни фақат соф тафаккур орқали билиш мумкин.

Афлотун қадимги юонон фалсафасининг энг йирик намояндаси ҳисобланади. Унинг таълимоти ўрта асрда ва, айниқса, ҳозирги замон фалсафасидаги турли оқимларнинг назарий асоси бўлиб келмоқда.

✓Афлотун фалсафий қарашларини биринчи бўлиб танқид қилган унинг ватандоши, фалсафа ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир Арасту ҳисобланади (милоддан олдинги 384—322 йилларда яшаган). У сер-маҳсул файласуф бўлиб, унинг айrim асарлари биз-нинг давримизгача ҳам етиб келган. Арастунинг йирик асарлари «Метафизика» (ёки «Биринчи фалсафа»), «Физика», «Жон тўғрисида», «Аналитика», «Категория-лар», «Сиёsat», «Риторика» ва бошқалардир.

Арасту Афлотуннинг «ғоялар» назариясини асоссиз деб ҳисоблайди. Шуниси диққатга сазоворки, Афлотун таълимотини танқид қилиш билан бирга, Арасту уму-ман унга қарши чиқа бошлади. Унингча, моддий олам абадий ва объектив характерга эга бўлиб, у ҳеч қандай Афлотун «ғоя»сига муҳтож эмас. Табиат эса моддий асосга эга бўлган нарсалар йиғиндисидан иборат, у ҳар доим ҳаракатда ва ўзгаришдадир. Арастунинг билиш назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афлотуннинг билиш назариясини рад этиб, Арасту Демокрит билан бирга, моддий дунё билишнинг предмети ва сезгилари-мизнинг объектив манбай эканлигини назарий асослаб беришга ҳаракат қилди.

Арастунинг ва умуман қадимги юонон файласуфла-рининг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари ўша даврдаги ҳукмрон ижтимоий муносабатларга боғлиқ эди. Улар жамиятга нисбатан бўлган қарашларида қул-дорлик тузумини мустаҳкамлашга уринадилар. Юонон файласуфларининг таълимотича, жамиятнинг қул ва қул эгаларига бўлиниши, қулдорларнинг ҳукмронлиги ва қулларнинг қуллиги табиий ҳолатдир. Қуллар бош-дан қул бўлиб туғилганлар, шунинг учун ҳам улар жис-моний жиҳатдан бақувват, жисмоний меҳнатга қоби-лиятлидирлар. Қуллар ўз табиатларига кўра ахлоқий фазилатлардан маҳрум ва яхшиликка уқувсиз кимса-лардир. Ахлоқий фазилатлар, яхши фаолият фақат эр-кин кишиларга, қул эгаларига хосдир.

✓ Лекин қадимги юонон фалсафасининг бу чекланган томонини ҳисобга олмагандан, у ижтимоий фикр тараққиётида янги босқич бўлди. Қадимги юонон файласуфлари фалсафанинг кўп масалаларини янтича ёритишга катта ҳисса қушдилар. Шуни ҳам қайд этиш керакки, қадимги юонон фалсафасининг хилма-хил шаклларида кейинги фалсафий таълимотларнинг илдизлари куртак ёза бошлаган эди. ✓

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, баён қилинган таълимотларда фалсафий тафаккурнинг ilk қўринишлари ўзининг ифодасини топган эди. Шу билан бирга, стихияли тарзда воқеа ва ҳодисаларга диалектик ёндошиш ҳам вужудга кела бошлади. Қадимги файласуфлар фалсафанинг кўп масалаларини ўргага ташладилар ва уларни ўша вақтдаги инсон ақлий тараққиёти ва унинг имконияти даражасида ҳал қилишга уриниб келдилар. ✓

2. ҚАДИМГИ ТУРОНДА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Қадимги Турон заминида дастлабки диний-фалсафий қарашлар милоддан олдинги VIII-V асрлардаёқ шакллана бошлагани маълум. Бу даврда Турон заминида ижтимоий муносабатлар анча ривож топади. Ўша даврларда бу миңтақада яшаган ҳалқлар юонон тарихчилари томонидан скифлар деб аталса, эрон манбалида саклар деб номланган. Бу ҳалқлар, қабилалар, элатлар асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Деҳқончиликнинг ривож топиши асосида дастлабки маданий, ҳунармандчилик, савдо марказлари — шаҳарлар вужудга кела бошлади. Милоддан олдинги даврлардаёқ қадимги турк, хоразм ва сугд алифбоси пайдо булади. VIII-V асрларда маҳаллий элатлар, ҳалқларнинг бой маънавий мероси шакллана бошлайди.

Турон заминида юзага келган адабий ёдгорликларда ҳам жамиятда вужудга келган ижтимоий тенгизликлар, иқтисодий зиддиятлар акс этган. Милоддан аввали VI асрдан то милоднинг III аслигача бу ерда зардуштийлик ва у билан боғлиқ бўлган дуалистик дунёқараш тарқалган эди. Зардуштийлик фақат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашларининг ифодаси сифатида кўрина бошлайди.

Зардүштийликнинг назарий асоси «Авесто» адабий ёдгорлигининг мазмунига кирган диний-фалсафий foялар милоддан илгариги бир қанча асрлар давомида тўпланган ва ривожланган. Искандар Зулқарнайнинг босқинчилик урушлари даврида «Авесто»нинг кўп қисми йўқолган. Аршакийлар даврида унинг қолган қисми тартибга солинган. «Авесто»нинг бизгача етиб келган қисми қайтадан таҳрир этилди. «Авесто»ни Эрон, Турон халқлари маънавий ҳаётининг кўп томонларини ўзида акс эттирган қадимий диний-фалсафий, маданий ёдгорлиги дейишга асос бор.

«Авесто»да қадимги кишиларнинг табиат ва уни билиш йўллари ҳақидаги тасасвурлари умумий тарзда ифода этилган. Унга кўра коинот ер, океан, осмон ёруғлик ва жаннатдан иборат. Учта денгиз билан боғланган Ер океан билан куршалган думалоқ шаклда тасвиранади. (Олимларнинг тахмини бўйича бу — Каспий, Қора ва Ўрта Ер денгизлари). Ернинг охирин Ранға (Волга), Инд ва Тигр дарёлари ҳисобланади. «Авесто»да Марв шаҳри дунёning маркази сифатида кўрсатилган. Шуниси характерлики, унда Ой ва Қуёш худо Ахура Мазданинг танаси сифатида тасвиранади.

«Авесто»да афсонавий тасаввурлар билан бир қаторда кишиларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам ўз ифодасини топади. Бу айниқса, тиббиётга қарашли маълумотларда яққол куринали. Китобда инсон ва жамият, ижтимоий муносабатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳам берилган.

Зардүштийликнинг жамият тарихи тўғрисидаги foялари Таврот ва Қуръондаги тасаввурларга жуда яқин бўлиб, унда биринчи одам Илмадир. Бошқа одамлар ундан тарқалган. Илманинг ҳукмронлик даври олтин давр ҳисобланади. У даврда одамлар ўлим нималигини билмаган. Худо Ахура Мазда абадий баҳорни яратади. Натижада одамлар баҳтли ва фаровон яшадилар. Лекин бир пайтга келиб одамлар гуноҳ иш қилиб қўядилар, яъни таъқиқланган молнинг гўштини ейдилар. Шунда ахраманью («Ахриман») худосининг қаҳри келиб одамларга қор ва совуқни юборган. Илма одамлар ва молларни совуқдан сақлаб қолиш учун уй қуриб, унга барча тирик нарсалардан бир жуфтдан жойлаштирган. Шундан кейин тарихнинг биринчи даври — олтин даври тугаб, иккинчи даври — яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бошланади. Учинчи давр — инсоният-

нинг келажаги давридир. Бу даврда қадимги одамларнинг баҳт-саодат, адолатли жамият ҳақидаги орзу-умидлари ушалади. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашда Худо Ахура Мазда ғолиб чиқиб, баҳтли ҳаёт салтанати қарор топади, ўлганлар тирилади, гуноҳкорлар жазоланади. Зардуштийликда уша даврнинг ҳуқуқий ва ахлоқий қарашлари ҳам уз ифодасини топганди. Зардуштийликнинг аҳлоқ мажмуасида меҳнатсеварлик, адолат, ҳалоллик, яхшилик асосий ўринни эгаллади. «Авесто»да ибтидоий даврдан феодал давргача бўлган ахлоқий қоидалар уз аксини топган. Зардуштийликнинг ахлоқий асосини учта нарса — эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ташкил этади.

Яхши фикр Ахура Мазда худосининг хислати (рамзи), ёмон фикр эса Анхра-манью худосининг хислати ҳисобланади. Зардуштийлик жамиятда одамлар тинч яشاши, бир-бирига самимий муносабатда бўлиши, бир-бирига ёрдам қилиши гоялари тарафдори бўлиб, шафқатсизлик, зўравонлик, шуҳратпарамастлик, ҳасад қилиш, туҳмат, жаҳлга йўл қўйиш, ваъдага вафосизлик каби иллатларни қоралайди.

«Авесто»да меҳнат инсон камолоти ва ахлоқий соғломлигининг манбаи сифатида улуғланади. Бу фикрларнинг илдизини «Авесто»даги яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, уз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши зарурлиги тўғрисидаги фоялардан изламоқ лозим. Инсон, дейилади унда, меҳнат қилгандагина худонинг иноятига ноил булади. Бу билан зардуштийлик оддий меҳнаткаш инсонни улуглайди. «Авесто»да меҳнат аҳлини улуғлашга багишлиган «Деҳқончиликнинг фойдаси ҳақида» деган маҳсус бўлим ҳам бор. Бу бўлимда шундай дейилади: Моддий дунёни, ҳақиқатни яратувчи заминдаги энг муҳтарам манзил қайси гўшадир, нимадир, деган саволга Ахура Мазда шундай деб жавоб беради: «Порсо инсон уйтиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, ем ҳашаги кўп бўлиб, чорва ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди событ, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мул-кул бўлса, уша манзил муҳтарамдир. Кимки ўнг қули ва сул қули билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса замин раҳматига мушарраф бўлажак».

Зардуштийлик таълимотига кура, деҳқончилик меҳ-

нати эзгулик намоён булишининг асосий шакли бўлиб, Ахура Мазда шахсиятида мужассамлашган қонунга бўйсунишdir. «Кимки галла экса оlijанобдир... Фалла эккан киши эзгулик уруфини сочади. Ахура Мазда эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди...» Бу вазифанинг бажарилиши, ўз аҳамиятига кура, дуо ўқиш, юзлаб қурбонлик қилишдан аълодур. Экин экмоқ ёвузликни ер юзидан тугатмоқ демакдир. Чунки «буғдой ўстирилса, девларни қора тер босади, совурилган бугдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр бўлса девлар нола-фигон чекишиади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни егандан сўнг улар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлашади».¹

«Авесто»да меҳнатнинг жуда катта моддий ва маънавий томонларига эътибор берилибгина қолмасдан, балки ахлоқий асослари ҳам назарда тутилади. Зеро, зардуштийлик ахлоқи нуқтаи назаридан саховатли булиш учун инсонга биринчи галда меҳнат қилиш, ўз қўли билан ноз-неъмат яратиш зарур. Шу боисдан зардуштийлик динида ишёқмаслик ҳамма нуқсонларнинг кони, деб қораланиши ҳам бежиз эмас.

«Авесто» тадқиқотчиларидан бири А. О. Маковельскийнинг фикрича, «эзгу фикр» — ниятнинг яхшилиги, яқинларга нисбатан яхшилик қилиш, зарур булганда мадад беришга тайёрлик, кишилар баҳти-саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги ўй-фикр, барча билан тинч ва тотув яшашга интилиш ва шу кабилардир. Инсон бошқаларга нисбатан баҳиллик қилмаслиги лозим. Эзгу фикрлар эса жаҳолатга тескаридир, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унутади, ўйламай иш қилади».²

Зардуштийлик таълимотида эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалнинг бирлиги дейилганда фақирларга меҳрибонлик, инсонпарварлик, кишига иснод келтирадиган ишлардан, бировга ҳасад қилишдан, угрилик, талончилик, узгалар молини ўзлаштиришдан, зинога берилишдан, бировларнинг дилини оғритишдан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушунилган.

Шунингдек, зардуштийликда инсоний бурч фақат

¹ Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литературы. Изд. Наука, М., 1972. С. 52.

² Маковельский А. С. Авесто. Изд. АН Азербайджанский ССР. Баку, 1960. С. 100.

ахлоқий йул-йўриқларни ўзлаштиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки оилавий турмуш, яхши ёрва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлаш эканлиги таъкидланади. Умуман зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси масаласи алоҳида ўрин тутади.

Зардуштийликда Ўрта ва Яқин Шарқдаги ҳуқуқий қараашлар ҳам ўз ифодасини топган. Қадим замонлардан бери кишиларнинг жамиятдаги муносабатларини тартибга солиб турувчи урф-одатлар ва ахлоқий қоидалар мавжуд бўлган. Зардуштийликда улар Ахура Мазда худоси номидан илоҳий қонун даражасига кўтарилади. «Авесто»да ҳуқуқий қоидалар тартибли тарзда ифода қилинган бўлмаса ҳам ўша даврнинг ҳуқуқий муносабатлари туғри акс эттирилган. Ҳуқуқий соҳалар жиноят, фуқаролик, оила, ер-сув ҳуқуқи кабиларга ажратилган. Қадимги даврда ҳам, асарда тасвирланганидек, суд жазоси ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб турган. Жазолаш воситаси сифатида ўт, қиздирилган темир ва бошқа нарсалар қўлланилган. Айборларга қамчи билан уришдан тортиб ўлим жазосигача берилган. Ахлоқий қоидалар сингари ҳуқуқий қоидалар ҳам Авестода диний руҳ билан сугорилган. Улар ҳам худо томонидан ўрнатилган бўлиб, бош ҳакам сифатида Ахура Мазданинг ўзи кўрсатилади.

Шаклланган ва ривож топган қадимги шарқ жамияти асослари милоднинг II—III асрларига келиб аста-секин емирила бошлайди. Унинг заминида феодал муносабатлар ривож топади. Бу жараённинг мураккаб ва зиддиятли кечиши ўша даврлардаги фалсафий қараашларда ҳам акс этди. Шунинг оқибатида зардуштийликдан янги оқим — монийчилик келиб чиқади. Бу таълимотнинг асосчиси Моний деган киши бўлиб, у 216—217 йилларда Ботлда туғилган ва 276 йилда Жундишопур шаҳрида қатл этилган. Моний ўз даврида яхши маълумотга эга бўлган. У форс ва оромий тилида диний ва ахлоқий масалаларга бағишланган бир қанча рисолалар ва китоблар ёзган. Бироқ улар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Моний, ҳатто «монийлик ёзуви» деб аталган алифбо ҳам яратган. Унинг айрим белгилари бугунги кунда ҳам мавжуд.

Моний таълимотича, оламда нур дунёси — яхшилик ва зулмат дунёси — ёвузлик мавжуд. Улар ўртасида абадий кураш боради. Лекин пировард натижада яхшилик тантана қилиши, инсон ўз хулқи ва бутун ҳаёти билан ёруғликнинг зулмат билан курашига ёрдам бери-

ши ва яхшиликнинг тантанаси учун хизмат қилиши керак.

Моний таълимоти қулдорлик давлатига, шунингдек, ҳукмрон динга қарши қаратилганлиги учун унинг тарафдорлари қаттиқ қувфинга дучор бўлдилар.

V асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Эронда кучайиб бораётган зулмга қарши Маздак бошчилигига халқ қўзғолони кўтарилади. Бу ҳаракат аёвсиз равишда бостирилади. Маздакнинг ўзи эса даҳрийликда айбланади. Лекин маздакизмни бутунлай йўқ қилиб юбориш мумкин эмас эди. Чунки, халқ унда ўзининг кўп асрлик орзу-умидларининг амалга ошиши йўлини кўрар эди.

Маздакчилар мафкураси жамоа ерларини босиб олишга қаратилган ҳаракатни ва деҳқонларнинг қарамлигига қарши курашишни ҳимоя қилишга қаратилган эди. Маздак таълимоти зардуштийликдаги ёруглик ва жаҳолат, яхшилик ва ёвузлик курашининг дуалистик ақидаларидан келиб чиқадиган фалсафий қарашларга ҳам асосланар эди. Лекин соф фалсафий ва диний масалалар маздакчиликда катта ўрин тутмайди. Унда ижтимоий масалалар биринчи ўринда туради.

Маздак таълимотича асосий ёвузлик — бойлика ҳирс қўйиш ва камбағалликдир. Булар фаразгўйлик, бир-бирини кўролмаслик, қасос олишнинг сабабларидир. Ижтимоий адоватларга қарши кураш ҳасадгўйлик, бир-бирини кўра олмаслик, қасос олишни бартараф этишнинг, ҳақиқий инсоний муносабатларни вужудга келтиришнинг йўли — худога тоат-ибодат қилишdir.

Шундай қилиб, Маздак таълимотида ижтимоий зулмга қарши кураш муқаддас вазифа сифатида талқин этилади ва унга диний тус берилади. Айни пайтда адолатсизликнинг асосий манбаи бўлган адоватга қарши қаратилган халқ ҳаракатининг қонунийлиги тасдиқланади. Маздакчиликнинг туб мақсади мулкий тенгликни урнатишдан иборат эди. Бу тенглик барча моддий бойликларга бирга эгалик қилиш деб тасаввур қилинади. Маздакчилар жамоага асосланган ҳолда ҳар бир киши мулкка тенг эга бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.

Тенглик фояси — маздакчилар таълимотининг асосий негизидир. Маздакчиликда хусусий мулкка эгалик қилишда ҳаммани тенглаштириш мақсадида бойлик-

ларни тенг тақсимлашга асосий эътибор берилади. Бу тенглаштириш гояси дунёнинг барча бойликлари одамларга бир хил даражада тақсим этилсин деган қоидага таянади. Маздакчиликнинг «Шоҳнома» асарида қуйидагича ифодалайди:

Бойлик, бечоралик булмасин токим,
Тенглик булсин жаҳон мулкида ҳоким.
Бир ҳолда яшасин қашшоқ билан бой,
Қашшоқда ҳам бўлсин, ошу нон, уй-жой.

Маздакчилик ўзининг кейинги тараққиётida сустдиний-ахлоқий таълимотдан феодал давлатнинг асосий таянчларига қарши қаратилган фаол гоявий кучга айланиб борди. Ҳалқ оммаси, асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар уртасида кенг гарқалган ва қўллаб-қувватланган маздакчилик Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий фикрларнинг кейинги тараққиётiga маълум даражада таъсир кўрсатди.

Лекин буни амалга ошириш учун Маздак таклиф этган зуравонлик, инқилоб йўли нотўғри эди. Турон ва Эрон халқлари ўзининг бутун тарихи давомида тадрижий тараққиёт йўлидан борганлар.

Монийчилик ва маздакчилик зардуштийликнинг турли мазҳаблари ҳисобланган.

Милоддан аввалги II ва I асрларда Турон заминида буддизм ҳам кенг тарқалган. Туркистоннинг Марв, Балх, Термиз, Сигноқ, Қува, Косон, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар ва вилоятларида ҳам буддачилик таълимоти ақида ва маросимларини ишлаб чиқишида, уларни бошқа Шарқ мамлакатларида тарғиб этишида алоҳида ўрин тутган марказлар бўлган.

Буддачиликнинг жаҳон динига айланишида қадимиги хитой сулолалари сарой солнномаларида «юэчжэ» деб аталган 5 та катта туркий уруғ асос соглан Кушонлар салтанати, унинг шаҳаншоҳлари — Каджула Кадфис, Вима Кадфис, Канишка, Васудева ва бошқалар ҳал қилувчи роль ўйнаганлар.

Милоддан аввалги I аср ва милоднинг IV—V асрлари орасида Урта Осиё, Турон-Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Кавказнинг Осиё этакларидан «Садди чин»-гача бўлган ҳудудни ўз ичига олган Кушоншоҳлар салтанати Махаяна буддачилигини ўзининг гоявий эътиқоди, мафкураси деб эълон қилган эди. Шарқ

мамлақатлари тарихига оид илмий адабиётларда буддачилик Ҳиндистонда милоддан аввалғи VII—VI асрларда тарқалгани күрсатилади. Бироқ бу даврларда буддачиликнинг хинаяна номли оқими кенг тарқалган эди. Хинаянанинг бosh гояси — фақат жуда кибор, мұттар бар табақага мансуб буддавий азиз-авлиёларгина Нирвана саодатига эриша олади. Шу сабабли бу таълимот Ҳиндистоннинг ўзида ҳам кенг томир ота олмади.

Манбаларнинг хабарларига қараганда күшонлар салтанатининг асосчиси, буюк шаҳаншоҳи Канишка Кадфис томонидан Панжобнинг Жаландхар шаҳрида чақирилган буддачиларнинг умумжаҳон Жомеъ-йифинида «Махаяна — ҳамма учун бирдек улуғ йўл» давлат дини ва мағкураси деб эълон қилинган (милоддан авв. 78 йил). Канишка учун күшонлар салтанатини бирлаштирувчи диний мағкура ва айни пайтда диний эътиқод эркинлиги сиёсатини юргизиш ҳаёт-мамот масаласи эди. Чунки, күшонлар салтанатига кирган халқлар буддавий эътиқоддан ташқари қадимги туркий Тангри эътиқодига, зардуштийлик ва бошқа кўплаб диний эътиқодларга сифинар эдилар. Бу халқларни бирлаштириш учун уларнинг эътиқодларини ўзида омухта қилган, диний эҳтиёжи ва манбаатларини қондира оладиган, унинг эвазига күшоншоҳлар салтанатига хайриҳоҳлигини қозонтирувчи расмий мағкура зарур эди.

Махаяна таълимотининг ақидавий анъаналарига, маросимчилиги ва ижтимоий асосига жиддий ўзгаришлар киритилди.

«Нирвана»га (яъни «мутлақ маъсуллик, эзгулик-жаннатийлик ҳолати») шу дунёнинг ўзида ҳам эришиш мумкин. Нирванага фақат нуфузли, илоҳийлик ва муқаддаслик иқтидори соҳиблари — будда авлиёларигина эмас, балки маънавий-руҳий покланиш, тозаланиш йўлига кирган, комилликни олий ва эзгу мақсад қилиб олган барча одамизод эришиши мумкин.

Буддачиликнинг махаяна шакли күшоншоҳларнинг расмий давлат дини деб эълон этилгандан сўнг Канишка, Вима Кадфис, кейинги күшаншоҳлар уни амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида кенг ёйиш учун салтанатнинг Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош-Илоқ, Туркистон, Сайрам, Кува, Косон, Ўш, Ўзганд, Қошғар ва бошқа шаҳарларда кўпдан-кўп ибодатхоналар қурдилар, буддачиликка оид китоблар тарқатилди.

Күшонларнинг дастлабки пойтахтларидан бири деб тахмин қилинаётган ҳозирги Каттақўрғон ёки Шаҳри-сабз атрофларида дэси ёки (хитойча То-Си) «Дэси руҳи» деб аталувчи диний тавоғ маркази бўлган. Бу қадимги туркийлар сифинган «аждодлар руҳи» маъбудасининг будда эътиқодига мослаштирилган шакли бўлганини эҳтимолдан ҳоли эмас.

Таниқли археологлардан бири, профессор Б. Я. Стависский буддачиликнинг Узоқ Шарққа кенг тарқалиши асосан Турон, Туркистонлик авлиёроҳибларнинг хизмати эканлигини қайд этади. Мазкур авлиёроҳиблар янги «вагн»ларга асос солғанлар ва муқаддас сураларни шахсан кўчирғанлар, уларни маҳаллий тилларга таржима этганлар ва шарҳлаганлар. Ана шундай авлиё-роҳиблар орасида Тармита (Хитойча айтилиши «Дами» — Термиз)лик Ҳармамитранинг номи тилга олинади. Марвлик Ань Ши Гаоҳ, Самарқандлик Кан Сэн-Хуэй, Тошкент — Илоқ воҳасидан Бо Шлипотола, Шрилитра, Лақай туркларидан Ҳармандинлар ҳозирги эранинг III—V асрлари оралиғида яшаб ижод этганлар. Туронлик авлиё-роҳиблар буддавий сутралар матнини шарҳлаганликлари, бу иш билан нафақат Узоқ Шарқдаги, балки Ўрта Осиёдаги ибодатхоналарда ҳам шуғулланганликларини Ўзбекистон ҳудудида топилган янги археологик топилдиқлар тасдиқламоқда.

Буддачиликнинг диний-фалсафий таълимоти асосида тўртта қоида ётади. Булар қуйидагилар: дунёда қийналиш, азоб-укубат мавжуд, ҳар қандай қийналишнинг ҳам сабаби бор, қийналишдан кутулиш мумкин, қийналишдан қутулишга олиб чиқувчи йўл бор.

Қийналиш деганда буддачилик нафақат инсонни, балки барча тирик мавжудотнинг пайдо булишидан йўқолишигача бўлган жараённи тушунади. Бироқ буддачилик таълимотига кура, инсон ҳаётда қийинчиликдан қутулиши мумкин. Кутулиш деганда буддачилик инсонни ўз истакларидан воз кечишини, шу билан бирга тўла хотиржамлик, осойишталик, мутлоқ маъсудлик (Нирвана) ҳолатига эришишни тушунади.

Инсон ҳар томонлама пок булиши (бу «ахимса» деб аталади), ўзида энг олижаноб фазилатларни мужассамлаштириши лозим. Унинг ҳар бир ҳаракати, ўзгаларга муносабати фақат эзгулик нуқтаи назаридан баҳолангандагина, бутун ҳис-туйғусини, фикр-ўйини Буддага

қаратиб, қалбан Илоҳ билан яшаганда, у мутлақ маъсудлик ҳолатига эришиши мумкин.

Албатта, буддачилик таълимотининг бу томони ҳаётда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказаётган меҳнаткаш, бечора фуқароларнинг дикқатини ўзига тортарди, уларда ҳаёт оғирлигини енгил қилиш истагини уйфотиб, пировард натижада буддачиликка топинишига олиб келарди. Буддачилик кенг қулоч ёйишининг сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак.

Шундай қилиб, милоддан анча олдин Ўрта Осиёда диний, ижтимоий-фалсафий қарашларнинг дастлабки куртаклари вужудга келди. Бу ижтимоий фалафий фикрлар диний руҳда бўлса ҳам, ўша давр кишиларининг олам, инсон, унинг ҳуқуқи ва ахлоқи ҳақидаги қарашларини ўзида акс эттириди.

3. ЎРТА АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ, ЎРТА ВА ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, ДИНИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

✓ VIII—XIII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ўз тараққиётининг гуллаб яшнаган даврини кечирди. Бу жараёнга Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидағи илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний таълимотлар ҳам катта таъсир курсатди. Умуман олганда ўша даврларда Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидағи ижтимоий-фалсафий фикрлар бир-бири билан боғланган яхлит жараён сифатида ривожланди. ~~Унда~~ қадарийлар, муржиъалар, мутазила ва Каломдан иборат рационалистик ва инсонпарварлик йўналишдаги диний-фалсафий оқимлар, тасаввубуфнинг орифлик таълимоти тарафдорлари, «соғ араб-мусулмон фалсафаси» — машшоийунлар (Киндий, Яҳъё ибн Ади, Насриддин Тусий, Ибн Бажжа, Ибн Туфайл, Ибн Рушд), Демокритнинг эмпирик табиатшунослик фалсафаси йўналишидаги табиийунлар (Жобир, Эроншахрий, Розий, Беруний, Абу-л-Баракот), амалий сиёsat, давлат ва ахлоқ фалсафаси (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ал-Хирожий, Мавардий, Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино, Кайковус, Низомул-Мулк, Насриддин Тусий, Саъдий, Ҳофиз), мантиқшунослик ва ҳозирги семантик мантиқ фалсафаси йўналишидаги фалсафа (Матта ибн Юнус, Юханна бинни Хайлон, Форобий, Абу Сулаймон Мантиқий

ас-Сижжистоний, Ибн Сино, Насриддин Тусий, хуруфийлар, Мир Саид Шариф Журжоний), фан, фалсафий ва диний таълимотларни қиёсий ўрганувчилар (Ибн ан-Надим, Абу Абдуллоҳ Котиб Хоразмий, Абдулкарим аш-Шаҳарастоний, Байҳақий, Ибн Халикон, Ибн аби Усайбиҳ, ал-Форисий ал-Фаҳрий) каби оқимлар таъсири катта бўлди.

а) Ўрта аср Шарқ фалсафасининг диний, илмий асослари.

Ислом тарқалиб, мустаҳкамланган VII—VIII асрларда мусулмон маданияти асосан Қуръонни ёд олиш, ўрганиш, шарҳлаш, уни воъизлик, хотиблик орқали тарғиб ва ташвиқ этиш, Муҳаммад салоллоҳу алайҳа васалламнинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари, энг муҳим курсатмалари тўғрисидаги Ҳадисларни туплаш, системалаштириш, шарҳлаш, уларнинг ишончли (саҳиҳ) иснодларини топиш, тарихлар (Ибн Ҳишом, Ибн Исҳоқ, Ибн Саъд, Ал-Воқидий Сира ва Тарихлари) ўқиш етакчи бўлган, тафсирлаш тузишга киришилган. Мадина, Макка, Куфа, Басра, Дамашқ, Бағдод ва бошқа шаҳарларда дастлабки мусулмончилик диний-маданий ва меъморчилик обидалари (Байтул-Ҳикма, пайғамбар қабри, Каъба ибодатхонасини — яъни Байтуллоҳни таъмирлаш, масжид, мақбаралар, шаҳидлар қўйилган муқаддас жойлар) вужудга кела бошлаган эди.

Куфа ва Басрада араб тили наҳви ва сарфи мактаблари (Ҳалил ибн Аҳмад, Мусанна, Сибавайҳий ва бошқалар), мусулмончилик жамоасининг маданий ҳаёти, ақидалари, маросим ва талабларини ўрганиш кенг ривожлана бошлаган эди. Таҳорат, тавоф қилишнинг, ҳажга боришнинг сон-саноқсиз тартиблари, кийим-кечак, шахсий, оиласиҳий ҳаёт ва жамоатчилик ўртасида ўзни тутиш, давлат арконлари, маъмурлар билан муносабатлар, раъийятнинг бурч ва мажбуриятларини ипидан-игнасигача баён қилиш, рӯза, закот қоидалари, маъракаларни ўтказиш тартиботлари ишлаб чиқилди.

Ислом динининг фалсафий фоялари ривожланишига Шарқ-халқларининг исломдан олдинги ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам таъсир этди.

IX—X асрларда эса имомлар Абу Ҳанифа, Ибн Анас, Абу Юсуф, Муҳаммад аш-Шайбон, Шофеъий, Ибн Ханбаллар мужтаҳидлик курсатиб, ислом ва шариатдаги асосий тўрт мазҳабларни туздилар. Имомлар Ибн Можа, Абу Довуд, Абу Иса ат-Термизий, И smoil

Бухорий, Насаъий ва бошқа мұтабар сиймолар пайғамбар ҳадисларини йиғиб, системалаштириб, уларнинг иснодларини, саҳиҳларини аниқлаб, илмий тадқиқ қилдилар. Айни пайтда Табарий, Саъолибий, Фаҳриддин Розий, Замахшарий, Байзовий, Абдураҳмон ал-Ижжий ва бошқалар Қуръон тафсирчилигини санъат даражасига кутардилар. Мусулмон маданиятининг энг муҳим қисми — диний қавмлар, мазҳаб ва оқимларни, турли мағкуравий-ғоявий таълимотларни қиёсий үрганишда Ибн Ан-Нодим, Хоразмий, ал-Воситий Фарғоний, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Бағдодий, ан-Навбаҳтий, Беруний, Ибн Ҳазм, Муҳаммад аш-Шаҳрастоний, Муҳаммад аш-Шаҳризурый, Муҳаммад ал-Фаҳрий ва бошқалар асосли илмий-назарий натижаларга эришдилар.

Бундан ташқари, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Абу Мансур Матуридий Самарқандий, Боқиллоний, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, Фаҳриддин Розий, Абдураҳмон ал-Ижжий, Саъуддин Тафтазоний, Абу Ҳафс-Умар ан-Насафий ва бошқа қатор ақоидлар исломнинг илоҳиёт фалсафасини — Каломни ишлаб чиқиб, шариат ақидавий — дунёқарааш асосларига, шарт-шароит, тараққиёт суръатларига мослаша оладиган йўналиш бердилар. Бу эса Ислом, Калом «хукмронлик қилган» ўрта аср мусулмон маданияти, маънавий ҳаёти, айниқса диний мағкураси ўз даври учун мисли кўрилмаган ғоя ва қараашлар, эътиқодларнинг тенг мавқеълиги (мағкуравий плюрализми), эътиқодий бағри кенглик ва сабртоқатлилик, хурфиксалик туғдирди. Шу эътиқодий бағри кенглик туфайли ал-Наззом, Жоҳиз, Абу-ал-Аъло ал-Мааррийларнинг ўз эътирофларига кўра, мусулмону-ғабр, несторию-яҳудий, буддачию-маниҳейлар бир мажлисда, бир дастурхон атрофида еб-ичиб, қаттиқ мунозара қилиб, ҳақиқатни аниқлашда маърифатли баҳс-мунозаралар олиб бора олганлар.

Мана шундай жиддий методологик ва мағкуравий кенг қамровлилик туфайли мусулмон фалсафасининг диний компонентида ҳам дунёвий-рационалистик ва инсонпарварлик майллари кучайди, умумбашарий аҳамият касб эта бошлади. Ислом Каломи яҳудий ва насоро динлари, жаҳон диний-фалсафий фикри, маданияти, маънавий ҳаётига, Фарбий Оврупо илоҳиёт фалсафаси тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Ҳусусан Абу Мансур Матуридий ас-Самарқандий, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Абу-л-Қоҳир ал-Бағдодий,

Абу Ҳомид ал-Фаззолийлар Улуф Альберт, Фома Аквинский, У. Оккам, В. Овернский, Сигер Барабантский ва бошқалар учун мұтабар маънавий устозлар саналған. Умуман, рационализм ва инсонпарварлық майларининг қайтадан жонланишига, Уйғониш даврининг асосий ғоялари бўлиб қолишлирига туртки берганлар.

Шу билан биргаликда, мусулмон маданиятининг, ислом ва шариатнинг сиёсий давлат тузуми концепцияси (ал-Мавардий), хуқуқий системаси — Шариат (Қудурий, Ўзгандий ал-Фарғоний — «Қозихон», Марғиноний — «Ҳидоя») ишлаб чиқилиб, ниҳоясига етказилди (ХII аср). Жаҳон хуқуқшунослиги катта ўрин тутган, мусулмон дунёси хуқуқчилиги системаси — Шариатни балогат даражасидаги мукаммалликка етказған «Бурхон-уд-дин» (яъни «Ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган, мутлақ исботи») фахрли унвони соҳиби Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абу-л-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний (Ваф. 1097 йил)дир. Марғиноний машҳур хуқуқшунослар сулоласидан етишиб чиққан, Риштон, Марғинон, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда Нажмуддин Абу-л-Ҳафс Ӯмар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ибн Маъз «ас-Садри аш-Шаҳид» Ҳусомиддин Ӯмар ибн Абдуллоҳ ибн Ӯмар ва Абу Ӯмар ибн Усмон ибн Али-ал-Пойқандий қаби энг буюк фақиҳлардан фиқҳни ўрганган. Ҳадис илмини улуғ муҳаддис Абу Иса ат-Термизий (Ваф. 892 йил) ҳадислари асосида Зиёуд-дин Абу Муҳаммад Саъид ибн Асъад даврасида, ҳамда ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний қўлида ўрганган ва аста-секин фиқҳ илмига ўтган. Унинг улуғ фақиҳ бўлиб етишишида Шариат назариетчилари Абу Ҳанифа, Муҳаммад аш-Шайбон, айниқса Имом ал-Қудурий (Ваф. 1029 йил) ва унинг «ал-Муҳтасар» номли шариатда жуда мұтабар ҳисобланадиган манбавий китоби асосий рол уйнаган. Унинг асосий асарлари: «Нашр ал-мазҳаб», «Китаб ут-Тажнис», «ал-Мазид», «Китаб-ул-Фараиз», «Мухтарат-ун-навазил», «Мансих-ул-ҳажж», «Шарх-ул-Жомеъ-ул-кабир», «Бидаят-ул-мубтадий», (8-жилд), унинг муҳтасари ҳисобланмиш 4 жилдлик «ал-Ҳидоя фил-Фуруъ» ёки «ал-Ҳидоя фи-ш-шарҳ-ул-бидая»лардир.

«Ал-Ҳидоя» ўрта асрларда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам нафақат Шариат Қомуси, Қонун чиқариш асоси, балки умуман ҳар қандай хуқуқий таълим ва таҳсил-

нинг ибтидоси сифатида шариатдаги ҳанафия ҳуқуқий мактабига эргашувчи, унга амал қилувчилар учунгина эмас, балки Шариатдаги барча мазҳаблар учун ҳам андазавий манбаадир.

«Ал-Ҳидоя» ва умуман ўзининг бутун ҳуқуқий-иммий меъросида Маргиноний Шариат ҳуқуқчилигини системалаштириб, қуйидаги йўналишларда назарий-методологик ечимлар беради: 1. Ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш. 2. Мулкчиликнинг турли шакллари — вақф, давлат, хусусий ва шахсий мулкчилик шакллари, умуман молиявий фаолиятнинг конституциявий асосларини ўрганиш. 3. Жиноят ва жазонинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодисалар сифатидаги ҳуқуқий мақомини тадқиқ этиш. 4. Фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиётини ўрганиш. 5. Қозилик ва процессуал қоидалар тартиботи, тизими ва таркибини ўрганиш ва ҳ. к.

Маргинонийнинг ва умуман Шариатнинг ҳуқуқий меросини, демократик қадриятлари ва анъаналарини ўрганиш мустақилликка эришган миллатимизда сиёсий онг, маданият, ҳуқуқий хотирани тиклаш, қонунчилик тўгрисида халқимиз, миллатимизга хос бўлган зукколик, оқиллик ва қатъийликни жонлантиришга ва демак, ҳозирги замон ҳуқуқий жамиятини қуриш ишига ҳам хизмат қиласди.

Ўрта аср мусулмон жамияти, давлати, оиласи, умуман раъийяларнинг сиёсий ва маданий, ижтимоий, ахлоқий ҳуқуқий муносабатлари, дунёвий қадриятлари, талаб ва мажбуриятларига сиёсий, ҳуқуқий, диний асослар яратиб берилди. Эндиликда ислом фақат диний эътиқоднингина эмас, балки умуман мусулмон жамияти фуқароларининг турмуш тарзи, руҳияти, қадриятлари, онги ва тафаккури, ҳуқуқий-ахлоқий муносабатларининг мажмуъаси сифатида ўзининг жуда кенг ижтимоий, илмий, тарбиявий, ахлоқий, маданий-коммуникатив функцияларини бажара бошлади. Ҳозирги исломдаги замона, шарт-шароитларга мослаша олиш қобилиятининг ғоявий-гносеологик илдизлари айни мана шу олиб қаралаётган даврда шаклланган.

Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари умуминсоний маданиятининг, умуман ўрта аср мусулмон жамиятининг ижтимоий, миллий, маданий бир бутунлиги Куръони Карим, Ҳадиси шариф ва Ҳидояи муқаддасдаги қуйида келтириладиган суралар, оятлар, ҳадислар, шариат кўрсатмаларида ўз аксини топган.

Куръони Каримда марҳамат қилинади: «Бандала-римга айтгинки, улар энг гузал сўзлардан сўзлашсинлар». «Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда-қуруқлик ва дengизда чиқариб қўйдик, ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу-руз бердик ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»; «Зинога яқинлашманглар! Чунки бузуқлиkdir — энг ёмон йулдир»; «... ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тула туқис қилинглар ва тўғри тарозида тортинглар!»; «Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен ҳаргиз ерни тешиб кетолмайсан ва буй-бастда тоғларга етолмайсан» (ал-Исро-53; 70; 32; 35; 37). «...молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йуловчи-мусофиirlарга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган..., аҳдлашганида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғиренгил кунларда ва жанг-жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир»; «Одамларни алдаб фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир...» «Оллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган» (ал-Бақара-177; 191; 219-220; 275); «Оллоҳ иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса ажрларини комил суратда берур, Оллоҳ зулм қилгувчиларни севмайди»; «Оллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмасдир» (Ол-Имрон — 57; 182). Булар чуқур инсонпарварликни ифодаловчи маънавий қадриятлардир.

Куриниб турибдики, Куръони Каримда мусулмонлар жамоаси турмуш тарзи, руҳияти, бурч ва мажбуриятларини, одоб-ахлоқ маданиятини, ҳуқуқий муносабатларни биринчи навбатда инсонпарварлик ва анчагина ҳаётий самаралилик нуқтаи-назаридан аниқлаб берилди. Айни пайтда, Куръони Каримда барча ижтимоий-оилавий-интим муносабатлар — инсоннинг Оллоҳга ва бошқа инсонларга бўлган муносабатлари ана шу юксак Инсонпарварликни рӯёбга чиқаришга қаратилган адолат асосида қурилиши, адолатга Оллоҳнинг ҳам, инсонларнинг ҳам бирдек риоя этиши зарурлиги foяси қатъий ифодаланган.

Шу билан бирга, Куръони Каримда Муҳаммад саллоллаҳ алайҳи васалламнинг барча араб ва араб бўлмаганларни ҳақ, маърифат йулига бошлаш, айниқса, мусулмонликни қабул қилмаган қавм ва миллатлар билан бўлган муносабатларни Ақл, Инсонпарварлик ва адолат юзасидан қуришдан иборат улуғ вазифаси курса-

тилган. «Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло Мендан сұрамагин... Мен сенга жоҳил нодонлардан бұл-масликни буюраман» (Худ-46); «Динга зұрлаб (кири-тиш) йүқдир. (Зеро) ҳақ йул залолатдан ажраб бұлди»; «Оллоҳ мұмінларнинг дұстидир. Уларни қоронғу зулматтардан ёруғлик-нурға чиқаради» (Бақара — 256; 257) «Динсиз кимсалар бир-бirlарига дұст-ҳамкор-дирлар». «Агар (шу ҳұмкін) амал құлмасанғызлар, ерда фитна ва катта фасод бұлур» (Анфол-73): «(Эй Мұхаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сұраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи Оллоҳнинг каломи-ни әшитсин. Сұнг уни ўзи учун тинч бұлған жойга етказиб қўйинг. Бу уларнинг билмайдиган қавм бұл-ғанлари учундир» (Тавба-6); «Ҳар бир миллат учун пайғамбар бұлур» (Юнус-47); «Агар парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун Ер юзидағи барча кишилар иймон келтирған бұлур әдилар. Ахир сиз одамларни мүмин булишга мажбур құлурмисиз. Оллоҳнинг изну-ирода-сисиз ҳеч бир жон мүмин бұла олмас» (99—100-Юнус):... биз сизларни ўзингиз истамаган ҳолда маж-бур қилаоламизми?!... Ва мен иймон келтирмаган ки-шиларни құвмайман ҳам» (Худ-28-29): «Пайғамбарлар зиммасида фақат очиқ-оидин етказиш бордир»: «(Эй Мұхаммад), Парвардигорингизнинг йўли — динига до-нолик ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гұзал йулда мужодала-мунозара қи-линг» (Наҳл-35; 125); «Айтинг»: (Бу Қуръон Парварди-горнинг томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳла-ган киши иймон келтирсін, хоҳлаган кимса коғир бұлсін» (Қаҳғ — 29); «(Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз — динингиз, ҳақиқатда бир диндир» (Ан-биё-92)

Бу инсонпарварлық ва ҳаётий йұналиш моҳияттан ва айниқса амалий жиҳатдан Мұхаммад саллоллоҳ алайха вассаламнинг муҳим күрсатмалари, ўғит ва йўл-йўриқ-лари ҳамда турмуш тарзи, одат ва қилиқлари ҳақидағи энг мұътабар Ҳадис Шарифларда ўз ифодасини топ-ған.

Ҳадиси Шарифларда мусулмон жамоаси ҳаётининг барча томонлари буйича муфассал күрсатмалар бор. Биз улардаги маданият, илм-фан, фалсафа тараққиеті учун катта аҳамиятта эга бўлғанларини күрсатиб ўта-миз.

«Илмни Чинда бўлса ҳам қидириб топ»; «Олимнинг сиёҳи шаҳид қонидан аълороқдир»; «Илм олиш ҳар-

бир мусулмон эр ва хотин учун фарздир»; «Илмни мушриклар оғзидан бўлса ҳам ўрганинглар»; «Илмга бешикдан то қабрга киргунларингча интилингиз»; «Ер юзидағи уламолар бамисоли осмондаги юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Юлдузлар ботса, йулчилар адашиши мумкин»; «Илмни ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сураб истиғфор айтади»; «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир»; «Менинг назаримда ибодатга қараганда илмнинг фазилати ортиқдир. Диндаги энг яхши хислат — бу тақводорликдир»; «Илмга нисбатан гүё чупон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар;» «Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошлидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳадис олмагунча етук муҳаддис була олмайди»; «Мен илмни хорлаб сultonу амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амрига илм керак бўлса, болаларини уйимга ёки масжидимга юборсин!» (Кейинги икки хабар Исмоил Бухорийнинг уз сўзлари). Буларга Қуръони Каримдаги қўйидаги курсатмаларни қўшсак илм-фан, маърифат, маданиятга интилишга нақадар катта аҳамият берилганигини билиб оламиз. Қуръони Каримда марҳамат қилинади: «Оллоҳ таолло сизларнинг ораларингизда эътиқодлилар ва билим ато қилингандарни афзал қиласди: «иймон келтирғандар, билимдонлар — ҳақиқат Оллоҳдан эканлигини биладилар» (Мужода — 12).

Бундан ташқари Ҳадиси Шарифларда турли қавм, миллатлар, динларга тааллуқли кишиларнинг Оллоҳ олдидаги тенглиги, уларга нисбатан, умуман кишилар ўртасидаги муносабатларни адолат, инсонийлик асосида қуришга, одоб-ахлоққа оид курсатмалар ҳам бор. «Қора танли ҳалқларни ҳам дуст тутаверинглар, зеро улардан учтаси жаннат ахлининг улуғларидан булурлар: Луқмони Ҳаким, Нажоший, Муаззин Билол Ҳабаший», «Тангри наздида энг маъқул жиҳод — золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир»; «Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчиликка ва фаҳрга ўтманглар»; «Ҳар бир нарсани бузувчи офати бордир. Диннинг офати «ёвуз ҳокимлардир»; «Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас. Ортиқлик фақат дину диёнатда ва солиҳ ишларда булиши мумкин. Беҳаё сўзловчи, баҳил, қўрқоқ одам учун бошқа ёмон сифатлар иккинчи даражалидир»; «Кимки бирор мўминга озор берса, гүё

у менга озор берган бўлади»; «Золимнинг золимлигини билиб туриб, унга ёрдам бериш учун у билан бирга юрган одам исломдан чиқиб қолади». Бу фикрлар инсон, унинг қадри-қиммати масаласи ислом фалсафасида асосий ўрин олганини кўрсатади.

б) Ислом ва шариатда ижтимоий фалсафа муаммолари.

VIII—XIII асрларда шаклланган ва ривожланган мусулмон ижтимоий фалсафаси ўзининг маълум дунёвий адолат, инсонпарварликни қарор топтиришга, маърифатпарварлик, демократик бошқарув усулларини рўёбга чиқаришга йўналганлиги билан мусулмон маданиятининг таркибий қисми ва энг муҳим ютуқларидан бири бўлди.

Маълумки айрим кишиларда шуролар давридан қолган тафаккур ва мафкура андозаларига кўра, Шарқда, шу жумладан ўзбек халқида сиёсий онг, маданият ва миллий мафкура анъаналари, демократик хуқуқий талаб, бурч, кафолатлар, тартиботлар бўлмаган деган тарихан асоссиз тасаввурлар бор.

Туркистонда ислом дини келмасдан авваллари ҳам, ислом келганидан сўнг ҳам анча юксак такомилга эришган сиёсий онг, маданият ва мафкура анъаналари, демократик ва инсонпарварлик қадриятлари мавжуд бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

1. Илк исломда илоҳий-наслий ҳокимият ўрнига Сунна (Конун)га асосланган ҳокимият, бошқариш усулини мусулмон жамоаси ўзининг эркин иродасини намоён қилиб, қатъий тарзда жорий этган. Хулофой рошидийнлар — Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб — Сунна қонунига биноан халифа этиб сайланганлар.

2. Муҳаммад саллоллоҳ алайҳа вассаллам теократик ҳокимият ўрнатган, деган ҳақсиз, кўпинча асоссиз, мунозарали фикр мавжуд. Аслида Муҳаммад саллоллоҳ алайҳа вассаламнинг Суннага қатъий риоя қилишдан ташқари, ўzlари бажарган дунёвий ҳокимият (Амир ал-муслимиййин) ва диний ҳокимиятни (Имом-ул-муъминиййин) жуда аниқ фарқлаган ҳолда, функционал ҳокимият шакллари сифатида юргизган.

3. Имомлар Абу Ҳанифа, Шофеъий, Абу Юсуф, Муҳаммад аш-Шайбон ва бошқалар томонидан ишланган Раъй, Қиъёс, Ижмоъ ва Истиҳсон каби рационалистик ва инсонпарварона принциплар мусулмонлар жамиятидаги ижтимоий-сиёсий, хуқуқий ҳамда давлат-

ни қуриш ва бошқаришга, иқтисодий аҳволга оид муносабатларни тартибга солиша кенг қулланила бошлаган. Бу кейинчалик ал-Мавардий («ал-Ахкам ас-Султонийя»), Қудурий («Мұхтасар»), Бурғониддин ал-Марғиноний («ал-Ҳидоя»), Фаззолий («Насиҳат-ул-мулк») ва бошқа мусулмон сиёсат назариётчилари томонидан Ислом, Шариатнинг сиёсий маданият, тафаккур, давлат қурилиши ва бошқарилишига оид асосли назариялар даражасида балоғатта етказилди.

4. Қолаверса, кейинги даврларда ҳам Ислом ҳеч қаңон үз қулида мутлақ ҳокимиятни тұпламаган, балки доимо ҳукмдорлар ёнида жамиятнинг Ахлоқий Қонуни ролини үйнаган, маърифий, тарбиялаш ва меҳр-шафқат, инсонпарварликка даъват қылувчи вазифаларни бажарған.

Демак, булардан қуйидаги умумлаштирувчи хulosага келса бұлади: Ислом мағқурасида, қадриятларида, мусулмончилик турмуш тарзи, руҳияти, онгиге муайян мутассиблик майллари мавжуд булиб келгандылығы қарамасдан (бу ҳозирги замоннинг барча машхур динлери га бирдек хос) тарихан Исломда доимо демократик майллар (Сунна, Раъй, Қиёс, Ижмоъ, Истиҳсон ва ҳ. к.), Шариат арконлари, талаб ва таъқиқларида эса адолат, инсоф ва қонунийлик, инсонийлик етакчи, устувор мавқеьига эга бұлған, зүрлик, зулмнинг йўли кесилиб, бир томонлама беҳад бойиш ёки қашшоқланишнинг олди олинган (Закотнинг қонунийлиги, Риъбонинг таъқиқланғанлиги, Баъйнинг Ҳалол, яъни ҳалол ишбилармөнликнинг рағбатлантирилғанлиги ва ҳ. к.). Ислом, Шариат инсон олдида оқилона тадбиркорлик, ишбилармөнлик қилишнинг кенг имкониятларини очиб берган ва рағбатлантириб турған, инсоннинг үз шаънига муносиб яшаши шарт-шароитларини вужудға келтириб, мусулмон жамиятининг бутун ўрта асрлар мобайнода динамик ривожланиши, Farbdan ҳар соҳада устун булиб қолишини таъминлаган. Мусулмон дунёсининг XVII—XVIII асрлардан сұнг тараққиётда орқада қолиб кетиши эса феодал мулкчилик муносабатларининг Шарққа хос ички тараққиёти қонунийлари билан изоҳланади.

5. Ҳозирги пайтда авж олдирилаётган «мусулмон фундаментализми» Ислом, Шариатнинг имкониятлари, салоҳиятини идрок қила олмаслик, моҳиятини тушунмаслик ёки тушунишни истамаслик оқибатидир. Бошқа томондан эса шуни ҳам ёддан чиқармаслик ло-

зимки, «мусулмон фундаментализми» деб қаралувчи ҳозирги кундаги ҳодисалар мусулмон дүнёсига нисбатан Фарбнинг зулми, адолатсизлиги, мустамлакачилик ва талон-тарож сиёсати, иккюзламачилигига жавобан вужудга келган. Демак, «мусулмон фундаментализми» Фарбнинг ўзи эккан «зироат» — зурлик, адолатсизлик ва риёкорлик сиёсатининг қонуний ҳосиласидир.

Туркистанда тоҳирийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар диний-сиёсий, ҳуқуқий устамонлик кўрсатиб, амалда ҳалифалик марказидаги ҳокимиётдан мустақил бўлиб олганлар, ўз ҳудудларида юқорида таъкидлаб ўтилганидек «маърифатпарвар ҳокими мутлақ» сиёсатини юргизганлар, маҳаллий ҳалқларнинг қадимги давлатчилиги, ҳуқуқий онги, тафаккури анъаналарини қайтадан тиклаб олишга муайян даражада муваффақ бўлганлар.

Тоҳирийларнинг ҳалифаликни номигагина тан олиб, амалда ўз ҳалқининг қадимги давлатчилиги анъаналарини тиклашга уринганликлари, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий фаоллигини кутариш, «маърифатпарвар ҳокими мутлақ» сиёсатини юритиб, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришида Мовароуннаҳр ҳалқлари давлатчилиги анъаналарини тиклаб олишга муваффақ бўлган эдилар.

Ўрта ва Яқин Шарқ ҳалқлари мусулмон маданиятидаги сиёсий мустақиллик, демократик, инсонпарварлик ва рационализм майллари қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар даврида (XI—XII асрлар) сиёсий-давлатчилик анъаналарини қўллашда маҳаллий, туркий давлатчилик анъаналарига асосланганликлари, шунингдек феодал мулк эгалиги Йқтани ривожлантириб, араб ҳалифалигидаги «Ер-мулк Оллоҳники» деган принципдан четлашиб, Шарқда биринчи бўлиб Овруподагидек феодал, помешчик ер эгалигини жорий қила бошлаганликлари каби муҳим иқтисодий-сиёсий жараёнларда ўз ифодасини топган.

Ўрта асрлардаги мусулмон фалсафасининг яна бир муҳим қисмини диний-мазҳабчилик ҳаракатлари — шийъа-исмоилийлар, тасаввуф, мутазила оқимлари билан боғлиқ илм-фан, фалсафа, бадиият, маданият ташкил этгани маълум.

Маълумки, шийъалар ҳаракати ва таълимоти Сунна тарафдорлари билан ҳалифалик диний-сиёсий ҳокимиёти учун кураш жараёнида пайдо бўлган ва ислом

оламида жуда эрта ва кенг — Макка-Мадинада, Яманда, Баҳрайнда, Ироқда, Миср ва Шимолий Африка қирғоқларида, Эронда, Мовароуннаҳр ва Хурросонда тарқалган эди¹. Шийъалар уз ақидавий таълимотлари ва маросимчилиги асосида уз жамоаси турмуш тарзи, урф-одатлари, маросим ва маракалари, шароитлари, диний ва дунёвий қадриятларини шакллантирганлар. Қуръон, Ҳадислар, Сираларни ўзига хос талқин этадиган илм-фан, фалсафа, бадиият, маданиятни вужудга келтирганлар.

Исмоилийлар тұрт босқичли таълим-тарбия таҳсилини ишлаб чиққанлар. Бу таълимотга неоплатонизм, зардыштийлик, буддачилик, манихейчилилик, несторий насороларнинг маданияти, диний мазҳабчилик эътиқодлари катта таъсир курсатган. Бу айниқса тұрт босқичли таълим-тарбия таҳсили жараёнини босиб ўтишда ўзлаштириладиган билимлар, фалсафий таълимотларда неоплатонизмнинг орифона судур (файзи илохий) — мистик эманация назариясининг кенг қулланилишида күзға ташланади.

Мовароуннаҳр, Хурросон ва Эрондаги илк исмоилийлар даъватчилари — Марвазий ва Нахшабийлар кўпгина табиатшунослик ва фалсафий фанлардан яхши маълумотга эга бўлган, юксак маданиятли, сиёсий улдабурон кишилар бўлганлар. Исмоилийлар уз таълимотларини ишлаб чиқиши, тарғиб ва ташвиқ қилишда беихтиёр илғор маданият, рационализм анъаналари, табиий-илмий, фалсафий билимларнинг кенг тарқалишига, кенг ҳалқ оммасига етиб боришда ижобий роль йўнаганлар. Бундан ташқари исмоилийлар ўз жамоасини, Мовароуннаҳр, Хурросон ва Эрон, Ироқҷача чузилиб кетган «тог қалъя — давлатлари»ни тушиб, расмий исломга, диний мутассибликка қарши очиқ сиёсий кураш олиб бориб, ўзига хос эркин ва дунёвий, диний ва инсоний маданиятни муқобил суръатда илгари сура олган эдилар. Мазкур дунёвий, диний ўзига хос маданият, жамоа ўзининг ўта сўл ижтимоий моҳияти исмоилийлар таъсирида ёки уларнинг қўлларида бўлган жойларда ижтимоий адолат ва тенглик foяларини амалда жорий этишга йўналганлиги учун ҳам оддий меҳнаткашлар, қуи табақалар орасида жуда катта эътибор қозонганлар.

В) Тасаввуф: унинг тариқатлари ва муаммолари.

¹ Петрушевский И. П. Ислам в Иране. Л., ЛГУ, 1966, С. 276-310; 350-376.

Тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Туркистон, Хурсон ва Эрон, умуман Урта ва Яқин Шарқ халқлари диний-фалсафий тафаккурининг энг муҳим ва ўзига хос қисмини ташкил қилади.

Буюк тасаввуфчилар Иброҳим Ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Муса ал-Воситий ал-Фарғоний, ас-Суламий, Абу Сайд ибн Абул-хайр ал-Мехоний, Бобо Кўҳий, Бобо Тоҳир, ал-Кушайрий, Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар ўрта асрларда Туркистон, Хурсон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари, бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Муҳосибий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифчилик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвешлик амалиёти, анъаналарини, қадриятларини шакллантирганлар.

Одатда илмий-оммабоп, фалсафа тарихи, шарқшунослиқ ёки адабиётшунослик нашрларида тасаввуфчиларни у ёки бу даражада, аммо албатта ваҳдат-ул-вужудчи, яъни пантеистлар сафларига қушадилар. Аслида Маъруф Кархий, Сари Сақатий, Хорис ал-Муҳосибий, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Ҳамид Газзолий, Шаҳобиддин Суҳравардийларнинг «ваҳдат-ул-вужуд» таълимотлари Оллоҳнинг Ҳақлиги, бирлигини тасаввур қилишда расмий «аҳли сунна ва жамоа эътиқоди» Қуръони Карим, Ҳадисларда қандай бўлса, шундайлигича олинади, ундан узоқлашмайди.

Бошқа томондан эса, Муҳий-ид-Дин ал-Арабий, Фаридуд-Дин Аттор, Жомий ва Навоийларнинг «ваҳдат-ул-вужуд» таълимотлари, гарчи ўзида кучли пантеистик майлларни акс эттирасда ва Оллоҳ таолонинг дунё билан алоқасини, боғлиқлигини эътироф этсаларда, фақат Оллоҳ таолонинг борлиги, унинггина Ҳақ эканлигини тан олиш фояси устувордир. Демак, тасаввуфнинг бу вакиллари мұтадил пантеизм позициясида турганлар.

Жунайд ал-Бағдодий, Абу Йазид Бистомий, Иброҳим ибн Адҳам, Айнул-Куззот Ҳамадоний, Яссавий, Ҳожа Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Машраб, Бедилларнинг «ваҳдат ул-вужуд» таълимотларида эса тасаввуфда «гулу» бошланишига сабаб бўлган Оллоҳ таолонинг Ҳақ вужуди билан ўткинчи, яратилган нарсалар дунёси вужудида айнан, жисмоний бир-

лик эмас, моҳиятий бирлик түғрисидаги фоя илгари сурлади. Демак, инсон маърифат ва риёзатлар чекиб, узининг вужудидаги ана шу илоҳий моҳиятни кашф этсаю, уни ярқиллатиб (ишрақат) бошқаларга зиё бера бошласа, ана шундай суфийларга Оллоҳ таолога «етишиш», унинг «васлига мұяссар булиш» шарафи иноят қилиниши түғрисидаги мұхим диний-фалсафий ва амалий аҳамиятли холоса чиқариш имкониятлари вужудга келади. Бу «ғулу» (ғалво) туғдирувчи фоя тасаввуфда Оллоҳ таоло олдидаги обиднинг аҳволи (Холи), орифларнинг Оллоҳ таоло билан гүёки «құшилиб кетиши» (Жаъм), «бирлашиб кетиши» (Иттиҳад), ҳатто Оллоҳ таолонинг бирон авлиё-ориф вужудига дүниши (назл), унинг «қиёфасида күриниши» (Хулул) хаёллари — соддароқ қилиб айтилганда, худолик даъволарининг юзага чиқишига, тасаввуф билан Ислом, мусулмон жамоаси, Шариат ўртасидаги мұносабатларнинг зиқлашувига, Халлож, Айн-ул-Қуззот, Насимий, Бадриддин Симавий, Машраб ва бошқаларнинг қатл этилишига, Бистоний, Ибн ал-Аърабий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мұҳаммад Иқбол каби тасаввуф мутафаккирларни куфр, бидъат ва «худосиз»ликда «айбланишларига» олиб келди.

Тасаввуф фалсафасининг үзига хослиги ундаги худо түғрисидаги ваҳдат-ул-вужуд, ваҳдат-ул-мавжуд ва ваҳдат-ул-шүхұд — яъни ваҳдатнинг (худонинг) үзлигіда, дунёда ва шахсда намоён булиш түғрисидаги орифий пантеистик¹ таълимоти, худога етишиш (vasl), унинг маърифатга эришишнинг алоҳида жазава (экстатик — арабча «шатҳ») — «ўзидан кетиш» йўли, (шариат, тарикат, маърифат, ҳақиқат) амалиёти билан белғиланади, чунки тасаввуф ўзидаги ана шу асосий фоя ва принципларга кура мусулмон фалсафасининг ҳукмрон ва белгиловчи, йўналтирувчи расмий ислом ақидавий таълимоти ва маросим талабалари, шариат курсатмаларидан анча-мунча четлашадиган, юксак орифий ва айни пайтда ҳурфикли тафаккурини вужудга келтирған эди. Ана шунинг учун ҳам тасаввуф ижтимоий-

¹ Илмдан узоқ лоғ-қоғларга қура, пантесизм худо билан олам, моддий дунёни ва рухни моддий бир деб тушуниш, худо билан дунё вужудининг моддий құшилиб кетиши эмиш. Ҳолбуки Ҳегель ўз даврида пантесизм термини худо билан оламнинг моҳияттый, илоҳий бирлигини акс эттира олмайды, боз устига мазкур бирликни ҳар хил талқин этишга, хусусан, барча моддий дунёни илоҳийлаштирилишига сабаб буладиган «галати» тушунчадир, деб талқин этишга, хусусан, барча моддий дунёни илоҳийлаштирилишига сабаб буладиган «галати» тушунчадир деб ҳақиқи күрсатған эди.

фалсафий тафаккур тараққиётида күпгина илфор ва осийлик таълимотларини, шу жумладан пантеизм ва деизм шаклларида ифодаланган содда дунёвий, умумбашарий қадриятларини, инсонпарварлик, юксак рухийлик, табиат ва инсонни севиш майлларини ифодалаш учун қулай восита бўлиб хизмат қилган.

Тасаввуф орифлик, зоҳидлик ва дарвешлик, гушанишинлик, риндлик ҳаракатлари сифатида аввал бошиданоқ, бойишга интилиш, адолатсизлик, зуравонлик каби қатор ижтимоий маразларни қораловчи, инсонларнинг худо олдидаги тенглиги, камбағал фақирбечораларга инсоний муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаги демократик ҳарактердаги ақидаларга эга эдик, бу тасаввуф ва у билан боғлиқ маданиятга яққол ифодаланган умуминсоний ва эркин фикрлик йўналишини берар эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг халқ оммаси орасида, қўйи табақалар орасида кенг ва чуқур ижтимоий заминга эга эди.

Л. Массинъон, Е. Э. Бертельс, А. Арберри, М. Смит, Л. Гардэ, С. Х. Наср, Г. М. Керимов, В. Наумкин, Н. Комилов ва бошқа шарқшуносларнинг тасаввуф ҳақида олиб борган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, ўрта асрлардаги тасаввуф шаҳарлардаги ҳунарманд-косиблар, маърифатчи зиёлилар билан яқиндан bogланган, уларнинг иқтисодий манфаатларини ифодалар ва катта ер эгалари зуравонлигига, адолатсизликларига қарши йўналган эди.

Расмий диний мутассиблар тазиики мутасаввуфларни ўзларининг илфор фикрларини халқ турмуши, тили ва руҳиятидаги мажозий ифодаларда илгари суришга мажбур қиласи эди. Мутасаввуфчилар ишлаб чиқсан ўзига хос маъжозий бадиият, тушуниш қийин бўлган иборалар уларга ниқоб вазифасини утар ва бу маъжозий тил ёрдамида мутасаввуфлар диний мутассибликка зид, инсон руҳининг эркинлиги тўғрисидаги энг ашаддий, сўл қарашларни ҳам кўпчилик орасида бемалол айта олар эдилар. Умуман, бу давр мутасаввуфларнинг таълимотлари халқ ҳаётига яқинлиги, зуравонлик, зулм ва ҳақсизлик, адолатсизлик ва қонунбузарликларни қораловчи майллари билан ажралиб туради.

Тасаввуфдаги муқаррар демократик талаблар, катта ер эгаларига, руҳонийларга танқидий кўз қараш тасаввуфни маънавий ҳаёт, маданиятнинг энг кенг ва оммавий оқимга, ўша давр шароитида энг яшовчан таълимотга айлантириди. Тасаввуф маданияти, ундаги диний

ақидавий таълимотдан четлашувчи, шариат талаб ва таъқиқларига бефарқ қарашга ундовчи фоялар ва амалиёт VIII—XIII асрларда диний мутаасиблик мавқеъининг сусайишига, машшоийун (Шарқ аристотелизм, перипатетизм) ва табиийун (Шарқда Демокрит натур-фалсафасига үхшаш эмпирик, тажрибавий билимларга асосланувчи фалсафий оқим)нинг ақидачилик, гайбни билиш дъявосини қилувчи узлатга кетиш, гайри табиий мұжизалар, бидъат-хурофотларга жиддий зарба беришига хизмат қилди. Тасаввуф айниқса, расмийлаштирилган диний мутаассибликка, бидъат ва хурофотларни расмий Ислом, Калом нұқтаи-назаридан қонунлаштириб тарғиб ва ташвиқ қилувчи руҳнийларга жиддий хавф солар эди.

Тасаввуфнинг ана шу оппозицион томонлари, ундағы демократик талаблар машхур ақоид ва тасаввуф назариётчиси Имом Абу Ҳомид Мұхаммад ал-Ғаззолий «Ҳужжат-ул-ислом» томонидан унинг «Иҳъёи-улум-аддин» (Диний илимларнинг тирилтирилиши) номли асарида расмий ислом, Калом, Шариат ҳукмрон гурухлар манфаатларига мослаб қайта ишлаб чиқилди ва тасаввуфнинг орифликка, нариги дунёга, худога интилиш каби фоялари янада ривожлантирилди. Шу даврдан бошлаб тасаввуф маълум даражада аста-секинлик билан диний мағкуранинг таркибий қисмига айланған борди.

Бироқ, тасаввуф үзининг руҳий камолотга, маърифатга эришиш, инсонийлик, әзгулик, халқпарварликка чақириш, ҳақсизлик ва зулмни қоралаш майлларини Имом Ғаззолийнинг юқоридаги саъий-ҳаракатлар даврида ҳам, ундан кейин ҳам сусайтирмади, балки кейинги урта асрларнинг үзида Айн-ул-Қуззот Ҳамадоний, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Ибн ал-Арабий, Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Фаҳриддин ал-Ироқий, Жалолиддин Румийлар тимсолида янада авж олдирди, юксакликка күттарди.

Султон ал-Машшойиҳ Аҳмад ибн аш-Шайҳ ал-Ибрөҳим ал-Яссавий Туркистонийнинг ҳикматларида қўйидагича ҳалложона сатрларни ўқишимиз мумкин:

Мансур айтур «Ана-л-Ҳаққ», эранлар иши барҳақ,
Муллолар айтур ноҳақ, кўнглига ёмон олиб,
Айтмагил «Ана-л-Ҳаққ» деб, коғир бўлдинг Мансур деб,
Қуръон ичра юлдуз деб, ўлдирдилар кублашиб,
Билмадилар аналҳаққнинг маънисини,
Кол аҳлига ҳол илмини ҳақ кўрмади муносиб.

«Аш-Шайх-и вали-тарош» ва «Таммат-ул-Кубро» («Авлиёлар тарошловчи, яъни тайёрлаб чиқарувчи Шайх» ва «Энг буюк хотима») фахрли унвонлар соҳиби Аҳмад ибн Умар Абу-л-Жанноб Шайх Нажмуддин ал-Кубро ал-Хиваки ал-Хоразмийда (ваф. 1121-й) қўйидаги ҳақиқий сўфиёна мисраларни ўқишимиз мумкин:

... Чун ишқ дилга лиммо-лим тўлса дилни дардли қилади.
Марднинг дилидаги дард мардни мард қилади...

... Ишқ майидан сенинг дилинг маст бўлади,
Ва фироқ оёқларидан сенинг дилинг паст бўлади...

... Имонингни минг бор талқин қиласман:
Коғирликда бош, мусулмонликдан эса асар йўқ!...
... Бори умр яқин ва чиройли (нарсаларни) талаб қиласми:
Мендаги бор ва яширин (нарсаларни) яна талаб қиласми.

Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳаёт тарзи, дунёқараси ва тасаввуфдаги ўрни, нақшбандийлик тариқатининг халқимиз, миллатимиз тарихий тақдирларида ўйнаган роли жуда катта ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга эгадир. Солиҳ Ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис-уттолибийн ва уддат-ус-соликийн фи маноқиби Ҳожа Баҳовуддин», Муҳаммад Порсонинг «Рисолат-ул-қудсия», шунингдек «Мақомоти Нақшбандия» номли китобида, Фаҳриддин Али Сафийнинг «Рашоҳот-ул-аъян-ул-ҳаёт» каби нақшбандия борасида қимматли манбавий маълумотлар берадиган асарларда Баҳовуддин Нақшбанд 1318 йили Бухоро яқинидаги «Қасри хиндуён» («Қасри орифон») қишлоғида туғилиб, 1389 йили шу ерда вафот этганлиги, диний-орифий таълимоти, пирлари ва шогирдлари, уч бора қилган Ҳаж сафарлари ҳақида муҳим маълумотлар учрайди. У Қасри орифонда, Бухорода, Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳарларда ошигич таҳсил кўрган, жуда ёшлигидан бошлаб ўзининг увайсий-орифий қобилияtlарини намоён қилганлиги учун ўз даврининг кўпгина фозилуорифларидан, шу жумладан Амир Сайид Кулол, Ҳожа Абдуҳолик Фиждувоний, Аҳмад Яссавийларнинг халифалари, хусусан Шайх Қусам ва Шайх Ҳалил Оталардан таълим олди, улар қулида орифий ижтиҳодларда бўлди. Манбаларда Баҳовуддин Муҳаммаднинг оила курганлиги, бироқ кейинчалик Ҳазрати Ҳизрнинг руёдаги курсатмаси билан аҳли-аёли билан маслакий ҳамнишинлик мавқеъида яшаганлиги каби хабарлар учрайди. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд Юсуф Ҳамадо-

нийдан ибтидо олувчи, Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний шакллантира бошлаган «Хожагон» ёки «Алонийя» йұналишидаги Нақшбандия тариқатини вужудға келтира бошлаган. Нақшбанд дунёқараши, тариқатини ақидалари, илдизлари ва асослари, гоявий манбаалари, ҳамда амалий талаблари муҳтасар олингандың қуйидагилардан иборат:

1) Туркестонда қадимдан давом этиб келган орифлик, зоҳидлик, жаҳоншумул инсонпарвар маънавий анъаналар, хусусан, буддавий ва исломий орифий-авлиёлик анъаналари-Дхарамитра, Дхараманандин, Ань Шигао, Кан-сэн-хуэй, Моний, Иброҳим ибн Адҳам, Мұхаммад ал-Воситий ал-Фарғоний ва бошқалар;

2) ал-Ҳаким ат-Термизийнинг азиз-авлиёлар түгрисидеги таълимоти;

3) Исломдаги Абу Бакр ас-Сиддиқ-разий Оллоҳ ан-ху! га боғланувчи ундан бевосита Мұхаммад саллоллоҳ алайҳа вассаломга туташувчи, расмий исломнинг «аҳли сунна ва жамоа» тоифаси эътироф этадиган увайсийлик анъанаси;

4) Юсуф Ҳамадоний, Фиждувоний, Яссавий, Шайх Қусам ва Шайх Ҳалил Ота номлари билан боғланувчи бевосита тасаввуфий анъаналар.

Нақшбандийлик тариқатини қуришдаги Баҳовуддин Мұхаммаднинг асосий хизматлари қуйидагилардан иборат:

1. Тариқатнинг орифлик ақидалари мажмуъитаълимотини акс эттирувчи 8 та «Калима-құдсий»га яна учта умдани құшиб, ниҳоясига ва такомилға етказған. «Калимаи-Құдсия» шундай қилиб қуйидаги 11 умдани (принципни) ўз ичига олади: булар 1. «Ҳуш дар дам» — солик доимо зийрак, Оллоҳ таолога илтижода булиши даркор; 2. «Назар бар қадам» — инсон ҳар бир босған қадами, хатти-харакатини кузатиб, идрок этиб бориши лозим; 3. «Сафар дар Ватан» — фикри таважжұхда, руҳоният ва шуурда Ватанни катта маънода билиш, тарихий хотирага эга булиш; 4. «Ҳилват дар аңжуман» — яъни солик доимо «Дил ба ёру, даст ба кор» шиорига амал қилиш, жамоат билан қанчалик бирға бұлса, Оллоҳ таолога Сидқни ҳам унұтмай, дікқат виародани йиғиб, масъулиятда күн кечириш; 5. «Әд карт» — бир дақиқа бұлсада Оллоҳ таолони унұтмай, унга Сидқни ёдда тутиш; 6. «Бозгашт» — доимий орифий муножаатларда юриш; 7. «Нигоҳдошт» — солик хаёли бир мақсадға — Оллоҳ таолога диққатини йұнал-

тирган, бенихоя хотиржам булиши лозим; 8. «Ёддошт» — Оллоҳ таолони қалбан, дилда зикр этиш, так-рорлаш асносида, ҳар сония, ҳар онда шуури үзида булиши; 9. «Вуқуфи замони» — инсон, соликлар үз ҳаётларида замон қандай кечәётгандылыгы, сиёсат, жамият ва давлат қай аҳволда эканлигидан огоҳ, керак бўлса масъул бўлмоқлари зарур; 10. «Вуқуфи адади» — инсон, соликлар, уларга умр, ҳаёт Оллоҳ таоло томонидан бир марта берилиши, хайрия ва эзгу ишлар қилишлари лозимлиги, умрнинг бирор дақиқасини бўлса ҳам бекорга ўтказмай касб-хунар ўрганишлари, фойдали ишлар билан шуғулланишлари, жонларини ҳар дақиқа-сонияда топширишга тайёр туришлари, бу борада ўзларига ҳисоб беришлари, гафлат ва лоқайдликда бўлмасликлари лозим; 11. «Вуқуфи қалби» — қалбидаги Оллоҳ таоло нақшланганми ёки йўқ, солик, ҳар бир инсон ана шундан воқиф булиши, доимий зикри ҳафийда, яъни ички муножаатларда умр кечиришлари зарур.

2. Баҳовуддин Нақшбанд «зикри ҳафий»ни, яъни тинч, сокин ички муножот шаклида Оллоҳ таолони, унга бўлган Сидқни зикр қилишларини ilk бор тасаввубуфдаги зикрнинг асосий шаклларидан бири сифатида қарор топтирган;

3. Табиатга, барча тирик жонзотлару-усимликларга, ҳайвонлару инсонларга бирдек мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат кўрсатишдек орифий талабни Баҳовуддин Нақшбанд ilk бор бани башарият ва Коинот, борлиқнинг умумий ва бирдан-бир фундаментал принципи даражасига кўтарган;

4. Нақшбандийлик тариқатининг ички таркибий бўғинлари тартиботлари ва амалий маросимларини мукаммалликка етказган, уни расмий ислом, шариат билан зиддиятга киришмайдиган ҳолга, балки улар билан мукаммал уйғунлик ҳолатини Имом Фаззолий концепцияси асосида рўёбга чиқарган;

5. Нақшбандийлик Хожа Аҳрор Валий Ҳазратларидан сўнг учта жаҳоншумул-минтақавий йўналишларда: I. Туркистон, Хурросон ва Эрон; II. Ҳинд-Кашмир, Жанубий-Шарқий Осиё, Арабистон, Шимолий Африка, Фарбий-Шимолий Турк (Босна-Харсекгача); Болқондалар Қафқозда; III. Үрол орти, Олтойлар ва Шарқий Туркистон йўналишларида ривожланди. Хожа Аҳрор Валий нақшбандийлик тариқатини жамият, халқимиз тарихий тараққиётида энг фаол ижтимоий-сиё-

сий кучга айлантириди. Бундай ижтимоий-сиёсий фаолик, а) баъзи Нақшбандий шайхларнинг (Нақшбанднинг ўзи, Шайх Ҳованд Тахур, Ҳожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Сайид Аҳмад Мавлоно Жалолиддин Ҳожаги Косоний-ал-Фарғоний ва бошқа сиймолар) тимсолида; б) нақшбандийлик тариқатининг ўзини бир бутун ташкилот сифатида, асосий ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиққанлигига (Ином Шомил ҳарблари, «Дукчи Эшон», яъни Асадилло Эшон нақшбандий қўзғолонида, Ўрта ва Яқин Шарқда ва бошқа жойлардаги миллий-озодлик курашларида фоявий-сиёсий раҳнамо ва етакчи куч ролини ўйнаганлигига), иймони, эътиқоди мустаҳкам, меҳнатсевар инсон шахсини тарбиялашда куринади.

Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти ва тариқати фаяқат тарихий ҳодиса бўлиб қолмай, ҳозирги кунда ҳам нафақат тасаввуф, Калом, Ислом ва Шариат дунёси тараққиётida, балки бутун инсониятнинг тарихий-маънавий камолотида сезиларли таъсир кўрсатмоқда;

1. Оврупо, Африка, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Жанубий-Шарқий Осиёning мусулмон халқларининг миллий-озодлик курашларида фаол иштирок этмоқда.

2. Мазкур халқлар орасида, умуман, мусулмонлар дунёсига кириб келаётган минтақалар, мусулмонлашаётган халқлар, миллатлар ва элатлар орасида илм-маърифат тарқатмоқда, инсонпарварлик ёрдами компанияларида фаол иштирок этмоқда;

3. Ўрта Осиёning ўзида Туркистон халқининг асосини ташкил этувчи ўзбек ва тоҷик миллатларининг ривожланишида, уларнинг анъанавий миллий қиёфаси, руҳияти, тафаккури, онги, қадриятлари, турмуш тарзи, маросим ва маъракаларининг вужудга келиши, шакланишига таъсир ўtkазиш билан чекланмай, халқимизнинг ҳозирги бўхрондан чиқиб кетишига, ўз-узини англашига, ҳаёти, турмуш тарзини, маънавиятини изга солишда замонавий ижобий конструктив роль ўйнамоқда ва бундан кейин ҳам унинг таъсири ортиб боради. Чунки, Баҳовуддин Нақшбанд дунёқарashi, тариқатининг асосий фояси — диний ва умуминсоний қадриятларни устувор санаш, уларга риъоя қилиш, Ер юзида инсоннинг мұжаз, аммо тұлақонли баҳт-саодатини, яъни ҳақиқий инсонпарварликни қарор топтиришdir.

Хуллас, Баҳовуддин Нақшбанд, нақшбандийлик тарикатининг дунёдаги муслимий ва орифий 12—14 та жаҳоншумул эътироф этилган тарикатлардан бирининг қурувчиси сифатида тасаввуфнинг XIV—XX асрлар оралиғидаги ўрни фавқулоддадир.

Халқимиз, миллатимизнинг миллий-маданий ўзлигини англашида, ижтимоий-миллий бир бутунлигини тиклаш, демак республика мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳам унинг аҳамияти бор.

г) Мўтазила ва Калом фалсафаси.

Урта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари маданиятининг муҳим қисмини қадарийлар, муржиъалар ва мўтазила ҳаракати, уларнинг таълимоти, рационалистик ва маърифатпарвар маданияти, қадриятлари ташкил этади. Агар VII—IX асрларда мўтазила, қадария ва муржиъалар таълимоти асосан халифалик маркази атрофларида — Куфа, Басра, Дамашқ, Бағдод каби шаҳарларда Васил ибн Ота, Хузайл Аллоф, Наззом, Жоҳиз, Киндий, Муаммар, Жаҳм ибн Сафрон, Жуббайий, Ибн Хошимлар томонидан ривожлантирилган бўлса, IX асрларнинг иккинчи яримида Бағдоддан қувғин ва таъқиб қилинди ва X—XIII асрларда Эрон, Хурросон ва Туркистонда ўзининг иккинчи гуллаган даврини бошдан кечирди.

X асрдаётқ Абу-Қосим Самарқандий ва Абу Мансур Матуридий ас-Самарқандийлар Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида қадарийя, муржиъа ва мўтазила таъсири ортиб бораётганлигидан ташвишга тушиб, уларга қарши қаттиқ мунозаралар олиб борган. XI аср бошларида Рай шаҳри қозикалони этиб тайинланган Қози Абдужаббор даставвал Ашъарий издошларидан бўлсада, кейинчалик мўтазила тарафиға ўтди ва уларнинг йўлбошчиси бўлиб қолди. Қози Абдужаббор маърифатпарварлиги, маданиятлилиги, ҳақгўйлиги, одамийлиги, илм-фан, ақдий билимларга, мантиқий исбот усувлариға мойиллиги билан ажралиб турарди. У ислом ақидалари, шариат талаб ва таъқиқларига куркуона эътиқод қилишни эмас, ҳар қандай билимни, ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамида ҳимоя қила билишни талаб қиласи эди.

Шунингдек, хоразмлик олимлар Абу Мудар Маҳмуд бинни Жарир ад-Даббий ал-Исфаҳоний, Абу-Қосим ибн Умар аз-Замахшарий, Имом Тожиддин Муҳаммад Абду-ул-Карим аш-Шаҳрастонийлар мўтазила таълимотини очиқдан-очиқ тарғиб ва ташвиқ қилиб, фалса-

фадаги рационалистик йұналишни юксак чүққига күттарғанлар.

Абу Мудар кучли табиб ва араб тили сарфи ва нақви тадқиқчиси бўлиб, үзининг билимдаги дараражаси беҳад юқори бўлганлиги учун уни «Фарид-ул-аср» ва «Ваҳид-уд-даҳр» (яъни «даҳр ва давроннинг яктоси») фахрли номлари билан улуғлаганлар. У Хоразмда, Журжонда, Урганчда шогирд толиблар йигиб, жуда кучли мутазила мактабига асос солган. Замахшарий Абу Мударнинг энг севимли ва қобилиятли шогирди бўлиб, ундан мұтазила эътиқодини ҳам қабул қилган ва бу эътиқодига бир умр содиқ қолган. Тазийиқларга қарамасдан Замахшарий үзининг мутазила вакили эканлигини ҳеч қачон яширмаган ва тарихчиларнинг хабарига қараганда үзининг мутазилий эканлигини очиқ-оидин эътироф этган. «Менинг соchlаримни оқартган, — деган эди у, — узлуксиз китоб үқиши ва саёҳатлардир».¹

Замахшарий үзининг араб тили сарфи ва нақви, Куръон тафсирларига бағишлиланган машхур асарларида рационализмни — ақлий билимларни, мантиқий далилларни кур-кўрона эътиқоддан устун қўйган. У илм-фандаги ва Куръон тафсирчилигидаги билимлари учун «Устод-ул-араб ва ажам», «Фаҳр-ул-Хоразм», «Жориллоҳ» ва бошқа дақиқ номлар қозонган.

Абдулкарим аш-Шаҳарастоний эса үзининг диний ва фалсафий мазҳаблар, оқимлар ва таълимотларга бағишлиланган машхур асари «ал-Милал ва-н-Ниҳал»да илмий холислик, ҳақиқатга риъоят қилиш, рационализм, мантиқ принципларига қаттиқ риъоя қилгани ҳолда, фалсафа ва дин ўртасидаги фарқ ва умумийлик томонларни босиқлик билан тушунтириб баён этади, диний таълимотлар, бидъатчи мазҳаблар, бошқа динлар ва файласуфлар таълимотини, жумладан Ибн Сино фалсафасини тұлалигича, ҳеч үзгартирмасдан, бидъат ва кофирилқда айбламасдан баён қиласы.

Абул-Ҳасан ал-Ашъарий билан бир қаторда исломнинг илоҳиёт фалсафаси — Калом — илм-ул-ақоидга, матуридия мазҳабига Абу Мансур Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Маҳмуд ал-Ансорий ал-Ҳанафий ал-Мутакаллим ал-Матуридий ас-Самарқандий (853—944) асос солган.

¹ Ҳалидов Б. З. Замахшарий (О жизни и творчестве). Семитские языки. М., 1965, С. 550.

Унинг асосий асарлари: 1. Китаб-ут-Тавҳид; 2. Китаб ул-Мақолот; 3. Китаб ради-л-аваил-л-Адилла-лил-Каъби; 4. Китаб ал-баян-ва-л-мутазила; 5. Китаб таъвилат-ул-Қуръон; 6. Шарҳ «Фиқҳи Акбари аввал-вас-с-саъний»дир. Матуридий «Китаб-ут-тавҳид» асарида шундай ёзади: «...Инсон ўз хатти-ҳаракатларида соҳиб ихтиёрдир, хайр ва шаррни (яхшилик ва ёмонликни) фарқловчи ақлга эга. Инсон ўз ақлига таяниб ва ўз иродасига кўра хайрли ёки шарр (ёмон) ишларни қилишга рағбат кўрсатади ва демак, ана шунинг учун у Охиратда ё савоб (мукофот), ё ақоб (жазо, укубат)га ноил бўлади... Бизнинг Таъоло тўғрисидаги билимларимиз аршу-аълоданми ёки ақлданми? — деб берилган саволга Матуридий «Ақлдан», деб жавоб берган.

Матуридий ва Ашъарийларнинг Каломдаги мазҳаблари ўргасидаги тафовут ва фарқлар моҳиятий бўлмай, Калом усусларини ва фуруъларини қўллашдаги тартибот ва амалиётга алоқадор бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар иккала мазҳаб расмий Ислом, яъни «Аҳли сунна ва жамоа» эътиқоди арконларини назарий асослаб берувчи таълимот, бутун мусулмон дунёсининг эътиқодий мағкураси сифатида эътироф этилган. Ашъарийлар ва матуридия ўргасидаги эътиқодий тафовутлар 13 тага етиб борган, шундан 6 таси маънодаги фарқ бўлса, 7 таси лафзданаги фарқлардир.

Маълумки, Имом-ул-Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг ақоиди исломияда тутган йўли айни «аҳли сунна ва жамоа» йўли эди. Имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Оллоҳ таоло иродасини мутлақ деб, Оллоҳ таоло ҳоҳиш-иродаси билан вужудга келган ҳар бир нарса «хайрли» эканлигини, Охиратдаги савоб ва ақоб «ахлоқий асосга эга эмаслиги» тўғрисидаги фаталистик мавқеъни эътироф этган. Бироқ, Имом-ул-Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари ва ул ҳазратга эргашган Имом Матуридий ва унинг мазҳаби инсон ўз хатти-ҳаракатларида соҳиб ихтиёрдир, яъни ирова эркинлигига эга, хайр ва шаррни бир-биридан ажратиб берадиган ақлга эга ва инсон ўз ақлига таяниб, ўз иродасига кўра хайрли ва шарр (ёмон) ишларни қилишга рағбат кўрсатади. Ва демак, ана шунинг учун у Охиратда ё савобга, ё ақобга (жазо, укубатларга) ноил бўлади, деган муҳим ижобий, инсонпарвар мавқеъида турган.

Матуридийлар: «Мен ҳаққ аст рост мўминман!» дейиш керак деган бўлсалар, Ал-Ашъарий издошлари: «Мен — иншо Оллоҳ, яъни худо хоҳласа мўминман!»

дэйиш керак, деб ҳисоблаган. Бироқ, матуридийлар эътиқодига кура «худо хоҳласа» деган иборада Оллоҳ таоло қудрати, илми ва иродасига шубҳа туғилиши мумкинки, бу залолатнинг бошидир.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмидаги ислом ислоҳчилари Сайид Аҳмадхон, Шайх Сайид Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абду, Фаспирали Исмоилбей, Ализода Бей, Юсуф Оқжўра, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдураҳмон ал-Кавокибий ва бошқалар янги даврда мусулмон дунёсини қолоқлиқдан олиб чиқишининг исломий ва шаъарий асосларини қидирганларида айни Имом Абу Мансур ал-Матуридий таълимотига, унинг Каломи усуллари ва фуруъларига мурожаат қилиб, товар, процент, қарз ва барча пул муомаласига, яъни капиталистик муносабатларнинг гуркираб ўсишига йўл очадиган машҳур фатволоварни берганлар.

Каломнинг кейинги даврдаги энг машҳур назариётчиларидан бири Ҳужжат-ул-Ислом Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Фаззолий (1059—1111) «Жомеъ-ул-Калим фи-л-илм-ул-Калом», «Ал-Мунқид мин ад-Далол», «Иҳёи улум аддин» («Диний илмларнинг тирилтирилиши») ва бошқа шоҳ асарларида Калом фалсафасини балоғатга етказган. Фаззолий узининг «Минҳож-ул-обидийн» асарида Калом илми, унинг зарурлиги ва вазифалари түгрисида қуйидагиларни ёзган эди: «...Илм қуйидаги мулоҳазаларга кура ибодатдан илгари туриши керак: дин буюрган ибодатларни саҳиҳ бажариш учун мазкур арконларни чуқур билиш, уларни қандай бажариш ва кимга бағиашлашни яхши билиш керак бўлади. Бўлмаса, узинг ким ёки нима эканлигини билмаган нарсага қандай ибодат қиласан?! Бундай ибодатнинг санамларга ёки бутга қилинган ибодатдан нима фарқи бор?!!...»

«...Обид фақат билиш туфайлигина ҳақиқий обид бўла олади... Илм Оллоҳ таоло олдида ҳақиқий қўрқувни туғдира олиши ва айни пайтда нажотга бўлган умид баҳш этиши туфайли фойдалидир. Кимки Оллоҳ таолони яхши билмаса, унинг Улуғ ва Аъзимлигига ҳам имон келтирмаган бўлади. У (Оллоҳ таоло) илм туфайли билинади ва улуғланади...»; «Инна тансира ва-л-Оллоҳ йансирикум!», яъни «(Сиз) узингизга ёрдам қилсангиз, Оллоҳ ҳам сизларга ёрдам қиласди!».

д) Табиятшунослик илмлари фалсафаси.

Урта Осиё, Урта ва Яқин Шарқда VIII—XIII асрларда ривожланган «ҳаётбаҳш ҳурфиксери» фалсафа-

нинг foявиy-назарий асосини, табииy-илмий замири-ни табиатшунослик фанлари тараққиёти соҳасидаги оламшумул ютуқ ва кашфиётлар ташкил этди. Ана шу илғор ва ривожланган табиатшунослик даставвал буюк табиатшунослар Жобир ибн Ҳайён, Эроншахрий, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Амаюрий ат-Туркий ал-Фарғоний, Абу Комил, Абул-Вафо Бузжоний, Марвазий, Абул-Маъшар ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

«...Муҳаммад Хоразмий алгебра фанининг асосчи-сиdir, — деб ёзади О. Ф. Файзуллаев. У фан тарихида биринчи бўлиб квадрат тенгламалар типларини ва ҳар бир типни ечиш методларининг таснифини (класси-фикациясини) берди. «Алгебра» сўзининг ўзи унинг томонидан кашф этилган мазкур тенгламаларни ечиш методи «алжабр» билан боғлиқдир. Хоразмий ҳисоблаш жараёнларига мантиқ методларини қўллади ва ривожлантириди, алгебраик ва геометрик нисбатлар ўрта-сидаги алоқани аниқлаб берди, баъзи геометрик қо-нунларни кашф этди. Математик Винер асос соглан кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосини Хоразмийнинг алгоритмлар назарияси ташкил этади. «Алгоритм» сўзининг ўзи эса «ал-Хоразмий» демакдир.

Оврупода XVI асргача фалакиёт илми бўйича асо-сий дарслик бўлиб Аҳмад Фарғонийнинг «Илми нужум асослари» хизмат қилган. Бу асар муаллифини эса Алфраганус, деб билишган. Ҳозирда кенг қулланилаёт-ган тригонометрик функциялар назариясини яратиша Аҳмад Марвазий муайян роль ўйнаган. Мантиқ тарақ-қиётида, риёзиётнинг фалсафий масалаларини, мусиқа илмининг математик назариясини ишлаб чиқишида Абу Наср Форобийнинг хизматлари катта. Ҳамид Ҳужандий, кейинчалик «Фермининг улуғ назарияси» деб ном олган назарияга муҳим ҳисса қўшган. Аллома Абул-Ҳасан Мансур куб тенгламаларни ечиш методларини ишлаб чиқкан.

Тарих, риёзиёт, фалакиёт, илми хиёл (механика), табииёт, маъданшунослик, геодезия, сайдана (фарма-когнозия), фан тарихи, — Шарқнинг энциклопедик ақл эгаси бўлмиш Абу Райҳон Беруний ўз ҳиссасини қўшган фан соҳасининг тўла бўлмаган рўйхати ана шундан иборат.»¹

¹ Файзуллаев О. А. Проблемы противоречия в трудах классиков естество-знания и философии Средней Азии. Т., «Фан». 1974, С. 4—5.

Ууман олганда, Туркистон заминида яшаган олимларнинг табиатшунослик, аниқ фанлар соҳалари-даги ютуқларига, техника ва амалиёт, моддий ишлаб чиқариш соҳаларидағи кашфиётларига, жаҳон маданияти, цивилизацияси тараққиётига қўшилган буюк ҳиссасига кейинги даврларда яшаган кўплаб мутафаккирлар, олимлар юксак баҳо берганлар.

«Табиат диалектикаси»нинг «Муқаддима»сида Ф. Энгельс арабларнинг фавқулодда муҳим, бироқ тарқоқ ва беҳосила барбод бўлиб кетган кашфиётлари — ўнлик саноқ системаси, алгебра асослари, рақамларнинг ҳозирги замонга хос ёзилиши ва «ал-кимё»га юксак баҳо берган. Шарқдан келаётган беҳисоб кашфиётлар тўгрисида гапириб Ф. Энгельс, бу ютуқлар нафақат юнонлар адабиётларини, дengизчилик кашфиётларини импорт қилиш ва тарқатиш имконини, балки уларга мислсиз катта кўлам ва тез суръатларда ривожланиш имконини берди, деб ёзади.

Жаҳоншумул кашфиётлар қаторида эса кўчаларни ёритиш 370-йилларда, ёзув перолари, шамол тегирмонлари (1000 й.), фидиракли соатлар, магнит нинала-ри ҳам бўлган.

VIII—XIII асрлардаги мусулмон табиатшунослиги, фани ва техникаси рационализмга сигиниш, фан, фалсафа билан шуғулланиш ва кашфиётлар очишни бирдан-бир мақсад деб қараш, амалиёт ва тажрибий фанларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, улардан ҳаётга яроқли амалий натижалар, қуроллар, асборлар ва ҳосилаларни қўлга киритишга йўналтирилганлиги билан ажralиб туради. «Биз ҳам ниманидир билиб олишимиз, кейин ниманидир қила олишимиз учун», деган шиор, ироқлик фан тарихчилари С. М. Салем ва Н. С. Абдулваҳҳоблар фикрича, фаннинг ижтимоий вазифаларини ва илмий билимларни жамият учун хизмат қилдириш мақсадида фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Илмий тадқиқотлар тажрибага асосланган бўлиши кераклиги тўгрисидаги гояни Жобир ибн Хайён ўзининг «Етмиш китоб», «Заҳарлар ҳақида китоб», «Концентрациялар ҳақида китоб», «Солиштирмалар ҳақида кичик китоб» асарларида илгари сурган. «Табиёт фанлари ва алкимиё билан шугулланувчиларнинг бурчлари, — деб ёзган эди Жобир, — муттасил меҳнат қилиш ва тажрибалар ўтказишидир. Илм фақат шулар ёрдамида қўлга киритилади».

Жобир ибн Хайён биринчилардан бўлиб, сунъий

равиша тирик мавжудотларни «яратиш» мумкинлиги
фоясини ҳам илгари сурган. Фаннинг бундай соҳасини
у «сунъий яратиш ҳақидаги фан» деб атаган. «Бундай
фан, — деб ёзган эди Жобир, — умуман булиши мум-
кин, чунки ҳар қандай тирик мавжудот табиат кучла-
рининг ўзаро таъсири оқибатидир. Табиат эса, муайян
нарсаларни вужудга келтирас экан, сири тарозулар
түғрисидаги фан очиб бериши мумкин булган муайян
қонунларга бўйсунади» (Е. А. Фролова).

Илм-фанга сигиниши мусулмон маданиятининг
ажралмас хусусияти сифатида жуда эрта бошланган.
Ж. Сартоннинг хабар беришича, VIII аср бошида ум-
мавий халифаларидан Ҳолид бин Язид бин Муавийя
«фалсафа тоши»ни қидириб, ҳалифалиқдан воз кечган
ва ўзининг қолган умрини фанларни, химияни ўрга-
нишга бағищлаган.¹

Урта аср фалакиёт илмининг асосий тадқиқот,
тажриба қуроли астурлоб Иброҳим ал-Фазарий томонидан юлдузлар, коинотдаги жисмларнинг жойланиши,
улар ораларидаги масофаларни ўлчаш учун
ясалган (IX аср). Секстант, яъни ҳаракатланувчи
квадрант эса Муса ибн Шокир ўғиллари томонидан
ясалган ва унинг ёрдамида 832 йилда Бағдоднинг
жуғрофий кенглиги, эклиптиканинг эгриланишини
аниқлаб берилган. Улар баъзи содда механизмларни,
автоматик қурилмаларни (юк кутариш ва тушириш,
каналлар, тўғонлар, шлюзларда сувни кўтариш ва
тушириш, денгиз сатҳининг, сувнинг кутарилишини
ўлчайдиган, бошқариб турадиган қурилмалар қурган-
лар. Андалусиялик Ибн Фирнас-механик эса (IX
аср) шиша фабрикасини қурган, метроном ихтиро
қилган ва учиш аппарати (асбоби)ни ясашга урин-
ган,² қанотга ўхшаш асбоблар ёрдамида қисқа масо-
фага учиб ерга қунишга муваффақ булган. 1010 йил-
да Жавҳарий ҳам учишга уринган. Урта аср араб-му-
сулмон илм-фан, техника тараққиёти тадқиқотчиси
А. Меңнинг аниқлашича³, у қушлар қанотлари юза-
си ва танасининг оғирлиги уртасидаги боғлиқликни
аниқлашга ва демак, учишнинг физикавий қонун-
ларни ишлаб чиқишига уринган.

¹ Сартон Ж. Фан тарихига муқаддима. Бостон., 1927, 1-жилд, 495-бет.
(инглиз тилида).

² Лей Г. Очэрк истории средневекового материализма. М., ИИЛ., 1962, С. 57–60.

³ Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., 1973, С. 161.

ХI—ХII асрларда эса Арасту механикасига танқидий ёндошиб, табиатшунослик ва фалсафага «Майллар» тушунчасини киритган, Ибн Сино қарашларини ривожлантирган Абу-л-Баракат ал-Бағдодий механик ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг асоси «инерция» тушунчасига ва бутун олам механикасини яратишга деярли яқин келиб қолган эди. Абу-л-Баракат механикаси кейинчалик Оврўпода «импетус» назарияси ва Ньютон механикасининг вужудга келишида муайян даражада роль уйнади.

Механиканинг ривожланиши эса денгизчилик ишлари такомиллашишига, кемалар ва қайиқларнинг юк ва одам ташиш ҳажмининг оширилишига, узоқ масофалар — океан, денгизлар ва дарёларда йўловчи ва юк ташиш кемачилигининг ривожланишига, денгиз хариталари, лоцияларнинг бениҳоя такомиллашувига, компаснинг ихтиро қилинишига олиб келди.

VIII—IX асрларда Ибн Ваҳҳоб ва Исмоилвайҳлар, ака-ука Аҳмад ва Абдуссамад Ибн Жаъфар каби маллоҳ (капитан) — кемачилар, X—XI асрларда Хавашир ал-Ориқийлар, Табрувайҳий, Муъирийлар машхур бўлган бўлсалар, XII асрларга келиб «денгиз шерлари» унвони соҳиблари, лоцманлар Ибн Шазан, Саҳл ибн Абан, Лайс ибн Қахланлар «оилавий» — бутун-бутун авлодлари билан кемачилик қилиб Тинч, Ҳинд океанлари, денгизларда кезиб юрганлар, денгизларда ҳукмронлик қилганлар.

Ана шу юксак тараққий этган денгизчилик ва лоцманлик маданияти кейинчалик XIV—XVI асрларда океанлар, денгизлар, хусусан Ўрта Ер денгизининг жаҳон тан олган «Денгиз шерлари» Аҳмад ибн Мажид, Сулаймон ал-Маҳрий, Сайд Али Чалабий Раъислар каби араб, форс ва турк маллоҳларини, ал-Амир-л-баҳр (адмирал)ларини етиштириб чиқарди. Биринчи Оврўполик денгиз саёҳатчиларини денгизчилик илмига, лоцияларга қараб кемани бошқаришга, узоқ ерларга денгиз саёҳатларини олиб боришни ўргатганлар, уларга Ҳиндистон йулини очиб берганлар ва бу ишидан қаттиқ пушаймон бўлган (Аҳмад ибн Мажид)лар ҳам ана шулар эдилар.¹

Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, фалакиёт илмининг ютуқлари билан кушилиб, жуғрофия, механика, денгизчилик илмлари ривожида сифатий сакрашларга,

¹ Қаранг: Аҳмад ибн Мажид. Книга пользы об основах и правилах морской науки. I—III-жиллар. М., 1985 йил. Сейди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кузгуси), Тошкент, «Фан», 1963.

оламшумул илмий-жугофий ва астрономик кашфиётларини амалга оширишга олиб келди.

Агар X асрда Ибн Руста «Ер — шар шаклида, у ўз ўқи атрофида айланади», деган қараашларни илгари сурган бўлса, Эратосфендан сўнг мусулмон олимлари Ҳалифа Маъмун буйруги билан ал-Хоразмий бошлигидаги Синжор тоғлари воҳасида Ер меридианининг эгилиш бурчагини аниқлаб, Ер шарининг катталигини (айланасининг узунлигини) илмий ўлчаш, ҳисоблашга эришдилар.

Шри-Ланкада араб фалакиётчилари белгилаб олган «Жанубий Кутб» — «Арин минораси» билан боғлиқ картографик асарлар, шунингдек, Берунийнинг «Китаб ал-Қонун ал-Масъудий» қомуси Христофор Колумбни кейинчалик «Ернинг ноксимон шаклда эканлиги» ва шу билан бирга, «Арин минораси» рӯпарасида — Фарбий ярим шарда Шарқий ярим шар қарама-қаршисида ундан юксакроқ марказ борлиги тұгрисида холоса чиқаришига олиб келди. Акад. И. Ю. Крачковскийнинг ибораси билан айтганда: «Қарангки, қанчалик таажжубланмайлик, ишониб-ишонмайлик араб жугофия назарияси Янги дунё (Америка)нинг кашф этилишида муайян роль үйнади»¹.

Кимёда Жобир, Розий, Беруний, Ибн Сино, Хазиний ва бошқалар назарияни эксперимент, тажрибалар үтказиш билан қўшиб олиб бориб, миқдорий тадқиқотларга йўл очиб, «алхимикларнинг эликсир тұгрисидаги хурофотларини бартараф этишга йўл очган бўлсалар» (Э. И. Хольмярд), Розий кимёвий асбоблар, кимё фани ва техникаси тушунчаларининг ҳозирги замон фани тушунчаларига деярли яқынлаштирган эди. Тиббиётда турли жарроҳлик асбоблари — нозик кесувчи наштарлар (скальпел), жарроҳликдан сўнг яра, ичак ва териларни тикиш ниналари (аз-Заҳравий), уларни газак олмаслиги учун қайта ишлашда керак дорилар жуда хилма-хил қилиб тайёрланар эди. Масалан, Абу Бакр ар-Розий биринчи бўлиб вабони эмлашга, жуда яхши эшилган қўй ичаги билан жароҳатларни тикиш ва битириб юборишга эришган эди (У. И. Каримов). Уша даврларда ёқ инсон ташрихини (анатомиясини) уликтин ёриб үрганиш орқали тасаввур қилинган, тирик мавжудотларда бир-бутун қон айланиш мажмуъи борлигини яхши билганлар.

¹ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. М., 1957, С. 71.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда мунажжимлик асбобларини ва механик, математик куролларни тайёрлаш кенг йўлга қўйилган булиб, Харронда — қадимдан юлдузларга сигиниб келганлар юртида энг аниқ фалакиёт ва риёзиёт асбоблари, қурилмалири тайёрланар эди, энг аниқ тортадиган «Харрон тарозулари» халқ оғзидан тушмас эди. Бу даврда сув, шамол ва чиғир тегирмонлари Шарқий Туркистондан Мағрибгача булган жойларда, қоғоз ишлаб чиқариш ҳам шу минтақаларда кенг йўлга қўйилган эди. Айниқса, Самарқанд, кейинчалик эса Кўқон қоғози машҳур эди. Бу ерларда тоғ-кончилик, металлургия ва маъдан қазиб олиш, қайта ишлаш, тұғонлар, сув омборлари, ариқлар, шлюзлар, осма понтон күпприклар, шаҳарларда сув қувурлари, Шарқий Туркистонда эса табиий газни сопол, бамбук қувурлари ёрдамида кундалик эҳтиёжлар учун фойдаланиш йўлга қўйилган эди. М. Ерзиннинг кузатиш ва тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Шарқий Туркистонда милоднинг III асрдан бошлаб ксилографик ва ҳаракатланувчи ёғочга ўйилган шрифт (набор) усуllibарида китоб босиш йўлга қўйилган.¹ Бундан ташқари, порохдан турли мақсадларда фойдаланилган, компас эса денгизда ва қуруқликдаги саёҳатларда қўлланила бошланган. Ана шуларни назарда тутиб, инсон ақли, иродаси қудрати, улар ортида табиат кучларининг қудратини назарда тутиб, Абу Машъар Машаллоҳ «Табиат ҳамма нарсадан қудратлидир», деган холосага келган. Бу холоса ҳам кейинчалик оврұполиклар (Ф. Бэкон) томонидан ўзлаштирилиб, янги давр илм-фани, техника тараққиётининг асосий шиорларидан бири — «Билим — куч ва қудратдир!» ибораси пайдо бўлди.

Табиатшуносликнинг энг муҳим ва жаҳоншумул ютуқларидан бири Ибн ал-Ҳайсам томонидан асос солинган ва ривожлантирилган оптика (Ҳ аср) фанининг вужудга келиши бўлди. «Унинг шоҳ асари «Оптика», — деб ёзади, С. Х. Наср, — бу соҳадаги Ўрта аср тадқиқотларининг энг сарасидир, Фарбда Бэкон, Витело ва Кеплерларнинг оптика бўйича асарларига ҳамда мусулмон олимларининг кейинчалик ёзилган асарларига таъсир кўрсатган. Алхазен (Ибн ал-Ҳайсам) шунингдек, кўз ташрихи (анатомияси) ва касалликларини ўр-

¹ Қаранг: Ерзин М. Из истории уйгурского книгопечатания. «Вопросы истории и культуры уйгуров». Алма-Ата, «Наука», 1987. С. 52—64.

ганишга жуда катта ҳисса қушди».¹ У нурнинг турли ойналардаги аксланиши, ярқиллашишини ўрганиб шиша шар сегментининг предметни катталаштириб курсатиш хоссасини кашф этди. Унинг тадқиқотлари натижалари асосида кейинчалик узокни куриш трубалари ва телескоплар, кўзойнакларни ясаш усуслари ишлаб чиқилди.

Бу даврда назарий жуғрофия ва тарих соҳаларида Хоразмий, Ибн Серапиондан ташқари Табарий, Масъудий, ал-Истаҳрий, Мақдисий, Жайҳоний, Наршохий, Балъамий, Байҳақий, Ибн Руста, Ибн Хордадбех, Гардизий ва бошқалар ижод қилишган. Табиатшунослар оламнинг худо яратганидан сўнг узининг барча намоён бўлиш шакллари, ўз ички тараққиёти қонуниятлари, ҳаракати давомида азалий ва абадий ривожланиш ва тараққиётда, аввал ва охирсиз, чексиз-чегарасиз эканлигини (Розий, Беруний) исботлашга ҳаракат қилдилар.

Коинотдаги юлдузлар, сайёralарнинг ҳаракатини чуқур ўрганиш, Ернинг ҳаракатда ва шар шаклида эканлиги, қитъалар ва денгизларнинг жойлашуви, силжиш ва ўзгариши Ер қаъридаги жуда катта геологик ҳаракатларга боғлиқ эканлиги (Ибн Сино «аш-Шифо»), Африка ортида ер шарининг мувозанатини сақлаб турувчи қуруқлик (Қитъа) булиши кераклиги тўғрисидаги «қўз кўриб, қулоқ эшитмаган», эркин ва довюрак фикр ва фоялар ва, ниҳоят, Ер ҳажми ва меридиани буйича узунлигининг аниқланиши, шу асосда Ернинг сферик ифодаси — глобуснинг яратилиши (Беруний) ўз даври илм-фани, фалсафаси, техникаси ва амалиёти тараққиёти учун инқилобий аҳамиятга эга эди. Бу фоялар нафақат Шарқнинг ўзи учун, балки Фарбий Оврўпо ва умуман ҳозирги замон илм-фани, фалсафаси, техникаси, ижтимоий тараққиёти учун, ҳозирги замонга хос илмий тафаккур усулининг шаклланиши учун ҳам фундаментал аҳамиятга эга бўлди.

Ўз-узидан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё умуман, бутун ўрта аср Ўрта ва Яқин Шарқ фани, маданияти коинот, табиат ва инсон тўғрисидаги илфор табиий-илмий ва ижтимоий қарашлар тараққиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кутариб юборди. Шарқ мутафаккирлари «юнон риёзиёти, фалакиёти ва тиббиёт фанларининг тор асосларини емириб юбориб, алгебра

¹ Қаранг: *Наср. С. X. Исломда илм-фан ва цивилизация*. Харвард. 1968, 50-бет (инглиз тилида).

ва тригонометрия, шунингдек оптика фанларининг асосларини қурдилар», деб ёзган эди Ж. Бернал.

Табиий-илмий тасаввурларнинг тобора чуқурлашиб бориши, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини пайқаш, аниқ фанлар соҳаларида олиб борилган фундаментал тадқиқотларда (Жобир — кимёда; Розий — кимё ва тиббиётда; ал-Хоразмий, ал-Фарғоний — математика ва астрономияда; Беруний — фалакиёт, геодезия, маъданшунослик, Ибн Сино — тиббиёт ва манзил-شاҳар сиёсатида) мазкур алоқадорликларнинг қонуний ва бузилмас эканлигининг тасдиқлана бориши, олам, табиат ва инсоннинг келиб чиқиши тўгрисидаги ўрта аср хурофотларига зид илмий қарашлар системасини — эволюцион дунёқараши (пантейистик ва деистик)ни шаклланишига олиб келди. Эволюционизм анъаналари Жобир, Эроншахрий, Жоҳиз, Масъудий, Розий, «Иҳван-ус-Сафо»чилар ва Қазвиний таълимотларидан айниқса, яққол ифодаланган бўлиб, ҳаётнинг жонсиз (анорганик) табиатдан, жонли табиатга, ундан ҳайвонот оламига ўтганлигини ва ниҳоят, ҳайвонот оламидан инсоннинг ажralиб чиққанлиги, ҳатто одамнинг маймун билан уруғдошлиги таҳмин қилинар эди.

Бу эволюцион назария биринчи бўлиб Форобий томонидан илгари сурилди ва табиий-илмий таълимот сифатида асослаб берилди. «Минераллар, — деб ёзган эди Форобий, — дастлабки унсурларга энг яқин ва энг олдий аралашмалардан вужудга келадилар: уларнинг унсурлардан ажralиши, ҳали унча катта эмас. Ўсимликлар мураккаброқ ва (демак) унсурлардан анча ажralган аралашмалардан келиб чиқади ва улар муайян даражада кўп сонлидир. Ақлсиз ҳайвонлар эса ўсимликлардан ҳам мураккаброқ аралашмадан (яъни ҳайвонот оламидан) келиб чиқади». Бу эволюцион назария Ибн Сино, Абу-л-Баракот ва Қазвиний (унинг «Ажойибул-махлуқот» асари бизгача етиб қелган)ларнинг ўсимликлар, ҳайвонот оламига бағишлиланган фундаментал асарларида эмпирик табиатшунослик, фалсафий нуқтаи назардан далилланди ва янада ривожлантирилди.

Одамнинг табиат эволюцияси натижасида ҳайвонот оламидан келиб чиққанлиги тўгрисидаги, одамнинг инсонга айланишида биофизиологик ва ижтимоий амалиётнинг ролини жуда ишонарли гипотеза шаклида (Ибн Синонинг «Ҳай ибн Яқзон» — яъни «Үйгоқ, Тирик ўғли» ва Ибн Туфайлнинг худди ана

шу номдаги асари) илгари сурилиши том маънода фан, фалсафа, ижтимоий тараққиёт учун, дунё ва унинг қонунларини янгича тафаккур қилиш усули, ҳозирги замон маъносидаги дунёқарашнинг шакланишига, рационализм ва инсонпарварлик майлларининг кучайишига олиб келди.

Эволюцион дунёқарашнинг муҳим томони шунда эдикни, ундан инсоннинг барча руҳий, ақлий ва маънавий хусусиятлари инсон танасининг табиий-физиологик ҳолати, имконияти билан белгиланади, деган содда, табиий-илмий дунёқараш нуқтаи-назари келиб чиқар эди. Яъни табиатшунослик дунёқараши нуқтаи-назаридан туриб моддий оламнинг киши онги билан, борлиқнинг тафаккур билан, табиатнинг руҳ билан чамбарчас боғлиқлиги, бирлиги қийинчилеклар билан бўлсада, бевосита эътироф этилган эди. Бу ҳақда ал-Фаззолий бундай деб ёзади: «Улар (яъни табиатшунослик) инсоннинг фикрлаш қобилияти унинг мижозига боғлиқ ва бу қобилият мижоз йўқ булиши билан йўқ бўлади ва ҳалок бўлади деб ўйлайдилар».¹

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, ўша давр маданияти, фани, фалсафаси ва ижтимоий тараққиёти учун инқилобий аҳамиятга молик бўлган мазкур назарий хulosалар оддий, эмпирик тадқиқотлар натижалари, кузатилган далил (факт)лар бўлиб қолмасдан, фалсафий жиҳатдан талқин этилар, изоҳланар ва ўз даврининг илмий дунёқараши сифатида йўналтирилар эди. Масалан, Форобийнинг издошлари, ҳаммаслакларидан бири Ҳаким Адаб Исмоил Хиравийнинг (табиатшунослик, тиббиётга доир асарларини бир неча бор куйдириб юборишган, унинг ӯзининг жонига ҳам бир неча бор қасд қилганлар) аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва мантиқий исботлаш усувларига очиқдан-очиқ жоҳиллик муносабатида бўлган Абдуллоҳ Ансорий қаттиқ касал бўлиб қолганида даволашнинг ҳеч иложини тополмай Адаб Исмоилга мурожаат қилган. Шунда Исмоил Хиравий Ансорийнинг пешобидан касалини аниқлаб, дорилар ва муолажа тадбирларни ёзиб берган. Яна, «унга бориб айтинглар, китоб куйдириш эмас, илм ўрганиш керак!»² — деб танбех ҳам берган.

¹ Газали. Избавляющий от заблуждения. С. Н. Григоряннинг «Из истории философии Средней Азии и Ирана VII—XII в. в.» китобида, М., 1960, 222-бет.

² Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (мажмаъун-наводир). Т., 1985, 86—87-бетлар.

VIII—XIII асрларда табиатшунослик фалсафаси-нинг таракқий этганлиги, табиатни тадқиқ этишда ақла мантиқ, эмпиризм ва рационализм принциплари-нинг кенг құлланилиши табиатшунослик соҳасидаги илгари сурилған далил ва қашфиётларни, эмпирик холосаларни дунёқараң нұқтаи-назаридан қайтадан күриб чиқиш, баҳолашни талаб қилар эди. Бу эса табиатшуносларнинг ҳар бир холосасини ақидачиликка, күркүрона хурофотга қарама-қарши құяр, хурофотларни ақлий билиш, амалиёт жиҳатларига күра шубхага олиш, танқид қилиш, таъсир доирасини чеклаб борищга йүл очар эди.

Табиатшунослик шу қадар юксак ривожланған ва фалсафа фани билан чамбарчас боғлиқ, маънавий ҳаёт даражаси шу қадар юқори эдики, бу ҳар бир табиатшуносни үз тадқиқотларидан албатта фалсафий-дунёқараң нұқтаи-назаридан холосалар чиқаришга мажбур қилар эди.

ж) Машиғоййұн ва табиийұн фалсафаси.

Ұрта Осиёдаги үрта аср илм-фани, табиатшунослиги, фалсафий фикрининг илмий дунёқараң аҳамиятига молик ақлий рационалистик ва инсонпарварлық ғояларига, уларнинг Оврӯподаги үрта аср христиан узлатчилігини бартараф этиш, илм-фан, рационализм ва инсонпарварлық юксак ривожига бағоят ҳаққоний ва түғри, илмий холис баҳони оврӯполик фан, фалсафа тарихи тадқиқотчилари ҳам бердилар.

Агар VIII—IX асрларда фалсафа ҳалифалар, сultonлар, амирлар саройларида бевосита баҳс-мунозаралар, ҳинд ва юнон фалсафасидан таржималар қилиш ва уларға шарҳлар ёзиш жараённан ривожланған булса, X—XIII асрларда мадрасаларда, «Дор-ил-Ҳикма», «Дор-ил-Илм», «Дор-ит-Тибб»ларда, Бишр ибн Матта, Юханна ибн Хайлон, Иброҳим ал-Марвазий, Форобий, Ибн Синоларнинг давралари каби «давра»ларда, фалсафий мактабларидаги мунтазам таҳсил, юксак савияли баҳс-мунозара санъати, академик тадқиқотлар жараённан, файласуф-олимлар үртасидаги очиқ ва ёзма фалсафий баҳс-мунозараларни уюштириш шаклида ривожланди. Фақат баязы истисно ҳоллардаги фалсафий таълимотлар, масалан, «Иҳвонус-сафо»чилар ёки исмоилийлар, ҳуруфийлар фалсафаси яширин (ботиний) куринишда мавжуд бўлган, «Расоил» (Послания) — қомусий мажмуъилар тарқатиш орқали тарғиб ва ташвиқ этилган. Айни шу даврда фалсафа, файла-

суфлар ҳокимлар олдида, умуман жамоатчилик, халқ назарида катта обру ва нуфузга ҳам эга бўлганлар.

Бундан ташқари, фалсафанинг илмий-тушунчалари, юксак такомилга эришган, фалсафий фанлар юқори назарий-методологик даражада тасниф (классификация) қилинган. Бу уринда Форобийнинг «Иҳсо ал-улум», Ибн Синонинг «Ақсом улум ал-ақлийя», Абу Абдуллоҳ Котиб Хоразмийнинг «Мафотих-ул-улум», Фахриддин Розийнинг «Жомеъ-ул-улум» каби асарларини эслаш кифоядир. Фалсафа аҳолининг анча-мунча зиёли, маърифатли қатламлари, косиб-хунарманд, савдогарлар, сайёҳлар, сиёсатчилар ўртасида кенг тарқалиб улгурган эди. Айни пайтда фалсафадаги ўта сўл қарашлар, ғоя ва таълимотлар мажозий (символик) тил, тушунчалар ва ибораларда, бадиий образларда ҳам ифодаланган.

Даврнинг ўта қизгин, суронлигига қарамасдан, Урта Осиё файласуфлари илм-фан, фалсафанинг энг фундаментал — борлиқ, субстанция, материя ва унинг атрибулари, ҳаракат қонуниятлари ва физикавий механизм, жон, рух, онг, тафаккур, фозил жамият, комил инсонни шакллантириш каби абадий ва доимо долзарб муаммолар, мавзуулар устида ишлаганлар, «жуда муҳим» илмий-фалсафий ютуқларга эришганлар.

Шарқ фалсафаси асосчиларидан бири Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (800—879) фалсафа фанининг зарурлигини исбот қилишга уриниб, уни табиат ва жамият ҳодисаларини тушунтириб берадиган илм, борлиқни билишнинг муҳим қуроли деб билади. У, фалсафанинг душманлари ҳам фалсафага муҳтоҷдирлар, деб уқтиради. Ал-Киндий фалсафанинг зарурлигини уқтирибгина қолмай, балки фалсафанинг вазифаси нимадан иборат, инсон ўз идроки билан нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини билишга қодирми,— деган саволларга ҳам жавоб беришга ҳаракат қиласи. Фалсафа, дейди у, бошқа фанлар сингари нарса ва ҳодисаларнинг сабабларини текширади. Номаълум ҳақиқатнинг сабабини топиш орқалигина унинг моҳиятини билиш мумкин.

Ал-Киндийнинг фикрича, олам тўгрисидаги бутун ҳақиқатни бир мутафаккирнинг ўзи тўлиқ тушуниб, эгаллаб етолмайди. Ҳақиқат неча-неча асрлар давомида қанча-қанча мутафаккирлар томонидан тўпланиб келинган билимлар мажмуасидан иборат. Бир одам-

нинг умри қанчалик узун, ақли қанчалик кучли, тийран, илмий изланишлари қанчалик чуқур бўлмасин, у қанчалик кўп меҳнат қилмасин, барибир, у олам тўғрисидаги бор ҳақиқатнинг ҳаммасини тўлиқ англаб етолмайди. Бунинг учун, дейди у, юзлаб, минглаб йиллар, неча-неча авлодларнинг матонатли изланишлари, уткир фикрлари зарур бўлади.

Деистик ва пантеистик дунёқарашга асосланган Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби мутафаккирлар диний ақидачиликка, илоҳиётчиларнинг фалсафаси — Каломга соглом ақл, илм-фан, мантиқий нуқтаи-назаридан туриб ёндашар эдилар. Улар мутлақ ҳақиқатларни беришга даъво қилувчи мутакаллимлардан фарқли ўлароқ ақидалар, билимларни мажозий ақлий талқин, шарҳ қилиб, ҳақиқатнинг илмий холисона характеристери, сабаб-оқибат занжирига асосланувчи мантиқий тафаккур ёрдамида ҳам қўлга киритилиши мумкинлигини кўрсатиб, инсон ўз ақли, илм-фан, фалсафа ёрдамида ҳақиқатни тадқиқ қилишга ва қидириб топишга ҳақли эканлигини исботлашар эди.

Диний ақидачиликнинг ўзини илм-фан, маданият, фалсафани тарғиб қилишга жалб қилишнинг ўзи бўлмас эди, албатта. Бунинг учун диний-ақидавий мафкуранинг ўзини ақлий ва мажозий талқин қилиш, уларни ақл, илм-фан, фалсафа далиллари билан тўқнашмайдиган ҳолга келтириш, уларнинг тараққиётига хавф солмайдиган қилиб талқин этиш, яъни расмий ҳукмрон диний ақидалардан четга чиқувчи илгор foялар ва қарашларга эга бўлган бир бутун дунёвий фалсафа, маданиятини вужудга келтиришни талаб қилас эди.

Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби мутафаккирлар олам, инсон ва худонинг ўзаро муносабатларини фақат креационалистик ва тақдирчилик нуқтаи-назардан изоҳлаш ўрнига, пантеистик ва деистик таълимотларни, қарашларни илгари сурган эдилар. Розий ва Беруний наздида худо бор, у қачонлардир оламнинг яратилишида туртки, воситачи бўлган, кейинчалик эса уни ўз ҳолига қўйиб, олам ўз қонунларига биноан яшай бошлаган, ривожланган ва абадийдир. Розий фикрича, худо дунёнинг асосида ётувчи, беш асоснинг (хаюла, макон, замон ва жон) бири, уларни ўзаро туташтирувчи, уларга ҳаракат, ҳаёт багишловчиidir. Беруний «Геодезия» асарида худони, олам қонуниятларининг амал қилишига, инсонни яхши яшашига кўмаклашувчи куч сифатида тушунтирган. Умуман, Жобир, Эроншаҳрий,

Розий, Беруний, Абу-л-Баракот каби мутафаккирлар худонинг иродаси ва яратувчилик фаолиятини оқилона мақсад, адолат ва эзгуликни амалга оширувчи йўналишида талқин этганлар.

Форобий, Ибн Мискавайҳ, Ибн Сино каби мутафаккирлар худо, олам ва инсоннинг ўзаро муносабатларини Арасту фалсафасининг сабаб-оқибат принциплари, неоплатонизмнинг эманация (судур, файзи илохий) назариясидан фойдаланган ҳолда тушунтириб, худо ва олам, табиат, инсон ўзаро қарама-қарши, мутлақо бегона борлиқлар эмас, балки бир вужудият (борлиқ)нинг бир-бирига боғлиқ, ўзаро бир-бирини тақозо этувчи икки томонларидир, худо-вожиб-ул-вужуд-борлиқнинг сабаби, моҳияти, олам, табиат инсон мумкин-ул-вужуд, яъни оқибат деб қараганлар. Демак, олам, табиат, инсон ва худо ўртасида моҳиятий, зарурий боғлиқлик мавжуд, улар яхлит, бир бутун борлиқни ташкил этадилар. Худо азалий ва абадий экан моддий олам, табиат ҳам ўзининг барча қўринишлари моҳиятида азалий ва абадийдир.

Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирлар фикрича, илохий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган дунё ҳақиқийдир. Шунинг учун инсон шу дунёда инсонлик ва ақл талабларига риоя қилган ҳолда яшаши, ҳақиқий моддий ва маънавий баҳт-саодатга эришиши керак. Ана шунда ундан келажак авлодларга яхши хотира, маънавий мулк қолади ва у келгуси авлодлар хотирасида яхши одам, фозил-етук киши, Комил Инсон сифатида абадий яшайди. Агарда киши ўзининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини, табиатини меҳнат, таълим-тарбия, касб-ҳунар, санъатларни эгаллаш орқали такомиллаштирмаса, ундан келгуси авлодларга ёмон, жоҳил киши, деган хотира қолади ва у кишилар хотирасидан ўчиб, йўқ бўлиб кетади. Бу — жуда катта баҳтсизликдир. Форобий ва Ибн Сино фикрича, диний ақидалар худди ана шу ҳақиқий баҳтга эришиш ёки баҳтсизликни мажозий ифодалаб, гўёки инсон нариги дунёда бўлади, қиёмат куни тирилтирилади, даҳшатли суроққа тутилади, ўз қилмишларига яраша жазо ёки савоб олади деб ифодалайдилар холос. Аслида бу, уларнинг фикрича, жоҳил, билимсиз мутаассиб кишиларга олам, инсон ҳаётининг маъноси тўғрисидаги илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни уларнинг тасаввурларига мослаб диний афсона, ривоят, ҳикоя, эртак, масаллар ва ҳ. к. шаклларда етказишидир. Пайғамбарлар ҳикмат

ва сиёсат соҳиби бўлганлар, инсониятни ана шу йўл билан инсонийлик ва ҳақиқат йўлига олиб чиқишига уринганлар деган «пайғамбарлик фалсафасини» Форобий ва Ибн Синолар илгари сурғанлар.

«Пайғамбарлик фалсафаси» нуқтаи-назаридан туриб, Форобий бидъат, хурофтга ботган кишиларнинг нариги дунё, ундаги дўзах азоблари тұғрисидаги тасаввурларини ақли алмойи-жалмойи булиб қолган кампирлар ва ақли ожизларнинг босинқираш, алаҳсирашлариdir деб тушунтирган. Буни илоҳиёт, диний мағкура манфаатларига зид деб, тұғри тушунишни истамаган имом Фаззолий эса «шу пайтгача бирон-бир мусулмон бундай коғирликка журъат этмаган эди», деб Форобий ва Ибн Синони куфрға кетишда айبلاغан.

Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино ўз ижодларида илоҳий илҳом нури ёрдамида ғойибни билишни, сохта авлиёлик ва мұъжизакорликларни ўз даври учун жуда ҳам илмий асосли шубҳа остига ола билганлар. «Билим»нинг бундай сохта йўлларига инсон ўз умрени бағищламаслиги, ақлий, ҳиссий билиш ва амалий тажрибага асосланган илмий ҳақиқатгина уни самарали ва баҳтли ҳаёт кечиришига имкон беришини таъкидлаганлар. Бироқ мутассибчилик у вақтда кучли бўлганлиги учун улар «ҳақиқатнинг икки ёқламалиги» тұғрисидаги таълимотни илгари сурғанлар.

Уларнинг фикрича, ҳақиқат гарчи битта бўлсада, унга эришиш йули икки томонламадир. Бири илмий билиш, ақл ва мантиқ далиллари йули — бу таълим ва таҳсил олган, ақлли, илмли кишилар учун, иккинчиси эса — мажозий ифодалар, ривоят, ҳикоя ва масаллар йули. Кейинги йўл хуроғий китобларда баён этилган, кўр-кўrona эътиқодга ўргатилганлар йули, илмий ҳақиқатларни тұғридан-тұғри қабул қила олмайдиганлар, мажозий қабул қила оладиган, тасаввур қила оладиганлар йўлидир. Бу икки ҳақиқат назарияси диний ва дунёвий билимларни, илм-фан, фалсафа билан илоҳиёт чегараларини ажратиб бериш, уларнинг ўзаро тўқнашмасдан, мустақил ривожланишларини таъминлашда, фан ва фалсафанинг жамиятдаги ролини кутаришда жуда муҳим роль ўйнади.

VIII—XIII аср Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият, давлат ва инсоннинг шахсий ҳаётида ҳукмрон табақалар, авлиёлар, пайғамбарлар ўйнайдиган ролни ақлий, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳал қилишга имкон берарди. Худо

оламдаги тақдири — азални моҳиятан билганлиги, уни ўзи үрнатганлигига қарамай, олам ва ундағи ишлар, шу жумладан, инсон иродаси ва фаолияти үткинчи, үзгарувчи булганлиги учун уларни билиш, уларга ара-лашишдан юқори туради. Бунинг устига, дунёning ишларига бирор-бир шаклда аралашиб, уларни үзгартыриб, бузиб-тузиб туриш худонинг донолиги ва адолатлигига зид экан, оламда, табиат ва инсон ҳәётида табиат қонунлари, инсон ҳәётида эса унинг ақли, эркин иродаси ҳукмронлик қиласы. Бу эса пайғамбарлар, файласуфларни инсоният жамиятини фозил жамиятга (мадина), инсоннинг үзини эса Комил Инсонга айлантириш, тарбиялаш, уларга маънавий раҳбарлик қилишларини тақозо этади. Форобий, Розий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирлар пайғамбарлар ва файласуфлар инсоният жамиятини фозил жамиятга, инсонни эса Комил Инсонга айлантиришлари зарурлиги, бу уларнинг илохий ва инсоний бурчлари, миссияси эканлиги тоғасини олдинга сурғанлар.

4. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Амир Темур ва унинг авлодлари қурган Темурийлар салтанати Она Ватанимиз тарихида мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарининг бевосита, юксак ворисий давоми эди.

Темур, Шоҳруҳ, Умар Шайх Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур қурган салтанатлар Туркистонда азалдан давом этиб келган туркий цивилизация, илм-фан, маданият, диний-фалсафий, бадиий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий фикр, давлатчилик, идора ва бошқариш, қонунчилик тизимларининг янада тезкор ва узлуксиз тараққий этишини таъминлади.

Амир Темур ва темурийлар қатъий сиёсий ирода билан амалга оширган иқтоъ ва сюргол мулкчилик, идора ва бошқариш тизими аста-секин үз самарадорлигини йўқота бошлаган феодал ишлаб чиқариш услуга янгидан «жон ато қилиб», янги иқтисодий, маъмурий, ҳарбий-сиёсий кўтарилишни вужудга келтирди. Ўрта Осиё, Туркистондаги ана шу янги иқтисодий, ҳарбий-сиёсий барқарорлик, кўтарилиш инсоният цивилизацияси тараққиёти йўналиши устувор қадриятларини белгилай бошлади.

Мана шу ҳал құлувчи, белгиловчи иқтисодий, ҳарбий-сиёсий салоҳият, иқтидорнинг шаклланишида Амир Темурнинг фавқулодда ақлу-заковати, пұлат иродаси, янги савияга құтарған ҳарбий-сиёсий маданияти, планетар құламдаги тафаккури асосий тамал тош ролини үйнади.

Жаҳон илмий адабиётида Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳрух, Улугбек, Бобур ва бошқа темурийздоларнинг жаҳон тарихи, цивилизацияси, илм-фан, маданият ри-вожидаги үрни ва аҳамиятига чуқур, илмий холис баҳо берилган.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, давлатни қуриш ва бошқариш, халқаро дипломатик муносабатлар, құшничилик, барқарор ҳамкорлик, сұлҳпарварлық сиёсати, ҳақсизликни бартараф этиш мақсадида урушлар олиб бориши, урушларнинг олди-ни олиш, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги, обод-маъмурлиги асослари, қонунчилік, қонун усту-ворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, қонуннинг инсонпарварлыкни рүёбга чиқаришдаги аҳамияти, Ясо, Тузуклар ва Щариатни, барча Қонун тизимларига хур-мат ва риоят, эътиқодий бағрикенглик, сабр-тоқатли-лик ва тезкор ҳаракатчанлик, илмий-маънавий, диний-орифий қадриятларни юксак тутишга оид концепция-сини унинг замондошлари ҳам, кейинги давр олимла-ри ҳам, турли мамлакатлар, айниқса Узоқ Шарқ-Хи-той ва Фарбий Оврупо (Франция, Испания, Италия) сиёсатчи, әлчи ва саёҳатчилари, илм-фан, маданият, арбблари юксак баҳолашғанлар. Күплаб тарихчилар уни жаҳон цивилизацияси, тарихи, маданиятида янги давр очған, инсоният ижтимоий тараққиётига янги ни-шонлар, устувор қадриятлар берған фавқулодда шахс деб баҳолаб келишмоқда. (Л. Керен, Ислом Оқа, Б. Ф. Манц, С. Жамалуддин ва бошқалар).

Туркий дунё тарихи, ҳозирги замон тарих илми-нинг забардаст вакиллари проф. З. В. Тұғон, В. В. Бартольд, А. Якубовский, И. Муминов ва бошқа олимлар Амир Темурнинг тарихдаги үрни ва аҳамияти, унинг ижтимоий-сиёсий ва давлат қуриш, бошқариш, қонунчилікка оид қарашларига бир бутун, илмий хо-лис баҳо беришга уринганлар.

Шуролар даври тарихчилигида, айниқса XX асрнинг 40-йилларидан сұнгра ёзилған тарих китобларида Амир Темур ва темурийларнинг роли тамомила салбий, зулм ва дағшат, жохиллик, босқинчilik тимсоли сифатида баён этилған.

Ҳолбуки, Амир Темурнинг Ўрта Осиёда марказлашган давлат тузиш, минтақавий ва жаҳон сиёсатини юргизиш, адолатли ва зулмга чек қўювчи урушлар олиб бориш, савдо-сотиқ, ободончилик, қурилиш, яхши қушничилик, элчилик, айниқса, илм-фан, маданият ва қонунчилик соҳасидаги фаолияти ва мероси, жуда хилмалил ва бой эканлиги маълум.

Бунинг устига, Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурни саводи йўқ, оми деб талқин этишга уринишларига қарамай Соҳибқироннинг жуда кенг, чуқур ва атрофлича ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қараашлар соҳиби эканини, ўз замонасининг анча-мунча юқори даражада саводли кишиси бўлганлигини қайд этиш ўринлидир.

Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» асарида Соҳибқирон жуда фавқулодда илмий ёки диний-сиёсий муаммолар бўйича мунозара мавзуси бўлган китоб ёки хабар, элчилик номаларини дарҳол қадимги туркий «уйғурча хат» ёзув тилига таржима қилдирганди, уларнинг мазмуни билан оғзаки танишиш билан чекланмасдан, шахсан ўзи ўқиб чиқиб, бир хulosага келишга уринганлиги тўғрисидаги хабари унинг арабчада бўлмаса-да форс-тожик, турк тилида саводли бўлганлиги тўғрисида қатъий хulosага чиқаришга имкон беради.

Бундан ташқари, Шарқдаги ҳукмронлик, сиёсий фаолият анъанаси ҳам саводсиз, оми одамнинг бирон-бир тарзда сиёсат, ҳукмронликка келишини тамоман истисно қиласар эди.

Ҳафиз Абру ва бошқа тарихчилар хабарларига қараганда Амир Темур тарихий асарлар, Шарқ ва умуман жаҳон тарихи, сиёсати, диний таълимотлар, мазҳаблар муаммолари, шеърият бўйича ҳар томонлама, чуқур билимга эга бўлиб, Қуръони Карим, Ҳадислар ва тафсирлардан, машҳур тарихчи, шоирлар асарларидан ўз ўрнида фойдалана олган.

Ҳар ҳолда Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-дипломатик, диний-ахлоқий, илмий-фалсафий, қонунчилик, маданий қурилиш соҳаларида қолдирган мероси, тажрибаси жуда буюк аҳамиятга эга.

Бизгача Амир Темур меросидан «Тузуки Темурий» ёки «Малфузоти Темурий» номли муҳим асари, Соҳибқироннинг ҳаёт йўли ёки «Таржимаи ҳоли», унинг «Васияти», сон-саноқсиз фармон, буйруқ ва кўрсатмалари, ўғиллари, яқинлари, саркардалари, уламо-фозиллар билан, масалан машҳур мантиқшунос файласуф олим

Мир Сайд Шариф Журжоний ва бошқалар билан, мутасаввүф шайхлар билан атрофлича ёзишмалари, Франция, Англия, Испания қироллари, Турк султони Боязид Йилдирим ва бошқа шахслар билан элчилик номалари, мактуб ёзишмалари матнлари етиб келган.

Санаб ўтилган мазкур матнларни бевосита Амир Темур узи айтиб туриб ёздирган, ёки унинг кўрсатмаси, буйруқлари асосида тузилган.

Уларда Амир Темурнинг буюк интилишлари, ўз тарихий миссиясини чуқур англағанлиги ва уларни амалга оширишга фавқулодда зукколиги ва пулат иро-да билан интилиб, изчил амалга оширганлиги, унинг ижтимоий сиёсат, ҳарбий, диний фалсафий қарашла-ри, дунёқараши ўз даврига адекват экани кўринади.

Соҳибқирон давлатни бошқариш, идора қилиш, бар-қарорликни таъминлашда Пири Абу Бакр Тойободий угити билан қўйидаги 4 умдага: 1) кенгаш; 2) машварату-маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик талабларига амал қилган. Бу унинг қў-йидаги фикрларида яққол кўринади: «давлат ишлари-нинг түққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англа-дим..., ўз ўрнида қилинган тадбир билан саноқсиз лаш-кар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарво-засини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлур..., ғолиб бўлмоқлик тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир!»¹

Амир Темур үзининг дастлабки сиёсий фаолияти даврида салтанат қуриш, унинг бирлиги, мустақиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, таъминлаш соҳаси-да үзининг, фавқулодда шахсий салоҳиятини, иқтидо-рини намоён қилганлигини курамиз. У Туркистонда эндинина ўз ҳокимиятини ўрната бошлаган даврларда, ҳокимиятга шерикчилик қилишни, ўз мустақиллигига эга булишни истаган амирлар, беклар унга: «бу давлат-га баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик» деганларида, Амир Темур бу қув таклифда ўз салтанати асосларига болта урувчи зарбани илғаб, уларнинг сўзига қулоқ осмасдан мақсади йўлидан қайтмади. «Уларнинг гаплари менинг салтанат юритишмадаги ғайратимга таъсир қилмади, ўзимча кенгашдимки, «Худо битта, унинг шериги йўқ-

¹ Темур тузуклари. Т., Faфур Фулом номидаги нашрият-матбаа бирлашмаси. 1991, 15-бет.

дир», ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсимишни истамаган амирларни турли тадбирлар ишлатиб, ўзимга итоат эттириш¹ йулини қилдим, дейди. Бу биринчи навбатда, ўз амакиси Амир Ҳожи Барлос билан рақобат кураши олиб бориб, уни ўзига иттифоқчи этишида, Амир Ҳусайннинг сиёсатини, унинг оқибатларини олдиндан кўрган ҳолда бартараф қилишида, у билан ҳокимиятни эгаллаш даврида иттифоқчи бўлиб, охири-оқибатда ҳалол-пок сиёсий-ҳарбий рақобатга хиёнат билан жавоб берганида эса унга муносаб ва адолатли зарбалар бериб, ҳокимиятдан четлатиш ва қатл қилишда, бошқа амир-беклар билан бўлган жуда тифиз ва мураккаб муносабатларида намоён бўлади.

Амир Темур ижтимоий-сиёсий қарашларининг иккинчи муҳим жиҳати унинг бир томондан расмий Ислом, Шариат билан, иккинчидан бидъат мазҳаблари, масалан шийя-исмоилийлар, сарбадорлар, хуруфийлар билан жуда мураккаб муносабатлари эди. Амир Темур расмий Ислом, Шариатни қўллаб-куватлаш борасида «тангри таоло дини ва Муҳаммад Мустафо шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим», деб ўз давлати қурилишининг биринчи асосларини — тузуки асосларини таъкидлайди.²

Бошқа томондан эса, Эронда, Озарбайжон ва бошқа жойларда шийялар, хуруфийларни қаттиқ таъқиб, қатағон этгани ҳолда, Сурия ва Ироқда шийялар кучидан ўз урушлари муваффақиятини таъминлашда усталик билан фойдаланди.

Учинчидан, сарбадорлар ижтимоий-сиёсий ҳаракати билан ҳамкорлик қилиш Амир Темур ҳокимиятга келишида ҳал қилувчи босқич бўлиб, бунда Соҳибқирон Самарқанд сарбадорлари foявий раҳнамоларидан Мавлонозодани ўлимдан сақлаб қолишдек хатарли хатти-ҳаракатларга журъат қилганки бу унинг дин, диний мазҳабларга бўлган муносабати ўта мураккаб ва айни пайтда ҳозирги кун нуқтаи-назаридан ибраторумуз, ўрганса бўладиган аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Амир Темурнинг динга бўлган муносабатидаги фундаментал асос — қораҳонийлар, хоразмшоҳлар даврида давлат ишларига дин арбобларининг фаол аралашиши

¹ Уша жойда, 34—35-бетлар.

² Уша жойда, 53-бет.

тамойилини кесиб, динни давлатдан ажратиш талабининг қонун даражасига қўтарилигидир. Амир Темур ўз сиёсатини юритишда турли аслзода руҳонийлар — Сайид Барака, Тойободий, Шамсиддин Кулоллар фатволари, дуоъи-фотиҳаларини олишга интилган бўлсада, у расмий Ислом, Шариат вакилларини энг муҳим давлат сиёсати, ҳарбий-дипломатик қарорлар қабул қилишга аралаштирган. Бунда у Чингизхондан келаётган туркий-мўгулий анъана — бирон динни алоҳида нуфузли мавқеъига қўймасдан ҳаммасига баб-баробар ҳурмат, эҳтиром сиёсатини юргизиш йўлидан борган.

Амир Темур сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, сиёсатининг бош ғояси «Рости русти» умдаси бўлиб, бу «Кучкудрат, ижтидор-адл-инсофда», деганидир. Соҳибқирон, «давлат агар дину-оин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади», дейди. Бундай салтанат яланғоч одамга ухшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу-нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеъ ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим¹, дейди. Бу ҳозирги Узбекистон мустақиллигига эришган кунда биз танлаб олган асосий тамойиллардан бири — қонуннинг устуворлиги умдаси билан мутлақо ҳамоҳангдир.

Айни пайтда Амир Темурга хос фавқулодда даҳо қонун устуворлиги масаласида ҳам ўзини кўрсатган. Қонунчилик соҳасида барча даврлар, халқлар, мамлакатлар қонуншуносалини ҳамон ҳайрат ва таажжубга солиб келаётган, унинг давлат, салтанат қуриш сиёсати муваффақиятини таъминлаган хурофот ва таъссубларсиз, турфа фикрлар, қарашларга эътиқодий бағри кенг муносабатда бўлиш қобилияти ўзини намоён қилган.

Амир Темур қанчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин қонунчиликнинг турли тизимлари — диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тӯғри англаган. Амир Темур қонунчилик тизими деганда фақат Шариат қонунчилигини

¹ Темур тузуклари. Т., Faфур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 57-бет.

эмас, балки бошқа халқлар қонунлари, урф-одатлари, хусусан туркий-мүгил Ясо, Тузук қонунларини ҳам тушунган. Уларни баробар олиб қараган, ҳар бирини үзүрнида, тақозо этган шароитда аниқ-функционал вазифа ва имкониятларига қараб фойдаланган. Масалан, Шариат қонунчилигидан иқтисодий, фуқаролик, маънавий маданият, халқаро муносабат масалаларида кенг фойдаланган булса, Ясо ва Тузуклардан сулоланинг қонуний эканлигини асослаш, мамлакат ва қушинни қисм-фавжларга ажратиш, урушлар олиб бориш, мукофот ва жазо беришда, ҳарбий соҳаларда кенг қўллаган. Соҳибқирон, «Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса ясо буйича жазолсан. Кимки бирорвнинг молини зўрлик билан тортиб олган булса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб эгасига топширсинглар. Агар кимда ким тиш синдиурса, кўзни кўр қиласа қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қиласа девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинглар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсан. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсан»¹ деган.

Плюрализм, эътиқодий багри кенг ҳукуқий-қонунчилиги сиёсатини юргизишда Амир Темур Иному Аъзам Абу Ҳанифа, Шофеъийлар, ал-Мавардий асос солган ислом давлати, жамиятида дин давлатдан, халифа сultonликдан функционал ажратилиши, бунда ҳам қонунга риоя қилиниши, қонун, адл-инсоф устуворлиги умдасига амал қилган. «Худонинг мулкида адолат билан иш тутгил... Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди»², деган эди.

Зулм қилмаслик, қонун устуворлигини таъминлашда Амир Темур ишни аввало үзи, яқин атрофдагилар, давлат арбобларининг мазкур қонунга риоят қилинишини таъминлашдан бошлаганлиги, хусусан Мироншоҳ, Халил Султон, Искандар Мирзо каби ўз ўғил ва неваралари борасида, баъзи амир ва беклари фаолияти борасида жуда қатъий ва муросасиз бўлганлиги ҳозирги қунимиз учун бениҳоя ибраторумздир.

Амир Темур қонун устуворлиги масаласида бирор айб қилган оддий аскар, фуқарони, «булар оддий ас-

¹ Темур тузуклари. Т., Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991, 74-бет.

² Ўша жойда, 93-бет.

кар, фуқароку» деб, кўп нарса уларнинг иродада ва ихтиёрида, имкониятлари доирасида эмаслигини назарда тутиб иш кўрган. Аммо ёлғон, хиёнат, бебурдлик, но-покликка нисбатан муросасиз бўлган. Айниқса ўз амалини, ҳатто бойлигини сұйиистеъмол қилган нафақат алоҳида одамларни, ҳатто бутун-бутун шаҳар, давлат бошлиқлари ёки жамоаларини жазолаганлиги маълум. Жазони қўллашда ҳам Амир Темур адл-инсоф ва қонун устуворлигидан ташқари, ўз шахсий эҳтиросларига берилиш, айниқса ўч олишга берилиб кетишга йўл қўймаган.¹

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Амир Темур фуқаролар арз-додига қулоқ солиш, бирорлар кўрсатмаларига ишониб қўя қолмасдан, шахсан ўзи арз-додини тинглаб, керак бўлса атрофлича тафтишдан сўнг энг адолатли, инсофли ҳукмга келишга ҳаракат қилган.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий, давлат қурилиши, қонунчиликка оид қарашлари шуни кўрсатадики, у давлатнинг алоҳида фуқаро, жамият олдидаги асосий вазифаси мамлакатда барқарор қонун ва тартиб урнатиш, бурч ва қоидаларни, солиқларни бажарилишини таъминлаш, халқнинг тўқ, фаровон яшашининг барча шарт-шароитларини яратиш, аҳолига маломат, заҳмат, қийинчиликлар эмас, балки унинг аҳволини енгиллаштириши лозимлигини тўғри тушунган ва ҳаётда амалга оширишга уринган. Албатта, Амир Темур шахсини бир томонлама муқаддаслаштириш ҳам, қоралаш ҳам керак эмас. Соҳибқироннинг халқимиз, давлатчиликимиз, умуман инсоният олдидаги хизматлари унинг ўта салоҳиятли, фавқулодда ақл-заковат ва иқтидор соҳиби бўлган зот эканлигини кўрсатади.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, дунёқараши ва мероси нафақат Ўрта Осиё, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий фикр тараққиётида, балки бутун мусулмон Шарқи, жаҳон илмий-фалсафий, сиёсий фикрлари тараққиётида катта аҳамиятга, таъсир кучига эга бўлди.

Амир Темур «Тузуклари»нинг манбаавий ва илмий холис қиммати ҳақида тўхталадиган бўлсак, уни XIV—XVI ва кейинги асрлар Шарқ, туркий ижтимоий-фалсафий фикрининг энг юксак намунаси бўлган манба деб баҳолаш керак бўлади. Бу холосанинг тасдигини тарихий апробация ҳам исбот этган. «Темур тузуклар»и

¹ Уша жойда, 64-бет.

ниҳоятда махфий, тор доираларда, Темурийзода аслзодалар қулида XVIII асрларгача фақат қулёзма шаклда қўлдан-қўлга ўтказиш йули билан сақлаб келинганлигига қарамай, турли мамлакат ҳукмдорлари, сиёсатчилари ундан фойдаланишни истаганлар. Натижада «Темур тузуклари»нинг асл туркий нусхаларидан бири Ямандаги Турк-усмоний халифалиги ҳокими Жаъфар Пошо кутубхонасида сақланиб қолган. Ана шу нусхадан темурийзода Шоҳ Жаҳонга Мир Абу Толиб ал-Хусайнин ат-Турбатий ал-Туркистоний форсий таржимани тақдим этган. Шоҳ Жаҳон эса ўз даврида Деккан музофоти қозикалони, маърифатпарвар Муҳаммад Афзал Бухорий (1651—52 й. вафот этган)га бу форсий нусхани Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си, бошқа темурийлар архивлари, кундаликлари билан қиёслаб, ортиқча қўшилган жойларини чиқариб, асл матнни тиклашни буюрган. Бу матндан кўчирилган «Темур тузуклари» нусхаларини жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари — Франция, АҚШ, Англия ва Россия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман каби мамлакатларда, шу жумладан Узбекистонда ҳам қулёзма нусхалар, литографик, тошбосма нашрлари таржима ва шарҳлари мавжуд.¹

Амир Темур ижтимоий-сиёсий қарашларининг мазизи, уларнинг Ўрта Осиё, жаҳон ижтимоий-сиёсий фикри тараққиётидаги ўрни унинг ўлим олдидаги «Васияти»да муҳтасар ва бутун шавкати билан ифодаланган. У «Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг улуғи, Туркинг бош бўфинимиз»² деган. Соҳибқирон ўғитларида Она Ватанимиз Туркистонга, миллатимизга муҳаббат, унинг шаъни-шавкати учун қайгуриш, бунинг учун масъулиятни чуқур англаш, халқимиз, миллатимизнинг жаҳондаги шаъни-шавкатини юксак тутиш, ардоқлаш каби муқаддас асослар берилган. Бу муқаддас ўғитлар ҳозирги мустақил Узбекистон истиқололини асрраб-авайлаш, ардоқлаш, ватанпарварлик руҳини кутариш, Узбекистонни ўз мустақил тараққиёт йулидан олиб боришда маънавий-руҳий асос, куч-қудратимиз, келажакка бит-мас-туганмас ишончимиз манбай эканлигини кўрсатади.

¹ *Темур тузуклари*. Т., Faғұр Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1997., 5—6 бетлар

² *Амир Темур васияти*. Т., Faғұр Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт. 1991, 3-бет.

Темурийлар даврида фан, ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган шахслардан бири — буюк олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбекдир.

Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби, олим сифатида камол топишида Амир Темур ҳам суюкли бобо, ҳам темурийлар сулоласининг ҳазоротли асосчиси, ҳам узоқни қўра олган сиёсатчи, давлат арбоби, қатъий иродали, доно ҳукмдор, чапдаст ботир, шижоатли қаҳрамон жангчи сифатида ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Улуғбекнинг ижтимоий-сиёсий, илмий қарашлари шаклланишига отаси Шоҳруҳ Мирзонинг таъсири ҳам катта бўлган.

Туркий анъанага биноан Амир Темурнинг алоҳида курсатмаси билан Улуғбекнинг бутун таълим-тарбияси, жисмоний ва ҳарбий чиниқтириш, сиёсий иқтидорини ўстириш учун, ҳозирги тил билан айтилганда, маҳсус «ҳукумат белгилаган тарбиячилар» шуғулланганлар. Амир Темур боргоҳида, ҳарбий қароргоҳида машҳур тарихчилар Улуғбекка қадимги тарихий воқеалар, жангномалар ўқиб берар, уларни шарҳлаб, тушунтирас, йўл қўйилган хатолар, эришилган ғалабаларга нималар сабаб бўлганлигини кўрсатар эдилар.

Улуғбек Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, улуғ жантларида жуда эрта қатнаша бошлаган. Чунки, туркий анъанага қўра хон, хоқон, амирлар ва сultonлар, бўлгуси ҳукмдор ва лашкарбошилар ана шу тарзда шаклланар, камол топар эдилар. Таомилга қўра, Улуғбек Темур уюштирадиган барча машварат, Давлат кенгаши — Курултойларда, ҳарбий ва маъмурий давлат ишларини юритишда фаол иштирок этган, муайян вазифаларни бажарган. Улуғбек элчи-дипломатларни қабул қилиш, улар келтирган ҳужжатларни Амир Темур қўлига топшириш, кузатиш маросимлари, келгуси учрашувлар вақти, жойи ва иштирокчиларини аниқлашда иштирок этган. 1404-йилда Амир Темур Улуғбекка Тошкент-Илоқ, Сайрам, Тороз (Жамбул) воҳаларини, Ашпара ва бутун Мўгулистанни суюргол қилиб берган. Демак, Улуғбек ҳали 10 ёшга тўлмасдан Темур давлати олдида алоҳида, фавқулодда хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлган. 15 ёшида Амир Шоҳмалик ҳомийлигига, 17 ёшида эса мустақил Мовароуннаҳр сultonи бўлди. 1410-йилда отаси Шоҳруҳ билан унга қарши фитна уюштирган Утрорлик Шайх Нуриддин ва Хисорлик Муҳаммад Жаҳонгирлар қўшинига қарши

жанг қилган ва уларни енгган. 1414-йили Хоразмни қайтариб олган. 1424—25 йилларда Мұғулистандаги үз ноиби Шермуҳаммадхон итоатсизлик қилганда, унга қарши қүшин тортиб, фалаба қозонган. Улуғбекнинг биринчи йирик мағлубияти 1427 йили Даشت қипчоқ үзбеклари хони Бароқхон билан бұлган жангда содир бұлган ва шундан кейинги 20 йил давомида фаол уруш ҳаракатларини олиб бормай, үз давлатини мустақкамлаш билан шуғулланган.

Улуғбек үзининг «Зижжи Улуғбек» ёки «Зижжи жадиди Қурагоний», «Бир даража синусини аниқдаш ҳақыдаги рисола», «Рисолайи Улуғбек» каби астрономик асарлари билан бир қаторда «Торихи улус арбаъа», унинг муҳтасари «Шажараъи атрок», нақоралар билан ижро этиладиган бир неча мусиқий асарлар ҳам қолдирған. Навоий ва Абу Тоҳирхўжа курсатишларича, шеърлар ҳам ёзған, тиббиёт масалалари билан жиддий қизиқсан. Қолаверса фалакиётчилар, риёзиётчилар, барча илм вакилларининг Давра (Академия)сини шакллантирган, унинг ишида үзи ҳам фаол иштирок этган.

Мирзо Ҳайдар Дуғлатнинг «Торихи Рашидий»сида: «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди (ва) «Тұрт улус» (тарихи)ни (ҳам) ёзіб қолдирған эди» деб курсатылған.

«Торихи улус арбаъа» ва «Шажараъи атрок»да башарият тарихи эң қадимғи даврлардан бошлаб баён этилади. «Торихи улус арбаъа» үз унвони, «Муқаддима»си, 3 фасл, 3 мақола, майда боблардан иборат. Унда пайғамбарлар тарихи, шажараси, туркий-мұгулий сұлолалар — Чигатой, Жўжи, Ботухон ва Улуғ Қоон Мункэхон улуслари тарихи, улар билан темурийлар сулоласининг муносабатлари, шараф ва нуғузлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Мазкур асарларда Улуғбекнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлари, давлат қурилиши ва уни бошқаришга оид муносабати үз ифодасини топған. Бунда айниқса Туркий-мұгулий Ясо-Тузукларнинг құлланилиш құлами билан мусулмон ҳуқуқи — Шариат қонунчилигининг құлланиш ва таъсир құламининг үзаро муносабати диққатта сазовордир.

Улуғбек бир томондан, чуқур эътиқодли бир мусулмон ҳукмдор сифатида албатта үз давлатининг, умуман темурийлар сулоласининг мусулмон қавмлари олдидағи обруси, шаъни-шавкатига нисбатан бирон бир шубха туғдирмаслик учун Ҳутбадан тортиб то әлчилик но-

малари тузиш, турли фармонлар, қозилар фатволарини «ипидан игнасигача» Шариатга мувофиқ булишини таъминлар эди. Қолаверса мусулмон ҳуқуқи үзининг батафсил ва мукаммаллиги, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, раъийятни итоатда тутишда қўл келиши туфайли ҳам шундай қилган. Шариат Ясо ва Тузукларга нисбатан қатор устунликларга эга эди ва энг муҳими, психологияк ва эътиқодий жиҳатдан мусулмонлар учун мақбул эди.

Бошқа томондан эса темурийлар анъанасига кўра ҳарбий ишда, армияни қуриш ва бошқаришда, фавқулодда ҳолларда Ясо ва Тузукларга риоя этган. «Тузуклар» гарчи муаммоларнинг диний, дунёвий таҳлили асосда ёзилган булишига қарамай дунёвий қонунчилик тизими мазмунида тузилган эди. Хон, амирларни кўтариш, милк (мамлакат)ни ворислар ўртасида тақсимлаш, солиқ олиш, маъмурлар фалиятини ташкил этиш, армияни ташкил этиш (аскарликка олишдан тортиб то зобит, қўмондонлар нуфуз ва мақомларини белгилаш, уларнинг моддий-маиший таъминоти, нафақа, рағбатлаш ва жазо белгилаш, қатл ва ҳ. к.ларгача) «Тузуклар» асосида олиб борилган эди.

Маълумки Улуғбек сultonлигининг охирги иккита илида темурийлар салтанати таназзулининг жиддий аломатлари намоён бўла бошлаган эди. Та什қи хавф үзини кўрсата бошлади. Ана шу даврларда Туркистондаги энг таъсири мафкуравий уюштирувчи куч — Ислом, Шариат ва тасаввуф тариқатлари үз сиёсий нишонлари (курси)ни янгидан бош кутариб, кучайиб келаётган куч — Шайбонийлар фойдасига ўзгартираётган эди.

Бу Улуғбек ҳали иқтидорда бўлган кезларда булиб ўтган қуйидаги воқеада үзини яққол курсатган эди. Машхур тарихчимиз Абу Тоҳирхўжа үзининг «Самария» китобида шоҳидлик беришича — «...бир кун Сайид (Ошиқ) Мирзо Улуғбек олдида жуда қаттиқ тил билан ваъз айтди. Улугбек Мирзо: «Эй, Сайид! Мен ёмонроқму, Фиръавн» деб сўради. Сайид: Фиръавн — деб жавоб берди». Мирзо (Улуғбек) яна: «Сиз яхшироқмусиз, ё Мусо» деганда, Сайид: «Мусо алайҳиссалом!», — деб жавоб қайтарди. Сунгра Улугбек Мирзо айтди: «Тангри таоло Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлган Фиръавнни тўғри йўлга ундағанда, «Қаттиқлик билан аччиқ сўзламагил, балки

юмшоқ ва чучук тил билан гапирган», деб буюрди. Энди сиз Мусодан ортиқроқ бўлмай туриб, Фиръавндан ёмонроқ бўлмаганим ҳолда қаттиқ тил билан гапирасиз?» Сайид бу сўзни эшитгач сукут қилди ва индай олмасдан ҳайрон булиб қолди...»¹

Улуғбекка таънаю-дашном беришга журъат этган Сайид Ошиқ ута машҳур тақводор мусулмон, воъиз-Хотиб, обрўли дин арбоби булибгина қолмай, уз сиёсий ориентациясини Темурийлардан шайбонийлар ҳокимиятини тан олишга қараб ўзгартираётган расмий Ислом, Шариат ва тасаввуф вакили эди.

Сайид Ошиқ Улугбек томонидан илгари сурилаётган, замонасидан анча илгарилаб кетган «дунёвий сиёсат юргизиш», илм-фан тараққиётига катта эътибор бериш, дин, илоҳиёт ва хурофотнинг мутлақ иқтидорини оқилона чеклаш, оқилона йўлга солиб юборишга интилишларга қарши эди.

Вазият қанчалик сиёсий, диний-мафкуравий жиҳатларига кўра жуда қалтис бўлишига қарамай, Мирзо Улугбек мантиқан жуда кучли, лўнда, гўзал ва ҳозиржавоб, айни пайтда диний-эътиқодий қарши эътиrozга ўрин қолдирмайдиган қилиб вазиятдан чиқа олган, сиёсий ва руҳоний маданиятнинг юксак намунасини кўрсатган.

XV ва ундан кейинги асрларда Туркистондаги ижтимоий, фалсафий фикр ривожида Алишер Навоийнинг мероси муҳим ўрин тутади.

Навоий дунёқараши асосларини унинг «ваҳдат-ул-вужуд» (пантеизм) таълимотига кўшган ҳиссаси, Калом, шариатга, тасаввуфга бўлган муносабатининг фавқулодда жиҳатлари, орифлик дунёқараши ва ахлоқий-дидактик позицияси, сиёсат, давлат, фозил жамият, оила, Комил Инсон ва шахс тўғрисидаги бирбутун назариялари ташкил этади.

Навоий дунёқараши, ижоди ва фаолиятининг яна бир ўзаги унинг туркий халқларининг жаҳон тараққиётидаги ўрни ва тарихий миссияси тўғрисидаги ўйлари, туркий тилимизнинг бутун Турон заминга сочилиб кетган сўз, лаҳжалари бойликларини тўплаш, уни адабий тил, илм-фан, фалсафа ва юксак санъат тили даражасига кутариш соҳасидаги саъий-ҳаракатларида ўз ифодасини топган.

¹ Абу Тоҳирхўжа. Самария. «Мерос» тўпламида. Т., «Камалак», 1991, 41—42-бетлар.

Бироқ, ижтимоий-фалсафий, бадиий фикр тарақ-қиётини үрганиш соҳасида кенг урф бўлган тадқиқот андозаларига кура Шарқ мутафаккирларининг фозил жамият, Комил инсон тўғрисидаги дақиқ қарашлари, таълимотлари купинча илм даражасига етмаган, ёки жуда бўлмагандан хаёлпастлик ғоялари сифатида юзаки, вульгар социологик талқин этилган ва бу қисман ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Бу, айниқса Низомий, Жомий, Навоий ва бошқа алломаларнинг Одил подшо (Комил инсон) концепцияларини тушуниш ва талқин этишда яққол кўзга ташланади.

Шуролар давридаги жамият манфаатларини шахс, алоҳида олинган инсон манфаатларидан устун қўйишдан иборат «тажрибамиздан» маълум бўлмоқдаки, шахснинг манфаатларини, унинг дунёқарashi, ҳаётий позицияси, орзу-умидларини ҳисобга олмасдан туриб, унинг шаънини менсимасдан ёки бутунлай оёқ ости қилиб, ерга уриб ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Мустақилликка эришган ҳозирги кунларимизда шахс, инсоннинг шаъни, миллий қадриятлари, яъни кенг кўламдаги Инсон омилиниң ролини фаоллаштириш зарурлигини тушуниб ета бошладик.

Навоий ўзининг Одил подшо, фозил жамият тўғрисидаги қарашларида Низомий, Жомий каби мусулмон маданияти, фалсафасининг тамал тошларини қўйган, Абу Наср Форобий, Ибн Мискавайҳ, Ибн Сино ва бошқа Шарқ арастучилари-перипатетикларининг, яъни машшойийунлар илгари сурган фозил шаҳар (алмадинат-ул фозила), Фозил Раъис, Комил Инсон таълимотларидан келиб чиқсан.

Маълумки, Форобий Сайф-уд-давлатнинг давлатини, Шайх-ур-Раъис Ибн Сино ўз даври подшоси Алоъ-уд-давланинг давлатини Фозил шаҳарга, уларнинг ўзларини эса Комил Инсонларга айлантиришга уринганлар. Навоий ҳам «Хамса» ва бошқа асарларидаги орзу-хаёллар, Одил подшо, одил давлат тўғрисидаги ғоялар билан чекланмай, Ҳусайн Бойқаро давлатини — Одил давлатга, унинг ўзини эса Одил подшоҳга айлантиришга қаттиқ уринган, бу йўлда ўзининг бутун кучи, сиёсий иқтидори, нуфузи ва иродасини, сиёсий мавқеъини сарфлаган. Гап ҳар икки ҳолда ҳам ғоянинг нотуғри ёки «гайриилмийлигига» эмас, балки бу ғояларни амалга ошириш имконини берадиган жамият юксак ишлаб-чиқариш — «табиий-тарихий тараққиёт босқичига» эришмаганлигидadir.

Энди Навоийнинг суфийлиги масаласига келайлик. Албатта Навоий ўз даврининг кишиси сифатида ўрта аср мусулмон маданияти, руҳияти, онги ва тафаккури, қадриятлари руҳида тарбияланган, ва, демак, уша ҳаёт тарзи ва маданиятнинг ўзаги бўлмиш тасаввуф таълимотидан четда шаклланиши, ундан тамомила фориғ булиши мумкин эмас эди. Навоий амалда айнан ана шундай таҳсил ва тарбия топганлиги, айниқса, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр»ига ихлос қўйганлиги, нақшбандийчилик таълимотини чуқур билганлиги ва Жомий билан биргаликда ва унинг етакчилигига Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдуллоҳ Анзорий ва бошқа пирларга қўл берганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Навоийнинг умуман Ислом, Калом, Шариат, айниқса тасаввуфдаги эгаллаган мавқеъининг ўзига хослиги шундаки у нақшбандийликнинг ҳаётбахш фалсафаси орқали суфизмдаги энг инсонпарвар, ҳаётда, инсондаги эътиқодий поклик ва тозаликни сезувчи, қадрловчи ва ҳаётни, инсонни қадрлашга, Инсон шаънини юксак тутиш, ҳимоя қилишга чақирувчи маломатия таълимотига маънавий жиҳатдан онгли равишда эргашган ва ўзининг бутун ҳаёти давомида унинг қадриятларига гоявий рињоя қилган.

Маълумки маломатийя энг аввало дин, тақво, тасаввуф аҳларини, шунингдек мусулмон жамоасининг бошқа аъзоларини икки туб масалада: 1) эътиқодда кибрга, риёкорликка ва беҳад даъволарга йўл қўйишда; 2) амалий ҳаётда эса бойлик, зеби-зийнатга, ҳирс-ҳавога берилишда, камбағалларга зулм қилиб сидқни (Оллоҳ олдида олган ўз мажбурият ва бурчни) бузишда маломат қилган.

Эътиқоддаги кибрга суннийларнинг такаббурлиги, риёкорликка эса шиъаларнинг жанжалкашлиги, беҳад даъвога эса тасаввуфдаги Хулул, Жаъм ва Иттиҳад даъвогарларининг «кароматлари», «мўъжизалари»ни маломатийя вакиллари мисол келтирганлар. Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятининг бирор дақиқасида, ҳатто ўз асарларида ўзининг мусулмончилигидан кибланиш у ёқда турсин, ҳатто буни алоҳида таъкидламаган ҳам. Эътиқодда ҳокисор-обид мавқеини тутган. Риёкор шайхлар, «азиз-авлиёлар» ва бошқаларни Навоий қандай танқид қилганлиги эса «Маҳбуб-ул-кулуб» ва бошқа асарларидан маълум.

Эътиқоддаги беҳад даъволарга Навоий малома-

тийя даври мутафаккирлари Ибн Сурайж, Ибн Ота, Абу Жаъфар (ҳаммаси VIII—IX асрлар) ва «Ҳужжат ул-Ислом» Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, ҳамда Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (XIII — аср) сингари ўзининг «Лисон-ут-тайр» асарида қуйидаги мисраларни ёзган:

«Сен доги бу даъвойи изҳор айлама,
Нафсий муставжаб дор айлама.
Мастроқ чун тушмиш эрди жом анго,
Йўқ эди бу нағмадин ором анго».

Бу мисраларда маломатия йулиниңг асосий ғоялари ёритиб берилган.

Демак, Навоий ўзининг исломга бўлган эътиқодини расмий «аҳли сунна ва жамоа» сингари пеш қилмаганидек, Оллоҳ васлига етиш — яъни «ваҳдат лофи»ни даъвосини қилувчи ўта сўл мутасаввуфлардан ҳам ўзини четга олган.

Оллоҳ учун жиҳодга «лаббай! деб жавоб бериш, жиҳоднинг бутун азоб-уқубатларию, машаққатини, ҳатто бу йўлда шаҳид бўлишни онгли тарзда ўз бўйнига олиш, мусулмон мамлакатларининг турли ерларидан Фаластин, Византия ва Кавказ чегараларига салбчилар билан жанг қилиш учун етиб келиш, фидоийлик қилиш, камситилган, эзилган, хўрланган ва ҳақоратланганларни, ҳақири-қашшоқларни, ожизу-нотавонларни бебош маъмурлар, ҳокиму-мухтасиблар, қози ва миришаблар, бой ва судхўрлар зулми, зўравонлиги ва адолатсизликларидан ҳимоя қилиш, қутқариш, уларнинг қулидан ажратиб олиш, яъни оддий қора ҳалқни ҳақ-хуқуқлари учун жувонмардлик қилиш (аҳли футувва) маломатийянинг асосий амалий шиорларидан бири бўлган. Машҳур Мансур ал-Ҳаллож Талақонда, файласуф Абу-л-Баракот ал-Бағдодий Кавказда, Нажмиддин Кубро Хоразмда мўғулларга қарши ана шундай футувват кўрсатиб жиҳод урушларида қатнашганлар.

Навоийнинг илм-маърифат йулида ёшлигидан жуда қаттиқ жаҳд қилганлиги, ҳалқ, эл-юрт осойишталиги йулида Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлаш, «Ҳаққ ва Адолат» учун ҳам қалам, ҳам қилич билан «ўтга ва сувга кириб» хизмат қилганлиги, тўплаган мол-мулкидан эл-юртга ош бериб, кўприклар, шифохоналар, мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, карвон-сарай-равотлар, мақбаралар, боғ, хиёбонлар қурдирганлиги, оила қурмай, тоқ ўтганлиги, умри интиҳосида

бойликларини хизматчилари, етим-есир, камбағалларга бұлып берганлиги, қулларини озод қилиб юборғанлиги асл «аҳли футувва» аҳлидан эканлигини күрсатади. Юқорида келтирилған ва таҳлил қилинған далиллар, мулоҳазалар Навоийнинг бутун ҳаёти ва эътиқоди маломатийя маслаги талабларига зимдан риоя қилинған ҳолда кечгандығын тасдиқлади. Унинг Пири Жомий ҳам зимдан, қисман бұлсада, ана шундай мав-кеъида турған.

Бироқ, Навоий Пири Нурандан фарқли ұлароқ тасаввуфнинг на назарий ва на амалий жиҳатларини ишлаб чиқиши, ривожлантиришни үзининг бирдан-бир ҳаётий мақсади қилиб олған эмас эди. Навоий узлатға ҳам кетмаган, бирон янги суфийлик концепциясини ҳам илгари сурмаган ва янги бир тариқатта ҳам асос солмаган. Демак, Навоий том маънода тасаввуф ёки тақво — зұхд вакили бұлмаган. Навоий үзида Форобий, Ибн Мисқавайх, Шайх-ур-Раъислар асослаб берған Комил инсоннинг Оқиғллик, Саҳийлик, Иффатлилик, Шижаатлилик, Поклик, Мехршафқатлилик, Харом-халиш ва риёкорликлардан, инсон шаънини ерга урувчи разолат ва қабоғатлардан узокълик сифатларини мужассам қила олған, үзининг бутун онгли ҳаёти давомида Комил инсонлик синовидан үтган эди.

Айни пайтда Навоийнинг Комил инсон концепцияси бир қадар үзиге хосликтарга ҳам эга.

Навоийнинг Комил инсон тұғрисидаги таълимотининг асосий аспектлари қуйидайлар: аввало, Комиллик, Навоий фикрича, инсоннинг инсонлик табиати, имконияти ва маънавияти чегараларидаги комиллик булиб, бунинг олий босқичи Оллоқ таоло моҳияти үз вужудида мавжуд бұлғанлиги учун Оллоқ таоло мукаммаллиги, жилоси, зиёсими ярақлаган ойнадек акс эттира олиши, уни түйиши ва буни тан олишидир.

Бироқ, Навоий фикрича инсон зотидан фақат жуда нодирларигина ана шу Оллоқ таоло нүрини ярақлатып акс эттиришга дош бера олади, чидай олади. Күпинча инсонлар бу даражага эришгач ё үзларини йүқотиб, маҳв бұладилар, ё бұлмаса кибрланиш, беҳад даъволарга үтадилар. (Мансур Ҳаллож каби орифлар ана шундай даъвога йўл қўйғанлар).

Ҳолбуки, денгиз томчиси сувлар йиғиндиси бұлса ҳам, томчи ҳеч вақт денгиз бұла олмайди. Ярақлаган ойна инъикос бұлувчини аниқ, айнан үзидек қилиб

акс эттирмасин, унинг аслидек булаолмаганидек инсон ҳам узини илоҳийлаштириши мумкин эмас. Демак, инсоний камолот инсон борлиги, зоти чегараларида-дир.

Айни пайтда инсоннинг ўзи табиий мавжудлиги доирасида ўз нафси, руҳияти, ўзлигини била борсагина — ўзлигини билиш орқали Худони «билиш», «васлига» мусассар булишга етади, гүё садаф соғ гавҳарга (субстанция-илоҳий вужудга) айланади. Бу сўзнинг маъносини Навоийнинг қуидаги мисраларидан куриш мумкин.

«Мунда зоҳир бўлди сирри «мин араф»,
Ким, қўрубтур гавҳар ўлмоғлиғ садаф».¹

Нафсни, ўзликни билиш йўли рамзий имолар йўли бўлиб, бутун коинот, табиат, мавжудот, инсонни ўраб турган борлиқ ана шу рамз-ишоралардан иборат. Ана шу рамз, имо-ишоралар, қанчалик қийин, машаққатли, тушуниш қийин бўлмасин, риёзат чекиш билан равшанлашади.

Риёзатнинг вазифаси ҳайвоний сифатларни йўқ қи-лиш, маҳв этишдир.

«Чун риёзиётрофиъ айтиб руҳоният,
Салиб булғоч кимсадин нафсоният.
Қолмагой руҳониятдин ўзга ҳеч,
Сен таҳлифдин бу маъни ичра кеч».²

Бунинг учун инсондан ўзида ёмон хулқни, фиръавнлик даъвосини, газаб ва паст сифатларни бартараф этиши, покланиши талаб этилади. Мана Навоийнинг ўз битиклари:

«Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.
Булмаса Фиръавнлигинг бераво,
Қолмас ондин жуз сифоти Мусо.
Ё шараф ганжига топиб ахиллик,
Солиб қилса сийрати Бу Жаҳдлик.
Шаън анго бўлур Ҳабибуллоҳдек,
Буд ила нобуд огоҳдек».³

¹ Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. (Танқидий матн). Т., «Фан», 1965, 188-бет.

² Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. (Танқидий матн). Т., «Фан», 1965, 188-бет.

³ Уша жойда, 188-бет.

Навоийнинг буюк инсонпарварлиги қуидаги гўзал мисраларда ҳам яққол кўзга ташланади:

«Зотинг ажмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ашколига таъвилсен.
Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.
Турфа қушсен равзай наҳлистонидин,
Пок тоирсен, шараф бўстонидин».¹

Яъни инсон, Навоий талқинида, Оллоҳ таоло зотининг муҳтасар тафсилидир. Шу туфайли инсон зоти ўзини билиб, борлиқ мушкулларини тушуниб етувчиidir. Инсон гўё жаннат боғидан келган ажо-йиб, гўзал қуш ва шанъ-шараф бўстонида пок до-мондир.

Инсонда илоҳий мукаммалликка етишиш, Комил бўла олиш имкониятлари тўла ва мукаммал бўлиб, унга риёзиётлар (машаққатлар) чекиш орқали эришила-ди. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзади:

«Сенда бил қувват-ул-мавжуд эрур,
Феълга келса даво мақсад эрур.
Қобил этмай ўзни, гар қилувчи сўз,
Зоҳир этсанг, дор ила солмоқقا туз».²

Яъни инсон, сенда ҳам ёмон феъл имконият тарзида мавжуд, агар ёмон феълни тузатсанг мақсадга эришасан, дейди мутафаккир шоир. Агар бу йўлда ўзингни қобил этмай, пасту-баланд сўз айтсанг дор сен ейдиган туз булур — осилишинг турган гап.³

Айни пайтда Навоий бу риёзиётни рамз, имо ишораларда ифодаланганилигидан уни кишилар бирданига, тўппа-тўғри англашлари қийин бўлади, деб уқдиради.

Бу бир қатор руҳий ва амалий муаммолар, қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, рамз, имо-ишоралар, зоҳирий белгилар дунё ишлари пардаси остидаги ботиний (яширин, ички) илоҳий субстанциал моҳият яширин қолавериши мумкин. Иккинчидан, рамз, имо-ишораларни айнан қабул қилиб ва тушуниб инсонлар ўзларини илоҳийлаштириб юборишлари —

¹ Уша жойда, 188-бет.

² Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. (Танқидий матн.) Т., «Фан», 1965, 189-бет.

³ Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. (Насрий баён.) Т., «Фан», 164-бет.

куфр кетишлари, ўзларини қобил этмай, пасту-баланд сұзлар айтсалар дорга осилишлари ҳам мумкин. Учинчидан эса, ана шу рамз, имо-ишоралар пардаси остидаги илохий моҳиятни билишга ўта олмаслик жоҳил, маърифатсиз қолавериш, одамни комил инсон бұла олмаслигига сабаб булиши мумкин. Ана шу сүнгги ҳолатни назарда тутиб буюк мутасаввуф Аҳмад Яссавий, Мансур Ҳаллож рамз, имо-ишораларидағи яширин илохий моҳиятни ифодаланишини тушуниб етолмаган ва Ҳалложни дорга осиб, қатл этган замона зұрлари, жоҳил, мутаассиб руҳонийларга нисбатан

Билмадилар муллолар «Анал-хаққ!»нинг маънисин,
Қол аҳлига ҳол илмин ҳаққ күрмади муносиб»¹

деб қаттиқ таънаю-дашномлар қылган эди.

Аҳмад Яссавий назарида рамзий имо-ишораларни, маърифат йўлини нафақат бир киши, балки бир қанча гуруҳлар, ҳатто бутун бир жамият ҳам тушуна олмаслиги мумкин. Аниқроғи, уларнинг жоҳиллиги туфайли Оллоҳ таоло борлиқнинг илохий моҳиятига етишишни уларга, яъни расмиятчи оддий инсонларга муносиб күрмади. Яъни қол аҳлига рамзу-ишоралар тилини, улар остидаги маънони тушуна олмайдиган — ҳолнинг, яъни худо маърифатига етиш маъносини илгашни муносиб күрмаслиги мумкин.

Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, инсонпарварлик ғоялари тарихий анъаналарнинг юксак давоми, келажакдаги жамият маънавий камолатининг муҳим омили бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1529) темурийлар сулоласининг энг буюк вакилларидан бири, Ҳиндистонда «Буюк мӯғуллар» салтанатини қурган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, ҳинд маданияти, бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний-тасаввуфий фикрига катта ҳисса қўшган мутафаккирdir.

Бобурнинг ҳаёт йўли икки катта даврга бўлинади.

Биринчи давр — 1506-йилгача бўлган Туркистон даври. Бу даврда у Фарғонада таҳтга ўтириб, кейин темурийлар орасидаги тарқоқлик майлларини бартараф этиш, сулола иқтидорини Шайбонийлар ҳужумидан сақлаш қолиш учун жуда қаттиқ муросасиз кураш олиб

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлардан намуналар. «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» VIII—XV асрлар, 2 жилдлик. Т., «Ўқувпенданш», 1941, 40-бет.

борди. Аммо, ўз тараққиётининг авж буржидан ўтган темурийлар сулоласи бу пайтга келиб Туркистонда, Ўрта Осиёда Амир Темурдан қолган буюк салтанатмарказлашган давлатни сақлаб қоладиган аҳволда эмас эди. Сулола вакиллари Амир Темурнинг буюк салтанатининг ҳар бир булагида, ҳатто кичик-кичик бекликлар ҳудудларида ҳам узаро низо, уруш-жанжаллар билан банд булиб, мамлакат тобора иқтисодий жиҳатдан заифлашиб борарди. Уни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўнглайдиган сиёсий куч — сулоланинг вакиллари стратегик аҳволини бутун салтанат миқёсида тасаввур эта оладиган, жуда қаттиқ сиёсий иродага эга, армияни, давлат иқтисодий-сиёсий иродасини ана шу умумий манфаат учун бир ерга йиғиб, қатъий тартиб-интизом ва ўта мобил (ҳаракатчан)лик — чапдастлик билан ҳимоя қилишдан иборат объектив тарихий заруриятни англайдиган соҳиб иқтидорлик салоҳиятига эга эмас эди.

Тахтга 12 ёшида ўтирган Бобур Шайбонийхон билан ҳал қилувчи жанглар олиб борган, 1500—1506 йилларда бори-йўғи 20—23 яшар ёш бир йигит эди. Темурийларга хос ҳарбий салоҳият, уруш санъатини, ўта чапдастликни эгаллаганлигига қарамай Бобурнинг катта тажрибаси йўқ эди.

Ҳолбуки, бу пайтда Шайбонийхон ёши улуғ, ниҳоятда тажрибали моҳир саркарда сифатида шуҳрат топган, катта қўшинни салтанат қуриш, қўшни мамлакатларга бошлаб борищда кўзи пишган, хотиржамлик билан иқтидори ўз ривожининг авж буржига кўтарилаётган давлат раҳнамоси бўлган етук зот эди.

Иккинчи давр — 1506 йилдан кейинги Афғонистон ва Ҳиндистон даври.

Бу даврда Бобур нафақат сиёsatчи, сулола асосчиси, ақилли ҳарбий лашкарбоши, балки жуда иқтидорли олим, исломий илмлар, шариат, ҳамда тасаввуф ирфони, тариқатлар билимдони, мухлиси, буюк сўз устаси, шоир, воъиз эди. Унинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ҳукуқий, бадиий-аҳлоқий, ирфоний қарашлари у қолдирган жуда бой маънавий мерос — Девонлари, «Бобурнома» асари, Шариат асослари баёни бўлган «Мубаййан» рисоласи, бадиият назарияси бўйича «Аруз рисоласи», Ҳужа Аҳрор Валий «Рисолаи волидия»сининг туркий назмий баёни, мусиқа, лашкаркашлик бўйича рисолалар, у ўзи яратган

ва құллай бошлаган маҳсус алифбо «Хатти Бобурий», туркий-мұғулий қонунчилик анъанасида тузилган «Тузукоти Бобурий»лар бизгача етиб келган. Бундан ташқари Бобурнинг «Васияти», үғиллари, қыздары, яқынлари билан, Пир шайхлар, сиёсатчилар, бошқа давлат раҳбарлари билан олиб борган ёзишмалари, әлчилик номалари, вақфлари, сон-саноқсиз Улуфа, Суюргол, фармон, ёрлиқ нишонлари ҳам бизгача етиб келган.

Бобурнинг ижтимоий-фалсафий, бадиий-ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий, ирфоний, ислоҳчилик қарашлари нихоятда кенг қамровли, чуқур, үз давридан илгари кетган инсонпарвар, илм ва ақл муҳиби дунёқарашини ифодалар эди. Бобур дунёқарашининг бош йұналишлари инсонпарварлық, илм-маърифатпарварлық, санъатсеварлиги, бадиият, шеър санъатлари, ватанпарварлиги — үз Ватанни севиш, құмсаш ва айни пайтда бошқа халқлар, миллатлар, диний эътиқодларга эътиқодий бағри кенглик, ҳурмат муносабатида бўлиш, қонунни, ҳуқуқ анъаналарини устун санаш, пок зотлар, азиз авлиёлар, улар қайси дин жамоадан бўлмасин, олдида ўзини ҳокисор тутиш, юксак шижаатлилик, мардлик, ахлоқий поклик, хайр ишларни қилишdir.

Буларнинг энг ёрқин намуналарини биз унинг асарларида ҳам, айниқса машҳур «Васиятнома»сида күришимиз мумкин. У валиъаҳд этиб эълон қилган катта үғли Хумоюнга қуйидаги васиятлар, үгитларни қолдирган: «Бириңчидан, ҳамиша мазҳабий таассубдан ҳазар қилғил, халқнинг диний жазаваларию ҳуроғий расм-русларини назарда тутгил. Халқ айирмачилигидан сақлангил. Ҳар бир тоъифанинг ўзига хос риоятида бўлуб, инсоф йўли билан муоммада бўлгил;

Иккинчидан — ҳуқуз үлдурмоғдан чекингил (ҳиндлар эътиқодида муқаддаслиги учун), халқнинг қўнглида ўзингга ўрин касб айлоғил. Эҳсон йўли билан халқ санга мутеъ бўлсунлар;

Учинчидан, ҳеч бир қавмнинг маъбудини бузмагил, барча мазҳаблар кишилари билан, шоҳ ва раъият орасидаги риштанинг дўстона бўлмоғи учун ҳар бир ҳолатда инсофга риоят қилгувчи бўлгил. Шунингдек бўлса мамлакатда ўзаро ишонч ва омонликлар барқарор бўлгай;

Тұртингидан — зулм үрнига, исломнинг нашъу-намоси (гуллаб яшнаши) ва қилич үрнига лутф-әхсон ҳосил қилиш яхшироқ, аълороқ бұлгай;

Бешинчидан — Сунний ва шийа ихтиофларидан узок турғил, бунингдек сұзлар исломнинг заъифлашувига боғис бұлгай;

Олтингидан — үз раъиятларингнинг хусусий аҳволлари, турли мавсум-фасллардан бохабар бұлуб, солиҳ-тақводорларни айниқса назардан қочирмагин, токи мамлакатинг заифлик ва касалликлардан ҳимояланган бұлсін».¹

Бобурнинг юқоридаги ғоялари юксак инсонпарварлық, эътиқодий бағри кенглиги, адолатпарварлық, қонунни, инсон шаънини юксак тутиш нишонларига күра ҳозирги Ўзбекистон миллий мустақиллик мағкурасининг устувор қадриятларига, ҳозирги ижтимоий тараққиёттің асосий йұналиши ва мақсадларига тамомила ҳамоҳанг эканлигини күрсатади.

Бобур дунёқарашининг, ундағы янгиликка, әзгуликка интилишнинг яна бир муҳим қырраси, бу унинг тасаввуфға, унинг турли сулук ва тариқатларига муносабатидир. Гап шундаки Амир Темур ва унинг үгиллари тақводор суннийлар сифатида бирон-бир тасаввуйфий оқимга алоҳида эътимод күрсатмаганлар, дин, тариқат аҳлини катта сиёсатдан маълум масофада ушлаб турғанлар. Бу жиҳатдан Бобур ҳам Темур каби изчил йўл тутган. Айни пайтда Бобур дин ва тариқат аҳлини давлат ишларига аралаштирган бўлсада, аммо Аҳмад Яссавийга буюк ҳурмат кўрсатган, унга мақбара бино қилган бобоси Амир Темур каби кўплаб тасаввуф тариқатлари, сулуклари аҳлига хайриҳоҳлик, айниқса Нақшбандия тариқати вакиллари Пиру-Валий Хўжа Аҳрор, унинг муриди Мавлоно Муҳаммад Қози, Сайд Аҳмад Ҳожаги Косонийлар этагидан тутган, уларни турли йўл билан иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Бобурнинг отаси Умар Шайхнинг Хўжа Аҳрор Валийга иродада силсиласи бор эди. Отаси изидан Бобур ҳам Хўжа Аҳрор Валийга иродада нишонини кўрсатиб, доимо у зоти бобаракот авлодларига, яқинларига таъзим ва икромда бўлар, буни бирор соат ёки дақиқа ёдидан чиқармас эди, деб ёзган Ҳасан Нисорий Бухорий узининг «Музаккири аҳбоб» тазкираси-

¹ Абдулҳай Ҳабиби. Бобуршоҳ. Таъиф. 1978, 51—52-бетлар.

да. Бобур Ҳазрати Махдуми Аъзам Ҳожаги Косонийга ихлос билан бир мунча олтин-кумуш назрниёз юборган.

1520 йилда Бобур «Рисолаи аруз» асарини Алишер Навоийнинг «Меъзонул-авзон» асари асосида ёзган. Бу асар, Нисорий таъкидлашича, гүё бир дарё, туркий тилдаги шеър санъати қонуниятлари ва таҳлили, усулларининг энг яхши тадқиқотидир.

Бундан аввал Бобур «Мубаййан» номли асарини шариатдаги Имоми Аъзам фикҳи асослари ҳақида ёзган. Бу китоб Фаҳрий Ҳаравий эътирофига кўра ҳанафийа фикҳи бўйича энг муқаммал асардир. Бу асар «Фикҳи Мубаййан» ёки «Фикҳи Бобурий» номида машҳур бўлиб, у ўғли Комрон Мирзога бағищланган. У нафақат шариат муаммоларини, балки умуман дин, ижтимоий-ахлоқий масалаларни ўз ичига олган муҳим манбадир. Бу китобга Бобур саройида қароргоҳида Мунший булиб хизмат қилган Шайх Зайн томонидан «Шарҳи мубаййан» номида шарҳ ёзилган.¹ Бу китобнинг ўзбекча нусхаларидан бирига ёзилган «Хотима»да «Мубаййан» рисоласида «ундаги бирор хатоси бўлса, мени боҳабар қилинсан!» деб Туркистонлик фақиҳ, уламоларга мурожаат мактуби юборганлиги тўғрисидағи хабар бизгача етиб келган.

Юқоридагилар Туркистон замини, унинг аҳли илмларига Бобур нафақат бир Ватан фарзанди сифатида, балки Ислом, Шариат, фалсафа, маданият, илми-ирфон борасида бир муқаддас учоқ деб қараганлиги, катта ҳурмат билдирганлигини кўрсатади.

Бобур тузган «Рисолаи волидия» асари ҳам унинг фалсафий, илмий-ирфоний, ижтимоий, ахлоқий қаражашларида алоҳида ўрин тутади. Асар 1528 йилда, Бобурнинг, отасининг Нақшбандийя — Ҳожагония тарикатига, хусусан Ҳўжа Аҳрор Валий Фуқаротийга ақди иродатини ифодалаш учун, Пирнинг «Рисолаи волидия»сини туркий назм билан баён этган. Бу китобда ҳатто Бобурнинг «Убайдуллоҳ тадбирлари туфайли шоҳ бўлдим», деган эътирофи мавжуд.

Хуллас, темурийлар даври маданият, санъат, адабиёт сингари ижтимоий, сиёсий, фалсафий фикрлар тараққиётида ҳам ўзига хос бир босқич бўлди.

¹ Абдулҳай Ҳабиби. Бобуршоҳ. Таъиф. 1978, 27—28-бетлар.

5. ЎРТА АСР ВА УЙГОНИШ ДАВРИДА ФАРБИЙ ОВРУПАДАГИ ШАКЛЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНГАН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

✓ Ўрта асрнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу даврда Фарбий Оврӯпада христиан дини аста-секин ҳукумрон мафкурага, дунёқарашга айланиб боради. Дин билимнинг барча соҳаларини, шу жумладан, фалсафани ҳам ўзига бўйсундиради. Петр Домиани ибораси билан айтганда, фалсафа «илоҳият хизматчиси»га айланиб қолади. У бутун кучини христиан динининг ақидалари тўғри эканлигини исботлашга сарф қилиши лозим эди. Бу фалсафа — «схоластик¹ фалсафа», деган номни олди.

Схоластик таълимотни бир яхлит тизимга келтирган файласуф Фома Аквинский ҳисобланади. У кейинчилик католик черковининг пири, деб расмий равишда эълон қилинган эди. Фома Аквинскийнинг фикрича, дунёнинг мавжудлиги худога боғлиқ. У — биринчи сабаб ҳисобланади. Фома Аквинский худонинг мавжудлигини нарсаларнинг мавжудлигидан келтириб чиқаришга ҳаракат қиласди. Бу борада Фома Аквинский Арасту фалсафасидан, унинг мазмун ва шақлнинг узаро муносабати ҳақидаги таълимотидан усталик билан фойдаланади. Аквинский фикрича, материя шаклга боғлиқ булмаган ҳолда, алоҳида мавжуд булиши мумкин эмас. Бироқ шакл материядан алоҳида яшashi мумкин. Бу билан Аквинский моддий нарсалар олий шакл — худога боғлиқ булмаган ҳолда мавжуд булиши мумкин эмас, деган гояни исботлашга уринади. Ф. Аквинский моҳият ва мавжудлик категорияларига суюниб, худонинг мавжудлигини сабабият категорияси ёрдамида асослашга ҳаракат қиласди. Ҳамма нарса ва ҳодиса ўз сабабига эга, сабабларнинг сабаби эса худодир. Ф. Аквинский гояларнинг нарсаларга нисбатан бирламчи эканлигини ҳам эътироф этди.

Шу даврнинг схоластик фалсафасида «универсалийлар», бошқача айтганда, умумийликнинг яккаликка муносабати масаласи биринчи уринга чиқади. Бу масалада номиналистлар билан реалистлар ўртасида қизғин тортишув кетади. Реалистлар умумий тушунчалар (универсалийларни) якка нарсаларга боғлиқ булмаган ҳолда мавжуд эканлигини, пировард натижада, унинг худо би-

¹ Схоластик — лотинча сўз булиб «мактаб» деган маънони англатади.

лан боғлиқ эканлигини эътироф этадилар. Бундан бутун борлиқ илоҳий моҳиятнинг намоён булишидан иборат, деган хулоса келиб чиқади. Масалан, Ансельм Кентрберийский (1033—1109), умумий моҳият сифатида ифодаланувчи абадий, ягона худо реал мавжуддир, дейди. Моддий оламдаги барча нарсалар шу умумий моҳиятдан келиб чиққандир. Табиатдаги турли-туманлик худонинг ижодкорлик құдратининг намоён булишидир.

Номиналистлар бунга қарама-қарши мавқеда турдилар. Улар умумий тушунчалар (универсалийлар) якка нарсаларга боғлиқ бүлмаган ҳолда мавжуд булиши мүмкін эмас деб үқдирадилар. Уларнинг фикрича, умумий тушунчалар якка нарсаларнинг номларидир. (Лотинча «номина» сўзининг маъноси ҳам «ном» демакдир). Масалан, номиналист Росцелин (1050—1112) фикрича, умумий тушунчалар ҳиссий нарсаларни белгилаши у ёқда турсин, балки умуман мавжуд эмасдир. Умумий тушунчалар одамлар томонидан якка, алоҳида нарсаларга бериладиган номларидир. Фақат якка алоҳида нарсалар мавжуддир.

XIV ва XVI асрлар Farbий Овруғпода Уйғониш даври ҳисобланади. Бу даврда, дастлаб Италияда, сунгра Овруғпадаги бошқа мамлакатларда феодализм бағрида капиталистик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи табиат илмини, фалсафани тараққиётга олиб келди. Бу даврда астрономия, математика, механика, физика, жуғрофия, физиология соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар янада кучайди. Табиат билимнинг ягона манбай ва тараққиётининг асоси бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси инсон ақлини урта аср схоластикасидан озод қилишни, унинг эътиборини табиий-илмий билишнинг муаммоларига қаратишни талаб қиласарди. Ана шундай шароитда Урта аср схоластикасини инкор этувчи, инсоннинг ақл-заковатини улуғловчи фалсафий қарашлар вужудга кела бошлади. Бундай қарашларнинг дастлабки ифодаси сифатида Николай Кузанскийнинг (1401—1461) таълимотини курсатиш уринлидир. У үзининг бир қатор илғор фалсафий гоялари билан кўзга куринди. Аввалом бор, унинг «борлиқ» ҳақидаги таълимоти диққатга сазовордир. Схоластик фалсафа «борлиқ» деганда худони тушунган бўлса, Кузанский борлиқдаги барча нарсани тушунади. «Борлиқ — бу ҳамма нарсадир», дейди у. Кузанскийнинг бу фикри уз моҳияти билан пантеистик табиатга эга бўлиб, диний-схоластик таълимотга зид эди.

Н. Кузанский илгари сурган гоялар Н. Коперник ва Галелео Галилейнинг қарапшларига зўр таъсир кўрсатди. Хусусан, Кузанскийнинг «бепоёнлик», «чексизлик» ҳақидаги фоялари Н. Коперник томонидан гелиоцентрик фояни асослашда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ҳамма нарсанинг бирлиги ҳақидаги пантеистик фояси Жордано Брунонинг пантеистик фалсафасини келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, Уйғониш даврининг асосий хусусиятлари табииёт фанларининг янада ривожланиши, фалсафанинг схоластикадан воз кечиб табиатга яқинлашиши, адабиёт ва санъатда инсонпарварлик фояларининг кучайиши билан белгиланади.

6. ОВРУПАДА ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

Маълумки, XVII аср охири ва XVIII асрда бир талай Фарбий Оврупа мамлакатлари, хусусан, Голландия, Англия, Франция капиталистик тараққиёт йўлига ўтди. Капиталистик тараққиёт тажрибавий билимларга эҳтиёжни янада ошириб юборди. Бу эса моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни чуқур ўрганиш, табиат қонуларини билиш заруриятини тугдирди. Шундай шароитда фалсафа инсоннинг амалий ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган объектив ҳақиқатни очиб берувчи фан деб қарала бошлайди. Урта аср фалсафаси фойдаланиб келган умумназарий қоидалар ва услублар нотуғри, кишиларни адаштирувчи таълимот деб эълон қилинади ва тадқиқотнинг янги усусларини, ҳақиқатни билишнинг янги йўлларини яратиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилади.

Ана шу олижаноб ишга бел боғлаган файласуфлардан бири Ф. Бэкон (1561—1626) бўлди. У фалсафанинг асосий масаласи билишнинг янги илмий услубини яратишидир деб чиқди. Шу муносабат билан Бэкон фаннинг предмети ва вазифасини қайта қуриб чиқади. Бэкон фикрича, илмий билишнинг мақсади — инсониятга фойда келтиришидир. Шундагина у ўз вазифасини оқлади. Барча фанларнинг вазифаси инсоннинг табиат устидан хукмронлигини мумкин қадар кўпроқ таъминлашидир, дейди мутафаккир. Билим — бу кучдир, деган шиор ҳам Ф. Бэконга мансубдир. Бэконнинг буюк хизмати шундаки, у илмий билишнинг тажрибага асосланган услубини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, фаннинг хуносалари фақат рад этиб бўлмайдиган

далиллардан келиб чиқиши керак. Бэкон томонидан құлланған индуктив усул кузатиш, анализ қилиш, тақ-қослаш ва экспериментта асосланади. Лекин тажрибада ишончли билимга эришиш учун инсон үз онгидаги заарли шарпалардан озод булиши лозим. Уларни Бэкон «урұғ шарпаси», «фор шарпаси», «бозор шарпаси», ва «театр шарпаси» деб атайди.

Уруғ шарпаси — бу кишилик уругига тегишли бұлиб, унинг натижасыда одамлар үзларининг субъектив хусусиятларини табиат предметларининг хусусияти деб қарайдилар.

Фор шарпаси — бу кишиларнинг олам туғрисидаги нотұғри тушунчасидир.

Бозор шарпаси — бу күп тарқалған сұзларни нотұғри ишлатиш натижасыда вужудға келған тушунчалардир.

Театр шарпаси — хурматли кишиларнинг айттанла-рига күр-күрона амал қилишдир.

Бэкон инсонни қуршаб турған моддий дунё турли туманлигини ва уни билиш ҳам чексиз эканлигини қайд этади.

Агар Бэкон илмий билишнинг тажрибага асосланған индуктив услубини ишлаб чиқиб, фанга катта ҳисса құшган бұлса, унинг замондоши француз мұтаккири Р. Декарт (1596—1650) эса, аксинча, илмий билишнинг дедуктив услубига үз әзтиборини қаратади. Декарт дунёни билишда бириңчи үринга ақлни құяди. Буни унинг, «мен фикрлар әқанман, мен мавжудман» деган машхұр сұzlари тасдиқлайди. Декарт фикрича, фалсафанинг бириңчи масаласи — бу ишончли билимга олиб борадиган услуга масаласидир. Уни ишлаб чиқиши Декарт үз олдига вазифа қилиб құяди. Декарт ишлаб чиққан илмий билишнинг дедуктив услуги аналитик ёки рационалистик ҳам деб аталади. Декартнинг дедуктив услуги қуйидагиларни талаб этади: 1) Ҳақиқат деб фақат ақл нұқтаи назаридан аниқ, равшан ва шубҳасиз бұлған холосаларни қабул қилиш; 2) ҳар бир мураккаб муаммоларни таркибий қысмларга булиб үрганиш; 3) билиш жараённан маълум ва исбот қилингандан номаълум ва исбот қилинмаганга бориш; 4) тадқиқот мантиқий ҳалқаларидан бирортасини ҳам тушириб қолдирмаслиkdir.

Декарт билишнинг бу услубини құллаш фаровон ҳаёт учун кишиларга катта имконияттар яратиб берішига ҳеч шубҳа қилмади. Бирок Декартнинг ақл кучи-

га таянган билишнинг дедуктив услуби унинг «тугмағоялар»ни тан олишга олиб келди. Бу тажриба орқали олинганғоялар эмас, балки одам туғилиши билан унинг миясида олдиндан булганғоялардир. Унга худоғояси, сонлар ва шаклларғояси, шунингдек, айрим умумий тушунчалар киради. Декарт уларни умумий ва зарурый билимнинг шарти сифатида қарайди. Бу эса унинг илмий дедуктив билиш услубига раҳна солиб туради.

Буни эътиборга олмагандан, Декарт Бэкон сингари фалсафанинг илмий масалаларини ишлаб чиқишида ўз даврида катта ютуқларга эришиди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Бэкон ва Декарт томонидан яратилган билишнинг ҳар икки услубини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини камситиши нотуғри бўлур эди.

Янги давр фалсафий фикрида ўргага қўйилган муҳим муаммолардан бири — **субстанция** масаласи эди.

Шу даврда бу масаланинг турлича ечимини курамиз. Масалан, Декарт руҳий ва моддий субстанция мавжудлигини кўрсатди. Руҳий субстанциянинг энг муҳим белгиси бўлинмаслик бўлса, аксинча, моддий субстанциянинг белгиси унинг чексиз бўлинувчанлигидир. Руҳий субстанциянинг асосий атрибулари — бу тафаккур ва қулемлиликдир. Унинг қолган атрибулари — тасаввур, ҳиссийлик, ҳоҳиш, фикрлаш модуслари бўлса, моддий субстанциянинг атрибулари бу шакл, холат, ҳаракат ва тортилувчанликдир.

Шундай қилиб, Декарт субстанция масаласини дуалистик мавқедан туриб ҳал қиласиди.

Голландиялик файласуф Б. Спиноза (1632—1977) Декарт дуализмига материалистик монизмни қарши қўяди, яъни руҳийлик ва моддийликни ягона бир субстанция сифатида талқин этади. У онгимиздан ташқарида объектив равишда мавжуд булган, сабабчи кучга муҳтоҷ бўлмаган ва ўзига ўзи сабабчи бўлган ягона моддий субстанцияни эътироф этади. Бироқ Спинозанинг субстанция ҳақидаги бу фикри пантеистик табиатга эга. Чунки у худони моддий дунёга қориштириб юборади ва табиатни ўзини ўзи яратувчи худо деб атайди.

Шу даврнинг йирик мутафаккирларидан бири Г. Лейбниц (1646—1716) ҳисобланади.

У ўзининг субстанцияларнинг кўп хиллиги ҳақидаги таълимотини ўргага қўяди. Лейбниц фикрича, субс-

танциялар жуда хилма-хилдир. Уларни Лейбниц монадалар деб атайди. Лейбниц таълимотича, монадалар оддий булиб, улар қисмларга бўлинмайди. Бу билан Лейбниц монадалар моддийлик хусусиятига эга эмаслигини, шунинг учун унга кўламлик ёт эканлигини таъкидлайди. Фақат моддий нарсаларгина кўламликка эга булиб, бўлакларга бўлинади. Шунинг учун кўламлик эмас, фаолият монадаларнинг хусусиятидир. Фаолият нима, деган саволга Лейбниц, кўламлик билан изоҳлаб бўлмайдиган тасаввур, идрок, интилишга ухаш руҳий нарсадир, дейди. Уни Лейбниц оддий субстанцияларнинг асосий хусусияти деб атайди.

Агар монадаларга сезгилар хос булса, улар жонлар деб аталади. Монадаларга ақл хос булса, улар руҳлар деб аталади, дейди Лейбниц. Лейбниц фикрича, монадалар ўз фаолиятларини аниқ ва равшан ифодаланиш даражасига қараб бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Оngлийлик ва ақллийлик монадалар қанчалик тараққий этганлиги даражасини билдирувчи мезон ҳисобланади.

Янги давр фалсафасида XVIII аср француз мутафаккирларининг қарашлари алоҳида диққатга сазовордир. XVIII аср француз фалсафасининг асосий вакиллари П. Гольбах (1723—1789), Д. Дидро (1713—1784), К. Гельвеций (1715—1771), Ж. Ламетри (1709—1751) ҳисобланади. Уларнинг таълимотича, ҳамма нарсалар — материядир. Материя майда молекула ва атом заррачаларидан ташкил топган. Атомлар эса — материянинг бир хилдаги бўлинмас, майда заррачаларидан иборатdir. XVIII аср француз файласуфларининг ютуқларидан бири шуки, улар ҳаракатни материянинг ажралмас хусусияти, деб таъкидладилар. Бироқ улар ҳаракатни тушунишда механистик даражадан юқори кутарила олмадилар. Ҳаракат, уларча, предмет ёки ҳодисаларнинг фазода оддий ўрин алмашвидан иборатdir.

Француз файласуфлари дунёни билиш мумкинми, деган саволга ҳам ижобий жавоб бердилар. Улар ўзларининг билиш назарияларида Ж. Локкнинг сенсуалистик¹ ғояларига суюндилар. Улар билиш сезишдан иборатdir, сезишнинг манбай эса объектив реалликдир, деб уқдирдилар.

¹ Сенсуализм — лотинча суздан олинган булиб, сезги, ҳис, деган маънони билдиради. Билиш назариясида у бир йўналиш булиб, сезгиларимизни билимларимизнинг бирдан-бир манбай деб қарайди.

Француз файласуфлари билиш жараёнида ақлнинг ролини ҳам тан оладилар. Уларнинг фикрича, тафаккур сезгиларни қўшиш, йиғиш, солиштириш қобилиятидан иборатдир.

Француз файласуфлари ижтимоий ҳодисаларни тушунишда ҳам бир қатор янги foяларни илгари сурдилар. Жумладан, уларнинг фикрича, киши ижтимоий мухитнинг маҳсулни, ижтимоий мухит қандай бўлса, киши ҳам шундай бўлади. Улар инсон, унинг манфаати, баҳти, эрки масалаларига ҳам эътиборни қаратдилар. Француз файласуфларининг фикрича, баҳтга интилиш киши хулқ-авторининг табиий асосидир. Була жак жамиятнинг асосий вазифаси ҳамма кишиларни адолатли равишда баҳт ҳуқуқи билан таъминлашдир. Француз файласуфлари ўз даврлари учун илгор бўлган «ижтимоий шартнома» назарияларини илгари сурдилар. Бу назария давлат ва жамиятнинг келиб чиқиш сабабини табиий зарурият асосида тушунтиради. Шуларга кўра, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари фалсафий фикр тараққиётida мухим аҳамиятга эга бўлди.

Немис классик фалсафасининг асосий вакиллари И. Кант, И. Г. Фихте, Ф. Р. Шеллинг, Г. Ф. Ҳегель ва Л. Фейербахлардир. Улар фалсафадаги турли оқимларга мансубдирлар.

Фалсафий фикр тараққиётiga катта ҳисса қўшган немис классик фалсафасининг вакиллари И. Кант, Г. Ҳегель ва Л. Фейербах ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг дунёқарашига батафсилроқ тұхталиб ўтамиз.

Немис классик фалсафасининг асосчиси И. Кант (1724—1804) ўз замонасининг долзарб назарий муаммолари билан шуғулланган олимдир. Кант диалектика foяларини қайта тиклаган мутафаккирдир. Кант фақат фалсафага эмас, балки умуман фан тараққиётiga улкан ҳисса қўшиді. Кантнинг Қуёш системаси катта газ туманлигидан келиб чиққанлиги түғрисидаги гипотезаси ҳозирги пайтгача фалакиёт фанидаги фундаментал илмий foялардан ҳисобланади. Кант ўз замонидаги табиётшуносликнинг принципларини фақат коинотнинг тузилишига эмас, балки унинг тарихига, яъни келиб чиқиши ва ривожланишига татбиқ этишга ҳам уринди. Бу унинг «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси» китобида ўзининг яққол ифодасини топди. Кант ўзининг табиий-илмий қарашлари билан табиатни метафизик тарзда тушунишга чек қўйди.

Кант фикрича, фалсафанинг борлиқ, ахлоқ ва дин каби муаммолари билан шугулланишдан аввал инсоннинг билиш имкониятлари ва унинг чегараларини аниқлаб олиш лозим. Шундан келиб чиқсан ҳолда Кант кишини үраб турган ташқи дунёдаги нарсаларни иккига бўлади. Бири — ўз-ўзича мавжуд бўлган нарсалар дунёси, иккинчиси — бизнинг сезгилаrimиз акс эттирган нарсалар, ҳодисалардир. Кант таълимотича, биз дунёни қандай мавжуд бўлса, шундайлигича била олмаймиз, балки унинг ифодаланишини биламиз холос. Кишилар «нарса ўзида»нинг моҳиятини била олмайди, улар ҳодисаларнигина билади. Кант фикрича, ҳодисалар дунёси тартибсиз, у ҳеч қандай қонуният ва заруриятга бўйсунмайди. Инсон билиш жараёнida ҳодисалар дунёсига тартиб киритади, уни маълум бир вакъф ва макон билан боғлаб ўрганади.

✓ Кантнинг фалсафадаги хизмати шундаки, у диалектик гоялар масаласини кўндаланг қилиб қўйди, оқилона фикрга диалектика хос эканлигини яхши тушунди.

Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Г. Ф. Ҳегель эди. Ҳегель таълимотича, барча мавжуд нарсаларнинг асосида «мутлоқ фоя»нинг (у мутлоқ рух ҳам деб аталади) ривожи ётади. Дастробки пайтда мутлоқ фоя «соф борлиқ» сифатида мавжуд бўлади. Кейинчалик у ривожланиб мазмун жиҳатдан биридан бири бой бўлган тушунчаларни вужудга келтиради. Мутлоқ гоя ўзининг бутун мазмунини ифода этмагунча ривожланиб бораверади. Мана шу ривожланиш жараёнida мутлоқ фоя табиатни келтириб чиқаради ва моддий нарсалар тарзида намоён бўлади. Мутлоқ фоянинг табиат тарзида кўринишидан аввал механик ҳодисалар вужудга келади, кейин кимёвий бирикмалар ва ниҳоят инсон, жамият пайдо бўлади. Шундан кейин мутлоқ гоя ўзи учун бегона бўлган моддий қобиқдан чиқиб яна ўзининг аввалги шаклида, яъни кишиларнинг онги, тафаккури шаклида яшайди. Инсон онги ривожлангани сари фоя тобора моддийликдан қутулиб боради. Пировард натижада мутлоқ фоя ўзининг олдинги ҳолатига қайтади. Энди у соф борлиқ ҳолатида эмас, балки ўзининг бутун мазмунини ифода этган ва англанган борлиқ сифатида кўринади.

Ҳегель ўз фалсафий тизимини (системасини) яратиб мутлоқ фоя ўзининг бой мазмунини моддий олам — табиат ва жамият сифатида ифода этишини курсатар экан, аввало дунё узлуксиз тараққиётда эканлигини

қайд этади. Иккинчидан, мутлоқ фоянинг тараққиёт жараёнини очиб берар экан, мана шу жараён қарама-қарши томонларнинг кураши орқали содир бўлишини, бунда бир тушунча иккинчи тушунча томонидан инкор этилишини, ўтилган босқич янада юқори даражада та-рорланишини курсатиб беради.¹ Албатта, Ҳегель ҳар доим ҳам ўз диалектик тамойилларини изчил ифода эта олмади. Бу айниқса Ҳегель диалектикани моддий оламга қўллаганида яққол куринадиган Диалектик тафаккур услубини ва унинг асосий қонунларини тадқиқ этиш билан Ҳегель фалсафий фикр тараққиётига бебаҳо ҳисса кўшди.

Немис классик фалсафасининг сунгги вакили Л. Фейербах ҳисобланади (1804—1872). У фалсафадаги бошқа йўналишга — материалистик йўналишга мансубдир. Фейербах Ҳегелнинг мутлоқ гоясига кескин қарши чиқди. У Ҳегелнинг мутлоқ гояси инсон миясидан юлиб олинган ва табиатдан ташқари кучга айлантирилган инсон ақлидан ўзга нарса эмаслигини қайд этди. Ҳегель фалсафаси, Фейербах фикрича, дин билан узвий боғлиқдир. Фейербах фикрича, тафаккур инсондан ташқаридан, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки у моддий нарса — инсон мияси фаолияти билан боғлиқдир, Шунинг учун, дейди Фейербах, тафаккур, онг, иккиласмачидир, материянинг, табиатнинг маҳсулидир.

Ҳегелдан фарқли улароқ, Фейербах дунёнинг асосига табиатни ва инсонни қўяди. Фейербах таълимоти антропологик табиатга эга. Янги фалсафа инсонни, шу жумладан, табиатни фалсафанинг бирдан-бир универсал ва олий предметига айлантиради, дейди Фейербах.¹

Антропологик принципга содик бўлган Фейербах борлиқ ва тафаккур масаласини ҳал қилишда инсон табиатнинг бир қисми бўлиши билан бирга, у аввалом бор, ижтимоий мавжудот, тарихий тараққиётнинг меваси эканлигини, инсоннинг онгги ижтимоий муносабатлар билан, ҳаёт шароити билан белгиланишини унтиб қўйди. Бу Фейербах фалсафасининг чекланган томонларидан биридир. Фейербахнинг энг катта камчилиги шуки, у Ҳегель фалсафасини танқид қилар экан, унинг диалектикасини кура олмади. Лекин шунга қарамай, Фейербах таълимоти фалсафанинг кейинги тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

¹ Фейербах Л. Избр. произв. В 2-х томах. М. 1955, Т. 1, С. 202.

7. ТУРКИСТОНДА XIX АСР ОХИРИ, XX АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪРИФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Туркистон халқларининг бой ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий, маданий тараққиётида XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср биринчи чорагидаги давр ўзининг ниҳоятда сермазмун ва инқилобий суронлилиги, foявий-назарий ва мағкуравий ҳаракат шаклларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўналиши эди. Айни чоғда Туркистон халқлари Чор Россиясининг мустамлака зулмидан қутулиш, миллий давлатчилигини қуриш, ўз миллий-иктисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига йўл очишга қатъий киришгандилар. Бу жараёнларнинг етакчи кучи — миллий савдо ва саноат буржуазияси ҳисобланиб, у жуда катта қийинчиликлар билан бўлсада, халқимизнинг туб иқтисодий-сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қиласиган назарий асос — жадидлар маърифатчилигини шакллантириб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда эди.

Туркистонда жадидчилик, маърифатчилик ҳаракати ўзининг Урта ва Яқин Шарқдаги, Қрим, Қозон, Уфа ва Озарбайжондаги қардошлари Сайд Аҳмадхон, Жамолиддин Ағғоний, Бутрус ал-Бустоний, Жўржи Зайдон, Муҳаммад Абду, Муҳаммад Кавокибий, Жавод Ҳусайнзода, Имом Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Шайх Муса Жоруллоҳ, Фасириали Исмоилбей ва бошқаларнинг диний-ислоҳчилик, маърифатчилик гоялари ва ҳаракатлари таъсирида чуқур сифатий ўзгаришларга учради. Оқибатда, Чор Россиясининг ўзида туркий-мусулмон халқларининг ўюшиши гоясини илгари сурган Фасириали Исмоилбей таъсис этган «Таржумон» газетаси платформасида турган, анча-мунча сиёсий таъсирга эга бўлган миллий-озодлик ҳаракати, унинг маърифатчилик мағкураси — жадидчилик вужудга келди. Жадидчилик маърифатчилиги ва мағкураси Туркистондаги анъанавий шарқона, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат номлари билан боғлиқ маърифатчиликни халқларнинг демократик ва миллий-ватанпарварлик уйғонишига йўналтирилган умуммиллий мағкураси даражасига кутарди. Жадидлар асослаб берган гоявий мақсадлар Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Завқий, Авлоний, Мулла Қилич, Ҳамза, Айний, Тавалло, Ажзий ва бошқаларнинг таълимотида

умуммиллий, умумтурккий манфаатларни акс эттира олиш, англаб етишга олиб келувчи мафкура даражасыга күтариленгандай.

Агар муаммога тарихий ҳаққонийлик ва илмий холислик билан ёндошилса, ижтимоий ҳаётдаги илфорғояларга асосланган умуммиллий озодлик кучлари 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби арафасида Туркистон халқлари учун Мухторият (автономия) масаласини конституцион ва амалий-сиёсий жиҳатларга кўра ҳал қилиш йўналишига буриб юбора олган эдилар. Қийинчилик билан бўлсада, Туркистон давлатчилиги foяси тикланишига эришилиб, аввал Қўқонда Туркистон Мухторияти тузилди. У тезда зўрлик билан қонга ботирилди. 1918 йилда Туркистон Мухтор Иштирокиончи Шўро Жумхурияти тузилди. Бу эса, Туркистон халқларининг ҳақиқий мъянодаги миллий мустақил давлати эмас эди. Чоризм емирилган бўлса ҳам, мустамлакачиликнинг ва миллий зулмнинг янги шакллари ниҳоятда қаттиққўллик билан ўрнатилди. Бу ҳол миллий озодлик ва мустақилликнинг маърифатчилик йўлини таргиги этувчи янги foялар келиб чиқишига олиб келди.

Бундан ташқари, Туркистонда күксиз бұлсада анъанавиј Шарқ фалсафаси, табиатшунослиги ва тасаввуф оқимлари тәссири ва амалиёти сақданиб келаётган бўлиб, уларни жонлантиришга уринишлар ҳам бўлаётган эди. XX асрнинг 1924-йилгача бўлган даврда Туркистонда Форобий, Ибн Сино, Фаҳриддин Розий, Фаззолиј, Жомий, Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг, шунингдек Исломнинг Калом фалсафаси, Шариат ахлоқига доир классик асарлари араб, форс ёки туркий тилларда нашр этилди. Улар орасида Абдураҳмон Сайёҳ, Имом Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Абдураҳмон Саъдий каби алломалар анча юқсанкавиядаги ўз тадқиқотларини эълон қилинган эдилар. Айниқса, Наувијнинг «Чор Девони», Жомийнинг «Нафоҳот-ул-Унс» (1914), Хўжа Аҳрорнинг «Рисолат-ул-Харурия», Фаҳриддин Розийнинг «Жомеъ-ул-улум», Бурхониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» (I—IV жиллар, ўрис тилида), Имом Фаззолијнинг «Кимёи саодат» ва бошқа асарлар Тошкентда нашр этилган бўлса, Имом Ризоуддин ибн Фаҳриддин 1911-йилда «Фаззолиј», 1913-йилда «Ибн ал-Арабий» тадқиқотларини Уфа, Оренбург шаҳарларида нашр этди. Уша даврдаги бир қатор умумтурк мажмуъалари — «Шўро», «Вақт» ва бошқа-

ларда ал-Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Туфайл, Замахшарий ва бошқа мутафаккирларнинг ҳаёти ва маданий мероси ҳақидаги тадқиқотларини эълон қилиш орқали халқ онгига етказишга ҳаракат қилинган эди.

Туркистонда шаклланган жадидчилик ҳаракати ва унинг ғоявий меросида мустақиллик, миллий-ватанпарварлик ғоялари умумбашарий демократик қадриятлар билан йўғрилган эди.

Жадидлар маърифатчилигининг фалсафий-назарий заминлари анъанавий ислом, шариат, тасаввуфдан тортиб замонавий Оврўпа позитивист фалсафа усулларига ҳам асосланишидан иборат бўлди. Шунингдек, мустақиллик мафкурасининг энг эзгу ғоя ва қадриятлари нуқтаи назаридан, умуминсоний орзуладар, ижтимоий адолат ва тенглик жамиятига қараб бориш юзасидан жадидларниң тутган ижтимоий-сиёсий мавқеи доимо ҳам бир хил бўлавермаган. Аммо, характерли ҳол шундан иборатки, жадидларнинг энг изчил миллий ва демократик мавқеида бўлганлари (Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқ.) коммунистик ақидаларни қатъий инкор этиш йўлида турганлар. Масалан, Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби жадидчилик салафларида миллий мустақиллик ва умумбашарий демократик қадриятлар учун кураши жуда изчил, фаол йўналишда борган. Шунинг учун улар фожеъий тақдир топишган. Уларни Россия мустамлакачилари ҳам, Бухоро Амири ҳам, большевиклар ҳам, урта асрчи мустабид-зўравонлик кучлари ҳам бир хилда шиддат билан қатағон қилганлар.

«Улуғ Туркистон» (1917.12.06)да эълон қилинган «Баёни ҳақиқат» мақоласида Беҳбудий: «Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат, иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимиз-да мунга монеъдир» — деб, ёзган эди.

Шундан олдинроқ 1917 йил 26 марта ўзининг «Нажот» номда чиқарган газетида Мунаввар Қори Абдурашидхонов «Ҳуррият олинур, берилмас!» сарлавҳали мақоласида — «Ҳазрат Одам Атодан шу кунгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳурриятнинг берилгани, қон

ва қурбонсиз берилгани тарихларда күрилмайдур. Балки ҳар замон ва ҳар ерда ҳурият берилмаган, қурбонлар баробаригагина олинган», деб ёзган эди.

Абдурауф Фитрат эса үзининг «Сайёҳи ҳинд», «Раҳбари нажот» каби асарларида (Истамбул 1913, 1915) миллий истиқбол Оврупода маърифат, илм-фан, техника тараққиёти, демократик ҳуқуқий эркинликлар, инсон шаънини юксак тутиш, муҳофаза қилиш кафолатлари орқали қўлга киритилишини Дастурий тарзда ҳар томонлама асослаб берган. Абдурауф Фитрат замонавийлашиш, миллийлашиш ва демократлашиш борасида иштирокиончиларга хос бир томонламалик ва инсоният шаънига қарши йўналишни четлаб ўта олган.

Яна Фитрат «Ҳинд сайёҳи» асарида шундай фикрни айтган: — илгари замонларда туркистонликлар зарур ҳамма молларни ўzlари тайёрлар эдилар, ўzlари сарфлар эдилар, пулни бегона фабрикантлар чўнтағига солмаганлар. Энди биз орқада, Овруполилар олдинда, улардан ўтиш учун биз илм-фанда, фабрикачилик ишларида илгари кетишимиз зарур. Шунда биз фақат ўзимизнигина эмас, балки бутун туркистонликларни баҳтли ва саодатли қилур эдик. Бунинг учун эса Овруполиклардек ўқиш, ишлаш, саъий-ғайратда яшаш керак, шундагина туркистонликлар шаъни, миллий истиқтоли таъминланган булади.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ҳам үзининг барча насрий ва назмий меросида, хусусан «Кеча ва кундуз» романида, «Дўхтур Муҳаммадёруф» каби ҳикояларида овруполашган, мутараққий туркистонлик зиёли, ишбильармон ва истиқтолчи тимсолини яратган. Чўлпоннинг Туркистон мадҳидаги шеърлари кейинчалик туркистонлик истиқтолчилар шарқийси (марши)га айланиб кетганлигининг сабаби ҳам унда ифодаланган ҳаётбахш фалсафа, миллат ва Ватанга муҳаббат, уни мутараққий мамлакатлар қаторида кўриш орзу-армонлари ифодаланганилиги эди. Айни ана шу жадидчилигимиз раҳномолари Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фиграт, Чўлпон каби сиймолар туркий халқларнинг мустамлакачилик, империализм ва ўрта асрчиликка қарши кураши жараёнида анъанавий мусулмон бирлиги — бир қавм, бир умма — мусулмон миллати ўрнига ҳозирги замонавий маънодаги «миллат», «миллатлар» тушунчаларини илгари сурдилар, миллий давлатчилик, иқтисод, пул, миллий тил, маданият ва анъанани ривожлантириш каби

Туркистон миллий мустақиллик мафкурасининг устивор фоя ва қадриятларини илгари сурган эдилар. Улар асослаб берган ана шу фоя ва устивор қадриятлар «Туркистон Мухторияти» ҳукумати, Бухоро ва Хива Ҳалқ жумҳуриятлари, «Алаш-Ўрда» ҳукуматлари ички ва ташқи сиёсати асосида ётар эди. Қолаверса, кейинчалик «босмачилар», деб аталиб кетган мужоҳидларимиз олиб борган миллий-озодлик курашининг бош мақсади Туркистонни бирлаштириш, миллий давлатчилигимизни қуриш, тилимиз, динимиз, маданият ва анъаналаримизни муҳофаза қилган ҳолда замонавий демократик миллатларнинг йўлига тушиб олиш эди.

XX асрнинг I чорагида шаклланиб келаётган миллий савдо ва саноат буржуазияси мафкурачилари бўлмиш жадидларнинг «Усули қадимчилар»га қарши кураши, маърифатчилиги, мафкураси Туркистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур, сиёсий фикр тараққиётида чуқур из қолдирган. Агар давр ва шарт-шароитнинг ҳалокатлилиги ҳисобга олинса, жадид раҳнамоларимизнинг фавқулодда довюраклик, зукколик ва иқтидор, салоҳият соҳиблари бўлганликларини кўриш мумкин.

Туркистон жадидчилигининг тадрижоти (эволюция)ни ҳам назардан соқит қилмаслик керак. 1914 йилларгача жадидлар асосан мактаб, таълим-тарбия ислоҳати, маърифатчилик муаммоларини кўтариб чиққан бўлсалар, 1905 ва 1907 йиллардаги ўрис инқилоблари, 1908 ва 1909 йиллардаги Эрон, Афғонистон, Туркия, араб-мусулмон дунёсидаги аксилимпериалистик миллий-озодлик жараёнлари, Овруподаги демократлашиш томонга ташланаётган жиддий қадамлар таъсирида Туркистон учун «Миллий Мухторият» идора усули ва демократик тараққиёт йўли — «Мажлиси машварат» (Парламент) йўли талабларини илгари суро бошладилар. Айни чоғда, Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, З. В. Тўғонлар бу муаммони назарий асослаб бердилар. Бу борадаги янги фояларни «Туркистон Мухторияти», Бухоро ва Хива Ҳалқ жумҳуриятлари етакчилари М. Тинишбоев, М. Чўқай ўели, Жумхурраъис Усмонхўжа ва Жумхурраъис Ҳожи Паҳлавон Ниёз Ҳожи амалга оширишга уринганлар. Жадидлар ўша даврдаги Осиё, балки Оврупо ижтимоий-фалсафий ва ҳуқуқий фикри ютуқлари даражасида туриб, Туркистон учун демократик ва айни пайтда туб миллий манфаатлардан келиб чиқувчи мустақил тараққиёт йўлини кўрсата олганлар.

ХХ аср бошларида жадидчилик ҳаракати Туркистонда, Бухоро ва Хивада яна кенг кўламда ривожланди. Жадидчилик ҳаракати асосан қуидаги босқичлардан ўтди:

I. 1885—1895 йилларда Фаспирали Исмоилбей «Таржумон» газетининг тарқалиши муносабати билан Кўқонда янги жадид усулидаги мактаблар тузиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлади.

II. Фаспирали Исмоилбейнинг Туркистонга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиш ва жадид усулидаги мактаблар ташкил этиши оқибатида 1893-95 йиллардан 1901-05 йиллар ичida усули жадид мактабларини ташкил этиш оммавий тус олди деб айтиш мумкин. Энг машҳур жадид мактабларидан Бухорода «Журбай очган мактаб», Самарқандда Абдулқодир Шақурий, Саидрасул Азизий, Абдувоҳид Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Қўқонда Ҳамза, Наманганда Исҳоқхон Ибрат, Суғизода ва бошқа жадид маърифатчилари очган мактабларни курсатиш мумкин.

Бу даврда жадид маърифатчилиги, мактабдорлигининг бош йуналиши асосан янги усулда тезкор таълим-тарбия бериш, савод чиқариш, халқни маърифатли қилиш, зиё тарқатиш йули билан хурофотлар, қолоқлик ва ўрта асрчилик билан курашишдан иборат булди.

III. 1905 йилдан 1914 йилгача бўлган даврда жадидчилик энди мактабдорликдан кенроқ газетчилик-матбаани йўлга қўйиш, илм-фан, маданият, адабиётни миллийлаштириш доирасига чиқиб олди. Фуқароларнинг миллий манфаатларини Чор Россияси қонунчилиги чегарасида бўлсада таъминланиши зарурлиги, сайлов тизимида фаол иштирок этиш, савдо-сотик, тижорат, умуман ишлаб чиқаришда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш етакчи даъватга айлана бошлади. Жадид матбуоти, адабиёти ва театру-санъати ана шу йуналишда жуда фаоллашди, катта ижтимоий-сиёсий таъсир кучига эга булди. Айни мана шу даврда кейинчалик сиёсий партиялар, уюшмаларга айланиб кетган камбагал болаларга ёрдам хайрия жамиятлари, уларни илфор мамлакатларга бориб ўқишига ёрдам бера оладиган турли жамғармалар, яширин тўгараклар тузила бошлади.

IV босқичда жадидларнинг ҳаракатлари сиёсий ҳа-

ракат, партия тузиш, миллий матбуотни янада жанговор қилиш билан характерланади. Энди асосий шиор ёки фоя — «Туркистон Мухторияти» талаби илгари сурилди. Мухториятга эришиш йуллари қуйидагича булиши мумкин эди: а) Россиядан тұла ажралиб чиқиш; б) Россия давлатидаги конституциявий федерация таркибида «Миллий-худудий Мухторият»ға эга булиш; в) Россиянинг унитар федерацияси таркибида фақат миллий маънавий-диний мухториятта эга булиш, яъни ислом, шариат талаблари, анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини риоят қилиниши талаби билан чекланиш.

Бу давр 1914—1918 йилларни үз ичига олиб, «Шурой исломия», «Шурой уламо», «Мирваж-ул-ислом», «Мифтоҳ-ул-ислом», «Мифтоҳ-ул-маъориф», «Равнақ-ул-ислом», «Иттифоқ-ул-муслимн», «Турон», «Изчилар тұдаси», «Темур тудаси», «Эрк социалистик партияси», «Жадид тараққийпарварлар партияси», «Бирлик» уюшмаси, «Чигатай гурунги» каби фирмә, жамият ва уюшмалар тузилган. Фақат Тошкент шаҳрининг үзіда 200 дан ортиқроқ шундай ташкилотлар мавжуд эди. Шу жиҳатдан мана шу даврни жадидчилик ҳаракати ва мағкураси нинг энг юқори тараққиёт босқичи, деб айтиш мумкин. Бу давр «Туркистон Мухториятини» тугатиши, жадидлар ва алашурдачиларни қатағон қилиш, ТАССР эълон қилиниши билан якунланади.

V босқич 1918 йил февралидан 1924 йилгача, яъни Туркистон булинниб, парчаланиб ташланғунча бұлған даврни үз ичига олади. Бу давр жадидлар большевикларнинг зуравонлигига қарамай, бир томондан Шуро хукумати ва коммунистлар фирмәси бүғинларига кириб олиш, иккинчидан эса, «Чигатай гурунги» уюшмасини тузиш орқали бутун таълим-тарбия, маориф ва маданият ишларини үз құлларига олишта интилиши билан характерланади. Большевиклар жадидчилик мағкураси фоя ва қадриятлари учун курашувчиларни жисмонан йүқ қилиш йүлиға үтгач, миллий-озодлик курашининг ёрқин саҳифаларини ташкил этган, тарихда «босмачи-лик», деб номланған қуролли миллий озодлик кураши бошланди. Үз-үзидан тушунарлики, үша йилларда кучлар нисбати мутлақо тенг эмас эди.

VI босқич 1924 йилдан кейин «миллий жумхуриятлар» доирасида булиб, бу даврда жадидчилик ғоялари ҳали үлмаган, улар мактаб-маориф ва матбаачилик ва журналистикада анча-мунча фаол бұлсаларда, лекин

уларни зимдан таъқиб қилиш бошланган эди. Аниқроғи, бу даврда жадидлар фаолиятининг ниҳояси кўриниб қолган эди. Шунга қарамай, жадидлар яширин тарзда бўлсада «Чифатой гурунги» ақидалари, усул ва воситаларидан келиб чиқиб, миллий онгни ўстириш соҳасида, айниқса ӯзбек тили ва адабиёти соҳасида, алифбо масалаларида катта фаоллик қурсатдилар. Худди ўша давр жадидлари орасидан Абдулла Қодирий, Ойбек, Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, Амин Умарий, Зиё Саид, Етим Бобоҷон, Маннон Уйғур ва бошқа сиймолар етишиб чиқди. Бу давр 1931-йилда, Иброҳим Лақай Қўрбошининг шаҳид кетишидан кейин ўз ниҳоясига етди.

VII босқич 1931 йилдан 1937-38 йилларгача бўлган даврни, оқовалари билан ҳисоблагандан, 50 йиллар ўрталаридағи таъқиб ва сургунлар даврларини ўз ичига олади. Бу даврда Мунаввар Қоридан бошлаб, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Носир ва бошқа саноқсиз миллат фидоийлари қатағон қурбонлари бўлдилар.

Туркистондаги миллатпарварлар Ф. Хўжаев, Турор Рисқулов, Акмал Икромов, С. Ҳожановлар ҳам миллий мустақиллик билан бөглиқ бўлган илгор ғояларни ўртага қўйдилар. Уларнинг мероси, ижтимоий-сиёсий фаолияти Туркистонда юксалаётган Миллий Уйғониш жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Т. Рисқулов, С. Ҳожанов ва Акмал Икромовлар Туркистон халқларининг миллий бирлиги иқтисодий ва маънавий, сиёсий, диний ҳаётнинг барча жабҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги орқали рӯёбга чиқишини кўрсатганлар.

Т. Рисқулов Закий Валидий Тўғон билан бирга Ленин бошчилигидаги большевиклар мустабид тузумининг Туркистонда ҳам синфий қураш favғосини авж олдириш, қутқулашга уринишларига қарши чиқди. Улар Ленин, Сталин бошчилигидаги сиёсий раҳбарият мусулмон халқларининг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этаётгани, уларга нисбатан шовинизм сиёсатини давом эттираётганлигини танқид қилдилар.¹ Т. Рисқулов Туркистондаги I Үлка мусулмон ташкилотлари конференциясида сўзга чиқиб (1919, 24—30 май), «Ҳозирги мо-

¹ Проф. З. В. Тўғон. 1920 — сентябр ва 1923 — февралда В. И. Ленин номига (нусхалари И. В. Сталин, Л. Д. Троцкий, А. И. Рыков ва бошқаларга) юборилган хат. Қаранг: А. Зоҳидов «Озодликка муҳаббат, ёхуд Закий Валидий Тўғоннинг аччиқ ҳақиқатлари». «Фан ва турмуш», 1991, 8-сон, 22—25 бетлар.

мент» масаласи юзасидан нутқ сұзлар экан, «Шарққа нисбатан фарбий-оврупо капитализмидагидан фарқ қи-
лувчи миллий-озодлик учун кураш сиёсати олиб бори-
лиши» лозимлігіни күрсатиб үтди.¹ Масаланинг бу
тарзда қыйилиши уша давр учун мұхым тарихий аҳа-
миятга эга эди. Т. Рисқұлов, А. Икромов ва С. Хұжа-
новларнинг бу борадаги фикрларига И. В. Сталиннинг
қуидаги эътиrozларини көлтириш мүмкін. У шундай
деган эди: «Менинг фикримча, Хұжанов жуда яхши
гапиреди. Икромов ҳам ёмон сұзламади. Аммо, мазкур
уртоқлар нутқларининг баъзи бир фикр, мулоҳаза туғ-
дирувчи бир жойини таъкидлашим лозим. Уларнинг
ҳар иккаласи фикрича ҳозирги Туркестон ва Чор Тур-
кестони уртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, вывеска ўзгар-
ган холос, Туркестон подшо вақтида қандоғ бўлса,
шундоғ қолаверган. Ўртоқлар, агар бу чалғиб кетиш
булмай, яхши ўйланган нутқ бўлса ва агар бу тамомила
англанилган тарзда айтилган бўлса, у ҳолда босмачи-
лар тамомила ҳақ, бизлар ноҳақлигимизни тан олиши-
миз керак бўлади... Агар бу тўғри бўлса, мен ҳеч нар-
сани тушуна олмаяпман, нима учун сизларнинг ўзла-
рингиз босмачиларга қушилиб кетмадиларинг?»²

Бу билан Сталин Туркестонда миллий-озодлик ҳа-
ракати томирини қирқиши керак, демоқчи бўлди.

Т. Рисқұлов ва унинг сафдошлари миллий-озодлик
учун кураш ғоясини чуқурлаштириб, Туркестонни
парчалаб юбориш мүмкін эмаслігини күрсатиб, бу
ердаги халқларнинг миллий, диний, тил ва анъанавий
умумийлиги асосида Туркестон конфедератив демок-
ратик республикасини тузиш ғоясини илгари сурган-
лар. Шу мақсадда Т. Рисқұлов Туркестон автоном рес-
публика ўрнига «Турк Республикаси», коммунистик
партияси ўрнига «Туркий халқлар коммунистик пар-
тияси» тузиш ҳақида таклиф киритган.³

Т. Рисқұлов бу ғояларни Туркестон компартияси
3—4 съездлари, ўлка мусулмонлари конференциялари
(V) резолюциялари сифатида қабул қилинишига эриш-
ган. Бу ғоялар Сталин тавсияси билан шахсан Ленин
томонидан кейинчалик бекор қилинган. Т. Рисқұлов
маҳаллий халқларнинг миллий манфаатларини ҳисобга

¹ Қаранг: Речь тов. Рыскулова. Комиссия по изучению революционного движения в Туркестане. Т., Туркгосизд., 1922 С. 10.

² Сталин И. В. Сочинения. Т. 5. С. 306—307.

³ Қаранг: Коммунистическая партия Туркестана. В революциях съездов и конференций. Т., «Ўзбекистон», 1988, 65—67 бетлар.

олиб, Туркистан автоном республикаси Конституциясига ҳам узгартишлар киритган. Т. Рисқулов ўша давр шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Туркистан чегараларини Россия қүшинлари ҳимоя қилиши зарурлигини эътироф этган бўлса ҳам, ўлкада миллий армия тузиш, Россиядан келган ҳарбий қисмлар Туркистандан олиб чиқиб кетилиши зарурлиги ҳақидаги талабларни ҳам илгари сурган эди.

Т. Рисқулов ва унинг ҳаммаслаклари маҳаллий туркий халқларнинг тили Давлат тили мақомини олиши лозимлиги ҳақидаги таклифни ҳам илгари сурганлар ва буни Туркистан Конституциясига киритганлар.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX бошларида Туркистан ижтимоий-фалсафий фикри қуйидаги йұналишда бўлган: а) мавхум маърифатчилик, кузатувчанлик, караҳтлик ва маддоҳликдан уйғониб, фаоллаша бошлади, ҳаётга алоқадор мазмун, моҳият ва йұналиш касб этди; б) Туркистан ижтимоий-фалсафий фикри ўз миллий давлатчилигимизни тиклаш, тил, дин, анъанавий бирлигимизни сақлаб қолиш, тилимизни юксак илм-фан, фалсафа ва нафис санъат тилига айлантириш, замонавий ва демократик тараққиёт йўлига тушиб олишга интилди; в) таълим-тарбияда янги йўлларни излаш, янги усул мактабларини жорий этиш орқали халқнинг саводилиги даражасини кутариш, миллий онгини уйғотишга кумаклашиш зарурлиги тушунилди; г) мазкур ғоя, мақсад ва устувор вазифаларнинг назарий жиҳатини курсатиб бера оладиган етук Туркистан миллий мустақиллик мафкураси юксак фалсафий даражада асослаб берилди ва у халқ онгини бирлаштирувчи, иродасини тарбияловчи сафарбар кучга айланди.

8. ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ АСОСИЙ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ (XX АСР)

Маълумки, XX аср инсоният тарихи солномасига мисли курилмаган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий узгаришлар асли сифатида кириб келди. Бунга табиат, жамият ва инсон тафаккурининг деярли барча жабҳаларида эришилган муҳим ютуқлар сабаб бўлди. XX аср охирига келиб анъанавий (классик) тафаккур услуби ўрнига ноанъанавий (ноклассик) тафаккур услуби табиатшунослик, техника ва ижти-

моий фанлар соҳасида шаклланди. Фан ва техникада, кундалик ҳаётда микроолам ҳодисаларини ўрганиш, сунъий материаллардан, ярим ўтказгич ва компьютер техникасидан фойдаланиш оддий ҳодисага айланиб қолди. Сунъий моддаларни синтез қилиш, ҳаттоки, биологик ва ноорганик жисмларни чатиштириш каби мисли курилмаган ютуқларга эришилди. Инсон даҳоси атом, ҳужайра, генларни жиловлабгина қолмасдан, коинот сари ҳам дадил қадам ташламоқда. Электроника ва автоматика соҳасидаги эришилаётган кашфиётлар қатор илмий тамойил ва меъёрларнинг эскириб қолганлигини кўрсатди ва уларни қайта кўриб чиқишини тақозо этди. Бу нарса, уз навбатида, дунёқарааш ва методологик вазифани бажариши керак бўлган фалсафа учун ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарди ва унини олдига ҳам муайян талабларни қўйди.

XX аср ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам мисли курилмаган тарихий воқеалар содир бўлди. Улар, табиийки, инсоният маънавий ҳаётида фақат акс этибги на қолмасдан, балки чуқур из ҳам қолдирди, кишиларни фалсафий мушоҳада қилишга ундали.

Одатда марксча-ленинча фалсафа Farbdagi фалсафий таълимотларга қарама-қарши қўйилиб келинарди. Марксча бўлмаган фалсафий оқимлар фақат «танқид» нуқтай назаридан ўрганилар эди. Бу нарса турғунлик даври фалсафаси ва умуман унга хос бўлган мафкура учун характерли бўлган ҳолат эди. Мамлакатда янгилаши жараёни билан бир вақтда шакллана бошлаган янгича сиёсий тафаккурлаш услубининг таъсири оқибатида номарксча қарашларга бўлган анъанавий муносабатлар ҳам узгара бошлади. Тарихий тараққиёт умуминсоний фалсафий қадриятларга эътиборни кучайтиришни тақозо эта бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири табиат, жамият ва инсон тафаккурини илмий билиш борасидаги Farb илмининг, методология ва фалсафасининг марксча фалсафага нисбатан илгарилаб кетганидир.

Хуш, XX аср фалсафасининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди?

Шу нарсани эътироф этиш жоизки, жаҳондаги фалсафий қарашлар тўғри чизиқ бўйлаб ривожланмасдан эгри-буғри, маълум пайтда тисарилиш ва илгарилаш куринишида ривожланди, унда чуқур инқироз, тушкунлик ҳолати ҳам, ижодий кутаринкилик ҳолатлари ҳам бўлди.

«Номарксча» деб аталган фалсафий қараашлар доим изланишда бўлди. Бу ҳолатни шу кунларда ҳам жуда яққол кўриш мумкин. «Номарксча», деб номланиб келган фалсафа турли хусусиятларга эга эди. Бироқ уларнинг ичидаги энг муҳимларинигина ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай хусусиятларни белгилашнинг илмий мезони Farb мамлакатлари ички сиёсий, ғоявий, иқтисодий ҳаётини чукур таҳлил қилиш ҳисобланади.

Ҳар қандай фалсафа жамиятдан, унинг талаб ва эҳтиёжларидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда таркиб топмайди ва ривожлана олмайди. Аксинча, «номарксча» фалсафа ҳам Farb жамиятининг туб хусусиятларини узида акс эттиради, мазкур жамият манфаатларига хизмат қиласди. Шунинг учун XX аср фалсафасининг хусусиятларини Farb мамлакатларида XX асрда рўй берган иқтисодий, ғоявий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий ҳодисалардан келтириб чиқариш ўринлидир.

Бевосита XX аср фалсафасининг асосий кўринишлари масаласига келсак, булар, қуйидаги оқимлардан иборатдир: прагматизм, махизм, экзистенциализм, неопозитивизм, неотомизм ва ҳоказолар. Бу ерда, албатта, феноменология, танқидий рационализм, герменевтика, фалсафий антропология ва шу каби фалсафий оқимларни ҳам эслатиб утиш лозим. Постпозитивизм, неокантчилик, неогегелчилик каби фалсафий оқимлар эса у ёки бу даражада ўз классик кўринишларни янги даврга мослашишининг ифодасидир. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган турлича янги фалсафий қараашларни XX аср фалсафасининг асосий оқимларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

XX асрда ривожланган фалсафий оқимлардан бири прагматизмдир.

Прагматизм юнонча pragmatos сўзидан олинган бўлиб «иши», «хатти-ҳаракат» деган маънони англатади. Прагматизмнинг асосчиси йирик америка мутафаккири Чарлз Сандерс Пирс ҳисобланади. Прагматизм ғоялари Пирсдан сўнг унинг ватандошлари У. Жеймс, Ж. Дьюи, шунингдек, буюк Британияда Ф. К. С. Шиллер томонидан ҳам ривожлантирилган.

Прагматизм, Пирс таъбири билан айтганда, шундай фалсафий таълимотки, у тушунча ва эътиқоднинг маъносини аниқлашга ёрдам беради, ғоя ва тушунчалар фақат тадқиқотчи томонидан текширувдан

утгандан кейингина муайян аҳамиятга эга булади. Ўзининг «Эътиқоднинг ўрнатилиши» номли асарида (1878—1879) эътиқод ва бурч ўртасидаги фарқни ажратишга уринади. Яъни, биринчиси ҳаракатга ундаса, иккинчиси эса эътиқодга эришиш учун бўлган курашни рафбатлантиради.

Прагматизм учун характерли бўлган хусусият шундаки, у ёки бу обьектлар ҳақидаги тушунчаларнинг маъноси ва аҳамияти улар келтириб чиқарган амалий натижалардан қидирилади. Пирснинг машхур «принципи»га биноан «объект томонидан келтириб чиқарилган оқибат ҳақидаги тушунча мазкур объект ҳақидаги тушунчадир».

Пирс таъбирича, инсон шу даражада ўзининг тажрибаси ва ҳаракати гирдобига кириб кетганки, у пирвардида мазкур гирдоб чегарасидан бутунлай чиқа олмайди.

Пирснинг издоши бўлган Жеймс устозининг фалсафий қарашларига ўта хурмат ва эҳтиром билан муносабатда булади. Бироқ Жеймс ўзининг «радикал эмпиризмини» яратишида Пирсдан ташқари инглиз мутафаккирлари Ж. Беркли, С. Милл ва бошқа файласуфларнинг ҳам меросига мурожаат қилди. Хуллас, унинг фалсафий таълимоти бир томондан, прагматизм билан ва иккинчи томондан, позитивизм билан чатишиб кетади. Жеймс ҳақида шу нарсани таъкидлаш лозимки, у фалсафага руҳият орқали киради. Табиийки, унинг фалсафий таълимотида инсон руҳий фаолиятининг табиатини тадқиқ қилишга уриниш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун Жеймсни фалсафий муаммолардаги обьектив мазмундан кўра субъект билан боялиқ бўлган томонлари, биринчи галда кишининг сезгилари кўпроқ қизиқтиради. Бироқ Жеймс: «Сезгилар қаердандир пайдо бўлиб бизга мажбуран берилади», — деб айтади. Сезгилар реалликнинг ёки оламнинг маълум бир қисмини ташкил этади. Бундан куриниб турибдики, Жеймс мазкур мулоҳазалари билан Э. Мах фалсафасига яқинлашади.

Прагматизмнинг яна бир намояндаси Ж. Дъюи (1859—1952)дир. Дъюи фалсафаси учун марказий муаммо — «тажриба» тушунчасидир. Бироқ у «тажриба» тушунчасига бирон бир арзигулик аниқ таъриф бермайди, «тажрибани» ҳаёт тушунчалиси билан айнанлаштиради. У «тажриба»да учрайдиган тушунчалар асосида нима ётади, деган саволга онг мазмуни-

ни ташкил этувчи нарсалар бұлса керак, деб жавоб беради.

Дъюи ва умуман прагматизм учун характерли томон шундаки, улар илмий билишда тажрибага катта эътибор беришади. Дарҳақиқат, воқеликни билишда тажриба катта аҳамиятга эга. Бироқ бу тажрибани амалга ошириш йүллари, усуллари ҳам муҳимдир. Тажриба күр-күрона тарзда олиб борилиши ёки маълум аниқ далилга асосланиши керакми? Бу — муҳим аҳамиятга эгадир. Дъюи фалсафасида бу масала очиқ қолади. У тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборни қаратади. Дъюи қарашларининг ижобий томони шундаки, у демократик тарзда, яъни ҳар қандай шахсни обрўйисиз, ёхуд қандайдир тажрибагача бўлган уйдирма тушунча ва усулларни ишлатмасдан, тажрибани ҳаётнинг барча соҳаларига дадиллик билан татбиқ этишга, унинг янги қирраларини очишга даъват қиласиди.

«Прагматизм» асл маънода фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. «Фойда» тушунчаси прагматизмда «тажриба» ёки «амалиёт» тушунчаси билан айнанлаштирилади.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий муҳитининг мевасидир. У АҚШдаги иқтисодий, маънавий эҳтиёжларга хизмат қиласиди ва уларнинг манфаатларини информалайди.

Прагматизм маълум даражада эркин бозор иқтисодиётининг фалсафаси ҳамдир. У бизнес учун, жумладан, ҳар қандай «фойдали» фаолиятни ташкил этиш учун қулай бўлган методологик қурол сифатида Америка ишбилармонлари, менеджерлари, сиёсатдононлари ва давлат арбоблари ўртасида кенг ёйилган.

XX асрда кенг тарқалган фалсафий таълимотлардан бири экзистенциализмдир.

✓ Экзистенциализм лотинча «экзистенция» ёки инглизча «экзистенсе» сўзидан олинган бўлиб, «мавжудлик», «мавжуд бўлмоқ», деган маънони англатади. Экзистенциализмнинг ватани дастлаб Россия бўлган (Бердяев, Шестов). Бироқ биринчи жаҳон урушидан сунг экзистенциализм Германияда бирмунча кенг ривожланди. Бунда Хайдеггер, Ясперс ва Бубер каби йирик немис файласуфларининг ҳиссаси катта бўлди. Экзистенциализм асл маънода XX аср маънавий ҳаётнинг эҳтиёжларига жавоб сифатида юзага келди ва ри-

вожланди. Айтиш керакки, XX асрда содир бўлган тушкунлик ҳам, парокандалик ҳам, кутарилиш ва технологик тараққиёт натижалари ҳам экзистенциализм фалсафасида кўзгудек акс этди.

Экзистенциализм фалсафаси ута зиддиятли ва мурракаб булиб, унда турли-туман фалсафий таълимотларнинг унсурлари мужассамлангандир. Масалан, экзистенциализм таълимотида, бир томондан, Аристотель, Къеркегор, Паскал фалсафий қарашларининг айрим томонлари ифодаланган бўлса, иккинчи томондан, Ҳегель, Ницше, Достоевский таълимотларидан айрим элементлар ҳам қабул қилиб олингандир. Экзистенциализмнинг ичидаги атеистик (Сартр, А. Камю, Хайдеггер, Мерло-Понти) ва диний (Марсель, Ясперс, Шестов, Бубер, Бердяев) томонлари ҳам мавжудлиги унинг зиддиятли эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, экзистенциализм таълимотида Гуссель феноменологияси, француз персонализми (Лакруа, Мунье, Недонсель), немис диалектик теологияси (Тиллих, Бультман)-нинг таъсири ҳам сезиларлидир.

Экзистенциализм таълимотининг ўзагини «мавжудлик» ёки «мавжуд бўлмоқ» категорияси ташкил этади. «Экзистенция», деганда экзистениалист файласуфлар кишининг ҳар лаҳзада ҳаёт ва ўлим бусафасида кечадиган ички кечинмалари ёки «борлиқда мавжудлик» жараёнини тушунишади. «Борлиқ» экзистенциалистлар фикрича, на «объект»га, на «субъектга» бўлинувчи, бевосита идрок этилувчи нарсадир.

Анъанавий фалсафадан фарқли ularoқ, экзистенция қилувчи мутафаккир воқеликка субъектив тарзда қарashi, яъни воқелик фақат унинг индивидуал мавжудлиги ва эмоционал (эҳтиросий) ҳаёти орқали қандай акс этса, унга худди шундайлигича қараш керак, деб тан олади.

Борлиқ деганда экзистенциалистлар субъектнинг ўз мавжудлигини ҳис этишни тушунадилар.

Фарб адабиётида экзистенциализмни эркинлик фалсафаси, деб юритадилар. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликада, ташвишда, ёлғизликда намоён булади. Таҳлика, ёлғизлик, масъулият онгимизнинг сифатини ташкил қиласи, чунки бу сифат соф ва оддий эркинликнинг ўзидир (Сартар), инсон ёлғизликда ўзлигини англайди.

Хуллас, экзистенциалистлар фикрича, киши ўзининг «экзистенциясини» (мавжудлигини) чуқур маъна-

вий зиддият, руҳий тушкунлик ҳолатидагина англай олади. Экзистенциянинг бу хусусиятини улар замон орқали ифодалаб, унга чекланганлик хослигини таъкидлашади, яъни «улим» мавжудликнинг сунгги нуқтаси ёки чегараси, деб эълон қилинади. Бироқ экзистенциалистлар шунинг билан бирга, физик вақт билан экзистенциалистик вақт уртасида сифатий фарқ борлигини ҳам курсатиб ўтишади, яъни агар физик вақт фақат чексиз миқдорий ўзгаришлар билан характерланса, экзистенциалистик вақт миқдорий ўзгаришлардан ташқари сифатий ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади, дейишади. Демак, экзистенциалистлар вақтда келажакка йўналиш хусусиятини ҳам тан олишади. Бу хусусиятни улар «лойиҳа», «орзу», «умид» каби шахсий-тариҳий тушунчалар билан боғлашади.

Экзистенциалистлар макон, вақт, борлик, индивид муаммоларидан ташқари, трансцендентлик (яъни, индивиднинг ўзининг ички кечинмалари чегарасидан четга чиқиши), эркинлик, алоқа, ижод масалалари билан ҳам шугулланишади. Мазкур масалалар буйича экзистенциализмнинг юқорида эслатиб ўтилган диний ва атеистик куринишларининг қарашлари бир-биридан фарқ қиласди.

Шундай қилиб, экзистенциализм фалсафасининг моҳияти қуидагиларда кўринади:

1. Экзистенциализм инсон хақидаги фалсафадир. Ижтимоий-сиёсий соҳада эса экзистенциалистларнинг қарашлари бир-бирига қарама-қаршидир. Масалан, Жан-Пол Сартр ва Камю француз қаршилик курсатиш фронтининг иштирокчилари бўлса, Ясперс, Марсел каби намоёндаларнинг дунёқарашлари ўта либерал характерда бўлган. Маълум даражада Сартр, Камю ва бошқа экзистенциалистларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Францияда «Янгича сўллар» фалсафий йўналишига катта таъсир курсатган (зуравонликни, чекланмаган эркинликни тарғиб этиш). Ясперснинг қарашлари герман фашизмининг foявий байроби бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Ўрни келганда шу нарсани таъкидлаш лозимки, айрим экзистенциалистлар (масалан, Жан-Пол Сартр) фалсафий фаолиятларининг сунгги даврларида, гарчи ўз таълимотларидан воз кечишимаса-да, маълум даражада пушаймон бўла бошлашган. Масалан, экзистенциализмнинг зўрликни оқлаши, кишининг мазкур ҳолатда маънавий жавобгарлик ҳиссидан «озод» булиши

ҳақидаги қарашлари уларни шубҳага солған. Экзистенциализм қанчалик оммавийликка интилмасин, у ҳам қатор «изм»лар каби тарихан чекланган фалсафий йүналишдир.

2. Экзистенциализм фалсафасида ижобий томонлар ҳам мавжудлигини күрсатиб ўтмоқ лозим. Буни айниқса Жан-Пол Сартрнинг бадиий ижодида кузатиш мумкин.

Жан-Пол Сартр йирик француз публицисти, драматурги ва жамоат арбоби сифатида мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. У фаолиятини 30-йилларда кечган даврида кўпроқ субъективист, феноменолог сифатида ижод қилган бўлса, иккинчи жаҳон урушида фашизмнинг инсониятга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлари унинг кўзини очди. Натижада, у индивидуал экзистенциянинг ҳолати ташқи муҳитга, жамиятдаги ҳукмрон сиёсатга, мафкурага ҳам боғлиқ эканлигини англаб ета бошлайди. У 1946 йилдаги бир маърузасида экзистенциализм — бу гуманизм, деб эълон қилди. Унинг бу чиқиши тушкунликни тарғиб этувчи экзистенциалистлар қарашларига зид эди. Қатор асарларида, жумладан, «Пашша» номли пьесасида у гуманизм руҳида бўлган ижтимоий масъулият ҳақида бадиий образ яратди.

Жан-Пол Сартр ҳаётининг кейинги даврида тинчлик учун, уруш хавфини йўқотиш, ҳалқлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилиши учун курашди, гуманизм тарафдори бўлиб фаолият кўрсатди. АҚШни Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларини атом бомбаси ёрдамида яксон қилиши уни чуқур ўйга толдирди, инсониятни ҳар бир миллат, ҳалқ учун, уларнинг яшави учун маънавий масъулияти борлиги ҳақида гапиришга ундали, у «мавжудлик» фақат индивиднинг тор чегарадаги мавжудлигинигина эмас, балки жамият, инсоният доирасидаги мавжудлиги билан ҳам боғлиқ эканлигини англади. Шундай қилиб, Жан-Пол Сартр фаолиятининг кейинги даврларида гуманист — ватанпарвар сифатида танилди.

ХХ аср фалсафасида диний оқимлар ҳам салмоқли мавқега эга бўлган. Улардан бири — неотомизмдир.

✓ Неотомизм XIII аср италян файласуфи Фома (Томазо) Аквинскийнинг (1225—1274) фалсафий-диний таълимоти бўлган томизмни XX аср воқелиигида тиклашга уринувчи фалсафадир. ✓

Неотомизмнинг маънавий ва сиёсий ҳомийси Рим католик черкови ва унинг марказий ҳокимиияти Вати-

кан ҳисобланади. Неотомизм аслида ўтган асрда куртак ёза бошлаган эди. Ҳатто Рим папаси Лев XIII 1879 йили неотомизмни Рим католик черковининг расмий мафкураси деб ҳам эълон қилди. Неотомизмнинг тарафдорлари фоятда кўпчиликни ташкил қиласди. У асосан Италия, Англия, Франция, Испания, Польша, Скандинавия ва шунингдек Лотин Америкаси мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, айрим маълумотларга кўра 600 млн. дан зиёд кишини бирлаштиради. Неотомизм тарафдорлари Белоруссия, Украина ва Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам учрайди.

Неотомизмнинг асосий қўзга қўринган вакиллари Францияда Э. Жилсон, Маритен, Италияда У. Падовани, Ф. Олджати, К. Фабро, Германияда А. Демф, И. Лоц, М. Грабман, В. Бруггер, Белгияда эса Д. Мерсье, А. Дондейн, Л. де Реймекер, Ван Стенбергенлар ҳисобланади.

Неотомизм таълимотига кўра, илм ва диний эътиқод бирликда бўлади. Диний эътиқод ва илмий билимлар бир-бирлари билан тўғри бирлаштирилса, улар бир-бирига зид келмайдигина эмас, балки бир-бирларни тўлдиради ҳам дин ва илм аслида битта мақсадга олиб борувчи икки йўлдир. Мазкур мақсад тарзида неотомистлар худони билишни, уни танишни назарда тутишади. Эътиқоднинг манбаи, неотомистлар фикрича, худонинг амридир. Инсон ақлий билишининг манбаи эса унинг тафаккуридир. Агар барча дунёвий нарсаларнинг, жумладан инсоннинг «яратувчиси» худо бўлса, демак, уни тафаккури ҳам Оллоҳ томонидан ҳадя этилган. Шунинг учун инсон ақл-заковатининг ягона мақсади — худонинг марҳаматини англаш, уни билишдир. Фалсафа ҳам бундан мустасно эмас. Фалсафа ва диннинг ўзаро муносабати хусусида неотомистлар «фалсафа — илоҳиятнинг хизматкоридир», деб таъкидлашади. Бундан куриниб турибдики, неотомистлар фалсафани дин билан боғлашга уринадилар, уни илоҳиётга хизмат қилдирмоқчи бўладилар. Бу уринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги замон ислом таълимотида динни илим билан боғлашга, табиий-илмий кашфиётларни исломий ақидалар билан асослашга уриниш ҳоллари ҳам кучайиб бормоқда.

Неотомистлар моддий реаллик билан бир қаторда, руҳий реалликни ҳам тан олиш лозимлигини талаб қилишади. Неотомистлар фан ва динни бир-бирига мослаштирадар эканлар, христианликнинг фақат католик

мазҳаби принципларинигина асос қилиб олишади. Неотомистлар илмий билишнинг чегараси бор деб айтишади. Уларнинг фикрича, илмий билишнинг мазкур чегараси табиатдаги нарса ва ҳодисалар оламидир. Илмий билиш учун диний ақидалар табиати қоронгидир. Чунки диний ақидалар инсон ақлий билимидан юқоридир. Шунинг учун ақлий билиш диний эътиқодга нисбатан қуий босқичдир. Инсон ақл-заковати худони билишга қодир эмас. Инсон фақат у яратган моддий оламнигина била олади. Моддий олам ҳодисаларини билиш орқалигина инсон «яратгучи»нинг қурдати ва иродасини била олади.

Неотомизм фалсафаси шу кунларда ҳам барҳаётдир. У XX аср фалсафа оламида прагматизм, экзистенциализм каби катта таъсир кучига эга.

XX асрда кенг тарқалган фалсафий таълимотлардан яна бири неопозитивизмдир.

Неопозитивизм, яъни янги позитивизм, XX аср фалсафасининг фарб мамлакатларида энг кенг оммалашган ва илмий-маънавий муҳитда катта таъсир кучига ва мавқеига эга бўлган фалсафий оқимдир.

Неопозитивизмнинг ғоявий отаси кўзга кўринган Австралиялик мантиқшунос ва физик олим Мориц Шлик (1892—1936) ҳисобланади.

Неопозитивизмнинг расмий шаклланиши 1920 йилларнинг бошларига туғри келади. Вена университетининг кўзга кўринган математиклари, физиклари, социолог ва иқтисодчилари Мориц Шлик раҳбарлигига, «Вена тугараги» деган уюшмани тузишади. Бу тугаракда бирорта ҳам профессионал файласуф иштирок этмаса-да, улар ўша даврнинг фани учун умумий бўлган методологик муаммолар билан шуғулланишган. Улар кўтариб чиққан методологик муаммолар Австриядагина эмас, балки қатор Оврупа мамлакатларида, ҳаттоқи Америка Қўшма Штатлари илмий зиёлilarининг ҳам диққатини ўзига тортади. Дастрлаб унинг қатнашчилари ўз қарашларини «мантиқий эмпиризм», «илмий эмпиризм» ва «мантиқий позитивизм», деб аташади. «Эмпиризм» дейишга сабаб шунда эдики, улар билишимнинг чегараси фақат «тажриба» орқалигина маълум бўлади дейишади «Позитивизм» дейишларининг сабаби — улар Max, Пирсон ва бошқаларнинг қарашларини асос қилиб олишларидадир. «Мантиқий» дейишларининг сабаби эса улар эмпирикларнинг кўпчилигидан фарқ қилган ҳолда XX асрда «мантиқий тафаккур»да

содир бўлган инқилобга катта аҳамият беришганларидадир. «Илмий» дейишиларининг сабаби эса улар фақат илмий методларнигина тўғрилигини тан олишади. Уларнинг фикрича, фақат фан методларигина ташқи олам ҳақида тўғри маълумот берга олади.

Тўгаракнинг шаклланишига айниқса Л. Витгенштейннинг таъсири катта бўлди. Унинг 1921 йилда ёзилган «Мантиқий-фалсафий рисола» номли асари неопозитивизм фалсафасининг мазмунини ифодалаб берган эди.

Неопозитивизмнинг фалсафий таълимоти моҳиятига келсак, у асосан уч кўринишда намоён бўлади. Биринчи кўриниш — «мантиқий позитивизм» номи билан машҳур бўлиб, «Вена тўгараги»нинг илк шаклланиши даврлари билан боғлиқдир. «Мантиқий позитивизм»нинг маъноси ўндақи, неопозитивистлар XIX аср охири ва XX аср бошларида шакллана бошлаган янги фан соҳалари — математик мантиқ, семиотика ва бошқа формал фан соҳаларига ортиқча баҳо беришади. Уларни фикр юритишининг мантиқи таҳминан қўйидаги-ча: агар инсон билиши тафаккур асосида содир бўлса, демак, у тушунчалардан фикрлаш воситаси тарзида фойдаланади. Тушунчалар эса нарсаларнинг тимсоллари, белгиларидир. Билишнинг асосий мақсади мазкур тимсолларнинг маъносини аниқлашдан иборатдир. Неопозитивистларнинг намоёндалари Р. Карнап ва Г. Рейхенбах курсатишича, тафаккур киши тажрибасига ижодий эркинлик бағишлийди. Бунинг натижасида тафаккур оламда мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақида ҳам тушунча яратиши мумкин. Бу билан улар айрим дедуктив фанлар, жумладан, математиканинг ижодий имкониятларига катта баҳо бериб юборишади.

«Мантиқий позитивизм»нинг асосий гносеологик хатоси ўндан иборатки, улар математика ва мантиқ фанлари ишлатадиган символ ва белгиларни кишининг ҳиссий тажрибасидан бутунлай ажратиб қарашади. Ҳар бир белги, символ остида инсоннинг ҳиссий-мантиқий фаолияти (амалиёт) ётганини англашмайди.

Улар математика ва мантиқ фанларини фалсафа фанидан устун қўйишга интиладилар, яъни улар фалсафа абстракт тушунчалар асосида эмас, балки илмий билиш, тушунча ва символларнинг мантиқий таҳлили билан шуғулланмоғи керак деб даъво қилишади. Шундай қилиб, «мантиқий» позитивистлар фалсафанинг дунёқараш ва методологик вазифаларини инкор эти-

шибгина қолмай, умуман фалсафани мантиқ ва математикага «қурбон» қилишади.

Неопозитивизмнинг яна бир куриниши «лингвистик таҳлил» фалсафаси номи билан машҳурдир.

Неопозитивизм фалсафасининг мазкур куриниши тахминан XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлади. «Лингвистик таҳлил» фалсафаси асосан Англияда, шунингдек АҚШда шаклланди.

«Лингвистик таҳлил» фалсафаси «мантиқий позитивизм» фалсафаси билан анча яқин бўлиб, методологик нуқтаи назардан битта асосга эга. Агар «мантиқий позитивизм»да неопозитивистлар асосий эътиборни тимсол ва белгиларни мантиқий зиддиятларидан (яъни фалсафий абстракциялардан) халос этишни, илмий билишни математик мантиқ ва математика тамойиллари каби ихчам ва аниқ атамаларга кўчиришга даъват этишган бўлса, «лингвистик таҳлил» фалсафасида эса улар илмий «тил»ни кундалик турмуш «тили» даражасига яқинлаштиришни асосий мақсад қилиб кўйишади. Бу билан гўёки тадқиқ этиладиган обьектнинг бевоситалигини унинг кўргазмалиги билан, яъни ҳиссий образи билан яқинлаштиришга эришилар эмиш. Бундай майл умуман нафақат неопозитивизм, балки экзистенциализмга ҳам хос нарсадир. Илмий (назарий) билиш билан кундалик (эмпирик) билиш ўртасидаги фарқни йўқотиш, илмий тушунчалар табиатини кундалик турмуш онги (ёки тили) тушунчалари даражасига туширишга уриниш «лингвистик таҳлил» фалсафасига хос хусусиятдир. Буни соддароқ баён қилиш учун Л. Витгенштейн «тил — ўйиндир», деб айтади. Бу «ўйин», гўёки «лингвистик белги»лар ёрдамида амалга оширилар эмиш. Агар «мантиқий позитивист»лар илмий тилдан ҳар қандай онтология (борлик ҳақидаги тушунчалар)ни ва фалсафани чиқариб ташлашга, илмий билишни математик символлар тилига ўтказмоққа уринишган бўлса, «лингвистик таҳлил» тарафдорлари эса «илмий тил»ни «кундалик турмуш тили» даражасига тушириш, уни мавҳум табиатга эга бўлган тушунчалардан «холос» қилишни асосий мақсад қилиб олишади. Масалан, «лингвистик таҳлил» фалсафасининг вакили Ж. Остин кундалик турмуш тилидан ҳар қандай фалсафий тушунчаларни чиқариб ташлашга ундар экан, инглиз тилидаги «ўйламоқ», «идрок этмоқ», «кўрмоқ» каби сузлар устида ўйлаб куришни таклиф қиласди. Бир сўз билан айтганда, «лингвистик таҳлил» фалсафаси вакиллари-

нинг асосий мақсади илмий ва кундалик билиш соҳасидан ҳар қандай фалсафани суреба чиқаришидир.

Умуман олганда, неопозитивистлар XX аср фанида содир булган радикал (туб) узгаришларни, янгича илмий тафаккур услубини фан ва техникавий ижодиётда ўрнатилишини уз фалсафий қарашлари асосида талқин қилишади.

Неопозитивизмнинг яна бир кўриниши конвенционализм ва физикализмдир.

✓ Конвенционализмнинг маъноси шундан иборатки, унда гўёки илмий тадқиқот учун қўлланиладиган атамалар «конвенция» (яъни келишув, шартлашув) ёрдамида фанда буткул «эркин» қабул қилинади, деган тезис асосий тамойил қилиб олинади. Масалан, логиканинг бошланғич символлари орқали ёки математик аксиомалар ёрдамида умуман янги натижаларни олиш мумкинлиги конвенционализм учун асос қилиб олинади. Бунинг устига, айрим назарий хуносалар математика ва математик мантиқда турлича теоремалар ва аксиомалар ёрдамида турли йўллар билан олиниши факти конвенционалистлар томонидан янгича талқин қилинади. Гўёки бундай илмий билимлар олишнинг бошланғич тушунчалари батамом шартли булиб, улар олимлар ўртасида маълум келишув орқали яратилар эмиш.

✓ Физикализм эса XX асрнинг 20-йилларининг охири ва 30-йилларда пайдо булди. Унинг вакиллари асосан йирик австриялик физиклар Р. Карнап, О. Нейрат, Г. Фейгл, Ф. Франк ва А. Айер (инглиз математиги) кабилар ҳисобланади. Физикализм таълимотининг асосий маъноси шундан иборатки, гўёки қандайдир универсал тил ёрдамида барча фанларни бирлаштириш мумкин. Бундай универсал тил вазифасини, физикалистлар фикрича, фақат математик, физика фани бажара олади. ✓ Физикалистлар 30-йилларнинг ўрталарида Оврупадан АҚШга кўчиб утишади ва Американинг Беркли, Чикаго ва бошқа университетларида уз тадқиқотларини ривожлантириб, ҳаттоқи «Умумлаштирилган билимлар қомуси»ни яратишга ҳам уринишади. Бироқ бундай орзуласар тўла амалга ошмади. Улар бир неча мақолалар эълон қилиш билан чекланадилар. Чунки, улар ўз хуносаларини асослашда субъект учун қулай ва маъқул булган тил воситаларининг бирлигидан келиб чиқишидади. Хуноса қилиб айтганда, физикалистлар конвенционалистлар каби воқеликни формал

акс эттиришга катта эътибор беришади, ҳар қандай расмий тизимни, жумладан илмий назариянинг обьектив мазмунини ўзларича баҳолаб, инсон билиши билан боғлиқ булган турли воситаларга баҳо бериб, уларни мутлақлаштирадилар.

Шундай қилиб, неопозитивизм қандай кўринишга эга бўлмасин, уларнинг моҳияти бирдай булиб қолаверади, яъни неопозитивистлар ўзларича қандайдир ижобий характерда бўлган оралиқдаги фалсафий таълимотни яратмоқчи булишади.

Неопозитивизмнинг ижобий томонлари ҳам эътиборга сазовордир. Бу, биринчи галда, улардаги хурфикрлилик, илмий билишнинг янги томонларини қидиришга уринишларида, анъанавий методлардан четга чиқишига ҳаракат қилишларида кўринади. Неопозитивизм тарафдорларининг бундай уринишлари зое кетмади. Фарб илмида бундай методология таъсирида кибернетика, генетика, семиотика, ахборот назарияси, бионика каби турли фан тармоқлари вужудга келди. Мантиқий позитивизм, лингвистик таҳлил фалсафаси автоматика, телемеханика ва компьютерсозликка катта ҳисса қўшди, башарият олдида инсон ақлий фаолиятини моделлаштириш ва формаллаштириш мумкинлиги ҳақидаги муаммоларни келтириб чиқарди ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишга ёрдам берди.

Неопозитивизм ва семантиканинг мантиқ, лингвистика, математик мантиқ соҳасидаги фикрлари анча фойдали эканлиги исботланди. Бу ерда фан ва фалсафанинг аниқликка, бир маъноликка интилиши ўз ифодасини топган. Неопозитивизм вакиллари фан соҳаларида анча фойдали натижаларга эришганлар. Улар гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасига илмий-техник инқилоби ютуқларини киритишда анча ишлар қилдилар. Гуманитар, умуман инсон тўғрисидаги фанларнинг математикалашуви, формаллашувида уларнинг катта ҳиссалари бор.

Неопозитивистларнинг кўпчилиги гуманизм, демократияни ёқлаб, авторитар ҳокимиятни, тоталитар давлатларни танқид қилдилар. Масалан, машхур инглиз мутафаккир олими Б. Рассел изчил равишда тинчлик ва демократияни тарғиб қилган ва унга эришиш учун курашган файласуфdir.

Непозитивист К. Р. Поппер тоталитаризмга қарши курашиб, совет тузуми давридаги «ёпиқ жамият»ни,

Сталин репрессияларини ўз вақтида танқид қилган эди.

✓XX аср фалсафий таълимотларида Герменевтика деб номланган йўналиш ҳам шаклланди.

«Герменевтика» юонча сўз булиб, «изоҳлайман», «тушунтираман», деган маънени беради. Герменевтика афсонавий юони худоси Гермес номидан олингандир. Ривоятларга кўра, худо билан осий бандалар ўртасидаги мулоқотни амалга оширувчи, худо иродасини одамларга етказувчи маҳсус кишилар бўлган эмиш. Қадимги юони файласуфи Платон шу хусусда тұхталиб, ўзининг «Ион» номли диалогида худоларнинг иродасини изоҳловчи кишилар — бу шоирлар деб ёзди. Хуллас, уша даврларда кохинлар айнан ушандай «талқин қилувчи» вазифани бажаришган. Оддий кишилар тушунмайдиган ёзувларни (масалан, Таврот ва ҳ. к.) маъносини изоҳловчи киши «герменевист» ҳисобланган.

Ҳозирги замон фалсафий герменевтикаси ривожланиши ва XX асрнинг етакчи фалсафий таълимотларидан бирига айланишининг туб гносеологик сабаби техниканинг жуда катта ютуқларини мантиқий талқин қилиш муаммолари билан бөлгиләйдир. XX асрга келиб инсон тафаккури макрожисмларни билишдан микророжисмларни ҳам билиш босқичига ўтди. Фан мантиқи ва методологияси ўзгарди, янгича меъёр, идеал ва парадигмаларга эҳтиёж сезилди. Кишининг воқеликни инъикос эттириши билан боғлиқ бўлган бу жараёнда илмий символ ва белгиларнинг маъноси (семантикаси), уларга инсоннинг муносабати (прагматика) масаласи тобора илмий билиш соҳасида кескин қилиб қўйила бошлади. Иккинчи томондан, давримизнинг навқирон фани — кибернетиканинг тараққиёти қатор лингвистик, мантиқий, механик, психологик, техник ва ахлоқий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Инсон ахлоқий фаолиятини моделлаштириш, инсон мияси вазифасининг техниқавий андозасини яратиш, машина билан инсон мулоқотини ташкил этиш муаммолари шулар жумласидандир.

Герменевтика шу маънода XX аср илмий ва техниқавий тараққиётида тасодифий ҳодиса бўлмай, мазкур тараққиёт тақозосидан келиб чиққандир.

Герменевтика узоқ тарихий ўтмишга, тарихий ривожланиш босқичларига, ҳал этилувини кутиб турувчи қатор муаммоларига эга. Электроника, микроэлектро-

ника, компьютерсозликнинг ривожи, информацион жамият ва маданият тараққиётини герменевтика ютуқларисиз тасаввур этиш қийиндир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, герменевтика масалалари психологлар, мантиқшунослар ва файласуфлар томонидан кейинги ўн йилликда кенг тадқиқ этилмоқда.

XX аср 80 ва 90-йиллари Farb фалсафаси ҳақида гапирганда, бу даврнинг, яъни шу кунларнинг етакчи ижтимоий таълимотлари устида ҳам тұхташ лозим бұлады. Яқин кунларгача йирик Farb социологлари У. Ростоу, А. Тойнби, Ж. Белл, Г. Маркузе, О. Хаксли, Ж. Оруэл ва А. Тоффлернинг назариялари ғайриилмийлик да айбланиб келинар эди. Күплаб мамлакатлар мустақил тараққиёт йўлига ўтиши Farb технологиясигагина эмас, балки маънавий ютуқларига ҳам қизиқиш уйғотди. Farb ва Шарқ мамлакатлари, халқлари ўртасида яқинлашув бошланди. У. Ростоунинг 60-йилларда машҳур бўлган «конвергенция», яъни капитализм ва социализмнинг баъзи томонларини бир-бирига қўшиш мумкинлиги ҳақидаги назарияси маълум даражада исботлана бошлади.

Айтиш керакки, Farb фалсафаси умуминсоний фалсафий мероснинг фақат бир томонидир. Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг XX аср фалсафаси биз учун ҳали очилмаган қурик ҳисобланади. Демократияга, умуминсоний қадриятларни урганишга интилиш эҳтиёжи, шубҳасиз, XX аср фалсафаси ҳақида тұлароқ тасаввур олиш имкониятини яратмоқда. Бироқ, бу имкониятлар, мавжуд манбалар ҳозирги шарқ мамлакатларида ривожланган фалсафий таълимотларни чуқур ва атрофлича урганиш учун етарли эмас.

XX аср рус фалсафаси ҳам ўта мураккаб даврларни бошдан кечирди.

Россияда XX аср фалсафасида диний оқимлар билан бирга табииёт илми билан боғлиқ ҳолда космизм ҳам кенг тарғиб қилинган эди. Рус космизмиде инсон ва космос бирлиги, инсоннинг космик табиати ва инсон фаолиятининг космик доираси тан олинарди. Олимлардан Н. Ф. Федоров, В. С. Соловьев, Н. А. Умов, К. Э. Циолковский, В. И. Вернадский асарларида бу масалалар чуқур баён қилинган.

Россияда XIX аср охири ва XX аср бошларидағи фалсафий қарашлар тараққиётига марксча фалсафа ҳам таъсир курсатди.

Россияда марксизм фалсафасини тарғиб қилишда В. Г. Плеханов катта роль уйнади. Аммо марксизм фалсафасининг кейинги тақдиди асосан В. И. Лениннинг назарий ва амалий фаолияти билан боғлиқдир.

Гап шундаки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижтимоий ҳаёт соҳасидаги каби табиат илмида ҳам муҳим силжишлар бўлган эди. Рентген нурлари, радиактивлик ҳодисаси, электронларнинг очилиши фақат табиат фанига тааллуқли бўлмай, балки бу кашфиётлар бир қанча муҳим фалсафий муаммоларни ҳам қайта кўриб чиқиши тақозо этарди.

Янги тарихий давр ва табиат илми тараққиётининг янги босқичи билан тақозо қилинган бу вазифаларни бажаришга уриниб, В. И. Ленин бир қанча асарлар ёзди. В. И. Ленин материя ва онг тұғрисидаги марксча таълимотни асослаб беришга уринди, инъикос назарияси, билиш жараёнида амалиётнинг роли, онгнинг ижодий фаоллиги ва шунга үхшаш масалаларни таҳдил қилишга ҳаракат қилди. Аммо фаннинг назарий муаммоларини ўта сиёсийлаштириш табиатшуносликнинг кўплаб ютуқларини холисона умумийлаштиришга имкон бермади.

Ленин ўз асарларида тарихни материалистик тушунишнинг бир қанча муаммоларини, хусусан, тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятлари, моддий бойликлар ишлаб чиқариш ижтимоий тараққиётнинг асоси эканлигини, тарихда халқ оммаси ва шахснинг роли тұғрисидаги ва шунга үхшаш бир қанча масалаларни ёритишга ҳаракат қилди. Ижтимоий тараққиётнинг барча масалаларига пролетариат манфаатлари нуқтаи назаридан қараш тарихий жараёнларни сохталаштиришга олиб келди.

Ленин меросида фақат ўз даврига тегишли бўлган, тарихда тасдифини топмаган масалалар ҳам мавжуд. Айниқса фалсафанинг синфийлиги, партиявийлиги масаласи бир томонлама бўрттириб юборилганлиги умуминсоний қадриятларга айланган жаҳон фалсафий меросига, жумладан, Farb ва Шарқ фалсафасига нисбатан хотүгри муносабат шаклланишига олиб келди. Лениннинг миллий масала ва миллий муносабатларга оид асарларида ҳам кўп ўта сиёсийлаштирилган томонлар мавжуд.

В. И. Ленин вафотидан кейин унинг фалсафий мероси атрофидаги қураш масаласи адабиётда анчагина кенг ёритилган бўлсада, бу соҳада ҳам анчаги-

на мунозарали томонлар мавжуд. Сталин шахсига сифиниш даврида жамият тараққиётига оид кўп фактлар сохталаштирилган, воқеалар бузиб ёритилган эди. Социализм қуриш ишидаги бузилишлар, иқтисодий, социал-сиёсий, маънавий соҳадаги сохталиклар фалсафа соҳасида ҳам ўз ифодасини топди.

30—40 йилларда ташкил топган иқтисодий жараёнлар, сиёсий ташкилотлар ва уларнинг фаолияти ижтимоий онгда, илмда социализмнинг асосий мөҳиятини ташкил этувчи характерли томонлари қилиб кўрсатилар ва мутлақлаштирилар эди. Бу хulosалар эса ижтимоий фанларга баҳслашиб бўлмайдиган дорма сифатида киритилиб, назарий фикрни ижодий тараққий эттиришга тусиқ бўлиб қолди. «ВКП(б) тарихи қисқа курси» ва унинг «Диалектик ва тарихий материализм», деб аталган туртинчи боби бунинг яққол мисолидир. Ана шундай шароитда кимки янги илмий муаммоларни кутариб чиқса, татбиқ қилишга уринса, у социализм душмани деб эълон қилинар эди. Натижада, ижтимоий фан вакиллари орасида социалистик жамиятни танқидий таҳлил қилиш мумкин эмас, деган фикр кенг ёйилган эди.

Шахсга сифиниш даврида раҳбарликнинг маъмурӣ-буйруқбозлик усули, дорматизм ва масаланинг мөҳиятини тушунмай, илм-фан ишларига аралашишдан бошқа фанлар қаторида ижтимоий фанлар ҳам жуда катта зарар кўрди. Бу ерда иккىнчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда қабул қилинган қатор қарорлар нотуғрилигини эсга олиб ўтиш кифоядир (коспомолитизмга, генетикага қарши кураш, биология ва тилшунослик соҳасидаги қарорлар). Тарихдан маълумки, шахсга сифинишни қоралаган КПССнинг XX съездидан сўнг ижтимоий фанларда бир қадар жонланиш бошланди. Воқеликни танқидий таҳлил қилувчи асарлар пайдо бўлди. Лекин кўп ўтмай, яна ижтимоий фанларнинг вазифасини белгилашда буйруқбозлик, уларни бажаришда дорматик усуллар тиқиширила бошланди. Ижтимоий фанлар керакли ахборотлардан маҳрум қилинар, уларнинг тавсиялари эътиборга олинмас, илмий изланиш цитаталарни шарҳлаш билан чекланиб қўйилар эди. Натижада, ижодий изланиш, ҳақиқатга эришиш ўрнига ижтимоий фанлар воқеликни мақтовчи маддоҳга айланниб қолди. Шу жумладан, фалсафа ҳам маъмурий-буйруқбозлик аппаратининг, турғунлик даврининг хизматкорига айлантирилган эди.

Ҳозир ижтимоий фанлар ўзига хос бир даврни бошидан кечирмоқда. Ижтимоий фанлар ва айниқса, фалсафа соҳасида илмий изланишларга бўлган талаб жуда ошиб кетди. Ҳозирги даврнинг долзарб масалалари: мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, сиёсий тизимни қайта қуриш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, миллий муносабатларни такомиллаштириш ва янгича фикрлашни шакиллантириш қаби масалалар янгича илмий таҳлил қилишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, фалсафанинг турғунлик йилларидан ҳаётдан, амалиёт эҳтиёжларидан узоқлашиб қолганлигини, бу ҳол ҳам фалсафага, ҳам амалиётга катта зарар келтирганлигини таъкидлаб ўтмоқ зарур. Ҳозирги давр, янгилашиш ва илмий-техника инқилоби илгари сураётган вазифалар фалсафанинг янада такомиллашиб боришини тақозо этмоқда.

Бошқа фанлар соҳасида бўлгани сингари, фалсафада ҳам ижтимоий амалиёт ва фан далиллари асосида аниқ ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши зарур бўлган анчагина масалалар бор.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги бурилиш даври талабларидан келиб чиқадиган жуда кўп назарий муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда. Республикализ мустақиллигини мустаҳкамлашнинг вазифалари, унинг ўзаро bogлиқ жиҳатлари (сиёсий, иқтисодий, илмий-техника, социал, маънавий-маданий ва руҳий) янада чуқур ва ҳар томонлама фалсафий таҳлил қилинмоғи зарур.

Жамиятимизнинг долзарб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларини илмий таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан асосли тавсиялар, ишончли иқтисодий ва ижтимоий чамалашмалар ишлаб чиқиш тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий фанларнинг ва шу жумладан, фалсафа фанининг ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

III бўлим.

БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1. БОРЛИҚ МУАММОСИННИГ ФАЛСАФИЙ МАЗМУНИ. БОРЛИҚ КАТЕГОРИЯСИ

Фалсафа урганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда марказий ўринни ташкил қиласди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқарааш ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Дарҳақиқат, турли дунёқараашлар ўртасидаги баҳслар борлиқ муаммоси атрофида юзага келаётган тортишувларга, яъни борлиқ азалдан мавжудми, ёки у мутлақ руҳ томонидан яратилганми, деган масалага бориб тақалади.

Хўш, борлиқ узи нима? Нима учун борлиқ тушунчалиси фалсафа пайдо бўлганидан бери файласуфлар эътиборини ўзига жалб қилиб келади? Бу саволларга жавоб бериш учун биз борлиқнинг инсон ва инсонлар ҳаёти билан боғлиқ реал илдизларини ёритишимиз лозим.

Маълумки, қадим-қадим даврлардан бери кишилар ўзларини қуршаб турган табиат ва жамият, инсон ва умуман инсоният ҳақида, хусусан, ўзлари ҳақида ҳам ўйлай бошлаганлар. Улар табиат ва жамият, ўз ҳаётларида содир бўлиб турган турли-туман ўзгаришларни кузатганлар, бу нарсалар улар кўз ўнгига объектив реаллик сифатида гавдаланган: яъни улар бор, мавжуд, лекин вақт ўтиши билан йўқ булади, яъни мавжуд бўлмай қолади; аксинча, баъзи йўқ нарсалар пайдо булади. Шулар асосида кишиларда мавжудлик ва йўқлик ҳақида қарашлар пайдо бўла бошлаган.

Кишилар ўзларининг ҳам дунёга келиши (пайдо бўлиши), яшаши ва ниҳоят, йўқликка айланиши каби жараёнларни кузатганлар, улар ҳақида ҳам ўйлай бошлаганлар. Шулар асосида кейинчалик динларда «бу дунё» ва «у дунё» (нариги дунё), яъни кишиларнинг реал ҳаётлари кечадиган дунё ва вафот этиши билан уларнинг руҳлари борадиган дунё түгрисида тасаввурлар пайдо бўла бошлаган.

Кишилар ўзларининг кундалик тажрибалари асосида фикр юритиб, ўзлари яшаётган дунёning айнан ҳозир мавжудлигига, унинг ўзларидан олдин ҳам мавжуд бўлганлигига, ўзларидан кейин ҳам мавжуд булишига, ўзларининг эса ўткинчи, вақтинча яшаб, сўнг дунёдан ўтиб кетишиларига ишонч ҳосил қила бошлаганлар. Бу ишончлари асосида уларнинг «борлиқ» ва «йуқлик» ҳақидаги қарашлари пайдо бўлади.

Дунёning мавжудлиги, яъни борлиги тўғрисида баҳс юритган файласуфлар бу масалага турлича ёндашганлар: уларнинг баъзилари, дунё аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам мавжуд бўлади, дейишса; бошқалари, дунё аввал мавжуд бўлмаган, у худо ёки руҳ томонидан яратилган; дунёдаги ҳамма нарсаларни, хусусан, инсонни ҳам, худо ёки руҳ яратган, шундан бўён улар мавжуд, дейишган. Учинчи хил мутафаккирлар эса, дунё яралишига худо фақат сабабчи бўлган, холос, у шундан бўён узи мавжуд, узи ривожланади, деган қарашни илгари суришган.

Фан ва амалиёт тараққиёти натижасида дунёning яратилганлиги, унинг фазо ва вақтда чегаралангандиги, чекланганлиги тўғрисидаги олдинги қарашлар астасекин дунёning яратилмаганлиги, чексиз ва чегарасизлиги, шу билан бирга, унинг бир бутунлиги, доимийлиги, абадийлиги тўғрисидаги қарашлар билан алманиниб борган. Бу борада кишилар ўзларининг ўткинчи, вақтинчалик ҳаётлари билан чексиз ва абадий мавжуд бўлган дунёни, ўз даври кишиларининг ҳаёти ва ишлари билан ўзларигача бўлган ва ўзларидан кейин келадиган авлодларнинг ҳаёт ва фаолиятлари ҳақидаги қарашларни таққослаш орқали фикр қилиш натижасида уларда доимийлик ва ўткинчилик ҳақида тушунча ва қарашлар пайдо бўлган.

Дунёning абадийлиги ёки ўткинчилиги, унинг макон ва замонда чекланган ёки чексизлиги тўғрисидаги қарашлар инсоният тарихида дастлаб афсоналар ва диний қарашларда, кейинчалик фалсафа ва бошқа фанларда ифодаланиб, муҳокама қилиниб келинган. Бу муҳокамаларнинг ҳаммаси пировард оқибатда борлиқ муаммосига бориб тақалаверган. Уларнинг барчасининг мантиқий холосаси шуки, дунё доимий, абадийдир. Аммо шу абадий дунёдаги барча нарсалар, турли-туман жонсиз ва жонли организмлар, инсонлар ва уларнинг фаолияти ҳатто, бир бутун жамият ҳам, шубҳасиз, вақтинча, ўткинчидир. Демак, борлиқ абадий, аммо ундаги барча

нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда; бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир турдан иккинчи турга ўтишда, чунки улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Борлиқ муаммосининг бутун илдизи, маъноси ва мазмуни шундаки, бир бутунлик сифатидаги борлиқнинг доимий мавжудлиги ва уни ташкил этган нарсаларнинг табиат, инсонлар, жамият ва уларнинг фаолиятларининг ўткинчилиги зиддиятли бирликни ташкил қиласди. Бундан шу нарса маълум буладики, борлиқ муаммосини фалсафада ўрганиш дунё «ҳозир, шу ерда мавжуд», деган қарашдан бошланиб, бу қарашлар бир бутун дунёнинг чексиз ва доимий мавжудлиги, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг, шу жумладан, инсонларнинг ҳам, вақтинчалиги ва ўткинчилиги туғрисидаги қарашларга томон ривожланиб борган. Бу борлиқ туғрисидаги фалсафий муаммонинг биринчи томонидир.

Борлиқ муаммосининг фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, дунё бир бутун, абадий мавжуд, лекин уни ташкил этган нарсалар ўз мавжудлиги жиҳатидан ҳар хил, ўткинчидир. Бир бутунлик сифатидаги дунё ундаги мавжуд нарсалардан ажралмасдир. Бир жиҳатдан, бу бир бутун дунё билан уни ташкил қилган нарсалар, ҳодисалар ва мавжудотлар ўртасида фарқ бўлса; иккинчи жиҳатдан, дунё ўзини ташкил қилган нарсалар, мавжудотлар билан ажралмас бирликдаги бутунликни ҳосил қиласди. Бундан борлиқ туғрисидаги фалсафий муаммонинг дунёнинг бирлиги масаласи билан боғлиқ бўлган иккинчи томони келиб чиқади.

Кишилар ўzlари фаолият кўрсатадиган дунёда яшар эканлар, ўз фаолиятларида доимийликни ўткинчи нарсалар билан боғлашга, бир бутун дунё билан ундаги ҳар хил нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив муносабатларни билишга киришадилар. Улар ўzlари ҳам дунёдаги турли-туман нарсалардан ва уларда амал қиласиган қонуниятлардан фойдаланган ҳолда турли-туман нарса ва ҳодисаларни янгидан яратиб, улардан ўз ҳаётларида фойдаланадилар.

Шу билан бирга, кишилар ўз кундалик амалий, ижтимоий фаолиятларида дунёдаги нарса ва ҳодисалар билан, ўzlарини қуршаб турган табиат ва жамият билан ҳам муайян муносабатларда бўлиб, дунёдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг баъзилари улар онгидан, хоҳиш-иродасидан ташқарида, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлигига, бошқа нарса ва ҳодисалар эса уларга, улар онгига, хоҳиш ва иродаларига боғлиқ

ҳолда мавжуд булишига ишонч ҳосил қилиб борганлар. Улар бу жараёнда табиат билан жамият, узлари билан узгалар, инсон билан табиат, инсон билан жамият, инсон билан унинг онги, инсон билан инсон, моддий нарсалар билан маънавий нарсалар, тана билан жон (руҳ) уртасида умумий бирлик, алоқадорликларни аниқлаш билан бирга, улар уртасида муҳим фарқлар борлигини ҳам билиб борганлар. Бора-бора улар инсоннинг ўзида ҳам тана билан руҳ (жон), табиийлик билан ижтимоийлик бир-бирларидан ажралмаган ҳолда мавжудлигини, бирлигини ҳам била борганлар. Лекин кишиларнинг борлиқ муаммосини фалсафий англаши уларнинг дунёнинг бирлигини илмий тушуниши эмас, балки унинг зарурӣ асосларини излашдан иборат бўлади. Чунки дунёнинг борлиги унинг бирлиги учун зарур шарт бўлса-да, дунёнинг бирлиги унинг борлиғида эмас эди. Дунёнинг ҳақиқий бирлиги унинг моддийлигидадир, унинг можиятидадир.

Шуни айтиш керакки, борлиқ тушунчаси бунда моддийликдан ташқари маънавийликни ҳам ўз ичига олади. Бу жиҳатдан инсон онги ҳам, барча онгли ва онгсиз фаолиятлар ва онг маҳсулотлари, маънавий-руҳий ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчаси таркибиға киради. Чунки, онг ҳеч қачон англанган борлиқдан бошқа нарса булиши мумкин эмас, кишиларнинг турмуши эса улар ҳаётининг реал жараёнларидир. Бу борлиқ түфрисидаги фалсафий муаммонинг учинчи томонини ташкил этади.

Демак борлиқ кенг маънода энг умумий тушунча сифатида бир бутун дунё ва ундаги нарса ва ҳодисалардан тортиб, инсон ҳаёти, онги, кишилар фаолиятининг барча объектив ва субъектив шароитлари, ҳатто жамиятда содир буладиган бутун жараёнлардан иборат ҳамма реалликларни ўз ичига олади. Борлиқ тушунчаси фалсафий жиҳатдан жуда кенг маънода бир бутун реаллик сифатида тушунилади. Шу сабабли унга, юқорида айтилганлардан ташқари, инсон ҳали ӯзлаштириб, билиб улгурмаган нарсалар, табиат ҳодисалари ҳам, табиат бойликларидан фойдаланган ҳолда инсоният яратган барча нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ҳам, кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ҳам, уларнинг ӯзлари, фикрлари, гоялари, қарашлари; улар яшайдиган жойлар, улар меҳнат қиласидиган корхоналар, ўқийдиган ва ишлайдиган ташкилотлар ҳам, жамиятдаги барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, хуллас,

маънавий муносабатлар ҳам киради. Бинобарин, ҳар бир кишининг ҳаёт фаолияти унинг ўзи учун ҳам, атрофдаги кишилар учун ҳам маълум реаллик ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир киши ўз танаси, ўз руҳига, ўз ўтмиши, бугуни ва келажагига ҳам, бошқа кишиларга ва умуман, бутун жамиятга ҳам маълум реаллик сифатида муносабатда бўлади.

Кишилар, ўз фаолиятларида табиий бойликлар билан бир қаторда маънавий бойликларни ҳам яратадилар. Фалсафада бу моддий ва маънавий бойликлар ҳам алоҳида ўзига хос реаллик характеристига эга бўлган борлиқ сифатида қаралади. Демак, моддий нарса ва ҳодисалар билан бир қаторда, маънавий ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчаси таркибиға киради.

✓ Умуман, борлиқ муаммосини тадқиқ этишда фалсафа кишиларнинг амалий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий, диний ва шулар каби фаолиятларига ва билимларига асосланади. Бунда борлиқ категорияси у билан узвий боғлиқ бўлган «мавжудлик», «реаллик» ва бошқа шулар каби бир қатор фалсафий категориялар ёрдамида ўрганилади. Фалсафа борлиқ тушунчасини энг умумий тушунча сифатида ўзига бошлангич категория қилиб қабул қиласиди. ✓

Лекин борлиқ категориясини фалсафага бундай бошлангич категория қилиб киритишга эътиroz билдирувчилар ҳам мавжуд. Улар борлиқ категорияси нарсаларнинг конкрет хоссаларини ифодаламаслиги сабабли уни фалсафадан чиқариб ташлаш керак, деганояни илгари суради. Бу эътирознинг нотўғрилиги шундаки, фалсафий категориялар нарсаларнинг конкрет белгиларини эмас, аксинча, дунёдаги энг умумий алоқадорликларни, энг умумий томонни, яъни ҳамма моддий ва маънавий предмет ва ҳодисаларнинг реалигини ифодалайди. Баъзилар эса, борлиқ, аввало, мавжудлик орқали ифодаланаар экан, борлиқ категориясини ишлатишга эҳтиёж йўқ, чунки «борлиқ» тушунчаси билан «мавжудлик» тушунчаси айнан бир нарсадир, дейишади. Гап шундаки, борлиқ фалсафий категория сифатида фақат мавжудликнига ифодалаб қолмасдан, балки мавжудликка нисбатан умумийроқ ва кенгроқ мазмунга эга бўлган реалликни билдиради.

Демак, фалсафада борлиқ категорияси дунё, табиат, инсон, жамият, инсон онги, унинг индивидуаллашган ва моддийлашган куринишларининг шунчаки мавжудлигини эмас, балки улардаги умумий характеристига эга

бўлган реалликка хос энг умумий алоқадорликни ифодалайди. Бинобарин, дунё, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзларининг барча хусусиятлари ва хоссалари билан бирликда мавжуд бўлиб, улар ўз реалликлари билан умумий бирликка эгадир, улар ўртасидаги умумий алоқадорлик борлиқ категориясида ифодаланади.

Борлиқ тушунчаси фасафий категория сифатида билишнинг юқори босқичи — абстракт тафаккургагина хос бўлиб, фикрлаш жараёнида кишилар бу тушунча орқали дунёдаги алоҳида нарсалар, уларнинг конкрет белгилари ва хоссалари ҳақида эмас, балки дунёдаги барча нарсалар, воқеа ва ҳодисалар, жараёnlар ўртасидаги энг умумий томон — уларнинг реаллиги ҳақида фикр юритадилар.

Борлиқ категорияси ва унинг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда унинг фалсафада тутган ўрнидан келиб чиқиб, туғри фикр юритиш бизни бир қатор соҳаларда хатоларга йўл қўйишимизнинг олдини олади. Масалан, борлиқни нарсаларга ёки фикрнинг мавжудлигига ўхшатиш уччалик туғри бўлмаганидек, уни фақат моддий нарсаларга нисбатан қўллаш ёки аксинча, уни фақат маънавий нарсалар: соф фикр, ғоялар, фақат онг ва унинг маҳсулларига нисбатан ишлатиш ҳам хатодир.

Борлиқ категорияси фалсафий категориялар ичida бошлангич категория бўлиб, ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги жуда кўп файласуфлар ўз қарашларини бу категория орқали ифодалашади. Шу туфайли фалсафада борлиқ тўғрисида алоҳида таълимот мавжудлиги ҳақидаги масала атрофида қизгин мунозараалар давом этиб келмоқда. Фалсафий адабиётларда борлиқ ҳақидаги таълимот онтология, деб аталиб, ўзининг категориал статусига эгадир, деган фикр кенг қўлланилмоқда.

2. БОРЛИҚНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Борлиқ ўзининг мавжудлик шаклларига кўра хилма-хилдир. Хўш, бу шакллар қандай кўринишларда мавжуд?

Авваламбор, бизни қуршаб турган яхлит, бир бутун дунё, энг умумий борлиқ бўлиб, у қўпдан-кўп реал мавжуд нарсалардир.

Бу нарса ва ҳодисаларнинг ҳар бири ўзига хос, бошқаларида мавжуд бўлмаган томонлар, хусусиятларга ҳам эга. Лекин инсон ўз фаолиятида уларни билиш жараёнида борлиқнинг бу турли кўринишларидан келиб чи-

қиб, умумлаштиришга, гуруҳлаштиришга, муайян яхлит тизимларга бирлаштиришга киришади. Шуни айтиш керакки, бунда инсон якка, айрим нарса ва ҳодисаларни уларга нисбатан қаттароқ бутунликка бирлаштириб, ҳар бир якка, айримликнинг мавжудлик хусусиятига эътибор берган ҳолда, уларнинг борлиқ қуриниши, усули ва мавжуд шароитларидағи ўхшашликлардан келиб чиқиб, уларни турли гуруҳларга, турларга ажратади. Дунёдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисаларни улар борлигининг қуринишларига кўра, турли шаклларга ажратиш ва бирлаштириш кишиларнинг кундалик ҳаётидаги оддий жараёнлардир, чунончи улар ўз амалий фаолиятларида ўzlари англамаган ёки англаган ҳолда, борлиқнинг турли шакллари ўртасидаги умумийлик ва фарқларга, албатта, эътибор берадилар. Борлиқ шаклларини билишда уларни фарқлаш, ажратиш кишиларнинг амалий фаолиятида, дунёни тушунишида мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун фалсафий муаммоларни ўрганиш борлиқ категориясининг мазмунини ўрганишдан, борлиқнинг асосий шаклларини таҳлил қилишдан бошланади.

Шуни айтиш керакки, фалсафада, борлиқнинг шакллари муаммосига турлича ёндашишлар мавжуд, мансалан, материализм ўз эътиборини моддий борлиққа қаратиб, уни бирламчи, белгиловчи, деб ҳисоблади. Идеализм эса, одатда, борлиқнинг маънавий шакллари га алоҳида эътибор беради, у маънавий борлиқ шаклларини бирламчи, белгиловчи, деб эътироф этади.

Ҳозирги фалсафий адабиётларда файласуфлар борлиқ шаклларини дастлаб бир-биридан фарқ қилувчи ва айни вақтда бир-бири билан ўзаро алоқадорликда булган куйидаги турларга ажратмоқдалар:

1. Инсондан, унинг онгидан ташқарида объектив реаллик сифатида мавжуд бўлган нарсалар, ҳодисалар, жараёнлардан иборат моддий борлиқ.

2. Фақат инсон, унинг онги билан боғлиқ субъектив реаллик сифатида мавжуд бўлган фикрлар, ғоялар, қарашлар тарзидаги маънавий борлиқ.

Борлиқнинг бу турлари ўртасидаги фарқ нисбийдир, чунки улар бир-бирларига ўтиб туришади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча шакллар, қўринишларга бўлинади.

Инсонни қуршаб турган табиат, табиатни ташкил қилган турли нарса ва ҳодисалар, барча ноорганик ва органик моддалар олами, ўсимликлар ва ҳайвонот

дунёси, инсоният, кишиларнинг ўзи ва уларнинг ўзаро ижтиомий муносабатларидан ташкил топган жамият — буларнинг барчаси моддий борлиқ кўринишларидир. Шунга кўра моддий борлиқни қўйидаги конкрет турларга ажратиш мумкин:

1. Табиий борлиқ ёки табиат борлифи.
2. Инсоний борлиқ ёки инсон борлифи.
3. Ижтиомий борлиқ ёки жамият моддий борлифи.

Моддий борлиқнинг бу турларининг ҳар бири ўз табиатлари жиҳатидан яна бир неча кўринишларга бўлинади. Уларни бундай кўринишларга бўлишнинг ўзи нисбийдир, чунки уларнинг ҳеч бири соф ҳолда эмас, бири иккинчиси билан, иккинчиси учинчиси билан ва ҳоказо аралашиб кетгандир.

Маънавий борлиқ инсон онги билан боғлиқ барча маънавий ҳодисалар: фикрлар, ғоялар, қараашлар, ижтиомий онг шакллари, инсон ва жамиятнинг бир бутун маънавий-маданий ҳаётидир. Шу жиҳатдан маънавий борлиқнинг қўйидаги икки кўриниши фарқ қилинади:

1. Индивидуаллашган маънавий борлиқ.
2. Объективлашган маънавий борлиқ.

Борлиқнинг бу юқорида кўриб ўтган турлари ва шакллари, уларга хос хусусиятларни тушуниб олиш учун уларнинг ҳар бири устида алоҳида-алоҳида тўхтабилб ўтмоқ мақсадга мувофиқдир.

а) Табиий борлиқ ва унинг кўринишлари.

Табиий борлиқ ўзаро боғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қилувчи қўйидаги икки кўринишдан иборатдир:

1. Табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг, жисм ва жараёнларнинг асл табиий борлифи.

2. Табиатдаги нарса ва ҳодисалар асосида инсон томонидан яратилган нарсаларнинг табиий борлифи.

Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонгача, инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар, жараён ва ҳолатларни ўз ичига олган табиатдир. Бу баъзи адабиётларда «бирламчи табиат» деб ҳам аталади. «Бирламчи» табиат моддий борлиқнинг шакли сифатида инсонгача мавжуд бўлган, инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлгани учун ҳам, алоҳида реаллик кўринишидаги борлиқ ҳисобланади. Табиий борлиқнинг бу шакли инсон фаолиятининг дастлабки шарти сифатида инсонгача объектив мавжуд бўлган табиатдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларга хосдир.

Бирламчи табиат борлиқнинг алоҳида ўзига хос реал шакли сифатида, аввало, у инсонгача, ундан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, деб таърифланар экан, бу таъриф қўйидагилардан келиб чиқади:

Биринчидан, инсон табиат тўғрисида фикр юритар экан, унинг инсонгача, олдин ҳам реал мавжуд бўлганини, инсон ва унинг онги табиат тараққиёти ва жамиятнинг пайдо булиши билан пайдо бўлгандан кейин ҳам, абадий ва азалий бўлиши тўғрисидаги фикрлар кўпдан-кўп фактлар, тажриба ва илмий далиллар асосида, қолаверса, қачонлардир яшаган, ҳозир яшаётган кишиларнинг шахсий-амалий тажрибалари, ҳаётий кутишилари ва назарий хулосалари томонидан исботланганлигидир.

Иккинчидан, «бирламчи табиат» инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, инсон эса унинг маҳсули эканлиги, инсон усиз яшай ва фаолият курсата олмаслиги, ҳатто «бирламчи» табиатсиз бирон бир нарса яратади. «Бирламчи» табиатни ташкил этувчи нарса ва ҳодисалар объектив реаллик сифатида, инсонга боғлиқ бўлмаган ўз қонунлари асосида ўзгаради, тараққий этади, ўз-узини яратади. Бу «бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абадийдир, у ҳамма ерда доимо мавжуд. Инсон шу «бирламчи табиат» материаллари асосида амалий фаолияти ва онги билан «иккиламчи» табиатни яратади.

«Иккиламчи» табиатнинг вужудга келиши инсонга, «бирламчи табиат»га, ундаги нарса, ҳодисалар ва жараёнларга, уларнинг қонуниятларини инсоннинг билишига боғлиқдир. «Иккиламчи табиат» ўз мавжудлик шакллари ва реаллик шароитларига кўра, унинг юзага келиши, ялаши жиҳатдан ўзининг юзага келишида асос бўлган «бирламчи табиат»га ухшайди. Лекин шу билан бирга, «иккиламчи табиат» ўзининг вужудга келиши, ялашида инсон меҳнати ва билими билан боғлиқлиги жиҳатдан «бирламчи табиат»дан фарқ ҳам қиласди. Аниқ қилиб айтсан, «иккиламчи табиат» инсон пайдо бўлгандан кейин инсон томонидан яратилади, шу жиҳатдан у инсон фаолияти ва онгининг маҳсулидир. «Иккиламчи табиат» нарса ва ҳодисалари ижтимоий ҳаётда инсон эҳтиёжини қондириш зарурияти, ижтимоий турмушда бирон бир функцияни бажариш зарурати туфайли яратилади. Масалан, бизнинг асосий ёзув қуролимиз бўлган ручкани олайлик. Ручка ўз ма-

териалига кура «бирламчи табиат» ресурсларига оид. Уни қайта ишлаб, унга ўз меҳнати ва онгини сарфлаб, инсон уни «иккиламчи табиат»га айлантириб, ўзининг ёзув қуролини яратган.

Умуман, «иккиламчи табиат» нарса ва ҳодисалари «бирламчи табиат» материаллари, инсон меҳнати, онги, билими ҳамда шулар асосида яратилган нарса ва ҳодисаларнинг ижтимоий функцияларининг ажралмас бирлигидан иборатдир.

«Бирламчи» ва «иккиламчи» табиатлар борлиғи ҳақидаги фикрларимизни қўйидагича якунлаш мумкин: улар ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир томондан, бир-бири билан умумийликка, ўхшашикка, бирликка эга бўлса, иккинчи томондан, бир-бирига нисбатан маълум фарқларга ҳам эга.

«Бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абадий ва доимий борлиқ бўлса, «иккиламчи табиат» инсон мавжудлиги билан, унинг фаолияти ва онги билан, бир бутун жамият билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, у фазо ва вақтда ибтидога ва интиҳога эга.

«Бирламчи табиат» инсон унда яшаб, уни билиб бораётган битмас-туганмас чексиз дунё (олам) бўлса; «иккиламчи табиат» эса инсон табиат қонунларини билиб олиши туфайли, улар асосида яратган нарса ва ҳодисалар, жараёнлар дунёсидир.

«Иккиламчи табиат», бир томондан, «бирламчи табиат» каби, объектив, реал борлиқ бўлиб, у инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлса, иккинчи томондан, у инсонга боғлиқ ҳамdir, чунки унда кишиларнинг мақсадлари, гоялари, билим ва меҳнатлари мужассамлашган бўлади. «Иккиламчи табиат» «бирламчи табиат» ва кишилик (инсон) борлигини боғловчи, улар чегарасидаги борлиқ бўлиб, табиий борлиқнинг ўзига хос шакли сифатида «бирламчи табиат» борлиғига нисбатан ҳам, инсон борлиғига нисбатан ҳам нисбий мустақил борлиқдир.

Борлиқнинг ўзига хос шаклларидан яна бири — бу инсон борлиғидир.

6) Инсон борлиғи.

Инсон борлиғи алоҳида киши борлиғи ва бутун инсоният борлиғи куринишларида мавжуд бўлиши жиҳатдан ўзига хосдир. Бироқ бу инсон борлиғида табиат ва жамиятдаги ҳамма нарсалар учун умумий бўлган томонлар, хусусиятлар ҳам мавжуддир. Бу жиҳатдан инсон борлиғи ўз табиати ва моҳиятига кура энг му-

раккаб борлиқ шаклидир, у ҳамма борлиқ шаклларининг маълум томонларининг диалектик бирлигини на-моён этади.

Инсон борлиғида, аввало, инсоннинг табиат тарақ-қиётининг маҳсули сифатида табиий борлиқнинг ҳар икки шаклига оид томонлар билан бирга, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида унда ижтимоий ва маънавий борлиқнинг ҳам барча шаклларига хос томонларнинг йиғиндиси мужассамлангандир.

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, инсон, даставал, табиатнинг энг олий тирик мавжудотидир. Инсон мавжудлигининг асосини инсон танасидаги ҳаёт ташкил қиласди. Инсоннинг танаси бунда табиий жисм сифатида бошқа табиий жисмлар билан бир хил, улар эга бўлган барча хусусиятларга эгадир, яъни у ҳам пайдо булиш, усиш, ривожланиш, улфайиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш ва шу каби хусусиятларга эга. Бу танада ҳам, биринчи навбатда, ҳаёт жараёни, яъни оқсил таначаларининг яшаш усули — моддалар алмашиш жараёни кечиши лозим.

Инсон танаси бунда табиатдаги барча нотирик ва тирик жисмларда амал қиласдиган қонунларга бўйсунади. Лекин бу инсоннинг жонли танасининг ўзи ҳали инсон борлиғини ташкил қилмайди. Чунки, инсон борлиғи, аввало, алоҳида кишининг индивидуал борлиғи ва бир бутун инсоният борлиги шаклларида мавжуд бўлади.

Алоҳида кишининг индивидуал борлиғи эса дастлаб тана ва руҳнинг бирлигидан иборат бўлиб, у шу алоҳида кишининг индивидуал ҳаёти ва фаолияти, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, яшаши, ҳис-туйғу ва фикрлари, мақсад ва истаклари, умид ва орзулари, ўз-узини англаши, дунёни билиши, индивидуал онги ва тафаккури, нарсаларга, кишиларга, табиат ва жамиятга алоҳида муносабатларининг жамини ўзида қамраб олади.

Бир бутун инсониятнинг борлиғи эса кишилик жамиятининг бутун ҳаёти: унинг ўтмиши, ҳозири ва келажагига оид моддий ва маънавий турмуши, ишлаб чиқариши, ижтимоий муносабатлари, ижтимоий онг ва ҳоказоларидан иборатдир.

Инсон борлиги бу жиҳатдан ҳам табиат, ҳам жамият ва ҳам руҳият қонунларига бўйсунади.

Инсон борлиғи ҳар бири ўзича нисбий мустақил бўлган инсон мавжудлигининг жиҳатлари қуидагилар билан характерланади:

Инсон, даставвал, ҳис қилувчи ва фикрловчи жонли танага эга бўлган алоҳида реал табиий индивид сифатида мавжуддир. Шу билан бирга, инсон, тирик табиатнинг *homo sapiens* турига оид, унинг эволюцияси туфайли келиб чиққан алоҳида, узига хос ноёб бир мавжудот ҳамдир. Инсоннинг бу ноёблигини унинг руҳий дунёси ташкил қиласди. Лекин, инсон, айни вақтда, ижтимоий-тариҳий тараққиётнинг маҳсули бўлган ижтимоий мавжудот ҳамдир. Булар инсон мавжудлигининг үлчови сифатида инсон борлигининг бошлангич характеристири белгилариидир.

Инсон борлиги борлиқнинг бир бутун бирлигига қандай аҳамиятга эга ва унда қандай үрин тугади? — деган масала файласуфларни доимо қизиқтириб келади. Оддий қараганда, инсон, унинг ҳаёти поёnsиз ва чексиз дунёда арзимас бир нарса, қисқа, оддий лавҳага ухшаб туюлади. Аслида эса бундай эмас. Инсон дунёда фақат мавжуд бўлиб қолмасдан, балки у ўз-ўзини англайди, ўзи яшаётган дунёни билади, ва унга таъсир қиласди; дунёни ва ўзини ўзлаштириб, ўзгартириб боради; маънавий ижодиётда иштирок этади. Инсон бунда, аввало, ўз борлигини билиш учун, ўз борлиги учун қайғуради. У бир бутун борлиқ тизимида узининг зиддиятли ролини англашиб олиши, ўз борлиги ва дунё борлиги олдида ўз масъулияти, жавобгарлигини сезиши, ҳис қилиши муҳимдир. Инсон учун яна ҳам муҳимроқ нарса — бу ҳар бир кишининг ўзи ва бутун инсоният тақдиди учун инсон зоти ва инсоният цивилизацияси олдидаги масъулиятини тўғри англашидир. Бунда кишининг маънавий юксаклиги ва ақли расолиги муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳар бир алоҳида кишининг ҳаёти, фаолияти, унинг ўзи учун ҳам, бошқа ҳамма кишилар ва бутун жамият учун ҳам реал ҳаёт, реал фаолиятдир. Бундаги ҳар бир кишининг ўз танаси, ўз руҳияти, ўтмиши, ҳозири ва келажаги бошқа киши ва кишилар танаси, руҳияти, ўтмиши, ҳозири ва келажагига нисбатан алоҳида реаллик; алоҳида кишининг индивидуал онги, ҳис-туйғулари ва фикрлари ҳам ўз-ўзига, бошқа кишилар, бир бутун инсоният онгига, ҳис-туйғу ва фикрларига нисбатан ҳам реал борлиқдир. Шунинг учун ҳам киши онгида унинг атрофидаги бутун борлиқ билан бирга, унинг ўзининг индивидуал борлиги ҳам ўз-ўзини англаш сифатида акс этган бўлади. Киши онгига нафақат табиий нарсалар, шу билан бирга, барча маънавий-ғоявий нарсалар ҳам унинг амалий ва наза-

рий фаолиятида ўзлаштирилиб, ҳақиқий ўзига хос реалликни касб этади. Бу ўз табиатига қўра маънавий борлиқ, дейилади.

в) Маънавий борлиқ.

Маънавий борлиқ аслида инсон борлигининг бир кўриниши бўлиб, у индивидуал ва ижтимоий онг жараёнларини ўз ичига оловчи маънавийлик, маънавий қадриятлар ва маънавий бойликлардан иборатdir.

Тарихда содир бўлган ва бўладиган кўпчилик воқеа-ҳодисалар, инсон ва инсониятнинг келажаги, кишиларнинг ҳаёти ва тақдири кўп жиҳатдан маънавийлик, маънавий бойликлар билан боғлиқлиги барчага аёндир. Шу нуқтаи назардан маънавийликни борлиқнинг ўзига хос бир шакли сифатида алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маънавийлик инсон ва инсониятнинг нодир фазилати булиб, у инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Маънавийлик — бу кўп қиррали онг ва онгсизлик жараёнларини ўз ичига оловчи инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибалари, унинг табиат, атрофдаги кишилар ва жамият билан бўлган муносабатларида ҳосил қилган малакалари, кўникмалари, унинг шахс сифатида шаклланиши давомида эгаллаган ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий, диний, фалсафий қарашлари, шунингдек, фанларни ўрганиш асосида олган билимлари, бадиий, техник ва илмий ижодларининг йигиндиси ҳисобланади.

Маънавийликни, яъни маънавий борлиқни унинг мавжудлик шаклларидан келиб чиқиб, икки турга булиб ўрганиш мумкин. Уларнинг биринчиси — индивид онги ва руҳияти билан боғлиқ бўлган индивидуаллашган маънавий борлиқ бўлса, иккинчиси — индивид онги ва руҳиятидан ташқари, уларга боғлиқ бўлмаган объективлашган маънавий борлиқдир.

Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг ташувчиси бу индивид онги ва руҳиятидир. Улар индивид — алоҳида киши миясининг хоссалари булиб, инсон борлигининг ажралмас қисмларидир. Конкрет кишининг ҳис туйфулари, ички руҳий кечинмалари, орзу-истаклари, хотираси, таассуротлари, фикрлари, хаёллари, қарашлари, ғоялари, индивидуал онг ости ва онгсизлик жараёнлари индивидуаллашган маънавий борлиқнинг элементларидир. Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда содир бўладиган жараёнларнинг мавжудлигини бевосита ташқаридан туриб сезиш, кузатиш, билиш мумкин эмас.

Уларни илғаш, ҳис қилишнинг бирдан-бир йули — индивиднинг (конкрет кишининг) ўз онгидаги, ўз руҳиятида юз берадиган жараёнлар тўғрисида ўз-узига ҳисоб беришидир. Фан соҳасида ҳали киши миясида содир буладиган онг фаолияти ва руҳий жараёнларни бутунлай тўлалигича билиш, қайта тиклаш ёки қайд қилиб қўйишга ҳозирча эришганимиз йўқ. Биз шу пайтгача, одатда, уларнинг субъектив таассуроти биз учун қолдирган табиий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим қисмлари, куринишларини ажратиб олиб, қайд қилиб келамиз, холос.

Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, унга хос жараёнлар индивиднинг дунёга келиши билан пайдо бўлади ва оламдан утиши билан бирга йўқолади.

Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг хусусиятларини асосан психология фани ўрганади. Маънавий борлиқнинг бу куриниши ҳозиргача онг ҳақидаги фанларда, хусусан, фалсафада нисбатан кам тадқиқ қилинган, тадқиқ қилинган бўлса ҳам, унга кўпроқ билвосита ёндашиб, киши онгидаги жараёнларни унинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб изоҳлаганлар.

Хуллас, индивидуаллашган маънавий борлиқни алоҳида борлиқ сифатида ўрганилар экан, инсон борлиғидан, умуман, бир бутун олам борлигидан алоҳида ажратиб қарамаслик керак. Чунки, бир бутун оламсиз инсон бўлмаганидек, инсонсиз онг ҳам, индивидсиз индивидуаллашган борлиқ ҳам бўлмайди, у индивиднинг индивидуал руҳий-ижтимоий ҳаёти фаолиятида намоён бўлади.

Маънавий борлиқнинг иккинчи куриниши — бу объективлашган маънавий борлиқдир. Бу борлиқда индивид онгидаги пайдо бўлган фоялар, қарашлар, фикрлар ундан ташқарига чиқиб объективлашади, реаллашади, моддийлашади. Натижада, улар индивидуал онгдан ташқарида яшай бошлайди. Объективлашган маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у субъект онгидан — индивидуал онгдан чиқиб, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда объективлашгандан сўнг, табиий ва сунъий тиллар материалларида, ижтимоий онг ва унинг шаклларида, масалан, муайян санъат асарлари ва маданият обидаларида ифодаланган фоялар, қарашлар, назария ва таълимот шаклларида тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, такомиллашиб боради ва асрлар оша инсониятга хизмат қилиб, сақланиб туради.

Объективлашган маънавий борлиқнинг бир кўриниши бу тил (нутқ)дир. Тил (нутқ)да онг фаолиятининг бир қисми реаллашади, индивидуал онгдан ташқарига чиқиб, объективлашади. Чунки, тил реаллашган онгдир. Тилда онг маҳсули — фикр моддийлашади: у товушлар ва сўзларда, гаплар ва баён қилинган нутқларда ифодаланади. Дастрлаб индивидуал онғда пайдо бўлган ғоялар ва фикрлар энди товуш ва сўзлар, жумла ва гаплар, матнларда онгдан ташқаридаги реаллик сифатида мавжуд бўладилар. Шу реалликлар туфайли инсоният маданиятни яратади, шу реалликлар туфайли моддий ва маънавий маданият бойликлари вужудга келади ва авлоддан-авлодга ўтиб, уларга хизмат қилиб, инсонни маънавий жиҳатдан бойитиб боради.

Инсоният яратган барча моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари, китоблар, формулалар, лойиҳалар, моделлар, ранглар, куйлар, ноталар, рақслар — ҳамма-ҳаммаси индивидуал маънавийликнинг объективлашган, моддийлашган кўриниши, объективлашган маънавий борлиқдир. Бу объективлашган маънавий борлиқнинг мавжуд бўлишида хотира алоҳида роль ўйнайди. Ҳозирги фан ва техника тараққиёти даврида хотирада сақлаш ва ундан фойдаланишда электрон машиналар «хотираси» муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз олдин ашула тексти ва музикаларимизни грампластинкаларга, кейинчалик магнитофон ленталарига, ҳозир эса видеомагнитофон ленталарига ёзиб қўйиб, истаган пайтда уларни қўйиб, ҳам эшишиб, ҳам куришимиз мумкин.

Демак, объективлашган маънавий борлиқ ҳам инсониятнинг маънавий-моддий ҳаётида, маданият, фан, санъат, адабиётнинг пайдо бўлиши, цивилизациянинг ривожланишида жуда катта роль ўйнайди.

г) Ижтимоий борлиқ.

Борлиқнинг яна бир шакли — бу ижтимоий борлиқдир. Ижтимоий борлиқ индивидуал, якка шахс ва жамият борлигининг бирлигидан иборат борлиқдир. Ижтимоий борлиқ дейилганда, индивидуал якка шахс ва жамият ҳаётининг ҳамма томонлари эмас, балки уларнинг фақат моддий ҳаёти тушунилади. Жамият моддий ҳаёти эса кишиларнинг уз ҳаётлари жараёнида уларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш муносабатларидан, бу ишлаб чиқариш муносабатларининг жамиини уз ичига олган жамиятнинг иқтисодий тизими, реал базисидан иборат бўлади. Жамиятни илмий тушунишга кўра, ижтимоий борлиқ, яъни мод-

дий ҳаётни ишлаб чиқариш усули жамият ҳаётининг социал (ижтимоий), сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади. Демак, ижтимоий борлиқ деганда фалсафада бир бутун жамиятнинг моддий ҳаётини, моддий неъматлар ишлаб чиқариши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар киришадиган моддий муносабатларни тушунамиз. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онг билан чамбарчас боғлиқдир, улар бир бутун жамият ҳаётининг икки — моддий ва маънавий томонларини ташкил қиласиди (Бу масалалар кейинги мавзуларда ёритиб берилган).

Шуни айтиш керакки, борлиқ муаммосини фалсафий тадқиқ қилиш унинг субстанция муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

3. ФАЛСАФАДА СУБСТАНЦИЯ МУАММОСИ

Субстанция¹ дейилганда фалсафада дастлабки вақтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва бир бутун дунёдаги барча нарса ҳамда ҳодисаларнинг асосини ташкил этадиган моддий ёки руҳий бирламчи нарса тушунилган.

Қадимги давр материалист файласуфлар сувни, ҳавони, оловни, атомларни, яъни моддаларнинг бирон турини субстанция, деб тушунганлар. Ўрта аср Шарқ фалсафаси намояндалари: ал-Киндий, ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ўз фалсафий қарашларидаги субстанция ҳамма нарсанинг моддий асоси, уларнинг моҳияти, деб қараганлар.

Айрим файласуфлар субстанция, деб бутун мавжудликнинг асоси бўлган мутлақояни, руҳни ёки субъект онги ва шу кабиларни тушунишади. Масалан, қадимги юнон мутафаккирларидан Пифагор субстанция, деб сонларни тушунади. Платон эсаояни, гояларни субстанция деб қарайди. Немис классик фалсафасининг вакили И. Кант субстанцияни «у шундай бир доимий нарсаки, фақат унга нисбатангина ҳамма вақтли ҳодисаларни аниқлаш мумкин» — дейди. И. Кант фикрича, субстанция — тажриба маълумотларини синтезлаштирувчи тафаккурнинг априор шаклидир.

Хегель эса «мутлақоя», «мутлақ руҳ»ни субстанция, деб қараб, уни нарсаларнинг муҳим, ўзгарувчан,

¹ Субстанция (лотинча — субстантия, моҳият) фалсафада нарсаларнинг моҳияти түгрисидаги тушунча.

ривожланувчи томонларининг яхлитлигидир, мазкур томонларда бу яхлитлик уларнинг мутлақ инкор этилиши, яъни, мутлақ қувват ва шу билан бирга, ҳар қандай мазмуннинг бойлиги сифатида очилади», — дейди. У субстанцияни «мутлақ фоянинг ривожланиш жараёнида муҳим босқич», «ҳар қандай ҳақиқий тараққиётнинг негизи», деб таърифлайди. Ҳегелда субстанция айни бир вақтда ҳам ривожланувчи фоя — ибтидо, ҳам субъект, яъни ўз-ўзини туғдирувчи асос, ҳам шу ривожланишнинг моменти сифатида қаралади.

Файласуфларнинг ягона асос түгрисидаги қарашлари монизм¹ таълимотини келтириб чиқарган.

Файласуфлар орасида дунёning асосини бир нарса эмас, балки икки нарса: ҳам фоя (руҳ), ҳам материя ташкил қиласди, деювчилар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, янги замон фалсафасида француз файласуфи Рене Декарт субстанция муаммосини қараб чиқар экан, у, дунёning асосида ҳам материя, ҳам фоя (ёки руҳ) ётади, дейди. Бундай қараш дуализм², деб аталади. Дуализм таълимотининг тарафдорлари дунёning асосида бирбирига боғлиқ бўлмаган ҳам материя, ҳам руҳ (фоя) ётади, улар ўртасида ҳеч бир умумийлик йўқ, дейишади.

Субстанция муаммосини ҳал қилишда монистик ва дуалистик қарашлардан фарқли ўлароқ плюралистик қарашлар ҳам мавжуд.

Плюрализм³ таълимоти нуқтаи назарича, дунёning асосини якка бир нарса эмас, балки кўп нарсалар ташкил қиласди. Дунёдаги бутун мавжудотлар ягона бир ибтидога эга бўлмаган кўпдан-кўп, ҳар хил асослардан ташкил топгандир.

Илмий фалсафий таълимотлар ва ҳозирғи замон фанлари эришган ютуқлари маълумотларига кўра, моддий борлиқ доимий ҳаракатда бўлган материянинг турли шаклдаги кўринишидир.

4. МАТЕРИЯ ВА УНИНГ МАВЖУДЛИК ШАКЛЛАРИ

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурлар

¹ Монизм (юонча — монос, якка, бир дегани) — дунёning асоси битта, дсювчи таълимотdir.

² Дуализм (лотинча — дуа, икки дегани) — дунё асосида икки нарса, ҳам материя, ҳам гоя ёки руҳ ётади, дсювчи таълимот.

³ Плюрализм (лотинча — плюрал куплик дегани) — дунёning асосида кўп нарсалар ётади, дсювчи таълимот.

нинг ривожланишига сабабчи булди. «Материя» «моддий унсур»га нисбатан ҳам, «атомлар»га нисбатан ҳам, «праматерияга» нисбатан ҳам кенгроқ, умумийроқ булиб, борлиқнинг объектив реал шаклини ифодаловчи, энг умумий тушунчадир.

Ҳақиқатдан ҳам, умуман материя — бу тушунча, абстракция, фикрнинг маҳсулидир, чунки, оламда «умуман материя» учрамайди, балки материянинг конкрет күринишлари учрайди. Умуман, ҳамма вақт материя конкрет объектлар күринишида учрайди. Шундай қилиб, файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қуллайдиган тушунча бу «материя»дир.

Материянинг фалсафий учта муҳим жиҳати бор. Булар: биринчидан, материя тушунчаси фалсафий категория эканлиги, иккинчидан, бу категория объектив реаликни, моддий воқеликни ифода этиши, учинчидан, материяни билиш мумкинлигининг таъкидланишидир. Материянинг бу фалсафий тушунчаси материянинг муайян күринишларини, унинг тузилиши ва хоссаларини урганишда методологик аҳамият касб этади.

Материя ўзининг мавжудлигини беҳисоб хоссалари, хусусиятлари орқали намойиш қиласди. Турли хил фанлар бу хусусиятларни тадқиқ этади. Табиатшунослик ва аниқ фанлар материянинг уёки бу конкрет хусусиятини, ўзларининг тадқиқот объектлари доирасига кирувчи хоссаларинигина урганади. Материянинг энг умумий хосса ва хусусиятларини фалсафа фани урганади. Материяни инсон томонидан билиш унинг муайян хусусиятларини урганишдан бошланади. Бунинг учун эса атрофимизни ўраб турган моддий объектларнинг тузилиши ва хоссаларини билишимиз керак булади.

а) Моддий объектларнинг тузилиши.

Бизни хилма-хил күринишдаги, шаклдаги, турлитуман хоссали моддий объектлар, ҳодисалар ўраб олган. Улар турли хил хусусиятларга эга ва турли тарзда тузилгандир. Бир пайтлар барча жисмлар материянинг бўлинмас шакли — атомлардан ташкил топган, деган тасаввур ҳукмрон бўлган эди. Бугунги кунга келиб, атомларнинг ўзлари ҳам мураккаб тузилганлиги тўғрисидаги илмий фаразлар ўз тасдифини топди.

Ҳозирги замон фанларининг хуносаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан ташкил топган.

Атомлар мураккаб шаклдаги үзак нейтрон, позитрон, яни ядро ва электрон қобиқлардан ташкил топган. Водород атомининг ядроси битта протондан ташкил топган. Мураккаброқ атомларнинг ядроси эса бир қанча протон ва нейтронлардан ташкил топади. Протон ва нейтронлар эса кварқлар ва уларни туташтириб, бир-бирига боғлаб турувчи глюонлардан (глюон — лотинча — *glutinis* — елим сўзидан олинган бўлиб, елимловчи маъносини англатади) ташкил топгандир. Протон ва нейтронлар нуклонлар (лотинча — ядро, үзак) ҳисобланади, нуклонлар ва гиперонлар (юонча — устида, юқори) дан ташқари барионлар ва адрионлар (юонча: *adros* — оғир)дан иборат бўлади. Булар оғир заррачалар сифатида кучли үзаро таъсиrlар майдонида бўлиб, адронлар (юонча: *adron* — кучли) группасига мансубдир.

Анорганик ва органик моддалар бир-биридан молекулаларининг тузилиши, үзаро жойлашиш тартиби, тизими билан фарқ қиласди. Жонли организмлар эса мураккаб шаклдаги органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби ҳужайра ва ҳужайра системаларидан иборатдир. Ер шарини қуршаб турувчи биосферани бир бутун жонли вужудли система, деб олиш мумкин. У микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлардан ташкил топган бўлиб, бу мавжудотлар ўртасидаги үзаро алоқадорликлар мажмуси биосферанинг тириклигини таъминлайди. Одам ва унинг ақлий фаолияти таъсирида вужудга келган янги борлиқ эса ноосферани ташкил этади.

Жонсиз табиат ҳақида гапирилганда, аввало, Коинотдаги алоқадорликлар назарда тутилади. Ер ва унинг табиий йўлдоши Ой биргаликда Куёш атрофини бир йилда тўлиқ бир марта айланиб чиқади. Куёш биосферанинг муҳим ҳаётий манбаи сифатида уни ёруғлик, иссиқлик ва электромагнит нурлари билан таъминлайди. Ер ўқининг ўз орбитасига нисбатан оғма жойлашганлиги Ердаги фаслларнинг алмашишига ва унда турли хил иқлим минтақаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Демак, Ердаги барча ҳаётий жараёнлар Ер, Куёш ва Ой ўртасидаги үзаро алоқалар билан боғлангандир. Куёшнинг атрофида ердан ташқари яна бошқа сайёralар, уларнинг йўлдошлари, астeroидлар, кичик планеталар, метеоритлар ва кометалар ҳаракатланиб туради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда Куёш системасини ташкил этади. Куёш системаси ва

бошқа қүёшли юлдузлар системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (сомон йўли) таркибига киради. У дисксимон шаклда булиб, ўртача диаметри 94,6 млн. ёруғлик йилига tengdir. Галактика мизга 30 тача галактикани бирлаштирувчи галактикалар киради. Галактикалар тупи эса галактикаларнинг бир бутун мажмусига киради. Ўта катта галактикалар мажмуси ўзига 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта катта мажмуалар эса Коинотнинг янада умумийроқ бўлган бошқа биримларига киради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда Коинотнинг таркибий элементлари ҳисобланади.

Бу системалар табиий-илмий фанлар томонидан тадқиқ этилади. Фалсафа фани бундай системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, материянинг сифатий ва миқдорий кўриниш шаклларини, структура даражаларини бир-биридан фарқлайди.

Энди материянинг кўринишлари ва структура дарожаларини қараб чиқайлик. Материя икки хил шаклий кўринишда учрайди. Булар — модда ва номодда кўринишларидир. Улар бир-бири билан чамбарчас боғланган булиб, ўзаро тўқнашганда, кескин сифатий ўзгаришлар рўй беради, яъни модда ва антимодда тўқнашса, материянинг модда кўриниши номодда кўринишига айланади, муайян майдондаги нурланишлар эса заррача ва антизаррачаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Физик вакуум (физик обьектлардан холи бўлган жой)да муайян майдон ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Материянинг биз юқорида курсатган кўринишларидан бошқа турлари бўлиши мумкин. Уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас. Лекин фан ва амалиётнинг ривожланиши билан улар ҳам аста-секин билиб борилади.

Агар материянинг модда кўринишидаги обьектларни тузилиши жиҳатидан турларга ажратсак, материянинг қўйидагича тузилиш даражалари ҳосил бўлади:

6) Материянинг структура даражалари.

Биз теварак атрофимизга назар ташласак, умуман материяга эмас, балки муайян жисмларга, нарса ва ҳодисаларга кўзимиз тушади. Биз одатланган ўлчовлар ва катталиклар макроскопик миқёсдадир. Бу миқёсга, масштабга нисбатан ҳам катта, ҳам кичик миқёслар ҳам бордир. Шунингдек материянинг тузилиши сифат жиҳатдан ҳам ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Материя тузилишининг фарқларига асосланиб, унинг тузилиши даражаларини иккига: 1) миқёсли

структурда дарражалари ва 2) ташкилий-структурда дарражаларига ажратиш мумкин.

Материя масштаб ўлчови, миқёси билан фарқ қилувчи учта дарражага бўлинади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунёдир. Микродунё атом масштабидан кичик дунё бўлиб, унга атом структурасидан тортиб, элементар заррачалар, атом ядрои: кварклар, кернлар ва бошқа кичик ўлчовли структуралар киради. Бу дунёning яхлитлигини ва турғунлигини иккита асосий куч: кучли ва кучсиз ядрорий ўзаро таъсиrlар сақлаб турди. Кучли ўзаро таъсиrlар атом ядросининг структуравий бирлигини сақлаб турса, кучсиз ўзаро таъсиrlар эса атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Молекулаларнинг тузилишидан тортиб, то Ер шарининг яхлитлигини таъминлашгача бўлган вазифалар учун хизмат қилувчи куч электромагнит ўзаро таъсиrlаридир. Бу куч туфайли молекулали бирикмалар ва Ердаги барча ҳаётий жараёнларни ўзига қамраб олган макродунё ўзининг мавжудлигини, структуравий бирлигини сақлайди. Агар бу куч бўлмагандан эди, Куёш нурлари Ерга етиб келмаган, ёруғлик ҳодисалари содир бўлмаган, молекулалар парчаланиб кетган бўлар эди. Яъни Ерда ҳеч бир ҳаётий жараён содир бўлмаган бўлар эди.

Ер, Ой ва бошқа сайёralар Куёш атрофида ҳаракатланади. Бу ҳаракатлар сайёralарни Куёшнинг тортилиш кучи ушлаб турганлиги учун ҳам содир бўлади. Куёш системасининг ва умуман, бутун Коинотнинг структуравий яхлитлиги гравитацион ўзаро таъсиrlари туфайли сақланади. Гравитацион ўзаро таъсиrlари бирлаштириб турган дунё мегадунё дейилади.

Бу учала дунё бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар бир-бирларига алмашинишлари ҳам мумкин, яъни микродунё макро ва мегадунёга, мегадунё эса макро ва микродунёга айланиши мумкин.

Материя ривожланган сари унинг ташкилий тузилиши ҳам ўзгариб боради. Ташкилий структура дарражаларига кура материяни анорганик материя, органик материя ва ижтимоий материя (жамият)га ажратамиз. Улар бир-бирларидан система элементлари ўртасидаги алоқадорликларнинг хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги дарражалари билан фарқ қиласи. Анорганик материя ёки жонсиз табиатда физик ва химик алоқадорликлар ҳукмронлик қиласи, шу туфайли жонсиз табиатдаги қонуниятлар шу фанлар доираси-

да чекланган булиб, бу материя нисбатан суст ва ташкилий уюшганлиги жиҳатдан қуи даражада, фаоллиги кучсиз бўлади. Жонли табиатда, яъни органик дунёда эса, биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли, унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва тузилиши мураккаброқ бўлади. Ижтимоий даражада эса юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятта хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам қатнашади ва бундай материя тузилиши ўта мураккаб бўлиб, материя бу даражада ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва олий даражадаги фаолигини намойиш қиласди. Бу материянинг структура элементи бўлган ҳар бир инсон шу жамиятта хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва у барча ижтимоий муносабатлар ва алоқадорликларда онгли равишда ҳаракат қиласди.

Материянинг ташкилий-структуратар даражалари ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қараганда соддароқ ва ташкилий жиҳатдан тарқоқроқ ва пассивроқ (сустроқ) бўлади.

Материя ташкилий-структуратар даражаларининг, балки, ҳали биз билмаган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар ҳақида бизда ҳозирча маълумот йўқ, чунки бундай дунёлар бизнинг мавжуд тушунчаларимиз доирасига сифтмайди. Хуллас, материянинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва ахборот алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қиласди.

Материянинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, материянинг ажралмас хусусиятларини ўрганишимизга тўғри қелади. Нарсаларнинг ажралмас хусусияти фалсафа фанида атрибут атамаси билан аталади. Атрибут (лотинча — *attributum* — ўзбекча: ато этмоқ) феълидан ясалган ҳар қандай жисмнинг айнан ўша жисм эканлигини ифодаловчи хусусиятларини акс эттиради. Яъни, жисмга унинг ана шу жисм эканлигини ато этиб турган хусусиятлари унинг атрибутларидир.

Энди материянинг атрибутлари хусусида тухтайлик.

в) Ҳаракат.

Материя атрибутлари ичида унинг асосий яшаш

усули, мавжудлик шакли — бу ҳаракатдир, чунки материянинг ҳар қандай куринишининг яхлитлиги ҳаракат туфайли сақланади. Агар ҳаракат бўлмаганда эди, ҳар қандай жисмнинг таркибий қисмларини туташтириб турувчи ўзаро таъсир кучлар ҳам бўлмаган бўлар эди, натижада, ҳеч бир нарсанинг бутунлиги, яхлитлиги, тартиби сақланмасди. Биз, атрофимиздаги нарсаларни ҳаракат туфайли, яъни уларга ёруғлик нурлари урилиб, бизнинг кўзимизга тушганлиги учун кўрамиз. Ҳаракат туфайли ҳаво тебранишлари қулоқларимизга товуш тўлқинларини ташиб келади ва биз эшитамиз. Ҳаракат туфайли атомлар ва молекулаларда ўзгаришлар содир бўлади, ўсимликларда моддалар алмашинади, энергия ва ахборот узатилади, ҳаракат туфайли ҳайвонот олами ва инсон муҳит билан алоқада бўлади, жамият ривожланади. Ҳаракат туфайли Куёш нурлари Ерга етиб келади, дарёлар оқади, ўсимликлар ўсади, фасллар алмашинади. Куёш системаси, галактикамиз ва бутун Коинотдаги ҳаётий жараёнлар давом этади.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмларнинг ташкил этувчи элементлар ва турли жисмлар уртасидаги алоқадорликларнинг натижаси сифатида, бошқа томондан эса, уларда рўй берувчи ўзгаришлар сифатида содир бўлади.

Ҳаракатнинг бир-биридан фарқ қилувчи бир қанча шакллари мавжудdir. Ҳаракат шаклларини туркумлаш фалсафада муҳимdir. Файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлашда қуйидаги қоидаларга таянадилар: 1) ҳаракат шакллари бир-бири билан сифат жиҳатдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиш даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади; 2) ҳаракат шакллари бир-бири билан келиб чиқиш жиҳатидан (генетик жиҳатдан), кетма-кет боғлангандир, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир; 3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибида қуий даражадаги ҳаракат шакллари қатнашади, яъни ҳаракатнинг қуий шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубdir, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуий шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасdir. Шу қоидаларга таянган ҳолда ҳаракатнинг бир неча шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилардир: механик ҳаракат, иссиқлик, ёруғлик, электр, магнитизм, кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат ҳолатларнинг бир-бирига ўтиши ва органик ҳаёт. Буларга ижти-

моий ҳаракатни құшсак, қүйидаги ҳаракат шакллари ҳосил бўлади:

1) механик ҳаракат (жисмларнинг фазодаги силжиши);

2) физик ҳаракат (иссиқлик, ёруғлик, электр, магнитизм);

3) кимёвий ҳаракат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат ҳолатларнинг бир-бирига утиши);

4) биологик ҳаракат (органик ҳаёт);

5) ижтимоий ҳаракат.

Ҳаракат фазо ва вақт билан узвий боғлангандир.

г) **Фазо ва вақт.**

Фазо ва вақт материянинг асосий яшаш шакллари булиб, объектив реалликдаги жисмлар ва уларни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг давомийлиги, кетма-кетлиги тартибларини акс эттиради. Ҳаракатланувчи материя фазо ва вақтда ўзининг турли шаклларини намойиш қила олади.

Бу ерда фазо — материянинг тузилиш тартиби, кўламини, оламдаги нарсаларнинг ўзаро жойлашиш вазиятини ифодаласа, вақт — жараёнларнинг давомийлигини, ҳодисаларнинг кетма-кетлиги тартибини ифодалайди. Агар бутун объектив реаллик «лаҳзалар» ва «бўлинмас» ўлчамларнинг бирлигидан иборат бўлса, улар шу бирликнинг кичик улуши булиши мумкин. Фазо ва вақтга қўйидаги таъриф бериш мумкин: Фазо — бу вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этувчи нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами, вазиятлари ўлчамидир. Вақт — бу фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги, тартиби ва давомийлиги ўлчамидир.

Оlam ҳақидаги илмий билимларнинг ривожланиши билан реал фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурлар ҳам, концептуал моделлар ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради.

Фазо ва вақтнинг барча ҳисоб системаларда ва материянинг барча структура даражаларида бир хилда намоён булувчи хусусиятлари энг умумий хусусиятлар дейилади. Бундай хусусиятларга фазо ва вақтнинг объективлиги, моддийлиги, чексизлиги, материянинг атрибути сифатидаги абсолютлиги, ҳаракат ва материяга нисбатан намоён булувчи нисбийлиги, яъни турли ҳисоб системаларида турлича қийматларга эгаллиги киради.

Булардан ташқари, фазо ва вақтнинг турли ҳисоб системаларда турлича намоён бўладиган, миқдорий катталиклар билан, яъни муайян ўлчаш асбоблари, соат ёки линейкалар ёрдамида ўлчаш мумкин бўлган, ташқи алоқадорликларда кузга ташланадиган, ўзгарувчан ва нисбий характердаги хусусиятлари борки, уларни миқдорий ёки метрик хусусиятлар, деб атасади. Фазонинг гомогенлик (биржинслик), изотропик (ва анизотропик) хусусиятлари киради. Вақтнинг метрик хусусиятлари: давомийлик, биржинслик, анизотропик. Бу хусусиятлар материянинг турли ташкилий структура ва масштаб-структурда даражаларида турлича намоён бўлади. Улар фазо ва вақт билан боғлиқ бўлган моддий алоқадорликларнинг миқдорий белгиларини ифодалайди. Метрик хусусиятларнинг ўзгариши материя сифатининг ўзгаришига жиддий таъсир қилмайди.

Фазо ва вақтнинг яна шундай хусусиятлари ҳам борки, улар барча ҳисоб системаларида, материянинг барча структура даражаларида микродунёда ҳам жамиятда ҳам бир хилда сақланади. Улар фазо ва вақтнинг туб сифатий жиҳатларини ифодаловчи фундаментал хусусиятлар ҳисобланади. Бундай хусусиятларни топологик хусусиятлар дейишади. Топологик хусусиятлар моддий алоқадорликларнинг ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Топологик хусусиятларнинг ўзгариши билан моддий обьектларнинг тузилишида туб сифатий ўзгаришлар содир бўлади. Қуйидаги хусусиятлар фазонинг топологик хусусиятлари ҳисобланади: узлуксизлик ва узлуклилик, ўлчамлик, боғланганлик, компактлик, тартибланганлик, чегарасизлик. Вақтнинг топологик хусусиятларига эса узлуксизлик, орқага қайтмаслик, бир ўлчовлик, чизиқли тартибланганлик ва боғланганлик киради.

Фазо ва вақт материя структурасидаги ўзаро алоқадорликлар мажмуасини акс эттирап экан, бу алоқадорликларнинг турли хил шакллари, турли хил шаклдаги ҳаракат ва унга боғлиқ бўлган фазо-вақт шаклларининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Биз юқорида фақат физик фазо ва физик вақт ҳақида тұхталдик. Тадқиқотчилар молекуляр алоқадорликлар мажмуаси билан боғланган психологик фазо ва вақт ижтимоий алоқадорликлар структурасини ифода этувчи ижтимоий фазо ва вақт шакллари ҳақида ҳам илмий излашишлар олиб бормоқда.

Хуллас, фазо ва вақт оламдаги алоқадорликлар

мажмуасини ифода этади. Улар ҳаракат, материя ва моддий ўзаро таъсирлар билан чамбарчас боғланган. Оламдаги барча ўзгаришлар, нарсаларнинг шакли ва кўринишлари фазо ва вақт структураси билан боғлангандир. Материяга ҳаёт бахш этувчи атрибут ҳаракат бўлса, фазо ва вақт унга шакл бахш этади, уни шакллантиради, ривожлантиради, равнақ топтиради.

IV бўлим.

УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИК, БОҒЛИҚЛИК ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

Борлиқни фалсафий тушуниш фақат унинг турлари ва уларнинг ўзига хос хоссаларини билиб олишдан иборат бўлмай, балки борлиқни ташкил этган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари ва боғланишларини, ўзгариш ва ривожланишларини билишни ҳам тақозо қилади.

Бусиз, оламнинг бир бутун, яхлит манзарасини тасаввур этиб, шунингдек унинг ҳақидаги назарий хуласага келиб ҳам бўлмайди. Бусиз борлиқнинг ҳолатини, табиатини, манбаи, сабаби ва ҳаракатга келтирадиган кучи ҳамда йўналишини тушунишга имкон ҳам яраттилмайди. Бу, ўз навбатида, алоқадорлик ва тараққиёт тўгрисидаги таълимотнинг фалсафий муаммоларини ҳам ўрганишни тақозо қилади.

1. УМУМИЙ БОҒЛАНИШ, АЛОҚАДОРЛИК, РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Ҳаракат, тараққиёт, умумий боғланиш ва алоқадорлик тўгрисидаги фалсафий таълимотлар ҳам фалсафа фани билан бирга пайдо бўлган. Бу муаммолар таҳлили фалсафада «диалектика» тушунчаси орқали ифодаланган. Бу тушунча фалсафа тарихида турли даврларда турли маъноларни ифодалаб келган. Диалектика дастлабки даврларда ўзаро баҳс, мунозара олиб борувчи мутафаккирларнинг муҳокамаларидағи қарама-қарши, зид фикрларнинг тўқнашуви ва шулар асосида ҳақиқатни аниқлаш маъносини ифодалаган. Антик давр мутафаккирларининг маълумотига кўра, мунозарада иштирок этувчилар, ўз муҳокамаларида бир-бирларига муқобил саволларни бериб, бу саволларга ҳар томонлама ёндошиб, улардаги бир томонламаликларни барта-раф қилишга уринганлар. Бунда, улар, ўз муҳокамаларида ҳар хил нуқтai назарларни ҳисобга олган ҳолда, илмий, назарий, ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий ва шу каби воқеа-ҳодисалар тўгрисида ўз қарашларини ишлаб чиққанлар. Улар шундан келиб чиқиб, диалектика де-

ганды үзаро баҳслашув санъатини, мунозара асосида ҳақиқатта эришиш усулини тушунгандар. Масалан, антик давр мутафаккири Сүкрот диалектикани баҳсларда йүл қўйиладиган қарама-қарши фикрлар ўртасидаги зиддиятларни очиш орқали ҳақиқатта эришиш санъати, деб тушунган.

Диалектикани баҳс санъати сифатида тушуниш ҳатто ўрта асрларда ҳам давом этган. Буни ўрта асрлар мутафаккири Пьер Абелярнинг «Ҳа ва йўқ» номли асари яққол тасдиқлайди.

Диалектикага мунозара санъати сифатида қараш ўрта асрларда яшаган Ўрта Осиё мутафаккирларига ҳам хос бўлиб, ҳатто бу нарса Ўйгониш даврларида ҳам давом этган. Бу давр мутафаккирларидан ҳам диалектика савол-жавоб санъати сифатида ўзгача фикрларни рад қилиш усули бўлиб хизмат қиласди. Бунга мисол қилиб Г. Галилейнинг «Дунёнинг икки системаси тўғрисидаги баҳс» асарини курсатиш мумкин. Умуман, диалектика тушунчасининг пайдо бўлиши, у ўзининг дастлабки даврлардаги тор маънони ифодалашига қарамасдан, уша даврлардан то бизнинг кунларимизгача қўлланиб келинган сермазмун фалсафий суҳбат усулининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади ва инсоният маданиятининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Асрлар давомида тўпланиб борган диалектик мунозара маданияти мураккаб муаммоларни муҳокама қилиш, улардаги турли қарама-қарши нуқтаи назарларни очиш, аниқлаш ва тушуниш маҳоратининг қарор топиши инкор қилиб бўлмас аҳамият касб этди. Бора-бора диалектика қарама-қарши нуқтаи назарлар, улар ўртасидаги зиддиятларни очиш усули сифатида қараладиган булди. Шундай қилиб, секин-аста инсон ижодий тафаккури ўз табиати билан диалектик эканлиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлди. Лекин маълум вақт ўтиши билан диалектика фақат кишиларнинг үзаро мунозараларигагина хос эмаслиги маълум бўла борди. Оқибатда, диалектика фақат инсон фикрлаш жараённагагина хос бўлмасдан, балки у табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларга ҳам хос, деб қарала бошланди. Айниқса, бу қараш борлик шакллари ва турлари ўртасидаги боғланиш ва алоқадорликларнинг, улар доим ўзгариб, ривожланиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туришларининг аниқлаши билан янада ривожланди. Натижада, «диалектика» тушунчаси инсонни, уни қуршаб турган дунёни билиш, уни тушуниш ва изоҳлашнинг умуний усули

маъносини ифодалай бошлайди. Вақт ўтиши билан «диалектика» тушунчаси ҳамма нарсалар: хоҳ катта, хоҳ кичик булишига қарамасдан, ўзгариб, узининг олдинги хусусиятларини ўзгартириб, илгари эга бўлмаган янги хусусиятлар ҳосил қилиб боришларини ҳам ифодалай бошлайди. Шу асосда аста-секин дунёни диалектик тушуниш, борлиқ ва билишга диалектик қараш қарор топа бошлайди. Лекин дунёдаги барча ўзгариш, алоқадорлик ва ривожланишларни фалсафий жиҳатдан тушуниб етиш жуда қийинлик билан кечди. Сабаби: инсоният тараққиётининг жуда узоқ даврларигача кишилар космосни, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини, ҳатто кишиларнинг ўзларини ҳам ўзгармас, доимо бир хилда туради, деб билишган. Дунёning ўзгарувчанлиги, ундағи нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирларига боғлиқлиги тўгрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши инсониятнинг дунёни билиши жараёнида жуда катта кашфиёт бўлган.

Дунёning ўзгарувчанлиги тўгрисидаги дастлабки фикрлар ҳам қадимги Хитой, Ҳиндистон ҳамда Юнонистоннинг фалсафий таълимотларида илгари сурилади. Қадимги давр файласуфлари, гарчи ҳали ҳаракатнинг турли қўринишлари ва хиллари тўгрисида илмий далилларга эга бўлишмаса ҳам, борлиқнинг умумий ўзгарувчи характеристери ҳақида ўз даврлари учун янги фикрларни илгари суришади.

Кишилар дастлабки вақтлардан бошлаб ўз тажрибаларида нарса, ҳодисалардаги ўзгарувчан хусусиятлар билан бирга, уларда маълум барқарор, ўзгармас хусусиятларнинг ҳам мавжудлигини англай бошлаганлар. Ниҳоят, дунё ўзгарувчани, ёки ўзгармасми? деган саволлар пайдо бўлиб, бу саволларга мутафаккирлар турли хил жавоб берганлар. Амалиёт берган кўпдан-кўп маълумотларга ва ўз кундалик тажрибаларига таянган кўпчилик мутафаккирлар дунё ўзгарувчан, дейишган. Лекин бунга қарама-қарши бўлган, дунё ўзгармас, барқарор, деювчи мутафаккирлар ҳам ўзларининг муайян асосларига эга бўлишган. Натижада, дунёning, ундағи нарса ва ҳодисаларнинг ҳам ўзгарувчан, ҳам барқарор ўзгармас хоссалари ҳақидаги қарашлар келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, нарса ва ҳодисалар маълум вақт ичida ҳар қанча ўзгарса ҳам, айни вақтда уларнинг маълум томонлари ўзгармай қолаверади. Хуллас, бундай қарашлар тўплана бориб, нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари, улар ўртасидаги зиддиятлар ҳа-

қидаги қарашлар туфайли фалсафада ривожланиш тоғызынан келиб чиқади.

Ривожланиш тоғызы инсон онгыда узоқ асрлар давомида шаклланиб боради. Даастлаб кишилар ривожланиш түғрисида ҳеч бир тасаввурга эга бўлмаган. Лекин кейинчалик улар дунёдаги нарса ва ҳодисаларда юз берадиган турли хил ўзгаришларни англай бориб, дунёнинг узлуксиз ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда эканлигини тушуна бошлаганлар. Улар, шу билан бирга, табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларида жуда кўп даврий, такрорланувчи ҳодисаларни ҳам била борганлар. Масалан, йил фасллари, кун билан туннинг ўрин алмashiши ва шулар каби. Лекин даастлабки даврларда мутафаккирлар ривожланишни бутунлай янги нарсанинг, янги босқичнинг пайдо бўлиши, деб тушуниш даражасига кутарила олмаганлар.

Ривожланишни бутунлай янги сифат ўзгариши, эскига нисбатан жиддий янгининг пайдо бўлиши, деб тушунишда уйғониш даври Шарқ ва Ўрта Осиё мутафаккирлари, кейинчалик эса ўрта аср христиан, диний ва тарих фалсафаси мутафаккирлари бир қадар олдинга кетадилар. Уларнинг қарашларида ривожланиш тоғызини инсоният жамияти тарихига татбиқ этишга уринишларни учратамиз.

Ривожланиш тоғызини бир бутун дунё ривожланиши билан боғлаб тушунишда муҳим қадамни биринчи бўлиб француз файласуфи Рене Декарт қўяди. У, дунёни худо яратадиги, унга даастлабки турткини киритган ва уни ҳаракатга келтирган, дейди. XVIII аср француз маърифатпарварлари Волтер ва Руссо инқилобий қайта қуришни ўз ичига олган тарихий ривожланиш тоғызини илгари суришади. Уларнинг издоши Кондорсе эса ўзининг жамиятнинг илгарилама ҳаракати, узлуксиз тараққиёт түғрисидаги таълимотини яратади. Бу мутафаккирлар ўз қарашларида тоғий омиллар (масалан: ахлоқ, дин, ҳукуқ ва шу кабилар) жамиятни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи асосий кучлардир, деган тоғани илгари сурадилар.

Ниҳоят, ривожланиш түғрисидаги ҳар хил қарашларнинг синтези сифатида бир бутун тараққиёт назарияси фақат немис классик фалсафасидагина пайдо бўлди. Бу фалсафанинг асосчиларидан бири И. Кант ривожланиш тоғызини қўёш системаси ва барча юлдузлар дунёсини изоҳлашга тадбиқ этиб, уни ҳатто инсоннинг ижтимоий ривожланишига, хусусан, инсоннинг

ахлоқий ривожланишига ҳам жорий этишга уринади. Кантнинг шогирди Гердер эса ривожланиш тоғасини бутун халқларнинг тарихи тараққиётига ва инсоният маданияти тараққиётига биринчи бўлиб тадбиқ этади. Бу даврга келганда, диалектика тушунчаси энди ривожланиш тоғасини ифодалай бошлайди.

Диалектикани ривожланиш ҳақидаги ҳар тарафлама, мазмун жиҳатдан бой ва чуқур таълимот сифатида биринчи марта немис классик фалсафасининг буюк вакили Ҳегель ишлаб чиқди. Ҳегелнинг улуғ хизмати шу булдики, у биринчи булиб, бутун табиий, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, қайтадан тузилиб, тараққий қилиб турадиган ҳолда курсатди ва бу ҳаракат билан тараққиётнинг ички боғланишини очиб беришга уринди. Натижада, инсоният тарихи инсониятнинг ўзининг тараққиёт жараёни сифатида майдонга чиқди ва эндиликда тафаккурнинг вазифаси бу жараённинг барча янгилишиб юришлари ичida унинг изчил босқичларини қузатиб бориш ва зоҳирий тасодифлар орасида бу жараённинг ички қонуниятларини исбот этишдан иборат бўлиб қолди.

Ҳегелнинг тараққиёт тўғрисидаги бу қараши диалектика ҳақидаги фалсафий таълимотни янада бойитди. Ҳегель биринчи булиб диалектиканинг барча категориялари ва қонунларини таърифлаб берган эди. Лекин диалектика Ҳегелда мистиклаштирилган, бир томонлама, боши билан турган диалектика эди. Чунки Ҳегелнинг фикрича, диалектика «фикрнинг ҳар қандай илмий кенгайтирилишининг ҳаракатлантирувчи жонидир ва у шундай бир принципдан иборатdirki, бу принцип ёлғиз ўзи фаннинг мазмунига имманент алоқа ва зарурият киритади».

Кейинги даврларда фан ва амалиёт ривожи натижасида диалектика табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг, улардаги алоқадорлик ва боғланишларнинг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан; воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг фикрий инъикослари ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи принциплар, уларни доимо ўзгариш ва ривожланишда, ички зиддиятлар тақозоси билан юз берадиган «уз ҳаракати»да, деб қарайдиган билиш назарияси; ҳар томонлама бой, зиддиятларга тўла тарихий тараққиёт ҳақидаги таълимот сифатида майдонга чиқади.

Бу диалектика бир бутун борлиқнинг энг умумий

алоқадорлиги, ўзгариши ва тараққиёти тұғрисидаги таълимот сифатида ҳам моддий дунёга, ҳам унинг инъикоси бұлган инсон билишига хос таълимотдир. Шунга күра бу диалектика үз ичига объектив ва субъектив диалектикани олади. Бунда моддий дунёнинг, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг алоқадорлик ва богланишлари, уларнинг ҳаракати, ўзгариш ва ривожланишлари объектив диалектикани ташкил этади. Моддий дунёнинг инсон миясидаги инъикосига хос бұлган билиш жараёнининг диалектикаси субъектив диалектика — объектив диалектиканинг кишилар миясидаги инъикосидир. Демак, объектив диалектика — бу нарсалар, буюмлар диалектикасидир; субъектив диалектика эса, объектив диалектиканинг инсон онгидаги инъикоси — яъни, тафаккур диалектикасидир.

Объектив диалектика субъектив диалектикани вұжудға келтиради. Бу жиҳатдан диалектикаға янгича ёндошиш Ҳегель диалектикасидан тубдан фарқ қиласы. Ҳегель диалектикасига күра фикр, тафаккур диалектикаси нарсалар, буюмлар диалектикасини яратади, яъни субъектив диалектика объектив диалектикани туғдирағы. Бошқа файласуфларнинг таълимотига күра эса, аксинча, нарсалар, буюмлар диалектикаси фикр, тафаккур диалектикасини яратади.

Илмий диалектика борлық, яъни табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги алоқадорликлар ва ривожланишларнинг умумий қонуниятлари ҳақида бизга тұғри йўналиш беріб, дунёни үзлаштириш ва ўзгартириш йулларини күрсатып берувчи назариядир, усуздир. Илмий диалектика дунёнинг ҳақиқий илмий манзарасини яратып, кишиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Чунки илмий асосланған диалектика, бириңчидан, дунёдаги ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг ҳамма томонларининг бир-бирларига боғлиқ бўлиши ва бир-бирлари билан жуда мустаҳкам алоқадор эканлиги тұғрисида чуқур маълумот берса, иккинчидан, у босиб үтилган босқичларни такрорланаётгандек бўлиб куринадиган, лекин уларни бошқача, янада юқорироқ негизда такрорлайдиган тараққиёт, тұғри чизиқ билан эмас, балки спирал тарзда борадиган, маълум ҳолатларда бошланғич ҳолга гүё қайтгандай бўлиб куринган, маълум таназзуллар ва бухронлар билан бўладиган илғор тараққиёт тұғрисидаги таълимот ҳисобланади.

2. ДИАЛЕКТИКА ВА УНИНГ МУҚОБИЛЛАРИ

Диалектика кишиларнинг, уларни қуршаб турган дунёни билишининг умумий усули сифатида дунёга диалектик қараши вужудга келтирган.

Дунёга диалектик қарааш — бу барча нарса ва ҳодисаларни, уларнинг инсон миясидаги инъикослари — инсон билишини ҳам үзаро алоқадорликда ва боғланишда, қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашида, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтишида, эскининг ўрнини янги эгаллашида, хуллас, уларни «ўз ҳаракати»да, ўзгариб ва ривожланиб туришида, пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туришида, ва айни вақтда ҳамма нарса үзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ва үзаро муносабатда, деб тушунишдир. Бундай тушуниш диалектик қараашни вужудга келтиради. Дунёга диалектик қарааш диалектик тафаккурни юзага келтиради.

Диалектик тафаккур субъект тафаккурининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Табиат ва жамиятда пировард натижада ҳамма нарса диалектик тарзда юз беради. Бу диалектик жараён субъект миясида инъикос этганда, пайдо бўлган тасаввур ва тафаккур ё метафизик ёки диалектик йўл билан ҳосил қилиниши мумкин. Диалектик тафаккур шу жиҳатдан инсон тафаккури тараққиётининг нисбатан юқори босқичига хосдир. Диалектик тафаккур борлиқдаги нарса ва ҳодисалар асли қандай бўлса, уларнинг субъект миясида муайян фикр шаклида худди шундай акс этишидир. Диалектик тафаккур — бу диалектик фикрлаш усули. Диалектик тафаккур ҳам табиатшунослик ва ижтимоий фикр тараққиёти билан ўзгариб, ривожланиб боради. Унинг кейинги давр ижтимоий тараққиёт билан, жаҳон халқлари ҳамжамиятларининг вужудга келиши билан боғлиқ юзага келган шакли, бу — янгича тафаккурдир. Янгича тафаккурнинг асосини жамиятни диалектик тушуниш ташкил қиласиди. Диалектик тафаккур усули ўз моҳияти билан софистик, эклектик ва догматик тафаккур усулларидан тубдан фарқ қиласиди.

Тафаккурнинг софистик, эклектик, метафизик-догматик усуллари диалектик тафаккур усулининг муқобилларидир. Улар инсон тафаккури фаолиятининг турли қирралари сифатида бир-бирларига ҳам қарама-қарши, ҳам, айни вақтда, бир-бирларини тўлдирадилар.

Уларнинг ҳар бирининг инсон тафаккури жараёнида ўз ўрни бор. Биз уларнинг ҳар бири билан қисқача танишиб чиқамиз.

Софистика¹. Софистик тафаккур усули дастлаб қадимги юонон фалсафасида пайдо бўлиб, ўрта асрларда, айниқса кенг тарқалади ва ривожланади.

Қадимги давр юонон фалсафасида бирон-бир хунарни ёки бирон бир билим соҳасини мукаммал эгаллаган кишилар софистлар, деб аталган бўлса, кейинчалик ўрта асрларга келиб, нотиқлик, донишмандлик, билимдонлик билан ном чиқарган кишилар ҳам, турли омоним сўзлар асосига қурилган турли фикрлар билан кишиларнинг бошини қотирадиган, устамонлик билан улар фикрларини чалғитадиган кишилар ҳам софистлар, деб атала бошланади.

Софистик тафаккур усули ёки софистика муҳокама жараёнида билиб туриб, атайлаб ёлғон асослардан ёлғон хulosалар чиқариш асосида фикр юритиш усулидир. Шу сабабли софистикани Форобий «ёлғондакам донолик» деб, изоҳлади. Унинг фикрича, софистик тафаккур усули билан фикр юритувчи киши ўрганилиши лозим бўлган нарсаларни ўрганишда ақлни түғри йўлдан чалкаштиради ва ёлғонни рост шаклда тасаввур қилишга мажбур қилиб, кишини түғри фикрлашдан адаштиради.

Софистика ижтимоий илдизларга эга. Софистик тафаккур усули ҳақиқатни атайлаб бузиб, ёлғон фикрни ҳақиқат сифатида курсатишга асосланади. Бу нарса доимо маълум манфаатдан келиб чиқиб қилинади. Бунга одатда формал мантиқ қонунларининг талабларидан келиб чиқиб ёндашиш ҳам имкон туғдиради. Софистик тафаккур усулида киши расмий формал таърифлар билан чекланади ва шу асосда фикр юритади. Лекин софистик тафаккур усулини ҳам фақат салбий жиҳатдан қарааш түғри эмас. Сабаби: софистик тафаккур усули илмий билишда, ҳақиқатни аниқлашда салбий роль ўйнаса ҳам, бироқ у санъатда, ҳар хил комик вазиятни яратишда, бадиий тасвирда ижобий роль ўйнайди.

Софистик тафаккур усули ҳам инсон тафаккури-

¹ Софистика (юононча: sopism — атайлаб хато асослар асосида, куп маъноли сувзларга асосланиб фикр юритиш) — билиб туриб, хато асослардан ёлғон хulosы чиқаришдир. Бу сурʼа сүфийлик фалсафаси эмас, балки ўрта асрларда Оврупада кенг тарқалган алоҳида фалсафий таълимот назарда тутилади.

нинг бир қирраси, бир томони сифатида тафаккурнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Диалектик тафаккурнинг қарор топишида софистик тафаккурнинг ўзига хос муҳим ўрни ҳам бор. Форобий ёзганидек, мантиқ қонунларига қатъий бўйсуниладиган фикр жараёни софистик тафаккур усулидан кишини халос қиласиди.

Фикрнинг мантиқий булиши учун у формал мантиқ қонунларидан диалектик мантиқ қонунлари даражасига кутарилиши лозим.

Эклектика.¹ Диалектик тафаккур усулига муқобил бўлган тафаккур усулларидан яна бири бу эклектика дидр.

Эклектик тафаккур усули ҳам дастлаб қадимги юонон фалсафасида юзага келади. Эклектик тафаккур усули, айниқса, Ўрта аср фалсафаси ва янги замон фалсафаси схоластиклири қарашларидан кенг қўлланилади. Эклектик тафаккур усулида нарса ва ҳодисаларнинг муҳим ва номуҳим, асосий ва асосий бўлмаган хусусиятлари, улар ўртасидаги боғланишлар механик равишда бирлаштирилиб, қориштирилиб ифодаланади. Нарса ва ҳодисаларга, уларнинг боғланишларига конкрет (аниқ), муайян макон ва замонда, муайян вазият ва шарт-шароитда ёндашмаслик, улардаги асосий ва иккинчи даражали то-монларни ҳисобга олмаслик асосида эклектик тафаккур усули пайдо бўлади. Эклектик тафаккур усули, айниқса, раҳбарликда раҳбарнинг амалий ва назарий фаолиятида, унинг турмуш илгари сураётган масалаларни тўғри ҳал қилишига катта халақит беради. У бунда нарса ва ҳодисаларни, уларни туғдирган ҳаётий муаммоларнинг қайси бири муҳим, қайси бирини биринчи навбатда ҳал қилишни билмайди, у воқеалар занжиридаги асосий ҳалқаларни асосий бўлмаганлардан ажратади.

Эклектик тафаккур усули турли соҳаларда турлика кўринишларда намоён бўлади. Эклектик тафаккур усули асосида ҳам формал мантиқ қонунларидан нотугри фойдаланиш, нарса ва ҳодисалар моҳиятига юзаки ёндашиш ётади.

Натижада, догматик тафаккур қарор топади.

¹ Эклектика (юононча: *éklegeist* — танлайман, дегани) — турли қарама-қарши назарияларни қарашларни аралаш-қурадаш қилиб юборувчи тафаккур усули.

Догматика.¹ Догматик тафаккур фалсафадаги амалиёт ва фаннинг янги маълумотларини ҳисобга олмай, конкрет макон ва замон билан боғлиқ бўлмаган, ўзгармас тушунчалар ва қоидалар билан иш кўрувчи тафаккур усулидир. Догматик тафаккурнинг асосини метафизика ташкил қилиб, у дастлаб софистик тафаккур усулига қарама-қарши ўлароқ вужудга келади. Догматик тафаккурнинг пайдо булиши тарихан метафизик усулнинг қарор топиши ва ривожланиб бориши билан боғлиқдир. Дастлаб табиатшунослик фанлари соҳасида табиатни текшириш усули сифатида пайдо бўлган метафизика «табиатдаги буюмлар ва жараёнларни бир-биридан ажратилган ҳолда, улар ўртасидаги умумий боғланишдан ташқарида текширишга ва шунинг натижасида, уларни ҳаракат ҳолатида эмас, балки ҳаракатсиз ҳолатида, муҳим даражада ўзгарадиган нарса сифатида эмас, балки ўлик нарсалар сифатида текширишга» кишиларни одатлантириб қўя бошлайди. Бундай текшириш ва тушуниш бора-бора ўзига хос догматик тафаккур усулини вужудга келтиради.

Метафизик-догматик фикр қилувчи киши назарида, буюмлар ва уларнинг фикрдаги инъикослари, яъни тушунчалар бир-биридан кейин ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда текширилиши лозим бўлган айрим-айрим, ўзгармас, қотиб қолган, ҳамиша бир зайлда турадиган нарсалардир. Унинг назарида, буюм ё мавжуддир, ёки мавжуд эмасдир ва худди шунингдек, бир нарса айни замонда шу буюмнинг ўзи ва яна бошқача була олмайди. Мусбат нарса билан манфий нарса бир-бирини мутлақо истисно қиласди... Бу тафаккур усули, дафъатан қараганда, бизга тамомила мақбул булиб куринади.

Урта аср фалсафасида метафизика теологиянинг фалсафий асоси қилиб олиниши билан диний ақидаларга ишониш талаблари кучаяди. Бу ўз навбатида догматик тафаккурнинг янада кенг тарқалишига сабаб булади. Фақат диалектиканинг пайдо булиши билан, метафизик тафаккурнинг илмий жиҳатдан асоссизлиги маълум бўлгандан кейингина, догматик тафаккур ўзининг фалсафий асосидан маҳрум булади. Лекин дорма-

¹ Догматика (юононча сўз булиб ўзгармас, қотиб қолган, ақида дегани) — конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олмай қулланиладиган қоида, принцип, фикрdir.

тик тафаккур ҳозир ҳам мавжуд. Догматик тафаккурнинг мавжудлиги, аввало, инсон ўз билиш жараёнида баъзан билишнинг бирон бир томони ёки бирон ҳолатини ноурин мутлақлашириши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга, догматик тафаккурнинг мавжудлиги ҳозирги замон фалсафасида оламнинг ўзгарувчанилиги ва ривожланиши тоғасини инкор этувчи антидиалектик (яъни метафизик) концепцияларнинг мавжудлиги билан, ҳамда диалектикани билмаслик ёки тушунмаслик билан ҳам боғлиқдир.

Догматик тафаккур, айниқса, сиёсатда жуда хавфлидир, у бунда сектантликка, субъективизмга, амалиётдан узилишга, ижодий жараёнларни тұхтатишига, ижодий ғоялар, назария ва таълимотлардан воз кечишга, ҳамма соҳада содир бұладиган янгиликтарни ўз вақтида пайқамасликка, истиқболни олдиндан күришга түсқинлик қиласы. Догматик тафаккурға эга кишилар, айниқса, раҳбарлық соҳаларида жамиятта жуда катта зарап келтирадилар, улар жаҳон (жамият) тараққиётининг ўзгарған шароитларини ҳисобга олмасдан, ўzlари күниккан вазиятта мувофиқ эски қарашларга қаттық ёпишиб олиб, иш тутадилар ва фикр юритадилар. Буни биз Узбекистоннинг ўз мустақил тараққиётини бошлаб янгича ривожланиш йўлига ўтган даврда баъзи ўрта бўғин раҳбар кишилар фаолиятларида яққол учратдик. Бунга ҳам собиқ Иттифоқ давридаги 74 йиллик фанимиз ва фалсафамиз тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.¹

Умуман, догматик тафаккурнинг ҳамма хилдаги куринишларига қарши кураш олиб бориб, диалектик тафаккурни ҳамма соҳада кенг қарор топтириш лозим. Фақат диалектик тафаккургина ижтимоий тараққиётнинг тарихий эҳтиёжларини, эски шаклларнинг янги ривожланган мазмунга мувофиқ келмаслигини, инсониятнинг тараққиётини таъминловчи янги шакл ва мазмунга утишнинг зарурлигини тұғри ҳисобга олишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда шаклланаётган синергетика ҳам диалектика муаммоларига янгича ёндошиш кераклигини курсатмоқда.

¹ Масалан, фалсафа соҳасида 30-йилларнинг охирида И. В. Стalinнинг «ВКП(б)нинг қисқача тарихи»га кирган «Диалектик ва тарихий материализм масалалары»даги догматик-метафизик қарашлар СССРда фалсафа тараққиётига түсқинлик қилиб келди.

3. УМУМИЙ БОҒЛАНИШ ВА АЛОҚАДОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАРИ

Диалектика уз моҳияти жиҳатдан умумий алоқадорлик, боғланиш, ҳаракат, ўзгариш түғрисидаги таълимот сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос энг умумий алоқадорлик ва боғланишларни тұғри очиб бориши асосида кишиларга дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йүлларини күрсатувчи методологик қорол булиб хизмат қиласы.

Диалектика, аввало, умумий алоқадорлик ва боғланишлар ҳақидаги фандир. Чунки борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларни умумий алоқадорликда ва ўзаро боғланишда олиб қараш борлиқ ҳақида диалектик фикр юритишидир. Ҳақиқатан ҳам, борлиқдаги ҳамма нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар ўзаро боғлиқ булиб, улар умумий алоқадорликда бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилиб турадилар, бир-бирларини тақозо қиласылар. Ҳоҳ табиат ва жамиятда, ҳоҳ инсон ҳаёти ва тафаккурида бұлсın, ҳеч бир ҳодиса ёки воқеа, ўзгариш ёки жараён бошқа ҳодиса ёки воқеалардан, бошқа ўзгариш ва жараёнлардан алоҳида, улардан аж-ралган, уларга боғлиқ бұлмаган, улар билан алоқадорликсиз мавжуд бұлмайды, аксинча, улар билан доимо ўзаро алоқадорликда бұлады.

Борлиқнинг турли томонлари, материянинг турли куринишлари, унинг асосий мавжудлик усуллари, ҳаракатнинг турли шакллари бир-бирлари билан ўзаро умумий алоқадорликда бўлиб, бир-бирларига таъсир ва акс таъсирида, лекин ўзаро боғланишда бир-бирларини тақозо қилиб туради.

Диалектиканинг ўзаро алоқадорлик принципи ялпи умумий характерга эгадир. Унинг бу ялпи умумийлиги шундаки, биринчидан, бу алоқадорлик бир бутун борлиққа, яъни табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури ва билишга хосдир; иккинчидан, бу алоқадорлик борлиқнинг ҳамма куринишларига оид барча нарса ва ҳодисаларни, уларга хос ҳамма нарса ва ҳолатларни, бир бутун инсон билиш жараёнини, хуллас, бир бутун мөддий ва маънавий оламнинг ҳамма боғланишларини ўз ичига олади.

Дунёда бошқа нарсалар, ҳодисалар ва жараёнлар билан табиий алоқадорликда бұлмаган ҳеч бир нарса, жараён йүқ. Лекин биз ўз билиш жараёнимизда бирон нарса ёки ҳодисани ўрганар эканмиз, дастлаб уни

бошқа нарсалар ёки ҳодисаларнинг умумий боғланишларидан ажратамиз. Бу жараёнда биз унинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини очиб бериш учун бу нарса ёки ҳодисанинг бошқа нарсалар ва ҳодисалар билан бўлган ҳамма алоқа ва боғланишларини, ҳамма алоқадорликларини аниқлаб, билиб борамиз. Нарса ва ҳодисаларни ҳақиқатдан билиш учун уларнинг барча томонларини, барча алоқаларини ва боғланишларини бирга олиб ўрганмоқ лозим. Биз гарчи бунга ҳеч қачон тұла-тұқис эриша олмасак ҳам, лекин ҳар тамонлама үрганиш талаби бизни хатолардан, нотұғри холоса чиқаришлардан сақлаб қолади. Шу асосдагина биз бу нарса ёки ҳодисанинг бир бутун табиати ва моҳиятини тұгри билиб олишга эришамиз.

Диалектик алоқадорлик ва боғланишлар бир бутун борлиқнинг турли томонлари ва материянинг турли күринишлари ўртасидагина мавжуд бўлмасдан, балки ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг ҳам ўзидағи барча томонлари, ҳамма белги ва хусусиятлари ўртасида ҳам мавжуддир.

Чунки ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг ҳамма томонлари бир-бирига боғлиқ булиши ва бир-бирлари билан жуда маҳкам ва чамбарчас алоқадорлиги қонуний ва табиий ҳолдир.

Алоқадорлик ва боғланишлар борлиқнинг турли соҳаларида турли-туман шаклларда намоён бўлади. Булар қуйидагилардир: а) «элементар» зарраларнинг бир-бируни тақозо қилиши ва акс таъсири шаклида; б) планеталарнинг бир-бируни тортиб ва итариб туришлари шаклида. Органик табиатда: а) тирик организмларнинг модда алмашинуви шаклида; б) тирик организмлар билан табиий муҳит ўртасидаги боғланишлар; в) ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзаро алоқадорлигига; г) ҳайвонлар ва одамлар ўртасидаги муносабатларда ва х.к. Жамиятда бўлса: а) жамият билан табиат ўртасида; б) жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти ўртасида; в) жамият ишлаб чиқариш усулининг томонлари: ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида; г) жамиятнинг иқтисодий базиси билан усткурмаси ўртасида; д) жамият иқтисодий структураси элементлари ўртасида; е) жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларда күринади. Тафаккурда бўлса: а) бир бутун тафаккур жараёнида, тафаккур шакллари ўртасида; б) тафаккур шакллари ва қонунлари ўртасида; в) тафаккур ва борлиқ ўртасида. Билиш жараёнида эса: а)

хиссий билиш ва ақлий билиш уртасида; б) билиш босқычлари ва билиш шакллари уртасида; в) билиш билан борлық уртасидаги алоқалар ва боғланишларда ифодаланади.

Борлиқнинг аниқ соҳаларига оид бу алоқадорликларни турли аниқ фанлар ўрганади. Бунда ҳар бир фан ўз соҳасидаги алоқадорликлар занжиридаги маълум, ўрганилган халқаларга таянган ҳолда ҳали маълум бўлмаган янги халқаларни очиб боради. Бу жараёнда борлиқнинг маълум бир турига оид конкрет соҳалари уртасидаги ўзаро алоқадорликнинг янги бир тури ҳам очилиши ва маълум оралиқ соҳаларни ўрганувчи янги фанларнинг пайдо булиши мумкин. Масалан: биофизика, биомеханика, физикахимия, геофизика, математик лингвистика, математик мантиқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Умуман, борлиқ бепоён алоқадорликлар ва боғланишлар мажмуидир. Турли фанлар бу алоқадорликлар ва боғланишларни турли жиҳатдан ўрганади. Диалектика эса бир бутун борлиққа ва унинг турли кўринишларига хос бўлган энг умумий алоқадорликни ва боғланишларни ўрганади ва очиб беради. Диалектикада бундай алоқадорликларнинг уч тури мавжуд: 1) универсал, 2) структуравий, 3) детерминистик алоқадорликлар. Бу жиҳати билан диалектика конкрет фанлардан фарқ қиласди.

Диалектика ўрганадиган борлиқнинг бу энг умумий алоқадорликлари ва боғланишлари фалсафада кўйидаги тушунчалар орқали ифодаланади. Булар жумласига фалсафа тарихида қўйидагилар киритилган:

а) Яккалик, хусусийлик ва умумийлик.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар бирига хос алоҳида, маълум гуруҳига хос маҳсус ва ҳаммасига хос умумий томонлари, хусусиятлари ҳамда улар уртасидаги боғланиш ва алоқадорликни ифодалайди.

Алоҳида нарса ва ҳодисагагина хос булиб, бу нарса ва ҳодисани бошқа нарса ва ҳодисадан фарқ қилувчи, такрорланмайдиган, индивидуал белги ва хусусиятлар бирлиги **яккалик** дейилади. Яккалик алоҳида нарса ва ҳодисаларни ҳам, улардаги алоҳида томон, белги ва хоссаларни ҳам акс эттиради.

Кўпчилик нарса ва ҳодисаларга (ёки уларнинг турларига ҳамда томонларига) хос бўлган ўзаро ўхшаш,

бир хил, такрорланувчи белги ва хусусиятлар бирлигини акс эттирувчи тушунча **умумийлик** деб аталади. Умумийлик борлиқдаги күпчилик нарса ва ҳодисаларга (ёки уларнинг томонларига) хос бўлган умумий белги ва хусусиятларнинг фикрий инъикосидир. Умумийлик бир синф ёки бир турга кирган нарса ва ҳодисаларни ҳам ифодалайди. Чунки борлиқда ҳар бир нарса ва ҳодиса бошқа нарса ва ҳодисалар билан албатта, бирор умумий томонга, хоссага, белги ва хусусиятга эгадир.

Нарса ва ҳодисаларга хос маҳсус томонлар, хусусиятлар бирлиги **хусусийлик** категориясида ифодаланади. Хусусийлик категорияси нарса ва ҳодисалардаги алоҳидалик ва умумийлик каби томонлар ўртасидаги алоҳидаликка нисбатан умумий, умумийликка нисбатан алоҳида бўлган томонлар, белгилар, хусусиятлар ва алоқадорликларни ифодалайди.

Бир бутун борлиқдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларга хос бўлган томонлар, белги ва хусусиятлар энг умумийликдир. Энг умумийлик ҳажм жиҳатдан бошқа кенгайтириб бўлмайдиган универсал тушунчадир. Масалан: Аҳмад → одам → тирик мавжудот, ниҳоят → материя → борлиқ. «Борлиқ» тушунчаси бу ерда энг умумийликдир.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик бир-бири билан ўзаро диалектик муносабатда бўлади. Бинобарин, яккалик билан умумийлик хусусийлик орқали боғланган булиб, улар ўзаро алоқадорликдадир. Хусусийлик яккаликлардан ташкил топиб, умумийликни алоҳидалик билан боғлайди. Умумийлик эса яккаликлардан ажралган ҳолда бўлмайди, балки яккаликларнинг умумий хусусиятлари, белгилари, томонлари, боғланишлари шаклида ҳар бир яккаликнинг ўзида мавжуд бўлади. Демак, ҳар бир конкрет нарса ва ҳодиса яккалик, хусусийлик ва умумийликнинг бирлигидан иборатдир.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси шундан иборатки, маълум шароитда яккалик хусусийликка, хусусийлик умумийликка ва аксинча, улар бир-бирига ўтиши мумкин. Объектив оламда ҳар қандай янгилик дастлаб яккалик сифатида пайдо булиб, сўнгра у ўсиб, ривожланиб хусусийлик ва умумийлик характеристини касб этади.

Лекин бундан ҳар қандай яккалик хусусийликка, хусусийлик эса умумийликка ўтаверар экан, деган фикр юритмаслик керак. Бундай булиши учун улар

тараққиётнинг асосий тенденциясига мос келиши шарт. Яккалик, хусусийлик ва умумийликларнинг узаро боғланишларини диалектик нуқтаи назардан тушуниш объектив воқеликни туғри билиш учун жуда муҳимдир. Чунки, инсоннинг борлиқни билиши ҳам яккаликдан хусусийликка ва ундан умумийликка боришдан иборатдир. Бу умумийликни биз нарса ва ҳодисаларни ва уларда ифодаланувчи яккаликлар ва хусусийликларни билиш орқали англаб етамиз. Биз, даставвал, сезги аъзоларимиз ёрдамида яккаликни, якка нарса ва ҳодисаларни идрок қиласиз. Сўнгра тафаккуримизда шу ҳиссий идрокимизда вужудга келган мавжуд фактларни анализ ва синтез қилиб, уларнинг муҳим томонларини номуҳим томонларидан, умумий томонларини алоҳида томонларидан ажратамиз, уларни узаро бир-бири билан бирлаштирамиз, бир-бирига таққослаймиз, шулар асосида фикримизда уларни ифодаловчи тушунчаларни ҳосил қиласиз. Бу ҳосил қилган тушунчаларда нарса ва ҳодисаларнинг ҳам якка томонлари, ҳам уларнинг муайян турқумига хос бўлган хусусий томонлари, ҳамда шу нарса ва ҳодисаларнинг бутун бир синфига оид бўлган умумий томонлари ифодаланади.

6) Моҳият ва ҳодиса.

Моҳият нарса ва ҳодисаларнинг ички, энг муҳим узаро боғланишлари, шу боғланишларнинг қонуний алоқадорликларини ифодалайди. Ҳодиса эса шу нарса ва жараёнларни ташкил этувчи томонлар, хусусиятлар ва боғланишларнинг намоён булиш шакли, моҳиятнинг ифодаланишидир. Масалан, ҳамма тирик мавжудотларнинг моҳияти улардаги модда алмashiш жараёни бўлмаса, тириклик жараёни — ҳаёт ҳам бўлмайди. Модда алмashiш жараёни бутун ҳаёт жараёнининг асосий моҳиятини ташкил этади. Лекин бу модда алмашув жараёни ҳар бир тирик организмда жуда хилма-хил кўринишларда содир бўлади. Бу кўринишлар — ҳодисалар.

Моҳият ва ҳодиса узаро умумий ва ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Моҳият ички алоқаларни, ҳодиса эса ташқи алоқаларни ифодалайди. Масалан, инсон дарахтнинг шитирлашини, қушларнинг сайрашини эшитади. Бу ҳодисаларнинг сабаби турлича бўлса-да, уларнинг моҳияти биттадир, яъни ҳаво зарраларининг тебранишидир. Бироқ, инсон буни бирдан пайқай олмайди. Дасть-

лаб у ҳодиса сифатида юз берган нарсаны фаҳмлайди, сүнг унинг моҳиятини била бошлайди.

Моҳият нарсаларнинг ички алоқадорлиги бўлгани сабабли, у чуқур таҳдил қилиш ва изланиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади. Ҳодиса эса аксинча, ҳиссий органлар орқали бевосита идрок этилади. У ҳиссий органларимизга тўғридан-тўғри таъсир этиб, у ёки бу сезги ва идрокларимизни ҳосил қиласиди.

2. Моҳият билан ҳодиса ўзаро бирликда бўлиши билан, улар бир-бирига қарама-қарши ҳам, шу сабабли улар ҳеч вақт бир-бирига айнан мос келмайди. Уларнинг қарама-қаршилиги борлиқдаги нарсаларнинг ўз табиатидан келиб чиқади. Моҳият ҳодисада яширин бўлади ва уни бевосита ҳиссий органлар орқали билиш мумкин эмас. Ҳодиса — нарсаларнинг намоён бўлиши шакли сифатида моҳият билан ҳеч вақт мос келмайди. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакли бўлган ҳодиса моҳият билан бевосита мос келганда эди, у ҳолда ҳар қандай фан ортиқча бир нарса бўлиб қолган бўлур эди. Фаннинг вазифаси борлиқнинг кўпдан-кўп ҳодисалари, уларнинг ташқи томонлари ва белгилари остида яшириниб ётган, уларнинг асосини ташкил қиласидан моҳиятларни излаб топишдан иборат.

3. Моҳият нисбатан доимийлиги ва барқарорлиги билан ҳодисадан фарқ қиласиди. Моҳият ва ҳодиса муносабатини дарёning юзидағи кўпиклар ва унинг остидаги сувнинг тез оқимиға ўхшатиш мумкин. Бундаги дарё ҳаракатининг юзидағи кўпиклар ҳодиса бўлса, уларнинг остидаги сувнинг тез оқимлари моҳиятдир. Лекин унинг устидаги кўпиклар ҳам моҳиятнинг ўзига хос ифодасидир.

4. Моҳиятнинг нисбий доимийлиги ва барқарорлигини, ҳодисанинг ўзгарувчанлигини мутлақлаштирмаслик лозим. Чунки моҳият ҳам, ҳодиса ҳам ўзгариб боради. Лекин моҳият ҳодисага нисбатан секин ўзгариради, у маълум барқарорликка эга.

Моҳият ва ҳодиса ўзаро умумий томонларга эга. Масалан: а) ҳар қандай моҳият ҳодисада намоён бўлади, ҳодиса эса моҳиятнинг у ёки бу ҳолда кўринишидир; б) моҳият ва ҳодиса объектив характерга эга бўлиб, улар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам мавжуддир; в) моҳият ҳам, ҳодиса ҳам доимо ўзгаришда ва ривожланишда бўлади. Бироқ моҳият ва ҳодиса зиддиятли характерга ҳам эга. Шу билан бирга, мо-

ҳиятнинг ўзи ҳам зиддиятлидир. Диалектика буюмларнинг ўз моҳиятидаги ана шу зиддиятларни ўрганади.

Диалектиканинг моҳият ва ҳодиса категориялари конкрет фанларнинг шу соҳада эришган ютуқларини умумлаштириш асосида доимо бойиб, ривожланиб боради. Улар инсон амалиёти ва барча фанлар ютуқларини умумлаштириш натижасида келиб чиққандир. Шу жиҳатдан моҳият ва ҳодиса категориялари инсон билимлари тизимининг ҳамма соҳаларига тегишли булиб, дунёни билишнинг методологик воситаси саналади.

Моҳият ва ҳодиса боғланишлари фан ва амалиётда ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда ҳодисани моҳиятдан ажрата билиш муҳим. Моҳиятни ҳодисадан ажрата билмаслик назария ва амалиётда жиддий хатоларга олиб келади.

в) Бутун ва қисм.

Маълумки, борлиқдаги ҳар бир нарса, ҳодиса, жараён бизнинг кўз олдимиизда бир бутунлик сифатида гавдаланади. Биз уларни ўрганар эканмиз, уларнинг қисмлардан, бўлаклардан, компонентлардан, элементлардан иборатлигини кўрамиз. Бу қисмлар, бўлаклар, компонентлар, элементлар ўзаро муайян қонуниятлар орқали бирикиб, маълум тузилишдаги бир бутун нарсани, ҳодиса ёки жараённи ташкил қиласидар. Бу нарса ва ҳодисаларнинг маълум бир гуруҳи ўзаро бирикиб, бирон бир системани ҳосил қиласидар. Бу эса маълум структурага эга булиб, муайян элементлардан иборат булади. Бундаги бутун, қисм, система, структура, элементлар ўзаро диалектик бирликда, боғланиш ва алоқадорликда мавжуд булади.

Хуш, бутун ва қисм деб нимага айтилади?

Бутун — ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қисмлар, бўлаклар, томонлар, элементлар, компонентларнинг узвий бирлигидан иборат бўлган алоҳида нарса, ҳодиса, жараёндир. Масалан, бизни ўраб турган олам бир бутундир.

Қисм эса шу бутунни ташкил қиласан, унинг таркибидаги маълум бўлак, компонент, элементдир. Масалан, бир бутун оламнинг бир қисми табиатдир.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга хос бўлган бутун ва қисмларнинг ўзаро қонуниятли алоқадорлиги «Бутун ва қисм» категорияларида акс этади ва ифодаланади. Оламдаги ҳар бир предмет (ҳодиса, буюм, процесс) ана шу бутун ва қисмларнинг диалектик бирлигидан иборат. Масалан, лексикологияга оид «ишчилар» сўзи-

ни олсак. Бу сўз: «иш» — «чи» — «лар» каби маъноли қисмлардан иборат. Бу қисмлар ўзаро бирикиб, бир бутун «ишчилар» сўзини ҳосил қиласди.

Бутун ва қисм ўзаро диалектик алоқадорликдадир. Бутуннинг умумий табиати уни ташкил қилувчи қисмларнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, бутун таркибидаги ҳар бир қисм бутуннинг ўзига хос хусусиятини маълум даражада ифодалайди. Лекин бутунни ташкил қилган бу қисмлар бутун таркибида ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки бутуннинг бўлаклари сифатида куринади. Унда бутунга хос маълум хусусият қисмларга ҳам хос бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бутун таркибидаги қисмлар бутун билан умумий бирликка эга бўлиши билан бирликда, улар билан ўзаро зиддиятда, қарама-қаршиликда бўлиши ҳам мумкин. Бутунсиз қисмлар ва қисмларсиз бутун йўқ ва бўлиши мумкин эмас, улар фақат ўзаро алоқадорликда, бирликда, биргаликда, бир-бирини тақоза қилган ҳолда мавжуд булади. Бунда бутунни ташкил қилувчи қисмлар ҳам ўзаро бир-бирлари билан таъсир ва акс таъсир қилиб туришади. Бутун ва қисмларнинг бу ўзаро таъсир ва акс таъсир қилиб туришлари натижасида бутун ва қисмларнинг ўзгариши ва ривожланиши содир булади. Бундан ташқари, ҳар бир бутун ва қисмлар объектив реалликдаги бошқа бутунлик ва қисмлар билан ҳам муайян алоқадорликда ва боғланишда булади.

Бутун билан қисм алоқадорлигининг уч типини фарқ қилиш мумкин:

1. Бутуннинг бирор қисми унинг таркибидан чиқарип ташланса ёки бу қисм яна қайтадан бутун таркибига киритилса, бутун сифат жиҳатдан ўзгармайди.

2. Бутуннинг қисмларидан бири бутун таркибидан чиқарилиши ёки бу қисм қайта бутун таркибига киритилиши билан бутун бутунлай ёки қисман ўзгаради.

3. Бутуннинг қисмлари ўзгариши билан бутун ҳам, ёки бутуннинг ўзгариши билан унинг қисмлари ҳам ўзгаради.

Бутун ва қисм категориялари инсон томонидан борлиқни билиш ва ўзлаштиришнинг маълум шакллари сифатида дунёнинг бирлиги муаммосини илмий ҳал қилишда муҳим роль ўйнаган.

г) Система, структура ва элемент.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар система, структура ва элемент алоқадорлигига ҳам эга булади. Чунки улар

маълум системалар тарзида мавжуд булиб, ўз тузилиши ва таркибига кўра эса муайян структурага эга ҳамда қатор элементлардан ташкил топган булади.

Система — бу борлиқдаги ўзаро боғлиқ, муайян тартибдаги бир-бирига таъсир ва акс таъсир қилиб турувчи нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг қонуниятли бирлигидир.

Структура эса шу системани ташкил этган нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг тартиби, тузилиши, таркиби, жойлашиши ва ифодаланишидир. Структура ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг, ҳар бир системанинг ажралмас туб хусусияти булиб, у муайян элементлардан ташкил топади.

Элемент система структурасини ташкил қилган, нисбий мустақилликка эга бўлган тузилмадир. Ҳар бир система ўз структурасига кўра бир қанча ўзаро чамбарчас боғлиқ ва алоқадорликда бўлган элементлардан иборат булади.

Система, структура ва элемент категориялари нарса ва ҳодисаларга хос бўлган ана шу моддий системалар, структуралар ва элементларнинг ақлий инъикосларидир.

Одатда, ҳар бир система, ўзининг тузилишига кўра алоҳида системачаларга ажралиши, нисбий мустақил элементларга бўлиниши, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, бир бутунликни ташкил этиши каби хусусиятларга эгадир. Бунда системалар иерархияси шундаки, доимо бир қанча системачалар бирикиб, янги, ҳажм жиҳатидан кенгроқ системани ҳосил қила боради. Бу ҳолат янада юқорилашиб бориб, натижада, бир-бирига кирувчи, бир-бири билан боғлиқ, бирига нисбатан иккинчиси кенгроқ бўлиб борадиган системаларнинг олий бирлиги — бир бутун борлиқни қарор топтиради.

Умуман, ҳар бир системанинг ташкил топиши ва мавжуд бўлишида унинг структураси муҳим роль ўйнайди. Айни шу структура системадаги ўзаро таъсир ва акс таъсир қилувчи моддий таркибларни элементларга айлантиради.

Диалектика учун система, структура ва элемент категорияларининг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг бир-бирига ўтишларини ва ҳар бирига хос алоҳида хусусиятларини кўрсатиш, уларнинг ўзаро умумийлиги ва бир-биридан фарқларини аниqlаш айниқса муҳимдир.

Структура нарса ва ҳодисалардаги, улардан ташкил

топган системалардаги ўзаро боғлиқ қуидаги уч маънони ифодалайди:

1. Структура нарса ёки ҳодисанинг бир хил ёки ҳар хил жинслигини, унинг муайян нисбий мустақил қисмларга, элементларга, компонентларга бўлиннишини ифодалайди.

2. Структура нарса ёки ҳодисани ташкил этувчи қисмлар, бўлаклар, компонентлар ва элементларнинг ўзаро бир-бирига таъсир ва акс таъсирларини, улар уртасидаги алоқадорлик ва боғланишларни, бу боғланишларга оид қонуниятларни ифодалайди.

3. Структура, ниҳоят, нарса ёки ҳодисанинг қандай элементлардан ташкил топганлигидан қатъий назар, бу элементларнинг органик бирлигини, уларнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини ифодалайди. Шунинг учун структурани билиш бу, биринчидан, унинг элементларини аниқлаш, иккинчидан, мазкур элементларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлаш, ниҳоят, учинчидан, бу элементлар бир бутунлигининг ўзига хос табиатини тушуниб олишдир.

Демак, структура категорияси бутун бир системани ташкил этувчи элементлар алоқадорлигининг ўзига хос усусларини ва бу бир бутунлик доирасидаги элементларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди. Бунда ҳар бир элемент структуранинг нисбий мустақил компоненти булиши билан бирга, ўзаро муайян қонуниятлар асосида бирлашиб, бир бутун системани вужудга келтиради.

Кейинги вақтларда табиатшунослик ва ижтимоий фанлар соҳаларида тадқиқот обьектини чуқурроқ ўрганиш мақсадида системали ёндашиш, структуравий анализ усуслари ишлаб чиқилди. Бу усусларнинг қўлланилиши уларнинг самарадорлиги ва истиқболли эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, системали ёндашиш усули ўзининг муҳимлиги, ўрганилаётган предмет ва ҳодисалардаги барча алоқадорлик ва боғланишларни ҳисобга олиши билан диалектик усусларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

д) Мазмун ва шакл.

Мазмун ва шакл ҳам кишиларнинг борлиқни билишида катта роль ўйнайди.

Хўш, мазмун ва шакл нима?

Мазмун — нарса ёки ҳодисани айнан шу нарса ёки ҳодиса сифатида ифодаловчи жараёнлар, муҳим элементлар ва ўзаришларнинг мажмуидан иборат.

Шакл — мазмуннинг мавжудлик усулини, унинг структурасини, яъни тузилишини ифодаловчи, нарса ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи томонларининг бирлигидан иборат. Мазмунни ташкил этувчи хусусиятлар, зиддиятлар, элементлар шаклсиз ифодаланмаганидек, уларнинг мавжудлик усули, структураси, тузилиши ҳам мазмунсиз намоён була олмайди. Демак, мазмун ва шакл муайян бир нарса ёки ҳодисанинг бир-бири билан диалектик алоқадор бўлган икки томонидир.

Объектив оламда нарса ва ҳодисага оид бўлмаган соғ мазмун ҳам, соғ шакл ҳам йўқ. Аксинча, фақат муайян мазмун ва шакл бирлигига эга бўлган нарсалар ва ҳодисаларгина мавжуддир. Бунда ҳамиша муайян мазмун муайян шаклда ифодаланиб, муайян шакл муайян мазмунга эга бўлади.

Борлиқдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса уз мазмун ва шакл бирлиги туфайлигина мавжуд бўлса-да, улар шу бирликни вужудга келтиришда турлича роль ўйнайди. Шакл эса, аксинча, мазмунни ифодалайди. Қисқа қилиб айтганда, мазмун шаклни белгилайди.

3) Сабаб ва оқибат.

Нарса ва ҳодисалар ўзларининг пайдо бўлишлари, шаклланиш ва ривожланишларида бир-бирлари билан алоқадорликда ва сабабий боғланишларда бўлишиб, уларнинг бири сабаб, иккинчisi шу сабаб туфайли келиб чиқсан оқибат бўлади. Уларнинг ўзаро бундай алоқадорлиги сабабий боғланиш дейилади. Бу сабабий боғланишда бир нарса ёки ҳодиса иккинчи бир нарса ёки ҳодисани вужудга келтиради.

Хуш, сабаб ва оқибат нима?

Бир ҳодисадан олдин келиб, уни вужудга келтирган ҳодиса ёки ҳодисалар гуруҳи **сабаб** деб аталади. Сабабнинг бевосита ёки бавосита таъсири билан юз берадиган ҳодиса **оқибат** дейилади. Масалан, қўлларимизни бир-бирига ишқалаганимизда қўлларимиз қизийди. Бу ерда икки ҳодиса: ишқаланиш ва иссиқликнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Лекин бунда ишқаланиш иссиқликни келтириб чиқармоқда, яъни ишқаланиш иссиқликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Демак, ишқаланиш сабаб, иссиқлик-оқибат бўлмоқда.

Одатда борлиқдаги ҳар бир ҳодисанинг пайдо бўлиши ва ривожланишида уз сабаби бўлади ва айни вақтда унинг ўзи ҳам бошқа ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига сабаб бўлиб хизмат қилиши мум-

кин. Айрим ҳодисаларни тушунмоқ учун биз уларни умумий алоқадорликдан айириб олишимиз ҳамда уларни алоҳида-алоҳида текширишимиз лозим. Бундай ҳолда эса бир-бiri билан алмашиниб турувчи ҳаракатлардан бири сабаб тарзида, бошқаси оқибат тарзида кўз олдимизда намоён бўлади.

Сабаб билан оқибатнинг ўзаро алоқадорлиги сабабият деб аталади. Табиат ва жамиятдаги сабаб-оқибат боғланишларнинг кишилар фикридаги ифодаси сабабият категориясининг пайдо булишига олиб келган. Сабабият ҳодисалар ўртасидаги шундай ички алоқадорликки, бунда ҳар доим бир ҳодиса мавжуд бўлар экан, унинг кетидан муқаррар равишда иккинчиси содир бўлади.

Кишиларда бир ҳодиса бошқа ҳодисага сабаб бўлади, деган тасаввур уларнинг амалиёти асосида келиб чиққан.

Сабабият борлиқда умумий, ҳар томонлама характеристга эга. Сабабсиз оқибатлар йўқ ва булиши ҳам мумкин эмас, ҳамма нарсанинг ўз сабаби бор. «Шамол бўлмаса, дараҳтнинг учи қимиrlамайди» — дейди халқимиз. Сабабият объективдир, у борлиққа инсон ақлидроқи ёки қандайдир гайритабиий кучлар томонидан кирилган эмас. Сабабият аксинча, борлиқнинг ўзига хос алоқадорлиги бўлиб, у инсон томонидан шу борлиқни билиш жараёнида очилади. Айрим ҳодисаларнинг сабаби ҳозирча маълум бўлмаса ҳам, у кейинчалик фан ва ижтимоий амалиёт тараққиёти давомида кашф этилади. Сабаб оқибатга актив таъсир қиласи. Бу таъсирнинг хусусияти шундан иборатки, у сабабнинг ҳал қилувчи кучига асосланган бўлади.

Борлиқда доимо маълум вақт муайян аниқ шартшароит мавжуд бўлган тақдирдагина, сабаб оқибатни келтириб чиқаради. Лекин бу маълум сабаб доимо бир хил маълум оқибатни келтириб чиқаради, дегани эмас. Бунда оқибатнинг келиб чиқиши аниқ шарт-шароитлар, аниқ вазиятлар билан боғлиқ бўлади.

Сабабни оқибатни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлардан фарқ қилиш зарур.

Сабаб ва оқибат вақт жиҳатдан кетма-кет келиб, бунда сабаб оқибатдан олдин, оқибат сабабдан кейин келади, яъни сабаб оқибатни келтириб чиқаради. Лекин борлиқда кетма-кет келувчи ҳар қандай предметлар ва ҳодисалар бир-бирлари билан сабабий боғланышда бўлавермайди. Масалан, қишдан сўнг баҳор,

баҳордан сўнг ёз, ёздан сўнг кузнинг келиши сабаб ва оқибат боғланиши эмас, улар бир-бирларини келтириб чиқаришмайди. Бу ҳодисаларнинг рўй бериши Ернинг Қуёш атрофида ўз ҳолатини ўзгартирган ҳолда айланиши сабабли содир бўлади.

Одатда сабабни баҳонадан ҳам фарқ қилиш лозим. Баҳона бевосита оқибатдан олдин содир бўладиган бирор ҳодиса ёки воқеа бўлиб, у ўз моҳияти билан оқибат сифатида рўй берган ҳодисанинг ҳақиқий ва асосий сабаби була олмайди. Бунда баҳона сабабнинг оқибатини келтириб чиқаришда туртки бўлиши, оқибатнинг содир бўлиш жараёнини тезлатувчи омил ролини ўйнаши мумкин. Масалан, бунга 1991 йил 19—21 августдаги фавқулодда давлат комитетини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ўринда эски Иттифоқ емирилишини, унинг ўрнига янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишининг сабаблари бутунлай бошқа нарсалар эди.

Борликдаги барча нарса ва ҳодисалар ўз табиий объектив сабаблари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Табиат ҳеч қачон олдиндан белгиланган мақсадларни қўя олмайди ва қўймайди ҳам. Жамиятда эса аҳвол бошқача, чунки жамиятда онгли мавжудотлар — инсонлар фаолият курсатадилар, улар ўз фаолиятларини олдиндан белгиланган маълум мақсадлар асосида амалга оширадилар. Мақсадга мувофиқ фаолият курсатиш фақат инсонларга хосдир. Жамиятда киши нимани қилмоқчи бўлса, аввало, у ўзича буни ўйлайди, унинг ҳақида фикр юритади, бу иш юзасидан маълум режа тузади, уни амалга ошириш учун ўз олдига маълум мақсадларни қўяди ва уларга эришиш учун ҳаракат қиласи. Бунда мақсад кишининг ўзи томонидан белгилангани учун, одатда у кўпинча ташқи шарт-шароитларга боғлиқ эмасдай туюлади. Аслида, инсоннинг ҳар қандай мақсади (нияти, ҳатто орзуси ҳам) объектив сабаблар асосида тарихий шарт-шароитлар таъсизирида, унинг миясида зарурий равишда пайдо бўлади.

Умуман, инсоннинг орзу-мақсадлари табиат ва жамият тараққиётининг объектив сабаблари ва қонуниятларини қатъий ҳисобга олиш асосида пайдо бўлиб, унинг бутун фаолияти, куч-ғайрати шу орзу ва мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Борликдаги сабаб ва оқибат алоқадорликларини тўгри билиш кишиларнинг ўз олдиларига қўйган амалий масалаларини ижобий ҳал қилишда асосий омиллардан бири-

дир. Шу билан бирга, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги салбий ҳодисаларни бартараф қилишда ҳам, кишиларнинг онги ва хулқ-авторида мавжуд бўлган салбий ҳолатларга қарши курашда ҳам сабаб ва оқибат категориялари муҳим аҳамиятга эга.

Борлиқдаги сабабий боғланишларнинг мураккаб занжирида зарурый ва тасодифий алоқадорликлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундай алоқадорликларни зарурят ва тасодиф категориялари ифодалайди.

ж) Зарурият ва тасодиф.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, уларнинг ички муҳим боғланишларидан муайян шароитда қатъий равишда келиб чиқадиган, келиб чиқиши муқаррар бўлган воқеа ёки ҳодиса **зарурият** деб аталади. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлмаган, ташқи таъсир ва иккинчи даражали омиллар билан боғлиқ бўлган, айни шароитда юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодиса ёки воқеа **тасодиф** дейилади. Зарурият ва тасодиф ўзаро bogliq bouldan, бири иккинч исизиз мавжуд бўлмайдиган борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариши ва ривожланишига оид алоқадорликнинг икки томонидир. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва айни вақтда бир-биридан фарқ ҳам қиласди. Бу фарқ, аввало, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Заруриятнинг бундай ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: 1) заруриятнинг сабаби ўзида бўлади, у мазкур нарса ёки ҳодисанинг ички табиатидан келиб чиқади, у моҳият билан боғлиқ; 2) зарурият нарса ва ҳодисанинг муҳим, такрорланиб турадиган ички алоқадорликларнинг натижасидир; 3) зарурият нарса ва ҳодисанинг олдинги бўлган ўзгариш ва ривожланишлари орқали қонуний тайёрланган бўлади; 4) зарурият муқаррарлик хусусиятга эга булиб, албатта, юз беради; 5) зарурият умумий характерга эга; 6) ниҳоят, зарурият доимо қонуният билан боғлиқ бўлади.

Тасодиф заруриятдан фарқли ўлароқ, муайян шароитда юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин, у шу тарзда ҳам, бошқача тарзда ҳам юз бериши мумкин. Тасодиф айни вақтда нарса ёки ҳодисанинг моҳиятидан келиб чиқмайди, у бекарор ва вақтинчадир. Аммо тасодиф ҳам сабабсиз юз бермайди. Унинг сабаби, одатда, нарса ёки ҳодисанинг ўзида бўлмай, балки ундан ташқарида ташқи шарт-шароитларда бўлади. Тасодиф ҳам ўзига хос қуйидаги хусусиятлар билан ха-

рактерланади: 1) тасодифнинг сабаби ўзида эмас, балки бошқа нарса ва ҳодисададир, у ички сабаб асосида эмас, ташқи сабаблардан келиб чиқади; 2) тасодиф борлиқдаги номуҳим боғланишлардан келиб чиқади; 3) у нарса ёки ҳодисанинг бутун ривожланиш давомида эмас, балки турли жараёнларнинг таъсирида содир булади; 4) тасодиф нарса ва ҳодисалар ривожланишининг йұналишини белгилаб бермайды, шунга күра у муқаррар эмас; 5) тасодиф умумий эмас, балки индивидуал характерга эга; 6) тасодиф, ниҳоят, қонун билан боғлиқ эмас.

Умуман, зарурият ва тасодиф борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқадорлигининг турли шакллари сифатида мавжуд булиб, улар объективдир, яъни уларнинг мавжудлиги ва амал қилиши инсон хоҳиши ва иродасига боғлиқ эмас.

Зарурият ва тасодиф ўзаро диалектик бөглиқдир, бунда тасодиф заруриятнинг ички тизимида яширган булгани каби, зарурият ҳам тасодифлар тизмасида, уларнинг тақрорланишида мавжуд булади, бошқача айтганда, улар бир-бирисиз, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлолмайди.

Фаннинг вазифаси борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишларида яшириниб ётган, инсонга номаълум бўлган ички зарурий алоқадорликларни ва улар тизимидаги ташқи тасодифларни аниқлашдан иборатдир.

Борлиқдаги қатъий зарурият доимо тасодифлар тизмасида ҳукмронлик қилиб, тадқиқотчи ўз тадқиқоти жараёнида тасодифий ҳодисалар тизмасида мавжуд бўлган тасодифларни тадқиқ қилиш, уларнинг бир-бирлари билан алоқадорликларини аниқлаш, улар тизмасида мавжуд бўлган, лекин яшириниб ётган заруриятни очиш, жамиятда инсоният учун ноқулай бўлган воқеа-ҳодисаларнинг рўй беришларининг олдини олишга имкон беради.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳозир қандай эканлиги, келажакда қандай булишини биз имконият ва воқелик категорияларисиз тушуна олмаймиз.

Имконият ва воқелик.

Имконият ва воқелик ўзгариш ва ривожланиш жараёнидаги нарса ва ҳодисаларнинг икки хил даврини, икки хил ҳолатини, бу даврларнинг ўзаро муносабатини ўзларida ифодаловчи категориялардир.

Воқелик — бу ҳозир реал мавжуд бўлган, яшаб тур-

ган нарса ва ҳодисалардир. Лекин бу ҳодисалар ривожланиш жараёнида бирданига ҳозирги ҳолатда булмай, балки дастлаб имконият ҳолатида бўлган булиб, улар ўзларининг маълум келиб чиқиш даврига, вақтига, тарихига эга. Воқелик ўзининг пайдо булиш давридан олдин имконият шаклида мавжуд бўлади.

Имконият — бу воқеликнинг куртак ҳолдаги кўришишидир, у юзага чиқмаган воқеликдир. Шу билан бирга, имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари ҳам булиши мумкин. Имконият объектив қонуниятлардан келиб чиқади, улар томонидан яратилади.

Имконият ва воқелик категорияларини, уларнинг ўзаро диалектикасини чукур билиб олиш кишиларнинг амалий фаолиятида, илмий текшириш ишларида катта аҳамиятга эга.

Имконият ва воқелик категорияларининг мазмуни онгдан ташқаридаги объектив оламдан олинади. Бу категориилар бир бутун моддий ёки руҳий жараённинг икки томонини акс эттирувчи, ўзаро диалектик муносабатдаги категориялардир. Шунинг учун имконият ва воқеликни бир-биридан фарқ қилиш лозим, чунки уларни аралаштириб юбориш назариянинг ролини инкор этишга, инсоннинг табиат ва жамиятни ўзgartирувчи фаолиятини тушунмасликка, амалиётнинг аҳамиятини йўққа чиқаришга олиб келади. Уларни аралаштириб юбориш йўқ нарсани бор, деб билишга, янгининг кураш жараёнида эски устидан ғалаба қилини кўрмасликка олиб боради.

Имкониятлар янги, энди вужудга келаётган, ривожланаётган ва эски, умрини тугатаётган реал кучлар сифатида прогрессив ва консерватив булиши мумкин.

Эскиликни ифодаловчи имконият ривожланиш жараёнида воқеликка айланниб қолиши ҳам мумкин, лекин бу ҳаракатнинг ички қонуниятидан, унинг туб характеристеридан келиб чиқмайди. Шунинг учун эскиликни ифодаловчи имкониятнинг воқе булиши вақтинчадир.

Имконият воқеликка бирдан айланмайди. У эски воқелик ичида, аввало, куртак шаклида мавжуд булиб, сўнг ривожланиб бориб, тобора реаллаша боради ва маълум даврда, маълум шарт-шароит туфайли воқеликка айланади. Имконият реаллаша борган сари, унинг мавжуд эски воқелик билан кураши ҳам кескинлашиб боради. Шунга кўра, имкониятни формал, абстракт ва реал имкониятларга ажратиб ўрганилади. Кү-

рук, фикрий изчиллик жиҳатидангина тұғри бұлган, лекин реал асосга эга бўлмаган имконият формал имкониятдир. Формал имконият объектив ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам у ҳеч қачон воқеликка айланмайди.

Амалга ошиши учун ҳали шарт-шароитлар тулиқ етилмаган, лекин амалга ошиши қонуний бўлган, нарса ва ҳодисанинг ўзгариш ва ривожланиш мантиқидан келиб чиқувчи имконият абстракт имконият дейилади. Абстракт имконият ривожланиш жараёнида маълум объектив ва субъектив шарт-шароитлар етилганда, реал имкониятга айланади.

Реал имконият — бу ривожланишнинг асосий тенденциясини ифодаловчи, ҳозирги шароитда унинг ички моҳиятидан келиб чиқувчи имкониятдир. Реал имконият конкрет, айни вақтда амалга ошиши мумкин бўлган имкониятдир.

Ижтимоий тараққиётда имкониятнинг воқеликка айланишида объектив шарт-шароит ҳал қилувчи роль үйнайди. Объектив шарт-шароитлар — булар инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган шарт-шароитлардир. Бироқ жамиятдаги реал имкониятларни воқеликка айлантиришда онгли фаолиятнинг роли ҳам ғоят каттадир. Бунинг маъноси шуки, жамият имкониятларининг воқеликка айланишида субъектив омил муҳим аҳамиятта эга. Субъектив омил — бу халқ оммаси, унинг онглилиги ва актив амалий фаолиятидан иборат. Шунинг учун ҳам имконият ва воқелик диалектикаси ни ўрганиш масаласи жамиятни бошқаришда жуда катта аҳамиятта эга. Бунда субъектив омил объектив шарт-шароитларга асосланади. Уларсиз субъектив омилнинг ўзи ҳеч нарсани юзага келтира олмайди, чунки объектив шарт-шароитлар субъектив фаолиятга нисбатан бирламчи ва белгиловчидир.

Ижтимоий тараққиёт йўлларини ҳамиша бутун ички мураккаблиги ва зиддиятлиги билан тасаввур этиш керак. Бироқ бу жараёнларнинг марказида доимо инсон, унинг манфаатлари ва қизиқишлари турмоги лозим. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос энг муҳим хусусияти ҳам мана шундан иборат.

Умуман, диалектикада юқоридаги детерминистик алоқадорликларни ифодалайдиган категориялар ўзаро бир-бирлари билангина эмас, балки бошқа барча категориялар билан ҳам чамбарчас боғлиқликда ўрганишни талаб қиласди.

4. ТАРАҚҚИЁТНИНГ МОҲИЯТИ, БОСҚИЧЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШИ

Диалектиканинг иккинчи жиҳати унинг тараққиёт тўғрисидаги таълимот эканлигидир. Чунки табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг инсон миясидаги инъикослари — бизнинг тасаввур ва тушунчаларимиз ўзаро боғлиқ ва алоқадор, бир-бирига таъсир ва акс таъсир этиб туриши уларнинг доимий равишда ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда бўлишини тақозо зо этади, уларнинг янгилари пайдо бўлиб, эскилари йўқ бўлиб туради. Нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариш ва ривожланишлари уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғланишлари асосида содир булади. Бизни қуршаб турган барча нарса ва ҳодисалар: галактикалардан тортиб юлдузларгача, юлдузлардан тортиб Ер ва Куёшгача, Ернинг ўзидан тортиб, ундаги турлитуман моддалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсигача, кишилик жамиятидан тортиб то инсон ва унинг тафкуригача ҳамма-ҳаммаси доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Бир бутун борлиқда содир буладиган ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш умумий характерга эгадир. Биз «Борлик» мавзусини ўрганганимизда, ҳаракат борлиқнинг умумий яшаш усули, унинг ажралмас хоссаси эканлиги билан танишган эдик. Кундалик ҳаётда «ҳаракат» деганда, одатда, нарса ва ҳодисаларнинг оддий урин алмашуви тушинилади. Диалектикада эса ҳаракатни чуқурроқ тушинилади. Бундаги «ўзгариш» тушунчаси ҳажм жиҳатдан «ҳаракат» тушунчасига киради. Чунки ҳар қандай ўзгариш ҳарақатдир, лекин ҳар қандай ҳаракат ўзгариш эмасдир. Ўзгариш нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишидир. Масалан, янги буюмнинг эскириши ва шулар каби. Бироқ «ўзгариш» ўз ичига «ривожланишни» олади, гарчи ҳар қандай ўзгариш ривожланиш бўлмаса ҳам.

Ривожланиш эса бу - прогресс¹ томон ўзгаришдир. Ривожланиш, аслида шундай ўзгаришки, бунда муайян йўналишдаги янги ҳолат эски ҳолатнинг, юқори босқич қуи босқичнинг ўрнини олиб, эски нарса ва ҳодисалар йўқолиб, улар ўрнини янги нар-

¹ Прогресс (лотинчи *progresus* сўзидан олинган бўлиб, янгининг ривожи, олинга томон ҳаракат, ривожланишда қуи босқичдан юқори босқичга утиш, дегани) — илгарилаб борадиган тараққист.

са ва ҳодисалар олади. Ўзгариш эса ривожланишдан шу билан фарқ қиласиди, у ўз ичига регресс¹ларни ҳам олади.

Ривожланиш — бу прогрессдан иборат ўзгариш бўлиб, кенг маънода қуидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб илгарилаб борувчи ҳаракатdir. Ривожланиш шундай ўзгаришки, у нарса ва ҳодисаларнинг қуи босқичи ўрнини юқорироқ босқич олишидир. Ривожланиш бошқа жиҳатдан нарса ва ҳодисаларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тубдан ўзгариб, бошқа нарса ва ҳодисаларга айланшидир. Ривожланиш, умуман олганда, тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат эмас, уни бундай тушуниш хатодир. Бундай тушунишни табиат ривожланиши ҳам, жамият тарихи ҳам рад этади. Ҳар қандай реал ривожланиш спиралсимон ҳолда, унинг ҳар бир янги ўрами олдингисига қараганда кенгроқ, бойроқ, мазмунлироқ, юқорироқ асосда эгри-буғри йўллар билан содир булади.

Фан ва ижтимоий-тарихий амалиёт шуни курсатадики, табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккурига хос бўлган асосий умумий хусусиятлардан бири — бу уларда прогресс томон ривожланишнинг, яъни тараққиётнинг мавжудлигидир.

Ноорганик табиатда ривожланиш моддий обьектларнинг, улардаги ўзаро алоқадорлик ва ҳаракат турларининг тобора мураккаблашиб бориши тарзида намоён бўлади.

Органик табиатда эса ривожланиш тирик организмларнинг ташқи мухитга мослашуви асосида, улардаги табиий ва сунъий танланиш жараёнида эски, содда турларнинг ўрнига янги, мураккаброқ турларнинг пайдо бўлиб, уларнинг такомиллашиб боришида ифодаланади.

Инсоннинг ривожланиши дейилганда эса, одамнинг тобора ижтимоийлаша бориб, меҳнат, тил, онг ва ахлоқнинг таъсири туфайли ижтимоий зот — инсонга айлана бориши, ниҳоят, ибтидоий жамоа тузуми кишисидан то ҳозирги давр кишисигача босиб ўтилган босқичлар тушинилади.

Прогресс томон ривожланиш, айниқса, жамият ҳаётида яққол кўзга ташланади. Жамиятдаги ривожланиш бир қуи ижтимоий-иктисодий босқичдан ун-

¹ Регресс (лотинча regressus — сўзидан олинган бўлиб, орқага томон ҳаракат, қайтиш дегани) — салбий томон ўзгариш, ортга қайтиш, юқоридан қуи томон бориш.

га нисбатан прогрессивроқ, юқоририоқ ижтимоий-иктисодий босқичларга үтиб бориш асосида рўй беради.

Инсон тафаккури жараёнига хос ривожланиш эса, бу инсон билишининг билмасликдан билишга томон, тўла бўлмаган билимлардан тўлароқ билимларга томон, оддий билишдан илмий билишга томон юксалиб боришидир.

Биз кўриб ўтган соҳаларнинг ҳар бирида прогресс томон ривожланиш ўзига хос шаклларда юз беради. Шу билан бирга, уларнинг ҳаммасига хос ривожланишнинг умумий томонлари ҳам бўлиб, улар бирликда бир бутун дунёнинг умумий ривожланиш манзарасини ифодалайди.

Умуман, биз ривожланиш атамасини жуда кўп ишлатамиз, у бизга тушунарлидек, туюлади. Аслида эса, бу тушунча ифодалаган жараён, биз ўйлагандек, унчалик содда эмас. «Ривожланиш» тушунчаси кўп ҳолларда олға қараб боришининг синоними сифатида «прогресс» тушунчасига тенглаштирилади. Бугунги кунда инсоният жамиятининг ривожланиши, унда содир бўлаётган ўзгаришлар ривожланишнинг мураккаб жараён эканлигидан далолат бермоқда.

Унда муайян даврий ўзгариш билан бир қаторда, прогрессга томон такрорланмас ўзгаришлар, турли хил зигзаглар мужассамлиги ҳам маълум бўлмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар таҳликали тенденциялар, ҳалокатлар хавфи бўлган жараёнларни ҳам ўз ичига олишлиги равшан бўлмоқда. Бу жараёнларни тўғри тушуниб олиш ва уларга тўғри ёндошиб, тўғри хulosалар чиқариш учун бизга янгича фикрлаш жуда зарур бўлмоқда. Масалан, бизнинг шу пайтгача ўйламасдан табиат бойликларидан талон-тарожлик билан фойдаланиб келишимиз натижасида буғунги кунда табиат ўз бошидан умумий таназзул (танглик)ни кечириши хавфи пайдо бўлди. Шунинг учун табиат ва жамиятда юз бераётган ҳозирги жараёнларнинг таҳлили ривожланишнинг фалсафий тушунчасини қайта кўриб чиқиши тақозо қилмоқда. Бунга сабаб ривожланиш жараёнида турли хил ўзгаришларнинг зиддиятли характерлари намоён булаётганлигидир. Ривожланиш жараёни шу билан бирга, ўз табиатига кўра турлича йўналишдаги, бир-бирига қарама-қарши ва айни вақтда бир-биридан ажралмас тенденцияли томонларга ҳам эга. Бу тенденциялар

дифференциация¹ ва интеграция² жараёнларининг бирлигидан иборатdir.

Шуни айтиш керакки, ривожланишнинг турли томонлари, босқичлари, унинг конкрет хусусиятлари турли конкрет фанлар томонидан ўрганилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг соҳасига оид алоҳида ривожланиш назарияларини ишлаб чиқади ва мукаммаллаштириб боради. Масалан, ҳозирги замон космологияси коннот, айрим галактикалар, турлича космик обьектларнинг келиб чиқиши каби назарияларни ишлаб чиқмоқда. Эволюцион биология эса тирик организмларнинг ривожланиши, уларда содда турлардан мураккаб турларнинг қандай келиб чиқиши ҳақида ўз назарияларига эга. Тарих фанида эса кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари ҳақида турли на-зариялар мавжуд; тилшунослик фани бўлса турли тилларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги назарияларни ишлаб чиққандир. Булар ривожланишнинг турли конкрет маҳсус соҳаларига оид назариялардир.

Ривожланишнинг турли маҳсус фанлар соҳаларига оид бундай назарияларининг умумий жиҳатлари диалектиканинг тараққиёт назариясида ифодаланади. Диалектиканинг тараққиёт назарияси эса бир бутун борлиқнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиш қонунлари ва принципларини ўз ичига олган умумфалсафий таълимотdir. Тараққиётнинг бу умумфалсафий назариясининг вужудга келиши ва шаклланиши ҳам ўз тарихига эга.

а) Микдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги.

Бизни қуршаб турган нарса ва ҳодисаларни ўрганар эканмиз, улар бир-бирларидан ўзларининг турли хусусиятлари билан фарқланишларини кўрамиз. Бунда уларни бир-биридан фарқ қилирувчи нарса — уларнинг сифатидир.

Сифат деб, нарса ва ҳодисаларга нисбий барқарорлик бағишлайдиган, уларнинг ички муайянлигини таъминлайдиган, бир нарса ва ҳодисани иккинчи нарса ва ҳодисадан фарқ қилирадиган барча муҳим белги ва хусусиятларнинг бирлигига айтилади.

¹ Дифференциация (лотинча *differentia* — сўзидан олинган булиб, булиниш, парчаланиш, тармоқданиш, фарқланиш маъноларини билдиради) — ривожланиш жараённада нарса ва ҳодисаларнинг турли куриниш ва шаклларга кириши.

² Интеграция (лотинча *integeratio* — сўзидан олинган булиб, бир бутун ҳолга келиш, бирикиш каби маъноларни билдиради) — ривожланиш жараённада турли қисмларга булинган нарса ва ҳодисалар томонларининг қайтадан бирикиши.

Сифат бир нарса ёки ҳодисани бошқа нарса ёки ҳодисадан ажратиб турдиган шундай муайянликки, унинг үзгариши унинг үрнига бошқа нарса ва ҳодисани вужудга келтиради.

Табиат ва жамият жуда кўп хилма-хил нарсалар, воқеа ва ҳодисаларнинг бирлигидан ташкил топган. Уларнинг бундай хилма-хиллиги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сифатий тафовутларнинг ифодасидир. Масалан, ноорганик табиат билан органик табиат сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди. Органик табиат уз атрофидаги муҳит билан узлуксиз модда алмашиниб турди. Ноорганик табиатда бундай модда алмашиниш бўлмайди, уз навбатида, органик табиатнинг турли қисмлари ўртасида, масалан, ўсимликлар билан ҳайвонлар ўртасида ҳам сифат жиҳатдан фарқ бор. Бироқ, инсон уларга нисбатан бутунлай бошқача сифатга эга.

Одатда бир нарса ёки ҳодисанинг сифати бошқа нарса ёки ҳодиса билан бўлган муносабатида аниқланади. Шу билан бирга, сифат бир нарсани иккинчи бир нарсадан ажратибгина қолмасдан, балки унинг бошқа нарсалар билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун муайян сифатга эга бўлган нарса ва ҳодисаларни бир-биридан ажратиб, бир томонлама ўрганиш билан чегараланмай, балки уларни бир-бири билан боғлайдиган умумий хусусиятлари асосида ҳам ўрганиш зарур. Агар органик табиатдаги тирик организмнинг атроф-муҳит билан модда алмашиниши тўхтаб қолса, бу организм ҳалок бўлади, узининг тириклик сифатини йўқотади, чунки тирик организмнинг тириклиги, ундаги ҳаётнинг моҳияти модда алмашинувидан иборат.

Нарса ва ҳодисаларнинг сифати уларнинг хусусиятлари орқали намоён бўлади. Ҳар бир нарса ёки ҳодиса кўпгина хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлардан бир қанчаси бирикиб, шу нарса ёки ҳодисанинг муайян сифатини ташкил қиласди. Бунда сифат билан хусусият бир нарса эмаслиги маълум бўлади. Сифат нарса ва ҳодисанинг умумий характеристикасини бериб, унинг моҳиятини ифодалайди. Хусусиятлар эса сифатнинг ифодасидир, уларнинг муҳим ва номуҳим хусусиятлари үзгариши билан уларнинг сифати ҳам үзгариши мумкин. Бундан маълум бўладики, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг сифатининг үзгаришлирида катта роль ўйнайди.

Нарса ва ҳодисалар номуҳим хусусиятларини йўқо-

тишлари ёки янгидан ҳосил қилишлари натижасида, улар үз сифатларини ўзгартирмайдилар. Агар бу нарса ва ҳодисалар үзларининг муҳим хусусиятларини йўқотса ёки ўзгартирсалар, улар янги сифатга утадилар. Масалан, бензин учун ранг муҳим хусусият эмас. Бензин рангини йўқотгани ёки бошқа рангга киргани билан у бошқа суюқликка айланмайди. Тез ёнувчанлик эса бензиннинг муҳим хусусиятидир. Бензин ўзининг бу хусусиятини бирор сабаб билан йўқотса, у двигатель учун ёнилғи бўлмай қолади, натижада, сифат жиҳатидан бошқа химиявий мөддага айланган бўлади.

Нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятлари ҳам объективидир.

Шуни айтиш керакки, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар бир-биридан фақат сифатлари билан эмас, балки миқдорлари билан ҳам фарқланадилар. Уларнинг сифатлари доимо миқдорлари билан бирга мавжуддир.

Нарса ва ҳодисалардаги сон, ҳажм, даража каби томонларнинг муайянлиги **миқдор** деб аталади. Нарса ва ҳодисаларда миқдор турлича ифодаланади. Уларда миқдор бир ҳолатда сон тариқасида, иккинчи ҳолатда ўлчов даража тариқасида, учинчи ҳолатда эса нарса ва ҳодисаларнинг макондаги ўзаро муносабати (узунлиги, кенглиги, баландлиги) тариқасида ифодаланади.

Ижтимоий ҳодисаларнинг миқдор муайянлигини, табиат ҳодисаларида бўлганидек, ҳамма вақт ҳам аниқ ифодалаб бўлмайди. Лекин бунда ҳам сифат ва миқдор бирликда бўлади. Масалан, бир ижтимоий тузум иккинчи ижтимоий тузумдан ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатларининг характеристи жиҳатидан фарқ қилиши билан бирга (сифат), ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унумли меҳнат билан шугулланувчи одамларнинг сони, миллий даромаднинг маълум миқдори, унинг жамият аъзоларига тақсимланиши (миқдор) ва шу кабилар билан фарқ қиласи.

Миқдор ҳам сифат каби объектив мавжуд булиб, у предмет ва ҳодисаларнинг энг муҳим томонини ифодалайди.

Шунинг учун нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг миқдор ва сифатини, узвий боғлиқлигини эътиборга олмоқ лозим. Ҳар бир нарса ва ҳодиса муайян миқдор ва сифат бирлигидан иборат меъёрга ҳам эга бўлади. Меъёр нарса ва ҳодисаларнинг миқдор ва сифат бирлигини қамраб олувчи чегарадир. Бошқа-

ча қилиб айтганда, сифат билан миқдорнинг бирлиги меъёр, дейилади. Меъёр нарса ва ҳодисаларнинг шундай муайянлигики, унинг бузилиши нарса ёки ҳодисанинг сифатининг ўзгаришига, унинг бошқа сифатга утишига, яъни бошқа нарса ва ҳодисага айланишига олиб келади.

Ижтимоий ҳодисаларда меъёрнинг роли жуда каттадир. Айниқса, санъатда меъёр жуда муҳимdir. Табиат ва инсон гузаллигини меъёрдан чиқиб ифодалаш мумкин эмас. Меъёр маънавий-ахлоқий ҳодисаларга ҳам тааллуқлидир. Ҳар бир ижтимоий тузумда унинг ахлоқий нормалари доирасидан чиқиб кетилса, у жиноятга айланниб кетади. Чунки бу чегарадан, яъни меъёр доирасидан чиқиш билан бир фаолият бошқа бир фаолиятга айланади. Бундай ҳолда одатда бошқа сифат ва миқдор бирлигига асосланган янги меъёр вужудга келган булади.

Нарса ва ҳодисалар уз мавжудлигининг маълум даврларида сифат ва миқдор бирлигини, яъни олдинги сифатларини сақлайдилар. Бу даврда уларда фақат муҳим булмаган миқдор ўзгаришлари содир бўлади. Бироқ бу жараён вақтинчадир. Тараққиётнинг маълум босқичида миқдор ўзгаришлари шундай даражага етадики, энди янги миқдор ўзгаришлари мумкин бўлмай қолиши туфайли, зарурان сифат ўзгаришларига ўтади. Масалан, миснинг ҳарорати 600°C ёки 1000°C га етказилганида ҳам, унинг агрегат ҳолати ўзгармайди, аммо ҳарорат 1083°C га етганда мис эрий бошлайди, яъни у янги сифатига ўтади. Бунда нарсанинг эски сифат чеграсининг бузилиши натижасида, унинг олдинги меъёри ҳам ўзгаради, яъни янги сифат ва миқдорга эга бўлган янги меъёрдаги нарса вужудга келади.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларда сифат ўзгариши улардаги миқдор ва сифатнинг ўзгаришлари натижасида содир бўлади. Бунда миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига ўтгани каби, сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига ўтади. Ривожланиш жараёнидаги бир-биридан фарқ қилувчи бу икки хил сифат ва миқдор ўзгаришлари, узлуксизлик ва узилишнинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Узлуксизлик — бу нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишидаги миқдор ўзгаришларини ўз ичига олади. Бу узлуксиз ривожланиш даврида нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши миқдор ўзгаришларини ўз ичига олади. Бу узлуксиз ривожланиш даврида нарса ва ҳодисаларда ички ўзгаришлар

юз берса-да, бу ўзгаришлар шу нарса ёки ҳодиса мөхиятини бутунлай ўзгаририб юбормайди. Бунда нарса ёки ҳодиса ўзининг олдинги сифатини саклаб қолади. Узилиш эса шу нарса ва ҳодисалар ривожланишида энди янги миқдор ўзгаришлари мумкин бўлмай қолган бир пайтда юз берадиган сифат ўзгаришларини ифодалайди. Узилиш — бу ўзгариш ва ривожланиш жараёнида нарса ёки ҳодисанинг бир сифат муайянлигидан иккинчи сифат муайянлигига ўтиши демакдир. Ўзгариш ва ривожланишда миқдорнинг сифатга ўтиши, эски сифатнинг янги сифатга айланиш жараёни фалсафада узлуксизликнинг узилиши, дейилади. Айни шу узлуксизликнинг узилиши туфайли бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш жараёнини фалсафада сакраш, деб аталади. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг бутун узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир булиши билан зарурӣ равишда юз беради. Масалан, моддий олам ривожланишида ноорганик табиатдан органик табиатнинг пайдо булиши, айни вақтда буюк сакраш бўлган. Сакраш бирданига, тусатдан бўладиган ҳолатгина эмас балки янги сифат элементлари қўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакраш ўз характеристига кура табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиласидар. Масалан, табиатдаги сакрашлар ундаги эски сифатдан янги сифатга ўтишлар инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, табиий-тарихий жараённинг оқибати сифатида юз беради.

Ижтимоий ҳаётдаги сакрашлар эса табиатдаги сакрашлардан фарқ қилиб, улар кишилар томонидан объектив заруриятларни англаш натижасида тайёрланади ва амалга оширилади. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий инқилоблар, тадрижий ривожланишлар орқали амалга оширилади. Сакрашлар инсон тафаккури тараққиётига, унинг билимлар тизимининг ривожланиб боришига ҳам хосдир. Илм-фан соҳасида секин-аста тўпланиб борган фактлар, маълумотлар ва билимлар асосида инсон ўз ақл-идроқи билан ихтиро ва кашфиётлар қилиши, янги қонуниятларни очиши мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланиб сакрашларни икки турга булиш мумкин: биринчisi — портлаш

йўли билан буладиган сакрашлар, иккинчиси — се-
кин-аста тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шун-
дан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги
сифатга ўтиши тезлик билан юз беради. Масалан, ким-
мёвий жараёнларда реакцияга киришган модда тезлик
билан эски сифатдан янги сифатга ўтади, бошқа ким-
мёвий моддага айланади.

Сакрашнинг иккинчи турида эса эски сифат элемент-
ларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат
элементларининг аста-секин тұпланиши натижасида ян-
ги сифат пайдо бўлади. Бундай сакраш турига тилнинг
ривожланишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожла-
ниш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-би-
рига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан
иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, миқдор ва си-
фат ўзгаришларининг бир-бирига ўтишини билиш
фақат илмий билиш учунгина эмас, балки амалий фао-
лият учун ҳам катта аҳамияти бор. Масалан, республи-
камиз мустақилликка эришди. Лекин уни сақлаш, мус-
таҳкамлаш ва ривожлантириш биздан ҳар доим чидам
ва матонат билан ишлашни талаб қиласди. Чунки, Узбе-
кистоннинг ўз тараққиёт йўли «сохта инқилобий сак-
рашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий
ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли
тараққиётга ўтиш — танлаб олинган йўлнинг асосий
мазмуни ва моҳиятидир.»¹ Ўзбекистон ҳақиқий демок-
ратик ва ривожланган давлатга айланиши учун (яъни
янги сифатга эга бўлиши учун) жуда кўп иқтисодий,
сиёсий ва маърифий тадбирларни амалга ошириш ке-
рак. Бунда ёшларнинг, бўлажак юқори малакали мута-
хассисларнинг жонбозлик кўрсатишлари ҳал қилувчи
аҳамиятга эга.

б) Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши.

Борлиқдаги ҳар бир нарса ёки ҳодиса қарама-қар-
ши томонларнинг бирлигидан иборат бўлади. Ҳар бир
нарса ва ҳодиса бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-
бирини ўзаро инкор этувчи томонлар, хусусиятлар ва
тамойилларга эга. Масалан, электр манфий ва мусбат,
табиатда эса ўзаро тортилиш ва итарилиш, тирик орга-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 10-бет.

низмда ассимиляция ва диссимилляция кабилар. Ана шу бир-бирини тақозо этувчи ва ўзаро бир-бирини инкор қилувчи томонлар ўртасидаги муносабат **зиддият** деб аталади. Худди шу зиддият қарама-қарши томонлар ўртасидаги кураш ва ривожланишнинг сабаби, манбаи булиб ҳисобланади. Ривожланишнинг ҳар бир босқичи ўзига хос зиддиятлар ва турли қарама-қаршиликларнинг пайдо булиши, ривожланиши ва ҳал булишидан иборат.

Қарама-қаршиликлар ва уларнинг ўзаро муносабати, зиддият ва уларнинг бирлиги жамиятга, ижтимоий ҳодисаларга, инсонга, инсон фаолиятига, ҳатто унинг билиш жараёнига ҳам хосдир.

Тараққиёт зиддиятларнинг пайдо булиши, ривожланиши ва бартараф этилиши жараёнидан иборат эканлигини тушуниб олиш учун айният, тафовут, зиддият, қарама-қаршилик каби тушунчаларнинг ўзаро муносабатларини билиб олиш лозим. Нарса ва ҳодисалардаги ўзаро ўхшаш томонлар бирлиги **айният** дейлади. Айнийлик нарса ва ҳодисаларнинг томонлари ва хусусиятларининг бирга мавжудлигини ифодалайди. Ҳар бир нарса ёки ҳодисада айнийлик билан бирга, тафовут ҳам мавжуд бўлади. **Тафовут** нарса ва ҳодисалар томонларининг ҳар бирининг фарқ қилувчи жиҳатларининг ифодаланишидир. Борлиқда ўз қарама-қарши томонларига эга бўлмайдиган нарса ва ҳодиса бўлмайди. Бинобарин, уларда айният ҳам, тафовут ҳам бўлади.

Тафовутларнинг ривожланиши зиддиятнинг келиб чиқишига олиб келади. Зиддиятнинг мавжудлиги тараққиётнинг манбаи ва ҳаракатга келтирувчи кучини тақоза этади.

Диалектикада **қарама-қаршилик** деб, борлиқдаги нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро бир-бирини истисно қиладиган, шу билан бирга, бир-бирини тақозо этувчи томонлари, тамойиллари ва кучларининг ўзаро муносабатлари тушунилади. Умуман, қарама-қаршиликларни, улар орасидаги айният, тафовут, зиддиятларни ўрганиш қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши ҳақидаги таълимотнинг моҳиятини билишга ёрдам беради.

Чунки, ҳар қандай нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариши ва ривожланиши улардаги мавжуд зиддиятлар бирлиги ва кураши натижасида юз беради. Зиддиятлар ривожланиб, кескинлашган ҳолатида ҳал қилинmasa, конфликтга айланиши мумкин. Зиддиятларнинг ҳал

қилиниши ўзгариш ва ривожланишга, бир сифатдаги нарса ёки ҳодисанинг бошқа сифатдаги нарса ёки ҳодисага айланишига, эски нарса ёки ҳодиса ўрнига янги нарса ва ҳодиса пайдо бўлишига олиб келади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши ҳамма соҳада амал қилади. Табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти айни шу сабабга биноан содир булади. Зиддиятларнинг моҳиятини билмай тараққиётнинг сабабларини тушуниб бўлмайди.

Лекин ҳар бир соҳадаги зиддиятларни конкрет ўрганмоқ ва уларни алоҳида ўзига хос ҳал бўлиш йўлларини тўғри билмоқ катта аҳамиятга эга. Бунинг учун зиддиятларнинг хиллари, уларнинг нарса ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги ролини тўғри ва аниқ билib олиш лозим.

Зиддиятлар жуда хилма-хилдир. Улар нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати ва ривожланишида турлича роль ўйнайди ҳамда ҳар хил вазифани бажаради. Улар, одатда, ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистик зиддиятларга бўлиб ўрганилади.

Ички зиддият — бу нарса ва ҳодисаларнинг ўз ичидаги қарама-қарши томонлар, кучлар ўргасидаги зиддиятлардир.

Ташқи зиддият эса нарсалар ва ҳодисалар ўргасидаги зиддиятлардир. Лекин ички ва ташқи зиддиятларни бундай булиш нисбий характерга эга. Чунки, бир муносабатда ички зиддият бошқа муносабатда ташқи зиддият бўлиши мумкин. Масалан, турли тузумдаги давлатлараро зиддият ташқи зиддият, аммо кишилик жамияти миқёсида олинса улар ички зиддиятлардир.

Ички ва ташқи зиддиятлар ривожланиш жараёнидаги бир хил роль ўйнамайди. Ривожланишнинг моҳиятини асосан, ички зиддият белгилайди. Ташқи зиддиятлар ривожланишга билвосита, яъни ички зиддиятлар орқали ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, биз ҳозир мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, уни ривожлантириш режаларини тузяпмиз. Бунда республикамизнинг ривожланиши, истиқболи кўп жиҳатдан мамлакатнинг ичидаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муаммоларни тўғри, ишнинг кўзини билиб ҳал қилишимизга боғлиқ. Бироқ, республикамиз халқаро ҳамжамиятларда, мустақил давлатлар ҳамдустлигига яшамоқда. Ташқи алоҳа ва муносабатлардаги муаммоларни ҳам тўғри аниқлаб ҳал қилинмаса, рес-

публикация олдида турган мұхим вазифаларни амалға ошириб бұлмайды. Демек, ривожланиш, асосан ички муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ бұлса ҳам, лекин ташқи зиддиятларни ҳам назардан четда қолдириб бұлмайды. Ҳәётда ички ва ташқи зиддиятларнинг үзаро алоқадорлығы ва үзаро таъсирини қаттый ҳисобға олиб иш тутган тақдирдагина муваффақият қозониш мүмкін.

Зиддиятларни үз характерига, уларнинг нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишидаги ақамиятига қараб асосий ва асосий бұлмаган зиддиятларға ҳам бўлиш мумкин. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятларини белгилаб берадиган зиддият асосий зиддият дейилади. Асосий зиддият тараққиётда ҳал қилувчи роль үйнайди ва бошқа барча зиддиятларга таъсир кўрсатади. Асосий бұлмаган зиддиятлар эса нарса ва ҳодисаларнинг маълум бир тараққиёт босқичида улар моҳиятини белгиламайдиган, ривожланишини ўзгартириш кучига эга бўлмаган зиддиятлар бўлиб, уларнинг ривожланишга таъсири конкрет вақтга ва шароитга боғлиқдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, зиддиятларнинг қайси бири асосий ва асосий эмаслигини аниқлаш ривожланишнинг асосий сабабларини тұғри белгилашнинг йүлидир. Бу эса осон иш эмас. Асосий зиддиятни мавжуд зиддиятлар орасидан топиш учун зиддиятларни майдонга чиқарған шароитни, вазиятни, бундаги қарама-қарши томонларни ва улар бирлигидан ташкил топған нарсанинг моҳиятини, бошқалардан фарқини, ҳар бир зиддиятнинг шу моҳиятга бўлған муносабатини аниқлаш лозим. Асосий зиддиятларни аниқлаш эса ижтимоий амалиёт жараённанда ва бу амалиёт натижаларини тафаккур орқали анализ ва синтез қилиш натижасида амалға ошади.

Асосий зиддиятлар орасида уларнинг бири бош зиддиятни ташкил қилиши мумкин. Бош зиддият деб, ривожланишнинг у ёки бу босқичининг моҳиятини белгилаб берадиган асосий зиддиятта айтилади. Бош зиддият асосий зиддиятлар ичиде мұхим үрин тутади, уларга нисбатан тараққиёт жараённанда белгиловчи роль үйнайди. Ижтимоий тараққиётда бош зиддиятни аниқлаб олиш мамлакат тараққиётини тұғри белгилаб олишда мұхим ақамиятта эга.

Жамият ҳаётига хос зиддиятларни таҳлил қылғанда, яна антагонистик ва ноантагонистик зиддиятларни

ҳам фарқ қилиш зарур. Антагонистик зиддиятлар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига тубдан зид бүлган кучлар, ижтимоий гурухлар ва табақалар ўртасидаги зиддиятлардир. Ноантагонистик зиддиятлар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига мос келадиган ёки манфаатларини ўзаро келиштириш мумкин бўлган ижтимоий гурухлар ва табақалар ўртасидаги зиддиятлардир. Антагонистик зиддиятлар конфликтларга олиб келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар бир томоннинг мағлубияти ва иккинчи томоннинг фалабаси билан ҳал қилинади. Умуман, ҳамма зиддиятларни ўз вақтида ҳал қилиб бориш зарур, акс ҳолда уларнинг кескинлашиб бориши кутилмаган оқибатларни келтириб чиқаради.

Шу билан бирга, зиддиятлар масаласига, уларни ҳал этишнинг шакл ва усуулларига ҳам диалектик тафаккур асосида ёндашиш лозим. Жамият зиддиятлари хилма-хил шакл ва усууллар билан бартараф этилиши мумкин. Улардан баъзилари эскининг емирилиб бориши ва янгининг қарор топиб бориши асосида ҳал қилиниб борилса, бошқалари айни шу зиддиятларни ташкил қиласан қарама-қарши томонларни ўзаро келиштириш, муросаю-мадорага келтириш, бир-бирлари билан ўзаро сиёсий музокаралар олиб бориш, битимлар тузиш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришиш йўллари билан бартараф этилиши ва шу асосда тараққиётни таъминлаш мумкин. Кейинги вақтда жамиятдаги зиддиятларни ҳал қилишда қўлланилаётган самарали усууллардан бири консенсус (ўзаро келишув)дир.

Марксча фалсафада зиддиятларни ҳал қилишнинг бу усулига етарли эътибор берилмай келди. Янгича тафаккурнинг қарор топиши билан жамият зиддиятларини ҳал қилишда Ҳегель қайд қилиб ўтган консенсус усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Ҳозирги даврда консенсус усули жамият тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, узоқ муддатлар давомида бир-бирига қарама-қарши бўлиб келган давлатлар, жамиятдаги қарама-қарши томонлар, кучлар, ижтимоий гурухлар, ҳаракатлар ва партиялар ўртасидаги зиддиятларни жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилишда консенсус усули жуда кўл келмоқда. Бу усул жаҳон халқларини миллий тотувлика, ўзаро ҳамкорликка, ҳамжиҳатлик ва бирликка, барқарорликка эришишида муҳим аҳамиятга эга булмоқда. Консенсус усули ўзаро тинч йўл билан олиб борилаётган музокаралар, мулоқотлар, референдумлар,

халқаро ҳуқуқ нормалари асосида маълум бир битимга келишувлар, шулар асосида энг муҳим ҳужжатлар қабул қилишлар орқали олиб борилмоқда. Жамиятдаги бундай зиддиятларни ҳал қилишда, айниқса, халқаро ташкилот (БМТ ва шу каби)ларнинг обру-эътиборидан фойдаланиш, халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш ва уларнинг жаҳон тараққиётига таъсирининг ортиб бориши ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Зиддиятларни урганаётгандаги конкрет шароитни ҳисобга олиш керак. Давр ва шароитнинг ўзгариши билан антагонистик ва ноантагонистик зиддиятларни ечиш шакллари ҳам ўзгариши мумкин. Чунки зиддиятлар ҳам ўзгариб, бир-бирига ўтиб туради.

Ҳар бир соҳага хос зиддиятларнинг ўзига хос ҳал бўлиш шакллари мавжуд. Табиатдаги зиддиятлар, одатда стихияли ўз-ўзича пайдо булиб, ривожланиб, сўнг ўзларига хос қонуниятлар асосида ҳал этилади. Жамиятда эса зиддиятларнинг пайдо булиши, ривожланиши ва ҳал қилиниши ўзига хос қонуниятлар асосида кишилар томонидан амалга оширилади. Масалан, жамиятдаги антагонистик зиддиятлар ё бу зиддиятни ташкил этган томонлар ўзаро музокаралар олиб бориш орқали, ёки бирининг ғалабаси, иккинчисининг мағлубияти билан ҳал қилинади.

Умуман олганда, ўзгариш ва ривожланиш жараёнида турли-туман зиддиятлар пайдо булиши, ривожланиши ва турлича ҳал қилиниши мумкин. Бу билан зиддиятлар бутунлай тугамайди. Уларнинг эскилари ўрнига янгилари пайдо булиб, улар ҳам маълум вақтдан сўнг эскириб, ўрнини яна янгилари олиб, шу асосда ривожланиш чексиз давом этаверади.

Юқорида айтилганлардан шундай холоса чиқариш мумкин: ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистик зиддиятларни бир-биридан фарқ қилиш зарур, лекин улар ўртасида мутлақ чегара йўқ. Воқеликда улар ўзаро чирмашиб кетадилар, бир-бирига ўтиб туради ва тараққиётда хилмажил роль ўйнайдилар. Шунинг учун зиддиятларнинг ҳар бирига конкрет ёндошиш, улар намоён бўладиган шароитни, вазиятни, шу тараққиёт жараёнида ўйнайдиган ролини тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

в) Тараққиётда ворислик ва давомлилик (инкорни инкор).

Тараққиётдаги ворислик ва давомлилик инкорни

инкор этиш йұли билан амалға ошиб боради. Бу муаммони ўрганишни инкор тушунчаси нимани ифодалашини аниқлаб олишдан бошлаш лозим.

Борлықнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри туғаёттан нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши ва янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши **инкор**, деб аталади. «Инкор» атамасини фалсафага Ҳегель киритган. Унинг^{*} нуқтаи назарича, инкор **фояннинг**, фикрнинг ривожланиш босқичидир.

Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан қушилиб кетади, инкор қилмоқ — «йўқ» демакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қиласди. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри «йўқ», демак эмас, ёки нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушиниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки янги эскининг бағрида вужудга келиб, ундаги соғлом томонлардан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. «Ички инкор» тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир, деб Ҳегель бекорга айтган эмас.

Диалектик инкор айни бир вақтда «йўқ» дейиш билан «ҳа» деб, яъни инкор этиш билан бирга тасдиқлашни ҳам үз ичига олади. У барча нарсани бугунлай рад этувчи нигилистик қарашдан холи бўлиб, бир пайтда содир бўладиган емирилиш билан яралишни, хуллас, нарса ва ҳодисаларнинг йўқолиши ва пайдо булишини боғлаб илгарилаб ривожланиш ҳолатини ифодалайди. Бу диалектик инкорнинг муҳим жиҳатини ташкил қиласди.

Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий bogliқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Инкорни инкор этиш ҳақида тұхталиб ўтишдан аввал уни нега шундай деб аталишини изоҳламоқ лозим. Диалектиканинг бу таълимотини икки марта такрорла-нувчи инкорда ифодаланиши моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимий равища үзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривож-

ланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади. Ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзигача бўлган сифат ва миқдорнинг инкор этилишининг маҳсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга маҳкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инкорни инкор ана шу инкорларнинг содир булиши билан ривожланишнинг давом этишини ифодалайди. Бундаги битта инкор нарса ва ҳодисалардаги ўзгариш ва ривожланишнинг бир моментини ташкил этса, «инкорни инкор» атамаси уларнинг муайян занжирини, бир неча даврини ифодалайди.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси'шуки, тараққиётдаги даврийликнинг тугалловчи ҳалқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичдаги баъзи белгилар такрорланади (дон ўсимлиқдан яна донларга айланади).

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклида эмас, балки доира шаклида бўлади, унинг охирги нуқтаси бошлангич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охирги нуқта билан туташиши бўлмасдан, балки юқори босқичда содир булиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрами олдинги ўрамига нисбатан юқорироқ босқичда юзага келган бўлади. Ана шу маънода тараққиётнинг диалектик назариясида «спиралсимон» атамаси ишлатилади.

Диалектик инкорга кўра, тараққиётнинг спиралсимон характери ўзининг қуйидаги уч жиҳатига эга: биринчидан, инкорни инкорда, даставвал, нарса ва ҳодисалар абадий ўзгармасдан қола олмаслиги, даврнинг ўтиши билан ҳар бир нарса ва ҳодиса ўзгариши, бу ўтишда эса янги сифат фақат емирилаётган нарса заминида пайдо булишини очиб беради. Буни деструкция дейилади. Иккинчидан, у емирилаётган (инкор этилаётган) нарса билан пайдо бўлаётган янги нарса ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатини очиб беради. Буни кумуляция дейилади. Учинчидан, инкор этилаётган нарса олдин эришган ютуқларни, унинг ривожланишга қодир бўлган баъзи белги ва хусусиятларни сақлаб қолиш, улардан фойдаланиш асосида юз беради. Буни конструкция деб юритилади. Шу асосда ўзгариш, ривожланиш

содир бўлади. Бундан инкорни инкорнинг муҳим белгиси, яъни нарса ва ҳодисаларнинг илгарилаб ривожланиши, янгиликнинг енгилмаслиги мантиқан ўз-ўзидан келиб чиқади. Чунки ҳар бир нарса ва ҳодиса узлуксиз ўзгаришлар, яъни ўсишлар ва емирилишлар, пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш жараёнини кечириб туради. Демак, янги вужудга келган сифат, албатта, инкор этилаётган эски сифатдан устун ва бир қадам олға кетган бўлади. Бу табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос бўлган объектив жараёндир.

Юқорида айтилган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган уч жараённинг бирлиги ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда. Биз учун ҳозир жамиятимизда эскирган ижтимоий муносабатларни иложи борича диалектик изчиллик ва зийраклик билан ўз вақтида бартараф этиш, янги пайдо бўлаётган бозор иқтисодиётига оид муносабатларни ўз вақтида пайқаб олиш, уларни ривожлантириш ютуқларимизнинг кўпайишига кенг имкониятлар очиб беради. Давлат томонидан амалга оширилаётган ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаётган бозор муносабатлари жамиятимиздаги хўжасизлик, шаҳар ва қишлоқларда меҳнатни ташкил қилишнинг эски самарасиз усуллари, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бошқаришнинг буйруқбозлик усуллари, жамиятга зарар етказувчи экологик ва маънавий бузилишларнинг тутатилишига олиб келади.

Инкорни инкор жараёнида оддийдан мураккабликка, қўйидан юқорига қараб борувчи, илгарилаб борувчи ривожланиш содир бўлади. Шунинг учун инкорни инкор жараёнининг характерли хусусиятларидан бири — уни орқага қайтариб бўлмаслигидир. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир янги босқич илгариги босқичларнинг бутун бойлигини ўзида синтезлаштириб, тараққиётнинг янада юқорироқ шакллари учун замин яратади. Бу синтез «инкорни инкор» дейилади. Инкорни инкор туфайли ҳар бир пайдо бўлган янгилик шунинг учун синтез дейиладики, унда эскининг ривожланишига қодир бўлган томонлари сақланиб қолиб, улар янгида пайдо бўлган томонлар билан узвий бириккан бўлади ва шу асосда ривожланишнинг навбатдаги босқичини таъминлайди. Худди шу йўл билан тараққиётнинг йўналиши белгиланади.

Тараққиётнинг йўналиши ҳақида турли даврларда турлича қарашлар мавжуд бўлган. Узоқ даврлар тарақ-

қиётнинг йўналишини нотўри тушуниш оқибатида, файласуфлар ҳамма нарсалар даврий такрорланувчи ўзгаришдан ёки бекик доира ичидан доимий айланишлардан иборат, деб қараганлар. Баъзи олимлар тараққиётни тўғри чизиқ билан борувчи ёки такрорланиб турувчи босқичлардан иборат, деб тушунганлар, масалан, француз олимлари Ламарк ва Сент-Илерлар тирик табиятда тараққиёт узлуксиз ва сакрашларсиз тўп-па-тўғри йўлдан илгарилаб боради, десалар; италиялик файласуф Ж. Вико, жамият ўз бошидан доимий равишда такрорланиб турувчи уч босқични (гудаклик, йигитлик ва етуклиқ даврини) кечириб туради, дейди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тараққиёт жараёнида маълум даражадаги такрорланишларни учратамиз. Лекин уларнинг ҳар бири олдинги ҳолатнинг оддий ўзгаришсиз такрорланишидан иборат бўлмай, балки янгича, ўзгача юқорироқ босқичда содир булишидир, бундаги инкорни инкор оддий ва тўғри йул билан содир бўлмай, балки ўзига хос мураккаб, эгри-буғри йул билан спиралсимон йўналишда содир булади. Бундаги тараққиёт жараёнига хос инкор ва инкорни инкор моментларида бўладиган вақтинчалик орқага чекинишлар, такрорланишлар билан бир қаторда, илгарилаб борадиган ривожланишни ҳам кўра билиш инкорни инкорнинг моҳиятини ташкил қиласи.

Тарихда, жумладан Ўзбекистон шароитида бир неча бор жамиятни орқага қайтарувчи катта йўқотишлиар ва қурбонларга олиб келган қуруқ инкорлар бўлган. Аслида, реал тарихий ривожланиш идеаллаштирилган кўринишидан йироқ бўлиб, ўз қадриятларини йўқотмаган ҳолда, мукаммаллашиб борувчи босқичлардан иборат булади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда эски ва эскираётган нарсаларни инкор этиш ва уларнинг ўрнига янгиларини қуриш, яратиш учун кураш давом этмоқда. Жамиядада юз берётган бозор иқтисодиёти туғдираётган ўзгаришларни ҳар бир киши тўғри тушуниб олиши лозим. Республиkanи сифат жиҳатидан ўзгаририш, уни юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига киритиш учун ҳозирги даврда ҳар бир кишидан купроқ куч-файрат сарфлашни, ўз фаолиятига баҳо беришда холис, принципиал булишни, омилкорлик ва фидокорликни талаб қиласи. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фақат иқтисодий ўзгаришлар қилиш етарли эмас, шу билан бирга, сиёсий, маданий ва

маънавий ўзгаришлар ҳам қилиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш, инсон тұғрисида ғамхұрлық, унинг ҳаётій манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам зарур.

Мустақиллик биздан билимдонникни ва юксак даражада мутахассисликни талаб қиласы. Эндиликда ишлаб чиқаришни, фан ва техникани бошқариш, меңнатни, шубҳасиз, юқори даражада ташкил қилиш ва шу кабилар ҳар томонлама тайёргарликсиз, чукур билимларсиз булиши мүмкін әмас.

Мустақиллик — мустамлакачиликни қатыяян бартараф этиш, тараққиётта тұсқынлик қилувчи маъмурый буйруқбозлық механизмни бутунлай бузиб ташлаш, Узбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг ишончли ва самарали механизмини яратиш демакдир.

Мустақиллик умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини бузиш ҳолларидан холос этиш, ижтимоийadolat тамойилларини изчиллик билан амалга ошириш демакдир. Бу дегани: сұз билан ишнинг, ҳуқуқ билан бурчнинг бирлигини таъминлаш, ҳалоллик ва виждон билан ишлаб, юқори унумли меңнатни ташкил қилиш, унга ҳақ тұлашда текисчилик тенденцияларини, истеъмолчилик кайфиятини бартараф этиш, инкор қилиш демакдир.

Шундай қилиб, борлық ва билишга хос инкор ва инкорни инкорлар бениҳоя давом этаверади. Бу абадий давом этадиган жараёнда диалектиканың барча тамойиллари биргаликта амал қиласы. Бунда инкорни инкор ҳеч бир нарса ёки ҳодиса абадий ўзгармасдан қола олмаслигини, аксинча, эски үрнини муқаррар янги әгаллашини, аммо улар үртасида ворисий алоқалар мавжудлигини ифодалайды.

ТАБИАТНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

Табиат тушунчаси кенг маънодаги фалсафий тушунчалардан биридир. Табиат бениҳоят хилма-хил шакл ва қуринишлари билан инсонни курсаб турган моддий олам, бутун мавжудотдан иборатдир. Лекин, «Табиат» тушунчасини «Борлик» тушунчаси билан айнанлаштирмаслик лозим. Борлиқ тушунчаси мазмун жиҳатидан кенг бўлиб ижтимоий, маънавий борлиқни ҳам уз ичига олади. «Табиат» тушунчаси анчайин тор маънода табиатшунослик фанларининг ўрганиш обьекти сифатида ҳам тушунилади. Табиат фанлари табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва уларда мавжуд бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Бу фанлар маълумотларини ўрганиш билан бизнинг табиат ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб боради.

✓ Табиат тушунчаси материя тушунчасига яқин туради. Демак, табиат хилма-хил жисмлардан ташкил топган материядир. Аммо, одатда, табиат тушунчасини муайян бир чегарада, яъни инсон ва инсоният мавжудлигининг табиий шароитлари йифиндиси сифатида ҳам ишлатилади. Худди шу маънода, «Табиат» тушунчаси инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан тарихий жараён давомида ўзгариб борадиган муносабати тизимидағи ўрни ва ролини ифодалайди. Шунинг учун бу тушунча нафақат табиий, балки инсон томонидан яратилган, унинг мавжудлиги моддий шарт-шароитлари — «иккиласми табиати»ни кўрсатиш учун ҳам ишлатилади.

Маълумки, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг доимий равища амалга ошиши ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солиб турувчи қонун бўлиб, бусиз инсон ҳаётининг ўзи бўлмайди.

Инсоннинг табиатга муносабатининг асосини унинг фаолияти белгилайди, чунки, бундай муносабат учун материални унга табиатнинг ўзи беради. Шунга кура, табиатга бўлган муносабатнинг ўзгариши, ўз ўрнида, инсоний фаолиятнинг характеристи, йўналиши ва кўламини ҳам ўзгаришига олиб келади.

Жамият ривожланиши, у билан биргалиқда инсон ақп-идрокининг такомиллашуви, инчунин илм-фан тарақкийси табиатга бұлған муносабат характерини ҳам үзгартыриб боради. Бу нарса инсоннинг табиатта нисбатан таъсири аста-секин чуқурлашиб, кенгайиб боришига олиб келди. Инсоннинг табиатта муносабати ма-саласи тарихий тараққиёттинг турли босқичларида турлича намоён бұла бошлайди. Шунга мувофиқ табиат ҳақидағи фалсафий тушунча тарихан үзгариб, ривожланиб борган.

Ибтидоий одам учун табиат бутунлай илохийлашган бұлғанлиги билан характерлидир. Мифологик тафаккур ҳали табиат билан инсонни бир-бирига муносабатини тұғри белгилаш учун муайян асос бұла олмасди. Табиат ҳақидағи билимларнинг ортиб бориши, унга нисбатан муайян қараашларнинг шаклланишига олиб кела бошлайди. Бу эса фалсафани мифологиядан ажралиб чиқишини күрсатади.

Антик тафаккурнинг пайдо бұлиши табиатта нисбатан үзига хос муносабатни келтириб чиқарди. Бу даврда табиат тушунчаси инсонни мукаммалликка эришишга интилишини ифодалай бошлайди. Инсоннинг табиатдан баҳраманд бұлиши ва у билан ҳамнафас бұлиш томон ҳаракати кучаяди.

Фалсафанинг биринчи тарихий шакли бұлған на-турфилософия — табиат фалсафаси ҳам шу антик даврда пайдо бўлиб, у табиатнинг бир бутунлигини муҳокама тарзида талқын қиласди. Унинг табиатшунослик фанлари ўртасидаги чегараси тарихан үзгариб боради ва у ўз даврида сезиларли роль ўйнайди.

Үрта асрларга келиб, диннинг маънавий ҳаётда ҳукмрон бұлиши билан инсоннинг табиатта муносабати ҳам үзгара бошлайди. Чунки, дин инсонни қуршаб турған табиатни худо яратған, лекин инсон олий мавжудот сифатида табиатда устун, унинг хұжайини, деган тасаввурларни илгари суради. Бу билан у инсон табиатта әхтиёткорлик билан муносабатда бұлиш лозимлигига эътиборни қаратса ҳам, бироқ уни инсон томонидан үрганиш ва унинг ривожланиш қонуниятларини излашга ундармайди.

Шуни ҳам күрсатиб ўтиш керакки, диндорлар орасыда шундай йұналиш ҳам мавжуд әдіки, унинг тарафдорлари «табиат бир китоб, үндан худонинг до-нишмандлыгини билиб олиш мүмкін», деган ғояни илгари сурар әдилар. Бундай гоя ўз даврида табиатшу-

нослик фанларининг ривожига муайян тарзда таъсир қилган эди.

Табиатни билиш ва тушунишда Уйғониш даври алоҳида ўринни эгаллайди. Бу даврда кишилар табиат гўзаллиги ва унинг мукаммаллигини тўлароқ тушуна бошлайдилар. Улар Ўрта аср аскетизмiga қарама-қарши ўлароқ табиатни билим ва завқланиш манбаи сифатида англай бошлайдилар.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида табиатга ижтимоий-тариҳий қадрият сифатида қарашлар пайдо бўла бошлайди. Табиат устидан ҳукмронлик қилишнинг кучайиши муайян мақсадга қаратилган истеъмолчиликни назарда тутувчи, ижтимоий мўлжални амалга оширувчи, умумдавлат миқёсидағи сиёsatни келтириб чиқарди.

Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрга келиб табиатга вахшийларча муносабатнинг кучайиши унга жуда катта зарар етказа бошлади ва у умумжаҳон миқёсида табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Натижада, жамиятнинг табиатга бўлган оқилона муносабатини таъминлаш foяси ўртага ташлана бошланди. В. И. Вернадскийнинг табиатга бўлган янгича қарашлар тизимини ўз ичига олган назарияси ноосфера яратилди. Ана шунга асосан табиатни ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқила бошланди.

Эндиликда, инсоният табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичи остонасида турибди. Буни табиётшунос олимлар юқорида айтиб ўтган «ноосфера» билан изоҳла-моқдалар.

Ноосфера деганда нимани тушунамиз? У биосфера билан қандай муносабатда? Бу саволларга жавоб бериш учун мазкур тушунчалар ҳақида тұхталиб ўтмоқ мақсадга мувофиқ.

Ноосфера юонча сўздан олинган булиб, «ақл, зақоват» деган маънени беради.

Ноосферанинг биосфера билан ўзаро муносабати нимадан иборат?

Ноосферанинг шаклланиши учун бошлангич шартшароит — инсонни ўраб олган табиий муҳит, моддий тузилма — биосферадир.

Биосферанинг ҳозирги ҳолати материя ҳаракатининг биологик шакли ривожланишининг етук босқичи ҳисобланади. Уни янада ривожлантириш билан мате-

рия ҳаракатининг ижтимоий шакли — жамият келиб чиқсан.

Биосфера ҳақидаги таълимотнинг асосчиси В. И. Вернадский ноосферани худди биосферага ўхшаган моддий тузилма, деб ҳисоблайди. У инсоннинг ишлаб чиқариш фаолиятини табиат тарихининг алоҳида босқичи, деб талқин этади. Ана шу фаолиятни янада ривожлантириш билан тирик организмнинг бир тури бўлган «Хома Сапенс» бутун табиатни эгаллаб, бутун мавжудот ичидаги ҳукмрон кучга айланди. Илмий тафаккур ва инсон меҳнати билан биосфера янги ҳолатга — ноосферага ўтади. Вернадский учун ноосфера ер юзида ақлли мавжудотнинг келиб чиқиши ва инсон таъсири остида вужудга келган Куррайи Заминнинг моддий қобиғидир. Дарҳақиқат, инсон бу ёруғ оламга келиб, табиатга таъсир қиласи ва «иққинчи табиат»ни яратади. Вернадскийдан кейинги олимлар ҳам таъкидлаганидек, «Ноосфера» биосфера ривожланишининг янада юқорироқ босқичи бўлиб, унга инсоният жамияти ва у яратган барча нарсалар киради. Бу тушунча «жамият-табиат»нинг яхлит тизимиға инсоннинг янгича ёндашиши билан боғлиқ. Бундай ёндашиш ҳозирги замон шароитида экологик маданиятни шакллантириш зарурити билан келиб чиққандир.

Маълумки, табиат жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий шарт-шароити ва моддий заминидир. Жамият табиатнинг таркибий қисми бўлса, инсон унинг эволюцион тараққиётининг чўққиси. У жуда боргандаги икки миллиард йил давом этган жуда катта табиий 'жараённинг' натижасидир. Зотан, табиатнинг бир қисми бўлган инсон меҳнати ва ўзаро муомала қилиш натижасида аста-секин ижтимоий мавжудот сифатида шаклланди. Шу тарзда табиат ва жамият муаммоси фалсафий-методологик нуқтаи назардан биоижтимоий мавжудот бўлган инсон ва уни үраб олган табиий муҳит билан ўзаро муносабати ҳақидаги муаммо бўлиб қолди. Табиат инсон ҳаётининг асоси, унинг жисмоний ва мъянавий ривожланишининг негизи бўлган. Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирининг асосий ривожланиш босқичларига ва унинг асосий йуналишларига назар ташлар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Маълумки, тирик организмларнинг муҳим хусусияти — моддалар алмашинувидан, ассимиляция ва диссимилиациядан иборат. Шунинг учун инсон табиат би-

лан ажралмасдир. Унинг тириклиги, яшаш тарзининг ўз ҳаёти учун мослашуви, авлод-аждоди яшаши учун қайғуриши худди шу табиат билан боғлиқдир. Зотан, ҳар бир инсон ўз моҳиятига кура, она-табиатга интилади ва ундан ўзининг яшаши учун зарурый тириклик манбанини қидиради ва айни бир 'вақтда табиатнинг ўзидан, унинг ҳаётбахш гўзаллигидан баҳра олиб руҳланади, ундан маънавий озиқ олади. Демак, табиат фақат яшаш учун манбагина эмас, балки яшашга ундовчи манба ҳамдир. Табиат инсонни яратибгина қолмасдан, балки қандай яшашликка ҳам ўргатган, ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлашга ундалан.

Бироқ, инсон пайдо булиб, жисман ва ақлан ривожланиши билан табиат унинг учун ҳаётбахш олижаноб манба эканлигини унута бошлаган, ўзлигини эсдан чиқариб, табиатга озор бериб, уни турли оғатларга мубтало қилган.

Дастлаб инсон курраи заминга қадам ташлаганда, у жуда гўзал бўлган. У бу дунёга шовқин-суронсиз, сеқин-аста, жиндак ваҳима ва эҳтиёткорлик билан кириб келган бўлиши керак. У ёввойи жонзотларга эътиборни қаратмаган. Ҳайвонларга ўхшаб, табиатта мослашиб борган, унинг инъом-эҳсони билан қаноатланган. Аста-секин у овқат излаб, тирикчилик кетидан қувиб, Ер сайёрасининг ичига кира бошлаган. Бир донишманднинг чиройли таъбири билан айтганда, бениҳоя сахий табиат кишини, худди ёш боладек, қулидан етаклаб борган.

Инсон олдин табиатга шогирд булиб, ундан ўрганса, сунгра у унинг устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қила бошлайди. Дастлаб у овқатни танлаб ейишга ўрганади. Гўштли овқат унинг жисман ва ақлан тез ўсишига имконият яратади.

Оловнинг кашф этилиши билан инсоннинг табиатга таъсири кучаяди. Табиатнинг бу стихияли кучини кўлга киритгандан сунг, бу унинг учун фақатгина ҳимоя қилиш эмас, балки ҳужум қилиш қуролига айланади.

Инсон ўрмонга ўт қўйиб, унинг ичидаги ҳайвонларни қувиб чиқарган, уларга тузоқ қўйиб ушлаган ёки яралаганларини тузатиб боққан, кўлга ўргатган. Эҳтимол, ана шу жараёндан чорвачилик бошланган бўлса ажаб эмас.

Ўрмонларни куйдириб юборгандан сунг, балки инсонда бир йиллик ва кўпийиллик ўсимликлар борлиги

калласига келиб қолгандир. Уларнинг уруғини сақлаб қўйиб, баҳорда ерга экишни ўргангандир. Худди шундан деҳқончилик вужудга келган булиши, эҳтимол. Шундай қилиб, инсон ўзининг амалий /фаолиятида ҳайвонот дунёси, ўсимликлар оламини ўз иродасига бўйсундира бошлайди.

Инсон табиатга ўз таъсирини ўtkазиб, уни ўзига хизмат қилдиришга ўтади. Инсоннинг табиатта фаол аралашуви минг йиллар ўтгач, ўзининг натижасини бера бошлайди. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги ўзининг бошига кўпгина кулфатларни келтиради. Табиий мувозанатни бузганлиги учун табиат инсондан ўч ола бошлайди.

Буларни умумназарий жиҳатдан умумлаштириб, маълум хulosага келиш мумкин. Кишилар дастлаб ҳайвонот оламидан қандай ажралиб чиққан бўлсалар, ўзларининг тарихини яратишга шундай қадам қўйганлар: ярим ёввойи булиб яшаганлар, табиий кучлар олдидаги ожиз бўлганлар, ўз кучларига ишонмаганлар, шунинг учун ҳам ҳайвонлар сингари яшаганлар.

Айни вақтда табиатнинг жамиятга таъсири эмас, балки жамиятнинг табиатга таъсири масаласи ҳам кўтарилади.

Тарихни табиат тарихи ва одамлар тарихига булиш мумкин. Бироқ, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас. Инсоният мавжуд экан, бу ёруғ оламнинг икки томони ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда булаверади. Табиат тарихи ҳақида тұхталмасдан, фақат кишилик жамияти тарихи ҳақида гапирап эканмиз, назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жиддий методологик хатога йўл қўйган буламиз.

Яшаш учун кураш меҳнат қилиш эҳтиёжини туғдирди. Меҳнат туфайли меҳнат қуроллари яратилди, унинг ёрдамида меҳнат қилиш жараёнида инсон табиатга таъсир қиласи. Ана шу таъсир кишиларнинг ўзаро муносабатининг оқибатидир. Бу муносабатлар ижтимоий характерга эга булиб, у инсоннинг ўзини шахс сифатида шаклланиши учун имконият яратади.

Меҳнат қуролларини яратиш инсонга табиатнинг инъоми эмас, балки инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, ақлий ва жисмоний такомиилашувининг оқибатидир. Меҳнат қуролларининг яратилиши одамлар жамиятининг тобора тезроқ суръатлар билан ривожланишига имкон яратиб берди.

Инсон табиат фарзанди сифатида вужудга келади, лекин одамларга хос фазилатларни жамиятдан олади, уларни табиат бермайди. Инсон туғилган вақтда нутқи, инсоний ҳиссиётлари, фикр юритиши, шунингдек, тикка туриб оёқ босиши, ўтириб туриши, фаҳмлаши кабиларни билмайди, уларни кейин ўрганади. Буларнинг ҳаммаси атроф-муҳитнинг таъсири, бошқалардан инсоннинг ўрганиши натижасидир.

Шунинг учун бу ўзаро таъсири давом этиб келмоқда. Жамият тарихи табиат ривожланиши тарихининг маълум бир давридан бошланади. Жамият ҳар доим табиатнинг ажралмас қисми сифатида мавжуд булаверади ва унга ўз таъсирини ўтказаверади.

Табиат олдидағи ўзининг масъулиятини англаған жамият аста-секин инсон билан уни үраб олган муҳит ўртасидаги муносабатни тартибга туширадиган диний ва давлат қонунлари асосидаги қатор ижтимоий-сиёсий тузилмалар ишлаб чиқа бошлайди. Тарихий манбалардан маълумки, қадимги қабилаларнинг айримларida табиатга зарар етказғанларни қаттиқ жазолаш, ҳатто ҳайвонлар ва ўсимликларга оммавий зиён етказғанларни ўлдириш одатга айланган. Осиёдаги қадимги давлатлар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ҳимоя қиласидиган фармонларни ҳам чиқарғанлар. Масалан, мұғиллар чүллардаги ўтлар ва экинларни пайхон этмас-ликлари учун этикларікта латта үраб юрганлар.

Капиталистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва қарор топиши, фан ва техника тез ривожланиши билан «табиатга ҳужум қилиш» иқтисодий, сиёсий мақсадларни назарда тута бошлаган. «Географик қашфиётлар» даври табиий бойликларни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган. Шунга кўра, мустамлака мамлакатларнинг мустақиллик учун курашининг муҳим вазифаларидан бири ўз ватанларининг табиий ресурслари, ўзининг флора ва фаунаси, ер ости бойликлари ҳамда мамлакатларининг табиий гўзалликларини сақлаб қолишдан иборат эди.

Табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабати турли тарихий босқичларда турлича бўлганлигини ва униadolatli ҳал этиш учун кураш ҳар доим давом этиб келганлигини тарихий фактлар ва кишиларнинг ижтимоий тажрибаси исботлаб бермоқда. Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати тарихи бирбири билан ўзаро боғлиқ икки йўналишга эга. Биринчиси, узоқ ўтмишдан бошлаб, инсоннинг табиат усти-

дан ҳукмронлигининг меъёри ва даражаси тобора кенгайиб борган, ишлаб чиқариш соҳасида, меҳнат унумдорлигининг сарф қиласидан моддалар ва энергия таркиби ўса бориши суръатлари тезлашиб борган, ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти инсоннинг глобал масштабда табиат устидан мутлақ ҳукмронлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар очмоқда; иккинчи сига кўра, юқоридаги жараён билан бир вақтда инсон билан табиат ўртасида номувофиқлик тўхтовсиз ўсиб бормоқда, унинг сифат жиҳатдан ҳар бир босқичи табиатга яксон қилувчи таъсир курсатиб, инсон мавжудлигининг заминини емироқда. Ана шунинг оқибатида атроф-муҳит билан инсонларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги таълимот, яъни экология пайдо бўлди.

Демак, инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида табиатга таъсирнинг имкониятлари жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларининг даражаси билан белгиланади. Масалан, энергетик муаммоларни ҳал этиш атом станцияларининг қурилишини тақозо этди. Бу нарса ўрнида радиоактив чиқиндиларнинг атроф-муҳитни ифлослаштириш муаммосини келтириб чиқарди.

Ҳозирги замонда жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлган бундай умумбаҳарий муаммолар анчагинадир. Улар инсониятнинг бундан кейинги тақдири билан боғлиқ. Шулардан бири, экологик муаммодир. Шунга кўра, табиат инсондан ўзига нисбатан алоҳида эътибор, меҳр-муҳабbat ва хайриҳоҳлик талаб этмоқда. Эндиликда, инсон табиатга, уни муҳофаза қилишга ўзининг бутун кучини, бутун маънавий бойлигини сарф қилмоғи лозим. Ҳозирги замон кишиси табиат муаммолари ни «узи орқали», «инсонийлик» тушунчаси призмаси орқали утказмоғи шарт.

Мазкур мавзунинг юқорида қайд этган масалаларини чуқур ўрганиш ва кенг мушоҳада қилишнинг ижтимоий-сиёсий томонидан ташқари, умумбаҳарий аҳамияти ҳам мавжудки, у ҳозирги замон шароитида экологик тангликтининг миқёси ва кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Экологик тангликтин олдини олиш объектив зарурият бўлиб, уни бартараф этишдан бутун инсоният — дунёдаги барча мамлакатлар ва халқлар манфаатдордир. Курраи Заминда ҳаётни сақлаш бўйича жаҳон миқёсидаги халқаро ҳамкорлик қилиш замонамизнинг бош масалаларидан бўлиб турибди.

Айниқса, кейинги юз йиллар ичида жамиятнинг та-

биатга ва унинг ривожланишига таъсири натижасида Курраи заминда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Табиат неъматларидан инсон ва жамият эҳтиёжи учун фойдаланиш имкониятининг орта бораётганлиги оқибатида, табиий муҳит кескин ўзгара бошлади. Табиатга одамнинг аралashiши бир томонлама характерга эга бўлиши билан табиат жиддий зарар кўрмоқда. Ер куррасининг сирти, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, иқлими, шунингдек, ер ости бойликлари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўлади. Ер, сув, ҳаво ифлосланмоқда, радиоактив моддалар ва турли химикатлар, автомобиль газлари шу кабилар билан заҳарланмоқда. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиатнинг заҳарланиши миқёси ва қўлами ҳақида жуда кўп далилларни келтирадиган юзлаб китоблар босиб чиқарилмоқда. Биргина Орол тақдири ҳақида тухталиб утар эканмиз, экологик тангликнинг нақадар кенг куламда кириб келаётганлигини унинг мисолида кўриш мумкин.

Чорак аср давомида у ерда яшаб турган кишиларнинг кўз ўнгига олти миллион гектар ерни ўз ичига олган денгизнинг ярми қуриб бўлди. Куриган ерлар кум ва туздан иборат саҳрога айланаяпти. Бунинг оқибатида Ўрта Осиё ва Қозогистонда иқлим ўзграяпти, унумдор ерлар ишдан чиқаяпти, ўсимликлар қуриб битаяпти, чорвачилик ва деҳқончилик жиддий зарар кўраяпти. Энг муҳими, кишиларнинг саломатлигига таъсир қилиб, турли касалликлар қўпайиб кетаяпти. Шунинг учун ҳам Оролни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш фақат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масала бўлибгина қолмасдан, маънавий масала ҳамдирки, буни бартараф этиш умумбашарий аҳамият касб этмоқда.

3. Бугунги кунда жамият билан табиат уртасидаги мувозанатнинг бузилишини экологик танглик, деб атаемиз. Ана шу экологик тангликнинг олдини олишнинг қандай муаммолари бор ва уларни бартараф этиш йўллари нималардан иборат? Мавзунинг ана шу томонига эътибор берадиган бўлсак, унинг қатор жиҳатларини кўришимиз мумкин.

Айрим олимлар экологик тангликнинг келиб чиқиши сабабини илмий-техника тараққиётининг ижтимоий оқибатларига боғлашади. Уларнинг бу фикрларида жон бор, аммо масалани бартараф этиш учун бу асос бўла олмайди.

Бугунги жаҳон тарихининг боришига назар ташлар эканмиз, эътиборли ҳолатни кўрамиз. Географик муҳити яхши, табиий ресурсларга бой айрим мамлакатлар мавжуд, аммо улар ижтимоий-иктисодий жиҳатдан унчалик ривожланмаганлар. Аксинча, жаҳонда табиий ресурслари етарли бўлмаган, аммо ривожланиши юқори даражада бўлган давлатлар ҳам бор. Масалан, «япон мъжиза»сини олиб қарайлик. Иккинчи жаҳон уруши мағлубиятидан, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида атом бомбаси портлашидан сўнг ҳосил бўлган култепалар ўрнида энг ривожланган мамлакат пайдо бўлди. Ваҳоланки, бу мамлакат нефть, кўмир ва шу каби фойдали қазилмаларни бошқа мамлакатлардан сотиб олади. Аммо, Менделеев жадвалидаги барча элементларга эга бўлган қатор давлатлар ривожланишининг даражаси билан ҳам, суръатлари билан ҳам Япониядан анча орқада турибди. Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия каби Жанубий Осиё давлатлари тараққиёти ҳам бу борада анча ибратлидир. Юқоридагилардан маълум бўладики, табиатга муносабат ва ундан фойдаланиш оқилона бўлмоғи, илмий асосланмоги зарур. Инсон ўзининг техник ва ишлаб чиқариш қудратини ошира бориб, «оддий» арифметик масалани — «табиатдан қанча олиш керак ва қанча унга қайтармоқ лозим» деган масалани ҳал этиши айни муддаодир. Халқимизда ибратли бир гап бор: «Бир туп дарахтни кесмоқчи бўлсанг, олдин икки туп дарахт эк!»

Ҳозирги кунда табиатни қайта ўзгартиришга қодир бўладиган ҳар қандай лойиҳалар ҳар томонлама сифатий-миқдорий таҳлил этилиб, аниқ ҳисоб-китоб қилинаётганлиги ҳеч кимни шубҳага солмайди. Бунинг учун математика ўзининг жуда бой имкониятларини ишга солиши мумкин. Экологик муаммоларни ҳал этишда математик андоза (модел)ларни қўллаш буйича кўпгина илмий тадқиқотлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси математик экология деган фаннинг янги тармоғи вужудга келаётганлигидан далолат беради.

Мазкур мавзуни ўрганишда яна бир муҳим ҳолатни назарда тутмоқ лозим. Бу ерда гап, ҳозирги замон учун ҳаётий зарур бўлган гуманизмнинг, инсонийлик ва умуминсоний қадриятлар деган тушунчаларнинг маъно ва мазмунига алоҳида эътибор бериш ҳақида боради. Бу нарса, жамиятни қайта қуришда, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кутаришда муҳим аҳамиятга моликдир. Бунинг учун кишилар уртасида экологик таълим-

ни жорий этиш ва айни бир вақтда уларнинг экологик тарбияси билан шуғулланиш керак бўлади.

Ёшларнинг экологик онгини шакллантириш ижтимоий тарбиянинг муҳим томонига айланиб бормоқда. Инсонда «жамият ва табиат» тизимини ифодалаб берадиган, табиатга ақл-идрок билан муносабатда бўлишга қаратилган қарашлар, билим ва эътиқодлар йифиндиси экологик онг дейилади.

Экологик онгнинг асосида кишиларда гўзаллик ҳисларини, табиатга меҳр-муҳаббат, хайриҳоҳлик ҳисларини тарбиялаш ётмоғи зарур. Ҳозирги кунда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни инсонпарварлаштириш давр талабига айланиб бормоқда. Бунинг учун, инсон экологик дунёқарашга эга бўлса, унда экологик маданият шаклланади. Экологик маданиятли киши табиатни англабгина қолмасдан, уни тула ҳис қила олади, унинг олдиғаги масъулиятини тушуниб етади. Табиатни бир ҳис қилиб кўринг-а! Унинг мўъжизаларини кузатишнинг ўзиёқ одамга олам-олам завқ-шавқ бағишлиайди. У бир дақиқа бўлса-да дунё ташвишларидан, турмуш икир-чикирларидан халос бўлади. Асабни бузадиган, юракни эзадиган воқеа-ҳодисаларни унутади. Толиққан асаблари ором олади, танлари яйрайди. Табиат билан юзма-юз қолган ҳар қандай киши олам гўзалликларидан дили ёришади, табиатга, бутун мавжудот-у борлиққа меҳри уйғонади. Ҳаётга, инсонларга чинакам муҳаббати ортади. Ўзининг янада покиза ва олижаноб бўлаётганлигини ҳис этади.

Дарҳақиқат, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий бойликларни сақлаш тўғрисида фамхўрлик қилиш, инсониятнинг бундан кейинги ривожи учун шарт-шароитларни таъминловчи ресурслардан оқилона фойдаланиш — давримизнинг олийжаноб ва шу билан бирга мураккаб вазифасидир. Мамлакатимизда ана шу вазифани ҳал этиш умумхалқ иши бўлиб қолди. Зоро, атроф-муҳитни муҳофаза қилмасдан туриб, халқимизнинг моддий фаровонлигини, турмуш даражасини яхшилаш ҳақида жиддий гап бўлиши мумкин эмас.

Меҳнаткашларнинг экологик тарбияси ҳам бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалалариданdir. Табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр — Ватанга меҳр, инсоннинг ўз истиқболига садоқат рамзи эканлигини асло унутмаслик керак.

Инсон ўзини ўраб олган дунё билан тুла уйғунликда ўсмоғи ва яшамоғи лозим. Табиатни мағлуб қилмас-

дан, аксинча, унда ана шу уйғунликни топмоғи, унинг құдратига құдрат құшмоғи зарур. Табиатдаги ҳар бир үзгариш, ҳар бир янгилик одам боласи қалбига, шуурига таъсир құлмасдан иложи йүқ. Азалдан инсон табиатнинг эңг гүзәл томонларини үзлаштиришга, унинг улугворлигидан таълим олишга интилади. У мұкаммал-лик, уйғунлик, гүзәлликнинг олий андозасини табиатдан олади. Чунки, табиат бекаму күстдир, унинг тугаллигига, бир бутунлигига завол етмаслигини таъминлаш кишининг чинакам инсонийлигидир ва унинг тарбия-ланганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай маданиятли киши борлық гүзәлликларидан лаззатлана олиши керак. Табиатни эъзозлаш ойдин кечалардаги дарё, күл суви жилваларини, субҳидамда эсған майин шаббодани, сахролар сукунатини, шабнам құнған яйловларнинг хүшбүй исларини, қийғос гуллаган мевазорлар жамолини нозик ҳис этишдан, чуқур мушоҳада қилишдан бошланади. Табиатта меҳр құйған одам завол топмайды. Буни ҳар бир инсон англаб етиши лозим. Шундагина у бу ёруғ оламга эңг улуг зот булиб яратылғанлигини тушуниб етади. Табиат ҳақидаги билимлар унинг учун оддий муҳокама қилиш учун әмас, балки ҳаёт гүзәлликларидан баҳраманд булиб, инсонларча яшаш учун үрганилаётганлигини фаҳмлашга ёрдам беради.

ЖАМИЯТНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1. ЖАМИЯТ БОРЛИГИ, УНГА ДИН ВА ФАН НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Оламни фалсафий тушунишнинг илк ифодаси булган «борлиқ» категорияси тўғрисида гапирилганда моддий олам энг умумий тарзда табиат ва кишилик жамиятидан иборатлиги айтилган эди. Лекин чуқурроқ мулоҳаза этилса, кишилик дунёси ўзига хос жиҳатларига кўра айни бир вақтда, борлиқнинг моддий ва маънавий моҳиятга эга бўлган, ўзаро тақозаланган, яхлит сифат муайянлигини ташкил этган алоҳида қисми эканлиги маълум бўлади.

Моддий олам ривожланишининг юқори босқичи ўзидан олдинги босқичларни муайян тарзда ифодалайди. Кишилик жамиятининг биологик замини жараёнлари ҳам, олий хил ҳайвонлар ҳаётида бўлганидек, табиат қонунлари талаблари асосида кечади. Лекин айни вақтда булар жамият аъзоларининг ижтимоий ҳаракатларини таъминлайдиган ўзига хос ҳолатларга ҳам эгадир. Бу жараёнлар натижаси ўлароқ, ҳайвонлар жамоасида биргалашиб ташқи табиатдан инстинктив фойдаланиш мавжуд бўлса, инсоният жамиятида зарур моддий ва маънавий бойликларни биргалашиб ишлаб чиқариш ётади. Шу маънода кишилик жамияти ҳайвонлар жамоасидан кескин фарқ қиласи. Маълум маънода ҳайвонлар оламида объектив мавжуд бўлган ўзига хос тўдаларнинг тадрижий ривожисиз инсоният жамияти юзага келмаган бўлур эди. «Жамият» атамасидаги «жамъа» сўзи тубан мавжудотлардан бошлаб миқдорий муносабатларни ифодалайди ва кишилик дунёсига нисбатан барқарорлик, доимиilikни билдириб «жамият» шаклини олади.

«Жамият» ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида, шуурга-онгга, тил ва нутқقا эга бўлган, бир-бирларининг ижтимоий ёрдами, кўмагига эҳтиёж сезувчи инсонлар ижтимоий уюшмасининг энг умумий илмий-фалсафий атамасидир.

Кишилар объектив олам билан муносабатлари давомида энг умумий тарзда жамиятга уч хил: диний,

илмий ва фалсафий ёндашишларни ишлаб чиққанлар.

Кишилик дунёсини диний нуқтаи назардан изоҳлашда жамият худо томонидан яратилган, деб ҳисобланади. Бунда, биринчи навбатда, ижтимоий жараёнларда табиий учрайдиган турли ҳолатлар сабаби илоҳий изоҳланади ва улар охир-оқибатда тақдири-азалнинг ифодаси сифатида курсатилади.

Кишилар турмушининг барча жиҳатлари илоҳий кучлар таъсирида деб олиниши ва кишиларнинг бу кучларга эътиқод қилишлари лозимлиги масаласи жамиятни диний тушунтиришда муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги барча тамойиллар яратувчининг ихтиёридадир, деган диний қоида илгари сурилади. Дарҳақиқат, жамиятнинг тузилиши, унинг эркак ва аёл аъзолари ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказолар муайян мұтадил bogла нишлардан иборат. Кишилар эса булардан келиб чиқиб, муайян қоидаларга бўйсунишлари лозим. Буларнинг барчаси динда илоҳий табиатга эга, деб тушунтирилади.

Жамиятни диний тушуниш ижтимоий ривожланишнинг барча босқичларида илмий қарашларнинг ривожланиш даражаси, уларнинг аниқ даврлар билан чекланганлиги ва муайян фалсафий қарашларнинг ижтимоий фикрда ҳукмрон булишлиги билан боғлиқдир. Масалан, фан олдида турган масалалар ҳамма вақтларда ҳам тўғри изоҳини топмаганлиги учун диний қарашлар таъсири кучли бўлган. Схоластикага асосланган фалсафа эса формал мантиқ қоидаларини мутлақлаштириб, диний ижтимоий таълимотларни исботлашга хизмат қилган. Шунга кўра, диний таълимотларда ўзига хос равишда инсониятнинг ижтимоий, маънавий ривожланиши даражаси акс этган бўлади.

Жамиятни диний изоҳлаш, гарчи унинг асосийоялари мафкуравий тортишувлар марказида турган бўлса-да, кишилар муносабатларининг ахлоқий мезонлари, инсоний қадриятлари, тасаввур-кечинмалии, ҳиссий қиёфаси тартиботларини қамраб олади. Булар кўп жиҳатлардан ўрганилиши қийин бўлгани туфайли диний урф-одатларда акс этиб, ҳар доим тантанавор ва улуғворлик ифодаси билан жозиба кутига эга бўлган.

Кишилик дунёсини фан нуқтаи назаридан изоҳлаш гарчи кейинроқ бошланган бўлсада, унинг айрим од-

дий унсурлари жамиятнинг келиб чиқиш давридан мавжуддир. Бу билимлар аввал энг содда күринишида бўлиб, кишилар дунёси ҳақидаги энг умумий қарашларнигина оддий тарзда ифодалаган.

Кишилар теварак-атрофидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар тўғрисида маълум билимларга эга бўлсаларда, уларнинг жамият ҳақидаги билимлари жуда қийинчилик билан, узоқ даврлар давомида тупланиб борган. Шунга кура, ҳозиргача ҳам жамиятни илмий ўрганишда, биринчидан, фоят хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса, иккинчидан, фанга қадар бўлган қарашлар ва турли одатларнинг қолдиқлари ҳам сақланиб келади. Лекин бундан жамиятни илмий ўрганишнинг иложи йўқ экан, деган маъно келиб чиқмайди. Жамият ривожланиш давомида илмий билимлар ҳажми ва соҳаси кенгая бориб, унинг турли томонларини алоҳида-алоҳида ҳолда қамраб ола бошлаган.

Жамиятни илмий ўрганишда даставвал тасвирилаш тарзида иш кўрадиган тарих фанини назарда тутмоқ лозим. Бунда жамият ўтмиши ва ҳозирги даври, улар таркибининг ўзаро муносабатлари ва ривожланишининг кетма-кет кечиши ҳамда ёзув, тил, маданият ёдгорликлари ўрганилади. Тарих илми нуқтаи назаридан жамиятни ўрганиш кишилик дунёси ривожланиши дарражалари билан тақозаланган. Ижтимоий тарих соҳаси олимлари ўзлари яшаган давр имкониятлари билан чекланган бўлади. Бу эса воқеаларнинг тасвирида, илмнинг умумий таърифида ўз аксини топади. Масалан, қадимги Юнонистон тарихчиси Геродот тарихни кишиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фан деб таърифлаган эди.

Кишилик дунёсини таҳлилий жиҳатдан ўрганиш вазифасини, ҳар бири ўз соҳасига кўра, иқтисодий, ҳуқуқшунослик, тилшунослик, руҳшунослик, сиёсатшунослик, таълимшунослик ва бошқа фанлар бажаради. Уларда жамият турли томонларини белгилайдиган муносабатлар ва боғланишлар, шунингдек уларнинг хусусиятлари очиб берилади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, жамиятни илмий таҳлилий ўрганиш қадимги даврларда юнонларда хийла юксак даражада бўлган ва ҳозир ишлатилаётган кўплаб ижтимоий назариялар ва илмий тушунчалар уларда қулланилган эди.

Арасту томонидан жамиятни ўрганиш билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган фанлар ичida сиёсат илми муҳим урин тутади. Гап шундаки, кишилик

дунёси, Арасту қарашларига кўра, даставвал сиёсий мавжудотлар жамиятидир. Бу жамиятда қуллар сўзлашувчи ҳайвонлар деб ҳисобланган ва жамият аъзолари таркибига киритилмаган. Сиёсий ҳукуқларга эга бўлган кишиларгина жамиятни ташкил этганлар ва уни муайян демократик қонунлар асосида бошқаргандар.

Ўрта асрлар шароитида Оврупада мавжуд бўлган ижтимоий қарашлар ҳийла ривожланган бўлса-да, лекин антик даврдаги таълимотларга нисбатан анча орқада қолгани маълум.

Ўрта Осиёнинг Моварауннаҳр ва Хуросон минтақаларида ўрта асрларда жамиятни тадқиқ этишда кўзга куринарли ишлар қилинди. Халифлик ҳудудидаги, шунингдек, туркий давлатлар: Фазнавийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ҳудудларида мадрасаларда хўжалик ҳаёти ва айирбошлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, ҳалқлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни тартибга солиш каби илмий, амалий вазифаларни тадқиқ ва тарғиб этишга катта эътибор берилди. Бу даврда ислом дини асосий ақидаларига мос равишда жамиятни тарихий, ҳукуқшунослик, жукрофий, иқтисодий, руҳшунослик ва ҳоказо соҳаларда ўрганиш борасида жилдий муваффақиятларга эришилди. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур билан бир неча марта мулоқотда бўлган Ибн Халдун (1332—1406) ўзининг жамиятнинг таҳлилига доир тарихий-иқтисодий қарашларида ижтимоий ҳаёт жараёнларига иқтисодиёт кўрсатаётган белгиловчи таъсир тўғрисида мулоҳаза юритгани, бу фикрлар эса кейинроқ Жамбатисто Рико ва Карл Маркс таълимотларида илгари сурилган назарияларнинг муайян жиҳатларини олдиндан кўрсатиб берганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Амир Темурнинг «Тузук»ларида ҳам жамиядаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришга оид бўлган мукаммал қарашлар тизими берилган.

Оврупадаги Уйгониши даври ва ундан кейин юз берган инқилобий давлар фани жамият ҳаётини ўрганишда янги саҳифани очди. Бу давр олимларининг ижтимоий таълимотларида жамиятни бошқаришининг ўрта асрларда ҳукмрон бўлган диний асосдаги ягона тизими тўғрисидаги қарашлар қайта куриб чиқилди. Жамиятни таркибий қисмларга булиб ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилди. Масалан, бу давр фани-

да жамият иқтисодиётини урганишда унинг савдо ва майда мануфактура ишлаб чиқаришига асосланиши ҳамда пулдан фойдаланишда фоиз асосида қарз бериш ёки олиш масалалари таҳлил этилди. Иқтисодчи олимлар «қийматнинг меҳнат назарияси»ни яратиб, жамиятни илмий тушунтиришда анча илгарила бекетдилар.

Хуқуқшунослар жамиятни фуқаролар хуқуқлари асосида таҳлил этишга уриниб, унинг табиий заминларини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдилар. Француз тарихчилари мамлакатда юз берган жараёнларини анча чуқур тадқиқ қилдилар.

XIX аср ўрталарига келиб ижтимоий-фалсафий мактабларнинг қарашларида турлича фикрлар илгари сурildи. Марксча таълимот юзага келган шароитларда муайян илмийликни ифода этган бўлса-да, кейинроқ у большевизм таъсирида жамиятни урганадиган фанлар тараққиёти йўлидаги тўсиқقا айланиб қолди.

Ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг турли жиҳатлари турли фанлар нуқтаи назаридан кенг урганилиши туғайли унинг түгрисидаги билимлар кўп қиррали булиб қолди. Уларда бир-бирини истисно қилишдан то бир-бири билан ҳамкорлик қилишгача бўлган қарашларни кўриш мумкин. Бунинг сабаби, энг аввало, табиатшунослик фанларидан фарқли ўлароқ, жамиятни урганадиган фанлар охир-оқибатда амалдаги мафкурага боғланиб қолгани эди. Маълумки, мафкуравий тизимда мавжуд ижтимоий воқеликни оқлайдиган, ҳимоя қиладиган йўналишлардан ташқари, уни тан олмайдиган, тубдан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган йўналишлар ҳам мавжуд бўлади.

Табиатшунослик фанлари обьектларида ўзгаришлар ўз-ўзича содир бўлаверади. Жамиятда эса бу ўзгаришлар ижтимоий кучлар томонидан рӯёбга чиқарилади. Шунга кўра, ижтимоий назарияларни физиковий ёки биологик фанлар билан қиёслаганда, жамиятнинг бу назариялар урганадиган асосий бир қисми инсон эканини, шунингдек, инсоннинг ўзи назариётчи эканлигини ҳам диққат марказида тутмоқ керак. Яъни, тадқиқотчи ва тадқиқот обьекти ҳар доим ўзаро боғлиқликда бўладики, бу эса муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Жамият табиатга нисбатан тез ўзгарувчан булиб, бу уни урганадиган фанлар учун ҳар доим муайян қийинчиликлар туғдиради.

2. ЖАМИЯТГА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ

Фалсафада жамият кишиларнинг тарихан қарор топган биргалиқдаги фаолиятлари йифиндиси, борлиқнинг табиатдан ажралиб чиққан, моҳияттан ва мазмунан ниҳоятда мураккаб қисми, деб қаралади.

«Жамият» тушунчаси қуидаги маъноларни қамраб олган:

1. Жамият тушунчасида нафақат ҳозир яшаб турган кишиларнинг фаолиятлари, балки уларнинг ўтмиши ҳамда келажак авлодлар ҳаёти, яъни инсоният тарихининг илк бошланишидан тортиб унинг келажагигача барча жиҳатлари акс этади.

2. Бу тушунчада муайян хилдаги жамиятларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам ифодасини топади. Масалан, умуман антик давр жамияти, «оврупача», «осиёча» жамият ва ҳоказолар.

3. Мазкур тушунчада бир-бирига бевосита боғланмаган ҳолда мавжуд бўлган жамиятлар ҳам ифодаланадики, бунда уларнинг макон ва вақт билан алоқадор жиҳатлари эътиборга олинади. Буларга мисол тариқасида қадимги саклар, Ўрта Осиё жамиятлари, яқин Шарқдаги араб жамиятлари ёки Фарбий Оврупадаги жамиятлар ва бошқаларни олиш мумкин.

Борлиқнинг бундай мураккаб моҳиятини фалсафий тушунишда уни модель кўринишига келтириш зарур. Албатта, ҳар қандай модель ижтимоий воқеликнинг барча қирраларини ўзида жам эта олмайди. Лекин энг асосий ўринда жамиятнинг моҳияти, мазмуни, мавжудлик ва ривожланиш шароитлари масалаларига мумкин қадар тўлароқ жавоб топишда ғоят катта имконият яратади. Фалсафий тадқиқот обьекти сифатида жамиятнинг назарий модели мавҳумликдан аниқликка боришни таъминлайди. Яъни назарий модель жамиятни умуман ифодаласа, унинг ёрдамида эришилган аниқ билимлар кишилар тарихи ривожлашишининг муайян босқичларига тадбиқ этилиб, қадимги давр жамияти, ўрта аср жамияти ва ҳоказо босқичларни фарқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу давр жамияти назарий моделининг ўзини ҳам фалсафий үрганиш туфайли ўрта аср Хитой, Ҳиндистон феодализми ва ҳоказо мамлакатлар жамиятлари тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Жамиятни фалсафий ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида бу муаммолар билан боғлиқ бўлган тамойиллар ва тушунчалар тизими ҳам ишлаб чиқилган. Булар ёрдамида жамиятнинг мавжудлиги, тузилиши ва ривожланишининг энг умумий атрибутив жиҳатлари изоҳланади.

Шу сабабли фалсафа нуқтаи назаридан жамият ҳаётини таҳлил этишда қатор тамойилларга таянилади.

Биринчидан, жамият моддий оламнинг, хусусан, унинг асосий таркибий қисми табиатнинг ҳам ўзига хос бир қисми бўлиб, табиатда амал қиласиган барча қонуниятлар жамиятда ҳам ўзига хос тарзда мавжуд бўлиб, унинг борлигини таъмин этиши назарда тутилади.

Иккинчи тамойилга кўра жамият яхлитликда олиниб таҳлил этилади. Яхлитлик тамойилга кўра жамият сифат муайянлигига эга бўлган обьект, алоҳида ижтимоий организм сифатида ифодаланади. Унинг ўзига хос мавжудлик ҳолати, ўзгариши ҳамда ривожланиши фарқланади.

Учинчи тамойилга кўра жамият — уни ташкил этган қишилар фаолиятининг йиғиндисидир. Бунда жамият ҳаёти барча томонларининг қарор топиши, мавжуд булиши ва ривожланиши қишиларнинг табиати ва улар орасида мавжуд бўладиган муносабатлар билан тақозаланганки, натижада, ижтимоий ҳаёт моҳиятини ва унинг асосий алоқаларини қишиларнинг амалий фаолияти таҳлили орқали билиш мумкин бўлади.

Жамиятга фалсафий жиҳатдан ёндошиш маълум тушунчалар тизимиға ҳам таянади. Ижтимоий фалсафа тарихида ишлаб чиқилган кўпгина ялпи тушунчаларда ижтимоий ҳаётнинг энг умумий алоқадорликлари ва хусусиятлари ифодаланган. Булар ижтимоий воқелик инсон миясида акс этганлиги натижаси ва фикрлаш фаолияти воситаларидир.

Ижтимоий фалсафанинг асосий тушунчалари таснифи заминига жамиятни фалсафий тушунишнинг асосий тамойиллари қўйилмоғи лозим. «Ижтимоий борлиқ», «ижтимоий муносабат», «ижтимоий алоқа», «ижтимоий онг», «ижтимоий ишлаб чиқариш», «ижтимоий жараён», «объектив ижтимоий шароит», «субъектив омил», «тарихий қонуният», «цивилизация», «маданият», «қадрият», «манфаат», «шахс», «оила», «турмуш» ва ҳоказо тушунчалар жамиятни яхлит ижтимоий организм сифатида ифодалайди.

Фаолиятлилик тамойилига кўра ишлаб чиқилган тушунчалар жамиятнинг иқтисодиёти, маънавий ва сиёсий соҳаларига тегишли бўлади. Хусусан, иқтисодиёт соҳаси тушунчаларига «мехнат», «мулк», «истеъмол», «техника», «технология» сингари категориялар кирса, «Фан», «маърифат», «эътиқод» ва ҳоказолар маънавий соҳа тушунчаларидир. Сиёсий соҳа тушунчалари эса уз ичига «сиёsat», «ҳокимият», «синф», «миллат», «давлат», «ташкилот», «бошқарув», «демократия», «диктатура» ва ҳоказоларни олади.

Фалсафий тамойиллар нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган тушунчаларнинг чегараси доимий эмас. Тушунчаларни ҳар қанча даражада маълум тартиботларга келтиришга уринилмасин, улар ўртасидаги меъёр ҳамиша шартлидир. Чунки уларда акс этадиган ижтимоий олам ҳодисалари, воқеалари ва жараёнлари доимо узаро таъсирда бўлиб, бу чегарани ўзгартириб туради.

Жамиятнинг фалсафий талқини кўп қирралидир. Жамиятни сифат муайянлигига эга бўлган яхлитлик тарзида қараш бундай талқиннинг марказида туради. Юзаки қарагандагина жамият уни ташкил этган кишиларнинг оддий йиғиндисидай кўринади. Лекин чукурроқ қаралса, унда кишиларнинг бир-бири билан амалга ошираётган кўпдан-кўп муносабатлари мавжудлиги, бу муносабатлар узаро тақозаланганлиги, узаро таъсирда эканлиги маълум бўлади. Қатъий маънода кишиларнинг борлиги уларнинг муносабатлари орқали таъминланади. Булар жамиятда содир бўлаётгани туфайли доимо ижтимоий табиатга эгадир, бинобарин, улар ижтимоий муносабатлардир.

Ижтимоий муносабатлар бирлиқда олинганида ижтимоий борлиқнинг аниқ тарихий шаклини ифодалайди. Ижтимоий борлиқнинг мазмуни эса кишилар ҳаёти жараёнларидан иборатдир. Бу жараёнларнинг асосий томонини жамият моддий, маънавий ҳаёти ташкил этади. Уларнинг бошқа томони эса ана шу моддий ва маънавий ҳаётини таъминлаш усулининг мавжудлиги ва ҳаракатини ифодалайдиган ижтимоий жараёнлардир. Буларнинг мазмуни жамият аъзоларининг амалий муносабатлари йигиндисидан иборат бўлади.

Амалий муносабатларда кишиларнинг субъект сифатида узаро субъектив (субъект-субъект) муносабатлари ва субъект-объект (табиат ва жамият) муносабатлари фарқланади. Кишиларнинг биринчи туркум муносабатлари уларнинг иккинчи туркум муносабат-

ларига тобе тарзда булса-да, улар биргаликда олин-гандагина сифат яхлитлигини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг воқелик билан алоқалари ҳам доим амалийдир ва ижтимоий борлиқ кишилар амалиётининг барча жиҳатларини ўзида акс эттиради ва уларнинг йигиндиси сифатидагина мавжуд бўлади.

Ҳар қандай инсоний хатти-ҳаракатлар фикр, хоҳиш-истак ва ҳоказоларсиз мавжуд эмас. Лекин бундан фикр, хоҳиш-истак, туйгулар ва бошқалар инсоний хатти-ҳаракатларнинг белгиловчисидир, деган маъно келиб чиқмайди. Гап шундаки, кишиларнинг фикр ўйлари, хоҳиш-истакларини тугдирган сабаблар бор. Улар ҳар бир киши дунёга келмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган, туғилгандан сўнг тарбия топтириб улфайтирган ижтимоий шарт-шароитлардир. Фарзандлар дунёга келишида ота-онани танлай олмаганидек, ҳар бир авлод ҳам ҳаётга қадам қўяр экан, мавжуд ижтимоий ҳаёт шароитлари таъсирида шаклланади, ўсади ва улғаяди. Яъни унинг иқтисодиёт ҳақидаги тасаввурлари, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳоказо нуқтаи назарлари мавжуд шароитларнинг ифодасидан бошқа нарса эмас.

Тўғри, ҳар бир авлод мавжуд ижтимоий муносабатларга ўз хиссасини ҳам қўшади ва бу билан навбатдаги авлод тараққиёти учун етарли шарт-шароитлар ҳозирлайди. Бу умуман олганда, ягона объектив мантиқий йўлдир.

Ижтимоий муносабатлар асосида кишилар фаоллиги ётади. Фаоллик эса субъектнинг (кишиларнинг) объектга (табиат ва жамиятга) таъсири курсата олиши мумкин ва зарур бўлган ҳолатидир. Унинг асосида инсон борлигининг табиий ва ижтимоий ташкил этилганлиги, уюшганлиги билан тақозаланган ўз-ўзидан ҳаракат ётади. Албатта, фақат биргина субъектнинг фаоллиги билан ижтимоий муносабатлар мавжудлиги таъминланмайди. Объектнинг ҳам субъектга курсатадиган қайта таъсири бўлиши лозим. Ана шу таъсиrlар тартиботи энг умумий маънода кишилар фаолиятини ташкил этади.

3. ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИ

Ижтимоий фаолият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилади.

Иқтисодиёт соҳаси кенг маънода кишиларнинг ўз моддий шароитларини яратиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча фаолият турларини ўз ичига олади. Ана шу фаолият турлари инсоннинг ҳайвондан фарқини билдиради. Инсон табиатдан оладиганлари билан чекланиб қолмайди. Ҳатто атмосфера ҳавосини ҳам нафас олиш учун мослаштириш, масалан, қиздириш зарур бўлади, деган эди Ҳегель. Табиат хомашёларидан, унинг қонунлари талабларига мос ҳолда, унда илгари бўлмаган маҳсулотни инсон эҳтиёжига мослаб яратиш лозим бўлади. Бунинг учун инсон тана кучларини — қули, оёфи, мияси ва ҳоказоларни ҳаракатга келтириб, жамият ҳаётининг доимий ва зарурий асоси ҳамда шарти бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқаришни амалга оширади. Бунда қулланиладиган қуроллар бир томондан инсон билан табиат ўртасида юз берадиган модда ва қувват алмашувининг, инсон меҳнатининг илк маҳсули бўлса, иккинчи томондан, инсон меҳнатининг воситаси ҳамdir.

Инсон меҳнати ишлаб чиқаришдаги шахсий, жонли томон ҳисобланиб, унинг оқилона сарф этилганлиги меҳнат унумдорлигига ифодаланади. Меҳнатнинг унумдорлигини ошириш вазифалари туфайли чорвачилик келиб чиқсан, хунармандчilik деҳқончиликдан ажралган, қадимдан ҳозирги давргача меҳнат тақсимотининг кўпдан-кўп янги шакллари юзага келган. Меҳнат тақсимоти натижасида унинг ақлий ва жисмоний меҳнатга бўлиниши давом этади ва чорвадорлар овуидан деҳқонлар қишлоғи, ундан шаҳар ажралиб чиқсан. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий томонларини кучайтирмаслиги мумкин эмас эди.

Технология — бу инсоннинг меҳнат предметларига фан ва амалиёт имкониятлари, талаблари асосида таъсир этув усулидир. Техникада инсоннинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ҳамда меҳнат предметларига таъсир кўрсатишнинг жисмоний воситалари жамланади. Бу таъсирнинг илмий ҳолатларини эса фан ўзида тўплаган.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий томонлари меҳнат фаолиятини турли кўринишларда йўлга қўйиш, унинг технологик тармоқ, худудий тақсимланиши, меҳнатининг ихтисосланиши, ширкатчилик ва ҳоказоларни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш асосини ҳамиша «инсон-техника»

тартиботи ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг технологик усулига мос келадиган учта — асбоблардан фойдаланиш, механизация ва автоматлаштириш босқичлари мавжуд.

Механизация босқичида инсон меҳнат қуроллари ни үзининг қуллари ёрдамида ҳаракатга келтиради, ҳамда тафаккури билан бошқарув вазифаларини ба жаради. Машина техникаси эса буларни бирин-кетин техник қурилмалар зиммасига юклайди. Хусусан, ишчи машинанинг ихтироси туфайли техника тараққиёти натижасида инсондан дастлаб ижроия вазифани, ундан сунг буғ машинаси, электродвигателлар ва ҳоказолар ёрдамида ҳаракатга келтирувчи вазифани ва, нихоят, бизнинг давримизда аниқ математик ифодаланиш орқали бошқарув вазифасини автоматлар ба жарадиган бўлди.

Техника тараққиёти фандаги чуқур ўзгаришларсиз юз бермайди. Утмишда улардаги ўзгаришлар кетма-кет содир бўлган эди. Ҳозир эса бу ўзгаришлар бир вақтда юз берибина қолмай, балки сифат хусусиятларига ҳам эга бўлгани учун фан-техника инқилоби деб аталмоқда. Унинг моҳияти фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланишида ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, балки жамият ҳаётининг бошқа томонларида ҳам сифат ўзгаришларини таъминлаш мумкин булишидир. Фан-техника инқилоби ўзининг ҳозирги босқичида микроэлектроника, биотехнологиянинг ривожланиши, ялпи компьютерлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни фан-техника инқилобининг муҳим омили бўлган ахборотни тўплаш, чиқариш ва ундан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Ахборотсиз ҳозирги машиналарни тартиботи ишлай олмаганидек, ишлаб чиқаришнинг ўзини ҳам муваффақиятли ташкил этиб бўлмайди.

Жамият иқтисодий тузумининг фалсафий таҳлилида юқорида қараб чиқилган жиҳатларининг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, улар кишилик дунёси мөддий ҳаётининг бир томонинигина ифодалайди. Уни мавхумий-мантиқий жиҳатдангина эмас, балки мустақил текшириш мумкин. Амалда эса уларни ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Булардан биринчиси ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида келиб чиқадиган муносабатларни

ифодаласа, иккинчиси ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик муносабатларини акс эттиради.

Мулк тушунчаси инсон ўзига тегишли бўлган нарсалар, шу жумладан, ўзининг ҳаёти, жисмоний ва маънавий кучларига эгалик қилиш хукуқига эга бўлгандагина юзага келади.

Мулк одатда, икки шаклда, бир-бирини тақозо қилган ҳолда хусусий ва умумий шаклда бўлади. Дастрраб ибтидоий тузум шароитда мулк барча жамоа аъзолариники ҳисобланган. Қулдорчилик тузумидан бошлаб эса хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлган. Шарқ мамлакатлардаги суформа дәхқончиликка асосланган ишлаб чиқаришда давлатнинг хўжалик юргизишга раҳбарлиги тақозо этилганлиги, унинг қўлида сугориш каналлари, алоқа хизмати ва ҳоказоларнинг бўлишилигини шарт қилиб қўйган. Бу эса мулкчилик муносабатларининг шаклига ҳам таъсир этган.

Инсон ва жамият ўз эҳтиёжларини қондириш учун аниқ ўрни ва вақтига кўра мулкни зарур шаклини танлаши мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш қанчалик зарур бўлмасин, ҳар бир соғлом фикрли киши учун унинг ҳаёти яна бошқа қатор соҳалар билан ҳам боғлиқdir. Чунки, онг ва иродага эга бўлган кишилар ўз иқтисодий шароитига эга бўлиши учун муайян тарзда бирикиб, ижтимоий фаолиятининг янгидан-янги турлари ва шаклларини ҳам намоён этадилар. Гап бу ерда, энг аввало, бошқарув тўгрисида бормоқда.

Бошқарув ижтимоий ҳаётнинг муҳим шартидир.

Фалсафий тушунча сифатида бошқарув жамиятга тадбиқан унинг сифат муайянлигини таъминлаш, таркибий унсурлари тартиботини такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ йўналтиришни ифодалайди.

Жамият икки хил тарзда — ўз-узидан ва маҳсус бошқарилади. Биринчи хил бошқарув, ўз навбатида, яна иккига: стихияли (масалан, анъана, одат ва ҳ. к.) ва онгли ўз-узини (масалан, оиласий муносабатларда) бошқарувга бўлинади. Буларда, даставвал, кўзга ташланадиган томон шундаки, бошқарувда жамият ёки унинг муайян тизими аъзоларининг ҳаммаси иштирок этади ва ўз манфаатларини лозим тарзда таъминлайдилар.

Иккинчи хил бошқарувда мажбур этишлик жиҳати мавжуддир. Бу бошқарув ҳам икки куринишга эга. Биринчи куринишда мажбурийлик объектив равишда жамият ёки унинг муайян қисмлари эҳтиёжлари билан

юзага келса, иккинчисида, маҳсус яратилган ташкилотнинг вазифаси мажбурийликни амалга оширишдан иборат бўлади. Мисол тариқасида бошқаришдаги ибтидоий жамият шароитида ҳам мавжуд бўлган мажбур этишликни келтириш мумкин. Бундан фарқли ўлароқ, иккинчи кўриниши жамият аъзоларининг бир гуруҳни иккинчи гуруҳга таъсири орқали амалга ошадиган мажбур этишликни ифодалайди.

Ҳар қандай бошқарувнинг марказий бўгини — бу ҳокимиятдир. Жамият ҳаёти, фаолиятини бошқариш ижтимоий ҳокимият орқали амалга оширилади. Унда камида икки томоннинг (икки одам ёки гуруҳ ва алоҳида олинган шахс ва ҳоказолар) муносабатида бири-нинг иродасига кўра иккинчисининг муайян ҳаракатни содир этиши ёки этмаслиги билан боғлиқ ҳолат тушунилади.

Ҳокимиятнинг умумий доирасида катта ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан тақозаланган ҳокимият шакли ҳам фарқланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: ибтидоий жамоа шароитларида ҳар ҳолда унинг охирги босқичида, ижтимоий ҳокимиятда мажбурийликга боғлиқ бошқарув мавжуд бўлади. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги халқлар тарихида ҳўжалик фаолияти жамоачилик асосида олиб борилиб, жуда қадимданоқ суформа деҳқончилик йўлга қўйилган эди. Бу ишларни бошқариш ижтимоий ҳокимиятнинг сиёсий шакли ёрдамида амалга оширилган.

Сиёсий ҳокимият амалда бўлиши учун, ижтимоий ҳокимиятда зарур бўлган барча унсурлар билан бирга, кўшимча равишда қўйидаги жиҳатлар ҳам бўлиши зарур:

1. Ҳокимиятни амалга оширувчи гуруҳ ёки гуруҳлар билан ҳокимиятни обьекти бўлган гуруҳ ёки гуруҳларнинг ўзаро ижтимоий ажralиши.

2. Ҳокимиятни амалга оширишнинг асоси сифатида уюшган мажбурийликнинг мавжудлиги (масалан, оқсоқоллар кенгashi ва ҳоказо).

Сиёсий ҳокимиятни юқоридагича тушунишда унинг давлат ҳокимиятидан кенглиги ва аввал мавжуд бўлганлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Ижтимоий бошқаришда сиёсий ҳокимият юзага келиши билан боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий соҳаси ташкил топади. Ушбу соҳа доирасида жамият аъзоларининг асосий обьектив манфаатлари қарама-қарши

бұлған катта гурухларга (масалан, қуллар ва қулдорларга) бұлиниши юз берди. Натижада, ижтимоий ҳаёт мұракаблашды. Илгари мавжуд бұлған муносабатлар әнди «жамият-синф-шахс» муносабатлари орқали на-моён бўлиб, жамиятда қатор янги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Шу вақтдан бошлаб бошқарув мазмуніда моддий ишлаб чиқариш ҳамда яратылған маҳсулотларни үзлаштириш соҳаси ва жамият аъзоларининг, синфлар, оила билан бир қаторда, тарихий этник бирликлари — қабила, эл-элат, кейинроқ миллат, шунингдек ижтимоий қатламлар, гурухлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш соҳаси — иқтисодиёт ва сиёсат нисбати масаласи пайдо бўлди. Лекин бундан сиёсат бошқа соҳалар (масалан, ижтимоий онг шакллари, маданият ва ҳоказолар) билан алоқада бўлмайди, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, иқтисодиёт соҳасининг ижтимоий борлиқнинг бошқа соҳалари билан алоқаси доимо сиёсат орқали амалга ошади.

Сиёсатда ўз ифодасини топмайдиган ижтимоий ҳодисанинг ўзи йўқ. Бироқ унда биринчи ўринда ижтимоий борлиқнинг энг муҳим томонлари акс этади. Шунинг учун жамият ҳаёти энг асосий соҳаларининг ўрни ва аҳамиятга кўра, иқтисодиёт ва сиёсат, улар ўртасидаги алоқадорлик гоят муҳим масала ҳисобланади. Дарҳақиқат, иқтисод ва сиёсатда юз берадиган воқеалар жамият аъзолари барчасининг манфаатига дахлдордир. Бу воқеалар, одатда, ўз моҳият-эътибори билан халқлар ва мамлакатларнинг тарихий тақдирида ҳамда кишилар турмуши ва тафаккурида юз берадиган муҳим ўзгаришларни билдиради.

Сиёсат жамиятнинг тез ўзгарувчан, доимий фаол томонидир.

Фалсафий жиҳатдан сиёсат соҳасининг таҳлилида, энг аввало, объект ва субъект, асосий ва ноасосий, бош ва бош бўлмаган, тарихий ва мантиқий, мавҳумий ва аниқ томонларни фарқлаш лозим.

Сиёсатнинг обьекти бутун жамият соҳаси ҳисобланади. Шунингдек, жамиятнинг истаган соҳаси ҳам ўрни ва пайтига боғлиқ равишда сиёсатнинг обьекти бўлиши мумкин. Сиёсатнинг субъекти эса жамиятдаги катта-катта гурухлар бўлиб, улар диққат марказида мавжуд ҳокимиятга нисбатан муносабат ётади.

Давлат — инсоният цивилизацияси ривожланишининг маҳсули, халқлар ва миллатлар ҳаётининг ҳуқуқ

ва қонунга асосланиб ташкил этишнинг сиёсий шаклидир.

Давлат орқали олиб борилган бошқарувда иккита умумий жиҳатни куриш мумкин:

— биринчидан, давлат пайдо бўлиши билан жамият ҳаётини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг тарихан барқарор бўлган янги шакллари қарор топди. Ҳокимиятнинг ваколатли шакли юзага келиб, катта-катта ижтимоий вазифаларни бажариш учун кенг халқ оммасини сафарбар этишнинг ташкилий усуллари ва воситалари ишлаб чиқилиб, доимо такомиллаштирилиб борилди. Давлат доирасида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан фарқланадиган таркибий тузилиши юз бердики, натижада, уруғ, қабилачилик алоқаларидан этник ва синфий умумийликка ўтиш таъминланди. Шунингдек, давлат мавжудлиги туфайли ижтимоий манфаатни шахсий манфаатдан ажратиб, унинг аҳамиятлилиги таъминланди, ижтимоий интизом қарор топиб, инсоннинг шахс сифатида ижтимоий қиёфаси биринчи ўринга чиқди. Демак, давлатнинг келиб чиқиши нафақат тарихий зарурият, балки ижтимоий тараққиёт омили ҳам бўлди;

— иккинчидан, давлат ибтидоий жамиятда мавжуд бўлган бошқарувдаги тамойилларга барҳам берди. Оқибатда, бутун жамоанинг жамият ҳаётида бевосита иштироки, бошқарувда жисмоний зуравонлик эмас, балки жамоа фикри ва обрўси кучининг тан олиниши, иқтисодий мажбурлашнинг йўқлиги ва бошқа кўпгина тамойиллар йўқолиб кетди.

Давлатчилик ривожланиши билан сиёсий бошқарувнинг мураккаб тартиботи майдонга келади. Бунда, энг аввало, жамиятнинг сиёсий соҳасида юзага келадиган сиёсий ташкилотлар туркуми назарда тутилади. Масалан, бошқарувда ҳоким ёки тобелигига кўра фарқланадиган ижтимоий гуруҳларнинг синфий ташкилоти — сиёсий партиялар муҳим аҳамият касб этади. Уларда синфларнинг маълум, одатда фаол қисми муайян foялар ва тамойиллар асосида уюшган бўлади. Давлат ҳокимиятини қўлга киритган партия бошқарувда раҳбарлик вазифасини бажаради.

Партияларнинг етуклиги демократия етуклигини ифодалайди.

Демократия (айнан «халқ ҳокимияти» демакдир) халқни ҳокимиятнинг манбай эканлиги билан боғлиқ бўлган сиёсий-давлат тузилишининг шаклидир.

Давлат ҳокимиияти тузилишининг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ демократик жамиятларда қонуннинг устуворлиги, фуқароларнинг тенглиги, асосий давлат ташкилотларининг пастдан юқоригача сайлаб қўйилиши, сайлов ёки референдум (ялпи сўров) орқали кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини билиш имкониятлари таъминланади.

Жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти соҳалари маънавий соҳасиз мавжуд эмас. Унда энг оддий туйғу, ҳаяжон, тажриба, одатлар ва ҳоказолардан тортиб, ижтимоий онгнинг барча даражалари ва кўринишлари, бу соҳалар ҳодисаларининг мавжудлиги билан тақозоланган ташкилотлар, муассасалар жамланади. Бу ташкилотлар орқали жамиятнинг маънавий ҳаёти бошқарилади.

Жамият ҳаётининг иқтисодий ва сиёсий томонлари илгарилама ҳаракатда бўлганидек, маънавиятдаги ўзгаришлар натижасида ҳам алоҳида гуруҳлар ажралиб чиқиб, маънавий ишлаб чиқаришни амалга оширадилар. Булар зиёлилардир. Улар халқ яратган маънавий бойликларни ривожлантирадилар, унга сайқал берадилар.

Маънавият яратувчилари — зиёлилар қулдорлик тузуми даврида айтарли бадавлат бўлмаган эркин фуқаролардан, ўрта асрларда эса бир қисми ҳукмрон табақа ва мулкдорлардан бўлса, бошқа бир қисми меҳнаткаш омманинг, шу жумладан камбағал табақанинг ҳам иқтидорли вакилларидан етишиб чиқишган. Жамият ривожланишининг кейинги босқичларида ҳам маънавий қадриятларга бўлган катта ижтимоий эҳтиёж туфайли зиёлилар сафи тобора кенг халқ оммаси вакиллари ҳисобига тўлиб боради.

Маънавий ишлаб чиқариш натижасида, даставвал образлар, ғоялар, назариялар ва ҳоказолар яратилади. Улар ёрдамида эса кишилар ўртасидаги маънавий алоқаларга эришилади. Ва, ниҳоят бу ишлаб чиқариш туфайли инсоннинг ўзи ҳам маънавий мавжудот сифатида ўсиб, такомиллашиб боради. Бу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон маънавияти табиий, биологик йўл билан ирсий тарзда авлоддан-авлодга ўтмайди, балки ўзаро ижтимоий-маънавий фаолиятда шаклланади ва қарор топади. Бу соҳа ишлаб чиқариши, ўз таркибига кўра, воқеликни мифологик, диний, ахлоқий, илмий ва эстетик кўринишлардаги ўзлаштиришлардан иборатдир. Воқеликни бундай ўзлаштириш шу

соҳа ишлаб чиқаришини ўзига касб қилган зиёлилар томонидан амалга оширилади.

Ахлоққа нисбатан бу фикрни қўллаб бўлмайди. Негаки, ахлоқий меъёрларни зиёлилар яратмайди. Ахлоқийлик инсоннинг ажралмас сифати булиб, жамиятнинг барча аъзолари томонидан ихтиёрий амалга оширилади. Сиёсат ва ҳуқуқ эса ўзига хос равиша объектив мавжуд бўлган давлат ҳокимияти ва унинг хилма-хил муассасаларига муносабат билан боғланган турмуш соҳаларидир.

Маънавий соҳа қадриятлари ўз аҳамиятини узоқ вақтлар давомида сақлайди, Маънавий қадриятларни ҳосил этиш ҳамма вақт янгилик яратишдан иборат бўлган. Буни, масалан, санъат соҳаси ривожланиши яққол кўрсатади. Буни антик давр ҳайкалтарошлиги ёки бадиий адабиёт мисолида ҳам куриш мумкин. Бу давр маънавий қадриятлари, гарчи ҳозирги санъат ривожланиши даражасидан паст турсада, лекин ўзининг тарихий ва бадиий қийматини ҳозирга қадар йуқотмаган.

Ақлий меҳнат самараси сифатида маънавият ялпи характер касб этади. Яъни, унда ўтган авлодлар маънавий меросидан фойдаланиш, уни ҳозирги замон даражаси билан боғлаш, ривожлантириш зарурий шарт ҳисобланади.

Инсоният ривожланишида интеллектуал меҳнатнинг аҳамияти тобора ошиб бориши билан маънавият ҳам катта аҳамият касб этаборади. Бундан эса жамият учун ижодкорлар меҳнатининг қанчалик зарурлиги намоён бўлади. Интеллектуал меҳнат тобора кенг ривожланиб, аҳолининг катта-катта гуруҳлари ва қатламларининг асосий машғулотларига айланиб боради. Юксак маънавиятлилик жамият гарақиётининг асосий омилига айланади.

Маънавият соҳаси қадриятлари ишлаб чиқилиши, сақланиши, зарур бўлганда қайтадан тикланиши ва тарқалиши учун маҳсус яратилган муассасаларга эга бўлмоқ лозим. Ҳақиқатан ҳам, санъатни театрсиз, музейсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни вақтда, бу муассасалар фаолиятида маънавийлик билан моддийлик ўзаро чирмашиб кетадики, баъзан уни аниқ равиша уёки бу соҳа билангина боғлаш қийинлашади.

Маънавият жамиятнинг сиёсий соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Тўғри, маънавий ҳодисаларнинг барча шароитлардаги сиёсий аҳамияти бир хил бўлган

эмас. Улардан баъзилари муайян шароитда бевосита сиёсий вазифаларни бажарса, бошқалари бундай имкониятга билвосита эга бўлади.

Маънавий ишлаб чиқариш ҳар доим ижодийликка таянади. Масалан, рассомлар, ёзувчилар, ҳайкалтарошлар, олимлар ва бошқаларнинг меҳнати аввал бошдан ижодийдир. Айни вақтда бу ижодийлик жараёни унинг сөҳибларига жуда катта завқ бафишлайди. Ҳақиқий ижодкорларнинг ўз ҳаётий тамойилларини ҳар қандай қийинчиликларга қарамай үзгартирмаганинги шу билан изоҳлаш мумкин.

Жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида бўлганидек маънавиятда ҳам ворислик ва ўзаро алоқадорлик амал қиласди. Бу тўғрида Нобель мукофоти лауреати белгиялик олим Н. Пригожин ва И. Стенгерс асарларидан бирида келтирилган қуйидаги фикр характерлидир: битта одам ўз меҳнатининг самараси билан ҳамма вақт ҳам бой бўлолмаслиги, аксинча, бир қанча одамлар меҳнати самараси бир одам қўлида тўпланиши унинг ниҳоятда бойиб кетишига олиб келганидек, ҳар қандай билим тулақонли бўлиши учун минглаб одамлар тажрибасини умумлаштириш лозим бўлади.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий муносабатлар муҳим ўрин тутади. Бу онгнинг барча жиҳатлари, маънавий фаолият ва мавжуд ғоялар, қарашлар билан боғлиқ инсонийлик муносабатлардир. Бошқа ҳар қандай ижтимоий муносабатлар каби бу муносабатлар, биринчи навбатда, таълим-тарбия ва кишиларнинг ўзаро ҳар бирига таъсир этадиган барча алоқаларда намоён бўлади. Шу билан бирга, маънавий муносабатлар мазмuni ва мавжудлигига кўра, бир-биридан фарқ ҳам қиласди. Масалан, улардан баъзилари фақат онгда субъектив тарзда мавжуд бўлса, бошқалари эса онгдан ташқарида, кишилар ўртасидаги муносабатларда субъектив, объектив шаклда мавжуд бўлади.

Муносабатларнинг бу турини ифодалайдиган жиҳатлар ичida кишиларнинг ўзаро маънавий алоқаларини алоҳида курсатиш лозим. Бу алоқаларда, даставвал, кишилик ҳаётининг барча соҳаларига тегишли турли-туман ахборотлар алмашинади. Муҳими шундаки, бу алоқалар моддий воситалар (матбуот, радио, телевидение ва бошқалар) ёрдамида амалга оширилади.

Кишиларнинг ўзаро маънавий алоқаларида кенг кўламли ижтимоий аҳамиятта молик бўлган умумийлик — жамоатчилик фикридир.

Маънавий алоқалар кишилар маънавий ҳолати намоён булишининг усули сифатида ижтимоий фаолликни ифодалайди. Албатта, фаоллик жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларида ҳам ўзига хос равишда намоён булади. Лекин бунда ижтимоий, маънавий соҳаларнинг ўзаро тақозоланганлиги тараққиётнинг зарур шартлардандир.

Ижтимоий ҳаётнинг маънавият соҳаси таркибида ижтимоий онг, унда эса мафкура муҳим ўринга эга. Мафкура ўз табиатига кўра онглилик жараёнига муайян йўналиш беради. Бунинг таъсирида дунёқараш, эътиқод, эстетик меъёрлар ва ҳоказолар шаклланади.

Маънавиятда алоҳида мавқега эга бўлган тармоқ — бу фандир.

Жамият ҳаётининг ҳамма соҳалари ҳар доим ўзаро алоқада булиб, ижтимоий яхлитликни ташкил этади. Бу яхлитлик доирасида уларнинг ҳар бири нисбий мустақилликка эгадир. Бу уларнинг ўзгариши ўзаро мос келмаслигига, ҳар бирининг ўзига хос ички мантиқи бирлигига ва ўзаро бир-бирига таъсир этаолишида кўзга куринади.

4. ЖАМИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ: ОИЛА, ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАР ВА ТАРИХИЙ-ЭТНИК БИРЛИКЛАР

Жамият аъзолари — инсонлар биологик табиатига кўра *Homo sapiens* турига мансубдир. Улар пайдо бўлгандан бери ўзига қадар мавжуд бўлган ва фақат муайян табиий муҳитда яшайдиган барча турлардан, шу жумладан *Homo* турига мансуб бўлган питекантроп ва неандерталдан фарқли ўлароқ, Ер юзини ўзининг яшаш маконига — Ойкуменига айлантиради. Ойкуменининг қайси қисмида яшашига кўра, кишиларнинг барқарор биологик хусусиятлари шаклланади. Бундай фарқлар ирқий сифатга эга булиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, энг умумий тарзда учта — оқ танли, қора танли, сариқ танли ирқларга бўлинади. Аммо ирқларда кишиларнинг ижтимоий қиёфаси акс этмайди.

Агар ирқ жамият аъзоларининг муайян табиий шароитларга мансублигини билдиrsa-да, оилавий умумийлик инсондаги табиийлик ва ижтимоийликнинг узвийлигини ифодалайди. Оила — бу кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошликка асосланган кичик гурӯҳи булиб, унда жинсларнинг фарқланиши ва жинсий

Эҳтиёж билан тақозоланган муносабатлар ижтимоий руҳий-ахлоқий күринишда намоён бўлади.

Табиий моҳиятга кўра, оила инсон зотини қайта ишлаб чиқариш вазифасини бажарса, ижтимоий маънода у кишилар бирлашган илк бўғиндир. Жамиятдага мавжуд муносабатлар оилада ҳам ўз ифодасини топади.

Руҳий жиҳатдан оила жинсий майлнинг танлаш хусусиятига ҳам эгаки, буни муҳаббат, дейилади. Табиий, иқтисодий ва руҳий томонларнинг зарур мужассамида қарор топган оила одатда мустаҳкам бўлади. Инсоният цивилизациясининг ривожланиши одатда шу йўналишда оила учун шароит яратади. Айни вақтда оиласий муносабатларда тескари йўналиш ҳам учрайдики, буларнинг натижаси улароқ оиласий муносабатлардаги салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, оиласининг бузилишига олиб келадиган қўйди-чиқди оқибатида фарзандларнинг отасиз ёки онасиз ўсиши ёхуд ҳар иккисининг ҳаёт булишига қарамай, уларнинг давлат муассасалари тарбиясига ўтиши ва ҳоказолар.

Кишиларнинг бирликлари ичida синф тўлалигича ижтимоий табиатга эгадир. Ҳозиргача ҳеч ким инсоният жамияти ривожланиши ибтидоий даври ниҳоясидан бошлаб кишиларнинг синфий табиатга эга бўлганини инкор этган эмас. Манбааларда қайд этилишича, биринчи марта Қадимги Римда янги эрадан аввалги IV асрда кишиларнинг мулкий ҳолатидан келиб чиқиб, ҳарбий мақсадларни кўзлаган ҳолда муайян гуруҳларга, синфларга ажралиши юз берган.

Хўш, синфнинг ўзи нима? Мълумки, XVIII аср охирида юз берган француз инқилоби даврининг тарихчилари бўлган мутафаккирлар синфлар кураши тўғрисидаги масалани илгари сурган эдилар. Марксистлар синфлар мавжудлиги ва курашини иқтисодий сабаблардан келтириб чиқариб, булар ўртасидаги муносабатни ҳаёт-мамот жанги тарзида қарадилар. Бундай нуқтаи назар ва уни воқеликка айлантириш учун уриниш инсониятга қанчалик қимматга тушганлиги ҳозир ҳаммага маълум.

Синфлар кишиларнинг жамиятда тутган мавқеи — мулкка муносабати, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўрни, яратилган моддий, маънавий бойликлардан қандай миқдорда ва қайси шаклда олишига қараб белгиланувчи ижтимоий гуруҳларидир.

Жамият аъзоларининг табақалашуви ҳозирги вақтда

бир қатор узгаришларга учради. Уларнинг ялпи миқдорида ўрта қатламнинг ўрни жиддий тарзда ошмоқда. Ҳунармандлар, майда корхоналарнинг эгалари, майда савдогарлар, деҳқонлар ва фермерлар, кам сонли эркин касб эгалари ҳамда ёлланиб ишловчи зиёлилар, ишлаб чиқариш, савдо, маориф, давлат ва жамоат муассасаларининг хизматчилари ва бошқалар ўрта қатламни ташкил этади.

Тарихий-этник бирлик тушунчаси инсониятнинг энг қадимги давридан ҳозиргача босиб ўтган босқичларини ифодалайди ва тегишли тарзда уруғ, қабила, эл-элат ва миллатни ўз ичига олади. Уруғ аъзолари қонқариндошлиқ, умумий тил, турмуш ва маданиятга эгалиги билан фарқланади. Келиб чиқишга кўра уруғ ибтидоий кишилар тұдаси ривожланишининг якуни бўлиб, алоҳида тарзда яшамаган. Уруғлар ўртасида ҳар доим зарур алоқалар мавжуд бўлган. Уларнинг бирлашувидан қабиля ташкил топган. Ўз навбатида, тил ва давлатчилик таъсири остида, қабилалар бирлашуви эл-элатни майдонга келтиради. Бу ҳол аниқ ўрнига кўра турли этносларда, турли даврларда юз беради. Яъни, эл-элатнинг шаклланиши, Шарқнинг қўпгина халқларида жамиятнинг синфларга бўлиниши илк давридан бошлаб содир бўлган. Бу билан бирга, бундан кейинги даврларда ҳам элатчилик майдонга келган. Туркий халқлар ичида ҳозирги ўзбеклар аждодининг элат сифатида шаклланиши X—XII асрларга тўғри келади. Айни вақтда булар таркибиға янги-янги қатламларнинг қўшилиши кейинги асрларда ҳам юз берди. Чунончи, ўзбек этноси таркибиға элат босқичида кирган сўнгги қатлам Дашиб Қипчоқдан Моварауннаҳрга келиб жойлашган кўчманчилар бўлди.

Миллатнинг келиб чиқиши ўрта аср анъанавий жамиятларидан янги индустрисал жамиятга ўтиш даврига тўғри келди. Унда элатчиликдаги мавжуд сифатлар (тил, ҳудуд, маданият ва ҳ. к.) бу тарихий-этник бирликларнинг ўзаро қўшилиши, йириклишуви билан барқарор тус олади. Натижада, мана бир неча асрдирки, илғор давлатлар аҳолиси миллат босқичида ривожланмоқда.

XX асрдаги миллий ривожланиш ўтмишда бўлмаган жуда катта кўламли ўзгаришларни келтириб чиқарди. Ҳозирги замон мустақил давлатлари (улар қарийб 200 та) миллий суверенитетнинг сиёсий ифодаси сифатида бир неча ўн мингдан миллиардгача миқдордаги аҳоли-

ни бирлаштирган. Бу ўринда шуни уқтириш зарурки, ҳозирги йирик давлатлар ичида мономиллатликлари кўп эмас. Қолганлари эса кўп миллатлидир. Шунга кўра бундай давлатларда «марказдан қочиш» майли ҳам объектив мавжуддир. Миллий мустақиллик учун олиб борилаётган ҳарақатлар бунинг ёрқин ифодасидир.

5. ТАРИХИЙ ЖАРАЁН, УНИНГ МАЬНОСИ, МАҚСАДИ ВА ЙЎНАЛГАНЛИГИ

Табиатдаги ҳар қандай ўзгариш стихияли тарзда рўй беришини фан аллақачон кўрсатиб берган. Бундан фарқли ӯлароқ, ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг муайян манфаатларини ифодалаган онгли фаoliятлари натижаси сифатида содир бўлади. Ана шундай йўл билан ижтимоий тарих деб аталган мураккаб сиёсий иқтисодий, ижтимоий, маънавий жараёнлар юзага келади ва давом этади. Агар булар табиатдаги жараёнлар билан муқояса қилинса, даставвал такрорланишлар кўзга ташланади. Аҳамиятлиси яна шундаки, бу такрорланишлар қатъий меъёрда юз беради. Бу борадаги умумийлик ва ўзига хослик ҳам турлича таҳлил этилгани маълум. Масалан, юксакроқ ривожланган юнонлар ва хитойликлар ўзларининг теварак-атрофидаги халқлардан юқорилигини «юнонлар» ва «бошқалар», «хитойликлар» ва «бошқалар» каби тушунчалар орқали кўрсатганлар. Албатта, бу фикрлар анча юзаки бўлиб, ижтимоий тарихни тушуниш учун туртки бўлган холос.

Булар тарихий жараён таҳлилига ёндошишнинг турли-туманлиги, муаллифларнинг шунчаки инжиқликлари бўлмай, балки инсоният жамиятининг ўзгариши мураккаблигининг ифодасидир.

Кишилик жамияти жараёнлари кечиши хусусидаги қадимги юон тарихнавислиги ғоялари Ўрта аср мусулмон тафаккури вакиллари томонидан ривожлантирилди. Ўз навбатида Юон ва Шарқ мутафаккирлари ғояларини қабул қилган Оврупа Уйғониш даври мутафаккирлари ва маърифатпарвар файласуфлар, айниқса, италиялик Ж. Вико¹ немис И. Гердер² ва бошқалар

¹ Вико «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг асосланиши» номли асарида кишиларнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқиб ижтимоий тарихнинг ички сабабларини аниқлашга уринди.

² Унинг «Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар» асарида тарихий жараённинг умумий йўналганлиги ғояси инсонни тарбиялаш ва таомиллаштириш вазифалари билан боғланади.

ижтимоий ўзгартиришларнинг бош омилини (тарихга монистик қарап) ёки омиллар йигиндисини (плюралистик қарап) ўрганишга ҳаракат қилдилар. Янги замон файласуфлари ҳам бу йўналишда фикр юритиб, ижтимоий обьектлар алмашинуви ва жараёнлари давомийлиги тартиботи ва ҳоказоларни анча чуқур изоҳладилар. Даставвал, улар эътибор берган масала — жамият ўзгариши маълум макон ва вақтда юз бериш муаммоси бўлди.

Алоҳида олинган инсон борлигига ҳам, жамият миқёсида ҳам макон ва вақт яхлит идрок этилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий макон ва вақт алоҳида борлиқ соҳасининг ажралмас хоссаларидир. Ижтимоий жараёнлар моҳияти физикавий макон ва тақвимий вақт ўлчовларида ўз аксими топа олмайди. Ижтимоий ўзгартиришларнинг вақтда узлуксиз ва узилиш, муайян маром ва маромсизлик кўринишларида кечиши уларга муайян тарзда қарапни тақозо этади.

Бундай қарапардан бири ижтимоий даврийлик назариясидир. Уни маятниксимон (кичик тизимда), доиравий, бурамасимон (ўртacha катталиқдаги тизимларда) ривожланиш шакллари сифатида тушуниш мумкин.

Тарихий жараённи чизиқли тарзда тасаввур қилиш ҳам мавжуд. Бу таълимотда оламнинг яратилишидан бошланган йўли охиригача бир йўналишда, текис давом этади, деб тушунтирилади.

Немис файласуфлари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг қарапарига кўра ижтимоий жараёнлар табиий-тарихий тарзда кечади. Бу таълимотга кўра, тарихий ривожланиш босқичлари изчил равишда ижтимоий-иктисодий формациялар шаклида давом этади. Бундан эса тарихни даврларга булиш — қадимги давр — қулдорлик, ўрта асрлар — феодализм, янги замон — капитализм ҳамда энг янги давр — социализм ва коммунизм тўғрисидаги қарапар майдонга келади. Бу нуқтаи назар, ҳозир дадил айтиш мумкинки, тарих сабоқларида ўз тасдигини топмади.

Кишиларнинг турмуш тажрибаси ва фан маълумотлари кўрсатишича, тарихий жараённи ўрганиш кўп вариантилик ёндошуви асосида амалга ошганида мақсадга мувофиқ булади. Албатта, бу вариантлар шартли табиатга эга бўлиб, улар мутлақлаштирилмаслиги лозим. Негаки, инсон ҳам, инсоният ҳам

охир-оқибатда узлуксиз кечаётган уз мұхити жараённини ичидә бұлғанлиги туфайли тарих түгрисіде ягона, сұнғы ҳақиқатни айтиб бұлмаслиги уз-үзидан тушунарладыр.

Инсоният томонидан уз борлиғи моҳиятини маънавий англаши йұналишлари хусусида гапирилғанда, экзистенциализм, танқидий рационализм таълимотлари устида ҳам тұхтаб үтмоқ лозим. Улардан бириңчисіда тарихий жараён масаласи мулоҳазалар марказига қуи-либ, унинг маъноси инсоният ҳаёти маъноси ва мақсади билан боғланади. Экзистенциализмнинг таниқли вакили Карл Ясцерс бу боғлиқлик сабаби инсоннинг биологик табиатида эмас, балки унинг моҳияги деб билади. Инсоний моҳият эса инсон маънавий кучларининг эркін намоён булишидір.

Танқидий реализм таълимотининг асосчесі Карл Поппер ижтимоий тарихда маъно ва мақсад булишини рад этади. Унинг таъкидлашича тарихий жараён маъносиз булиб, унга ҳеч қандай ялпи умумлашмалар ва мулоҳазаларни құллаб бұлмайды. Поппер, айниқса сиёсий ҳокимият тарихини умумий тарих даражасига күтаришга қатыян қарши чиқади. Унинг нұқтаи назарича, сиёсий ҳокимият тарихи — бу барча кишиларнинг умидлари, курашлари ва интилишларининг реал тарихи бұлмай, балки халқаро жиноятлар ва ялпи қотилліклар тарихидір.

Ижтимоий жараёнлар табиати билан боғлиқ масалаларни изоҳлашда «ҳаёт фалсафаси» оқими вакилларидан Фридрих Ницше, Освальд Шпинглер ва уларнинг таъсирида шаклланған файласуфларнинг қарашлари эътиборға моликдір. Буларнинг фикрича, инсоният тарихи асосиға «оврупацентризм» ёки «осиёцентризм» тушунчалари ифодалайдыған мазмунни қўиши мантиқ-қа зиддир.

Тарихий жараёнда Ер юзида кетма-кет, айни бир вақтда мавжуд бұлған түрли цивилизацияларнинг бир хил маъно ва аҳамиятта моликлиги ҳозир күпчилик томонидан тан олинған. Цивилизациявий ёндашиш жамият маданий-тарихий узига хослигини ва қатор босқычларга булинишини таъкидлайды. Бундай ёндашишга биноан цивилизациялар динамик тузилмаларнинг тадрижий хилидан (типидан) иборат бұлади. Инглиз файласуфи ва тарихчеси Арнольд Тойнби «тарихни билишда» 21 та цивилизацияни фарқлайды. Тарихий жараённинг маъноси, файласуф таъкидлашича, диний

тадрижийлик ва инсоният маънавий¹ таомиллашувидан иборатдир. Шу билан бирга, цивилизациялар ўзаро маънавий асосда боғлангандир.

Кишилик тарихи зиддиятли тусда кечади. Ижтимоий жараёнлар бир томондан умумийликка эга бўлса, иккинчи томондан ўзига хос шаклларда ҳам юз беради. Тарихда турли жамият моделларининг амалга ошиши, унинг турли таркиб ва усусларда қарор топиши шу сабаблар билан тақозо этилган. Ҳар бир тарихий босқичда у ёки бу ижтимоий тузилманинг мазмуни ва шакли, мавжудлик усули турли-туман аниқ олинган омиллар йиғиндиси билан белгиланишини шулар билан тушунтириш мумкин.

Тарихий жараёнда охир-оқибатда ўзига хос объективлик амал қиласи. Ўз навбатида жамият илгарилама ҳаракатининг бундай объектив юз бериши бу ҳаракат таркибий қисмларининг ўзаро бирликда олинишини шарт қилиб қўяди. Ушбу бирлик ижтимоий тарихда ворислик булишни ҳам изоҳлайди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоднинг меросхўридир. Айни бир пайтда у ҳам навбатдаги авлод ҳаёт шароитларини объектив равишда тайёрлайди.

Куриниб турибдики, жамият тарихи илгарилама йўналгандир. Унинг бу табиатидан ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги масала ўртага чиқади.

Инсоният тарихи жараёнига аксиологик ёндошишга кура юз берган воқеаларнинг тараққиёт талабларига мос келиши ёки аксинчалиги билан ўлчаш ҳам мавжуд. Бунда кимдир тараққиёт кўрсаткичига давлат сиёсатини олса, бошқалар иқтисодиётнинг ташкил этишини, учинчилари маънавиятга катта эътибор беришни олади. Конкрет тарихий даврларда тараққиёт мезонларига муносабат ҳам доим ўзгариб туради.

Хўш, тараққиёт тўғрисидаги қарашлар объектив мазмунга эгами? Қўйилган саволга жавоб бериш учун «тараққийпарвар», «реакционер» ва «инқироз» тушун-

¹ Албатта, фақат маънавий омилларни белгиловчи деб қараш ҳам иқтисодист ски жамият ижтимоий-сиёсий институтларининг ўрнини мутлақлаштиришдан фарқ қйлмайди. «Цивилизация» тушунчасида буларнинг ҳар бири таркибий қисм сифатида акс этса-да, бунда, даставал тарихнинг ҳар бир босқичидаги маънавий ҳолат — миллий ёки минтақавий менталитет тўлароқ акс этади. Ўз навбатида бу тушунчадан кенг ҳалқ оммасининг илҳомбахш бош гояси ёки эътиқодини рўёбга чиқарадиган ақлий йуналиш сифатида фойдаланади. Цивилизациявии ёндошиш мантиқига кура ҳар бир ҳалқ, миллат ва шахс ялпли тарих даражатининг меваларидир. Албатта бу дарахтнинг шоҳлари, япроқлари ва куртаклари бстакрор томонларга ҳам эга эканлиги ҳеч кимда шубҳа ўйготмайди.

чаларининг нисбатини аниқлаш лозим бўлади. Бунда ҳозиргача юқоридаги масалалар хусусида амалда бўлган жавобларни соғлом ақл, илмийлик ва бевосита воқе-лик, айниқса, амалда ўзининг ҳаётийлигини кўрсатган дунёқараш — методологик нуқтаи назаридан таҳлил қилмоқ лозим. Шунга мувофиқ «инқилоб», «ислоҳот» ва «тадрижийлик» тушунчаларининг фалсафий парадигмаларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Умуман олганда, жамият тараққиётининг моҳияти ва мақсади инсониятнинг ҳозирги ривожланиши мисолида яққол кўзга ташланмоқда, яъни қишилик жамияти тўхтовсиз равиша ривожланиб, илгарилаб бораверади.

6. ФАЛСАФАДА ИНСОН МУАММОСИ

а) Инсон муаммоси фалсафий таълимотлар марказида.

Инсон тўғрисидаги илк тасаввурлар фалсафа майдонига келишидан анча аввал ҳам бўлган. Булар табиат ва инсон нисбати тўғрисидаги эртакларда, турли асотирларда (мифларда) ифодаланган энг содда фикрлар эди. Айни шу фикрлар асосида ва улар билан алоқадорликда инсонни фалсафий тушунишга доир таълимотлар юзага келади. Инсон ва унинг моҳияти ҳақида ги дастлабки бундай фалсафий таълимотлар Қадимги Ҳиндистон, кейинроқ Хитойда ривожланди.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасида бу масала «инсон қаердан пайдо бўлган», «биз қаерда яшаймиз», «қаёққа қараб бораяпмиз» каби саволлар тарзида қўйилиб, бу саволларга берилган жавобларда инсоннинг ижтимоий-маънавий моҳиятини таҳлил этиш билан бирга унинг барча жонли мавжудотлар билан умумийлигига ҳам эътибор қаратилади. Асотирий-диний ва фалсафий фояларни ифодалаган ведаларнинг¹ давоми ҳисобланган упанишидаларда таъкидланишича, эркинликка, эҳтирослиликдан қутулишга интилиш ва сансара-карма² қонунларига кура амалда бўлган ҳиссий борлиқ йўли фақат инсонгагина хосдир.

Инсон муаммоси таҳлилида хитойлик Конфуцийнинг таълимоти алоҳида ажralиб туради. Унинг фалсафий қарашларида инсоннинг ахлоқий табиати, оиласади ҳаёти ва давлатни бошқариши масалалари катта ўрин

¹ Ведалар — қадимги ҳинд адабиётининг ёдгорлиги.

² Сансара — ҳаётнинг узлуксиз алмашинуви, карма — узвийлик.

олган. Гарчи Конфуций таълимотида табиат масалалари алоҳида ва бевосита ўрин олмаган бўлсада «осмон» ва «осмон ҳукми» тушунчаси ҳийла катта салмоққа эгадир. «Осмон ҳукми» — бу тақдир бўлиб, инсон ҳаёти ва улими унинг томонидан белгилаб қўйилган.

Конфуцийнинг «ўзингга нимани истамасанг, бошқаларга ҳам уни рано кўрма», деган фикрида инсонийлик, кишиларга ҳурмат-иззат кўрсатиш йўллари ифодаланган. У яна билиш — инсонни билишдир, деб айтган эди.

Конфуцийчилик билан ёнма-ён мавжуд бўлган дао-сизм¹ фалсафий мактаби вакиллари ҳам инсон муаммосини жиддий тадқиқ қилганлар. Бу мактаб вакиллари таълимотига кўра инсон ўзининг ҳаётида дао — бутун Оламнинг ўз-ўзидан келиб чиқиши, ривожланиши ва барҳам топишининг доимий табиий қонунларига амал қилиб яшashi керак. Яъни, унинг барча ҳатти-ҳаракатлари Олам қонуни ва инсоний табиатга мос бўлмоги лозим.

Инсон муаммоларининг фалсафий таҳлили Қадимги Юнонистонда ҳам анча юксакликка кўтарилди. Юнон файласуфлари курсатишича, инсон Коинотнинг унчалик мукаммал бўлмаган кўриниши бўлиб, унинг барча унсурларини ифодалайдиган тана, жон ва руҳдан иборатдир. Коинот доирасида инсон худолар, барча жонли мавжудотлар — ўсимликлар ва ҳайвонлар билан ёнма-ён мавжуддир.

Фалсафий таълимотлар марказида инсон муаммосининг алоҳида тарзда қўйилиши энг аввало Протогарнинг «инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир», деган фикрида тўла ифода этилган.

Демокрит учун эса инсон табиатнинг бир булагидир, бинобарин, у ҳам атомлардан тузилган. Ҳаётдан мақсад Демокритнинг фикрича, бу маънавий баҳт-соадатдир.

Шарқда ислом тарқалган ҳудудлардаги диний-фалсафий таълимотларда бу масалага рационал ёндошиш кучли эди.

Тасаввуф таълимотларига кўра, инсон борлиқдаги энг мукаммал мавжудот бўлиб, ўзида оламнинг моҳиятини жам этади. Шунга кўра борлиқ — дунё оламу кабир бўлса, инсон олами сафирдир. Агар коинот миқёсида борлиқнинг бирлиги худода ифодаланса, хосса-

¹ Дао — йул демакдир.

лари куринишининг ифодаси — инсондир. Инсон тинимсиз ўз-ўзини билиш орқали комиллик даражасига эришиш имкониятига эга.

Ислом фалсафаси вакиллари инсон муаммосининг барча асосий жиҳатлари билан шуғулландилар. Жумладан, уларни инсоннинг келиб чиқиши, унинг оламда тутган ўрни, воқеликни ўзлаштириш имкониятлари, эзгулик йўлини танлаган инсоннинг идеали ва ҳоказо масалалар қизиқтирган эди. Бу масалаларни таҳлил этиш натижасида Форобий инсоннинг барча мавжудотлардан фарқи ақл-идрокдадир, деган холосага келган бўлса, Ибн Сино ақлнинг ўзини умумий қарашлар ва алоҳида нарсалар тўгрисида фикр юритишга қодирлик шаклида талқин қиласди.

Бу муаммо ҳақидаги Берунийнинг фикрлари ҳам аҳамиятлидир. У инсоннинг худо томонидан яратилганлигини кўрсатиб, айни вақтда унинг бутун ҳаёти ва жисмоний тузилиши жўғрофик омиллар билан ҳам боғлиқ эканини кўрсатиб шундай деган эди: «инсон танаси, ранги, ҳақиқий қиёфаси, табиий белгилари фақат келиб чиқишгагина эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва туар жойига ҳам боғлиқдир»¹.

Инсон муаммоси таҳлили Янги замон фалсафасининг барча босқичларда эгаллаган ўрни, тутган аҳамиятига кура ўтмиш даврларида мавжуд бўлган таълимотлардан сифат жиҳатидан фарқланди. Уйғониш даври тафаккурида ўтмишдаги таълимотларнинг биронтасида бўлмаган ҳол — инсонни бетакрор индивидуалликларнинг йиғиндиси сифатида олиб қараш бошланди, инсоният бетакрор инсонлардан ташкил топгани курсатилди. Бундан эса тирик табиатда бўлганидек, инсон табиатининг ҳам бир хил эмаслиги ва айни пайтда инсон билан инсониятнинг манфаатлари муштараклашадиган муҳим нуқталар борлиги тўгрисида холосалар чиқарилди.

Бу давр фалсафасида, биринчидан, инсон, унинг алоҳидалик сифати ва имкониятларининг чексизлиги масаласи турса, иккинчидан индивидуализм, эгоизм (худбинлик), манфаатпарамастликнинг ҳам фалсафий таҳлиллари курина бошланди. «Инсон инсонга бури», «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» кишилар ҳаётининг табиий ҳолати (Т. Гоббс), деган қарашлар келиб чиқиши тасодифий эмас эди.

¹ Абӯ Раҳон Беруний. Танланган асарлар. I-жилд. Т., «Фан», 1986, 67-бет.

Фан тараққиёти таъсирида Оврұпа фалсафий антропологиясида бу даврга келиб инсон мөхияти талқинида янада янги жиҳатлари күрина бошланди. Масалан, Б. Паскаль инсоннинг бутун буюклиги ва ноёблигини унинг фикрлай олиш қобилиятида курди. П. Гольбах эса инсоннинг ҳәёти табиат қонуни билан тақозаланған, деб ҳисоблаган. У шундай деб ёзған эди: «инсон ҳатто фикрида ҳам табиатдан ташқарига чиқаолмайды»¹.

Немис мұмтоз фалсафаси асосчиси И. Кант учун «инсон дүнёдаги әңг асосий мавжудотдир». У бир томондан, табиатта тегишлидір, иккінчи томондан — ақлоқан әркін ва, учинчидан, доимо қадриятлар билан иш куради. Бу сифатларнинг бириңчисіде инсон зарурологияттың олдіда тұрса, иккінчисіде маңнавий әркинлікка әгадір.

ХХ аср фалсафий антропологияси күп қолларда мұмтоз фалсафа анъаналардан воз кечиб, рационализм үрнига иррационализмни (инстинкт, интуиция, ҳиссий-иродавий қолатлар ва ҳоказоларни) құяды.

«Ҳәёт фалсафаси» йұналишидаги мұтафаккирлар (унинг илк вакиллари XIX аср файласуфларидан Кьеркегор, Шопенгауэр, Ницше ва бошқалар) ақл-идрок үрнига иродани олдинга суріб, қатор қизиқарлығояларни майдонға ташладилар. Хусусан, Шопенгауэр ўтмишдаги фалсафий қарашларда инсон иродаси унинг ақл-идроқи ҳосиласи сифатида қаралғанини түғри күрсатади ва инсоннинг түрли-туман интилишлари, мотивлари ҳаракат учун тұртқи бұлған руҳий қолати ҳамда буларнинг амалға ошиши жараёни нисбий мустақил экани ва ўзига хослигини таъкидлайды. Ницше ҳам фалсафа марказига инсон иродасини қўйиб, уни жонли табиатдаги қолатнинг жамиятдаги хусусий ифодаси деб тушунтирган эди. Бергсон эса инсон руҳий фаолияти асосида инстинкт тұрады деган фикрни илгари сурди.

Инсон муаммоси З. Фрейд асос соган руҳий тақлил фалсафасида катта ўрин туттан. Унинг фикрича инсон онги ёрдамида ўзининг «МЕН»ига ҳам эга бўлади. Айни вақтда унда инсон руҳининг олий қатлами — «суперМЕН» ҳамда әңг паст ва кучли қатлам «У» ҳам фарқланмоғи лозим. Булар биргаликда олингандагина инсон үз руҳий борлигини тушунтира олади.

¹ Гольбах П. Табиат тизими ски физик ва маңнавий олам қонунлары туғрисида. М., 1984, 9-бет (русча).

ХХ аср фалсафасида инсон муаммосини алоҳида ўрганишни мақсад этиб қўйган экзистенциалистлар (Ясперс, Хейдегер, Сартр, Камю ва бошқалар) нуқтаи назарига кўра, индивид әзгулик ва ёвузлиқдан бирини танлаши масаласи фалсафий муаммолар марказида турмоғи лозим.

Экзистенциалистлар ўзларининг инсон тўғрисидаги қарашларда айниқса бегоналашув ҳодисасига катта эътибор бердилар. Бунда алоҳида олинган инсон билан жамият ўртасидаги муносабатлардаги номутаносиблиқ айниқса чуқур текширилиши лозимлиги айтилади.

Экзистенциализмга яқин бўлган фалсафий таълимотлардан ҳисобланган ва ҳозирги вақтда бевосита фалсафий антропология деб аталган мактабнинг вакиллари (А. Гелен, Э. Ротхакер, М. Ландман ва бошқалар) нуқтаи назарига кўра фалсафанинг вазифаси инсон борлиғи моҳиятини тушунтиришдан иборатdir. Бунда эътибор инсон борлигининг объектив томонларига эмас, балки соф субъектив томонларига қаратилади. Бу йўл билан инсоннинг эркин ижодий фаолияти, унинг ҳақиқий борлиғи асосида инсон ҳаёти маъносини очиб бериш мумкин деб курсатилади.

Ҳозирги замон инсон фалсафасининг мазмуни давр қўйган масалаларга жавоб бериш билан тақозалангандир. Ҳақиқатан ҳам инсоният ҳозирги вақтда илмий билимлар ва долзарб ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган илмий-техникавий ва маданий воситалар етишмаётганлигини эмас, балки бу воситалардан донолик билан фойдаланишмаётганлигини яққол сезмоқда. Бу донолик марказида доимий қадриятлар ҳисобланган тинчлик, демократия, ижтимоий адолат ва ҳоказолар туради.

б) Фалсафа, фан ва дин инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида.

Фалсафада инсон муаммоси яхлит ўрганилар экан, унинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам бир қатор қарашлар илгари сурилган. Бу муаммо таҳлилида фаразлар ва тахминларга таянишга ҳам тўғри келади. Улар фалсафа ва фанда бир хил вазифага — объектни ва субъектни ўрганишга хизмат қиласиди. Қолган ўринларда эса фаразлар ва тахминлар ёрдами билан файласуфлар инсон тўғрисидаги билимларни танқидий мулоҳаза қилиш ва тафаккур қадриятлари мўлжаллари асосида таҳлил этишга ҳаракат қиласидилар.

Чарлз Дарвин ва Альфред Уоллеснинг тирик дунё

тадрижини тушунтиришга бағишенгтан таълимоти доирасида инсоннинг келиб чиқиши масаласида фалсафа ва фанда бир хил фаразлардан фойдаланилади. Ҳақиқатдан ҳам тадрижийлик (эволюцион) назарияси инсоннинг келиб чиқиши муаммосини тушунтиришга катта таъсир күрсатди. Бу назарияга күра инсон биологик тур сифатида маймунсифат мавжудотлардан келиб чиққандир¹. Бунда инсоннинг ўтмиш аждодлари сүйкелари қолдиқларидан далил сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги замон фани нұқтаи назаридан ерда ҳаёт 1000 млн йил аввал келиб чиққан. Маймунсимон мавжудотлардан инсоннинг келиб чиқиши бир неча миллион йил аввал бошланган². Ҳозирги вақтда Ер юзида тарқалған *Homo sapiens* (ақлли одам) тури эса замонавий генетика маълумотларига күра бундан тахминан 200—250 минг йил аввал Африкада пайдо бўлган.

Фан тадрижийлик назариясидан келиб чиқадиган бу холосани тан олади. Аммо фалсафа нұқтаи назаридан инсоннинг келиб чиқишини асослаш учун булар етарли эмас. Ҳусусан, ушбу назарияга таяниб ҳайвонот оламидан инсоннинг ажralиб чиқиши сабабларини тұла исботлаб бўлмайди. Шунга күра, инсоннинг келиб чиқиши масаласи таҳлилида социогенез масаласига ҳам катта эътибор бериш зарур. Бунинг учун инсоният тарихининг ilk даврларига оид бўлган барча далилларни фалсафий умумлаштирумөқ лозим.

Тўғри, бу масаланинг фалсафий таҳлили гарчи тажриба ва фактларга таянса-да, муайян жиҳатлардан фаразийлик хусусиятларига ҳам эгадир. Муаммога фалсафий ёки илмий ёндошишнинг баъзи жиҳатлари етарли изоҳини топмагани учун инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар диний билимлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин. Масалан, француз файласуфи ва антропологи Тейяр де Шарден маймунсимон мавжудотлар билан *Homo sapiens* алоқадорлиги масаласи талқинида охиргача тушунтирилмаган, «етишмайдиган звено» борлиғига эътиборни қаратди³. Гап шундаки, — деб таъкидлайди мутафаккир, — инсон феномени ичкарида пайдо бўлди. Яъни инсоннинг келиб чиқиши «май-

¹ Харесон Дж, Уайнер Дж, Теннор Дж, Барникот Н, Ренольд Н. Инсон биологияси. М., 1979, 13-бет. (русча).

² Уша жойда.

³ Тейяр де Шарден. Инсон феномени. М., 1987, (русча).

мун одам» куриниши орқали янги шаклни майдонига келтирмади, балки маймунсимонлардан одамга ўтиш турмуш фаолиятини ташқи намоён бўлишини субъективлаштириш, ичкарига кетиш орқали кечган. Инсон авлоди шакилланишининг биринчи даврлари ҳам ўз-ӯзини англаш шаклида юз берган.

Бу фаразда илмий далилланганлик етарли бўлмасада, мантиқийлик мавжуд.

Хозирги замон фани инсон миясини ўрганишда жуда илгарилаб кетганлиги туфайли унинг беқиёс катта имкониятлари тўғрисида кўп маълумотлар тўпланган. Масалан, инсон миясида 10^{14} миқдордаги нейронлар ва уларнинг бирикмалари бўлиб, булар ёрдамида бутун инсоният тўплаган маълумотларни унга сингдириш мумкин. Лекин инсон миясига қўйиладиган талаблар унинг имкониятлари даражасидан¹ анча пастдир. Бу парадокс сабабларини изоҳлашда илгари сурилган қарашлардан бири (академик Н. Т. Бехтерева ва бошқалар) бўйича инсон бошқа сайёрадан Ерга келиб купайиб кетган ва унинг миясидаги беқиёс имкониятлар ўз вақтида ўша сайёра шарт-шароитлари ва талаблари билан тақозаланган бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган.

Тарафдорлари унча кўп бўлмаган бу назарияга қарама-қарши бўлган яна бир нуқтаи назарга кўра, Ерадиги инсон бутун Коинотда ҳам яккаю ягона, ноёб ҳодисадир.¹

Юқорида айтилганидек, антропогенез социогенезиз кечмайди. Буни тушунтиришда инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида турли вариантларда баён қилинган меҳнат назарияси ҳам мавжуд.

Меҳнат назариясининг барча куринишларига биноан, инсоният меҳнат фаолияти натижасида шаклланган. Албатта, бу фаолият тил, онг, оиласвий муносабатлар ва аҳлоқий тамойиллар иштироқида юз берган.

Антропосоциогенез инсоннинг меҳнат қуролларини ясад, тажриба тўплашини, унинг авлоддан авлодга ўтишини ифодалайди.

в) инсон борлиғида табиий-биологик ва ижтимоийлик нисбати.

Антропогенез доирасида инсоннинг биологик табиати билан ижтимоийлиги нисбатини аниқлаб олиш мухимдир.

¹ Алексеев В. П. Инсониятнинг вужудга келиши. М., 1994, 8—15 бетлар. (руча).

Ууман олганда, бу муаммони ўрганиш инсоннинг энг қадимги тарихидан бошлаб, долзарб бўлиб келмоқда. Негаки, инсоннинг айни бир вақтнинг ўзида ҳам жонли табиатга, ҳам жамиятга мансублиги ҳар доим кўпгина масалаларни келтириб чиқариши билан бирга тўғридан-тўғри, принципиал жиҳатидан дунёқарааш масалаларини ҳам кун тартибига қўяди. Буни Арастунинг, инсон «сиёсий ҳайвондир», деган сўзларида ифодаланган маънодан ҳам билса бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам *Homo sapiens* тури биологик жиҳатдан *Homo уруфининг Homo hofilis* (қобилияти одам), *Homo erectus* (тикка юрувчи одам) каби турларидан фарқ қилинмаса-да, лекин, бир хил сезиш аъзолари, бир хил қон айланиши, мускул, нафас олиш, суяқ тизимлари ва ҳоказоларга эгадир.

Булардан келиб-чиқиб инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари, орзу-истаклари ва фаолияти турлари охир-оқибатда биологиявий тақоза этилган дейишга асос борми? Фалсафа тарихида бунга икки хил: инсон белгиловчи томонига кўра, биологик мавжудот ва инсон ижтимоий мавжудот, ижтимоийлик унинг биологиявий табиатини охир-оқибатда белгилайди, деган жавоблар берилган.

Биринчи хил жавоб тарфдорларидан баъзилари (Э. Уильсон, М. Рьюз ва бошқалар) ҳозирги замон социобиология илми далилларига таяниб шундай мулоҳаза юритадилар: инсон хатти-ҳаракатининг асосий стереотип (бир-бирига ўзаро альтруистик ёрдам бериш, доимий манзилгоҳини қўриқлаш, тажовузкорлик, жинсий майлни қондиришда муайян ўзига хосликларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар) кўринишлари бўйича барча сут эмизувчиларга анча яқин. Ўзига хосликларига кўра эса инсон ўзининг бевосита ўтмишдошлари бўлган гурӯҳга мансубдир.

Фрейд ва унинг тарафдорлари таъкидлалашиба, инсон ҳам бутун ҳайвонот дунёсида бўлгани каби хилманил инстинкт туфайли ҳаракат қиласи. Биринчи, урinda улар ичиде инсон авлодини давом эттириш, жинсий инстинкт туради. Шу билан бирга инсон ўзида фаолиятини маънавий, ҳуқуқий чекловчи ижтимоийлик сифатлари бўлгани учун бошқа ҳайвонлардан фарқ қиласи. Бу ижтимоий сифатлар туфайли инсон ўзининг шаҳвоний ҳирсини чеклашиба лозим бўлади.

Иккинчи нуқтаи назарга (академик А. Н. Леонтьев ва бошқалар фикрича) кўра, одам боласи инсон бўлиш

қобилияти билан туғилади. Бу үринда табиат томонидан белгиланган ва инсон томонидан давом эттирилған хусусиятлар соқов, кар, күр бұлған болаларда қандай намоён булиши устида үтказилған тажриба яқунлари ҳам катта аҳамиятга эга. Москва университети психология факультетида үтказилған тажриба жараёнида уларға дастлаб ёзиш күнікмалари үргатилди. Үндән кейин эса улар секин-аста гапиришга, Бройл алифбоси бүйіча үқишиңға үргатилди. Натижада, табиий күр, соқов ва карлигича қолғанлари ҳолда улардан түрттаси университетни тутатған.

Күриниб турибдикі, инсоннинг ижтимоий мөхиятни биринчи үринга қўйиш жиғдий асосга эга. Агар бунинг ёнига инсоннинг баъзи биологиявий хусусиятлари ҳам ижтимоий сабаблар билан белгиланиши қўшилса, далиллар янада асосли бұлади. Масалан, Ер юзининг ижтимоий-маданий ривожланиши юксак босқичга кутарилған минтақаларда одамларнинг эрта вояга етиши, соғломлиги, бүйдорлиги ва узоқ яшаши кузатилади. Кам ривожланған минтақаларда эса унинг акси учратилади.

Инсонни фалсафий таҳлил этиш доирасида бу икки хил қарашибир-бирини тұлдиришини ҳам күрмаслик мүмкін эмас. Демек, инсон биоижтимоий мавжудот деб қаралмоғи лозим. Бу инсонда биологиявийликнинг ижтимоий тақозоланғанлигини ва ижтимоийликнинг биологик заминлари борлигини күрсатади.

Инсон ривожланишида биологиявий тадрижини ижтимоий-маданий ривожланиш босқичига үтиши билан юзага келған бу бирлик унинг мөхиятни белгілейді.

г) Инсон ҳаёти, үлеми ва мангулиги муаммолари.

Ҳар қандай жонли мавжудот сингари инсон ҳаётининг ниҳояси борлиги, бошқа мавжудотлардан фарқлы улароқ у үзининг охир-оқибатда үлимга маҳкумлигини англаши ҳам фалсафий муаммолар доирасига киради. Бу — тасодифий ҳол эмас. Инсон ҳаёти ва үлеми масалалари асотирлар ва динларда ҳам марказий үринни әгаллаган. Кишиларда дастлаб үлимдан құрқиши түйғуси күчли бўлған. Кейинроқ асотирий диний тасаввурлар воситасида бу жараён «мажбурий» эканлиги ҳақидаги эътиқод билан алмашинди. Асотирларда ҳайвонлар ҳам, кишилар ҳам уладиган тана ва үлмас руҳга эга деб күрсатилған. Руҳ нозик, номоддий табиатга эга бўлиб, узида инсон вужуди тимсолини гавдалантирган. У

йүқолмайди, ўлмайди ва ўз маконида яшайди, ҳамда ўз жойини алмаشتариб туради. Баъзи диний таълимотларда тана ўлгач, руҳ бир жонзотдан иккинчисига ўтиб туриши кўрсатилган.

Турли фалсафий йўналишлар ва мактаблар ҳаёт ва улим масалаларини турлича тушунтирганлар. Фалсафа тарихида айрим буюк файласуфлар учун бу масалалар шахсий ҳаёт тақдирини ҳал қилиш билан боялиқ бўлган. Масалан, Суқротнинг ўз ўлимига розилиги ҳақидаги қарори унинг ҳаёти учунгина эмас, балки ундан кейинги фалсафий муаммолар ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлган. Афлотун бу қарорда файласуф учун ўз ҳаётини олижаноблик билан тугатиш имкониятини курган. Унинг фикрича инсон эзотерик (маънавий) мавжудот сифатида илоҳий моҳиятга эга. Бу унинг ўзини устида ишлаши, ўзини такомиллаштириши ва илоҳий дунё сари интилганлигига намоён булади. Щунинг учун ҳам улим масъулликдир, яъни маънавиятли инсонда ўлимдан қўрқиши туйғуси бўлмайди.

Ислом динида инсон ҳаёти, унинг маъноси ва ўлими масаласи катта ўрин олган. Ҳаётнинг маъноси — бу руҳнинг саломатлиги, доимийроҳат-фароғатга элтувчи меҳнат ва билимдир. Инсон ўз ҳаётини худбинлик ва ёвузликдан сақламоги, бутун умри давомида охиратни ўйламоги керак.

Инсон ҳаёти, ўлими ва мангулиги масаласи тасаввух тариқатларида ҳам муҳим ўрин олган. Унинг йирик илк вакиллари Ҳасан Басрий, Ал Мухсимий ва Жунайдлар исломнинг монотеистик талабларига мувафиқ, инсоннинг моҳияти ва ҳаёт йўналиши Оллоҳ кўрсатган йулдан бориши, деб тушунтирилар.

Суфий мутафаккирлар — Абдухолиқ Фиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳовуддин Нақшбанд таълимотларида ҳаётнинг маъноси, ўлим ва мангулик масалалари инсоннинг илоҳий моҳиятини билишга интилиши, ҳалол меҳнат қилиб бошқаларга меҳр-муравватли, раҳм-шафқатли булиши билан боялиқ равища ёритилди.

Оврупадаги Янги давр фалсафасида ҳам Шарқ фалсафаси таъсири остида ҳаёт ва ўлим масалаларига янгича қараашлар шаклланди. Жумладан ҳаёт ва ўлимни англаш муаммоси икки антропологиявий моделда — табиий инсон ва янги Орвўпача инсон моделлари орқали ифодаланади. Агар биринчи моделда инсон (биология, физиология, психология ва бошқа) фанлар

объекти бўлса, иккинчисида у ўзини оламнинг маркази сифатида анлаган, ақл идроки ва эркинлигини ўзи йўналтирадиган, ўз ҳаётини ўтмишдан ҳозирги, ундан эса келажакка қараб боришини тушунган ижтимоий мавжудот сифатида баҳоланади.

Бу фикрлар инсонга, унинг ҳаёти мазмуни ва мақсадга рационал ёндошишнинг натижаларидир.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Фарб антропологик фалсафасида шаклланган иррационал йўналишда («ҳаёт фалсафаси», экзистенциализм ва бошқалар) ўлим биологиявий маънодагина тан олинмай инсон борлигининг ниҳояси сифатида қаралади. Бу нуқтаи назарга биноан ўлим диний ёки сийқа табиий тушунилишдан фарқли ўлароқ субъективлик соҳаси воқеасига айланади. Ф. Ницшенинг сұzlари билан айтганда инсон ўлеми унинг ҳаётидан аҳамиятлироқдир. Яъни ўлим туйғуси инсон ҳаётини маъноли қилади. Ҳаёт ва ўлим нисбатига бундай қарашлар кейинроқ Германияда (Шпенглер), Испанияда (Ортего-и-Гассет), Францияда (Ж. П. Савтр, А. Камю) томонидан ривожлантирилди.

Ҳозирги инсон фалсафаси бу муаммо таҳлилида ўз ичига 20 тагача оқимни олади. Уларнинг барчасида асосан инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни ва ниҳояси муроҳада қилинади. Бу таълимотларга кура, инсон моҳияти масаласи таҳлилида ҳозирги цивилизация қадриятлари талабларини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозиргача эришилган юксак цивилизация сабоқларига асосланиб инсон муаммоси таҳлилида янги давр фалсафий таълимотлари ўртага қўйган ғояларга ҳам таянмоқ керак. Янги инсон модели табиий инсон моделини ҳам ўзига сингдирди. Шу сабабли янги ижтимоий, маънавий инсон модели юзага келди. Ҳозирги инсон кўпроқ шартли мулоҳазалар асосида яшашга мойилки, уни бундай яшаш ва фикрлаш йўлига радио, телевидение, кино, театр, бадиий адабиёт ва албатта, ўзининг мустақил фикр-ўйлари олиб келган. Натижада у ўзининг ўлемидан кейинги ҳаётидан кўпроқ ташвишланмоқда. Ҳаёт қанча яхши бўлса кишига ўлим шунчалик даҳшатли куринади.

Хўш, ҳозирги вақтда ҳам, ўтмишда бўлганидек, ўлим ташвишларини эзотерик (маънавий) усул билан ечиш мумкинми? Мантиқан бунга шундай жавоб бериш мумкин: ҳар бир инсон ўзини қизиқтираётган ва

ҳаяжонга солаётган муаммоларни ҳал этишида ташқаридан унинг оладиган ёрдами белгиловчи бўлмаслиги лозим. У ўз ҳаёти давомида ўлим масаласини ўзи англаши, ечиши зарур.

Албатта, бу борада инсонга муайян йул курсатиш мумкин.

Маълумки, ўлим экзистенциал томондан олингандан, инсон индивидуал ҳаётининг шунчаки йўқолиб кетиши эмас. Ўлим олдида қўрқувни йўқотиш — қайтарзда уни маъноли ва ҳатто, ҳаётнинг зарурий моменти сифатида англашдир. Дарҳақиқат, ўлимни табиий обьект сифатидагина қараш мумкин эмас. Ўлимни ҳар доим зарурият сифатида идрок этиш лозим.

Ўлимни маънавий англашдан ундан кейинги умрнинг маъноси түғрисидаги масала келиб чиқади. Бошқача айтганда, бу маъноли яшалган умрнинг ўлимдан кейинги давоми, яъни юксак мангулиги масаласидир. Мангулик — инсон уз ижодий, яратувчилик фаолияти билан ҳаётда абадий из қолдиришдир. Инсон дунёда қолдирган яхши ном — унинг иккинчи умридир. Шу сабабли инсоният хайрли, адолатли ишлар қилиб, яхши ном қолдирган кишиларни абадий ҳурмат билан тилга олади.

7. ЖАМИЯТ ВА ШАХС

а) Инсон ижтимоий ривожланишининг индивид босқичи.

Инсон ўзининг моҳиятига кура биоруҳий ижтимоий мавжудотдир.

Инсон моҳиятини бундай тушуниш унинг мавжудлиги ва ҳаёт кечиришининг қатор жиҳатларини назарий таҳдил этишга имкон беради. Инсонда ирсийлик ва ўзгарувчанлик, унинг жамиятдаги ҳаёти билан табиатга мансублиги нисбати, уз турмуш шароитларини яратса олиш қобилиятига асос бўлган ижтимоий имкониятлар нисбати ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Гарчи инсонлик сифати моддий ва маънавий томонларнинг яхлитлигидан иборат бўлса-да, у қайси томондан ёндошишга кўра хилма-хиллик ва бетакрорликка эга. Буни биологик тур сифатидаги инсон зотига ҳам, ҳар бир алоҳида олингандан кишига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Умуман олганда, инсоннинг бетакрорлиги оламда фақат унга хос белги эмас. Истаган нарса,

ҳодиса ва воқеа бетакрордир. Бироқ инсондек олий даражада ривожланган мавжудотда бетакрорлик ҳам юксак даражада намоён бўлади.

Инсоннинг илк аждодларидан бошланган бу бетакрорликнинг энг узоқ кечган даври ибтидоий жамоа босқичига тўғри келади. Фалсафа ва фанда бу босқични индивид (лотинчада *individum* — бўлинмас дегани) тушунчасида ифодалаш қабул қилинган. Инсон индивид босқичида узининг жисмоний мавжудлигини таъминлашни биринчи ўринга қўяди. Ҳар бир индивид ўз ички дунёси билан банд, унинг мустақиллиги эса ўзи мансуб бўлган уруғ жамоаси билан чекланган булади. Бундай бўлиши табиий ҳамдир. Чунки индивиднинг барча эҳтиёжлари фақат уруғ орқалигина қондирилиши мумкин. Уруғ эса инсоният илк жамияти тизимидағи ягона умумийликдир. Индивид уруғ ҳаёти, жамоаси билан бирлашиб кетган. Уруғ аъзолари эса ўзларининг мақсад ва манфаатларини ажратмаган.

Уруғ жамоасининг емирилиши билан аста-секин ижтимоий меҳнат тақсимоти, хусусий мулкчилик ва бир хотинликка асосланган оиласининг қарор топиши инсон ривожланишида индивиддан юксак бўлган янги босқич келиб чиқишини таъминлади.

Инсоннинг индивид босқичи ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келишидан унинг кейинги ривожланиши такорий, алоҳидаликсиз кечади, деган холосага келмаслик керак. Булар ҳамма вақт объектив равишда инсон сифатларининг муҳим хусусиятларини ифодачи-си булиб қолаверади. Янги босқичда ҳам инсонлар мустақил фаолият кўрсатувчи мавжудот сифатида бир-биридан индивидуаллиги билан фарқланади. Индивидуаллик тушунчасида ҳар бир инсон ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ўзига хосликлар ифодаланади. Моддий ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёни, сиёсий вазифаларни ҳал этиш йўллари, маълум объектнинг санъат асарларидаги тури-туман талқини ва ҳоказолар пировард-натижада ижрочиларнинг таланти, ташқилотчилиги, ўз бурчларига фидоийлиги каби кўплаб хусусиятларига боғлиқ бўлади. Индивидуалликда ижобийлик ўз аксини топади. Унинг қарама-қарши муқобилини индивидуалликда ифодалаш қабул қилинмаган. Масалан, ўзи нўноқ ёзувчининг индивидуал хусусиятлари тўғрисида маҳсус гапирилмайди.

Индивидуаллик алоҳида олинган инсоннинг аниқ

хатти-ҳаракати, малакаси, лаёқати, одат ва кўнигмаларини ифодалайди. Унинг мазмуни ўрта арифметик дарражада олинган инсон сифатларидан ҳамма вақт ортиқлиги билан ажралиб туради. Гап шундаки, индивидуалликда инсоннинг ҳам ташқи ва ҳам ички бетакрор хусусиятлари жамланган бўлади. Шунга кўра ҳам бу хусусиятлар йиғиндиси ўртача одам сифатлари йиғиндисидан доимо ортиқ бўлади. Буни ижтимоий тарих мисоллари етарлича тасдиқлайди. Масалан, Узбекистонда IX—XV асрларда яшаган мутафаккирлар фалсафа, фан, дин ва санъатда шундай янгиликларни бердики, булар нафақат ўз даври учун юксак равнақни билдириди ва яна ундан кейинги даврларда ҳам кўпгина халқлар, хусусан оврупаликлар тафаккури ривожланиши учун зарур туртки бўлди.

Шу муносабат билан инсон индивидуаллиги хусусиятларининг намоён бўлиши шарт-шароитлари масаласини мулоҳаза қилиш зарурияти туғилади. Юқоридағи мутафаккирларни табиат шунчаки яратмаган, балки муайян ижтимоий тарихий эҳтиёж шакллантирган. Араб-ислом халифатчилиги, Сомонийлар, Фазнавийлар, Хоразмшоҳлар ва, ниҳоят Темурийлар давридаги марказлашган давлатчилик, иқтисодий, маданий ривожланишга ҳомийлик қилиш ва ҳоказолар буюк тафаккур соҳибларини етиштириди. Улар ўз навбатида инсон индивидуал имкониятлари қанчалик катта эканлигини намойиш қилдилар.

б) Шахс ва унинг муҳити.

«Шахс» тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунга кўра, жамиятни ўрганадиган барча фанлар доирасига ҳам шахс масалалари киради. Хусусан, инсон танасининг тузилиши ва фаолиятини ўрганадиган биология ва бошқа фанлардан фарқи үлароқ жамиятшунослик, руҳшунослик, таълимшунослик каби қатор фанлар уни шахс сифатида олиб текширади.

Муайян маънода шахс — яхлит жамиятнинг алоҳида олинган ажралмас бўлагидир. Унда даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар жамулжам бўлади. Лекин бу ўринда шахс билан жамият айнанлиги тўғрисида гапиришга асос йўқ. Ибтидоий тузум содда жамоачилигининг инқизозга юз тутиши туфайли кишилар бир-биридан «ички» дунёси ва ижтимоий манфаатлари билан ўзаро фарқланиб, шахс босқичига кўтарилиб борадилар. Бунинг натижасида эса

шахс билан жамият манфаатлари нисбати масаласи кун тартибига қўйилади.

Шахснинг жамият билан муносабатлари ўзига хос жиҳатларга эгадир. Шахснинг ўзлиги даставвал, унинг муайян даражадаги мустақиллигидир. У ўзининг шу ҳолати билан ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида иштирок этади. Албатта, гап бу борада етук шахс тўгрисидадир. Лекин янги тугилган чақалоқнинг шахс бўлиши имконияти фақат жамиятда воқе булади. Демак, шахсни жамият вояга етказади. Чақалоқдаги инсоний имкониятлар жамият муҳити таъсирида амалга ошиб, ўз такомилига эришади.

Инсон шахсининг шаклланишидаги биринчи босқич — оиласидир. Оила биоижтимоий сифатга эга бўлган тузилма сифатида жамиятнинг барқарор дастлабки бўғиндир. Гўдак оиласада илк бора ижтимоий-маданий қадриятларни ўзлаштиради ва улар заминида фаоллигини ошириб боради. Мактаб, турли ижтимоий гуруҳлар (масалан, тенгдошлари, спорт уюшмалари ва бошқалар) билан мулоқот давомида маданий идеаллик қарор топиб, шахс шаклланишининг муҳим жиҳатига айланади.

Ҳар қандай жамият маданиятида инсон шахсининг етуклиги даражаси тўгрисидаги тасаввурлар ишлаб чиқилган. Масалан, юонон маданиятида ақлий баркамолликка эришган шаҳе идеали илгари сурилган бўлса, Шарқ маданиятида инсоннинг доно, ботир, камтар ва одиллик каби ақлий, ахлоқий, жисмоний сифатлари идеал ҳисобланган. Саноатлашган жамиятлар ривожланиши шароитларида ишбилармон, тадбиркор инсон шахси идеали марказий ўрин тутади.

Шахснинг маданий идеали у мансуб бўлган миллат, ижтимоий гуруҳда амалда бўлган қадриятлар доирасида шаклланади ва ривожланади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг идеали миллат ёки ундаги турли гуруҳлар учун типик бўлган идеалдан фарқ қилинмоғи лозим. Бу типдаги идеал одатда болалиқдан қарор топади. Маданий идеалда эса жамият ривожланиши ўз аксини топган булади. Шунга кўра, шахснинг маданий идеали унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолияти мотивлари ва мақсадини ўз ичига қамраб олади.

Шахс ўзининг маданий идеалини рӯёбга чиқариши учун турли-туман ижтимоий гуруҳлар доирасида муайян ўринга эга бўлиши ва муайян вазифаларни, роллар-

ни бажариши лозим. Булар эса шахснинг фаоллиги туфайли юз беради.

Фаоллик жамият ва шахснинг объектив эътиёжлари билан тақозоланган бўлиб ҳаёт-фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади ва ҳар қандай куринишида ҳам ҳаракат қилишдан бошланади. Бу ҳаракат тизимида шахсни үраб турган муҳит талаби ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бунинг сабаби шундаки, шахс бажарадиган вазифалар шунчаки ихтиёрий танлаб олинган эрмак бўлмай, балки у аъзо бўлган жамоа ва гуруҳларда қабул қилинган стандартларга мувофиқ бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир шахс жамоа ва гуруҳлар доирасида муайян ижтимоий вазифани адо этади. Шахснинг ижтимоий ўрни — бу бошқалар манфаатини ҳам ҳисобга олиб барқарор ҳаракат қилишдир.

Шахснинг вазифаси ва ўрни тўғрисидаги масала ўз ичига белгилаб қўйилган хуқуқ ва мажбуриятларни ҳам олади. Буларда жамият таркибий қисмларини ташкил этган ижтимоий гуруҳ аъзолари риоя қилиши зарур бўлган қоидалар белгиланган. Гуруҳда қабул қилинган қонунларга кўра ҳар бир шахс бошқалар билан тегишли хуқуқий муносабатда бўлиши керак. Мажбуриятлар эса шахснинг ўзи мансуб бўлган гуруҳда эгаллаб турган вазифасига мувофиқ келадиган хатти-ҳаракатлар қилишидан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда шахснинг ижтимоий вазифаларни бажариши — бу фақат унга хос бўлган шахсий сифатларини ҳам намоён этишидир. Масалан, раҳбар (лидер) вазифасини бажариш учун шахс иродали, дадил, ўзига ишонган бўлиш билан бирга ҳормай-толмай ишлаши, фидоийлик қурсатиши лозим. Шунингдек, ўкувчи, ўқитувчи, ота-она, ҳарбий хизматчи, жамоат арбоби ва бошқаларнинг ҳам бажарадиган ўз вазифалари мавжуддир.

Ижтимоий гуруҳлар ўз аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ҳеч вақт назоратсиз қолдирмайди, балки уларни доимо баҳолаб боради. Бу эса шахслардан ўз ижтимоий масъулиятига жиддий муносабатда бўлишни талаб этади. Айни вақтда вазифаларнинг бажарилиши foят мураккаб кечади. Бунинг сабаби жуда кўп омилларнинг амал қилишидадир. Шахсларнинг жисмоний жиҳати, қобилияти, ақл-заковати ва бошқалар уларнинг айни шу ўринга лойиқ ёки аксинчалигини белгилайди. Агар шахс ноёб хусусиятларга эга бўлса, бу унинг ишини анча осонлаштиради. Гуруҳларнинг ички

тузилиши, ташкилий уюшганлиги ҳам шахс ижтимоий үрнини намоён этишига таъсир этмай қолмайды.

Шахснинг шаклланиши, унинг сифатлари қарор топишида у интиладиган маданий-ижтимоий идеаллар ва бажариши лозим булган вазифаларининг ҳам үрни каттадир. Буларни фалсафада инсоннинг ижтимоийлашуви (социализация) йули билан шахсга үтиши деб аташ қабул қилинган.

Ижтимоийлашув натижасида инсоннинг био ва руҳий жиҳатларига мақсадга мувофиқ, оқилона таъсир утказилади. Бунинг оқибатида инсон шахси қарор топишининг иккинчи томони — унинг субъектив «МЕН»и ҳам шаклланади. Шахснинг «МЕН»и отоналар, қариндош-уруглар, таниш-билишлар, маҳалла-қўй ва бошқалардан узлаштирадиган сифатларидир. Бу сифатлардан аниқ олинган жойи ва вақтига кура ижобий ёки салбий шахсий хусусиятлар шаклланиши мумкин. Биринчи ҳолда (ижобийликда) шахсда узи тұғрисида одиллик, эпчиллик, қобилиятлилик, уддабуронлик каби тасаввурлар туғилса, иккинчисида унинг лаёқатсизлиги, ношудлиги, заифлиги каби хусусиятлари қарор топиши мумкин. Албатта, бу хусусиятлар инсон субъективининг ўз «МЕН»и тұғрисидаги фикрларидир. Уларнинг воқеаликка мувофиқ келишлиги, яъни ҳақиқийми ёки йўқлиги масаласини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Субъектив «МЕН» юзага қелиши билан нисбий мустақиллик тарзини олади ва шахс сифатларида зарур үринга эга бўлади. Шу билан бирга шахс «МЕН»и доирасида унинг иккинчи бир жиҳати — бошқаларнинг бу «МЕН»га бўлган муносабатига жавоблари масаласи ҳам фарқланади. «МЕН»нинг бу жиҳати «ўзга МЕН» бўлиб, унда аниқ олинган шахснинг хатти-ҳаракатлари, фикр-ўйи, сиёсий мавқеи, турмуш тамойиллари ва ҳоказолар тұғрисида жамоатчилик фикрларини ҳисобга олиш (ёки олмаслик) билан боғлиқ қарашлар ифодаланади.

«Ўзга МЕН» қуйидаги ҳолатлардан ташкил топади. Булар — бошқаларнинг айни шу шахс тұғрисидаги қарашлари асосидаги фикрлар; айни шу шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини бошқалар томонидан баҳолаш билан боғлиқ фикрлар; бошқаларнинг қарашлари ва берган баҳоларига жавобан қониқиши, гурур, ўзига ишончининг кучайиши, ўзини бекаму-күст деб ҳисоблаш, уялиш, афсусланиш, эҳтиёткорликка мойиллик

каби ҳолатлардир. Шахснинг субъектив «МЕН»и билан унинг түгрисидаги «ўзга МЕН» бир-бирини тулдиргандагина инсоннинг ижтимоий табиати ҳақидаги фикрлар ҳам тұлароқ булади.

«МЕН» инсон шахсининг ички муайянлигини ифодалайды ва моҳиятан унинг белгиловчисидир. Унда шахснинг ўз-ўзини англаши, феъл-атвори ва иродасининг манбай жамланғандир. Шахс «МЕН»и инсоннинг уёки бу йұналишдаги фаолияти билан боғланиб, ўзининг турли-туман қирраларини намоён қиласы. Улар энг умумий тарзда қуидагилардир:

1. Ўз-ўзини англаш. Бу шахснинг объектив воқеекликка нисбатан турли даража ва шаклларда ифодаланадиган хатти-харакати, ҳис-туйғулари, фикр-үйлари, манфаати, узи аъзо бұлган энг оддий гурухдан жамиятгача бұлган барча босқичлардаги үрни ва ҳоказоларни билиб олғанлигидир. Бунинг натижасыда шахснинг турмуш фаолиятини оқилона бошқариши йүлга қўйилади. Ўз навбатида ўз-ўзини бошқариш негизида шахснинг ўзини такомиллаштириш, рүёбга чиқариши таъминланади.

2. Рефлексия (лотинчада reflexio — орқага қараш). Бу шахс ўз фаолиятини, маънавий оламини таҳдил объекти сифатида олишидир. Унда шахс ўз маънавиятнинг ўзига хос жиҳатларини билиши, ўз ҳаракатларини мuloҳаза қилишга интилишини ифодалайди.

3. Дунёқараш. Шахс ўз борлигининг табиати ва маъноси, уни үраб турған оламнинг моҳияти, мазмуни ва ҳолати түгрисидаги маълум бир мақсадға йұналтирилған, эътиқодға айланған, турмуш эҳтиёжлари билан узвий боғланған назарий-умумий қараашларнинг йиғиндисидир. Дунёқараш, энг аввало олам ҳақидаги яхлит билимдир. Шахс билиш жараёнида ўз фаоллигини намоён этиб, дунёқарашида воқееликни нафақат қандай бұлса үшандай акс эттиради ва яна уни муайян тарзда баҳолайды. Демак, шахснинг билими унинг маънавий дунёсини бойитади, билим — баҳо ва билим — муносабат эса унинг ижтимоий мавқеи ва турмуш тамойилларини шакллантиришга күмак беради. Булардан кўрина-дикни, шахс дунёқараши фақатгина билимлардан иборат бўлмай, балки унинг воқееликка муносабатини ифодалайдиган эътиқодлар тизими ҳамдир. Шахс дунёқараши фанга мувофиқ, мантиқан изчил, тараққийпарвар, ақл тарозисидан утган (рационал) ёки фанга зид (иррационал), реакцион бўлиши мумкин.

в) Шахс эркинлиги.

Эркинлик фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг ўткир муаммоларидан бўлиб келди. Чунки эркинлик ижодий яратувчи, фаол, ўз олдига қўйган мақсади сари ҳаракат қилувчи инсоннинг эҳтиёжи бўлиб, унинг табиати билан боғлиқdir.

Инсон ҳаёти гоят мураккаб алоқадорликлар ва узаро тақозоликлар орқали кечиши, муносабатлари фоят хилма-хил соҳаларда намоён бўлиши туфайли унинг эркинлиги ҳам кўп қирралидир. Фалсафа тарихида эркинлик нима деган саволга берилган жавоблар ичida даставвал уни воқелик — олам ривожланишининг заруриятлари билан боғлаш кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, заруриятнинг ўзи нима? Зарурият деганда уни тақдир тақозоси (диний қарашлар), воқелик ривожланишнинг пировард натижада қонуний, зарурий ҳолда юз бериб ўзига йўл топиб олиши (материалистик, детерминистик қарашлар), маънавий ривожланиш ифодаси (турли психологик ва субъектив йўналишдаги фалсафий қарашлар) каби тарзларда талқин этилади. Бу қарашларда, албатта, муаммонинг муайян жиҳатлари ўз ифодасини топгандир. Лекин шуни алоҳида айтиш керакки, масала антиномия (лотинча *antinomia* — қонундаги зиддиятлилик дегани) куринишида қўйилмаслиги лозим. Балки масала эркинлик ва зарурият бирлигига, улар нисбатининг энг умумий жиҳатларини аниқлаш тарзида олиниши мумкин. Бу эса аниқ тарихий ёндошувни тақозо қиласи.

Кишилар кундалик ҳаётларида турлича куринишлардаги заруриятга дуч келиб туради. Улар ўз фаолиятларининг объектив шароитларини танлаб олишда ўз билганларича иш кураолмайдилар, балки айни шу шароитлар талабларидан келиб чиқиб ҳаракат қиласидар. Шу билан бирга зарурият қонунларининг амал қилиши автоматик тарзда ҳар бир аниқ олинган ҳодисада рўй бермай, балки ҳийла катта ҳодисалар доирасида, уларнинг ўзгариши ва ривожланишида намоён бўлади. Кишилар зарурият кетидан шунчаки эргашиб юрмайдилар, улар зарурият қонунлари талабларига ё турли даражада мослашадилар, ё имкони бўлган ҳолларнинг барчасида бу талабларга қарши турадилар. Ана шу ўринда кишилар эркинлигининг ифодаланиши учун дастлабки шароитлар яратилади. Натижада ҳар бир киши у ёки бу қарорни қабул қилиши, ўз ҳаракат-

ларини амалга ошириши мумкин. Бунда, биринчидан, инсоннинг эркинлиги нафақат ташқи омиллар билан балки, ички интилишлар билан ҳам тақозо қилинади. Иккинчидан, шахс ўзига кўрсатилаётган ҳар бир таъсирга фикран турлича жавоб беради. Шунга кўра, битта сабаб билан қатор оқибатларни юзага келтирса бўлади.

Шахснинг мақсадга мувофиқ фаолияти жараёнида унинг эркинлиги иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда намоён бўлади, у турли босқичларни — эркинликни субъектив англаб олишдан тортиб, то уни объектив амалга оширишгача бўлган босқичларни босиб ўтади. Чунончи шахс ўз фаолияти мақсадини илгаридан белгилаб олиш имкониятига ҳам эга. Чунки ҳар қандай аниқ вазиятда ҳам бир нечта имкониятлар маҷуд бўлади. Бундай бўлмаган шароитларда, яъни оқилюна муқобиллик етишмай турганда ҳам шахс ўз эркинлиги доирасида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ўзини четга олади.

Шахс танлов эркинлигининг инсоният дунёсида тутган ўрнини жонли табиатдаги объектив сараланиш билан қиёс этиш мумкин. Булар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, табиий сараланиш бу — объектив жараён. Инсоннинг танлов эркинлиги эса амалий хусусиятлар ифодаси булиб ҳам субъектив ва ҳам объектив табиатга эга. Танлов эркинлиги туфайли инсоният жамияти ривожланишининг инстаган босқичида ва истаган жойида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар урганилиши, ўзлаштирилиши ва ижодий такомиллаштирилиши мумкин.

Инсон шахсининг бу жиҳати фақат индивидуал табиатга эга бўлмай, балки ялпи ижтимоий жиҳатларда ҳам кўринади. Яъни, шахсларгина эмас, балки катта ёки кичик эл-элатлар, миллатлар ва халқлар ҳам ўз тақдирларига тегишли ҳолларнинг барчасида ижтимоий танлов эркинлигига эгадир. Лекин булар шахс ва ижтимоий кучлар жамият соғ субъективлигининг натижаси эмас, балки пировардида объектив тақозоланганилиги оқибатидир.

Шахс эркинлиги индивидуал сезги, субъектив эркинлик сифатида мақсадли танлов қилишдан бошлансада, инсоннинг табиатан фаоллиги туфайли юқорироқ босқичларда — мақсадга эришиш учун танланган воситаларни ишлатиб, муайян хатти-ҳаракатлар қилишда (объектив эркинликда) ниҳоясига етади.

Эркинликнинг субъектив ва объектив ифодаланишларида ундаги ички ва ташқи томонларнинг хусусиятлари, ўзаро боғлиқлиги ва муҳим фарқларини пайқашқийин эмас.

Шахс эркинлигининг ички томони белгиловчи ва тузилишига кўра анча мураккаб бўлиб, асосий унсурлар сифатида мақсад ва воситаларни танлаш, амалга ошириш учун зарур бўлган вазиятларни билишни, бу билинган, ўзлаштирилган ташқи заруриятни ички эътиқод билан мувофиқлаштириб олиш ва, ниҳоят, ўзлигини тула намоён этиш кабиларни ўз ичига олади. Булар алоҳида олинганида ҳам, биргаликда олинганида ҳам нисбий мустақил тарзда мавжуддир.

Ташқи эркинлик — бу даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида шахс борлигининг ўрни ва аҳамиятини ифодаланиши, унинг ички эркинлигининг ҳиссий-буюмлашган тарзда намоён булишидир. Бунда охир-оқибатда шахс билан жамият манфаатларининг нисбати масаласи марказий ўринда туради.

Маълумки, инсоният жамияти жонли олам тизимида ҳозиргача маълум бўлган энг юксак босқичдир. Шунга кўра ҳар бир шахснинг жамият билан алоқаси тўғрисида гарчи объектив равишда гапириш мумкин бўлса-да, олинадиган натижа ғоят умумий ва мавхумдир. Бундан ташқари жамият ҳам зинапоя шақлидек моддий ва маънавий тузилмаларнинг йиғиндисидан ташкил топган. Шахсга энг яқин турган «зинапоя устуни» — бу айни шу шахс бевосита аъзо бўлган, оила, ўқув юрти, меҳнат жамоаси сингари бирламчи жамоалардир. Улар шахс билан жамият ўртасида боғловчи бўеин бўлиб томонлар манфаатларини ҳам муайян бир тарзда мувофиқлаштиришга қодирдир. Негаки, жамиятнинг шахсга ва шахснинг жамиятга таъсири ўзаро тақозолангандир, бири иккинчисиз мавжуд эмасдир.

Бирламчи жамоа орқали шахс ўтмиш аждодлар яратган қадриятларни ҳам ўзлаштиради. Лекин жамоанинг асосий ўрни мавжуд жамият билан алоқани йўлга қўйишдан иборатдир. Ҳар бир шахс жамоадаги хусусиятларни ўзида гавдалантирганидек, жамоа ҳам муайян миқдордаги шахслар йиғиндиси сифатида уларга хос бўлган муайян умумий жиҳатларни ўзида акс эттиради. Одатда шахсларнинг мақсади мавжуд ижтимоий тузум томонидан, унинг доирасида белгилаб берилади. Бу, биринчи навбатда расмий жамоаларга тегишлидир.

Бироқ буларда илгаридан белгиланган мақсаддан ташқари ҳам шахсларнинг бошқа қатор умумийликлари ўз аксини топиши мумкин. Масалан, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик фаолияти ва бошқалар.

Шахс ва жамият манфаатлари муаммосининг ечимида, яъни шахс эркинлиги масаласида, бир-бирини истисно қиласидан икки хил қараашлар мавжуд. Улардан бири инсон шахси манфаатларини тараққиётни белгиловчи омил ҳисоблаб, уларни мутлақлаштиради. Иккинчиси эса, аксинча, инсонни жамиятнинг шунчаки бир унсури сифатида қараб унинг манфаатини ижтимоий манфаатлар олдида аҳамиятсиз қилиб қўяди. Ташқаридан қараганда бу нуқтаи назарлар бир-бирига қарама-қарши туради. Амалда эса уларнинг ҳар иккаласида ҳам шахс ва жамият манфаатлари нисбати тұғрисида гап боради.

Лекин масалага тарихийлик тамойилидан келиб чиқиб ёндошилса, бу хусусдаги ҳақиқат нимада эканлиги ойдинлашади. Юқорида кўрсатилганидек, ибтидоий жамоа тузуми шароитида индивидлар манфаати уруғнинг яшаб қолиш манфаати олдида иккиламчи бўлган. Уруғнинг ҳар бир жисмоний етук аъзоси анъана кучи билан мустаҳкамланган ва ўзи учун умумий тарзда аждодлардан қолган анъаналар, урф-одат ва маросимлар кучи билан бошқарилган.

Мулк, оила, давлат ва ҳоказоларнинг юзага келиши билан инсон шахси шаклланиб, унинг жамият билан муносабатларда мустақил, автоном мавжудлиги кун тартибига қўйилди. Шундан бошлаб шахсларнинг манфаатларига кўра ажралиши рўй берди. Энди инсон маънавий дунёси, хатти-ҳаракати, фаолиятининг мотивлари, мавжуд ижтимоий тузум, унинг институтларига муносабати ва ҳоказоларда айни шу ажралиш белгиловчи мавқега эга бўлади.

Бундай шароитларда кишилар турлича тарзда шахс булиб етишадилар. Мулк, бойлик, пул асосида эътиқоди шаклланадиган шахс билан буларга қарама-қарши шароитларда шаклланадиган ва иш кўрадиган шахслар манфаатларининг ўзаро уйғунлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлур эди.

Жамият тараққиётида юз берган ўзгаришлар натижасида шахс ва жамият муносабатларида муайян мувозанатга эришилиб борилди. Чунончи, қадимги даврдан бошлаб жамият илгарилама ҳаракати унинг аъзолари бўлган шахс, биринчи навбатда кенг халқ оммаси эр-

кинлиги даражасининг ошиб боришини ҳам билдиради. Шунга кўра, инсон ривожланишининг шахс даражасига тўғри келадиган қатор босқичларни — қадимги давр, ўрта асрлар анъанавий жамиятлари янги замон ва ҳозирги индустрисал жамиятлардаги шахс хилларини фарқлаш лозим бўлади.

Булардан кейингисида иккита шахс эркинлиги билан боғлиқ юз берган чуқур ўзгаришлар давом этмоқда. Шарқ уйғонишида илгари сурилган ҳамда Фарб Ренессанси ва Маърифатчилиги даврлари ақлидроқи чуқур тадқиқ қилган қадриятлар — ирода кучи, тиришқоқлик, ишчанлик, ташаббускорлик, қобилият ва ҳоаказолар ҳозирги давр шахс хилининг ҳам асосий хусусиятлари булиб қолмоқда. Бу хусусиятларнинг шаклланиши шахс эркинлиги намоён булишида илгари ташланган катта қадамлар эди. Лекин, бошқа томондан, айни шу эркинлик даражаси шахсада худбинлик, шафқатсизлик, салбий маънодаги шахсиятпарастлик каби қатор иллатларининг мавжудлиги билан ифодаланади.

Шахсдаги бу иккига бўлинганлик муайян ижтимоий тузум чегарасида намоён булиб, жамият аъзоларининг ўз фаолияти натижасидан бебаҳра булиб, бегоналашиб қолишига ҳам олиб келади. Бу, ўз навбатида, шахс эркинлиги ҳолатларига таъсир этмасдан қолмайди.

Кишиларнинг онгли мавжудотлиги ва жамиятда ҳам онгнинг ўрни катта эканлигига асосланиб бегоналашувни оқилона бартараф этишнинг кўплаб назариялари яратилган. Афсуски, ҳозиргача катта даъволар билан майдонга чиққан кўплаб ижтимоий қарашлар ўзини амалда оқламади.

Хўш, бундан бегоналашув шахс пешонасига ёзилган азалий ҳолат эканда деган маъно келиб чиқадими? Албатта, йўқ.

Ҳозирги вақтда инсоният ягона келажак, ягона тақдир масалаларида, айтиш мумкинки, бир тұхтамга келмоқда. Ер юзидағи давлатларнинг куч-файратларини бирлаштириб жаҳон ягона ҳамжамияти сари йўл тутишлик доирасида ҳар бир мамлакатда ҳукуқий давлат қуриш ва уни демократик бошқариши инсон шахси эркинлигини таъминлаши мумкин, дейишга асос бор.

г) Шахс ва демократия.

Шахс моҳиятининг кўпгина муҳим қирралари, унинг табиатидаги қатор жиҳатлари, имконияти, бажа-

риши лозим булган вазифалари, ҳаётий роллари ва ҳо-
казолар қулдорликдан бошлаб инсониятнинг бутун та-
рихи давомида жамият қандай ташкил қилинганига,
сиёсий ҳокимиятнинг ўрнига ҳамда амалдаги ҳуқуқий
тизимлар қай тарзда мавжудлигига боғлиқ бўлади.
Бошқача қилиб айтганда жамиятнинг демократия-
вийлик даражасига боғлиқ ҳолда шахснинг сифатлари
шаклланади.

Демократия цивилизация тонгидәёқ қарор топган
булиб, инсониятнинг буюк қадрияти ҳисобланади. Би-
роқ жамият илгарилама ривожланишининг бутун бос-
қичларида демократия ё саҳнадан анча вақтга тушиб
кетиб, ё қисқа вақт тикланиб, мутафаккирларнинг ўй-
фикрлар марказида инсон билан инсон, инсон билан
жамият ўйғунлигини таъминлайдиган ижтимоий бор-
лиқнинг шаклларини топишга уриниш ётарди. Шарқ
уйғониши доирасида Форобий ва бошқалар антик
даврнинг демократияга доир қараашларини ривожлан-
тириб анча илгарилаб кетган эдилар. Мовароуннахрда
жамиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўз даври
учун типик жиҳатлар дастлаб Хоразмшоҳлар, кейинроқ
Амир Темур даврида ривож топди. Буларда (масалан,
Темур тузукларида) жамият ва шахснинг сиёсий-ҳуку-
кий мақомлари акс этган эди.

Янги замон тарихининг бошларида демократия
инглиз, француз, немис ва америка мутафаккирлари
томонидан инсон қадр-қимматини таъминлаш восита-
си сифатида қаралиб, давлатнинг ҳуқуқий белгилан-
ганилиги масаласи кун тартибига қўйилди. Буларнинг
таълимотларида жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро-
вий жиҳатдан ҳам, ақлий-етуклик жиҳатидан ҳам вояга
етиши foяси илгари сурилган эди. Кишилар қандай
ўйласалар, ўшандай гапиришлари, ўз мулкларидан хо-
ҳишларига кура фойдаланишлари ва шу тарздаги ҳу-
қуқлари тан олиниши лозимлиги кўрсатилди. Ҳуқуқ
эса давлатнинг ўзи ҳуқуқий бўлмаса, яъни, сиёсий ҳо-
кимиятда қонуннинг устиворлиги тан олинмаса тула-
қонли бўлаолмайди.

Гарчи «Ҳуқуқий давлат» атамаси немис классик
фалсафаси доирасида XIX асрнинг 30-йиллар бошида
юзага келган бўлса-да, жамият ва шахс идеали сифати-
да анча олдинроқ назарий асослана бошланган эди.
Масалан, Ш. Монтескье (Франция) қонун чиқарувчи,
ижро этувчи ва судловчи кўринишларда «ҳокимиятни
булиш»ни, Д. Юм (Англия) «ялпи ва мажбурий қонун-

лар ёрдамида ҳар бир кишининг ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилиш ҳамда ҳокимиятнинг чекланмаганлигини бартараф этиши»ни, В. Гумбольдт (Германия) эса шахс ахлоқий хатти-ҳаракатларида ўз-ўзини чеклагани каби давлат ҳам инсон индивидуаллигининг бетакрор, табиий, турли-туман намоён бўлишига имкониятлар яратилиши учун қонун йўли билан ўз-ўзини чеклашини айтган эдилар. Дастраси буржуа инқилоблари ғалабалари натижасида Оврўпа ва Америкада ўрнатилган сиёсий режимлар буни яққол исботлайди.

Ер юзининг бирон жойида ҳозиргача ҳуқуқий давлат ўзининг юз фоиз ифодасини топмаган бўлса-да, лекин унинг кўп жиҳатлари фарбий Оврўпа, Шимолий Америка мамлакатлари ва яна бир қатор давлатларда шаклланган.

XX асрда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этган тоталитар тузумлар ҳам юзага келди.

Нодемократик тоталитар давлат амалда қандай оқибатларга олиб келишини совет тузуми мисолида кўриш мумкин. Шахснинг, айниқса, унинг ривожланган маънавий босқичини ифодалайдиган хусусиятлар — мустақил фикрлаш, танқидийлик, ишчанлик ва ҳоказолар давлат жазолаш ташкилотларининг доимий назорати остида бўлди. Кишилар «ўргача шахс» сифатида қолиб, белгилаб қўйилган чегаралар доирасида ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларини ахтарганлар. Буларнинг натижаси ўлароқ амалда бўлган қўрқиш, бирбиридан хавфсираш вазиятлари шахсларни биққиқ, ҳар қандай жамоадан ўзларини четга олиш, ўз манфаатларини яширинча ҳимоя қилиш ва ҳоказо ҳолатларда бўлишга мажбур этди. Булар, ўз навбатида шахсларда пастдан юқоригача барча буғинларда бир томондан бошлиқлари олдида намойишкорона итоатгўйликни, «содиқликни» пайдо қилган бўлса, иккинчи томондан уларда айни бир вақтда маккорлик, ҳасадгўйлик, разгуйлик каби ярамас иллатларни ҳам келтириб чиқарди. Большевик раҳбарлар тириклигига бир-бирига ҳамду-санолар айтиб, вафотидан сўнг йўл қўйилган жиноятларнинг барчасида уларни айблашга интилиш бундай муҳитнинг оқибатидир.

Ҳозир мустақил Ўзбекистонда демократияни, унинг шарқона анъаналарини кенг ривожлантириш, қонунлар устуворлигини таъминлаш давлат ва жамият олдидаги вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ҳуқуқий давлат ғоясида шахснинг ахлоқий жиҳатла-

ри билан ҳам муайян боғланиш мавжуд. Чунончи, бирон-бир етук ҳуқуқий таълимотда очиқдан-очиқ шахсни ахлоқсизликка ундаш аломатлари кўзга ташланмайди. Ҳуқуқий давлатда хавфли ёвузликларнинг олди олиниши, улар юз берган шароитларда пойи қирқилиши лозим бўлганидек, айни вақтда эзгуликларнинг ихтиёрий равишда танлаб олиниши ҳам зарур даражада муҳофаза қилиниши керак.

Шахс эркинликлари, унинг давлат билан ўзаро бурч ва мажбуриятлари демократиявий конституцияларда қонунлаштирилган бўлади. Унда, биринчи навбатда, ҳалқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, шу ҳалқнинг ҳокимият манбай эканлиги ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳалқ давлат учун эмас, балки давлат ҳалқ учун хизмат қилиши лозим.

Конституцияда шахснинг виждон, сўз эркинлиги, мулкий дахлсизлиги ва ҳоказо ҳуқуқлари акс этган бўлиб, уларда инсон борлигининг асосий шартлари қамраб олинади. Давлат иқтисодиёт, сиёsat ва маънавият соҳаларида ўз манфаатлари талабларига кура қандай қонун-қоидани ишлаб чиқиб кучга киритмасин, бу мамлакат асосий Қонунига, шахснинг унда белгилаб қўйилган мақомига зид келмаслиги керак. Ҳар қандай демократик давлатда шахс мақоми фаолликни назарда тутади. Ўзининг фаоллиги туфайли шахс мавжуд сиёсий институтлар ёрдамида жамиятга мунтазам таъсири курсата олади. Бунда таъқиқланмаган барча ҳаракатларга йўл қўйилади. Шахснинг жамиятга кўрсатадиган таъсири парламент демократияси йули билан олиб борилганда мақсадга айниқса мувофиқdir. Ҳозиргача парламент демократиясининг юздан ортиқ модели мавжуд. Лекин булар охир-оқибатда учта умумий қоидага таянади. Улардан бири — шахснинг «тўғридан-тўғри» демократиявий институтлар фаолиятида иштирокидир. Турли-туман намойишлар, митингларда иштирок этиш, давлат ҳокимияти ўтказадиган ялпи сайловларда овоз бериши ва ҳоказолар шахс фикр-үйининг барометри ҳисобланади. Кўпчиликнинг фикри давлат миқёсида қабул қилинадиган қарорга асос бўлади. Лекин бундан озчиликнинг фикри нотуғри, деган маъно келиб чиқмаслиги лозим. Ўзининг шахсий нуқтаи назарига эга бўлишлик инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Буни таъминлаш натижасидагина шахсни эҳтиросга тушган оломоннинг тула таъсирида бўлишдан сақлаш ва демократиянинг охлократия (ло-

тинча оғлос — күпчилик ҳокимияти) күринишига утишини олдини олиш мумкин.

Иккинчи қоида — инсон шахсининг Халқаро баёнотлар ҳимоясида бўлган ва мамлакат Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган ҳеч ким томонидан ўзлаштирилиши мумкин бўлмаган асосий ҳукуқлариdir.

Учинчи қоида — шахс ўз ҳукуқининг маълум қисмини ўзи сайлаган вакилига, масалан, халқ ноибига бериши ва «тӯғридан-тӯғри» демократия усулларини муайян нисбатда олиннишидир. Бунда улар бир-бирини фақат тўлдириб қолмай, балки бир-бирини муайян даражада чеклайдилар ҳам. Шундагина шахснинг сиёсий мақомини таъминлаш мумкин булади.

Шахс мақоми муайян демократия маданияти доирасида таъминланади. Бунда халқ вакилларининг ҳам сайловчи шахслардан бегоналашиб, ажралиб қолмаслик чораларини назарда тутиши лозим.

Масалан, ялпи сайловларда буни олдини олиш учун уларнинг ўтказиш тартиби шундай белгиланиши керакки, натижада шахснинг ички мустақиллиги, унинг индивидуаллиги намоён булсин. Шунингдек, сайловчилар топшириги, ноибларнинг ҳисобот бериб туришлиги, уларни чақириб олиш ҳукуқи ва ҳоказолар воситасида ҳокимиятнинг манбаи бўлган халқнинг, бинобарин, ҳар бир шахснинг манфаати таъминланади.

Шундай қилиб, шахс ривожланишининг шарти демократиядир. Демократиявийлик даражаси эса шахснинг жамиятдаги белгилаб қўйилган ўрни ва бажарадиган ролига боғлиқдир. Улар ўртасидаги бу ўзаро боғланганлик ва ўзаро тақозолангандик жамиятнинг табиатга муносабатида ҳам, жамият билан унинг ҳар бир аъзоси — муносабатида ҳам, шахсларнинг ўзаро муносабатида ҳам бевосита намоён булади.

д) Тарихий ривожланишда шахснинг ўрни.

Ҳар бир шахс — бу муайян бир сиймодир ва ушбу маънода тарихда ўзининг катта ёки кичик ўрнига эга. Чунки тарихнинг ўзи ҳам шахсларнинг бирлиги ва ўзаро таъсири, ҳаёт-фаолиятининг натижаси улароқ қарор топади.

Одатда тарихий жараёнда шахсларнинг ўрни масаласи тўгрисида гап борса, буюк кишилар фаолияти тушунилади. Шахсларнинг буюклиги ўзлари мансуб бўлган ижтимоий гурӯҳ, эл-элат ёки халқнинг фикр-үйини тұла ифодалаб, уларнинг асосий мақсад-вазифа-

ларини тарихий жараён кечишининг объектив мантиқи талаблариға мос амалга оширишда ҳал қилувчи ишларни бажара олишидадир. Бундай шахсда даставвал уни ўз орасидан етиштириб чиқарган халққа хос сифатлар жам булади. Бу сифатлар уларнинг бетакрор шахсий хусусиятларига айланиб, ижро этиш мумкин бўлган юмушларни кун тартибиға қўйишида, уларни рўёбга чиқаришда мислсиз жасорат, улкан ташкилотчилик ва жонбозлик кўрсатишида намоён бўлади. Буюк шахс фаолиятида ўз халқини саодатли қилиш, ўзлигини рўёбга чиқариш, миллий ва давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, илфор халқлар даражасига кўтариш ҳамда буларнинг натижаси ӯлароқ инсоният ялпи илгарилама ҳаракатига баҳоли қудрат кўмак бериш белгиловчи ўрин эгаллайди.

Узоқ тарихдан бизгача етиб келган манбалардан, жумладан юонон тарихчиси Ҳеродотдан қолган асарлардан маълумки, ўзбек халқининг қадимий аждодларидан бўлган массагетлар сардори Тўмарис Эрон шоҳи Кирнинг босқинчилигига қарши курашга бошлиқ қилиб, унинг ўзини ҳалок этиб энг зарур вазифани бажарди — юртнинг мустақиллигини сақлаб қолди.

Буюк шахслик хусусияти ўзбек халқи тарихида мўфул босқинчилари авлодлари қўлидан ҳокимиятни тортиб олиб миллий давлатчиликни тиклабгина қолмай, уни жаҳон миқёсида равнақ топтирган буюк бобомиз Амир Темурга ҳам тегишилдир. Унинг марказлашган қудратли давлатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари кенг ривожланди. Унинг ўз давлати манфаатларини қўзлаб олиб борган урушлари славян халқлари ва Фарбий Оврупа халқларининг ижтимоий тараққиёти тезлашувига ҳам кўмак берди. Буни, ўтмишда бўлганидек, ҳозирги инглиз, француз, италян ва бошқа халқлар тарихчилари ҳам тўғри эътироф этадилар. Бу мамлакатларда улуғ Амир Темур ҳақида холис илмий тадқиқотлардан ташқари бой бадиий адабиёт ҳам яратилган. Амир Темур жаҳон ривожланишининг кейинги тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшган буюк шахсадир.

Темурийлар шажарасидаги кўпгина ҳукмдорлар, хусусан, Мирзо Улуғбек, Шоҳруҳ, Хусайн Бойқаро Заҳиридин Бобур ўзбек халқининг тарихида катта ўрин тутган шахслардир. Бобурнинг Мовароуннаҳдан Ҳиндистонга бориб, турли халқ, турли дин ва тиллар шароитида марказлашган давлат тузиб, бу мамлакат

тариҳида ниҳоятда салмоқли ишлар қилғанлигига Ҳиндистоннинг машҳур сиёсий ва давлат арбоби Неру жуда катта баҳо берган эди.

Жаҳон тариҳида катта ўрин олган буюк шахслардан бири шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийдир. АҚШ собиқ Президенти Р. Рейган Алишер Навоий ҳақида шундай деган эди: бой маданиятга эга бўлган асл заминда вояга етган Алишер Навоийнинг самимияти ва нафосати бутун инсониятга тегишилдири.

Ўзбек халқи тариҳида тутган ўрни, ўз халқининг тараққиётида амалга оширган ишлари бўйича Амир Темурдан сунг алоҳида мавқ шайбонийлар сулоласидан чиққан Абдуллахон II га тегишилдири. Бу сиймо ўзбекларнинг катта давлатини тузиб, ўз халқининг иқтисодиёти, фани ва маданияти равнақига катта эътибор берган эди.

Қадимги Римлик машҳур мутафаккир Тацит тариҳни ҳодисаларнинг жонли изларидан бориб ёзмоқ лозим, деган эди. Шундай йўлдан борилса, тариҳнинг бетакрор жараёни мантиқи очилади ва бу жараён марказида турган ижтимоий кучлар, унинг доҳийлари тутган ўрни объектив баҳоланади, бинобарин, халқимиз ўтмишидаги буюк сиймоларнинг кенг оммани бошқариб, бажарган ишлари кўлами ва аҳамияти намоён бўлади.

Россия мустамлакачилиги Туркистондаги мавжуд ижтимоий турғунликни чуқурлаштириди. Бироқ дунёда юз бераётган чуқур ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиш маҳаллий зиёлilarни халқ ва юрт тақдирни хусусида чуқурроқ ўйлашга мажбур этди. Жадидларнинг майдонга келиши, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг миллат манфаатларини ҳимоя қилиб чиқиши шу вақтга тўғри келди. Уларнинг қарашларида қолоқ ижтимоий муносабатларни ва мустамлакачиликни тутатиш, миллий давлат истиқололига эришиш мақсади ўз аксини топган эди.

Шахс салоҳиятининг кучи Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритишида ва мустаҳкамлашда яна бир марта намоён бўлди. Президент И. А. Каримовнинг ақл-заковати, иродаси туфайли жиддий, бўхронларсиз, қийинчиликларсиз тинч ижтимоий ривожланишнинг оқилона тўғри йўлига тушиб олинмоқда.

8. МАДАНИЯТ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ

а) Маданиятнинг фалсафий тушунчаси.

Маданият мураккаб ва серқирра ҳодисадир. Уни археология ва этнография, тарих ва социология каби турли фанлар ҳам ўрганади. Бу фанларнинг ҳар бири маданият деб аталмиш улкан ижтимоий ҳодисани үзига хос тарзда, ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этади. Масалан, археология фани учун маданият тушунчаси бизгача етиб келган, ўтмишда яшаган кишилар фаолиятининг моддийлашуви на-тижасида вужудга келган предметлар, ёдгорликлар, осори-атиқалар билан боғлиқ. Этнография фанига маълум бир халқнинг маданиятини яхлитлик ва хилма-хилликнинг бирлиги сифатида бир бутун ҳолатида ўрганиш хос.

Шунинг үзидан ҳам қуриниб турибдики, ҳар бир фан үзига хос тарзда маданиятнинг турли томонларини ўрганади.

Маданият тушунчасига турлича мазмун бериш, айни пайтда тадқиқотчиларнинг қайси дунёқарашиб минида турганлигига ҳам боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, маълум бир дунёқарашиб позициясида турган тадқиқотчилар ҳам кўпгина ҳолларда маданият тушунчасига турлича мазмун берадилар. Бундай ҳолатда масалага ёндашишдаги фарқ намоён бўлади.

Фалсафа маданиятни алоҳида, якка-якка қуринишларида эмас, балки яхлит, бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Масаланинг бу тартибда қўйилиши фалсафага «хусусий ҳолатлардан холи бўлган ҳолда маданиятнинг үзи нима?», деган саволга жавоб беришга имконият яратади.

Хуш, фалсафий нуқтаи назардан қараганда, маданият деганда нимани тушунмоқ керак? Аввало шуни таъкидламоқ лозимки, маданият сўзи арабча «мадина» ва «ият» сўз ясовчи қўшимчасининг қушилишидан ҳосил бўлган бўлиб айнан «шаҳарга оид» деган маънони англатади. Лекин, бу сўз кириб борган бошқа халқлар тилларида, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам, билимлилік, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатила бошланган.¹

¹ Шуниси қизиқки, араб тилида «маданият» тушунчаси ўзининг илк маъносида ҳозир жуда кам ишлатилади. Ўзбек тилида «маданият» тушунчасига бериладиган мазмунни араблар «сақофа» термини билан ифодалайдилар.

Күпгина халқларда маданият тушунчаси ўрнида лотин тилидан қабул қилинган cultura термини ишлатилади. Cultura деганда дастлаб табиат объектларининг инсон меҳнат фаолиятининг натижасида ўзгариши, бошқача айтганда ерга ишлов бериш, деҳқончилик билан шуғулланиш тушунилган. Бу терминни юқоридаги маънода ишлатиш ҳозир ҳам учрайди. Масалан, рус тилидаги «агрокультура» сўзида ана шундай мазмун ифодаланади. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, лотинча терминни қабул қилган халқларда ҳам кейинги даврларда бу тушунчага кенгроқ мазмун берилиб, у маърифатлилик, билимлилик, тарбия курганлик маъноларида ишлатила бошланган. Ижтимоий фалсафий тафаккурнинг кейинги босқичларида маданиятни деярли барча халқларда, гарчи турли шаклларда бўлсада, моҳият эътибори билан айнан маънавий фаолият соҳаси сифатида тушуниш устувор бўлиб келди. Фақат XIX аср ўрталарига келиб, маданият тушунчаси кенгроқ маънода — инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсаларга нисбатан ишлатила бошланди. Бундай ҳолатда маданият инсон томонидан яратилган, бокира табиат устига қурилган «иккинчи табиат» маъносини касб этади. Айни пайтда, ушбу қараш маданиятни инсон фаолиятининг маълум бир соҳаси билан боғлаб қўймаслиги лозим, чунки инсон, унинг фаолияти, инсонлараро муносабат бор жойда маданият ҳам бор деган холосани келтириб чиқаради.

Лекин маданиятни «инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсалар», деб тушуниш ҳам етарли ва тўлиқ эмас. Нега? Биринчидан, бундай ёндашув маданиятни инсондан ташқарида мавжуд бўлган қандайдир ҳодиса сифатида тушунишга олиб келади. Иккинчидан, маданият ва жамият тушунчаларининг нисбати ойдинлашмайди. Маданият ва жамият тушунчаларининг фарқи маданиятни «инсон томонидан яратилган қадриятлар мажмуаси» деб тушунилганда очиқ куринади. Ҳақиқатан ҳам маданият инсоний мазмун ва маъно билан суфорилган моддий ва маънавий қадриятлар дунёсидир. Бундай тушуниш натижасида маданият жамиятнинг маълум бир соҳаси сифатида намоён булади. Албатта, маданиятни фақат қадриятлар мажмуаси сифатида тушуниш ҳам тўғри ва тўлиқ эмас. Биринчидан, бунда юқоридаги каби маданият тайёр натижалар тизими сифатида чиқади, маданиятнинг яратилиш жараёни, унинг динамикаси эътибордан чет-

да қолади. Иккинчидан, инсон томонидан яратилган ҳамма нарсалар ҳам фойдали эмас, демакки, унинг тараққиётига хизмат қилмайди. Учинчидан, у ёки бу ҳодисани ижобий ёки салбий деб қабул қилиш тарихан белгиланган — даврнинг, жамиятнинг, ижтимоий гурӯҳларнинг қадрият мүлжалларига боғлиқ бўлади.

Демак, маданиятга таъриф бераётганда маданият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камолотининг, инсонда инсонийлик ривожланишининг меъёрини тавсифловчи ҳодиса эканлигидан ҳам келиб чиқмоқ лозим.

Маданиятнинг юқоридаги сифатий хусусиятларининг таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда унга қўйидаги ча таъриф бериш мумкин. **Маданият инсоннинг фаолияти жараёни, унинг оқибатида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.**

Маданият тушунчасида ҳаётнинг биологик шаклларидан фарқли ўлароқ, инсон фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда бу фаолиятнинг тарихий тараққиётнинг маълум босқичларидаги, маълум бир тарихий даврдаги, миллий ва этник ривожланишдаги сифатий ўзига хослик ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, биз «қадимги давр маданияти», «ўзбек маданияти» каби тушунчаларни юқоридаги маъноларда ишлатамиз. Айни пайтда, биз «меҳнат маданияти», «муомала маданияти», «нутқ маданияти», «сиёсий маданият» каби ибораларни ҳам қўллаймизки, бундай ҳолларда маданият кишиларнинг онги, хулқи ва фаолиятининг маълум соҳаларидаги хусусиятини ифодалаб келади. Булардан ташқари маданият тушунчаси маълум бир алоҳида кишининг, ижтимоий гурӯҳнинг ҳаётий фаолиятининг ўзига хослигини ҳам ифодалashi мумкин. Бунга «шахс маданияти», «миллий маданият» каби тушунчалар мисол бўла олади.

Илмий адабиётларда маданиятни моддий ва маънавий маданиятга булиш расм бўлган. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга булиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси — моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий маданиятнинг муҳим элементлари ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларидир. Моддий маданиятга уй-

жой, кийим-бош, уй-рұзғор буюлари, истеъмол воситалари деб аталаған ҳодисалар ҳам киради. Буларсиз маълум бир халқ маданияти, унинг тарихий тараққиётининг турли босқичларидаги үзига хосликлари ҳақида тұғри фикр юритиш мүмкін эмас. Истеъмол воситаларини үрганиш ижтимоий ривожлашишнинг маълум бир босқичида турған инсон нималарни истеъмол қилаётгандылық түрлесидегина эмас, балки қандай истеъмол қилаётгандылық, унинг эхтиёжлари қанчалик бой ва тараққий қылғандылық ҳақида ҳам маълумот беради. Албатта, моддий маданияттың фақат ишлаб чиқариш ва истеъмол воситаларига тақаб қўйиши тұғри бўлмаган бўлур эди. Чунки, моддий маданият юқоридеги воситаларни яратиш ва фойдаланиш соҳасидаги фаолият усулини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Айнан шундай фаолият жараёнида инсоннинг билими, тажрибаси, касбий малакаси моддий маданиятнинг таркибий қисмига айланадиган жисмий кўринишга киради.

Маънавий маданият эса маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шаклларини яратиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Маънавий маданият намоён бўлишининг турли шакллари ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар ва таълимотлар, илмий билимлар ва санъат асарлари, ахлоқий ва ҳукуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология, дин ва ҳ. к. ана шундай фаолият натижасидир. Буларнинг барчаси үз-үзидан пайдо бўлмайди, балки, тарихий тараққиётнинг маълум босқичида турған ва үзаро муайян муносабатларга киришган кишилар томонидан яратилади. Бундан кўриниб турибдики, маънавий маданият маънавий фаолият натижаси сифатида келиб чиқаётган ҳодисаларнигина эмас, балки, уларни яратиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

Моддий ва маънавий маданиятга мансуб нарса ва ҳодисаларнинг турли мақсадларга хизмат қилиши, демакки, уларнинг вазифалари, функцияларидаги фарқлар юқоридеги мисоллардан ҳам кўриниб турибди. Лекин бу фарқлар нисбийдир ва уларни асло мутлақлаштириб бўлмайди. Биринчидан, униси ҳам, буниси ҳам маданият эканлигини унутмаслик керак. Иккинчидан, инсон фаолиятининг маҳсулі бўлган кўпгина нарсалар ҳам ақлий, маънавий, ҳам жисмоний меҳнатнинг нати-

жаси сифатида пайдо булади. Бошқача айтганда, моддий маданият инсоннинг муайян ғоялари, билимлари, мақсадларининг намоён булишидир. Айни пайтда ҳар қандай маънавий маданият маҳсули ҳам объективлашуви, узининг моддий ифодасини (ёзув, нутқ, расм, ҳайкал ва ҳ. к. шаклларда) топмоғи лозим. Бундай объективлашув жисмоний ҳаракатни, куч-қувватни талаб қиласди. Баъзи ҳолларда, масалан, ҳайкалгарошлик санъатидаги каби, бундай жисмоний ҳаракат анчайин катта ўрин тутиши ҳам мумкин.

Ҳар бир авлод маданий ривожланишини буш жойдан эмас, балки, ўзидан олдинги авлодлар яратган қадриятларни узлаштиришдан бошлайди. Бошқа томондан, бу ўзлаштириш ўзига хос бир «хомашё», янги қадриятлар яратиш, маданиятни янги босқичга кутариш йулидаги таянч вазифасини ўтайди. Агар мана шу икки жараён бўлмас экан маданият ривожланиши ҳақида гапириш мумкин эмас. **Икки жараён — эскилил билан янгилик ўргасидаги объектив зарурӣ боғланиш ворислик деб аталади.**

Маданиятда ворислик ҳақида гап кетганда тараққиётга хизмат қиласдиган (прогрессив) ва ривожланишга тусиқ бўладиган (реакцион) ворисликни фарқлаш лозим. Шуни ҳам унумаслик керакки, маълум бир даврдагина ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб, кейинги даврда жамият тараққиётига зид бўлган ҳодисалар ҳам учрайди. Шунингдек, маданиятда ижобий (позитив) ва салбий (негатив) ворислик ҳам кузатилади. Маданият ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида олдинги давр натижаларига таянади. Агар маданият ривожланишининг кейинги босқичларида олдинги давр натижалари сақланиб қолса бундай ворислик ижобий (позитив) ворислик дейилади. Олдинги давр натижаларига таяниш фақат ижобий натижаларнигина сақлаб қолиш дегани эмас.

Маданият ривожланишидаги ворислик олдин эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантиришнинг диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади. Ана шу жараён натижаси ўлароқ маданиятнинг барқарор элементлари юзага келадики, одатда уларни ифодалаш учун анъана тушунчаси ишлатилади. Тарихий жараёнда маданий анъаналарнинг роли бекиёсdir. Маданий анъаналар туфайли кишиларнинг тажрибаси тупланиб, авлодлардан-авлодларга ўтиб боради. Маданий анъаналар кишилар бирлигининг муайянлигини,

үзлигини сақлаб қолиш имконини беради. Аңъаналар-сиз маданият бўлиши мумкин эмас.

Маданий аңъаналар деганда кўпчилик маросимлар ва урф-одатларни тушунишади. Бу унчалик тўғри эмас. Биринчидан, кишилик жамияти ривожланиши давомида юзага келган ҳар қандай маросимлар, урф-одатлар ҳам узоқ яшамаслиги, демакки, анъанага айланмаслиги мумкин. Иккинчидан, маданий аңъаналар тушунчаси маросимлар, урф-одатлар каби ҳодисаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларга нисбатан кенгроқ мазмун қасб этади. Чунки, маданий аңъаналар улардан ташқари авлоддан авлодга ўтиб борадиган, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган гоялар ва билимлар, қадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар, хулқ ва дид нормалари ва ҳ. к. каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Маданиятнинг ҳар бир соҳасида анъана үзига хос кўринишга эга бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, фан, санъат соҳаларидағи аңъаналар бир-биридан үзининг такрорланмас бўёқлари билан ажралиб туради.

Агар маданиятда фақат ўтмиш натижаларини ўзлаштириш ва такрорлашдан нарига ўтилмагандан эди инсониятнинг маданий ривожланиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги натижаларга таяниб, уларни ижодий ривожлантиради, бойитади, янги, юқорироқ босқичга кутаради.

Маданий меросга нисбатан менсимасдан қараш чуқур салбий оқибатларни, фожиавий натижаларни келтириб чиқариши, муҳим маданий ютуқларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлса, аңъаналар олдида кур-кўрона сажда қилиш эса маданиятда турғунликни келтириб чиқаради.

Жаҳон тарихига мурожаат қиласиган бўлсак, маданий меросга муносабат доимо зиддиятли бўлганлигини куришимиз мумкин. Аввало шуни таъкидламоқ лозими, синфлар пайдо бўлиши билан маданий меросга синфий муносабат шаклланди. Бунинг натижаси ўлароқ, маданий мерос маълум бир синф манфаатлари, қизиқишлидан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлди. Бундай баҳолашнинг оқибати ўлароқ, кўплаб тарихий обидалар, ёдгорликлар, бадиий ва санъат асарлари, илмий манбалар аксарият ҳолларда синф манфаатига зид ҳодисалар сифатида вайрон қилинди, ёқиб юборилди ёки аҳамиятсиз нарсалар сифатида эътиборсиз қолди-

рилиши натижасида аста-секин йўқ булиб кетди. Бундай фожиавий ҳодисалар айниқса, синфий зиддиятлар курашга, қўзғолонга, инқилобга айланиб кетган даврларда кўплаб содир бўлди.

Тарих маданий меросга диний муносабат, яъни диний мансублиги, диний ақидаларга мос келиш-келмаслигидан келиб чиқсан ҳолда бўладиган муносабат шаклини ҳам яратди.

Динларнинг юзага келиши, ривожланиши нуқтаи назаридан маданият тарихини шартли равишда, жаҳон динлари — буддизм, христианлик, ислом юзага келгунгача ва ундан кейинги даврларга булиши мумкин. Биринчи даврда инсоният эришган ютуқлар деярли йўқолиб кетган. Негаки, юқоридаги уч жаҳон дини ўз ҳукмронлигини ўрнатиш йўлида халқларнинг тарихий ва маданий ёдгорликларни мажусий ҳодисалар сифатида қувғин қилдилар. Зеро, маданий анъаналари сақланиб қолган халқни бўйсундириш, эътиқодини узgartириш анча қийин кечарди.

Шунингдек, бу уч жаҳон динлари узоқ вақт ўзаро кураш олиб борди. Бу динларнинг тарқалган ҳудудий барқарорлиги юзага келгунча бир неча юз йил ўтди ва натижада кўплаб маданият дурдоналари изсиз йўқолиб кетди.

Халқимиз тарихига мурожаат қиласиган бўлсак ҳам бундай фожиали ҳодисалар кўплаб бўлганлигини, диний ёки синфий нуқтаи назардан баҳолаш натижасида, қирғинбарот урушлар оқибатида бетакрор маданий меросимиздан маҳрум бўлганлигимизни кузатиш мумкин.

Ана шу ҳодисаларнинг натижаси ularoқ маданиятдаги ворислик жараёнида маълум узилиш содир бўлди. Маданий меросимиздан узилишимизда бир неча асрлар фойдаланиб келганимиз, маданий меросимизнинг ажойиб намуналари яратилган араб ёзувидан воз кечганигимиз, умуман ёзувимизнинг бир неча марта ўзгартирилиши ҳам сабаб бўлди, албатта. Буларнинг барчаси шунга олиб келдики, маданий меросимиз, демакки, тарихимиз ҳақида фира-шира тасаввурлар билан униб-усдик, меросимизнинг кўплаб ажойиб намуналаридан бебахра бўлиб келдик.

Республикамида мустақиллик туфайли эндиликда бу соҳада йул қўйилган камчиликлар, хатоларга том маънода барҳам берилмоқда, асрларга тенгдош миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланмоқда, маданий меросимиз ўзининг руҳи ва салобати билан халқи-

миз маънавий дунёсининг таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Диний руҳда ёзилганлиги учунгина ўрганилмай келган Имом Бухорий, Ат Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийларнинг сермазмун диний-фалсафий асарларининг, «ҳукмрон синф» вакиллари бўлганлиги учун урганилиши ман қилинган Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби буюк аждодларимизнинг адабий-бадиий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий қаравашларини эндиликда ҳар томонлама тадқиқ этилаётганлиги ана шу буюк ўзгаришлардан нишонадир. Бундай ҳол ҳозирда ер юзида кечаётган жараёнлар билан ҳамоҳанглик касб этмоқда.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда маданиятга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш, ҳар бир маданиятга, маданий ҳодисага унинг диний, синфий, миллий, миңтақавий ва ҳ. к. мансублигидан қатъий назар унга инсон руҳий, маънавий изланишининг меваси, инсоннинг ўз-ӯзини англаш, камолотга интилишининг бир босқичи, кўриниши сифатида ғараш ва шундан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир маданий ҳодиса, жараённи табиий-тарихий ривожланиш давомида юзага келган олий ижтимоий неъмат деб билиш устувор булиб бормоқда.

6) Маданият ва цивилизация.

Цивилизация деганда нимани тушуниш керак? Цивилизация нима эканини билиб олиш учун фалсафий фикр тарихида бу тушунча қандай маъноларда ишлатилганлиги билан қисман бўлсада, танишиш зарур. Бу биринчидан, ушбу мавзудаги мавжуд фалсафий адабиётлар мазмунини тушунишга, таҳлил этишга ёрдам берса, иккинчидан, цивилизациянинг ҳар бир ўзига хос таърифида ижтимоий ҳаётнинг маълум томонлари, жиҳатларига алоҳида урғу бериладики, бу умуман цивилизациянинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини тулароқ англаб этишга хизмат қиласи.

Цивилизация сўзи лотинча булиб, у гражданлик, гражданликка оид, давлатга оид, деган маъноларни англатади. Цивилизация тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А. Фергюссон (1723—1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун ишлатган бўлса, француз маърифатпарварлари ақл-идрок ваadolатга асосланган жамият деган маънода ишлатган эдилар. Француз маърифатпарварларидан кейин ҳам цивилизация тушунчасига турлича

мазмун бериш давом этди. Айрим олимлар уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О. Шпенглер аксинча уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни, босқичини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А. Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги даврда цивилизация тушунчасини А. Фергюсон таклиф этган маънодан бошқа шаклларда ишлатиш деярли учрамасада, аммо унинг мазмуни ва ҳажмини белгилашда турфа хиллик ҳанузгача мавжуд эканлигини қайд этмоқ лозим.

Бу тушунчанинг: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (масалан, неолит, капиталистик, ёки ҳозирги замон цивилизацияси); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни (масалан, қулдорлик ёки капиталистик цивилизациялар); 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (масалан, Оврупа, Осиё ёки Яқин Шарқ цивилизацияси); 5) диний мансублиги билан фарқланувчи маданий бирликларни (христиан ёки ислом цивилизацияси); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра ажратилувчи бирликларни (масалан, ер цивилизацияси ва ердан ташқари цивилизациялар); 7) этник мансублигига кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (масалан, араб ёки ҳинд цивилизацияси); 8) макон ва замонда чекланган жамиятларни (масалан, Қадимги Миср ёки Вавилон цивилизацияси) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланилиб келаётганлигига ҳам кўп марта дуч келганимиз.

Ҳозирги замонда ижтимоий фанлар ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда цивилизация тушунчасини юқоридаги каби турлича мазмунни ифодалаш учун ишлатишни давом эттирмоқда. Цивилизация тушунчаси мазмунини белгилашдаги бундай ёндашувларнинг барчасига битта умумийлик хос — улар тарихий жараёндаги маълум ўзига хосликларни ифодалаб келмоқда.

Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаган ҳолда муайян ижтимоий ҳодиса, жараённи тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки методологик аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Айнан мана шу нуқтаи

назардан келиб чиқадиган бұлсак, цивилизация түшунчасини юқоридаги маңноларда ишлатишнинг ҳаммаси ҳам тұғри әмаслигига ишонч ҳосил қилиш мүмкін.

Цивилизация түшунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ifодалаш учун ишлатиш маълум маънода уринли. Чунки бундай маънода ишлатилганда, цивилизация түшунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврдаги бутун ҳолатини тұлалигича қамраб олади. Варварликдан цивилизацияга үтиш хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, савдо-сотиқнинг пайдо булиши ва уни касб қилиб олған савдогарлар қатламининг шаклланиши, металл пулнинг муомалага киритилиши, ёзувнинг пайдо булиши, ақпайын меншиттердегі өзгөрілештердегі ажралиши, сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши каби хусусияттар билан қарастырылади. Бундай ёндашувда цивилизация түшунчаси ижтимоий-иктисодий формация түшунчасига нисбатан кенгрөқ мазмун касб этади. Жамиятнинг формацияларга булиниши цивилизацияга ижтимоий муайянлик, тарихий конкретлик бағишлиди. Аммо, цивилизация түшунчасига бундай мазмун берилганды, ибтидоий ҳолатдан үсіб чиққан жамияттар үртасидаги фарқлар формациявий тафовуттарғагина олиб бориб тақалади. Формация назарияси эса варварликдан кейинги даврда ижтимоий ривожланишнинг хилма-хил кечганлигини ҳам, ҳозирда дунёнинг аксарият мамлакатлари тараққиётнинг капитализм деб аталиши мүмкін бўлган босқичда турган, ёки у томон бораётган пайтда ҳам улар үртасида кескин фарқлар мавжудлигини түшунтириб беролмайди.

Цивилизация түшунчаси умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини, шунингдек, муайян ижтимоий-иктисодий формацияни ifодалаш учун ишлатилганда ҳам унинг гносеологик аҳамияти йүққа чиқади. Чунки, биринчи ҳолда, масалан, капитализмгача бўлган цивилизация деб ишлатилганды мөҳияттан ривожланишнинг турли босқичларида турган халқлар, мамлакатлар сунъий тарзда бирлаштирганлиги учун бирор-бир илмий қимматга эга бўлмаса, иккинчи ҳолда эса цивилизация ижтимоий-иктисодий формация түшунчасининг синонимига айланиб қолиб, узининг мустақил мазмунини йўқотади.

Цивилизация тушунчасини географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни ифодалаш учун ишлатиш эса ўринсиздир. Масалан, Осиё қитъаси ҳеч қачон муайян иқтисодий, маданий яхлитликни ташкил қилмаган. Ҳозир ҳам Осиёда ривожланишнинг турли даражаларида турган халқлар мавжуддир. Албатта, маълум географик маконда яшаш ижтимоий-маданий ҳаётда қандайдир ўхшаш, умумий томонларини келтириб чиқариши табиий. Аммо, бу ўзининг дини, тили, маданияти, ҳаётий тамойилларига кўра бир-биридан фарқланувчи турли халқларни мустаҳкам тарихий бирлик деб баҳолаш учун асос бўла олмайди.

Цивилизация тушунчаси диний мансублигига кўра фарқланувчи кишилар бирлигига нисбатан ишлатилганда ҳам илмий тушунча сифатида бирор бир қимматга эга бўла олмайди. Биринчидан, утмишда ҳам, ҳозир ҳам, на ислом олами, на христиан дунёси мустаҳкам бир бутунликни, яхлитликни ташкил этмаган. Иккинчидан, юқоридаги динларнинг ҳар бирининг ичидатурли оқимлар мавжудки, бу уларнинг мустаҳкам бирликини ташкил этмаслигидан далолат беради. Учинчидан, диний мансублик муайян из қолдиради, лекин ҳеч қачон халқлар ҳаётини тулалигича белгилаб бермаслигини унутмаслик лозим.

Таҳдил этилаётган тушунчамизни «ер цивилизацияси», «ердан ташқари цивилизациялар» шаклларида ишлатилишига ҳам юқоридагича муносабат билдириш мумкин. Бир томондан, цивилизация тушунчаси бундай мазмунда ишлатилганда «тарих», «кишилик жамияти» тушунчаларининг синонимига айланиб қолади. Бошқа томондан, ердан ташқаридаги цивилизациялар ва уларнинг хусусиятларининг номаълумлиги «ер цивилизацияси» тушунчасини ишлатишнинг ўзини мантиқсиз қилиб қўяди.

Цивилизация тушунчасини айнан қандай ўзига хосликни ифодалаш учун қўллаш ўринли эканлиги уни «ижтимоий-иқтисодий формация» ва «маданият» тушунчалари билан солиштирганда ойдинлашади.

Формация тушунчаси жамиятнинг ўзини юзага келиш ва ривожланиш тарихига эга бўлган бир бутун ижтимоий организм сифатида қарааш имконини беради. У жамиятнинг умумий, ички, асосий, такрорланувчан алоқа ва муносабатларини очишга шароит яратади. Формация тарихни, жамиятни ҳодисалар даражасида эмас, балки моҳият даражасида акс эттиради.

Шунинг учун ҳам тарихни формациялар даражасида типларга бўлиш тарихий жараёнларнинг реал кечиши билан мос келмаслиги мумкин. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий-иктисодий формациялар тарихни объектив, зарурий, қонуниятли жараён сифатида қарайди ва турли тасодифий чекинишларни назардан соқит қилиб, унинг ривожланиш мантиқини-гина акс эттиради.

Шундай қилиб ижтимоий-иктисодий формациялар назариясидаги муҳим томон, бу ривожланишнинг объектив қонунлари нуқтаи назаридан тараққиётнинг маълум босқичида турган мамлакатларга хос бўлган умумий томонни топишидир.

Формация тушунчасидан фарқли үлароқ цивилизация тушунчаси тарихнинг, жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган, ишлаб чиқариш кучлари (технология), инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди.

Ҳар қандай цивилизация: 1) муайян ижтимоий ишлаб чиқариш технологиясига; 2) такрорланмас маданияти, қадрияти, фалсафий қарашлари, одоб-ахлоқ нормаларига; 3) ўз ҳаётгий тамойилларига эга бўлади. Буларнинг барчаси цивилизацияни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имкон яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Юқоридаги мулоҳазалардан хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, цивилизация тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га, ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айrim босқичларига нисбатан ишлатилгандагина у аниқ илмий мазмунга ва бинобарин методологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар цивилизациянинг ўзига хослиги, асосий характеристикаларини ўзида яққол намоён қилади.

Цивилизациянинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари цивилизациянинг моддий асосини ташкил қиласа, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, ўзига хос рангини белгилаб беради, ҳатто ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характеристлилик, аҳамиятлилик беради. Бу билан маданият

ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий ташкиллашуви, яни цивилизациянинг шаклланиши, мавжуд булиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз вазифасини ўтайди.

Демак, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён булишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради. Цивилизациянинг маданиятсиз, маданиятнинг цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд булиши мумкин эмас. Чунки, инсон маълум бир цивилизация бағрида ўтмиш авлодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштирган ҳолда шаклланиши, камол топиши мумкин.

в) Маданият ва жамият.

Маданият ва жамият тушунчалари айнан бўлмасада, жамиятнинг ҳамма соҳаларида маданиятнинг мавжудлигини кўрдик. Шундай экан, жамиятнинг маданият ривожланишига таъсирини, бу таъсир қандай шаклларда амалга ошишини тушуниб олмай туриб, маданият деб аталмиш муҳим ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини охиргача англаб етиб бўлмайди.

Маданият ривожланишига турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Маданият тараққиётига таъсир қилувчи ички омиллар ҳақида гап кетганда, биринчидан, юқорида биз тўхтаганимиз, ўтмишда маданият ривожланишида эришилган ютуқлар, натижаларнинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатиш лозим. Иккинчидан, турли маданиятлар шаклларининг ўзаро таъсири ҳам маданият ривожланишига кескин ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, фанда эришилган ютуқлар маданиятнинг бошқа соҳаларининг ривожланишини тезлаштиришга хизмат қиласди. Ўрта асрларда маданиятнинг таркибий қисми бўлган диннинг маданиятнинг бошқа шаклларига кўрсатган таъсири ҳам фикримизнинг далили бўла олади. Бу даврда дин бир томондан, дунёвий билимлар, қарашлар ривожланишига тусқинлик қилган бўлса, бошқа томондан, бу даврда ўзига хос такрорланмас диний-фалсафий қарашлар, адабиёт ва санъат асарлари юзага келди.

Маданият ривожланиши ҳар бир тарихий босқичда ҳал қилиниши лозим бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник муаммолардан ташқарида, уларнинг таъсирисиз содир булиши мумкин эмас.

Маданият ривожланишига таъсир қиласиган ташқи омиллар масаласига келганда, аввало, жамият иқтисо-

диёти, халқ моддий фаровонлиги ва турмуш даражаси-нинг маданият ривожланишида роли катта эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Дастлаб маданиятнинг улкан соҳаси бўлган маънавий маданият иқтисодиётнинг ривожланиши ва ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибатида камол топганини таъкидламоқ мақсадга мувофиқ. Бу омил умуман маданиятнинг тез ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Жамият иқтисодиётидаги ўзгаришлар ҳамма вақт маданият тараққиёти учун кенг имкониятлар яратади-ки, буни қуидагиларда куриш мумкин. Биринчидан, бундай юксалиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун туртки беради. Иккинчидан, иқтисодий юксалишлар маданият, унинг ривожланишига ғамхурлик қилишнинг моддий-молиявий асосларининг кенгайишига олиб келади.

Иқтисодий инқизорзлар эса маданият ривожланишига, аксинча, салбий таъсир қиласи: маданий дастурларнинг қисқаришига, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг аҳволининг оғирлашишига олиб келади.

Маданият ривожланишига сиёсатнинг таъсири каттадир ва у, айниқса, XX асрда жиддий аҳамият касб этмоқда. Сиёсатнинг маданиятга таъсири ижобий ёки салбий булиши мумкин. Масалан, «Миллатларнинг яқин келажакда қўшилиб кетиши» тұғрисидаги гояларга асосланган сиёсатнинг юритилиши, собиқ СССРда кўпгина халқларнинг маданий ўзлигини йўқотиш даражасига келтириб қўйди. Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Генетика, кибернетика каби фанлар ривожланишига нотуғри сиёсий баҳо берилиши натижасида собиқ СССРда бу фанларнинг тараққиёти бир неча ўн йилга орқага суринб юборилди.

Хозирги пайтда техник воситалар маданият ривожланишига сезиларли таъсир қила бошлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда маданият ютуқларини оммалаштириш, тарқата олиш имкониятини яратган, ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган маданият намуналарини миллионларнинг маънавий озиғига айлантираётган оммавий алоқа воситаларининг — радио, телевидение, видеотехника, кино каби ҳодисаларнинг роли бу жараёнда катта булади деб ўйлаш мумкин.

Жамият билан маданиятнинг ўзаро муносабати ҳақида гап кетганда, маданиятнинг жамият ривожлани-

шига таъсири масаласига ҳам кенгроқ тұхталмоқ лозим. Бу жараённи маданиятнинг ижтимоий вазифалари (функциялари)ни ёритиш орқали тушуниб олиш мүмкін.

Маданиятнинг узи серқирра бұлғанидек, у бажаралықтар маданиятнинг билиш функциясини алоҳида курсатиб утиш айни муддао бўлур эди. Одатда маълум бир давр маданиятини шу даврда оламни англаш, билиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаймиз. Оламни билиш натижалари аксарият ҳолларда соф маданият чегарасини ёриб чиқиб кенг маънодаги тарихий жараённинг таркибий қисмига, тараққиётнинг муҳим омилига айланиб кетади. Космик учиш воситаларини яратиш, коинотга парвоз қилиш инсониятнинг азалий орзузи эди. Ниҳоят, космик учиш аппаратлари яратилди, инсон коинотга парвоз қилди. Космонавтиканинг кейинги ривожланиши шунга олиб келдики, энди у жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳатто ҳарбий жараёнларнинг кечишига фаол таъсир қиласидан бўлиб қолди. Шу тариқа лойиҳалар ва чизмалардагина бўлган, синалган космик аппаратларнинг ҳақиқатан пайдо булиши уни фан, демакки, маданиятга хос бўлган ҳодисадан ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатувчи омилга айлантириб юборди.

Космонавтиканинг муҳим иқтисодий омилга айланғанлиги, бир томондан, уни доимий такомиллаштириш улкан молиявий ресурсларни жалб қилишни талаб қила бошлаганлигига кўринса, бошқа томондан унинг иқтисодий ривожланишига катта ижобий таъсир курсатаётганлигига кўринади. Бу аввало космик аппаратлар ёрдамида газ, нефть ва бошқа ер ости қазилма бойликларини топиш, денгиз ва океанларда балиқ захираларини аниқлаш, ҳисобга олиш, дунёнинг турли чеккаларини космик алоқалар ёрдамида бир зумда boglай олиш имкониятлари пайдо бўлганлиги туфайли содир бўлмоқда. Вақт космонавтиканинг жамият иқтисодий ривожланишига таъсир курсата олиш имкониятлари тобора кенгайиб бораётганлигини исбот этмоқда.

Теварак олам сирларини тушунишга интилиш натижасида пайдо бўлган билимлар системаси инсоният ривожланишининг муҳим омилига айланиб кетганлиги түғрисидаги бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мүмкін.

Маданият нафақат теварак оламни, балки инсонни ўраб турган ижтимоий воқеликни билишга интилиш натижаси ҳамдир. Шу жиҳатдан олганда маданият шахс, миллат, жамиятнинг ўз-ўзини англаши ҳам демакдир. Чунки маданиятда ижтимоий бирликларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, ўзига хосликлари, жаҳон тарихида тутган ўрни, турли ижтимоий системаларга бўлган муносабати ўз ифодасини топади.

Албатта, у ёки бу ҳодиса соғ маданият ҳодисаси чегарасидан чиқиб тарихий тараққиётнинг элементига айланиши учун маълум бир шарт-шароит мавжуд бўлиши керак. Яъни, биринчидан, жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши, иккинчидан уни текшириб кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имкониятига — қуроллар, воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у ривожланиш элементига айланмай, маълум бир маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетиши мумкин.

Маданиятнинг билиш функцияси билан ахборот (информатив) функцияси узвий боғлиқдир. Маданиятнинг ахборот функциясининг мазмуни тўплланган ижтимоий тажриба, билим, малакани узатишда қуринали. Бу тажриба, билим маълум бир ривоятлар, фан, адабиёт, санъат асарлари орқали янги авлод томонидан қабул қилиб олинади, ўзлаштирилади. Бундай узатиш «вертикаль», яъни ўтмиш авлодлардан янги авлодларга ва «горизонталь», яъни айни бир тарихий даврда кишилардан кишиларга, бир ҳалқдан иккинчи ҳалқа узатиш қуринишида ҳам бўлиши мумкин.

Гўдак ҳаётга қадам қўяр экан, аввало ўзини бевосита ўраб турган кишилар — ота-она, ака-опалари ёрдамида инсоният тўплаган тажрибани ўзлаштириб боради. Кейинчалик бу доира кенгайиб бориб унга маориф, олий ўкув юрглари тизими, фан, адабиёт, санъат асарлари келиб қўшилади ва инсон энди улар ёрдамида ўтмишда тўплланган тажрибани ўзлаштира боради. Бу тажриба, билим эса унга ҳар бир кузатиллаётган ҳодисани ўз танасида ҳис қилиш, синааб кўриш, текшириш заруратидан холос қилиб олдин эришилган натижаларни фаолият дастури сифатида қабул қилишга олиб келади.

Маданиятнинг ахборот функциясининг мазмуни тўплланган тажрибани «горизонталь» шаклда узатишнинг моҳияти тушуниб олинганда янада ёрқинроқ

очилади. Агар тажрибани узатишнинг бундай шакли бўлмаганда эди ҳар бир халқ айтайлик, велосипедни, музлатгич ва шу кабиларни ўзича янгидан яратаверган бўлур эди. Ҳаётда эса бундай эмас. Бир халқ маданиятида эришилган аҳамиятли натижалар бошқа халқлар томонидан тайёр ҳолда қабул қилинади ва миллий-маданий ҳаётнинг таркибий қисмига айлантирилади. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузумни барпо этишга ҳаракат қилаётган мамлакатларнинг ўзларининг миллий, тарихий, иқтисодий, географик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантиришда катта ютуқларга эришган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик қадриятларнинг устуворлигини таъминланган мамлакатлар тажрибасини ўрганаётганлиги, тайёр ҳолда қабул қилаётганликлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Кўриниб турибдики, маданиятнинг ахборот функцияси муҳим аҳамиятга эга. Агар маданиятнинг бу функцияси бўлмаганда эди ҳар бир авлод ўз ҳаётини «ноль»дан бошлайверишга мажбур бўлар, инсоният тараққиёти, маданиятларнинг бойиши ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Маданиятнинг ахборот функцияси кишилар ўртасида муомала, мулоқот, ўзаро таъсир бўлғандагина юзага чиқади. Шунинг учун маданиятнинг ахборот (норматив) функцияси унинг алоқа (коммуникатив) функцияси билан узвий боғлиқдир.

Маданият мулоқот орқали мавжуддир. Айни пайтда маданият инсон мулоқоти соҳасининг кенгайишига хизмат қиласи: кишилар ўртасидаги тўғридан-тўғри бевосита мулоқот ўтмиш авлодларига мансуб кишилар шунигдек, бизга таниш ҳам, қариндош ҳам бўлмаган замондошларимиз билан бевосита мулоқот билан тўлдирилади. Биз Форобий, Беруний, Ибн Сино фалсафий рисолаларини, Лутфий ва Навоий ғазалларини, Қодирий ва Чўлпон романларини, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг гўзал шеър ва достонларини ўқиб, уларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи билан ошно бўламиз, фикран сўзлашамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бевосита мулоқот ҳам, билвосита мулоқот ҳам шахс ривожланишига ҳамма вақт ҳам бирдай таъсир кўрсатавермайди. Айрим ҳолда мулоқот шахс ривожланишига салбий таъсир қилиб, унда заарли одатлар, характерли хусусиятларни кел-

тириб чиқарса, бошқа ҳолларда шахснинг маънавий камолоти учун хизмат қилиши мумкин. Айни пайтда мулоқот шахс ривожланишида ҳеч қандай из қолдир-маслиги ҳам мумкин.

Ҳозирги илмий-техника инқилоби асирида оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, телевидение таъсирида билвосита мулоқотнинг доираси ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Демакки, шахс ривожланишида билвосита мулоқотнинг роли ҳам ўсмоқда. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларининг фаолияти доимо жамиятнинг назорати остида бўлмоғи лозим. Бу кент ҳалқаро муносабатларга киришиб бораётган, демократик ўзгаришларни бошдан кечираётган республикамиз учун айниқса муҳимдир. Чунки, демократия, сўз эркинлиги байроби остида кўпгина давлатларда, айниқса Фарб мамлакатларида чуқур илдиз отган фаҳш, зўравонлик, гиёҳвандликни тарғиб қилувчи санъат, адабиёт, кино асарлари, телекўрсатувларнинг кириб келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай миллий қадриятларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган «асар»ларнинг кириб келиши жамиятимизнинг маънавий негизига болта урган бўлур эди.

Маданият бир томондан кишилар ўртасидаги бевосита ва билвосита мулоқотни тартибга солса, бошқа томондан мулоқотнинг ўзи маданий ҳодиса сифатида баҳоланади ва биз бундай ҳолларда «мулоқот маданияти» деган тушунчани ишлатамиз.

Кишилар ўртасидаги мулоқот турли воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир миллатнинг ўз тили бор. Айни пайтда ҳар бир миллат мулоқотнинг ранг-баранглигини, мазмундорлигини таъминлайдиган ўзига хос имо-ишоралар, рақс, мусиқа, хулқ-одоб нормалари ва ҳ. к. «тилига» ҳам эга. «Шашмақом»ни, «Муножот»ни, «Тановар»ни тинглаб, томоша қилиб жафокаш ҳалқимиз тарихи, ҳис-туйғулари, кечинмалари, дарди, умидларини дил-дилдан ҳис қиласиз, ҳалқимиз одобахлоқ нормаларига қулоқ тутар эканмиз, ундаги нозиклик, инсоний меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва улуғворликни қалбдан сезамиз.

Миллий тарих ва психологияни акс эттирувчи миллий тил билан бир қаторда ҳамма учун баробар ва тушунарли бўлган, миллатлараро мулоқотда ва илм-фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил — фан тили, унинг тушунчалар ва формулалар тили ҳам борлигини унут-

маслик керак. Айни пайтда XX аср қўлланилиш доираси тор бўлсада, электрон ҳисоблаш машиналарининг «алгол», «бейсик», «фортран» каби «тиллар»ини яратди.

Компьютерларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез усib бораётган ҳозирги даврда бу «тил»лар ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини курсатмоқда.

Маданият нафақат кишилар ўртасидаги мулоқотнинг амалга ошишига ёрдам беради, балки кишиларнинг фаолиятини ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга ҳам хизмат қилади. Бунда маданиятнинг тартибга солиш (регулятив) функцияси намоён бўлади. Маданиятнинг регулятив функцияси кишиларнинг жамиятдаги шароитларга муваффақиятли кўничиши учун хизмат қиладиган турли нормаларда намоён бўлади. Ахлоқий, эстетик, диний, сиёсий, ҳуқуқий нормалар ана шулар жумласидандир. Маданиятнинг тартибга солиш вазифаси маросимлар, урф-одатларда ҳам ёрқин кўринади. Албатта, ҳар қандай маданият нормаси кишининг ички эътиқодига айланган пайтдагина унинг фаолиятини тартибга солувчи омил бўла олади. Шунинг учун ҳам биз кишиларнинг маданият нормалари ни қай даражада ўзлаштирганликларини уларнинг турли шароитларда ўзларини қандай тутишларига қараб билиб оламиз.

Демак, инсон фаолиятини тартибга солиш, ҳаёттарзини шакллантириш маданиятнинг муҳим функцияларидан биридир. Бу функцияси туфайли маданият кишиларнинг мулоқотини, ишлаб чиқариш ва турмушдаги муносабатларни маълум нормаларга буйсундиди.

Ва, ниҳоят, маданиятга баҳолаш (аксиологик) функция ҳам хос. Ҳар бир янги маданий қадриятга биз ўзимизда шаклланган маданий қадриятлар нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ижобий ёки салбий, чиройли ёки хунук, адолатли ёки адолатсиз деб баҳо берамиз. Кундалик ҳаётда ҳар биримиз кўпгина бизга манзур ёки номанзур бўлган жараён, воқеаларга дуч келамиз, адабиёт, санъат, кино асарларини яхши ёки ёмон ҳодисалар сифатида баҳолаймиз. Бундай баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, қадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Лекин, аксарият ҳолларда бундай пайтда, айниқса, баҳоланилаётган ҳодиса ўзга

маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимизга сингдирган қадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун бўй-басти билан ўзлигини намоён қиласди.

Кўриниб турибдики, шаклланган, барқарор қадриятлар системаси бир томондан ижобий ҳодисаларни қабул қилиб маданиятнинг бойишига хизмат қилса, бошқа томондан, ўзига зид бўлган ҳодисаларнинг улар хоҳ ўтмишда, хоҳ ҳозирги даврда яратилган бўлсин, кириб келишига йўл қўймайди, қаршилик қўрсатади. Демак, маданиятнинг баҳолаш функцияси туфайли танланиш содир бўлади, маданиятдаги барқарорлик, ҳар бир даврдаги айнийлик, ўзига хослик, айни пайтда, давомийлик, ворислик таъминланади.

Маданиятнинг фалсафий таҳлили маданият ва жамият муносабатининг яна бир томони — жаҳон маданиятининг хилма-хиллиги, ундаги миллий, этник фарқлар, ўзига хосликларининг мавжудлиги масаласини четлаб ўтолмайди. Аввало, бу фарқлар, ўзига хосликлар ер шарининг турли регионлари ўртасидаги алоқалар нисбатан паст, миңтақавий тарқоқлик, ажralганлик ҳукмрон бўлган пайтларда шакллана бошлаганлигини таъкидламоқ лозим.

Бу ўзига хосликларнинг манбани маданиятлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитларидан, босиб ўтган йўлидан қидирмоқ керак. Бу ўзига хосликларда маълум маънода маданиятлар шакллангани ҳудуддаги жуғрофий муҳитнинг таъсири катта бўлишини ҳам назардан қочирмаслик керак.

, Айни пайтда турли уруғ, қабилалар, элатлар, миллатлар маданияти ҳеч қачон бир-биридан мутлоқ ажralган ҳолда мавжуд бўлмаганлигини ҳам унутиб бўлмайди. Маданиятлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида ҳар бир миллий маданиятга ўзга маданият элементлари ҳам кириб келади. Одатда, маданиятларнинг бундай ўзаро бойиши, улардаги умумий томонларнинг юзага келиш жараёнига байналминаллашув (интернационаллашув) деб аталади. Бундай ўзаро таъсир ва ўзаро бойиши жамият ривожланиши тезлашиши билан унга мос равишда ўсиб борди. Айниқса, XX асрда саноат, транспорт ва алоқа воситаларида рўй берган буюк инқилобий ўзгаришлар бу жараённинг янада тезлашувига олиб келди ва маданиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Аммо, вақт бу жараёнларнинг зиддиятли эканлигини ҳам кўрсатадики, у айrim ҳолларда кенг

тарқалған ва нисбатан кучли тараққий қылған маданиятларнинг бошқа миллий маданиятларни сиқиб чиқарғанлигига күринди. Бундай зиддият нафақат айрим миллий маданиятлар ўртасида, балки жаҳоннинг икки маданий қутбига мансуб бўлған Шарқ ва Фарб маданияти ўртасида ҳам келиб чиқди! Бу Шарқ ҳалқлари ҳаётига Фарб турмуш тарзи, маданияти андозаларининг, уларни тарғиб ва ташвиқ қилувчи адабиёт, санъат, кино асарларининг кенг кўламда кириб келиши кўпгина ҳолларда миллий ҳаётда уларнинг устувор роль ўйнай бошлиғанлиги туфайли содир бўлмоқда.

Афсуски, бундай ҳол миллий маданиятимизни ҳам четлаб ўтмади. Чунки яқин ўтмишда собиқ СССРда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойишидек табиий объектив қонуний жараённи нотўғри баҳолаш, бир томонлама талқин қилиш ҳукмрон бўлиб келди. Бу байналминаллашув маданиятдаги миллийликнинг камайиши ҳисобига содир бўлади, деб тушунишда кўринди. Бундай тушуниш натижаси ӯлароқ, миллий маданиятларга, уларнинг ютуқларига беписандлик билан қараш расмий сиёsat даражасига кўтарилди. Миллий маданият тўғрисида ғамхўрлик қилишга интилишга эса аксарият ҳолларда миллатчилик тамғаси босилди. Айни пайтда, байналминаллашув байроби остида рус (оврупа) турмуш тарзини, маданиятини, хулқ-одоб нормаларини миллий ҳаётга жорий қилишга интилиш авж олдирилди, уларни ўрганишлик ва уларга риоя қилишликни юксак маданият белгиси сифатида миллий онгимизга сингдиришга ҳаракат қилинди.

Бу жараён миллий маданиятимиз ривожланишида чуқур салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Эндиликда уларни тутатиш ва келажакда бундай ҳолатнинг бирон-бир кўринишда яна такрорланмаслиги учун ҳамма ишларни қилмоғимиз зарур.

Миллий маданиятдаги ўзига хосликлар объектив реалликдир. Бу ўзига хосликлар миллий маданиятлардаги умуминсоний мазмуннинг бойиши демакдир. Айнан шу маънода маданиятларнинг байналминаллашуви ҳам шунчалик объектив, зарурий, қонуний ва табиийдир.

Маданиятлардаги ўзига хосликлар тарихий жараён хилма-хиллигининг манбаларидан биридир. Ҳар бир маданият яхлит бир ҳодиса сифатида нодир ва бетакрордир. Айнан мана шу бетакрорлик ва нодирлик нуқтаи назаридан барча маданиятлар tengdir.

9. ҚАДРИЯТЛАР, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

а) Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти.

Ўтмишдаги барча фалсафий таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор берилиб, улар ижтимоий тарихий тараққиётнинг маҳсули, жамият маънавий қамолотининг муҳим омили эканлиги курсатиб ўтилади.

Файласуфлар қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни масаласига онтологик, гносеологик, эвристик ва дунёқарашлик нуқтаи назаридан ёндошиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини ўз даври талаблари ва имкониятлари доирасида очиб беришга уринганлар.

Қадриятлар жамият тараққиётининг, моддий ва маънавий бойликлари ривожининг якуни, инсон қамолотининг келажак учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ижобий маҳсулидир.

Инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолияти, моддий ва маънавий муҳит, яшаш шартшароитларининг ривожланиши ворислик асосида содир бўлиб, янги-янги қадриятларнинг шаклланишига, ўтмишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж талаблари асосида ривожланишига олиб келади. Бунинг натижасида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиётнинг имкониятлари ҳам кенгаяди. Жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият деб аталади.

Қадриятлар оламни билиш ва уни амалий узгартиришнинг муҳим омилидир. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади. Қадриятларнинг кўплиги, мазмуни, уларни аниқлаш ва уларга эътиқод қилиш инсоннинг билиш қобилияти ва амалий имкониятлари такомиллашиб, чуқурлашиб, кенгайиб бораётганини ифодалайди. Янги қадриятлар юзага келиши инсоннинг объектив олам, маънавият борасидаги билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир.

Қадриятлар инсон маънавий камолотининг муҳим омили ҳамdir. Ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий қадриятлар жумласига киради.

Қадриятларда улар юзага келган даврнинг руҳи, имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари ўзининг яққол ифодасини топади. Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг қўзгуси ҳамdir. Тарихий тараққиёт жараёнида даврлар ўтиши, шароит ва имкониятлар ўзгариб туриши ҳам қадриятларнинг мазмунида, уларга муносабатда ўз ифодасини топади.

Қадриятларга баҳо беришдан олдин улар юзага келган конкрет тарихий шароитлар, ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билмоқ керак. Кечаги воқеаларни бугунги талаб билан ўлчаш мумкин бўлмаганидек, ҳар бир қадриятнинг ижтимоий аҳамиятини билишга муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиб ёндошмоқ керак.

Моддий ишлаб чиқариш, маънавий тараққиёт эҳтиёжлари қадриятлар шаклланишининг асосий омилариdir. Ҳар бир қадрият қайси замин, эҳтиёж асосида юзага келмасин, юқоридаги омиллар билан бевосита, ёки билвосита алоқада бўлади. Қадриятлар тараққиётидаги ворислик шу тариқа узлуксиз давом этаверади.

Қадриятларнинг шаклланиши, уларга амал қилиш имкониятлари кишилар яшаган муҳит, табиий шароитлар, ишлаб чиқариш усули, касб малакалари, меҳнат фаолиятининг асосий йўналишлари, ёши, жинсий жиҳатлари, турмуш тарзи билан ҳам боғлиқdir.

Умуман олганда, қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир.

Қадриятларнинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд.

Қадриятлар кишиларнинг моддий турмуш даражаси, шароити, имкониятлари асосида шаклланади ва ривожланади. Бу — қадриятларнинг объектив заминидир.

Қадриятлар ижтимоий, моддий, маънавий ҳодиса бўлса ҳам уларнинг аҳамияти ва моҳияти кишиларнинг

уларга нисбатан бўлган муносабати асосида белгиланади. Қадрият деган тушунчанинг ўзи ҳам қадр-қиммат, деган маънони билдиради. Ҳар бир ижтимоий ҳодисага кишилар ўз дунёқараши, тараққиёт ва истиқбол муаммоларини ҳисобга олиб ёндошадилар ва баҳо берадилар.

Қадриятларни баҳолаш турли хилдаги манфаатлар билан ҳам боғлиқdir. Муайян қадриятларга амал қилишга, уларни баҳолашга шахсий, гуруҳий, миллий, умуминсоний манфаатлар ҳам бевосита таъсир этиши шубҳасизdir. Булар — қадриятларга баҳо беришнинг субъектив омили ҳисобланади.

Қадриятларга баҳо беришда жамият аъзоларининг умумий маънавий камолоти, ижтимоий, миллий онгнинг етуклиги ҳам катта аҳамиятга эга. Маънавий жиҳатдан етук шахс, жамият миллий, умуминсоний қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри баҳолаш имконига эгадир.

Қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш кишиларнинг истиқбол вазифаларини тўғри тасаввур қила билиш имконияти билан ҳам боғлиқ. Жамият аъзоларида етук ижтимоий, миллий онг булиши, маънавий камолотнинг юксаклиги қадриятларнинг ривожланиш имкониятларини кучайтирувчи, ижтимоий ва тарбиявий самарадорлигини оширувчи омилdir.

Қадрият ва мерос тушунчалари ўзаро яқин бўлса ҳам улар бир хил маънони билдирмайди.

Қадрият ва мерос бир-бирига узвий bogliқ bулишига қарамай, ҳар қандай мерос қадрият була олмайди. Мерос тушунчасининг моҳияти қадриятга нисбатан кенгdir. Бундан ташқари, қадрият фақат ўтмишдан қолган меросгина эмас. Ҳозирги кун талаблари, янги шароит ва имкониятлар асосида шакланаётган ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий истиқдол мафқурасини ривожлантириш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги вазифалари ва миллат манфаатларига мос келувчи бундай мафкура яратилмоқда. Бу мафкурани яратишда ўтмиш меросидан унумли фойдаланилса ҳам у янги даврда шаклланган қадрият сифатида юзага келмоқда.

Мерос — ўтган авлодлар томонидан яратилган, бизгача етиб келган ижтимоий-маънавий, моддий ҳодисалар, маданий бойликлар, урфу-одатлар, маросим-

лар, ахлоқ нормалари дидир. Мерос тараққиёт учун ҳам зарур омил бўлгандагина, қадрият даражасига қутарила олади.

Мерос билан қадриятларни баҳолаш мезонлари бир-биридан фарқ қиласди. Моддий ва маънавий меросни баҳолашда унинг тарихий шаклланиши шароитлари ва имкониятларини урганишга катта эътибор берилади. Мероснинг ҳозирги кун учун ҳам бўлган аҳамиятини билиш уни қадриятлар жумласига киритишдир.

Ижтимоий тараққиёт доим янгиланиб, такомиллашиб турадиган узлуксиз жараён экан, бунинг негизида муайян қадриятларни баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради.

Қадриятларни баҳолашда тараққиётнинг муайян босқичида майдонга чиқсан ижтимоий кучларнинг манфаатлари ҳам маълум аҳамият касб этади. Қадриятларга тор сиёсий, гуруҳий, синфий манфаатлар асосида ёндошиш уларнинг аҳамияти ва имкониятини но туғри талқин қилишга олиб келади. Ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги асосий масала — айрим, тор мақсадлар билан боғланган қадриятларни байроқ қилиб қутариб юришда эмас, балки истиқдол ва тараққиёт манфаатлари йўлида улардан онгли фойдалана билишдадир.

6) Қадрият турлари.

Қадриятлар моҳияти жиҳатидан моддий ва маънавий қадриятларга бўлинади. Инсон кучи, ақли-заковати билан яратилган табиат гўзалликлари, архитектура, санъат ва маданият асарлари — барчаси моддий, яъни ноосфера қадриятлар жумласига киради. Ахлоқ, одоб, билим, илм, малака, иймон, инсоф, эътиқод ва бошқалар маънавий қадриятлар. Моддий ва маънавий қадриятлар бир-бири билан боғлиқдир. Улар ўз навбатида, қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Қадриятларнинг бу турига иқлим шароити, табиат гўзалликлари, миллий-давлат аҳамиятига молиқ бўлган қўриқхоналар, табиатнинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлари киради. Табиий муҳит шароити ва имкониятлари ҳам инсон эҳтиёжлари, яшаш имкониятлари билан тақозолangan тақдирдагина қадрият, деб баҳоланади. Шу маънода олиб қараганда, табиат шароитларини қад-

рият деб қараш унга маълум мақсад ва манфаат асосида ёндашаётган инсон томонидан берилган баҳодир. Табиатнинг инсон манфаати асосида ўзлаштирилган, ўзгартирилган қисми ҳам қадриятдир.

2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён буладиган ахлоқий қадриятлар.

Бу қадриятлар асосан объектив тараққиёт ва субъектив руҳиятнинг ифодаси бўлиб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, турмуш тарзи ва фаолиятида, юриш-туришида, ахлоқи ва одобида кўзга ташланади. Ахлоқ инсоннинг ички руҳий эътиқоди, одоб эса унинг амалда намоён булишидир. Турли урф-одатлар, маросимлар кишиларнинг кундалик турмуш тарзида, ахлоқий қадриятлар эса уларнинг юриш-туриши, ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Маънавий камолотни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳам олий қадрият ҳисобланади.

3. Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён буладиган қадриятлар.

Бу қадриятлар инсоннинг меҳнат малакалари, ижтимоий қизиқишилари, меҳнат маҳсулоти турларини яратиш соҳасидаги амалий имкониятлари, билими, истеъоди ва қобилиятларида. Рассом кўлида қалам ушлагани учун эмас, балки тажрибада шаклланган билим ва истеъодод эгаси бўлгани учун ҳам буюк санъат асарларини яратади.

Баъзи шароитларда яшаган халқлар кўпроқ савдо, тижорат, хунармандчилик билан банд бўлган. Бундай фаолият асрлар давомида амалга ошиши фаолиятнинг маълум хилларига интилиш ва қизиқишининг авлоддан авлодга утадиган кўникмалари, малакаларини келтириб чиқаради. Шу асосда шаклланган қадриятларни соғ миллий қадрият деб бўлмайди. Бундай қадриятлар яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари тарихан бир-бирига яқин бўлган барча халқларда учрайди.

Ўзбеклар асрлар давомида Ўрта Осиёning кўплаб халқлари сингари савдо, тижорат, деҳқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Меҳнатга ҳурмат билан қараш, деҳқончилик, савдо, хунармандчилик, тижорат ишларига интилиш ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган. Доим ҳалол меҳнат билан банд бўлган ўзбеклар, оғир шароитларга тушиб қол-

гандада ҳам, дунёning бирор мамлакатида хор-зор бўлган эмас.

Савдо ва тижорат ишига кўпроқ иштиёқ билан қараш яхши яшашга, мўмай пул топишга интилиш эмас, балки минглаб йиллар давомида кишиларнинг эътиқодига сингиб кетган, ҳунар, қасб билан боғлиқ бўлган анъаналар ва қадриятларга амал қилишнинг ифодасидир. Бу — абадий, узгармас ҳолат эмас. Давр утиши, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий шароитлар узгариши билан миллий фаолликнинг шакллари ҳам узгариб, та-комиллашиб бораверади.

4. Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, хайриҳоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўлаётган қадриятлар.

Инсон тирик мавжудот сифатида табиатнинг маҳсулидир. Лекин у инсон сифатида фақат жамиятда, одамлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар таъсирида шаклланади. Жамоадан ажралиб қолиш кишиларда худбинлик, жамиятдаги ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни менсимаслик сингари хислатларни кучайтиради. Бинобарин, одамлар жамоаси ўртасидаги инсонпарварликка асосланган муносабатларнинг камол топиши ҳам жамият ва шахс камолотининг энг муҳим омилларидандир. Узбеклардаги маҳалла-куйчилик, қуни-қўшничилик, қариндош-уругчилик, дуст-биродарлик одатларида одамлар ўртасидаги муносабатларни юксак инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этишга имкон берадиган жиҳатлар кўпдир. Бундай муносабатларда намоён буладиган қадриятлар дунёдаги барча ҳалқларда ҳам бор. Лекин улар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса ҳам, шакл борасида турли-тумандир.

5. Кишиларнинг ёши, қасби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Албатта, қадриятларнинг бу туркумини алоҳида ажратиб олиб қарамаса ҳам бўлади. Лекин инсон ҳаётининг турли даврлари, фаолият соҳаларига назар ташлар эканмиз, бу соҳаларда ҳам эътиборга сазовор бўлган қадриятлар ва уларнинг мезонлари борлигини кўрамиз.

Чорвадор белоён далаларни, деҳқон эса суғориш мумкин бўлган ерларни кўпроқ қадрлайди. Кишилар бирор ижтимоий, табиий нарса ва ҳодисага кўпинча ўз қасб-ҳунарлари, манфаатларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Қадрланган нарсагина қадрият бўлганидек,

қадрлашнинг ўзи ҳам қатор ижтимоий, иқтисодий, табиий омиллар билан белгиланади. Ўзбек аёллари асрлар давомида атлас кўйлакни қадрлаганидек, эркаклар кўк, қора, йул-йул бекасам ва сатиндан тикилган чонларни қадрлаб келганлар. Ёшларнинг модаларга, мусиқа ва ашуланинг шўх турларига эътиқод кўйиши ҳам қадриягларга нисбатан бўлган мезонларнинг ёш, кайфият билан боғлиқ бўлган жиҳатлариdir. Кекса кишилар кўпинча насиҳат билан боғланган, чуқур фалсафий гояларни билдирадиган куй ва ашулаларни ёқтирадилар. Ёшларни эса куй ва ашулаларнинг кўпроқ ўйин-кулги билан боғлиқ бўлган томонлари ўзига жалб этади. Лекин ёш утиши билан миллий руҳият ёшларнинг қалби ва эътиқодида тобора катта ўрин олабошлайди.

Ёшлар ва кексалар, эркаклар ва аёллар, турли касб эгалари учун хос бўлган қадриятлар ҳам моҳияти жиҳатидан жамият ва инсон камолоти учун хизмат қиладиган маънавиятдир.

Юқорида баён этилган қадриятлар, ўз навбатида, умуминсоний, минтақавий, миллий, диний қадриятларга бўлинади.

Умуминсоний қадриятлар жаҳон цивилизациясининг яхлитлиги, унинг барча босқичлари бир-бири билан узвий боғланганлигининг ифодасидир.

Сайёрамизда яшаган, яшаётган барча кишилар миллати, ирқи, ижтимоий груҳи, ёшидан қатъий назар, туғилади, яшайди ва ўлади. Кишиларнинг турмуш шароитларида, касб-ҳунарида, фаолиятида, ёшида фарқ бўлса ҳам, уларнинг ҳаммасида бир-бири билан боғлиқ бўлган туб моҳиятли жиҳатлар ҳам бор. Ҳар бир инсон яхши яшашга, оила қуришга, фарзанд куришга, бошқалар билан яқин дўст, қадрдон булишга интилади, фаровон турмуш қуришга, маданият, фан, техника ютуқларини эгаллашга, баҳтли булишга ҳаракат қилади. Умуминсоний қадриятларнинг илдизлари барча даврлар, жамиятлар, мамлакатларда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар, кишиларнинг меҳнати, турмуш шароити ва унинг даржаси, ният ва интилишлари, мақсад ва манфаатларидаги бирликдир. Ҳар бир давр, мамлакат ва миллатнинг бу соҳалардаги ўзига хос жиҳатларидан ташқари умумий томонлари ҳам бор. Умуминсоний қадриятлар деб барча инсонларнинг тарихи, мероси, истиқболи, истиқболи ва манфаатларида мавжуд бўлган туташ,

умумий заминлар ва манфаатлар асосида ташкил топган, тараққиётнинг янги босқичида ҳам барчанинг манфаатига мос келадиган ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳодисалар ва бойликларга айтилади.

Умуминсоний қадриятлар қандайdir ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний қадриятлар одамларни жислаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотнинг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний қадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўпприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч вазифасини утайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний қадриятлар барча халқларнинг маданиятини яқинлаштиради ва уларни тезроқ камол топишга имкон яратиб беради.

Умуминсоний қадриятлар инсон маънавий, ижтимоий камолотининг қандайdir алоҳида, бошқалардан ажралган томони эмас. Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятларнинг умумлашган ифодасидир. Умуминсоний қадриятлар бутун инсониятга хос қадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади, улар айни вақтда барча миллий қадриятларнинг бир-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қиласди.

Инсонпарварлик фояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дустлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир.

Бу қадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жиҳатлар, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат булиб, улардан оқилона фойдаланиш республикамизни

жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига ҳам хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудлик ва калондимоғлилкка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Умуминсоний қадриятлар маҳаллий шароит, имкониятлар, тарихий анъаналар билан боғланганда-гина керакли самара беради.

Минтақавий қадриятлар ҳам умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланган.

Қадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқларда учрайди. Бу қадриятлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатганлар. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умуминтақавий қадриятлар шаклланишига олиб келган. Бу қадриятлар турли жойларда бир-биридан бироз фарқ қилса-да, моҳият жиҳатидан яқиндир.

Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, қариндош-урӯзлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, сахийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши анъана бўлса ҳам улар турли жойларда бир-биридан фарқ қилади.

Кексаларни, ота-онани ҳурмат қилиш ҳам Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос юксак маънавий бойлигидир.

Кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат бера оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гапига, панд-насиҳатига қулоқ солиш ҳам катта маънавий қадриятдир. Ота-она ҳеч вақт ўз фарзандига ёмонлик раво кўрмайди. Улар ҳаётда куп оғирлик, енгилликларни кўргани сабабли, фарзандларининг истиқболини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар. Баъзан ота-оналарнинг насиҳатлари ноқобил фарзанд-

ларга оғирроқ туюлади. Бу – ҳаётни чуқур билмаслик, ҳаётнинг турли жараёнларига енгил-елпи қараашнинг оқибатидир. Фарзандлар ота-онанинг қадрини ўзлари ота-она бўлганидан кейингина фаҳмлаб оладилар. Бу ичида улар маънавий камолотнинг кўп имконият-давр ҳар кўнглини кўлдан бой берип қўядилар. Шунинг учун улкан ларини қадрият бўлмиш ота-онани ҳурмат қилиш маънавий қадрият асло унутмаслик керак.

Ота-она га бўлган ҳурмат дунёдаги барча халқарда учрайди. Лекин бизнинг минтақамида бу қадриятни эъзозлаш бошқа ҳамма жойлардагига нисбари турди. Ҳашар йули билан уй-жой кутан устуноқ турди. Ҳашар йули билан уй-жой кутанини кўрсатиш, етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, уларни қариндош-уруғлар ўз ҳимоясига олиб, хору зор булиб қолишига йул қўймаслиги ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос қадриятдир.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий қадриятлардан яна бири – жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-биринга яқинлик, узаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Қадриятларнинг энг муҳим турларидан яна бири – миллий қадриятлардир.

Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар билан бирликда мавжуд бўлади. Умуминсоний ва минтақавий қадриятлар миллий қадриятларнинг куп томонларини ўз ичига олади. Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар таъсирида кенг ривожланиш, такомиллашиб имконига бўлади. Улар ўртасидаги мунтазам давом этиб бора-эга бўлади. Улар дигорада муносабат жаҳон цивилизацияси ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маниши, ахлоқий ва психологик фазилатлари, яшаданияти, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолияти бишароити, боғлангандир. Миллий қадриятларнинг ҳар бир кўринишими узоқ тарихий тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятларини чуқур ўрганиш орқалигини тўғри тушиб олиш мумкин.

Миллат мавжуд экан миллий қадриятларнинг аҳамияти асло камаймайди. Миллатларнинг маънавият жиҳатидан бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам миллий

Қадриятларнинг ривожланиш ва амал қилиш имкониятларини камайтирмайди, балки кенгайтиради. Умуман олиб қараганимизда, миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳиятини, унинг муайян мустақил ижтимоий этник бирлик эканини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир.

Албатта, миллатнинг социал таркибида ўзгаришлар бўлиши, турли халқлар ўртасидаги алоқалар яқинлашиб бориши миллий қадриятлар ўсиб, кенгайиб боришига хизмат қиласи. Лекин янги шароитларда, янгича талаб ва эҳтиёжлар асосида шакланаётган қадриятларда ҳам миллийлик қиёфаси сақланниб қола беради. Янги вазиятларда шакланаётган қадриятлар миллийлик жиҳатларини ўзига сингдирганидагина ҳаётга кенгроқ, тезроқ сингиш имконига эга бўлади.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларини ривожлантириши ва уларга амал қилишида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг аҳамияти каттадир. Миллий руҳият ва маънавиятдан маҳрум бўлган кишилардагина ўз тили, тарихи, анъаналарига нигилистик муносабатда бўлиши мумкин. Агар шундай аҳвол маълум сиёsat таъсирида кенгайиб борса, миллат бирлиги ва камолоти учун ниҳоятда хатарли бир ҳол юзага келади.

Албатта, ҳар бир халқ ўз миллий қадриятлари қобигидагина ўралиб қолмаслиги керак. Бундай йўлдан борилганида миллатнинг тараққиёти суръатлари пасаяди.

Миллий маҳдудлик ва миллий калондимоғлилк ҳеч вақт маънавий, ижтимоий камолот омили бўлган эмас. Бошқа миллатларнинг қадриятларини ўрганиш ҳамма вақт ҳам тараққиётнинг омилларидан бири бўлиб келган.

Қадриятлар қанчалик бир-бирига яқинлашиб, таъсир кўрсатмасин, ҳар бир миллат учун маънавий камолотнинг асосий йули ва меъзони миллий қадриятлар бўлиб қолади. Бирон миллатнинг яхши урфодатлари, маросимлари қачонки бошқа миллат руҳига, миллий маънавий эҳтиёжи ва талабларига мос келгандагина шу миллат ҳаётида чуқур томир отиш имконига эга бўлади.

Сўнгги бир асрга яқин давомида ўзбек рақсларида, куйларида, ашулаларида жуда катта ўзгаришлар бўлганини инкор этиб бўлмайди. Бу ўринда Оврупа, Россия, Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатлари маданиятининг таъсири ҳам катта бўлди. Ҳозирги ўзбек

рақслари, куйлари, қушиқлари классик маданий меросининг айнан ўзи эмас. Рақсларда Оврӯпа, Осиё рақс маданиятларининг кўп жиҳатлари сезилиб туради. Бу жиҳатдан ўзбек халқининг рақс маданияти борасидаги қадриятлари анчагина бойиди. Лекин моҳият жиҳатидан рақсларимиз асосан миллийлик руҳини сақлаб қолди.

Ўзбек миллий куйлари ҳам бугунги кунда мумтоз маданий меросни ўзида мужассамлантирган ҳолда жаҳон маданиятининг бу борадаги кўп жиҳатларини ўзига ижодий сингдириш асосида ривожланиб бормоқда.

Миллатнинг руҳияти, тарихий анъаналари, маънавий эҳтиёжига мос келмайдиган бегона қадриятларни унга зўрлаб сингдириш мумкин эмас. Айниқса, бой тарихий меросга эга бўлган халқлар маънавий ҳаёт борасидаги зўравонликни руҳан қабул қилмайдилар.

Халқларга янги маънавий қадриятларни сингдириш учун аввал, уларга нисбатан эҳтиёж туғдирмоқ керак. Маънавий эҳтиёжсиз, тарихий анъаналарни эътиборга олмай сингдирилмоқчи бўлган қадриятлар миллатнинг ҳаётида маълум ўрин олса ҳам, унинг руҳиятига сингмайди, бинобарин қалбидан ўрин олмайди.

Ҳар бир халқ қадрлаган нарса ёки ҳодиса, биринчи навбатда, унинг миллий маънавияти билан боғлиқ бўлади.

Миллий қадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади.

Умуминсоний, минтақавий, миллий қадриятлар билан бир қаторда, диний қадриятлар ҳам мавжуддир.

Диний қадриятлар ҳам жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитлардаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади.

Диний қадриятлар умуминсоний, минтақавий қадриятларнинг қандайдир алоҳида, бошқалардан кескин ажralиб турувчи соҳаси эмас.

Маълумки, ҳар қандай дин ҳам ҳаёт талаблари, турмуш шароити ва эҳтиёжларидан ажралган ҳолда пайдо бўлмаган. Барча динларнинг келиб чиқишига маълум тарихий даврлардаги ижтимоий, сиёсий, гоявий шароитлар, улар билан боғланган эҳтиёжлар сабаб булган.

Динларнинг келиб чиқишига асос бўлган сабабларни ижтимоий ҳаётнинг ўзидан изламоқ керак. Реал ҳаёт воқеалари, эҳтиёжлари илоҳийлаштирилганида, моҳияти, содир булиши сабаблари илоҳий кучларнинг иродаси билан боғланганда гина диний тус олади.

Ислом дини шаклланаётган даврда Мұҳаммад алайхиссалом араб қабилалари орасида кенг тарқалган кўплаб урф-одатлар, маросимлар, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга илоҳий тус бераб, уларни янги диннинг ажралмас қисмига айлантириди. Арабларнинг юриш-туриши, одоби ва ахлоқи, оиласирий ва қабилавий муносабатлари борасидаги кўплаб қадриятлари ислом динининг таркибий қисми булиб қолди.

Шаърий ҳукумларга кирган ахлоқ ва одоб, ҳалоллик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ҳақидаги кўплаб ғоялар ислом динидан олдин ҳам қадриятлар сифатида сақланиб келган эди. Бу қадриятлар ислом динининг таркибий қисмига айланниб, уларга риоя қилмаслик жамият олдидагина эмас, балки худо олдидаги гуноҳ сифатида талқин этила бошлангач. Натижада ислом дини билан боғлиқ бўлган бу қадриятларга ҳам риоя қилишлик масъулияти кучаяди. Дин муқаддас, деб эътироф қилган қадриятларни тан олмаслик, ёки уларга риоя қилмаслик гуноҳ, дўзах сингари тушунчалар билан боғланди. Шундай қилиб, диний тус олган ҳаётий қадриятларга риоя қилишнинг зарурияти ҳам кучайди.

Ахлоқий, ҳуқуқий қадриятларнинг кўплари Куръони Каримда, ҳадисларда ҳам катта ўрин олган. Ҳадисларда баён қилинган ахлоқий нормалар инсон камолотига катта ижобий таъсир курсатиши шубҳасизdir. Мұҳаммад алайхиссаломнинг кўпгина ахлоқий фазилатлари, оиласига, фарзандларига, ёру дўстларига муносабати ҳам ҳадисларда катта ўрин олиб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қадриятларга айланган. Ҳадисларда, шаърий ҳукумларда ўртага ташланган барча ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлардан ҳозир ҳам тарбиявий омил сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида диний қадриятларнинг барча томонларини тўла инкор этиш йўлига ўтиб олиб, жамият маънавий камолотини таъминлашнинг кўпгина имкониятларидан маҳрум булиб қолдик. Диний қадриятларнинг мазмунида миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг кўпгина жиҳатлари борлигини билмаслик, маънавий жоҳиллик ботқофига бо-

тиш жамиятимиз бошидан кечирган кўпчилик йўқо-тишларга сабаб бўлди.

Динлардаги ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга бўлган кўплаб қадриятларни фанатизм, бидъат ва хурофотдан ажрата билмоқлиқ керак. Диний қадриятлар ва умуман диний таълимотнинг кўплаб томонларига нисбатан бўлган бундай оқилона муносабат ўрта асрлардаёқ шаклланган эди. Ўрта Осиёлик кўплаб олимлар, маърифатпарварлар диний қадриятларни хурофот ва бидъатдан ажратиб олишга, диннинг ҳаётий томонларини ҳақиқий ижтимоий ва маънавий камолотнинг муҳим заминига айлантиришга ҳаракат қилиб келганлар. Буюк мутафаккир шоир Умар Хайём, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқалар ислом динига катта ҳурмат ва ихлос билан қараган бўлсалар ҳам, улар хурофот тусини олган мероснинг барчасига кўзни юмиб, кўр-кўронга ёндошиши мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтганлар.

Қадриятларга баҳо беришнинг бош мезони — тарих сабоқлари, тажриба, ҳозирги давр ва истиқдолнинг талаблари, эҳтиёжлариdir.

Қадриятларга ақидапарастлик, қироатхонлик, кўр-кўrona сифиниш йўли билан эмас, балки соғлом ақл, фан ютуқлари, ижтимоий-маънавий тараққиёт талаблари ва имкониятларига асосланиб ёндошмоқ керак.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши, тоталитар буйруқбозлик тузумининг мафкуравий ҳукмронлигига барҳам берилиши диний қадриятларга нисбатан янгича ёндошишга имкон яратди. Кўпгина диний маросимлар тикланди, фуқаролар ўзларининг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган маросимлар, урфу одатларни тусиқларсиз амалга ошира бошладилар. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги масчитлар қурилди, эскилари таъмирланди. Қурбон ҳайит, рамазон ҳайити сингари маросимлар ҳамма ерда амалга ошириладиган оммавий байрамларга айланди. Ўзбек халқининг ҳозирги миллий қадриятлари тизимини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

в) Қадриятларнинг тарбиявий аҳамияти.

Қадриятлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш ёшларда миллий ғуур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил тараққиёт

йўлига ўтган ҳозирги шароитда ватанпарварлик тарбияси катта аҳамият касб этмоқда. Ватанпарварлик — ўз ватанини вижданан севиш, унинг тараққиёт йули ва истиқдолини англаб олиш, манфаатларини ҳамма соҳаларда ҳимоя қилишда фидойлик намуналарини кўрсатишдир.

Бу борада үлкамиз тарихида намуна оладиган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўплаб қадриятлар бор. Ота-боболаримиз ватанини ажнабий босқинчилардан ҳимоя қилиш учун асрлар мобайнида мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатгандар.

Ватанпарварлик фақат қўлига қурол олиб ватан учун курашиш эмас. Фан, маданият, амалий меҳнат малакаларини чукур эгаллаб, Она юрт довругини оламга ёйиш ҳам ватанпарварликдир. Кўплаб буюк ватандошларимиз фан, маданият, юксак амалий санъат малакаларини эгаллаб, ривожлантириб ўз ватанларининг обрўсини оламга ёйганлар.

Миллий ифтихор ҳам миллий қадриятларни тұла англаш, улар билан фахрланишдир. Ватанпарварлик ва миллий ифтихор бир-бири билан боғланган қадриятлардир. Юксак миллий ифтихор заминидагина ватанпарварлик бўлиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистон учун ҳақиқий ватанпарвар, фидой ёшлар керак. Шундай ёшларни тарбиялашга замин бўладиган миллий қадриятларимиз ниҳоятда кўп. Улардан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик фақат тарихий ўтмишни чукур англашдан иборат эмас. Бу уринда ватанимиз олдида турган ҳозирги вазифалар ва уларни бажариш имкониятларини билиш, бу борада жонбозлик, фидойлик намуналарини кўрсатиш ҳам керак. Бозор муносабатларига ўтиш кишиларда шахсий интилиш, манфаатдорлик хислатларини ҳам кучайтириди. «Ўзинг учун ўл етим», деган ғоя асосида фаолият кўрсатиш ҳоллари кучайиб бормоқда. Лекин ҳозиргидек масъулиятли, тарихий бурилиш палласида шахсий манфаатдорлик кайфияти қанчалик кучаймасин, Ватан, Истиқлол масалаларини сояда қолдириб бўлмайди. Она Ватан озод ривожланиб, жаҳон тараққиётининг юксак босқичларига кутарилган тақдирдагина инсон ўз манфаати билан боғлиқ бўлган ишларни ҳам тез амалга ошириши мумкин.

Ахлоқий тарбия борасида ҳам миллий қадриятларимиз ниҳоятда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбекларда оилада, жамоатчилик ўртасида бола тарбиясини амалга оширишда катта тажриба бор. Бу тажриба асрлар давомида синовдан утиб, миллий қадриятга айланиб кетди. Бу қадриятлар болаларда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, камтарлик қаби хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Миллий педагогиканинг бу борадаги мероси ҳам буюк қадриятдир. Шу сабабли ҳам ўзбек ёшлари ўзининг тарбияси, меҳнатсеварлиги, катталарга ҳурмат-эътибори, камтарлиги, андишалиги, ҳалоллиги билан ажралиб туради.

Экологик маданиятни шакллантиришда миллий тарбия анъаналарига оид қадриятларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўзбек оилаларида болалар ёшлигинданоқ кўча супуриш, ҳовли тозалаш, сув сепиш, дараҳт экиш ва парвариш қилишга ургатилар эди. Сувни ифлос қилмаслик, ахлатни ҳамма жойга ташламаслик ҳам улкан миллий қадриятга айланиб кетган. Ўлкамиздаги экологик вазият анча оғирлашиб қолган ҳозирги шароитда бу қадриятлар ҳам катта тарбиявий омил булиши мумкин.

Ўзбек қизларини меҳнатсеварлик, камтарлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта тарихий анъаналаримиз бор. Номус, иймон, қизлик иффатини юксак тутиш одати ҳам улкан миллий қадриятдир.

Қадриятларга холисона ёндошиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш ҳозирги кундаги кўплаб долзарб муаммоларни ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Қадриятлар масаласи фалсафий таълимотларда катта ўрин тутиши ҳам уларнинг шу жиҳатлари билан тақозо қилинади.

Ўзбек халқининг тарбия тизимида тарихан таркиб топган ўзига хос хусусиятлари борки, улар туфайли ёшларимиз бошқа миллат ёшларидан ажралиб туради. Масалан, ота, она фарзандининг бирон бир шармандали хатти-ҳаракатидан уялиб, шундай дейди: «Мени иснодга қўйдингку, жон болам. Мен энди эл-юрт юзига қандай қарайман, маҳалладан чиқиб кетмасам булмайди». Бу сўзлар замирауда ўз обрўйи, оила обрўйини сақлашга қаратилган муқаддас тушунча — ориятлилик ётади. Номуслилик, ориятлилик ҳам муҳим қадриятдир.

10. ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

1. Глобал муаммоларнинг моҳияти ва хиллари

Инсоният жамиятининг тараққиёти ҳеч қачон ва ҳеч қаерда осон, бетусиқ кечмаган. Ҳар доим ва ҳамма даврларда жамият олдида муайян муаммолар кўндаланг булиб турган. Булар, бир томондан, табиат стихиясининг натижаси ўлароқ намоён бўладиган ер силкинишлари, сув тошқинлари, қурғоқчилик, қуёш радиацияси узгариши билан боғлиқ турли эпидемик касалликлар ва ҳоказолар бўлса, иккинчи томондан, инсон фаолияти натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётга оид бўлган антропоген муаммолардир.

Жаҳон миқёсида юз берган жараёнлар таҳлили шуни курсатадики, ҳозирги вақтда инсоният учун ўткир, долзарб булиб турган глобал муаммолар қуидагилардан иборат:

а) Ер юзида тинчликни таъминлаш ва ялпи қирғин урушларини олдини олиш (уруш ва тинчлик муаммоли);

б) атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо);

в) аҳоли сонининг орта бориши билан ишлаб чиқариш ривожланиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо);

г) ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва энергия манбалари билан ишончли таъминлаш;

д) очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланган ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;

е) хавфли касалликларни тугатиш;

ё) инсон маънавий-ахлоқий муҳити соғлигини таъминлаш (этиология муаммоси) ва бошқалар.

Бу муаммоларнинг ҳар бири у ёки бу даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий нуқтаи-назардан илмий таҳлил этилган. Айни вақтда давримизнинг умумбашарий муаммоларини фалсафий талқини ҳам илмий адабиётларда ўз ифодасини топмоқда.

Глобал муаммоларни фалсафа нуқтаи назаридан урганишда даставвал уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўлларини умумметодологик жиҳатларини тадқиқ этишга эътибор берилмоқда. Бунинг учун бу муаммоларни таҳлил қилишда фалса-

фанинг тарихийлик, мантиқийлик, тизимиийлик каби тамойиллариға сүянилмоқда. Глобал муаммолар инсоният ривожланишининг натижаси ҳисобланса-да, ҳозирги замон шароитида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ҳам оқибатидир.

Келиб чиқиши, чуқурлашиб бориши, қулами ва ҳал этилишининг мураккаблиги жиҳатларига кўра уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчиси, мавжуд ижтимоий тузумнинг табиати, турли минтақа давлатларининг хилма-хил манфаатлари билан тақозо этилган муаммолар.

Иккинчи гуруҳи, «инсон — жамият» тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар.

Учинчиси, «жамият — табиат» тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар.

Глобал муаммоларнинг турлари ўзаро қанчалик фарқланса-да, бу соҳалардаги умумийлик, даставвал, бутун инсониятнинг ҳаёти шарт-шароитлари, имкониятлари ва истиқболи масалалариридир.

Иккинчи томондан, улар у ёки бу даражада ҳозирги даврнинг бош омили — фан-техника инқиlobи билан алоқадордир, яъни унинг оқибатидир. Бизнинг давримизда фаннинг ривожланиши суръатлари ғоят қаттадир. Фанда эришилган кашфиётлар тезда янги техника воситалари яратишни таъминласа, ўз навбатида техника ривожланиши ҳам фанда янги ўзгаришлар содир этишга жиддий туртки бермоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ эришилган кашфиётлар муайян мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу эса глобал муаммоларнинг янада ўткир, долзарб булиб туришига олиб келмоқда.

2. Жамият ички жараёнлари туғдирган глобал муаммолар

Ер юзида инсон пайдо бўлгандан бери кишилар турлича маданий даражаси, хоҳишистаклари ва ҳоказолари билан бир-биридан фарқ қилиб келганлар.

Инсоният ўзининг бир ҳаёт тарзидан иккинчисига, масалан, кўчманчи чорвачиликдан дэҳқончиликка ўтиши жараёнида тайёр маҳсулотларни истеъмол қилишдан, уларни қайта тайёrlаш ва экин экиб, уларни янгитдан этиштиришга ўтиши билан ижтимоий муносабатлар ривожланиб кетди. Хусусий мулкчилик муносабатларининг қарор топиши билан кишилик жамиятияда

хукм сурган содда куринишдаги ижтимоий тенглик барҳам топиб, унинг ўрнига маҳсулот олиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар юзага келади. Кишилар ижтимоий ҳаётининг ташкил этилганлиги жамият илгарилама ҳаракатида нотекислик ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда урушлардан восита сифатида фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда энг катта глобал муаммо бўлган уруш ва тинчлик муаммосини ана шу тарзда жамият ички ривожланиши жараёнлари майдонга келтирган.

Маълумки, уруш ва тинчлик муаммоси мамлакат ичида ёки унинг ташқарисида, мамлакатлар ўртасидаги мунозорали масалаларни ҳал этишда сиёсий зўравонлик ишлатиш, ёхуд уни истисно этишни билдиради. Тинчлик халқларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умиди бўлса, уруш эса, аксинча, ҳукмрон кучларнинг сиёсати оқибатидир. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришиба, сўнгги 6 минг йил давомида, ер юзида 15 мингдан зиёд урушлар содир бўлган. Шу давр ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган.

Америкалик олим Р. Кларкнинг «Уруш илми ва тинчлик» китобида келтирилган маълумотларга кўра, турли даврларда юз берган урушлар таҳдили шуни кўрсатадики, 1820—1859 йилларда ер юзида 1 млрд. аҳоли яшаган, 92 урушда 800 минг киши ҳалок бўлган, 1860—1899 йилларда 106 урушда 1,3 млн., 1900—1949 йилларда эса 117 та урушда 142,5 млн. одам қирилиб кетган. Кўриниб турибдики, урушлар ва қурбонлар сони аҳолининг ўсишига қараганда тезрөқ ўсган. Китобда кўрсатилишиба, урушлар ва ҳалок бўлган кишилар сонининг ошиб бориши натижасида шундай кун келадики, Сайёра аҳодиси урушларда қирилиб кетиши мумкин. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда сиёсий манфаатларнинг устунлиги урушларнинг келиб чиқишига имкон туғдиради.

Бизнинг давримизда ҳам мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар соҳаларида зўравонликка интилиш, бунинг учун ялпи қирғин қуролларини кўплаб ишлаб чиқиш билан ҳарбий устунликка эришиш у ёки бу давлатлар ташки сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда Шундай бир вазиятда, термоядро урушига йўл қўйилгудек бўлса, жаҳон миқёсида шундай ҳалокат юз берадики, унинг натижасини ҳисоб-китоб қиладиган мавжудотнинг ўзи бўлмай қолади. 1945 йил 6 ва 9 августида иккита кам қувватли атом бомбасининг аме-

рикаликлар томонидан Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устида портлатилганлиги оқибатлари ҳам буни яққол кўрсатган эди.

Инсониятга 50 йилдан кўпроқ вақтдан бери хавф солиб турган атом даҳшати оқибатларини математиканинг ҳозирги ютуқлари асосида моделлашириш кўрсатдикি, бизнинг давримизда тўпланган 50 мингдан ортиқ ядро зарядларини 100—150 мегатонна (Хиросимага ташланганидан 10—15 марта катта) қувватга эга бўлган қисми (битта атом сув ости кемасидаги портловчи модда 200 мегатонна) портлатилса, Америка, Оврупа ва Осиёдаги асосий шаҳарлар ёнгин остида қолиб кетиши, бир ойдан сунг ер устидаги атмосфера ҳарорати 15°—20°, Сибирь марказида ва айрим минтақаларда эса 40°—45° пасайиб унинг айланиши (циркуляцияси) мутлақо ўзгариши, Шимолий ярим шардан жанубга қараб тарқалган нур утказмайдиган қора қатлам бутун сайёрани қоплаб олиши юз беради. Чучук сувнинг барча манбалари музлайди, барча экологиявий алоқалар узилади, ҳосил ҳалок бўлади. Ер устидаги ҳаёт тугайди. Афтидан, океанларда ҳам шу ҳодиса рўй беради. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, ядро қуроли сиёsat воситаси, ва ҳатто уруш воситаси ҳам бўлмай, балки инсоният учун ўз-ўзини ҳалок этиш қуролидир.

Бунда яна шуни эътиборга олиш керакки, ядровий фалокат тасодифий юз бериши учун ҳам моддий замин яратилган: масалан, техникавий хато, сиёсий янглишиш, қарши тарафнинг ниятларини нотўғри тушуниш ва ҳоказолар. Шунингдек, жаҳон океанида автоном кезиб юрган атом сувости кемасидаги тугмачани босиб юборишни тасаввур этиш мумкин.

Глобал муаммо сифатида тинчликни таъминлаш ҳарбий харажатларни кескин камайтиришни ҳам тақозо зо этади. Негаки, 1900 йилдан бери ҳарбий ишга ажратилган маблаглар 30 мартадан кўпроқ ошиб, 90-йиллар бошида 500 млрд доллардан ҳам юқори бўлди. Ҳарбий ёки у билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳаларида 60 млн. киши фаолият кўрсатган. Жумладан, мунтазам қўшинларда 25 млн. дан ортиқ шахсий таркиб, 10 млн. ярим ҳарбий қўшилма, ҳарбий муассасаларда ишловчи 5 млн. фуқаровий касб эгаси бор.

Ҳозирги вақтда оддий қурол яроғларнинг ҳам вайронлик келтирувчи кучи ядро қуроли даражасига яқинлашиб қолмоқда.

Жаҳондаги ҳозирги вазият нафақат ялпи қирғин ва оддий қурол-ярголар захираси түпданаётганлиги билан, балки чуқур ижтимоий ўзгаришлар билан ифодаланади. Булар, биринчи навбатда, собиқ социалистик давлатларда юз берган йирик воқеалар натижаси, биринкита социалистик «оролчаларни» ҳисобга олмагандан, ўтган аср дөгмаларига асосланиб яратилган ижтимоий тузумнинг тарих саҳнасидан кетиши, анъанавий капиталистик деб аталган мамлакатлардаги чуқур ички ўзгариш, жаҳон халқарининг сайёравий тақдири ягоналиги түғрисидаги сиёсий тафаккурнинг тобора кенг тушуниб ва қабул қилиниб бориши ва ҳоказолардир. Натижада, жаҳонда ҳарбий-сиёсий, шу жумладан термоядровий қарама-қарши турган кучлар ўртасидаги антагонистик зиддият томонлардан бирининг барҳам топиши билан ўз аҳамиятини йўқотди. Жаҳон ҳамjamиятида муайян ижтимоий-сиёсий умумийликка эришилмоқда, тинчлик инсоният учун олий неъмат сифатида тобора тан олинмоқда ва ҳ. к.

Сайёрада глобал тинчликни таъминлаш эҳтиёжлари 130 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий жараёнларни жадаллаштириш вазифалари билан ўзаро боғлиқдир. Бу давлатлар узоқ вақт мобайнида Farb давлатларининг мустамлакаси ёки уларга бошқа воситалар билан боғлиқ бўлиб қолган эди.

Глобал муаммолардан яна бири очлик, қашшоқлик ва саводсизликни олдини олиш учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларни олдини олишдан иборат.

Ривожланаётган мамлакатлар турлича тарзда ва турлича муддатларда кечган курашлардан сунг сиёсий мустақилликка эришгач, янгидан яратилган сиёсий тизимлар асосида ўз иқтисодиётини, давлат тизимини барпо этишга киришдилар. Уларнинг ичидағи бир қанча мамлакатлар собиқ социалистик тузум давлатлари билан гоявий, савдо-иқтисодий ва ҳарбий сиёсий соҳаларда кенг ҳамкорлик қилган эди. Лекин буларда ҳам, бошқаларида ҳам иқтисодиётда, унинг билан тақозо этилган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қолоқлик давом этаверди. Бунинг энг асосий сабаблари ва умумий жиҳатлари ташқи ва ички омилларга бориб тақалади.

Ташқи омил илгари мустамлака ёки қарам бўлган халқарининг ўтмиши билан боғлиқдир. Ўтмишда уларнинг хўжалик ҳаёти зўрлик билан ўзгартирилган, кў-

пинча турғун ҳолда бұлған қолоқ сиёсий муносабатлар сақлаб қолинган зди. Миллий мустақиллик құлға киритилгандан кейин ҳам собиқ мустамлакаларда метрополиялар йирик марказларининг иқтисодий таъсири сақлаб қолинди. Ижтимоий-иқтисодий қолоқликнинг давом этиши уларнинг хұжалик тараққиети йұналиши устивор даражада собиқ метрополия билан мавжуд алоқаларни давом эттиришга қаратилди. Натижада халқаро монополистик гурухларнинг қолоқ мамлакаттар устидан хұжайинлик қилиши давом этаверди. Ривожланыётган мамлакатлардан олинаётган фойда заём ва қарзларни фоизли қайтариш ҳамда келтирилган маҳсулотларга белгиланған монопол бағодан фойдаланиш туфайли улар иқтисодиётiga сарф этилган капитал маблағлардан бир неча марта күп бўлмоқда. Масалан, Ер юзида энг кам ривожланған минтаقا бўлган Африкада (Жанубий Африка республикасини қўшмаганда) ұлим, умрнинг қисқалиги, саводсизлик, қашшоқлик дунё бўйича биринчи ўриндалигига қарамай, бу ердан фақатгина АҚШ олган даромад 1950 йилдан 1975 йилгача 5436 млн доллар бўлди (фойда 200% дан ортиқ). Кейинги 15 йилда ҳам бу кўрсаткич сақлаб қолинди.

Аксарият ривожланған давлатлар «учинчи дунё» мамлакатларига хомашё манбаи, салмоқли бозор ва капитал чиқариш учун қулай соҳа сифатида қарайдилар. Пировардида, ривожланыётган мамлакатлар ижтимоий ривожланишнинг ташқи омилларига боғлиқ бўлиб қолмоқдалар.

Ички өмил — бу собиқ мустамлака мамлакатлари иқтисодиётининг кўп укладлилиги, унинг ичидә белгиловчи мавқе майдада товар ишлаб чиқаришга асосланганлигидадир. Маълумки, бу уклад ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга халақит беради.

Иқтисодиётнинг кўп укладлигидан жиддий ижтимоий оқибатлар келиб чиқади. Жумладан, ривожланыётган мамлакатларда шундай ижтимоий-маданий муҳит мавжудки, унда турли-туман ижтимоий кучлар, ижтимоий гурухлар, қатламлар ва ҳоказолар ўзаро жуда мураккаб муносабатдадирлар.

Ривожланыётган мамлакатлар ўз илгарилама ҳаракатида кейинда қолишнинг ижтимоий сабабларидан яна бири — бу собиқ метрополияда тайёрланған мутахассисларнинг ўз мамлакатларидан кетишидир. Бунинг сабаби муайян даражада ишсизлик билан боғлиқ бўл-

са-да, лекин асосан метрополия маданияти ва ҳоказолар туфайлидир. Юксак ривожланган мамлакатлар собық мустамлакалардан келаётган мутахассислар ҳисобига салмоқли фойда олмоқда. Масалан, АҚШда булардан фойдаланиш натижасига янгидан мутахассислар тайёрлашда анча маблағ тежалмоқда.

Собиқ мустамлакалардаги қолоқликни ифодалайдиган жиҳатлардан яна бири шундаки, ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида амалдорларнинг ўз ватани олдидағи бурчи, масъулияти ва вазифаларини түғри адо этиш ўрнига кучли истеъмолчилик кайфиятида булишидир. Улар ватанпарварлик туйғусини ўзига хос тушунадилар. Күп ҳолларда улар пастандан юқоригача пораҳурликка мойилдирлар. Бунинг натижасида ривожланаётган мамлакатларга келтирилаётган заарнинг қанчалик катталиги ўз-ўзидан равшандир.

«Учинчи дунё» мамлакатларида аҳоли асосий қисмининг турмуш тарзida қадимий анъаналарни ўзгармасдан сақланиб келинаётганлиги ҳам ривожланишга жиддий заар келтирмоқда. Чунончи, ривожланаётган мамлакатлардаги анъанавий дунёқарааш ва дин меҳнат, жамғариш, вақтни тежаш сингари масалалардаги иқтисодий ўсиш талабларига мос келмайди.

Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий қолоқлигининг күлами кенг, унинг омиллари шундай табиатга этаки, бу қолоқлик ҳеч қаңон ўз-ўзидан бартарғ этилмайди, аксинча чуқурлашиб бориш майлига эга. Аҳолининг күпчилик қисми қашшоқлигини ортиб бораётганлиги ижтимоий оғатга айланиб қолмоқда. Мамлакат ғибадатидаги иқтисодий қийинчиликлар у ёки бу тарздаги умумдавлат дастурини амалга ошириш имконини бермаяпти.

Бундай катта хавфнинг мавжудлиги тарақкийпарвар күчларни ўйлантириб қўймаслиги мумкин эмас. Уларнинг ташаббуси билан ривожланаётган мамлакатларнинг муаммолари БМТ даражасида бир неча марта муҳокама обьекти бўлди. Бу муаммолар ҳозир ҳам бу ташкилот диққат — марказидадир.

Ҳозирги вақтда инсоният маънавияти софлигини сақлаб, уни маънавий қашшоқликдан, маънавий таҳazzулдан асраш ҳам умумбашарий муаммога айланиб бормоқда.

Гап шундаки, зуравонлик ва нафрат кишилар ўтасидаги муносабатларда чуқур илдиз отиб, маънавий муҳитни тобора заҳарламоқда. Буни тўхтатиб қолиш ва

кескин камайтиришга эришиш вазифалари инсониятнинг дунё миқёсида куч-ғайратларини бирлаштиришни тақозо этмоқда. Албатта, «этикохавф», «этикофалокат» номи билан қайд этилаётган ҳодисалар у ёки бу даражада инсоният ривожланишининг ўтмишида ҳам учраган ва цивилизациянинг йўлдоши бўлиб келган. Бир томондан маданият ривожланиб, бойиб, тобора умуминсоний тус олиб борса, иккинчи томондан турли-туман манфурлик ва оғу тимсоли бўлган жиноятчилик, банггилик, фаҳш, террорчилик, ичкиликбозлик каби иллатлар ҳам кучайиб борди.

Яқин вақтларгача маънавий муҳитни глобал даражада бузувчи юқоридаги иллатларнинг табиатини изоҳлашда марксистик ва «буржуача» деб аталган қарашлар мавжуд эди. Чунончи, биринчи нуқтаи назарга кура, буларни фақат антагонистик жамиятлар туғдиради. Бу жамиятлар ўрнига социализмни барпо этиш билан уларнинг ижтимоий илдизлари йўқотилади, деб ҳисобланиларди. Лекин ижтимоий амалиёт бундай қарашларнинг хаёлий эканлигини курсатди. Дунёнинг барча қисмида, шу жумладан, сабиқ социалистик тизим мамлакатларида, этико-хавф моҳиятига кура умумий эканлиги маълум бўлди. Бундаги фарқ эса хавфли иллатларнинг намоён булиши, турлари ва тарқалганлиги даражасини ифодалайди, холос. Чунончи, АҚШ буйича шундай маълумотлар маълум: мамлакатда (1970—1980 йилларда) жиноятчилик 3 марта, унинг ўсиш суръатлари эса 10 баравар ошди. Бундан ўн йилча олдин АҚШ Президенти Р. Рейган шундай деган эди: мамлакатда ҳар 30 сонияда қасддан одам ўлдириш, ҳар 10 сонияда — номусга тегиш, ҳар 10 сонияда — ҳаётга хавф соладиган ҳужум, ҳар 30 сонияда автомобил ўғирлаш ва ҳоказолар содир бўлмоқда.¹

Бунга ўхшаган аҳволни бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам кўриш мумкин. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда иқтисодий жиноятчилик сони ошиб бормоқда.

Этикологик муаммолар тизимида амалдор шахсларни сотиб олиш орқасида юз берәётган жиноятлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бундай жиноятнинг субъекти ишлаб чиқарувчилар билан сиёсатчилар, ҳарбийлар, парламент аъзолари, маъмурий ва бошқа бошқарув бўгинларидаги кўпгина амалдорлардир.

¹ Қарант: Рейген Р. Откровенно говоря. М., 1988, 136-бет.

Жиноятнинг бу куриниши жамият ривожланишинг ўтиш даври, деб аталган босқичларида айниқса ялпи тус олади. Чунончи, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига кирган мамлакатлар ҳозирги шароитда бу ҳодиса билан тўқнаш келиб турибди.¹

Маънавий муҳитни булғашда қейинги вақтларда айниқса ичкиликбозлик ва бангиликнинг ўрни катта бўлмоқда. Кўпгина мамлакатларда (масалан, Эрон Ислом Республикасида, Ўзбекистон, Францияда, АҚШ ва бошқа мамлакатларда) наркотик моддаларни тарқатганлик учун оғир жазо чоралари белгиланган. БМТ даражасида ҳам зарур ташкилотлар тузилиб бу ижтимоий иллатга қарши курашилмоқда. Лекин бангилик моддалари тайёрлаш ва сотишдан фоят катта фойда олаётган корчалонлар бу оғудан ўлаётганлар сони йилдан йилга ошиб бораётганлигига қарамай, барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

«Энг қадимий касб» эгалари ҳам этикологиявий муаммони кескинлаштиришда ўз «ҳиссаларини» қўшмоқда. Faҳш савдоси кўп мамлакатларда ривожланиб бормоқда. Шимолий Оврўпада порнофильмлар, адабиётлар чиқаришдан олинаётган фойда ўнлаб млрд. доллардир.

Этикологиявий муаммо таркибида террорчиликнинг ўрни алоҳидадир. Террорчилик ижтимоий антагонизм билан бир вақтда, унинг шаклларидан бири сифатида келиб чиққан. Унинг хиллари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сиёсий террорчиликдан ташқари, иқтисодиёт билан боғлиқ террорчилик ҳам кучайиб бормоқда. Чунончи, ҳаво қароқчилиги йули билан тайёрларни олиб қочиш, одамларни гаровга олиш ва эвазига пул олишга уринишлар тез-тез рўй беришини ахборот воситалари тарқатиб турибди. Террорчилик ўзининг бир қатор белгиларига кўра уюшган тус олмоқда. Порнография, исловатхоналар, сўнгра бангилик моддаларни тарқатиш мақсадида давлат тизимидағи амалдорларни сотиб олишга эришиб, ўз фаолиятини давом эттираётган мафия бунинг яққол тимсолидир.

Юқоридагилардан кўринадики, Ердаги ҳаётни сақлаб қолишининг асосий шарти ялпи қирғин уруш-

¹ Ўзбекистонда бундай жиноятлар мамлакат ҳавфсизлигига таҳдид деб қаралиб уларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 85–99-бетлар.

ларининг олдини олиш ҳамда сайёрамизнинг бир қанча минтақалари халқлари қолоқлигини тугатиб, инсоният жамияти мутаносиб ривожланишига эришиш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш учун инсоният куч-ғайратларни бирлаштириш лозим бўлади.

3. «Инсон — жамият» тизимидағи глобал муаммолар

Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий қолоқлик билан боғлиқ бўлган яна бир глобал муаммо — аҳолининг ҳозирги ўсишидир. Агар бу мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол жамият ривожланиши ички қонуниятлари билан тақозоланган бўлса, демографиявий портлаш инсоннинг хоҳиш-иродаси, мавжуд анъаналарга содиқлиги, маданий даражаси, турмуш мезонлари ва ҳоказолар билан белгиланадиган жараёндир.

Ер сатҳида илк палеолит даври бошида 100—200 минг, сўнг палеолит бошида — 1 млн., неолит бошида — 10 млн., охирида 50 млн, эрамиз бошларида — 230 млн. одам яшаган. Сайёрамиздаги аҳолининг сони ҳозирги вақтда, 5.5 млрд. дан ортди. Ҳисоб-китобларга кура, 2000 йилда ер юзидағи аҳолининг сони 6 миллиард 400 минг кишига етади. Бу рақамларда аҳолининг сони ўсиб борганлиги қайд қилингани куринади. Аслида эса бу рақамлар одамларни тегишли моддий воситалар (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва ҳ. к.) билан таъминлаш, зарур маълумот даражаси, тиббий ва ҳуқуқий хизмат, тегишли ижтимоий муҳофаза, ёш авлод тарбияси масаласини ҳам кун тартибига кўяди.

Олимлар аҳолининг ўсиши билан боғлиқ масалаларга XVIII асрдаёқ эътибор беришган. Хусусан, инглиз иқтисодчиси Р. Т. Мальтус бундан 200 йил аввал шундай ёзган эди: «Агар паст табақа синфлар нодонлиги ва бузуқлигига қарамасдан кўпайиб бораверса, у ҳолда маърифатли синфлар узларининг яқинларига бўлган насронийларча муҳаббати билан ҳеч нима қила олмайдилар»; «Ота-онаси фарзандининг яшашини таъминлаш учун зарур капиталга эга бўлмаса, бу фарзанднинг яшашига қандай ҳаққи бор? Бундай фарзанд фақат хайр-эҳсонга куз тикиши мумкин», «Бошқа кишилар томонидан эгалланган дунёга келган одам... бу дунёда мутлақо ортиқчадир».

Малътуснинг бу қарашлари билан ҳозирги даврда илгари сурилган нуқтаи назарлар умумийдай куринади. Масалан, Рим клубининг таниқли вакили, математик Ж. Форрейстер модели бўйича Массачусетс технология институти (АҚШ) профессори Денис Медоуз ва унинг ходимлари томонидан тайёрланган «Ўсиш чегаралари» китобида инсоният ривожланишининг бешта параметрларидан бири бўлган демографик портлаш ҳақида гап боради. Муаллиф фикрича, агар аҳолининг ўсиши ҳозирги суръатлар билан борса, 2000 йилга келиб ҳамма унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доирасига тортилиб бўлади. Ноунумдор, сахро ерларни ўзлаштириш, денгиз сувини чучуклаштириш, сунъий озиқ-овқат яратиш ва ҳоказолар эса жуда катта ҳаржатни талаб этади. 2100 йилга келиб эса, бу ресурслар тугайди, ишлаб чиқариш қисқаради, ўлим кўпаяди ва ҳ. к. Натижада, фалокат рўй беради.

Муаллифлар аҳолининг қўпайиши масаласида мамлакатлар ўргасидаги мавжуд муносабатларни ўзгартириш керак, деб таъкидлайдилар.

Аҳоли ўсиши минтақавий хусусиятга эга. Мутлақ ўсишда Осиё қитъаси биринчи ўринда турса, Африка йиллик ўсиш суръатларида олдиндадир.

Ижтимоий-иктисодий таҳлилларга кўра, ривожланган мамлакатларда аҳоли йиллик ўсиши жуда паст бўлса-да, бу ерда аҳоли узоқ умр кўриши энг юқоридир. Бу ерда ҳам демографий ўсиш глобал муаммоларнинг янги жиҳатларини ўртага қўймоқда. Масалан, одамларнинг қўпайиши билан шаҳарлардаги вазият оғирлашмоқда, ишсизлик, қашшоқлик, шаҳар четларида энг оддий талабларга ҳам жавоб бермайдиган «йулдош шаҳарча»ларнинг тез пайдо бўлиб бориши шулар жумласидандир.

Умуман, демографиявий портлашни изоҳлашда аҳолининг қайси жойни манзил қилганлигига ҳам аҳамият бериш лозим. Негаки, ривожланаётган мамлакатларда асосий аҳоли қишлоқларда, ривожланган минтақаларда эса шаҳарларда яшайди. Кейинги 20 йилда «учинчи дунё» қишлоқ аҳолиси 16% ўси (2,47 млрд. киши) ва 2000 йил охирида бу курсаткич 17% бўлиши кутилади. Маълумки, қишлоқ шаҳарга қараганда қолоқ ишлаб чиқариш, ўтмиш анъаналари сақланиб қолган, илгаридан қашшоқлик ва очлик ҳукм суриб келган жойдир. Аҳолининг қўпайиши асосида зарур жамғармалар ва капитал маблағларнинг етишмаслигидан ри-

вожланаётган мамлакатларда ялпи қашшоқлик вужудга келмоқда.

Дунё бўйича ҳам шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли тобора кўпайиб бормоқда. Бу соҳадаги ўсиш 1974 йилдан 1994 йилгача 45% бўлди. Аср охирига бориб, бу рақам 48% га (3 млрд. кишига) етади. Табиийки, стихияли кечётган бу жараёнда ечилиши зарур бўлган муаммолар ҳам кўпаяди.

Аҳолининг кўпайиши билан бирга унинг таркибида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, ривожланган мамлакатларда нафақаҳурларнинг сони аҳолининг кўпчилигини ташкил этади ва уларнинг миқдори аср охирида 60% га етади.

Демографик ўсиш мавжуд ресурсларни тақсимлашга ҳам таъсир этади. Чунки, инсоннинг муҳим эҳтиёжларини қондириш учун зарур ҳажмдаги табиий ресурслар булиши талаб қилинади. Бундан ташқари, аҳоли зич жойлашган минтақаларда оддий фалокатлар анча кўп қурбонлар келтиради.

«Инсон ва Жамият» тизимиға бориб тақаладиган жиддий глобал муаммолардан яна бири, хавфли қасалликларни тугатиш вазифасидир. Бу қасалликлар, биринчи навбатда, аҳоли кўпайишини бошқариш ва ташкил этиш йўлга қўйилмаган мамлакатлардаги очлик, озиқ-овқатлар таркибида оқсилларнинг камлигидан ҳам келиб чиқмоқда.

Маълумки, жаҳон миқёсида очлик хавфи мавжудлиги биринчи марта БМТ томонидан 1950 йилда тан олинган. Ушанда инсониятнинг қарийб ярми етарли миқдорда калорияли оқсил истеъмол қилаолмаётгани айтилган эди. Ҳалқаро ташкилотнинг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда 60-йилларда 60% аҳоли у ёки бу даражада очликдан азоб кўрган бўлса, 20% аҳоли мунтазам очликдан қийналган. 70—80-йилларда бу соҳада ҳалқаро миқёсда анча иш қилинганига қарамай, муайян даражада очликка дучор бўлган аҳолининг мутлоқ миқдори 0,8 млрдни ташкил этган.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга (етарли миқдордаги маблағнинг ажратилмаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги ва ҳ. к.) кўра, жаҳон аҳолисининг 40% водопровод суви, канализация ва санитария хизматидан фойдаланмайди. Бундай аҳвол ривожланаётган мамлакатларда кўплаб учрамоқда. Ўз-узидан равшанки, буларнинг ҳаммаси эпидемиялар тарқалишига олиб қелади.

Ривожланаётган мамлакатларда сил, безгак қаби касалликлар кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда буларнинг қаторига СПИД ҳам қушилмоқда. Шунингдек, юрак, руҳий-асаб касалликлари, рак ва шу қабиларнинг күпаяётганлиги ҳам ташвишлидири.

4. «Жамият ва табиат» тизимидағи глобал муаммолар

Кишилик жамиятининг табиат билан муносабатла-ри ва уларнинг ифодаси бўлган фаолият турлари фоят хилма-хилдир. Улар ичиде белгиловчиси моддий ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Бу фаолият ту-файли сайёра қиёфаси шундай үзгардики, оқибатда бир қатор жиддий муаммолар келиб чиқди. Улар — экологик муаммолар деб аталмоқда.

Экологик муаммолар илгариgidек ҳозир ҳам био-сфера учун ҳосдир. Масалан, вулқонлар отилишидан ҳосил бўладиган үзгаришлар натижасида глобал миқёс-да заарлар келиб туради. Экотизимда мувозанат тезроқ тиклансада, лекин уларнинг оқибатлари ҳийла вақт билиниб туриши мумкин.

Экологик фалокатлар икки шаклда — табиий ҳоди-салар ва инсон фаолияти таъсирида юз беради¹.

ХХ аср бошларидан бери айниқса, унинг иккинчи ярми давомида экологик фалокатлар сони кўпайиб бормоқда. Агар 60-йилларда инсон ва атроф-муҳит учун хавфли оқибатлар келтирган 45 та йирик экологик фа-локат юз берган бўлса, 80 йилларда буларнинг сони 80 га етди. Экологик муаммолар ривожланган ва ривожла-наётган мамлакатларда бирдай учрайди. Айни вақтда Африка, Осиё ва Лотин Америкаси минтақаларида би-ринчи туркумдаги экологик муаммолар учраса, саноати ривожланган Оврупа, Шимолий Америка қаби минта-

¹ Буни Орол денгизи бассейnidаги экологик фалокат ҳам тасдиқлайди. Жуда қурғоқчил минтақада кейинги 30—40 йил ичиде экстенсив тарзда амалга оширилган хужалик фаолияти туфайли дengiz суви кескин камайиб кетди. Натижада: а) яна битта саҳро — Оролкум саҳроси пайдо бўлмоқда; б) дengiz урнидан кутарилган туз чанглари фоят катта майдонга тарқалмоқда (ҳатто Антарктидада пингвин вужудида ҳам). Грэнландия музликларида, Норвегия ур-монларидаги Орол минтақаси пестицидлари топилган; в) Каспий дengизининг сув сатҳи кескин кутарилмоқда. Туз чангларининг бир қисми дengиз юзасини қоплаган ундан чиқадиган буглар харакатини тұхтатган бўлса, бошқа қисми Каспийга қуйиладиган дарёлар сувининг купайишига олиб келди; г) минтақадан ташқари Фарбий Сибирда ҳам қурғоқчилик рүй бормоқда; д) Памир-ва Тянь-Шань тогларидаги доимий музликлар деградацияси содир бўлмоқда; е) минтақада қиши фаслий йилдан йилга совуқлашиб бормоқда ва ҳ. к. Булар Орол фожиаси билан боғлиқ булиши керак.

қаларда иккинчи туркумдаги, яъни технологик фалокатлар оқибатлари учрайди. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу туркум муаммолар аста-секин пайдо булиб бормоқда. Чунки техникавий равнақ бу мамлакатлар ҳаётига қанчалик тез кириб борса, ундан оқилона фойдаланиш талаби шунчалик ўткир булиб бормоқда.

Инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг умумбашарий характери билан боғлиқ қуйидаги экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда:

1. Ер юзидағи ўрмонлар ҳажми ҳар йили 11 млн гектарга қисқариб бормоқда. Осиё ва Лотин Америкаси тропик минтақаларидағи ўрмонларда эса янгиланиб турадиган ўсимлик ресурсларининг асосий захиралари тўплланган. Бундан ташқари, Сайёранинг бойлигини ташкил этган бу ўрмонлар биосфера анъанавий функцияларини сақлаб қолишида катта аҳамиятга эга. Ўрмон ресурслари фақатгина хомашё манбаи эмас, балки улар табиий сув айланишини ҳам таъминлайдики, ўрмонлардаги сув буғланиши ҳисобига ёғингарчиликнинг 1/2 қисмидан кўпроги тўғри келади. Бу эса тупроқ юзасига мұтадил таъсир қурсатади, озуқа бўладиган минерал моддаларининг тикланиб туришлиги таъминлади.

2. Ривожланган мамлакатлардаги 31 млн гектарга яқин ерлар «кислотали ёмғир»лардан заарланган ва буғланган. Бу «ёмғирлар» биосферада тез тарқалиб ўрмонларга салбий таъсир этади, барглари сарғайиб тушиб кетган дараҳт оқибатда ҳалок бўлади. Заарланган дараҳтларнинг физиологик кучсизланганлиги натижасида ўсимликхўр ҳашоратлар кўпайиши учун кулай шароит яратилади. Кислотали ёғингарчилик ҳаво ва сувни заарлаши туфайли кишиларда юрак, үпка, ошқозон-ичак касалликлари авж олади ва аллергияга мойиллик кучаяди.

Тупроқ эрозияси туфайли ишланадиган ер майдонининг 26 млн. гектарида ҳар йили ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Сув ва ҳаво эрозиясидан АҚШда унумдорли тупроқ ҳар йили 3,1 млрд тоннагача ишдан чиқмоқда. Бу етиштирилган бир тонна буғдой ҳисобига 6 тонна тупроқ йўқотилишини билдиради. Шунинг учун АҚШда дехқончилик ихтиёрий қисқартирилиб, ерларнинг захираларини сақлайдиган фермерларга ҳар йили ҳар бир акр (0,4га) ер учун 48 доллар тұланиши туғрисида қонун қабул қилинган.

3. XX асрнинг иккинчи ярмида «катта қурғоқчи-

лик»ларнинг тез-тез булиб туриши натижасида чуллар майдони йилига 6 млн гектарга кенгайди. Натижада, ўсимлик ва ҳайвонот оламида салбий ўзгаришлар юз бермоқда. Агар илгари чүллар ҳосил булиши фақат табиий йўл билан юз берган бўлса, эндиликда инсоннинг ўрмонзорларга ўтказаётган таъсири, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар нисбатининг бузилиши, аҳолининг тинимсиз кўпайиши натижасида сунъий тарзда содир бўлмоқда.

4. Саноатлашган мамлакатлардаги минглаб қуллар биологиявий ўлик ҳолга келиб қолмоқда. Ҳар йили жаҳон сув хавзаларига 32 куб км. тозаланмаган саноат оқава сувлари келиб тушмоқда. Турли мақсадлар учун сувга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бориши натижасида сув сарфи ҳам шунга яраша кўпайиб бормоқда. Африка, Шимолий Америка ва бошқа қатор минтақаларда ер ости суви манбалари камайиб, сифати кескин ўзгариб бормоқда.

5. Атроф-муҳитга антропоген таъсир этиш, уни техноген булғаш оқибатида ҳайвонот ва ўсимлик олами учун жиддий хавф юзага келди. Ҳар йили кўплаб ҳайвон ва ўсимлик тури йўқолиши оқибатида 20 йилдан сўнг мавжуд турларнинг бешдан бир қисми батамом барҳам топиши мумкин. Бу эса ҳайвонот ва ўсимлик олами генофондининг қисқаришигагина олиб келмай, Ер биосферасида оқибати жиддий бўлган ўзгаришларни келтириб чиқаради.

6. Ер юзидағи экологик ўзғаришлар оқибатида 2050 йилга бориб атмосферадаги ўртача ҳарорат 1,5—4,5 дарражагача кўтарилиши кутилмоқда. Атмосфера юқори қисмларида озон қатлами сийқаланиб, Антарктида ва Арктика устидаги «туйнуклар» кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида барча жонли мавжудотларга ҳалокатли таъсир этадиган қўёш радиацияси нурлари учун йўл очилиб экологик фалокатлар (ўсимликларда фотосинтез жараёнининг қисқариши, концерген моддалар таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг кўпайиши ва ҳ. к.) рўй бериши мумкин.

7. Табиятда инсон соғлиги учун хавфли бўлган металлар ва улар бирикмаларининг йиғилиб қолиши туфайли замондошларимиз танасида, ибтидоий одамлардагига қараганда, кадмий (юрак касалликларининг сабабчиси) 70 марта, қурғошин (атеросклероз ва буйрак касалликлари сабабчиси) — 10, симоб (асаб касаллик-

ларини чақирувчиси ва гепатик ўзгаришлар сабабчи-
си) — 19 марта кўп тўпланган. Ҳавони булғовчи
моддаларнинг сони 100 дан ортади, уларнинг кўпи за-
ҳарли, баъзилари эса концероген хусусиятларга эгадир.

Атроф-муҳитнинг булғаниши билан бирга, инсо-
ният учун зарур бўлган табиий ресурслар, биринчи
навбатда, озиқ-овқат манбалари муаммоси оғирлашиб
бормоқда. Ижтимоий ривожланиш давомида озиқ-ов-
қат ишлаб чиқариш тухтовсиз ўсиб борган бўлсада,
ҳозирги вақтда уни экстенсив кўпайтириш имконияти
қарийб тугаб бормоқда.

Озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг интен-
сив имкониятлари ҳам ерларнинг чўлга айланиши,
тупроқ эрозияси, шўр босиши, саноат ва фуқаро қури-
лиш учун ажратиб берилиши ва ҳоказолар туфайли
чеклангандир.

Булардан куринаидики, мавжуд имкониятлар доира-
сида озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ўткирлигича
қолмоқда.

Глобал муаммолар тизимида жаҳоннинг барча мам-
лакатларида энергия қувватининг янги манбаларини
топиш зарурияти ҳам тобора биринчи ўринга чиқмоқ-
да.

Маълумки, энергия қуввати ресурслари икки хил —
қайта тикланмайдиган (нефть, газ, кўмир) ва тиклана-
диган (сув қуввати, ёғоч ва к.) бўлади. Шунингдек,
қувват манбаларини ташқи (қўёш) ва ички ресурслари
(масалан: атом ядроси) тарзида ҳам тасниф этиш мум-
кин.

Ҳозир атом реакторларидан олинган энергия электр
қуввати ишлаб чиқаришнинг 15% га тўғри келмоқда.
Кейинги пайтларда атом қувватидан фойдаланиш хусу-
сида хилма-хил ва қарама-қарши фикрлар олдинга су-
рилмоқда. Чернобиль фожиаси бу борадаги ташвишлар
ўринли эканини кўрсатмоқда.

Жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш масаласи
ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсоният
олдида турибди. Умуман олганда, цивилизациянинг
бутун тарихи давомида океан захиралари ва имконият-
ларидан оқилона фойдаланиш масаласи инсоният учун
катта аҳамиятга эга бўлган. Океан кислород етказиб
беради, ғоят катта миқдордаги маъдан хомашёси захи-
раларига эга, оқсил хомашёси олиш учун зарур бўлган
биомоддаларнинг салмоқли ҳажмда хосил этади, иқ-
лимни тартибга солиб туради ва муҳим транспорт йўли

ҳисобланади. Бир сүз билан айтганда, ҳозирга вақтда жаҳон океани жамият илгарилама ҳаракати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардандир.

Жаҳон океани бойликларини ўзлаштириш жамият ва табиат алоқадорлигининг муҳим кўринишларидан биридир. Ҳозирги вақтга келиб инсоният қуруқлик бойликларини асосан ўзлаштириб бўлди. Океан сувларидан илгари балиқ овланган, туз, магний, бром, йод, фосфор, натрий, калий олинган бўлса, эндиликда унинг тагидан нефть, газ, кўмир, темир, олтин, платина ва бошқа нодир металлар қазиб олинмоқда. Денгиз акваториялари остидаги нефть ва газ захиралари 1990 йилда қилинган ҳисоб китобларга кура 450 млрд тонна (нефтга айлантирилганда), металлар — қуруқликдаги захиралари ҳажмига тенг эканлиги маълум бўлди. Жаҳон океани ҳудудида кўмирнинг умумий захираси қуруқликдагига қараганда 250 мартадан кўпроқ, ҳозир қазиб олинаётган ҳажмдан эса 200 мартадан ортиқдир. 30 га яқин унсурдан иборат темир марганец қоришмалари чуқур сув ости майдонининг қарийб 35 млн. кв. км. ни ташкил этади.

Океандан фойдаланишнинг анъанавий обьектлари балиқчилик, сув ўтларидан фойдаланиш ва ҳоказолар ҳозирги вақтда муҳим бўлиб қолмоқда. Масалан, 1975 йилда дунё бўйича 70 млн тонна балиқ овланган эди. Ҳозир эса анча ошиб кетди. Денгиз маҳсулотларининг сони ҳам қўпайиб бормоқда. 2000 йилда уларнинг ҳажми 130—135 млн тоннага етказилиши қутилмоқда.

Дунё океани ресурсларидан фойдаланиш каби коинотни ўзлаштириш масалалари ҳам инсоният олдидаги глобал муаммолардан ҳисобланади. Бу биринчидан, коинотий тадқиқотларнинг қимматлашуви бўлса, иккинчидан, коинот бутун инсониятнинг мулки деб тан олингандир.

Кишиларнинг коинотга кириб бориши, уни урганиши ҳам XX асрдаги фан ва техника тараққиёти асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Коинотни ўзлаштириш муаммолари глобал бўлгани учун барча мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, ундан бутун инсоният манфаатлари йўлида фойдаланилиши лозим. Коинотий назариялар соҳасида ҳам дунё олимлари ўртасида бир-бирини истисно қиласиган турли қарашлар мавжуд. Улар ўртага қўйган фикрларга кўра, коинотни ўзлаштириш учун сарфланаидиган маблағлардан океан ва қуруқликни бартараф

этиш, юрак-томир ва рак касалликларини даволаш қаби масалаларни ҳал этишда фойдаланиш лозим. Бу нуқтаи назар тарафдорлари коинот харажатларининг юқорилигига эътибор берадилар. Шунингдек, коинотдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш хавфи ҳам бу қарашларда ҳисобга олинган.

Иккинчи хил қарашларига кўра, коинотни ўзлаштириш зарур, чунки унинг ёрдамида тарихий тараққиётнинг бориши билан юзага келган вазифа ва муаммоларни ечиш мумкин.

Бу қарашлар сиртдан қараганда, соғ илмий муно-заралардек бўлиб кўринади. Лекин уларнинг заминида коинотни ўзлаштиришда етакчилик қилаётган давлатларнинг сиёсий, иқтисодий манфаатлари ётади. Хозирги асосий вазифа — коинотни ўзлаштиришни бутун инсониятнинг манфаатлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари билан узвий боғлашдадир. Бошқа барча глобал муаммоларни ўрганишда ҳам шу мақсадлардан келиб чиқмоқ керак.

VII Бўлим. ФАЛСАФАДА ОНГ МУАММОСИ

1. ОНГНИНГ МОҲИЯТИ

ОНГ МУАММОСИ доимо файласуфларнинг диққат эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Бунинг боиси инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини англаб бориши, ўзининг атроф-муҳит, табиат ва жамиятга муносабатини белгилаши, ўз онгининг табиати ва моҳиятини тушунишга уриниб келишдир.

✓ Онг ўз табиати ва моҳиятига кўра жуда мураккаб бўлиб, уни қатор фанлар ўрганади. Масалан: фалсафа, социология, физиология, психология, тилшунослик, педагогика фанлари шулар жумласига киради. Фалсафадан бошқа фанлар онгининг алоҳида, маълум бир томонини ўз предмети доирасида ўрганса, фалсафа онгни бир бутун ҳолда ҳар томонлама олиб ўрганиш асосида унинг умумий моҳияти, келиб чиқиши ва ривожланишини умумназарий жиҳатдан таҳлил қиласиди. Фалсафада онг категорияси инсоннинг бутун моддий ва маънавий фаолиятини таҳлил қилиш ва тушунишнинг марказий тушунчасидир. Инсон ўзининг онгли фаолияти билан ўзи мавжуд булган табиатдан фарқ қилувчи «иккиламчи табиатни» ва айни чоғда «ижтимоий муҳит»ни, яъни жамиятни яратади.✓

✓ Фалсафада инсон онги юксак даражада ташкил топган материя — инсон миясининг хоссаси, воқеликни инсон миясидаги инъикосининг олий руҳий шакли, ижтимоий тараққиёт маҳсули, леб қаралади. Онг муаммосини бундай тушуниш борлиқнинг эволюцияси натижасида ноорганик табиатдан органик табиатнинг келиб чиқиши, органик табиат тараққиётида унга хос инъикос шаклларининг ривожланиб, ўзгариб оддий турларидан мураккаб турларига ўтиб бориши асосида шаклланган, деган қарашдан келиб чиқсан. Бу қараш онгининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган меҳнат, нутқ (тили)нинг ўрнини тўғри эътироф этиш билан ҳам боғлиқдир.

2. ОНГ ГЕНЕЗИСИ. ИНЬИКОС ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНІБ БОРИШИ

Онг борлиқнинг инсон миясидаги олий инъикос шаклидир. Инъикос моҳияти эътибори билан борлиқнинг ҳамма куринишларига хос умумий хусусиятдир.

Инъикос борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирида намоён буладиган акс этиш жараёнидир. Инъикос бир моддий ёки маънавий нарсанинг бошқа моддий ёки маънавий нарсада ўз таъсирини қолдириш, уни сақлаш ёки бу таъсирга муайян тарзда акс таъсир билан жавоб бериш каби хусусиятлардир. Инъикос юксак ривожланган ҳайвонлар ва инсонда ўзига хос шаклларда юзага келади.

Инъикос булиши учун, аввало, инъикос этилувчи ва инъикос эттирувчи объектларнинг ўзаро таъсирида инъикос этилувчи объект инъикос эттирувчи объектга муайян таъсир қилиши, бу таъсирини инъикос эттирувчи ўзида акс эттириши лозим. Шундагина инъикос ҳосил булади.

Инъикоснинг характеристи, айни чоғда, ана шу акс этилувчи ва акс эттирувчи объектларнинг хусусиятларига, уларнинг ўзаро таъсир қилиш ва бу таъсирларни акс эттириш усуllibарига боғлиқдир. Шунга кўра борлиқнинг турли хил куринишларига турли хил инъикос шакллари ҳосдир. Инъикоснинг энг «элементар» шаклларини ноорганик табиат куринишларида учратиш мумкин. Масалан, тоза полда оёқ кийими билан юрганимизда унда из қолади. Бу — механик инъикосдир. Темир йўл рельслари ёзда иссиқдан кенгаяди. Бу физик инъикосдир. Бирор бир темир буюм зах ерда қолдирилса, у занглаб, оксидланади. Бу — химик инъикосдир. Ноорганик табиат куринишларига хос бундай инъикос шакллари ўз характеристи жиҳатдан органик табиат куринишларига хос инъикослардан тубдан фарқ қиласи. Ноорганик табиат инъикослари инъикос этилувчининг инъикос эттирувчига қилган таъсирининг оддий механик изи, ёки ундаги физик ўзгариш, ё булмаса, оддий химик таъсирга учрашларидир. Улар ўз характеристи жиҳатдан пассив инъикослардир. Фалсафий адабиётларда ноорганик табиатга хос бўлган бу каби «пассив» инъикосларни акс этиш, деб аташ қабул қилинган.

Органик табиатнинг пайдо булиши билан инъикос бутунлай ўзгаради. Энди инъикос акс этилувчининг акс

эттирувчига таъсири ва бу таъсирга жавобан акс эттирувчида, унинг ички ҳолатида содир бўладиган ўзгариш билан боғлиқ акс таъсир билан жавоб бериш, таъсирни танлаб акс эттириш лаёқатидан иборат бўла бошлайди.

Органик табиат инъикосларининг бу дастлабки кўринишларининг ҳар бири ўзининг муайян фаоллик хусусияти билан ажралиб туради. Шунга кура фалсафий адабиётларда «инъикос» термини кўпроқ органик табиатга хос бўлган инъикосларни ифодалайди.

Органик табиатнинг дастлабки кўринишларида инъикос ҳис қилиш, таъсирланиш, сесканиш, каби шаклларда юзага келади. Инъикоснинг бу шакллари ҳаёт билан бирга пайдо булиб, органик табиатнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Улар органик табиатнинг асосий моҳияти — модда алмашинуви билан муқаррар боғлиқ ҳолда юзага келади. Инъикоснинг бу шакллари оқсил вужудга келган ҳамон, у билан ташқи муҳитнинг bogланишида намоён бўлади. Бунда энг содда тирик организмлар ташқи таъсирга нисбатан бир қадар мустақил жавоб қўрсатадиган, яъни таъсирланадиган, сесканадиган ва изтиробланадиган бўладилар.

Дастлабки энг оддий тирик организмларнинг пайдо булишида ёқ инъикос уларнинг ҳаётида катта роль уйнай бошлайди. Бунда тирик организмларнинг ривожланиб, ўзгариб бориши билан уларга хос инъикос шакллари ҳам ўзгариб, янги-янги турлари пайдо булиб боради.

Буни ўсимликларда яққол куриш мумкин. Ўсимликларда энг кучли ривожланган инъикос шаклларидан бири тропизмлардир. Тропизмлар таъсирланувчаликнинг ривожланган кўринишларидир. Тропизм турларидан бири фототропизм бўлиб, у ўсимликтининг қуёш нурлари таъсирига жавобан юзага келтирадиган реакциясидир. Бунда ўсимликлар мумкин қадар кўпроқ қуёш энергиясини олиш учун унинг нурларига интиладилар. Ўсимликларнинг баргларига қуёш нури қай томондан кўпроқ тушса, барглар, асосан, ўша томонга қараб ўсади. Гулли ўсимликларнинг кўпчилиги эса қуёш ҳаракатига мослаб, унга қараб ўзларини ҳаракатлантириб боради. Бунга кунгабоқар яққол мисол бўла олади.

Органик табиат ўз тараққиётида тобора мураккаб турларнинг пайдо булишига олиб келади. Тирик организмларнинг бу янги мураккаб турларининг пайдо

булиши, уз навбатида, улар билан боғлиқ инъикоснинг янада такомиллашган янги шаклларини юзага келтиради. Бу янги шаклларнинг дастлабкиси сезиш бўлади.

Сезиш — бу биологик инъикоснинг янги босқичида пайдо бўлган психик инъикоснинг дастлабки шакли бўлиб, у ташқи дунёнинг тирик организмга таъсири натижасида юзага келади. Сезишда ташқи таъсирантирувчилар доираси анча кенгайиб, организмнинг шу таъсирантирувчиларнинг таъсирига бирон-бир тарзда психик жавоб қилиш имконияти пайдо бўлади. Сезишнинг келиб чиқиши сезги аъзоларининг, шу билан бирга, нерв тизимининг қарор топиши билан чамбарчас бөглиқдир. Ривожланиб бораётган тирик организмларнинг тобора такомиллашиб бориши билан улар танасининг турли жойларидағи тўқималар табақлашиб, ихтисослашиб боради. Бунда тананинг турли қисмларида танага буладиган ташқи таъсирини яхши қабул қиласидиган турли хил пластик тўқималар пайдо бўлиб, улар янада ривожланиб бориб, аста-секин организм билан ташқи муҳит ўртасида воситачи ролни бажарувчи алоҳида аъзоларга — сезги аъзоларига айлана боради. Бу аъзоларда бора-бора муайян инъикос функцияларни бажаришга мослашган янги тўқималар пайдо бўлиб, улар хилма-хил тағин ҳам кўпроқ ихтисослашган хусусиятлар касб эта боради. Шу асосда тирик организмларда таъсиранувчи ёки изтиробланувчи манба (тананинг бевосита таъсирга учраган қисми) дан бу таъсирларни тананинг изтиробланмаган бошқа қисмларига ўтказувчи толалар занжири пайдо бўлади. Бу толалар занжири органик табиат эволюцияси давомида аста-секин ихтисослашган тўқима толаларига айланиб, улар ривожланиб, такомиллашиб бориб, нерв толаларининг, кейинчалик эса нерв тизимининг пайдо бўлишига олиб келади.

Тирик организмларда нерв тизимининг пайдо бўлиши билан биологик инъикос шу пайтгача бўлмаган бутунлай узгача аҳамиятга эга бўлган янги хусусиятлар касб этади. Энди нерв тизими мавжуд бўлган тирик организмда ташқи таъсири натижасида юз берадиган инъикос муҳит билан организм ўртасидаги бу организм учун биологик аҳамиятга эга бўлган омиллар (биотик факторлар) орқалигина вужудга келмасдан, балки бу тирик организм учун бевосита биологик аҳамияти бўлмаган омиллар (абиотик факторлар) орқали ҳам юз бера

бошлайди. Тирик организмлар энди ранг, ҳид, товуш кабиларни ажратадиган, таъмни, совуқ ва иссиқни, қуруқлик ва намликин сезадиган, турли хил механик, физик, химик ва бошқа таъсирларга үзларича муайян ҳолда жавоб берадиган булади. Бу уларнинг ўзини қуршаб турган ташқи муҳитга мосланувчанлигини, активлигини оширади. Натижада, шу пайтгача тирик организмларнинг ўзини ва уларнинг муҳит билан алоқасини бошқариб келган нерв тизими организмнинг ўзини ва унинг муҳит билан алоқасини идора қилувчи янги маҳсус орган — марказий нерв тизимидан иборат бош миянинг ташкил топишига олиб келади.

Бош миянинг пайдо бўлиши билан тирик организмлардаги нерв тизимлари, бош мияга нисбатан иккинчи даражали вазифаларни бажарадиган бўладилар. Улар организм учун унча катта аҳамиятли бўлмаган таъсирларни қабул қилиб, уларга жавоб қайтарадиган бўлиб қоладилар. Буни биз бақа мисолида қўришимиз мумкин.

Бош мия дастлабки даврларда тирик организмларнинг барча бошқа фаолиятлари билан бирга: инъикос фаолиятини ҳам бошқарувчи орган сифатида фаолият кўрсатади. У ҳашаротлар, қушлар ва содда ҳайвонларда организмнинг ўзини, унинг инъикос фаолиятини бошқарганлиги билан ҳали онг органи бўлмайди.

Органик табиат эволюциясида юксак ташкил топган ҳайвонларнинг пайдо бўлиши билан юқори даражада шаклланган мия қарор топади. Бундай мия от, ит, дельфин, бўри, маймун каби ҳайвонларда ҳам бордир. Лекин бундай мия ҳали онг органи бўла олмайди.

Органик табиат эволюциясида организмларнинг ривожланиб, юксак ташкил топган ҳайвонларнинг пайдо бўлиши билан психик инъикоснинг яна-да ривожланиб, унинг янги-янги шаклларининг келиб чиқишига олиб келади.

Психик инъикоснинг бу шакллари эволюциясини ўрганиш инсон онги келиб чиқишининг табиий-генетик асосини ёритишда катта роль ўйнайди. Чунки онг воқеликни психик инъикос эттиришнинг олий руҳий шаклидир.

Шу туфайли биз қуйида руҳий инъикос шаклларининг юзага келиши ва уларга хос хусусиятлар билан танишиб чиқамиз.

3. ОНГ – РУҲИЙ ИНЬИКОСНИНГ ЮҚСАК ШАКЛИ

Руҳий инъикос — бу биологик инъикоснинг анча ривожланган ва шу билан бирга, ўзига хос янги босқичдаги кўринишидир. Руҳий инъикоснинг дастлабки шакли — сезиш эканлигини биз юқорида кўрдик. Сезиш қобилияти ривожланиб бориб, шартсиз ва шартли рефлекслар, инстинктларни вужудга келтиради.

Органик табиат эволюциясида нерв марказлари, нерв тизимида эга бўлган тирик организмларнинг пайдо булиши биланоқ руҳий инъикоснинг юқсакроқ шакллари — шартсиз ва шартли рефлекслар қарор тонади.

Шартсиз рефлекслар — тирик организмларда биологик омилларга жавобан юзага келадиган, уларнинг ўз ҳаётлари давомида, бир қатор авлодлар тараққиёти жараёнида авлоддан-авлодга ўтиб, мустаҳкамланиб борувчи психик реакциялардир. Масалан, асалари гул нектарларини топиши шартсиз рефлексларга яққол мисол бўла олади. Шартсиз рефлекслар туғма характеристика эгадир.

Тирик организмларда биологик омилларнинг ўзига эмас, уларнинг сигналларига жавобан юзага келадиган, ҳар бир организмнинг индивидуал ҳаёт шароитида, унинг яшаш жараёнида муайян пайтда пайдо булиб, сўнг йўқоладиган реакциялар шартли рефлекслар, дейилади.

Бунда қўнгироқ овози шартли таъсир қилувчи во-сита ҳисобланиб, ҳайвонлар ҳаётида бир неча марта такрорланиши уларда шартли рефлексларни туғдиради. Агар қўнгироқ чалиниб, овқат бермаслик бир неча марта қайтарилса, ҳайвонларда қўнгироқка нисбатан ҳосил қилинган психик реакция йўқолади.

Шартсиз ва шартли рефлекслар ўзаро боғлиқдир. Улар тирик организмнинг ташқи дунё таъсирларига «қонуний жавоблари»дир.

Тирик организмларнинг ташқи муҳит билан алоқаси ва акс таъсири қанча кенг ва хилма-хил булиб бориши билан уларнинг муҳитни янада юқсакроқ психик инъикос эттириш қобилияти ўшанча чуқурроқ тараққий этади ва такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, уларда психик инъикоснинг мураккаброқ ва юқорироқ янги шакли — инстинктларни юзага келтиради.

Инстинктлар мураккаб шартсиз ва шартли рефлексларнинг бирлигидан ташкил топган булиб, улар

организмнинг ташқи таъсирларга жавобан кўрсатадиган психик реакцияларидир. Инстинктлар ҳашоратлар, қушлар, ҳайвонлар психикасининг характерли томонларидир. Улар бу ҳашоратлар, қушлар ва ҳайвонларда турлича намоён бўлади. Масалан, асаларилар олти қиррали уялар ясади; чумолилар «кўп қаватли» инлар қуради; қушлар доимий учиб ўтган йўллардан учиб ўтади; қундузлар дарёларга «тӯғон» қуради; балиқлар ўзлари тухумдан чиққан жойларга тухум ташлайди ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси инстинктлардир. Бу инстинктлар шу тирик организмларнинг муайян эволюцияси жараёнида тўпланған туғма «тажрибалар»идир. Улар психик инъикос сифатида мутлақо ўзгармас нарсалар эмас. Инстинктлар тирик организмлар эволюцияси жараёнида ўзгариб, ривожланиб боради, яъни қуи босқичдаги инстинктлар юқори босқичдаги инстинктлар билан алмашиб боради. Бунда тирик организм эволюциянинг қанча юқори босқичида турса, ундаги инстинктларнинг юзага чиқиши ушанча кўпроқ индивидуал хусусиятлар касб этиб, шунча кўп янги белгилари намоён булиб боради. Айниқса, юксак ташкил топган ҳайвонларда инстинктлар кўпинча уларнинг индивидуал ҳаётида вужудга келган малака ва кўнилмалари билан чатишиб кетади. Чунки юксак ташкил топган ҳайвонларда инстинктлар билан биргалиқда, руҳий инъикоснинг янада юксакроқ шакллари бўлган сезгиларнинг мураккаб хиллари, идрок фаолиятининг элементлари, тасаввурнинг бошланғич шакллари, қисқаси, «ашёвий тафаккур» юзага келган бўлади. Шунинг учун ҳам одам онгининг пайдо булишини ўрганишда юксак ташкил топган ҳайвонларнинг дунёни психик инъикос эттириш қобилиятлари ривожланиши тарихини ҳам ўрганиш керак, акс ҳолда, одам онгининг табиий келиб чиқишини илмий тушунтириб бўлмайди. Сабаби, инсонда бўлгани сингари ҳайвонларда идрок фаолиятининг барча турларини: индукция, дедукция бинобарин, абстракциялашни ҳам, нотаниш нарсаларни анализ (ёнғоқни чақишининг ўзиёқ анализнинг бошланиши демакдир), синтез қилиш (ҳайвонларнинг ҳийлали қилиқлари) ва иккаласини қушишни биз учратамиз. Тип жиҳатдан бу усусларнинг ҳаммаси одам билан юқори даражадаги ҳайвонларда мутлақо бир хилдир. Улар фақат даражаси жиҳатдан турлича бўлади.

Юксак ташкил топган ҳайвонларда психик инъи-

коснинг юксак шакли — режали ҳаракат қилиш қобилияти (онг элементи — А. X.) нерв тизимининг тараққий этишига мувофиқ равишда ривожланиб бориб, сут эмизувчи ҳайвонларда бу нарса анча юқори даражага етади. Ит билан от одамлар билан аралашув орқасида одамга боғланиш туйғуси, миннатдорлик курсатиш туйғуси ва бошқа туйғуларни, ҳис қилиш қобилиятини ҳосил қиласидиларки, бундай туйғулар илгари уларда бўлмаган эди.

Аммо юқори даражада ривожланган ҳайвонларда юз берадиган психик инъикос шакллари одамларда юз берадиган руҳий инъикос шаклларидан кескин фарқ қиласиди. Бу фарқ шундаки, юқори даражада ривожланган ҳайвонлар, биринчи навбатда, ўз яшашларининг асосий биологик шароитларгагина бевосита боғлиқ бўлган предмет ва ҳодисаларни инъикос эттирадилар. Уларнинг бош мияларида бу предмет ва ҳодисаларнинг предметли, ҳиссий образи: сезгилар, идроклар ва тасавурлар — улар томонидан англанган даражага кўтарилимайди. Чунки бу предмет ва ҳодисалар улар миясида уларни қуршаган шароитларнинг сигналлари сифатида акс этади. Ҳайвонлар психик инъикосидан иборат бундай сигналларнинг жамиини И. П. Павлов биринчи сигнал системаси, деб атаган эди. Юксак даражада ривожланган ҳайвонларга ҳос бундай сигнал системаси ва у асосда юзага келадиган сезги, идрок ва тасаввур каби психик инъикос шакллари юқорироқ босқичда одамларга ҳам ҳосдир. Одамларга ҳос сезги, идрок ва тасаввурлар руҳий инъикоснинг ўзига ҳос шаклларидир. Чунки ҳайвонларнинг психик инъикослари биологик омиллар билангина чекланиб қолганлиги учун уларнинг бу сезги, идрок ва тасаввур образлари миясида онг фактига айланмайди. Одамларнинг руҳий инъикоси эса биологик омиллардан ташқари, ижтимоий омиллар билан ҳам боғланганлиги учун, бу сезги, идрок ва тасаввур образлари онг фактига айланган бўлади.

Одам мияси ва унинг кўпроқ тараққий топган олий нерв тизими юксак ривожланган ҳайвонларнинг мияси ва олий нерв тизимига нисбатан янги сифат хусусиятларига эга бўлади. Шунга кўра одамларнинг сезиши, идрок қилиш ва тасаввур қобилияти истисносиз равишда ҳар қандай юксак ривожланган ҳайвонларнинг бу борадаги қобилиятидан юқори туради. Бу фаолият ҳатто ҳайвонлардан жуда кам фарқланган энг ибти-

доий одамларда ҳам бир қанча устун бүлган. Чунки, одамларнинг сезги аъзолари инъикос эттира оладиган ҳамма нарсани юксак ташкил топган ҳайвонлар сезги аъзолари худди үшандай инъикос эттиришга қодир эмас.

Одам сезги аъзолари ҳайвон сезги аъзоларидан, одам руҳий инъикос шакллари ҳайвон психик инъикос шаклларидан тубдан фарқ қиласи. Бу фарқлар қўйида-гиларда ўз ифодасини топади:

1) одам қурол ясайди, ижод қиласи, моддий ва маънавий бойликлар яратади, қисқаси, ижтимоий фаолият курсатади;

2) одам ҳайвонлар эга бўлмаган иккинчи сигнал системасига, яъни нутқ ва тилга эга;

3) одамнинг руҳий инъикос шакллари юзага келишида нутқ ва тил ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Демак, одамга хос инъикоснинг руҳий инъикос эканлиги, бу унинг маънавий оламини ташкил қилиши унинг ҳайвонлар психик инъикосидан фарқ қилдирувчи асосий жиҳатдир. Одамга хос руҳий инъикоснинг келиб чиқишида меҳнат ва нутқ каби ижтимоий омиллар муҳим роль ўйнайди.

4. ОНГНИНГ ПАЙДО БУЛИШИДА МЕҲНАТ ВА НУТҚНИНГ РОЛИ

Онг табиат тараққиёти билан пайдо бўлган одам миясининг маҳсули, воқеълик инъикосининг олий руҳий шакли сифатида меҳнат ва нутқ туфайли келиб чиққандир.

Онгнинг шаклланиши одамларнинг пайдо булиши, сунг озиқ-овқат топиш учун меҳнат қилишга ўта бошлиши, табиат ашёларидан фойдаланиб, меҳнат килишга, борган сайин ижтимоийлаша бориб, жамият бўлиб уюшиш жараёни билан боғлиқдир. Онг аслида, ярим ёввойи кишиларнинг ўзлари тайёрлаган меҳнат қуроллари ёрдамида моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида, бу жараённинг уларнинг мияларига акс таъсири натижасида, меҳнат жараёнларида мияларида туғилган фикрларини бир-бирларига нутқ орқали етказишга ҳаракат қилишдан бошлиб шаклланади.

Антропология фанининг далолат беришича, одамлар пайдо булиши, ривожланиши жараёнидаги қатъий бурилиш — бу уларнинг тўрут оёқлаб юришдан тик

юришга утишидан ва олдинги оёқлари қўл вазифаси учун бўшатилишидан бошланган. Қўллар вазифасини бажара бошлаган олдинги икки оёқ бутунлай бошқа вазифалар учун ихтисослаша бориб, меҳнат жараёнида янги-янги янада мураккаб вазифаларни бажариб, такомиллашиб боради. Бу қўллар ейиш учун яроқли ўсимлик илдизларини қазиб олишдан тортиб, ерларга ишлов бериш, меҳнат қуролларини ясаш ва улар ёрдамида ёввойи ҳайвонларни овлаш каби мураккаб ищларни бажара бошлайди. Натижада, одам қўллари бора-бора энг юқори тараққий этган одамсимон маймунларнинг қўлларидан бутунлай фарқ қиласиган хусусиятларга эга була боради. Чунки илгари бирорта ҳам маймун ўз қўли билан ҳеч қачон бирорта энг қупол тош пичоқ ҳам ясаган эмас.

Одам қўлларининг такомиллашиб бориши, ўз навбатида, одам организмининг бошқа қисмларига ҳам, хусусан, мияга, унинг ривожланишига жуда кучли таъсир кўрсатади. Бинобарин, қўлга фойда келтирган жамики нарса шу қўл жойлашган бутун танага ҳам фойда келтиради.

Жамият тараққиёти жараёнида одамларнинг меҳнат фаолияти ҳам тобора такомиллашиб, ижтимоийлашиб борди. Меҳнат тобора маҳсулдорроқ, самаралироқ, англанган, маълум мақсадга йўналтирилганроқ була бошлади. Меҳнат қуролларининг ривожланиши меҳнат тақсимотининг дастлабки шакллари келиб чиқишига олиб келди. Энди одамларнинг баъзилари фақат меҳнат қуролларини ясаш ва созлаш билан, баъзилари овчилик билан, баъзилари дала ишлари, дехқончилик билан, баъзилари эса фақат уй ишлари билан шуғулланадиган бўладилар. Бу нарса уруғ ва жамоа аъзоларини бир-бирига янада маҳкамроқ боғлаб, уларни янада жипслashiшга олиб келади. Кишилар ўртасида бир-бирларига ёрдам қилиш, биргалашиб ишлашнинг фойдасини жамоанинг барча аъзоси борган сайин равшанроқ англай боради. Меҳнатнинг бундай ривожланиб бориши шундай зарурият ва эҳтиёжларни пайдо қиласики, натижада, одам танасининг баъзи аъзолари, хусусан, унинг бўғзи ва оғиз бўшлиқлари такомиллашиб, маъно жиҳатдан фарқ қилувчи товушларни, сўзларни чиқариш имкониятларига эга бўлади. Бундай имкониятга эга бўлган уюшган кишилар шу дарражага етадиларки, уларда бир-бирларига ниманидир айтиш эҳтиёжи туғилади. Бу эҳтиёж

ўзига керакли аъзони ҳамда у билан боғлиқ нутқ ва тилни вужудга келтиради. Шундай қилиб, аввало меҳнат (қурол ясаш ва моддий бойликлар ишлаб чиқариш), сўнгра шу меҳнат жараёнида пайдо бўлган нутқ, тил онгниңг шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Онг меҳнат, нутқ таъсирида пайдо бўлган бўлса ҳам, ўз навбатида, у инсон руҳий дунёсининг юзага келиши ва ривожланишида, меҳнат ва нутқнинг тараққий этишида, меҳнат қуролларининг янада такомиллашви ва тилниңг ривожланишида ҳам катта роль ўйнайди.

Мия ва сезги аъзоларининг такомиллашиб бориши одамнинг абстракциялаш, умумлаштириш ва зеҳн ишлатиш қобилияти тараққий этишига олиб келади. Одам объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни идрок этганда, уларни абстрактлаштириб, умумлаштириб ифодалайдиган бўлади. Энди нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятлари, улар ўртасидаги турли хил муносабатлар одам миясида тушунча, ҳукм ва хулоса шаклларида, хуллас, фикр шаклида инъикос эта бошлайди.

Натижада, одамда абстракт тафаккур қарор топади. Абстракт тафаккур объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг одам миясидаги мавхумлашган, умумлашган ва айни вақтда конкретлашган тушунча, ҳукм ва хулоса шаклларидағи фикрий инъикосидир. Абстракт тафаккур тил билан узвий бояланган, у тил орқали нутқда товушлар, сўзлар ва гапларда реаллашади. Тил кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш ва фикр олишви қуроли сифатида тафаккурнинг юзага чиқиш шаклидир, у реаллашган онгдир.

Фалсафа онг билан тилниңг ўзаро боғлиқлигини қараб чиқар экан, тил ҳам онг сингари қадимий эканлигини, тил бошқа кишилар учун ва шу билан бирга, ҳар бир кишининг ўзи учун ҳам мавжуд бўлган амалий, ҳақиқий онгдир, деб тан олади ҳамда, тил ҳам фақат эҳтиёждан, бошқа кишилар билан муносабатда булиш заруриятидан келиб чиқсан деб гушуниради. Тил ва тафаккурнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Тафаккур табиат ва жамиятдаги предмет ва ҳодисаларнинг, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларнинг тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш каби фикр шаклларида инъикос этишидир. Тил эса тафаккурнинг моддийлашган шакли сифатида кишилар ўртасидаги

фикар алмашиш воситаси, уларнинг ўзаро алоқа қилиш куролидир.

Тафаккур ва тилнинг ўзаро бундай муносабатини, ўзига хос хусусиятларини тұғри ёритиб бериш онг фаолиятини илмий тушунишга катта ёрдам беради.

Одамнинг лишган гүштли овқат истеъмол қила бориши унинг ҳаётида ҳал қылувчи аҳамиятта эга бўлган икки янги ютуқقا: оловдан фойдаланишга ва ҳайвонларни қўлга ургатишга сабаб бўлади. Бу нарса одамнинг ва жамиятнинг тараққиёти учун шу қадар катта роль ўйнайдики, кишилар энди ейишга ярайдиган ҳамма нарсани истеъмол қилишга, ҳар қандай иқлимда ҳам яшашга ўргана бошлайдилар. Бу ўз ўрнида одамларга бир хил иссиқ иқлимдаги жойлардан совуқроқ жойларга ҳам кўчиш имконини беради. Совуқ жойларга кўчиш эса, одамда совуқ ва намликтан сақлайдиган турар жой ва иссиқ кийим-кечакларга эҳтиёж тутғиради. Бу эҳтиёжлар ўз навбатида меҳнатнинг янги соҳаларини ва шу билан бирга, фаолиятнинг янги турларини вужудга келтиради.

Дастлабки пайтларда ибтидоий кишиларнинг ўз фаолиятларини ва теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисаларни англаши ҳали чекланган бўлиб, уларнинг онги маълум сезгилар, идроклар, тасаввурлар ва тушунчалар асосида юз берувчи бир қадар содда, оддий умумлаштиришга, абстрактлаштиришга асосланиб ҳосил қилинган фикрлардан иборат бўлади. Бу пайтлардаги уларнинг онги ҳали купроқ ҳиссий идрок этиладиган энг яқин мухитни англашдан, кишилар ўртасидаги бевосита алоқа ва муносабатларнигина ифодалашдан иборат бўлади, холос. Кейинчалик меҳнатнинг янги соҳаларининг пайдо бўлиши, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши онгнинг янада тараққий этишига олиб келади.

Айниқса, қўл, сўзлаш органлари ва миянинг биргалашиб ишлаши кишиларда тобора мураккаброқ ишларни бажариш, ўз олдиларига тобора юқорироқ мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш қобилиятини ҳосил қилиб, улар фаолияти хилма-хил, мукаммал, ҳар тарафлама була боради. Натижада, аста-секин овчилик ва чорвачилик ёнига деҳқончилик, сунгра йигириш ва тўқиши, маъданлар эритиш ва ишлаш, кулолчилик хунари, кемачилик иши қушилади. Бора-бора савдо ва ҳунармандчилик билан бир қаторда, ниҳоят, санъат ва фан майдонга келади.

Шундай қилиб, одам ва жамиятнинг ривожланиб, бориши билан онг ҳам ривожланиб, тил билан бирга тараққий этиб, ижтимоийлашиб боради.

5. ОНГ ВА АХБОРОТ. ОНГ ВА БЕЛГИЛАР СИСТЕМАСИ

Инсоннинг борлиққа муносабатининг бир тури бўлган онг фаолияти информации¹ билан чамбарчас боғлиқдир. Информация, фалсафий категория сифатида, объектив олам, ундаги предмет ва ҳодисалар, жараёнлар ҳамда уларнинг миядаги фаол инъикоси ҳақидаги турли-туман хабарлар ва маълумотлардир.

«Ахборот» тушунчаси борлиқдаги предметлар ва ҳодисалар, улар ўртасидаги ўзаро боғланиш, таъсир ва акс таъсирларни, тирик организмлардаги олдинги насллар ирсий хусусиятларининг кейинги наслларга берилиш жараёнини, олий нерв фаолиятининг ишини, кишиларнинг ўзаро фикр алмашишларини, борлиқнинг инсон миясида онг шаклида акс этишини, электрон машиналарнинг иш фаолияти ва бажарадиган операцияларини, техник алоқа каналлари: телефон, телеграф, радио ва телевидение орқали бериладиган ҳамма хабар ва маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Инсон онги ҳам объектив воқеликнинг субъектив образи сифатида информациянинг ўзига хос бир туридир. Ахборот назариясининг асосчилари бу тушунчани, турли хил белгилар, символлар, турли кодлар ва уларни ифодалаган сўзлар, гаплар асосида турли каналлар орқали, турли воситалар билан турли фикрлар ва образлар алмашувидан иборат, деб тушунганлар.

Ахборот назарияси дастлаб пайдо бўлганда, у фақат жамиятдаги кишилар ўртасидаги хабарлар ва ахборот алмашувларни ўрганишни ўз ичига олади. Кейинчалик бу назария жонсиз ва жонли табиатдаги инъикос турларидан тортиб, инсон миясидаги барча онг образлигача бўлган маълумотлар, хабарларни ҳам ўз ичига ола бошлайди. Ҳозирги кунда ахборот назарияси маҳсус бир фан соҳасини ташкил этиб, инсон онги билан боғлиқ тушунча сифатида фалсафага ҳам кириб келди. Фалсафада «ахборот» тушунчаси жуда кенг маънони, яъни нотирик табиатдаги оддий инъикослару, тирик организмларнинг ўз ҳаётларида фойдаланадиган бор-

¹ Информация — (латинча: informatio — хабар) ахборот берниш, деганидир.

лик тұгрисидаги хабарлар ва маълумотлардан тортиб, ЭХМлар ва инсон мияси иш фаолиятларининг ҳамма-ҳаммасини үз ичига олади.

Ахборот уни сақловчы, узатувчи ва уни қабул қилиб олиб, қайта информацияга айлантирувчи мосламалар билан боғлиқ бұлади. Информация бұлиши учун уни ишлаб чиқарувчи тизим — информациянинг манбаи, уни кодловчи мослама, уни узатувчи ва қабул қилиб олиб, қайта ишловчы тизимлар бұлиши лозим. Информацияни узатиш учун ularни ифодаловчи маҳсус белгилар, символлар, кодлар талаб қилинади. Бу белгилар, символлар ва кодлар электромагнит тұлқинлари, электр импульслари, ёргулук квантларидан, овоз тұлқинларидан иборат маҳсус механик, физик, физиологик ва ниҳоят, ижтимоий күринишиларда ҳам бұлиши мүмкін. Шу билан бирга, информацияни узатувчи тизим билан уни қабул қилиб, қайта ишловчы тизим үртасида маълум үзаро келишув бұлиши ҳам лозим.

Информация турли хил ва турли күринишиларда бұлиши мүмкін. Информацияни дастлаб: а) моддий информацияларга ва б) маънавий (ёки ғоявий) информацияларга ажратиши мүмкін.

Моддий информациялар инъикоснинг механик, физик, химик, биологик шакллари билан боғлиқ информациялардир. Инсон миясига хос ижтимоий инъикос билан боғлиқ информациялар маънавий информациялардир. Бундай информацияларнинг алоҳида бир тури — бу иккинчи сигнал система — нутқ, яъни тил билан боғлиқ информациялардир. Бу информациялар инсон мияси томонидан ишлаб чиқылади ва нутқ, тил орқали узатилиб, эшитиш аъзолари орқали қабул қилинадиган информациялардир. Инсон миясига ташқи оламдан жуда күп информациялар келиб туради, лекин инсон мияси бу информацияларнинг ҳаммасини эмас, балки киши учун муҳим булған, унинг ҳаёти учун аҳамиятли информацияларнигина танлаб қабул қиласи, ularнинг энг муҳим, аҳамиятларини сақлаб, қолганларини эътиборсиз қолдиради. Шу билан бирга, инсон мияси бу информацияларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланавермайди. Мияда қайта ишланған ҳар бир информация доимо ҳиссий ёки фикрий образларда ифодаланади.

Хозирги замон шароитида информацияларни ишлаб чиқыш ва системалаштиришни кибернетик машиналар орқали амалга ошириш тобора ривожланиб бор-

моқда. Шу муносабат билан инсон билан машина, машина билан машина ўртасида информациялар алмашувининг универсал йўлларини ишлаб чиқиш вазифаси кўндаланг қўйилмоқда. Бу эса онг ва информация масаласини янада конкретлаштиришда жуда катта назарий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Информация назарияси ҳозирги кунда инъикос назарияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб бормоқда. Информация инъикос билан боғлиқ, лекин улар бир-биридан фарқ ҳам қиласди. Бу фарқ қўйидагилар билан характерланади:

1. Инъикос бутун борлиққа хос хусусият бўлса, информация фақат бошқариш системаларига хосдир.

2. Инъикоснинг ҳамма шакллари ҳам информация асосида ҳосил бўлавермайди, лекин информация эса фақат инъикос асосида ҳосил бўлади.

3. Инъикос жараёнида акс этилувчи билан акс этирувчи ўртасида ўзаро мослик ва келишишнинг бўлиши шарт эмас. Улар ўртасида ўзаро таъсир ва боғланишнинг бўлиши етарли. Информация жараёнида эса, аксинча, информацияни узатувчи тизим билан уни қабул қилиб олувчи тизим ўртасида ўзаро мослик ва келишув бўлиши зарур. Бусиз узатилган сигнал нимани ифодалаши номаълум бўлиб қолади.

4. Инъикос жараёни ҳамма ноорганик ва органик табиат куринишларидан иборат бўлган предмет ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар билан тақозо қилинади. Информация эса ана шу предмет ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро таъсир турларидан фақат биридир.

5. Инъикос образ ва белгиларсиз ҳам бўлиши, юз бериши мумкин. Информация эса образ ва белгиларсиз бўлиши мумкин эмас. Образ, белги ва символлар информацияни ифодаловчи, узатувчи воситалардир, уларсиз ҳеч қандай информацияни ишлаб чиқиш ҳам, узатиш, қабул қилиш ва сақлаш ҳам мумкин эмас.

Информация назариясининг ривожланиши образлар ва белгилар тўғрисидаги янги соҳа — семиотиканинг¹ пайдо бўлишига олиб келди.

Образ — бу объектив реаликнинг киши миясидаги ҳиссий ёки фикрий субъектив инъикосидир. Образ хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан: гносеологик образ, бадиий образ ва шу кабилар. Бу образлар бир-

¹ Семиотика (юононча: семайон сўзидан белги, белгиланган, дегани) — белгилар тизимининг қонуниятларини ўрганувчи фан соҳаси.

бири билан тенг эмас. Улар бир-биридан тубдан фарқ қиласылар. Лекин барча образларнинг манбай объектив реалликдаги турли-туман акс этилувчи объектлар ҳисобланади. Образлар акс этилувчи объектларга нисбатан иккиламчидир. Чунки аввал акс этилувчи предмет ва ҳодисалар объектив равишда мавжуд бўлиб, улар акс эттирувчи объектларда образлар тарзида ҳосил бўлади. Бу образлар акс этилувчига мос бўлиши керак, акс ҳолда улар тўғри бўлмайди. Образлар ўз мазмунни, манбай жиҳатидан объектив бўлса ҳам, лекин ўз мавжудлик шакллари жиҳатдан субъективдир.

Ҳар қандай образ белги ёки символлар орқали ифодаланади. Белги ва символлар предмет ва ҳодисаларнинг образларини ифодаловчи, уларни курсатувчи моддий ёки маънавий воситалар бўлиб, улар информацияларни узатиш, қабул қилиш ва сақлаш учун хизмат қиласи.

Белгилар объектив олам ва унинг қонунлари ҳақидаги кишиларнинг ҳосил қилган билимларини системалаштиришда жуда катта роль ўйнайди. Айниқса, белгилар предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ўрганишда, улардаги қонуниятларни очишда ва ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги вақтда «белги» тушунчаси муҳим фалсафий, кибернетик ва тил категориялари сифатида инсоннинг объектив реалликни билишида жуда катта роль ўйнамоқда.

Инсон томонидан фикр алмашув, информация алмашув учун фойдаланадиган барча белгилар — белгилар тизимини ташкил этади.

Шу маънода тил ҳам муҳим информация — (алоқа) воситаси сифатида алоҳида белгилар тизимидан иборатdir. Аммо у бошқа белгилар тизимиға нисбатан жуда мураккабdir. Ҳар қандай белги муайян маънога эга. Маъносиз белги ва белгисиз маъно йўқdir. Лекин ҳар қандай белгининг икки хил маъноси мавжудdir:

- 1) белгининг предметлик маъноси;
- 2) белгининг фикрий маъноси.

Белгининг предметлик маъноси шу белгининг бирор предметга ишора қилиб, уни курсатиш, ифодалаш хусусиятиdir. Белгининг фикрий маъноси эса шу белги ифодалаган предметнинг инсон онгидаги фикрий маъносидир. Масалан, тилдаги сўзларнинг курилмаси мураккаб муносабатлар комплексида мураккаб маъноларни ифодалайди. Бунда, биринчидан, ҳар бир сўз ўз асл маъноси билан бирор предметнинг белгисидир;

иккинчидан, бу сўз шу предметнинг инсон онгидаги ињикоси бўлган тушунчанинг белгисидир; учинчидан, бу сўз муайян нутқда бутун комплекс сўзлар билан бирликда бирор бошқа грамматик ёки семантиқ, ёки стилистик маъноларнинг ҳам белгисидир.

Белгилар турли-туман шаклларда ифодаланиб, турли кўринишларда бўлади. Уларни биринчи навбатда: 1) табиий белгиларга ва 2) сунъий белгиларга ажратиш мумкин. Масалан, об-ҳавонинг айниши туфайли ревматизм ёки радикулит касали борларнинг беллари ёки оёқларининг оғриши ёмғир ёғишининг табиий белгисидир. Чоррача ва йўлларда светофор ва симофорлардаги огоҳлантириш, ҳаракатнинг тұхташи ёки ҳаракатнинг давом эттирилишини ифодаловчи чироқларнинг ранглари эса сунъий белгилардир.

Белгиларни яна ўз навбатида: 1) тил белгиларига ва 2) тилга оид бўлмаган белгиларга бўлиш мумкин. Тил белгилари тилдаги барча сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплардан ҳамда тиниш белгилардан иборат булиб, улар ҳам одатда: а) оғзаки ёки ёзма нутқда ишлатиладиган сўз ва гаплардан, б) ёрдамчи сунъий тил белгилардан иборатдир. Ёрдамчи сунъий тил белгиларига тиниш белгилари, фанларда ишлатиладиган ҳар хил формуласалар ва ифодалар мисол бўла олади.

Тилга оид бўлмаган белгилар эса одатда белгикопиялар, белги аломатлар, белги-сигналлар ва шу кабилар булиб, улар кўча ва йўллардаги транспорт ва одамлар ҳаракатини тартибга солувчи белгилар, сигнализация тизимлари ва даражаларга оид белгилардир.

Тил белгилари тизими тилга оид бўлмаган барча бошқа белгилар тизимларидан фарқ қиласди. Уларнинг бу фарқи шундан иборатки, тил инсоннинг нутқий, фикрий фаолияти кўринишининг ва объектив оламни билишнинг воситаси сифатида хизмат қиласди. Бошқа белгилар эса қандайдир бирор предмет ёки ҳодисани ифодалайди, кўрсатади ва шу билан, улар информация узатиш воситаси булиб хизмат қилиб, тушунчаларни, бутун информация мазмунини шакллантирмайди. Тил белгилари — сўзлар эса тушунчаларни шакллантиради ва юзага чиқаради. Бундан ташқари, тил белгилари эмоционаллик, экспрессивлик билдириш хусусиятига эга ҳамдирки, бу хусусиятлар объектив оламдан олиандиган билимларга субъект муносабатини, унинг ҳиссий реакциясини ҳам ифодалаши учун хизмат қиласди. Тил

белгилари яна умумлаштирувчилик характерига ҳам эгадир. Улар борлиқнинг фақат ифодаловчиси ёки курсатувчисигина эмас, балки айни пайтда унинг умумлашган инъикосидир. Бирор фикрни тил орқали кимгайдир айтишдан олдин бу фикр киши миясида юзага келиб, албатта, суз ёки гап шаклда ифодаланади. Бунда шундай хулоса келиб чиқадики, тафаккур ҳам, тил ҳам белгилар билан иш кўради. Тафаккурда, аввало, оламнинг идеал фикрий модели юзага келади, сунг бу идеал фикрий модел нутқда тил белгилари — сұзлар ва гаплар шаклида моддийлашади.

Белгилар инсон фаолиятида ҳам информация, ҳам коммуникация, ҳам алоқа воситаси булиб хизмат қиласди. Белгилар символик ифода шаклида ҳам булиши мумкин. Масалан, «Туташган қўллар» дўстлик символини ифодалайди.

Белгилар предмет ва ҳодисаларни ифодалаб курсатса ҳам, лекин улар предмет ва ҳодисаларга айнан мос келмайди. Улар предметлар ва ҳодисаларни фақат белгилаш ва ифодалаш учун хизмат қиласди, холос. Шутуфайли белгилар баъзан аслида ўзи объектив оламда бўлмаган нарсаларни ҳам ифодалаши мумкин. Бунга поэтик ижоддаги сув париси ва илҳом париси тасвirlари мисол бўла олади.

Белгилар объектив оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг образлари эмас. Улар образлардан фарқ қиласди. Чунки образ инъикос билан боғлиқ булиб, у предмет ва ҳодисаларнинг акси, сурати, копиясидир. Акс, сурат, копия эса доимо ўзининг асли бўлган предмет ёки ҳодисага мос бўлади. Белгилар эса бундай эмас, улар ўзлари ифодалайдиган предмет ва ҳодисаларга мос келмайдилар. Белгилар билан образлар ўртасидаги бу фарқни тўғри тушуниб етмаслик маълум хатоларга олиб келади. Бунга XIX асрнинг охири, XX аср бошлирида пайдо бўлган «символлар» ва иероглифлар назариялари яққол мисол бўла олади.

6. ОНГ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ

Одам ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиб, унинг онги пайдо бўлишидаги яна бир муҳим омил — бу ўзи ўзини, ўз фаолиятини англашидир. Ўз-ўзини англаш инсон онги фаолиятининг муҳим томонини ташкил қиласди. Чунки, ижтимоий ҳаёт инсондан фақат объектив борлиқни, яъни табиат ва жамиятни билишнигина

эмас, балки ўз-ўзини англашини ҳам талаб қилади. Бинобарин, инсон борлиқни ўз онги орқали акс этти-рар экан, у фақат объектив реалликнинг субъектив инъикосини ҳосил қилибгина қолмай, балки ўз-ўзини ҳам, ўзининг мақсад ва манфаатларини, идеалларини ҳам, хуллас, ўз маънавий қиёфасини ҳам англайди. Бунда у, маълум даражада, ўз теварак атрофидаги нарсалардан ўзини ажратиб, ўзининг борлиққа муносабатини, нимани инъикос эттираётганини, қандай манфаат ёки мақсад асосида акс эттираётгани, нима қилаётгани ҳақида ўзига ҳисоб беради. Инсоннинг инсонлиги, унинг ҳайвондан туб фарқи айни шу ўз-ўзини англашидан, ўзининг кимлиги ёки нималиги, нималарга ва қандай ишларга қодирлигини била олишидан бошланади. Бу эса ўзининг эҳтиёжлари, мақсад ва манфаатларини, фаолиятининг йұналишини, жамиятда қандай үринга эгалиги ва қандай роль үйнашини anglay олишидан бошланади. Лекин бу ўз-ўзини англаш инсонда ўз-ўзидан, априор¹ шаклларда юзага келмайди, балки у онг билан бирга, инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятлари асосида, унинг ижтимоий турмуш тарзи таъсирида шаклана боради. Бунда унинг ўз-ўзини англаши ўз фаолиятларини назорат қилишда, ўзининг қилаётган ишлари ва фаолиятлари учун масъулликни ҳис қилишда намоён бұлади. Ўз-ўзини англаш, шу билан бирга, кишиларнинг үzlари қилған ишлари юзасидан үzlарига ҳисоб беришларида, ўз фаолиятларини түғри ёки нотугри, деб топишида, уларни маъқұллаши, тасдиқлаши ёки қоралаши, рад қилишларида ҳам ифодаланади. Ўз-ўзини англаш на-тижасида инсонда ўз-ўзига ишонч пайдо бұлади, ха-рактери шаклланади.

Инсон фаоллигини белгиловчи нарса ҳам айни шу ўз-ўзини англашидир.

Ўз-ўзини англашни шундай таърифлаш мүмкін: инсон ўзини субъект сифатида ажратиб, ўз билишини ўзига қаратиши, ўз талаб ва эҳтиёжларидан келиб чи-қиб иш юритиши, фаолият ва ишларини назорат қила олиши ҳамда бошқариши, ўз-ўзига ўз фаолиятининг бориши ва натижаси ҳақида ҳисоб бериши, хуллас, ўзи билишнинг ҳам субъекти, ҳам обьекти бұлған жараён-ни фалсафада ўз-ўзини англаш, дейилади.

¹ Априор — (лотинча: *apriori* — тажрибагача деган маънени билдиради) инсон тажрибасидан олдин унинг миясида мавжуд бұлувчи билим.

Ўз-ўзини англаш ижтимоий-тарихий жараён булиб, у ривожланиб борувчи динамик тузилма сифатида онгнинг турли босқичларида ва турли даражаларда турлича ҳолатда ва куринишларда намоён бўлади.

Ўз-ўзини англашнинг биринчи дастлабки шакли — бу ўз-ўзини ҳис қилиш булиб, у кишининг ўзини, ўз жисмини қуршаб турган дунёдаги предметлар, ҳодисалардан фарқини билишидир.

Ўз-ўзини англашнинг навбатдаги шакли одамнинг жамиятдаги ўз ўрнини, инсон эканлигини, яъни у ёки бу жамиятнинг аъзоси, жамиятнинг конкрет бирор босқичига, муайян маданиятга, ижтимоий гуруҳларга мансублигини, аниқ бир фаолият эгаси эканлигини тушуниши билан боғлиқдир.

Ниҳоят, ўз-ўзини англашнинг юқори шакли — бу кишининг жамиятда фуқаро сифатида фаолият курсатадиган, ўз ишлари ва фаолиятлари учун масъулликни ҳис қилувчи, фаолияти устидан ўз назоратини ўрнатувчи, жамиятда ўз ўрнини тұғри белгиловчи, ўз фаолиятларини ўзи баҳолай оладиган, ўз-ўзига ҳисоб бера олувчи шахс эканлигини тушунишдир.

Ўз-ўзини англашнинг бу шакллари фақат конкрет индивид билан боғлиқ бўлган шакллардир.

Умуман, инсоннинг ўз-ўзини англаши, билиши учун у турли воситалардан, йўл-йўриқлардан, нарсалардан фойдаланади. Бу кишиларга ҳодиса-воқеалар унга ўз-ўзини акс эттирувчи ойна ролини бажаради. Шу асосда инсоннинг ўз-ўзини англаши содир бўлади. Бу халқнинг: «бирни куриб шукур қил, бирни куриб фикр қил», деган мақолида ҳам ўз ифодасини топган.

Инсон ўз-ўзини англаши кўпинча унинг бошқа кишиларга бўлган муносабатлари орқали вужудга келади. Бу унинг колектив (жамоа) орасидаги амалий-ижтимоий фаолияти жараёнида, бошқа кишилар билан бўладиган муносабатларида туғилади. Чунки киши нафақат ўзини бошқа кишилар билан, балки бошқа кишиларни ўзи билан таққослайди, у ўзини бошқалар билан қиёслаб идрок этади ва шу асосда ҳам ўз-ўзини англайди.

Ўз-ўзини англаш ҳар бир кишида, ҳар бир жамоада, ҳар бир ижтимоий гуруҳда ва ниҳоят, бир бутун жамиятда ўзига хос куринишларда кечади. Кўпинча киши бошқаларни адолат, ҳақиқат, ҳаққонийлик, принципиаллик жиҳатдан тұғри танқид қилиб, тұғри баҳоласа ҳам, ўзига келганды, бу талабларни унугиб қўяди.

Шунинг учун ҳам бундай кишилар баъзан бошқалардан маълум принципларга риоя қилишни талаб қилишганда, уларга: «сен аввал ўзингни билиб ол, ўзинг ким булиб қолибсан», — дейишади. Булар ўз-ўзини англашнинг баъзи қирралари холос.

Ўз-ўзини англашнинг бошқа қирралари ҳам бор. Ўз-ўзини англаш фақат конкрет киши, шахсгагина хос булиб қолмасдан, у маълум жамоага, маълум синфга, бирон бир ижтимоий гуруҳга, маълум халқа, миллатга ҳам хос булиши мумкин. Конкрет киши ёки шахс ўз-ўзини англашининг олий даражаси — бу шу киши ёки шу шахснинг маълум ижтимоий гуруҳга, маълум жамиятга оид олий инсоний қадриятларнинг ташувчиси, яратувчиси сифатида фолият кўрсатишидир.

Ўз-ўзини англашнинг энг муҳим кўриниши бу маълум гуруҳ жамоа, миллатнинг ўз-ўзини англашидир. Маълум миллатнинг ўз-ўзини англаш — миллий ўз-ўзини англаш дейилади. Миллий ўз-ўзини англаши эса миллий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида миллий маданият ва маданий мерос, миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ўта мураккаб ва зиддиятли алоқадорликда вужудга келади. Бунда миллий манфаатлар миллий ўз-ўзини англашнинг асосий манбаини ташкил қиласди. Миллий маданий қадриятларни ўзлаштириш ва эгаллаш, уларни қайта идрок қилиш ва яратиш миллий ўз-ўзини англаш ривожланишининг асосий шарт шароитларидир. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини англаш ўз ўрнида миллий маданият, маънавият ва манфаатлар янада ривожланишини таъминловчи асосий омилдир.

Миллий ўз-ўзини англашни шовинизм ва миллатчиликдан фарқ қилиш лозим. Шовинизм ва миллатчилик одатда бир гуруҳ кишиларнинг ҳиссий ва ақлий кайфиятлари билан боғлиқ бўлган, ўз-ўзини англашнинг бузилган кўринишлари булиб, миллий ўз-ўзини англашни бир томонлама тушуниб, уни ошириб, бўрттириб юборишларнинг оқибатидир. Ҳар бир миллат маданияти, маънавияти миллий қадриятлари шу миллат ўз-ўзини англашининг бевосита таъсирида бўлади.

Собиқ Иттифоқ емирилиб, мустақил давлатлар ташкил топган, ҳозирги шароитда миллий ўз-ўзини англаш мамлакатимиз ижтимоий ва маънавий тарақ-қиётининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

7. ОНГ – ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

Онгнинг ижтимоий-тариҳий моҳияти, деганда нимани тушунамиз? Онгни ҳосил қилувчи асосий омиллар нималардан иборат? Бу саволларга жавоб бериш онгнинг ижтимоий моҳиятини очишга ёрдам беради.

Одатда, чақалоқ дунёга келган пайтдан бошлаб ўз атрофидаги кишиларни, предмет ва ҳодисаларни сезиш, идрок этиш, уларни бир-бирларидан фарқлаш, кишиларнинг ўзига бўлган муносабатларига қандайдир шаклда жавоб қайтариш қобилиятига эга бўлади. У шу асосда дунёни ҳиссий идрок эта бошлайди. Маълум вақт ўтиши билан у ўз атрофидаги кишилар, предметлар ва ҳодисалар ҳақида ўзига хос сезгилар, идроклар ва тасаввурлардан иборат ҳиссий образлар ҳосил қила бошлайди. Айни вақтда унинг бу ҳиссий образларни ўз миясида қайта ишлаш асосида дастлабки ашёвий тафаккур ҳам ҳосил бўла бошлайди. Бу жараён чақалоқни қуршаб олган ижтимоий муҳит таъсирида узлуксиз ривожланиб бориб, аста-секин у ўз атрофидаги предметларни англайдиган, уларни бир-биридан фарқ қиласидиган, унга бўлган муносабатларни тушунадиган, бу муносабатларга ўзи ҳам маълум шаклда жавоб берадиган бўла боради. Бу жараённинг узлуксиз давом этиб бориши билан унда ашёвий тафаккур ўрнини нарса ва ҳодисаларнинг фикрий образларидан иборат абстракт тафаккур ола боради. Бу — болада онгнинг қарор топиб боришининг бир қадар юзаки, содда баёнидир. Аслида, болада онг унинг дунёга келиб, ўз теварак-атрофидаги предмет ва ҳодисаларни англай бошлишидан пайдо бўла бошлайди. Бунда онгни пайдо қилувчи асосий омил болани қуршаб олган ва унга узлуксиз таъсири қилиб турувчи ижтимоий муҳит, яъни унинг билан маълум муносабатда бўладиган кишилар ва уларнинг муносабатларидир. Бу муносабатлар таъсирида болада маънавий-ақлий жиҳатлар ривожланиб боради. Бундан шу нарса маълум бўладики, инсон онги — туб маънода ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Ижтимоий муҳитсиз, жамиятдаги кишилар ижтимоий муносабатларисиз, жамиятнинг таълими, тарбиясисиз инсон онги вужудга келмайди. Онгнинг вужудга келиши учун, албатта, ижтимоий муҳит, яъни ижтимоий ҳаёт, ижтимоий омиллар бўлиши зарур.

Инсоннинг онги, унинг барча руҳий ва ақлий қобилиятлари, унинг жамиятдаги ҳаёти, фаолияти даво-

мида таркиб толади ва маълум ижтимоий шарт-шароитлар билан тақозо қилинади. Одам боласи фақат жамиятдагина ижтимоий муҳит таъсирида ижтимоий онгли зот — инсонга айланади, шахс даражасига кўтарилади.

Ижтимоий тараққиёт билан бирга ривожланиб борган онг инсонда тафаккур қонунлари, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, диний, илмий, эстетик ва этик қарашларнинг шаклланишига асос бўлади. Онг ўзининг пайдо бўлган пайтидан бошлаб инсоннинг хатти-ҳаракатини, ақл-идрокини, фикрини шакллантиради, кишини муайян ҳаёт тарзининг, маданият ва маънавиятнинг эгаси (субъекти) қилиб етиширади.

Хуллас, онг одамни ҳайвонот дунёсидан ажратган ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

Инсон онгининг муҳим жиҳатини унинг ижодий фаоллиги ташқил қиласи.

Инсон дунёдаги ўз ўрни ва фаолиятини, шунингдек, бошқа кишиларнинг фаолиятларини англаб олишида ҳам онгнинг ижодий фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Инсон ўзининг онгини ўз англаш обьектига айлантириши билан онгнинг тузилиши, содир бўлиш жараёнлари ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисида ҳам фикр юритади. Бунда у ўзининг индивидуал борлиги, шахсий эҳтиёжлари билан бирга, узи яшаётган жамиятнинг мақсад ва вазифаларини ҳам тушуниб боради. Бу эса унда муайян ғояларни, мақсад ва интилишларни юзага келтиради; бу ғоялар, мақсад ва интилишлар уни бирон-бир ҳаракатга, муайян фаолиятта йўналтиради.

Онгнинг ижодий фаоллиги, айниқса, кишининг бирон ишга киришганида, бу ҳаракат режасини миасида олдиндан тузиб олишида яққол намоён бўлади. Бунда шу иш-ҳаракат режаси унинг тасаввурода маълум фикр шаклида юзага келади, сўнг инсоннинг меҳнат жараёнида моддийлашади.

Онгнинг ижодий фаоллиги тўғрисида гапирганда, яна шу нарсага эътибор бериш керакки, инсон ташқи табиатга таъсири қилиб уни ўзгартиради. У ўз табиатининг мудраб ётган қобилиятларини тараққий эттириб, бу кучларнинг фаолиятини ўз ҳукмига бўйсундиради.

Онгнинг ижодий фаоллиги инсоннинг ташқи дунёга, табиат ва жамиятга, ўзига, бошқа кишиларнинг ижтимоий фаолиятига маълум муносбатда бўлиши билан характерланади. Шунинг учун инсоннинг дунёга

муносабати маълум мақсадни кўзлаб, узгартеришдан ҳам иборатдир.

Инсоннинг онгли фаолияти бирон бир аҳамиятли ишни бажаришдан, бирон бир муҳим вазифани ҳал этишдан, муайян мақсадни ўз олдига қўйиб, уни амалга оширишдан иборат бўлади. Бунда ҳам доимо онгнинг ижодий фаоллиги яққол намоён бўлади. Бу фаоллик ундаги талаб, интилиш, қизиқиш, ният, мақсад, ишонч, ирода ва шу кабилар орқали ифодаланади. Булар ичида мақсад етакчи роль ўйнайди. Инсон ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишида унинг идеал модели бўлган режа муҳим аҳамиятга эга. Бу режа унинг фаолиятини тартибга солиб, тўгри йўналиш бериб боради. Инсон доимо ўз олдига қўйган мақсадининг катта ёки кичиклигига қараб, ўзининг фаолият доирасини белгилайди ва уни амалга ошириш режасини тузади.

Инсон ўз онгли фаолияти билан олдига қўйган мақсадини амалга оширишга киришади. Инсоннинг бу мақсади эса маълум қонун ёки тамойил сифатида унинг фаолиятининг усулини ва характеристини белгилаб беради. Унинг иродаси бунда ана шу мақсадга бўйсунган бўлади.

Киши ўз олдига қўядиган ва унга эришишга интиладиган ҳар қандай мақсад — бу яратилиши лозим бўлган ва лекин ҳали реал тарзда мавжуд бўлмаган, аммо келажакда бўлиши орзу қилинган нарса ёки ҳодисанинг ғоявий шаклидир. Мақсадни кўзлаш, уни белгилаш ва амалга оширишга киришиш ҳар қандай онгли фаолиятнинг энг муҳим шартидир. Чунки ҳар қандай онгли фаолият ўз мақсади бўлгани билан эмас, балки амалга оширилиши билан қимматлидир. Агар мақсад амалий иш билан, амалий фаолият билан бирга қўшилмаса, фақат хаёл, самарасиз интилиш бўлиб қолади, холос.

Бу ўринда буюк немис мутафаккири Гётенинг қўйидаги фикри жуда характерлидир: «Фақат исташ камлик қиласи, ҳаракат қилиш керак, ҳаракат!»

Онгнинг ижодий фаоллиги туфайли инсон тобора қудратлироқ ишлаб чиқариш воситаларини яратиб, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун улардан фойдаланишга ҳаракат қила боради. Инсон ўз онги фаоллиги туфайли табиатнинг янги-янги қонунларини кашф этиб, уларни билиб олиш асосида, табиий ҳолда мавжуд бўлмаган янги-янги нарса ва ҳодисаларни яра-

тади, янги-янги ихтиро ва кашфиётлар қиласи. Натижада, у ўзининг яратган ва ихтиро қилган нарса ва ҳодисалари орқали табиат кучларидан, ҳодисаларидан ўз мақсадларини рӯёбга чиқариш йўлида фойдаланади. Инсон булар билан ҳам қаноатланмайди. У ўз онгли фаолияти билан жамиятни ҳам ўзгартиради. Бу ўзгаришлар ғояси дастлаб илғор кишилар онгига пайдо булиб, жамиятга бўлган қарашларда янги ўзгаришларга олиб келади.

Тарихдан бизга маълумки, жамиятда юз берган ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар, авваламбор, илғор кишилар онгига содир булиб, сунг амалга оширилган. Бунга XVIII асрдаги Францияда содир бўлган буржуа инқилобини мисол қилиб курсатиш мумкин. Бу инқилоб дастлаб мутафаккирлар онгига юз бериб, сунг у халқ оммаси томонидан амалга оширилган эди. Хуллас, шуни айтиш керакки, инсоннинг табиат ва жамиятни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятида унинг онги фаоллиги жуда катта роль ўйнайди. Инсон табиат ва жамиятни ўзгартирасар экан, бу жараёнда унинг ўзи ҳам ўзгариб боради. Бу ўзгариш ҳам, биринчи навбатда, унинг онгидан бошланади. Бу шуни кўрсатадики, инсон дунёни англар экан, уни шунчаки англаб олиш билан чекланиб, унга пассив мослашиб қўяқолмайди. Ҳамма билимлар дунёни фаол ўзгартиришга киришган кўпдан-кўп авлодлар томонидан яратилган.

Ибтидоий одамнинг содда, унчалик ривожланмаган қули билан яратилган оддий тош пичоқ, тошболтадан тортиб, ҳозирги кундаги осмон ўпар бинолар, буюк иншоотлар, энг мураккаб механизмлар ва компьютерларгача, оддий ҳаво шаридан тортиб, то ҳозирги даврдаги космик кемалар, сунъий йўлдошлар ва орбитал станцияларгача ва шу кабиларнинг ҳаммаси инсон онгининг фаоллигининг натижасидир. Инсоннинг ақлзаковати — табиатнинг буюк неъматидир. Ундан кишилар мақсадга мувофиқ фойдаланишса, у қудратли кучга айланиб, мұжизалар яратишга қодир.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан инсон онгининг ижодий фаоллиги ҳам янада ортиб боради. Бу эса инсоннинг табиат ва жамиятга ҳамда ўзига бўлган таъсирини янада кучайтиради. Натижада, инсон табиат ва жамиятнинг янги-янги қонунларини очиб, уларни тобора чуқурроқ билиб боради. Инсон табиат ва жамият қонунларини қанчалик кўп очиб, билиб борса,

унинг ақлий ва жисмоний фаолияти шунчалик самаралироқ булиб боради. Инсоннинг табиат ва жамият қонунларини очиши, уларни билиш ва эгаллаш имкониятлари жамиятнинг ишлаб чиқариш усули билан, унинг характеристери ва тараққиёт даражаси билан чамбарчас боғлиқ булади. Бу шуни қўрсатадики, инсон онгининг ижодий фаоллиги жамият тараққиёти имкониятлари билан боғлиқдир. Шунга кўра жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий онги бир бутун ижтимоий борлиқни, аввало, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттириб, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётига фаол таъсир қилади. Рўй берган ижтимоий-иқтисодий узгаришларда эса етилган эҳтиёжларни ифодаловчи илгор ғоялар катта роль ўйнайди. Улар кишилар онгига сингиши биланоқ моддий кучга айланаб, ижтимоий тараққиётга ўз таъсирини ўтказади.

8. ОНГ ВА ИЖОД

Инсон онгининг фаоллиги, айниқса, унинг ижодий фаолиятида яққол намоён булади. Инсон ижодий фаолиятини эса онг, онгости ва онгсизлик жараёнлари ташкил қилади. Лекин онг инсоннинг ижод жараёнида асосий ўрин тутади.

Ижод — бу инсоннинг сифат жиҳатдан янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган руҳий ва амалий фаолияти. Инсон ўз ижоди билан табиатдан фарқ қилувчи «иккинчи табиат»ни яратади, у табиий муҳит ичида «сунъий муҳитни» вужудга келтиради. Кенг маънода жамият ҳам инсоннинг ижодий маҳсулидир. Инсон ўз ҳаёти фаолиятида фойдаланадиган ҳамма нарсалар: буюмлар, кийимлар, тураг-жойлар, озиқ-овқатлар — ҳамма-ҳаммаси унинг ақлий ижодининг маҳсулидир. Булардан ташқари, инсон ўз онгли ижоди билан динни ва фанни ҳам яратган.

Инсон яратувчилик фаолиятининг характеристига кўра ижоднинг ихтирочилик, ташкилотчилик, илмий, бадиий ва техник турлари фарқ қилинади.

Ихтирочилик ижод — бу инсоннинг табиат ва жамият қонунларини очиш, билиш ва урганиш асосида янги машина ва механизmlар яратшидир.

Ташкилотчилик ижод эса инсоннинг жамиятда кишиларни бошқариш, уларни уюштириш, бирлаштириш улуғ ишларга бошлаш ва бошчилик қилиш, хуллас, бир бутун жамият ишларини ташкил қилиш қобилиятидир.

Илмий ижод бўлса инсоннинг табиат, жамият ва ўз тафаккурида амал қиласидан қонун ва қонуниятларни кашф қилиш, билиб олиш билан боғлиқ бўлган яратувчилик фаолиятидир.

Бадиий ижод эса, илмий ижоддан фарқли равишда, инсоннинг санъат ва маданият соҳаларида табиат ва жамият ҳодисаларини, инсоннинг ўзини нафосат қонунлари ва принциплари асосида бадиий ифодалаш фаолиятидир.

Техник ижод ҳам илмий ва бадиий ижодларнинг маълум синтезидан иборат бўлиб, инсоннинг янги техника, технология, механизмлар яратиш соҳасидаги фаолиятларини ўз ичига олади. Инсон ижодий фаолиятини бундай турларга ажратиш шартлидир. Аслида, инсон ижоди ўз можияти жиҳатдан бир бутун фаолиятдир. Инсоннинг ижоди, яратувчилик, ижодкорлик қобилияти уни ҳайвонот оламидан ажрагган муҳим ижтимоий омил ҳисобланади. Ҳайвон ижод қилиш қобилиятига эга эмас. Инсон эса онги туфайли ижод қилади ва яратади.

Ҳар қандай соғлом киши у ёки бу даражада табиатан ижодий қобилиятга эга бўлади. Бу ижодий қобилиятнинг дастлабки асоси — кишида юзага келадиган кўра билишдир. Ижодий қобилиятнинг етакчи хусусияти эса ижодий тасаввур қилишдир. Бу хусусият рассомга ҳам, математик олимга ҳам, ҳар қандай омилкор кишига ҳам ҳос хусусиятдир. Руҳшунослар қобилиятнинг икки даражасини фарқлайдилар: унинг биринчи даражаси репродуктив акс эттириш бўлиб, иккинчиси — ижодий акс эттиришдир.

Қобилиятнинг ана шу иккинчи даражаси, одатда, ижодий қобилият дейилади. Фақат ана шу ижодий қобилиятгина ижодий жараённи туғдиради. Ижодий қобилиятнинг дастлабки куриниши зеҳн қилишдир. Зеҳн кишининг ташқи таъсирларга нисбатан танлаб таъсирланиш хусусиятини, унинг ишчанлигидан ифодаланадиган кучни характерлаб, муайян бир фаолиятга нисбатан қизиқувчанликда, унга нисбатан мойиллик ва интилишларда намоён бўлади. Бирон бир фаолиятга нисбатан пайдо бўлган қизиқувчанлик ёки майл эса ижодий қобилиятнинг ривожланиш стимулидир, чунки улар кишини маълум фаолиятга ундейди. Бу фаолият жараёнида мавжуд майл ва қизиқувчанлик муайян ҳистайгулар ва кечинмалар ижоднинг «энергетик ресурс-

ларини» ташкил қиласы. Умуман, ижодий қобилият ижодкор шахсининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди, у ижодкорнинг маънавий қиёфасини белгилайди.

Кишидаги ижодий қобилиятнинг рӯёбга чиқишида ва ривожланишида унинг ўз истеъодига мос фаолиятга ва ўз бурчига муносабати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бу муносабатлар унинг эътиқоди, ижтимоий йўналиши ҳамда идеалларини белгилайди.

Кишидаги буюк мақсаднинг, унинг гоявий йўналишининг, ижодий қобилиятининг кучи ва барқарорлиги асосида унинг ҳаётга муносабати ва ўзига нисбатан талабчанлиги ётади. Ҳаётда буюк мақсадлар кишиларда буюк файрат-шижоатни туғдиради. Кишилар ижодий қобилиятининг кучи уларнинг онги, тафаккури, ақли ва эътиқодлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бирон ишга муҳаббат ва эҳтирос билан берилиши киши ижодий қобилияти ва талантининг рӯёбга чиқишининг муқаррар шарт-шароитини ташкил қиласы. Бу нарса танланган фаолиятнинг ижтимоий моҳиятини тўғри тушуниш, унинг натижаларини тўғри англаш билан боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, табиат ва жамият ҳодисаларининг ижодкорга қанчалик кучли таъсир қилиши билан ҳам боғлиқдир.

Турли хил таъсир туфайли ижодкорда вужудга келадиган ҳис-туйгулар, ижодий кайфиятлар ижодий қобилиятнинг фаоллигини оширувчи омиллар сифатида ижоднинг «энергия манбай»ни ташкил қиласы.

Ижодий қобилиятни фаоллаштирувчи, унинг рӯёбга чиқиши учун энг қулай шароит яратувчи ижодий эмоционал ҳолат — бу илҳомдир.

Илҳом (илҳомланиш) — инсоннинг ақлий-ижодий фаолиятида юз берадиган эмоционал руҳий ҳолатидир. Ижодий жараёнда илҳомланишдан иборат бўлган эмоционал руҳий ҳолат ҳамма вақт ижодкор қобилияти салоҳиятини фаол яратувчи кучларга айланишига ёрдам беради. Илҳом келганда, ижодкор фавқулодда катта ижодий яратувчилик фаолиятини рӯёбга чиқариши мумкин.

Илҳом, аслида, ижодкорнинг барча маънавий кучлари ва қобилиятлари маълум ижод обьектида батамом тўпланганингини, кишининг ҳиссий ва руҳий кутарин-килигини (ижод қувончини, ижодий туғённи, ижодий эҳтиросни) билдиради. Илҳом ҳар қандай ижодий жа-

раёндаги зарурий руҳий ҳолатдир. Шунинг учун илҳом поэзияда қанчалик керак бўлгани сингари, геометрияда ҳам керакдир.

Ижод кишидаги барча руҳий кучларнинг зўр беришини талаб қиласди. Ижод билан шуғулланиш, ижодий иш бир лаҳзали иш эмас. Ижод билан шуғулланишни, бирон янгилик яратишни, одатда халқигна билан қудуқ қазишга қиёслайди. Ижод билан шуғулланишнинг ўзига хос қувончлари, ташвишлари, қийинчиликлари ва мashaққатлари булади. Ижод ижодкордан узоқ давр маълум тартибда бирон соҳа юзасидан зўр бериб меҳнат қилишни, қунт билан ўқиб-урганиб боришни, катта диққат-эътиборни, улуғ жасорат ва фидоийликни, ўз устида тинмай ишлашни, изланишни талаб қиласди. Бунда ижодкорга ижодий фаолиятни ниҳоясига етказишда дуч келадиган қийинчиликларни енга оладиган кучли ирода, сабрбардош ҳам керак булади.

Ҳар қандай соҳадаги ижодий фаолият олдин жуда кўп хомаки ишларни бажаришни талаб қиласди. Бунда маълум йўналишда қунт билан шуғулланиш, материал туплаш, уларни умумлаштириш, турларга ажратиш, ниҳоят, уларни фикрга кучириб, фикрий призмадан ўтказиб, қайта ишлаб чиқиши (ёзувчи); ёки ўнлаб, юзлаб, минглаб тажрибалар қилиш, кузатиш ва экспериментлар ўтказиши (тадқиқотчи); олинган ва тупланган маълумотларни фикр лабораториясида қайта ишлаб чиқиши (олим) ва шулар кабилар талаб қилинади. Улар бир лаҳзалик, фақат илҳом келган қисқа вақт ичida бажариладиган ишлар эмас, аксинча, улар ижодкордан катта жасорат ва зўр ирода талаб қиласди. Баъзан йирик кашфиётлар нисбатан қисқа муддатда қилиниши мумкин. Лекин, улар ижодкор миясида узоқ вақт давомида етилиб, «пишиб» боради.

Ижод билан шуғулланган кўпчилик ижодкор кишилар ўз ижодий муваффақиятларини баҳолашганда, ўзларининг меҳнатсеварлиги ва ишchanликларини биринчи ўринга қўйганлар. Масалан, бир қанча кашфиёт ва ихтиrolар муаллифи Томас Альва Эдисон ўз ижодий муваффақиятларини баҳолар экан, ижоднинг 1% и гениалик бўлса, 99% и меҳнат — қаттиқ тер тўкиб ишлашдир, деган эди.

Меҳнатсеварлик ва ишchanлик ҳамма буюк ижодкорларга хос ахлоқий сифатлар булиб, улар бу кишилар ижодий қобилиятини тараққий эттириш учун ўзига

нисбатан юқори даражада талабчан булиши ва үз фаолиятини доимо танқидий баҳолаб бориши муҳим фазилат ҳисобланади. Том маънодаги буюк ижодкорлар үз истеъдодининг кўп қирралилиги билан ажралиб турадилар.

Талант ва гениаллик ижоднинг муҳим томонларини ташкил қиласди.

Талант¹ — бу кишининг бирор соҳа буйича, масалан, мусиқага, математикага, расм чизишга ёки шеър ёзишга, тилларни билиш ва шу кабиларга нисбатан бўлган табиий истеъоди, юксак ижодий қобилияти дир.

Талантни ҳам ижодий фаолиятдан келиб чиқиб, иммий, бадиий, сиёсий каби турларга ажратиш мумкин. Масалан, бадиий талант — бу кишидаги санъатнинг бирон соҳасига нисбатан бўлган кучли истеъоди булиб, у маълум табиий жиҳатлар: мусиқа оҳангларига бўлган кучли сезгирилик, ўйинчи танасининг маҳсус пластик (эгилувчан)лиги, рассом (мусаввир)лик учун рангларни ажратса оловчи кучли ҳис қилиш қобилияти кабилардан иборатдир. Бадиий талант, одатда, сермаҳсул эстетик интуиция, бадиий тафаккур кучи, фаол ижодий хаёл, шахсий кечинма, бой ҳис-ҳаяжонларда ифодаланади. Ҳозирги давр социологик тадқиқотларнинг маълумотларига кура, барча кишиларнинг, тахминан 15% ини талантли кишилар ташкил қиласди. Лекин уларнинг қанчаси үз ижодий қобилиятларини юксак даражада ривожлантириш имкониятига эга эканлиги номаълумдир. Улардан, тахминан, 20% атрофидагилар кучли истеъодоли кишилар булиб, улар яхши билим олиб ва яхши тайёргарликка эга бўлсалар, үз талантларини турли соҳаларда юксак даражада нағоён қила олиши мумкин. Энг юксак истеъододга эга бўлган талантли кишилар эса гениал кишилар ҳисобланади.

Гениаллик ёки гений — бу энг юксак талант ва ақлга эга, энг юксак истеъодод соҳибиға хос бўлган буюк ижодий қобилияти дир.

Социологик тадқиқотларга кура, жамиятдаги ҳамма кишиларнинг, тахминан, 2% и бир неча соҳада бирданига энг юксак истеъодоли гениал кишилар булишар экан.

¹ Талант — юонча «талантон» сўзидан олинган булиб, кишидаги бирон бир соҳага нисбатан юксак қобилияти, истеъоди, демакдир.

Ҳозирги замон фанларининг гувоҳлик беришича, талант ва гениалликнинг маълум жиҳатлари ирсий булиб, авлоддан авлодга берилиши мумкин. Лекин уларнинг юзага чиқиши ҳам ижтимоий тақозоланган булиб, бунинг учун қунт билан ўз устида мунтазам шуғулланиши, ўқиб, ўрганиши, тинмай ишлаб бориши лозим бўлади. Талант ва гениалликнинг элементи бўлган истеъдоднинг ilk куртаклари маълум шартшароит мавжуд бўлганда, кишининг ёшлигига ёки курина бошлайди. Бу нарса боланинг у ёки бу уйинга, ишга қаттиқ қизиқиши, у ёки бу ишни бажаришга маълум укув ва қобилиятининг борлиги, ҳар хил ишларни бажаришга мустақил ёндашиши кабиларда намоён бўлади. Бу, айниқса, унинг ақлий ривожланишида, у ёки бу ишни, топшириқни, вазифани ўзича мустақил, ўзи хоҳлагандай тарзда қилишда, бунда унинг одатдагидан бошқача йўл тутишида кўзга ташланади. Лекин талант ва гениаллик билан боғлиқ бўлган истеъдод, барибир, доимо кишининг бирон бир тор соҳанинг узини чуқур эгаллаши, билиши билангина эмас, балки купчилик соҳалар юзасидан кенг билимга эга бўлишга, тасаввури чуқур, оригинал фикр юрита олишга боғлиқ бўлади.

Умуман, инсон ижодининг имкониятлари доимо жамият талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Ижодкорнинг ижодий нияти ана шу талаб ва эҳтиёжлар таъсирида туғилади. Бундан шу холоса келиб чиқадики, ижод онг билан боғлиқ равишда ижтимоий шартланган бўлади.

характерини очиб беришга ҳаракат қиласи. Ҳегель табиатни ўзгартирининг мөхнатининг ролини таъкидлайди ҳамда инсоннинг актив қайта қурувчилик фаолиятини унинг табиат обьектларига бўлган муносабатининг ўзига хос хусусияти, деб тушунтиради.

Ҳегелнинг амалиёт түғрисидаги фикрларида чуқур маъно бор, чунки у амалиётни мазмундор ва ашёвий фаолият сифатида талқин қиласи. Аммо Ҳегель энг мукаммал амалий фаолият деганда ахлоқий-сиёсий фаолиятни тушунади.

Марксча фалсафада бу масалага ўзига хос ёндашиш мавжудлигини кўрамиз. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, марксча фалсафада амалиёт категориясига ҳам алоҳида ургу берилади. Лекин амалиётнинг маънавий омилларига етарли ётибор берилмайди.

Амалиёт муаммоси ҳозирги замон фалсафасида ҳам ўзига хос бир тарзда баён қилинади. Унинг характерли жиҳатлари шундан иборатки, баъзи файласуфлар қарашларида амалиёт ўзининг ашёвий мазмунидан маҳрум этилиб, субъектив тарзда талқин қилинади (масалан, прагматизм), ёки амалиёт кундалик турмушдаги хатти-ҳаракатлар билан айнанлаштирилиб, кишининг кундалик утилитар ҳаракати доираси билан чеклаб қўйилади.

Шу билан бирга, XX аср фалсафасида амалиёт ҳақидаги марксистик таълимотни танқидий баҳолайдиган ва инсон фаоллигининг маънавий асосларини ёритишига қаратилган диққатга сазовор ижобий фикрлар ҳам мавжуд.

Хўш, ҳозирги даврда амалиёт деганда нимани тушумогимиз керак? Маълумки, инсон табиатнинг бир бўлғи, унинг ҳаётий фаолияти табиат билан модда алмаштиришга асосланган. Аммо, унинг табиатдаги бошқа жонзорлардан фарқи шуки, у обьектив борлиққа амалий таъсир қилиб, уни қайта ишлаш, ўзлаштириш, ўзгартариш имкониятига эга. Бунда инсоннинг борлиққа муносабатининг ўзига хос хусусияти шундаки, у борлиққа ҳам амалий, ҳам назарий муносабатда бўлиб, уни қайта қуриши мумкин.

Ҳайвонлар муайян экологик муҳитга мослашиб яшайдилар. Бу ҳайвонларнинг тана тузилиши, табиий аъзолари хусусиятига боғлиқ. Табиат ҳайвонлар учун фақат биологик аҳамиятга эга. Инсон эса сунъий қуроллар ишлаб чиқиб, унинг ёрдамида ўзининг эҳтиёжини қондиради, бу авлоддан авлодга ўтиб, кўникма,

малакалар шаклида, меҳнат қуроллари сифатида муайян маданий реаликка айланади. Мана шундай қуроллар яратиш, малака ва күнікмалар ҳосил қилиб, уларни авлоддан авлодга бериб, қайта ишлаш, уларни тақомиллаштириб бориш инсоннинг үзига хос амалий қайта қуриш фаолиятидир. Инсон бу жараёнда «иккиламчи табиат»ни яратиш билан үзи ҳам үзгариб боради, үз малакасини, билимини тақомиллаштиради.

Меҳнатнинг ривожланиши билан инсон табиати ҳам, унинг психофизик (руҳий-жисмоний) белгилари (ақли, руҳияти, маданияти) ҳам үзгариади.

Дунёни үзгартириш жараённанда инсон янги борлик барпо қиласы, бу моддий ва маънавий маданият, табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлмаган янги яшаш шароитлари яратишдир. Демак, агар ҳайвон табиатга фақат мослашиб яшаса, инсон бу билан чекланмайди, балки, у табиатни үз мақсад ва манфаатларига мослаб қайта қуриши мумкин.

Амалиёт кишилар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларни үз ичига олади.

Демак, амалиёт ташқи оламдаги обьектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларга фаол таъсир этиш, уларни үзлаштириш, үзгартариш ва қайта қуриш йўли билан инсоннинг уни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳитга кириб бориш жараёнидир. Амалиёт категориясининг моҳиятини тушунмай, инсоннинг борлиқдаги ўрни, унинг табиий ва ижтимоий муҳитдаги роли, унинг онгли фаолиятининг моҳиятини ҳам тушуниб олиш қийин.

Инсон табиатни, жамиятни үзгартариш жараённанда үзи ҳам үзгариади. Бу — «объект-субъект» амалий муносабатидир. Шу маънода амалиёт тизимини бир-бирига зид ва бир-бирига диалектик алоқадор бўлган икки кичик тизим — объект ва субъект бирлигидан иборат, деб тушунмоқ лозим.

Демак, амалиёт объект билан субъект ўртасидаги муносабат бўлиб, унинг моҳияти субъектнинг обьектга таъсири, обьектни мақсадга мувофиқ үзгартаришдан иборат. Бинобарин, бу бир-бирига таъсир қилувчи ҳар икки томон моддий тизим бўлиб ҳисобланади.

Энг кенг маънода амалиётнинг субъекти кишиларнинг конкрет тарихий бирлигидан иборат бўлган жамиятдир. Амалиётнинг субъекти тизимиға кишилардан ташқари, меҳнат қуроллари ва воситалари, техника ҳам киради. Аммо, булар субъектнинг обьектга таъсир

утказувчи восита сифатида тушунилмоғи лозим. Акс ҳолда, уларнинг үзи амалиёт объекти булиб қоладилар.

Амалиёт объекти — объектив реалликнинг субъект томонидан қайта қурилаётган, үзгартирилаётган қисми, томонидир. Амалиётнинг табиатга нисбатан субъекти ҳисобланган жамият үзига нисбатан амалиётнинг объекти ҳам бўлиши мумкин. Кишиларнинг амалий фаолияти объект ва субъект бирлигидан иборат, яни амалиёт үзизда объектив борлиқ ва уни үзгартурвчи инсон фаолиятини бирлаштиради. Объект ва субъект биргаликда амалиёт тизимида мавжуд булиб, бунда субъект фаол мавқеда, объект эса белгиловчи ўринда туради.

Демак, амалиёт ҳам «объект-субъект», ҳам «субъект-субъект» муносабатлари жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Инсон фаолияти муайян онг, билиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда инсоннинг турли жисмоний ва ақлий лаёқатлари жамланган булиб, фалсафада бунга ашёвий-амалий фаолият, деб ном берилган. Бу фаолият онгли ва мақсадга мувофиқ фаолият булиб, фикрлаш, ўз-ўзини англаш, танлаб олиш қобилияти туфайли содир бўлади. Шунинг учун моддий амалий фаолиятни маънавий, назарий фаолиятдан ажратиб қўйиш тӯғри эмас. Улар ўртасида муайян уйғунлик бўлмоғи зарур. Аммо, уларни айнанлаштириб ҳам бўлмайди. Чунки моддий фаолият моддий воситалар орқали содир бўлади ва моддий нарсаларни яратади, маънавий фаолият эса образлар, тушунчалар орқали иш кўради ва янги фикр ва гояларни қелтириб чиқаради. Масалан, инсоннинг табиатга нисбатан моддий амалий фаолияти ишлаб чиқаришда намоён бўлса, унинг назарий-маънавий фаолияти табиётшунослик илмида ўз аксини топади.

Воқеликни билишнинг теранлиги ва кенглиги пировард натижада амалиётта боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, билиш үзининг ижодий-умумлаштирувчи ва конструктив-прогностик томонлари билан амалиётдан илгарилаб кетиши ва унинг ривожланиш йўлини ёритиши мумкин.

Амалиёт онг ва билиш тараққиётининг муайян даражаси билан боғлиқ, онг ва билишда амалиёт қулга киритган ютуқлар мустаҳкамланади, натижада уларни қайта ишлаб чиқиши ва ривожлантириш имконияти юзага келади. Онг амалиёт қулга киритган ютуқларни

мустаҳкамлабгина қолмай, балки уни такомиллаштириши, ривожлантириши ҳам мумкин. Амалиётнинг онг ва билишга нисбатан бирламчилиги, аниқловчи роли онг доим амалиёт кетидан кўр-кўронга, пассив эргашиб, ўзгариб борадиган нарса, деган маънони билдирмайди.

Шуни айтиш лозимки, амалиёт инсоннинг муайян мақсадга қаратилган фаолиятидир. Шу боисдан амалиёт мақсадни, фаолият воситасини, амалий фаолиятнинг предмети ва маҳсулини ҳамда фаолият жараёнини ҳам ўз ичига олади.

Амалиёт объектив борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартиришнинг ўзига хос ижтимоий шаклидир. Бу маънода амалиётни субъектнинг эҳтиёж, манфаат ва мақсадларига мувофиқ табиат ва жамиятни қайта қуришга қаратилган фаолияти тизими, деб таърифласак ҳам бўлади.

Демак, инсон борлигининг ўзига хос хусусияти бўлган амалиёт шундай бир тизим бўлиб, у муайян қурол ва воситалар ёрдамида ташқи табиий ва ижтимоий муҳитни ўзгартишни (субъект-объект муносабатини), ташқи муҳитни ўзгартириш жараёнида кишиларнинг ўзаро муносабатини («субъект-субъект» муносабатини) ва онг образларида мавжуд бўлган, амалий фаолиятнинг бир мақсадга йўналтирилганлигини ифодаловчи муайян меъёр ва қадриятлар йигиндисини ўз ичига олади.

Амалиёт, шу маънода инсон фаолиятининг юксак шаклиним, у онг билан тақозоланган моддий фаолиятдир. Амалиёт мазмунан моддий-ашёвий фаолият бўлсада, у субъектнинг онгидан ташқари, унинг назоратисиз, бошқарувисиз содир бўлмайди.

Амалиёт онгли, муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир.

Инсоннинг амалий фаолияти субъектив бўлсада, уни хоҳлаган томонга буриб юбориш мумкин эмас. Бу субъективизмга олиб боради. Инсон ўзининг фаол қайта қуриш имкониятларига қарамай, мавжуд реал моддий дунё чегарасидан ташқарига чиқа олмайди ва ўз фаолиятида унинг объектив қонунлари билан ҳисоблашмай иложи йўқ. Ташқи дунё, табиат қонунлари инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг асосини ташкил этмоги лозим.

Амалий фаолият табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини билиш асосида содир бўллади. Акс ҳолда, бу амалиёт табиатга, жамиятга, инсоннинг ўзига ҳам катта зарар келтириши мум-

кин. Бу маънода инсоннинг ўз амалий фаолияти учун жавобгарлиги масаласи ҳам ҳозирги даврда ута долзарб масаладир. Бутун инсониятни ташвишга солаётган экологик муаммоларнинг пайдо булиши фикримизнинг далилидир. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида мураккаб жараённи бошидан кечирмоқда. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол йўлини тұғри белгилаш, энг муҳими уни амалга ошириш давлат раҳбарларидан, халқимиздан ута моҳирлик билан иш тутишни, «етти ўлчаб бир кесишни» талаб қилмоқда.

2. АМАЛИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Амалий фаолият борлиқни ўзgartиришга қаратилган жараён булиб, у объектив ва субъектив томонлар йиғиндисидан иборат. Амалий фаолиятнинг субъектив томони деганда биз инсонни, унинг қобилияти, мақсади, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатини тушунамиз. Фаолиятнинг объектив томони эса бизга бошланғич материал, фаолият воситалари ва олинган маҳсулотни англатади. Амалий фаолият объекти кишилар ҳам булиши мумкин. Масалан, амалиёт кишиларнинг ўзига қаратилган фаолият сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин (үқитиш, тарбиялаш ва б. қ.). Шу маънода инсон амалий фаолиятнинг ҳам объекти, ҳам субъекти булиб ҳисобланади. Амалий жараёнда, юқорида айтиб утганимиздек, инсоннинг ўзи ҳам ўзгариб боради.

Амалиётнинг шакллари масаласига келсак, унинг дастлабки шаклини ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш туфайли инсоннинг борлиққа нисбатан ўзига хос муносабати шаклланган ва шу туфайли у ҳайвонлар оламидан ажралиб чиққан. Табиатни ўзgartириш билан инсон ўзига хос яшаш мұхитини яратади, муайян ижтимоий муносабатларга киришади. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши амалий фаолиятнинг иккинчи шакли булиб ҳисобланади.

Амалиёт шакллари жумласига ижтимоий механизми бошқариш фаолиятини ҳам киритиш мумкин. Унинг олий босқичи давлатни бошқариш амалиёти булиб ҳисобланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида давлатчиликни такомиллаштириш, келгусида буюк давлатни барпо қилмоқ учун юртимиз тарихида

мавжуд бўлган давлатчилик амалиётини чуқур ўрганмоқ зарур. Бунда бизга «Темур тузуклари» ва «Бобурнома» каби тарихий асарлар жуда қўл келмоқда. Зеро бу асарларда давлатни бошқариш тажрибалари (амалиёти) умумлаштирилгандир.

Ҳозирги даврда ижтимоий амалий фаолиятнинг аниқ шаклларидан бири Узбекистон Республикасида мустақилликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган фаолиятдир. Бу фаолият республикамиз аҳолисининг ҳаёт тарзини тубдан яхшилаш, ижтимоий муносабатларни, кишиларнинг ўзини ҳам ўзгартиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий амалиётдан ташқари, яна нисбатан торроқ, лекин жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган амалиётнинг маҳсус шакли илмий эксперимент (тажриба)дир. Масала шундаки, ҳозирги даврда жамиятда фаннинг аҳамияти жуда ортиб бормоқда. Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга ва ижтимоий жараёнларни бошқариш воситасига айланиб бормоқда. Илмий билиш фақат мавжуд объектларни акс эттирибгина қолмай, балки келгусида ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда ўзлаштирилиши мумкин бўлган лойи-ҳа-конструктив вазифани ҳам ўтамоқда. Мана шундай объектларнинг ҳаққоний эканлигини аниқлашда амалиётнинг бир тури бўлган эксперимент (тажриба)нинг роли жуда катта. Илмий эксперимент жамият тараққиёти даражаси доирасида эришилган ишлаб чиқариш ва ижтимоий тажриба ютуқларига асосланган бўлиб, у келгусида амалга ошиши имкони бўлган технология принциплари, ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш ва бошқариш усувларини олдиндан белгилаб бериши мумкин.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти замонида амалиётнинг энг муҳим шакли инсоннинг техник фаолияти бўлиб ҳисобланади. Техника сўзининг луғавий маъноси «малака», «уддалай олиш», деган сўзларга тўғри келади. Техника бир маънода инсон яратган турли қурилмаларни (машина, асбоб-ускуна, транспорт во-ситалари ва б. қ.ни) англатади ва у ишлаб чиқарувчи кучлар тизимига киради. Техника иккинчи маънода малака, фаолиятнинг куриниши, уддалай олишни ҳам билдиради. Бу ерда гап техник фаолият, касб эгаллаш даражаси устида боради. Техник фаолият техника во-ситаларини яратиш, такомиллаштириш ва ишнинг кўзини билиб қуллаш жараённида намоён бўлади.

ХХ аср фалсафасида техника ва технология, унинг жамият ҳаётидаги роли ҳар хил талқин қилинади. Масалан, технологик дистерминизм тарафдорлари техника ва технологиянинг ролини жуда ошириб юборадилар ва улар сиёсат, фан, санъат ва маданият техник прогрессга боғлиқ, шунинг учун бугун ҳокимият техник элита-технократия қўлида тўнланмоғи лозим, деб ҳисоблайдилар. Фарб файласуфлари Д. Белл, Г. Кан, У. Ростоу, О. Тоффлер илмий техник тараққиётни кўкларга кўтариб мақтовчи мағкуравий концепцияларни ишлаб чиқдилар. Улар техникани ижтимоий тараққиётнинг ягона ва ҳал қилувчи омили ҳисоблаб, инсон маънавий ҳаётини ҳам техникани англаб етишга келтириб қўйдилар. Улар инсоният тарихида техниканинг ролини бир томонлама мутлақлаштириб юборадилар, ишлаб чиқарувчи кучларни фақат техника ва технологияга келтириб қўядилар, ишлаб чиқариш муносабатларини эса техникавий-ташкилий тизимдан иборат деб тушунтирадилар.

Ҳозирги даврда техника ва технологиянинг ролини бошқачароқ тушуниш ҳам мавжуд. Бир сўз билан буни антитехницизм, деб айтсак ҳам бўлади. Бу оқим тарафдорлари техника ва техник фаолият инсон яратган ёвуз куч бўлиб, у инсонни ҳам ўзига бўйсундирувчи файри инсоний нарса, деб тушунтирадилар. Техника ишсизликка олиб келувчи, шахснинг ўзлигини йўқотувчи куч сифатида тасвирланади. Антитехницизм тарафдорлари қадимги табиий ҳолга қайтишга, илмий-техник тараққиётдан воз кечишга чақирадилар.

Бу икки концепциянинг асосида инсон индивидуаллиги билан техника ва технология ўртасидаги зиддият ётади. Инсон ва жамият билан техника ва технология ўртасидаги зиддиятни тўгри ҳал қилиш ҳозирги даврда муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бу ерда экологик ва гуманистик жараёнларни ҳисобга олиш биринчи галдаги вазифадир. Техника ва технологиядан амалиётда шундай фойдаланиш керакки, у инсонга табиатни сақлашга ва бу билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга баб-баробар хизмат қиласиган бўлсин.

Амалиёт шакллари масаласига якун ясад шуни айтиш мумкинки, у жуда хилма-хилдир. Уларнинг энг муҳимлари: ишлаб чиқариш (табиатни ўзгартирishiшга қаратилган фаолият), ижтимоий (жамиятни ўзгартирishiшга қаратилган фаолият) фаолиятдир. Үз навбатида уларнинг хилма-хил қўринишлари ҳам мавжуд.

3. АМАЛИЁТ – ИНСОН ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИНГ НЕГИЗИДИР

Амалиёт инсон ҳаётий фаолияти барча шакллари нинг негизи эканлигини, унинг интегратив (бирлаштирувчи) ролини тұғри тасаввур қылмоқ учун фаолиятта хулқ-атвор тушунчаларининг мөхиятини, уларнинг үзаро муносабатини аниқлаб олмоқ зарур. Кундалик ҳаётда биз уларни унчалик фарқ қылмай ишлата вәрамиз. Аслида, фаолият хулқ-атвордан тубдан фарқ қилаади. Фанда, фалсафада хулқ-атвор, деганда мавжуд мұхитга күникиш, мосланиш — ҳайвонларда табиий мұхитга, инсонларда ижтимоий мұхитга мослашиш билан боелиқ бұлган фаоллик, ҳаракаттар тизими тушенилади. Улар ҳайвонларда биологик әхтиёж билан тақозо қилингандар болса, инсонларда мұайян ижтимоий мұхитга мослашиш, унинг мавжуд урф-одат, қонунқоюда ва меъёрларга риоя қилишида үз ифодасини топади.

Лекин инсоннинг амалий фаолияти фақат шароитта мослашиш, мавжуд дастурларга риоя қилиш билан чекланмайды. Инсон үз актив фаолияти билан мұхитни үзгартыради, қайта қуради. Бу ерда мақсадға мувофиқлиқ, мақсадға интилиш биринчи үринде үтади. Инсон фақат мұайян дастурни бажарувчи әмас, балки уни үзгартырувчи, қайта ишлаб чиқувчи ва уни амалға ошириш воситаларини қидириб топувчи фаол амалиёт соҳиби булып ҳисобланади. Бу жараёнда ижодий фаолият ҳал қилувчи роль үйнайды. Ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий ҳаётни үзгартыришда ҳам, маданият, фан ва санъатда ҳам ижодий амалий фаолияттинг роли жуда каттадир. Инсон ҳаётининг асосий куриниши фаолиятдир. Бу фаолият ҳиссий-ашёвий, маънавий-назарий шаклларда намоён бўлади. Инсон фаол ҳаракат қилувчи мавжудот булиб, у ташқи дунёга актив таъсир қиласи, нарса ва ҳодисаларни мақсадға мувофиқ равишда үзгартыради ва қайта қуради. Дунёни қайта қуриш, үзгартыриш туфайли инсон үзлигини намоён қиласи.

Амалиёт инсоннинг бирор бир мақсадға қаратилган моддий, ҳиссий-ашёвий фаолияти булиб, у табиий ва ижтимоий борлиқни үзлаштириш ва үзгартыришга мұлжалланган. Амалиёт, шу билан бирга, жамиятни ва инсон билишини ҳаракатлантирувчи күч булиб ҳам ҳисобланади.

Амалиёт ижтимоий характерга эга булган ўта мурлакаб тизим булиб, эҳтиёж, мақсад, ҳаракат, интилиш, фаолият йўналтирилган нарсалар, мақсадга эришиш воситалари, фаолият натижалари кабиларни ўз ичига олади.

Амалиёт билишнинг асоси ва мақсади ҳамдир. Амалиёт ва билиш инсоннинг бир бутун ижтимоий фаолияти тизимидағи бир-бирига диалектик алоқадор булган икки томондир. Бу ерда уларнинг қайси бири бирламчи, қайсиси иккиласмачи маъносида фикр юритиш уччалик түғри эмас. Амалиёт ва билиш тизими бири иккинчиси орқали ёки иккинчиси туфайли мавжуддир.

Билиш ва амалиёт бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Бошлаб билиш бевосита амалий фаолиятга қўшилиб кетган бўлади, кейин алоҳида билиш — назарий фаолият сифатида ажралиб чиқади. Билишнинг моҳиятини ҳаётий фаолиятнинг маҳсус инсоний усули бўлган ижтимоий-тарихий амалиёт жабҳасидагина түғри тушубниб етиш мумкин.

Амалиёт билишнинг мақсади ва ҳақиқат мезонини белгилайди. Аммо, амалиётнинг ривожланишининг ўзи билиш жараёнига қанча боғлиқ бўлса, билиш ҳам амалиётга шунчалик боғлиқдир. Амалиёт билишнинг асоси сифатида инсон билими чегарасини ҳам белгилайди. Лекин бундан инсоният илмий башорат қилишга, у ўзининг назарий текширишларида муайян тарихий амалиёт чегарасидан чиқишига қодир эмас, деган холоса келиб чиқмайди. Амалиёт ва билиш инсон фаолиятининг бир-бирига узвий боғланган икки томон сифатида бир-бирини тақозо этган ҳолда ривожланади ва бир-бирини тўлдиради. Билишнинг амалиёт билан тақозоланганилиги, аввало, шу билан белгиланадики, билиш ҳам генетик, ҳам функционал равишда амалиёт билан мавжуд ва у билан бирга ривожланади. Ўз навбатида билиш йўл кўрсатмаган, билиш умумлаштирмаган ва билиш орқали тўғриланмаган амалиёт инсон фаолиятининг мақсадга мувофиқ ашёвий шакли сифатида ўз вазифасини бажармаган бўлар эди.

Ҳар қандай амалиёт муайян шарт-шароитда кечади ва шу асосда фаолият субъектининг эҳтиёжи, манфаат ва мақсадлари шаклланади. Ҳар қандай амалий фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи эҳтиёж, манфаат ва мақсадлардир. Эҳтиёж амалиёт субъекти учун зарур бўлган нарсанинг йўқлигини, етишмаётганини ифода-

лайди. Манфаат эса эҳтиёжнинг англанған шакли булиб, мақсадни аниқлаш ва амалга ошириш учун қўйилган қадамдир. Мақсад амалиёт тизимининг энг муҳим омили булиб, унда фақат муайян шароит, эҳтиёж ва манфаатлар ҳисобга олиниши билан бирга мақсадга эришиш йўл-йуриқлари, уни амалга ошириш шакллари ва воситаларини танлаш ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Ана шундан сўнг мақсадни амалга оширишга киришилар экан, бунда, албатта, қайси муддатда, қандай воситалар ёрдамида, қандай натижага эришиш аниқ тасаввур қилинмоғи зарур. Акс ҳолда, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Амалиётда шошма-шошарлик, палапартиш иш тувиш субъективизмга, нохуш натижаларга олиб келиши мумкин. Турғунлик йилларида мавжуд бўлган хўжалик юритишнинг ярамас методлари, раҳбарликдаги валюнтаризм, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўпирилишлар амалиёт талабларига риоя қилмаганлик натижасида содир бўлди. Амалиётдаги носоғлом жараёнлар ижтимоий онгда, фанда ҳам носоғлом тамойилларни келтириб чиқарди. Бу ўз навбатида назария ва амалиётни бир-биридан узилиб қолишига олиб келди.

Ҳозир республикамиз мустақил тараққиёт йулига қадам қўйди. Энди аниқ шароит асосида аниқ эҳтиёж, манфаат ва мақсадларни белгилаб, пухта режа ва дастурлар асосида иш тутмоқ жуда муҳимдир. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йули», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари» номли асарлари республика мустақиллигини мустаҳкамлаш режа ва дастурини амалий ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эгадир. Унда Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати янги концепциясининг асосий қоидалари баён қилинган ҳамда республика тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятлари, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш билан бирга, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг принциплари, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг асослари таърифлар берилган.

Инсон ҳаётида амалиётнинг интегратив (бирлаштирувчи) роли бор. Инсон ҳаётининг қайси соҳасини олиб қарамайлик, у бевосита ёки билвосита амалиёт билан боғлиқдир. Масалан, маданият соҳасини олайлик, пировард натижада, у инсон савияси, малакаси, унинг имкониятларининг камол топишига хизмат қи-

лади. Санъат, ҳатто спорт соҳасида ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Амалиёт ҳар қандай фаолиятнинг бошланғич нуқтаси, ҳар қандай фаолият амалиётда камол топади ва унда синовдан ўтади.

Агар биз инсоннинг маданий ривожи, маънавий камолоти унинг воқеликка фаол амалий муносабатига боғлиқ эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, амалиётнинг инсонпарварлик моҳияти яққол кўзга ташланиб туради.

Инсоннинг амалий фаолияти гуманистик қадриятларга суюнмоғи керак. У ўзида илмий билимлар ва гуманистик идеалларни жамламоғи лозим. Акс ҳолда, гуманистик мазмундан маҳрум қилинган амалиёт инсон учун, унинг маданияти учун хавф туғдирувчи, уни вайрон қилувчи прагматик-техник фаолликка айланиб кетиши мумкин. Ҳақиқий амалиёт ўтмиш меросига нигилистик муносабатда эмас, балки инсоният ва унинг маданияти тақдири учун буюк жавобгарлик ҳисси билан сугорилган бўлмоги зарур. Бу маънода амалиёт категорияси инсон ва инсониятнинг тарихий тақдири, ўзи ва бўлгуси авлодлар олдидаги жавобгарлиги билан узвий алоқадор эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Ҳозирги даврда инсон ва инсоният тараққиёти имконияти ва чегараси пировард натижада қандайдир ташқи куч ёки уларни қуршаб турган табиатга бевосита боғлиқ эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида равнақ топиши учун ҳамма табиий ва ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд. Бепоён еости бойликларимиз, серунум сахий еrimiz, қулай иқлим-шароитимиз бор. Аммо, улар ўз-ўзидан республика мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз самарасини бермайди. Бунинг учун ана шу имконият ва шарт-шароитларга суюниб, аниқ режалар асосида фаол амалий ишларни бажармоғимиз керак. Инсон ва инсоният тараққиёти имкониятлари ва чегараси инсоннинг амалий қайта қуриш фаолиятига боғлиқ, бу фаолият инсоннинг табиий муҳит доирасини ҳам, ижтимоий муҳит доирасини ҳам кенгайтиради ва унинг маънавий камолоти учун шароит яратади. Инсоннинг тақдири, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам амалиёт билан боғлиқдир. Инсоннинг яшаш муҳити, унинг маънавий тараққиёти ҳам унинг амалий қайта қуриш фаолияти билан боғлиқдир.

Мавзуга якун ясаб шундай хуносага келиш мумкинки, амалиёт фалсафада энг муҳим категориялардан бири бўлиб, у фаолиятнинг ягона инсоний шакли, субъект билан обьект ўртасидаги алоқадорликнинг ижтимоий куринишидир. Амалиётнинг ўзига хос асосий белгилари шундан иборатки, у, биринчидан, фақат инсонга хос, иккинчидан, у моддий-ҳиссий, учинчидан, у ўзгартирувчи, қайта қурувчи, тўртинчидан, муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир.

Амалиёт ижтимоий-тариҳий характерга эга. Жамиятнинг ривожланиши, илм-фан, техника тараққий этиши билан амалиётнинг кўлами, мазмуни ўзгариб, такомиллашиб боради.

Ҳозирги янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бизда амалиёт тариҳий ривожланишнинг янги босқичига ўтди. У инсоннинг янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёт шаклларини яратишга қаратилган қирралари билан намоён бўлмоқда. Истиқдол, демократия ва янги бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳалқ хўжалигини бошқариш ва раҳбарлик амалиёти, моддий ва маънавий қадриятларни қайта тиклашга қаратилган амалий фаолият ўта мураккаб бўлиб, у биздан масъулиятни қатъий ҳис қилган ҳолда иш тутишни, назарий жиҳатдан пухта ўйлаб, илмий асосланган режаларни ишнинг кўзини билиб амалга оширишни тақозо этмоқда.

IX бўлим.

БИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. БИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИИГ ФАЛСАФИЙ ЙУЛЛАРИ

Инсоннинг ўзини қуршаган дунёга бўлган муносабатларидан бири — билишdir. Инсон ўз ҳаёти давомида фақат ташқи дунёни, яъни табиат ва жамиятнигина билиб қолмасдан, балки ўзини, ўзининг руҳий-маънавий дунёсини ҳам билиб боради.

Инсоннинг дунёни билишини фалсафа ҳам, бошқа ҳамма аниқ фанлар ҳам ўрганади. Бунда аниқ фанлар дунёнинг турли томонларини, уларнинг қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади ва очиб беради.

Фалсафа эса инсон билишининг энг умумий томонларини, қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади ва очиб беради.

Фалсафа пайдо бўлган пайтдан бошлаб, инсон билишининг табиати ва моҳиятини нима ташкил қиласди? Унинг энг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари нималардан иборат? деган саволларга жавоб қидириб ва жавоб бериб келди. Шу сабабли, фалсафада инсон билишининг фалсафий муаммолари билан шуғулланмаган бирорта ҳам фалсафий оқим, бирорта ҳам файласуф йўқ. Аксинча, ҳамма фалсафий оқимлар ва фалсафий йўналишлар бу соҳага оид ўз қарашларининг маълум тизимини ишлаб чиққанлар. Натижада, фалсафада инсон билишининг табиати ва моҳияти ҳақида турли хил таълимотлар, турли хил қарашлар келиб чиқди.

Бир гурӯҳ файласуфлар инсондан, унинг онгидан ташқари дунё мавжуд эмас, дунё фақат бизнинг онгимизда, бизнинг сезги ва идрокларимиз йигиндиси (комплекси ёки комбинациялари)дан иборат холос, бинобарин биз ўз сезги ва идрокларимизнигина била оламиз, деган фикрларни билдиришганлари маълум.

Бошқа бир гурӯҳ файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва ўзини билишга шубҳа билан қарайдилар, инсон дунёни тўлиқ билолмайди, дейишиб, инсон билишини чеклайдилар ёки дунёни билишни бутунлай инкор қиласдилар. Скептицизм¹ таълимоти вакиллари инсон би-

¹ Скептицизм — юононча: спектоман — шубҳаланаман, дегани.

лишининг нисбийлиги, унинг турли шароитлар ва вазиятлар билан боғлиқ эканлигини айтишиб, ҳамма эътироф қилувчи, исбот талаб қилинмайдиган инсон билимларининг бўлиши мумкинлигига шубҳаланадилар.

Дунёни билишни қисман ёки бутунлай инкор қилувчи фалсафий таълимот бўлган агностицизм вакиллари инсон дунёни билишга қодир эмас, деган фояни илгари суради. Масалан, инглиз файласуфи Д. Юм таълимотига кўра, билиш обьекти, билимларимизнинг манбайи обьектив борлиқ эмас, балки субъектив сезги ва идрокларимиздир, биз ўз сезги ва идрокларимиз чегарасидан ташқарида нима борлигини била олмаймиз.

Немис файласуфи И. Кант эса инсондан ва унинг онгидан ташқарида обьектив борлиқнинг мавжудлигини эътироф қилган ҳолда, ундаги предмет ва ҳодисаларни «нарсалар биз учун» ва «нарсалар ўзида»га бўлади. Унинг қарашича, «нарсалар биз учун»ни инсон била олади, «нарсалар ўзида»ни эса инсон била олмайди. Кантнинг «нарсалар биз учун»и — бу инсонни қуршаб турган предметлар ва ҳодисалар, шу жумладан, табиат ҳам. «Нарсалар ўзида» эса: эркинлик, ўлмаслик, худо ва шу кабилардир. Уларни инсон ҳеч қачон тўлиқ била олмайди. Кант ўз билиш назариясида эътиқодга ўрин қолдириш, уни мустаҳкамлаш учун ақлни танқид қиласди ва чеклайди. У инсон ақлинни наъзарий ва амалий ақлларга бўлади, амалий ақл, унингча, чекланган. Унинг қарашича, инсон тажриба ва амалиёт билан ҳар қандай билишга ҳам эга бўлавермайди. Инсон билишида инсоннинг тажрибасигача унда априор (лот. аргіогі — сўзидан олинган бўлиб, тажрибадан олдин дегани) билимлар бўлади. Бу априор билимлар туфма билимлардир. Инсон ақли бу билимларга тажрибагача эга бўлган бўлади.

Кантнинг фикрича, фалсафий билимлар айни шундай априор билимлардан иборатдир. Кант, илмий билимнинг ишончлилиги ва ҳақиқатлиги унинг энг умумийлиги ва зарурийлиги билан белгиланади, дейди. Хуллас, Кант ўз фалсафасида билиш назариясини биринчи бўлиб фалсафий муаммо сифатида атрофлича, ҳар томонлама қараб чиқсан файласуфдир.

Илм ва фан ютуқларига асосланган файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва ўзини билишини доимо эътироф этиб келганлар. Қадимги юонон файласуфлари

инсон дунёни ва ўзини билиши, ҳақиқатга эришиши мумкин, дейишган. Улар ҳиссий ва ақлий билишнинг роли ҳақида ҳам қимматли фикрлар айтишган.

Урта Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоийлар ҳам инсоннинг дунёни ва ўзини билиш масаласи ҳақида тұхталиб, инсон табиат ва жамиятни ҳамда ўзини билишга қодир, инсон билиши сезги ва идроклардан бошланиб, тафаккурға томон ривожланиб боради, инсон ақли — фаол, у билишнинг асосий қуролидир, дейишади. Улар инсон билиши маълум нарсалардан номаълум нарсалар томон ривожланиб боради, деб күрсатишган.

Тасаввуф фалсафаси вакиллари эса ўз қарашларида инсоннинг ҳиссий билиши ташқи билишни, ақлий билиш эса ички билишни ташкил қилишини айтишиб, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам уқтирганлар. Шу билан бирга, улар инсон дунёни ва ўзини билиши учун маънавий камолотга эришмоғи лозим, лекин бу қамолотта эришиш қуруқ интилиш билан эмас, балки ўқиши, ўрганиш, билимларни ва ҳунарларни эгалаш, жамиятда бошқа кишилар билан ўзаро мулоқотда ва муносабатда бўлиш орқали юзага келади, дейишади.

XVII—XVIII аср Оврупо файласуфлари ҳам инсоннинг дунёни ва ўзини билиши ҳақида қимматли фикрларни билдиришади. Масалан, инглиз файласуфи Ф. Бэкон, инсон билиши сезгилардан бошланади, билишнинг манбай тажрибадир, сезгилар орқали олинган далилларни инсон тафаккур ёрдамида қайта ишлаб чиқади, дейди. У инсон билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ эканлигини, уларга хизмат қилиши лозимлигини айтади. Француз файласуфи Декарт эса инсоннинг дунёни ва ўзини билиши масаласи ҳақида тұхталиб, бирдан-бир түгри билиш — тафаккурдир, дейди. У инсон билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ эканлигини, уларга хизмат қилиши лозимлигini ҳам айтади.

Дидро, Гольбах, Гельвеций, Вольтер ва Ламметрийлар эса инсоннинг билиши масаласида фикр юритишиб, сезгилар тафаккурнинг асоси эканлигини, улар инсон билишининг қуйи бошланғич босқичи, тафаккур эса энг юқори, мураккаб босқичи эканлигини айтишади.

Немис классик фалсафасининг вакили Хегель эса инсон билишини мутлоқ руҳнинг инсон қиёфасида ўз-ӯзини англашидир, дейди. Немис классик фалсафаси-

нинг сўнгги вакили Л. Фейербах эса инсоннинг дунёни билишини эътироф этиб, дунё инсондан ва унинг онгидан ташқарида мавжуд, инсон билиши табиатнинг, унинг сезгилари ва тафаккуридаги тӯғри инъикоси эканлигини айтади. Инсонда, дейди у, дунёни билиш учун қанча сезги аъзоси керак бўлса, шунча сезги аъзолалар бор. Унингча, сезгилар билиш жараёнининг бошланғич босқичи булиб, сезги аъзолари инсонни ташқи дунё билан боғлайди. Фейербах фикрича, сезги аъзолари инсонни табиат билан таништиради, лекин уни (табиатни!) тушунтирмайди. Инсон билишининг юқори босқичи тафаккурдир. Тафаккурнинг асосий вазифаси эса сезги аъзолари орқали йиғилган маълумотларни тўплаш, солиштириш, таҳлил қилиш, изоҳлаш, умумлаштириш, шулар асосида уларнинг ички мазмунини очиш ва улардан холосалар чиқаришdir. Тафакур ташқи дунёни бевосита, чуқурроқ акс эттиради.

Булардан ташқари. XVII—XIX асрларда интуитив¹ билиш ҳақидаги таълимотлар ҳам келиб чиқди.

Хуллас, XIX асрнинг ўрталари гача бўлган файласуфлар инсоннинг дунёни ва ўзини билишини турлича тушуниб ва тушунтириб келдилар. Уларнинг деярли кўпчилиги «инсон билиши нима?» деган саволга аниқ жавоб бера олмай, инсон билиш жараёнини бир томонлама тушунтиридилар. Улар билишни дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг инсон миясидаги оддий инъикоси, деб қараб, билиш жараёнига хос ҳиссий ва ақлий босқичларни бир-биридан алоҳида бўлган билиш шакллари, дейишиб, билиш субъективининг фаолигини, билиш жараёнининг диалектикасини тушуниб етмаган эдилар.

XIX асрнинг ўрталарида фан ва амалиёт тараққиёти асосида билиш жараёнини илмий таҳлил этишнинг ялпи-имкониятлари юзага келди. Бу давларда юзага келган фалсафий таълимотларнинг айримларга кўра, ижтимоий амалиёт билишнинг асоси, мақсади, ҳаракатлантирувчи кучи ва ҳақиқатнинг мезонидир, деб қаралади.

Билишнинг ялпи фалсафий назарияларига кўра, инсоннинг дунёни ва ўзини билиш имконияти ва дарражаси, аввало, ижтимоий шароитга, ишлаб чиқарувчи

¹ Интуиция (лат. intuitio — сузидан олинган булиб, бевосита билиш, бевосита пайқаш, дегани) — мантиқий муҳокама қиласдан, тусатдан содир булавчи гайри ақлий билишни ифодаловчи тушунча.

кучлар ва уларнинг эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш муносабатларининг даражасига боғлиқдир. Турли ижтимоий-иктисодий даврлардаги кишиларнинг билиш даражаси фан тараққиёти, техника ривожининг даражаси ва қулами, жамият ишлаб чиқариш усули қўйган вазифалари билан белгиланади. Инсон дунёни ва ўзини билиши билан чекланмайди, балки бу билиш натижасида ҳосил қилган билимлари орқали у табиат ва жамиятни, даставвал, ўзини, ўз онгини, ўз маънавий дунёсини ўзлаштиради ва ўзгартиради.

Инсоннинг билиш қобилияти, билиш имкониятлари, умуман олганда, чекланмаган. Унинг билиш имкониятлари фанларнинг ва амалиётнинг ривожланиши билан янада ортиб боради. Инсоннинг билиши фақат конкрет авлод ҳаёти учунгина чекланган, холос. Лекин бу билиш бутун инсоният ҳаёти учун чексиздир, инсон чексиз дунёни чексиз била боради. Дунёда инсон билб олган ва ҳали билиб улгурмаган нарсалар ва ҳодисаларнинг томонлари, хусусиятлари бор, холос. Лекин бу — инсон уларни билиши мумкин эмас, деган маънони билдирамайди, балки маълум давр, маълум вақтда инсон — ҳозир билмаган бу томонлар ва хусусиятларни билиб олиши мумкин.

Билиш назарияси инъикос назариясидан ҳам иборатдир. Сабаби: фалсафа инсон билишининг табиатини тушунтирас экан, уни борлиққа хос инъикос билан боғлаб тушунтиради.

2. БИЛИШНИНГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ. БИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ

Билишнинг фалсафий назариясига кўра, билиш моддий ва маънавий борлиқнинг инсон миясидаги муайян мақсадга қаратилган фаол акс этишидир. Инсон билишининг манбай эса айни шу моддий ва маънавий борлиқ, уларни ташкил қилган предметлар, ҳодисалар ва жараёнлардир. Бу предметлар, ҳодисалар ва жараёнлар инсонга таъсир қилиб, унинг миясида акс этади. Улар моддий ва маънавий борлиқнинг инсон миясидаги субъектив образлари, рамзлари ва белгиларидир. Бу жиҳатдан инсон билиши, аввало, моддий ва маънавий борлиқнинг хусусиятларига ва шу билан бирга, уларни фаол инъикос эттирувчи инсон мия механизмининг ривожланган даражасига боғлиқдир. Инсон ўз миясида фақат табиий ва ижтимоий

борлиқни, уларнинг қонуниятларинигина акс эттириб қолмасдан, балки үзининг маънавий-руҳий ва инсоний борлигини ҳам инъикос эттиради.

Инсон билиши ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлиб, у инсон ижтимоий фаолиятининг бир шакли сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг қонунларини инсон томонидан ўзлаштиришнинг реал жараёни тарзида, субъект ва объектнинг ўзаро муносабатида вужудга келади.

Хуш, инсон билишининг субъекти ва объекти нима? Уларнинг ўзаро муносабатлари қандай?

Умумий маънода айтганда, инсон билишнинг субъекти (соҳиби)ни, инсонни қуршаб турган борлиқ эса билишнинг обьектини ташкил этади. Лекин биз биламизки, абстракт инсон ҳам, абстракт борлиқ ҳам йўқ ва бўлмайди. Шу сабабли билишнинг субъектини борлиқдаги предмет ва ҳодисалар билан бевосита ёки бавосита муайян табиий ва ижтимоий муносабатларда бўлувчи, жамиятнинг аниқ босқичига хос, ижтимоий моҳиятга эга бўлган аниқ бир киши ёки кишилар гуруҳи ташкил қиласди. Билишнинг обьектини эса, субъектнинг билиш доирасига кирган, унинг билиши қаратилган борлиқдаги аниқ предметлар, ҳодиса ва жараёнлар ташкил этади. Билишнинг субъекти ва обьекти билан бир қаторда, билишнинг предмети ҳам мавжуддир. Билишнинг предмети — бу билиш обьектининг субъект билиши қаратилган, субъектнинг билиш фаолияти доирасига кирган томонлари, хусусиятлари ва муносабатларидир.

Билишнинг субъекти, обьекти ва предмети ўзгармас, қотиб қолган нарсалар эмас, балки билиш жараёнида улар доимо ўзгариб боради. Шу билан бирга, айни бир вақтдаги ва айни бир макондаги субъект ва обьект бошқа бир вақт ва бошқа бир маконда субъект ва обьект муносабатида бўлмаслиги мумкин. Инсоннинг билиши жараёнида субъект билиши зарур бўлган обьектини билиб олгач, бу обьект субъектнинг билиш доирасидан чиқарилади ва у энди билишнинг обьекти бўлмай қолади. Инсоннинг билиши ана шу «субъект-объект-предмет» муносабатлари асосида юзага келувчи ижтимоий-тарихий жараёндир. Инсон билишининг табиатини айни шу «субъект-объект-предмет»лар уртасидаги муносабатларни ўрганиш асосида тўғри тушуниш мумкин. Бунда доимо субъектнинг фаоллиги муҳим

роль үйнайды. Билишда субъектнинг бу фаоллиги унинг муайян мақсадга қаратилган амалий-ижтимоий билиш фаолиятида намоён бўлади. Чунки инсон борлиқни фақат билиб олиш учунгина ўрганмайди, балки у борлиқ ва унинг қонунларини билиб олиши билан табиатга ва жамиятга ҳамда ўзига фаол таъсир кўрсатиб, табиатни, жамиятни ва ўзини ўзгартириб боради. Бу инсон билишининг амалиёт билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Аслида, инсон билиши унинг ҳаёти жараёнидаги амалий фаолияти асосида вужудга келади. Инсон ўз амалий ва назарий фаолияти жараёнида борлиқ ва унинг қонунларини ҳамда ўзини билиб боради.

Инсон билишини шартли равишда бир неча турларга булиб ўрганиш мумкин. Дастрраб инсон билишини унда борлиқ қандай ҳолда инъикос этганлигига қараб, оддий (кундалик) ва илмий билишларга ажратиш мумкин.

Оддий (кундалик) билиш кишиларнинг одатдаги ўз кундалик ҳаётларида борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни бевосита ўз сезги аъзолари ва тафаккурлари орқали билишдир. У кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибалари, малакалари ва амалий ишлари орқали ҳосил бўлиб, одатда «соғлом фикрлар»да ўз ифодасини топган бўлади. Оддий билиш ҳамма кишиларга хос билишдир.

Илмий билиш эса, оддий (кундалик) билишдан фарқланиб, у борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишдир. Илмий билиш, одатда илмий тадқиқотлар ва илмий излашишлар олиб бориш асосида амалга ошади. Шу сабабли илмий билиш узоқ давом этадиган, муайян усуллар ва йўллар билан амалга ошириладиган мураккаб, зиддиятли билишдир. Шу туфайли илмий билиш билан ҳамма кишилар эмас, балки бир груп ёки алоҳида кишилар: тадқиқотчилар, олимларгина шуғулланадилар (қўйида бу ҳақда алоҳида тўхталамиз).

Булардан ташқари, инсон билишида унинг қандай пайдо булиши жиҳатдан ҳиссий билиш, мантиқий билиш, интуитив билиш, фойибона билиш ва шу каби куринишлари ҳам фарқ қилинади.

Ҳиссий билиш дейилганда, одатда, инсоннинг ҳисқилиши, сезги аъзолари орқали предмет ва ҳодисаларни, уларнинг ташқи томонларини, ташқи белги ва хусусиятларини бевосита билиш тушунилади. Инсоннинг бу билиши, деярли ҳайвонларга ҳам хос бўлган

билиш билан бир хил хусусиятларга эга булган билишдир (лекин улар туб фарқларга ҳам эга).

Мантиқий билиш эса инсоннинг предмет ва ҳодисаларни тафаккур орқали умумлаштириб, мавҳумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишидир.

Интуитив билиш эса, одатда киши бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида муайян тасаввурлар ва билимларга эга булган, унинг фикри маълум муаммо ёки масалани ечишга йўналтирилган, шу асосда ўз фикрини ривожлантираётган бир пайтда рўй беради. Интуитив билиш ҳам инсон билиш жараёнининг муҳим жиҳатини ташкил қиласди ва унинг борлиқни билишида муҳим роль ўйнайди. Интуитив билиш, ҳиссий ва мантиқий билишлардан фарқ қилиб, у ўз табиатига кўра, ҳеч бир бевосита ҳиссий идроксиз ва мантиқий муҳокамасиз бирор бир янги тасаввур ёки янги фикрнинг бирданига, кутилмаганда туғилишидир.

Фанда узоқ давр интуитив билишнинг механизми маълум бўлмай келди. Шу сабабли интуитив билиш ҳақида ҳар хил қарашлар, ҳар хил ёндашишлар, турли туман таълимотлар пайдо бўлди. Баъзилар уни илоҳийлаштириб, интуитив билиш фақат буюк ва мумтоз кишиларгагина хос, деган фикрни билдиришдилар.

Баъзилар эса, интуитив билишни одатда фақат ижодий жараёнга, яъни илмий қашфиётлар, илмий ихтиrolарга ва бадиий ижод жараёнига хос, деган қарашларни илгари суришдилар. Уларнинг нуқтаи назарича, интуитив билиш — бу ижодий жараёнда фикрнинг ривожланишида эски фикрдан янги фикрга ўтиш, яъни сакрашдан иборатдир. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, интуитив билиш — бу бадиий ижод билан боғлиқ, янги гоянинг туғилишидир, деган фикрларни билдиришади. Ҳақиқатан ҳам, интуитив билиш инсоннинг ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда тадқиқотчи ёки ижодкорнинг бутун фикри-зикри бирон нарса билан қаттиқ банд бўлган пайтда, унинг миясига ҳеч кутилмаганда бирор янги фикр, янги ғоя бирдан, тусатдан келиб қолиши мумкин.

Кейинги даврда олиб борилган тадқиқотлар интуитив билишнинг пайдо булиши инсон миясининг онгсиз ёки онг ости фаолияти билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Интуитив билишнинг табиатини ўрганганди бу тадқиқотчилар интуитив билиш факти ҳақиқатан ҳам инсон билиш жараёнига хос эканлигини қайд

қилишиб, унинг ҳиссий ва мантиқий билишлари билан боглиқлиги, шу сабабли интуитив билишнинг бевосита сезиш, бевосита ҳис қилиш, бевосита идрок қилиш, бевосита янги фикрга бирданига келиш каби шакллари мавжудлигини айтишмоқда. Аммо интуитив билиш кишининг олдинги тажриба, күникма, малака ва эришган билимларига асосланган ҳолда юзага келишини, бусиз интуитив билишнинг булиши мумкин эмаслигини таъкидлашмоқда.

Интуитив билиш, аслида инсон билиш жараёнинг бир жиҳати сифатида фақат ижодий жараёнга хос бўлмасдан, балки у инсоннинг оддий кундалик амалий билиш фаолиятига ҳам хосдир. Буни биз болалар учун айтиладиган топишмоқларга берилган жавобларда, оддий кундалик муаммо ва масалаларни ҳал қилишда, шахмат ўйинида, кроссворд ва шу кабиларни ечиш мисолларида яққол курамиз. Интуитив билиш инсон билишининг ҳамма бошқа шакллари билан чамбарчас bogliq булиб, билиш жараёнида уларни тўлдиради.

Инсон билишини турларга булишда интуитив билишдан фарқли равишда қадимдан ғойибона билиш ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Ғойибона билиш инсон билишининг шундай турики, бунда киши узоқ масофадан туриб содир бўлган ёки содир бўладиган ҳодиса ва воқеанини билдириш, ҳис қилиши, бу ҳодиса ва воқеанинг қандай содир булиши унга аён бўлади. Кишилар бирон ишни қилмоқчи бўлса, бу ишнинг натижаси ҳақида олдиндан: «шундай булиши керак, бунга мен қатъий ишонаман», «шундай бўлади, деб ўйлайман» ёки «олдиндан юрагим сезганди», «оёғим тортмаганди», «негадир кўнглим ғаш» деган фикр-мулоҳазаларни айтишади.

Лекин шуни айтиш керакки, ғойибона билишнинг ҳозирча механизми фанга маълум эмас. Шу сабабли кўпинча ғойибона билишни кишилар илоҳийлаштириб, бундай билиш фақат азиз-авлиёларга, алоҳида файри табиий хусусиятларга эга кишиларга хос, деб қараб келишмоқда.

Инсон билишини яна унинг ижтимоий ҳодисалар билан боғланишига қўра, уни мифологик билиш, диний билиш, фалсафий билиш, бадиий-эстетик билишларга ажратиш ҳам мумкин. Билишнинг бу турлари инсон билиш соҳаларининг турли томонларини ташкил қиласиди.

3. БИЛИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ. ҲИССИЙ ВА МАНТИҚИЙ БИЛИШНИНГ БИРЛИГИ

Моддий ва маънавий борлиқ ўз табиатига кўра бирбири билан узвий боғлиқ диалектик жараён бўлганлигидан, уларнинг инъикоси бўлган инсон билишини ҳам диалектик жараён, деб тушуниш лозим. Яъни, инсон билиши билмасликдан билишга, аниқ булмаган билишлардан аниқроқ билишларга, тўлиқ булмаган, қисман билишлардан тўлиқроқ билишларга, оддий билишлардан мураккаб илмий билишларга томон боришдан иборатдир. Шу билан бирга, инсоннинг билиш жараёни айримлик (алоҳидалик) дан хусусийликка, хусусийликдан эса умумийликка ва ниҳоят, умумийликдан энг умумийлик томон, ҳодисалардан моҳиятларга томон боради. Инсон билиш жараёни ҳиссий билишдан ақлий билишга, жонли мушоҳадалардан абстракт тафаккурга томон ва, аксинча, боришлардан иборат диалектик жараёндир. Борлиқнинг инсон миясида инъикос этиши одатдаги предметнинг ойнадаги ёки буюмнинг расмдаги акс этиши каби «ўлик», «ҳаракатсиз», «мавҳум» зиддиятларсиз ҳолда бўлмай, балки «жонли», конкрет, ҳаракат, узгариш ва ривожланишда, зиддиятларнинг келиб чиқиши, уларнинг ҳал бўлиши, бир қуий босқичнинг ўрнини, унга нисбатан юқори-роқ янги босқичнинг ўрин олишидан иборатдир. Хуллас, инсоннинг борлиқни билиши ҳиссий билишдан ақлий билишга томон ва аксинча, интуитив билишдан мантиқий билиш томон диалектик йул билан содир бўлади. Бундаги ҳиссий билиш ва ақлий билиш бир бутун инсон билишининг бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ икки: «қуий» ва «юқори» босқичлариидир.

Ҳиссий билиш — инсон билишининг дастлабки биринчи босқичи бўлиб, инсон билиш жараёни айни шу билишдан бошланади. Натижада, мияда предмет ва ҳодисаларнинг белгилари, сигналлари ва ҳиссий образлари ҳосил бўлади.

Ҳиссий билиш босқичи: ҳис қилиш, сезги, идрок ва тасаввур каби шаклларда содир бўлади. Ҳис қилиш — инсон билишининг шундай шаклини, унда киши ўз-ўзига, атрофдаги нарса-ҳодисаларга, киши ёки кишиларга бўлган муносабатида ўзининг муайян ҳолатга кириши, муайян ҳолда бўлишидир.

Сезги ҳиссий билишининг дастлабки шаклларидан бўлиб, у инсоннинг борлиқни билишининг ўзига хос

кўринишидир. Сезги ва сезгилар инсоннинг сезги аъзоларига борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида юзага келадиган ҳиссий образлардир. Сезгиларни ҳосил қилувчи бундай сезги аъзолари инсонда ташқи ва ички ҳолатларда жойлашган бўлиб, улар: кўриш, таъм билиш, тери сезгиси ва эшитиш сезги аъзоларидир, қолганлари ички сезги аъзолари ҳисобланади. Бу сезги аъзолари инсоннинг борлиқни билишида ўзига хос бир восита бўлиб, улар орқали предмет ва ҳодисалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар инсон миясига қабул қилинади. Инсон бу сезги аъзолари орқали борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг ташқи белги ва хусусиятларини билиб олади.

Бироқ ҳис қилиш ва сезгилар инсоннинг борлиқни билиши учун ҳали етарли эмас. Бунинг учун инсон ўзининг ҳиссий билишида ҳис қилиш ва сезгилар шаклларида ҳосил қилган маълумотларини тўплаб, умумлаштириб, уларни бир бутун ҳолда инъикос эттириши ҳам лозим бўлади. Ҳиссий билишнинг бундай янги шакли идрокдир.

Идрок борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни яхлит ҳолда, бир бутун кўринишда, уларнинг ҳамма асосий ташқи белги ва хусусиятларини умумлаштирган ҳолда инъикос эттирувчи ҳиссий билишнинг нисбатан юқорироқ шаклидир. Идрок предмет ва ҳодисаларнинг бир бутун яхлит ҳиссий образидир. У ўзида ҳис қилиш ва сезгилар шаклларидағи образларни жамлаб ифодаловчи хусусиятга эга. Бироқ инсоннинг ҳиссий билиши идроклар шаклларида юзага келган ҳиссий маълумотлар инсон миясида қайта ишланиб, ҳиссий билишнинг янги, юксак шаклини ҳосил қиласди. Бу тасаввурдир.

Тасаввур — илгари идрок этилган, аммо айни вақтда бевосита идрок этилмаётган предмет ва ҳодисаларнинг инсон миясидаги қайта ишланиб, тикланган ҳиссий образидир. Тасаввурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у борлиқдаги предмет ва ҳодисалар билан айни вақтда бевосита боғланишда бўлмаган ҳолда, уларнинг илгариги пайдо бўлган образлари асосида қайта тикланшидир. Аммо инсон ўз тасаввурда, шу билан бирга, олдин идрок этилган предмет ёки ҳодисага, уларга ухшаш янги предмет ва ҳодисаларнинг ҳиссий образларини ҳам ҳосил қилиши мумкин.

Ҳиссий билишнинг тасаввур шаклида предмет ва

ҳодисаларнинг иккинчи даражали, муҳим бўлмаган хусусиятлари ташлаб юборилиб, фақат айрим муҳим хусусиятларигина инъикос этган булади. Шу туфайли тасаввур предмет ва ҳодисаларни умумлаштирган, мавхумлаштирган даражада аниқ ҳиссий шаклида инъикос эттиради. Бу жиҳатдан тасаввурда, ҳеч шубҳасиз, тафаккурнинг баъзи элементлари пайдо булади. Лекин у ҳали ҳиссий билиш чегарасидан чиқиб кетмаган булади. Бунга сабаб: тасаввурнинг индивидуал характерга эгалиги, унинг предмет ва ҳодисалар ташқи томонлари, ташқи алоқадорлик ва боғланишларинигина узида ифодалаб, уларнинг ички томонларини, улардаги ўзгариш, ривожланиш қонунларини инъикос эттира олмаслигидир.

Умуман олганда, инсоннинг ҳиссий билиши маълум даражада чекланган, бир томонлама, тўлиқ бўлмаган билишдир.

Инсон борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг ички томонларини, уларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини, бир сўз билан айтганда, уларнинг моҳиятини фақат мантиқий билиш орқалигина била олади.

Мантиқий билиш — предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишдир. Инсоннинг борлиқни ақлий билиши — бу унинг тафаккури орқали борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни фикр шаклларида билишдир. Ақлий билиш борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг инсон миясидаги умумлашган, мавхумлашган ва конкретлашган фикрий ифодаланишидир.

Мантиқий билишда инсон тафаккури борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг изчил боғланишлари ва алоқадорликларини, уларнинг ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш қонунларини маълум фикр шакллари — ҳукм, тушунча, ва холоса чиқариш кабиларда ифодалайди. Бунда ҳиссий билиш образлари тафаккур учун материал булиб хизмат қиласи. Тафаккур ўзида ҳиссий билиш берган маълумотларни қайта ишлаб, уларни умумлаштириб, мавхумлаштириб, айни бир вақтда, аниқлаштириб, анализ ва синтез қилиб, аниқликтан мавхумликка ва яна ундан аниқликка келтириб, маълум ҳукмлар, тушунчалар ва холосаларни ҳосил қиласи. Тафаккур ҳосил қилган ақлий билишнинг бу фикрий шакллари тилда сўзлар ва гапларда ифодаланади.

Ақлий билишнинг дастлабки шакли ҳукмлардир.

Ҳукм — мантиқий билишнинг шундай фикрий шаклини, унда борлиқдаги муайян предмет ва ҳодиса-

нинг кескин қурашлари жараёнида рўй бериб, унда аввалги эришилган билимлар ва қараашлар ҳар доим чекланган топилиб, уларнинг ўрнини тўлароқ, мукаммалроқ билимлар ва қараашлар олиб боради.

Шу билан бирга, ҳақиқат мавҳум ҳам эмас, балки аниқ билимлардир. Ўзгармас, қотиб қолган билимлар йўқ, инсон билимлари доимо ўзгариб боради. Айни бир вақтда, айни бир нисбатда ҳақиқат бўлган билим бошқа бир вақтда ва бошқа бир нисбатда ҳақиқат бўлмаслиги мумкин. Бу шуни кўрсатадики, билимларимизнинг ҳақиқатлиги улар ифодалаган мазмуннинг ўзгариши билан ўзгариб боради. Ҳар бир билимнинг ҳақиқатлиги маълум жойга, ўринга, вақт ва вазиятга, киши билишининг имкониятига ва даражасига боғлиқ бўлади. Билимнинг ҳақиқатлигини аниқлашда унга маълум алоқадорлик ва боғланишлардан келиб чиқиб, аниқ шароит, жой, вақт ва маълум вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқ керак. Ҳамма замонлар, мақонлар, ҳамма давр ва ҳар қандай шароитда ҳам түгри бўладиган, ўзгармайдиган ҳақиқатлар йўқ ва булиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳақиқатнинг аниқлигини ҳисобга олиш инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида жуда катта аҳамиятга эга. Билиш жараёнида нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар диалектикасини түгри тушунмаслик, ҳақиқатнинг аниқлигини ҳисобга олмаслик билиш назарияси соҳасида иккита янгиш қараашга, яъни дорматизм ва релятивизмга олиб келади.

Дорматизм инсоннинг борлиқни билишида билимларнинг мутлақ томонларини бўрттириб, уларнинг нисбий томонларини инкор этишдир. У фақат мутлақ ҳақиқатни эътироф этиб, билимларга ўзгармас, қотиб қолган ҳолда қарайди. Бундай қарааш инсоннинг борлиқни билишига, уни амалий ва назарий ўзлаштириш ва ўзгартиришга тўсқинлик қиласди.

Релятивизм эса, инсон билишида ҳосил бўлган билимларнинг нисбий томонларини мутлақлаштириб, инсон билимлари фақат нисбий ҳақиқатлардан иборат, деб, қарашидир. У мутлақ ҳақиқатни бутунлай инкор қиласди.

Инсон қадимдан бошлаб ўз билимларининг ҳақиқатлигини, уларнинг хатолардан фарқини ажратувчи мезонни топишга ҳаракат қилиб келган. Шу сабабли фалсафада билимларнинг ҳақиқатлик мезони муаммосига доир турлича қараашлар пайдо бўлган. Бундай

қарашларнинг дастлабкиси бу ҳақиқатнинг формал мантиқ мезонидир. Бу мезонга кўра, билим ҳақиқат булиши учун бу билимни ифодаловчи фикр иккинчи бирор фикрга мувофиқ келиши ёки бу билим бошқа билимдан зарурان мантикий келиб чиқиши лозимдир.

ХХ аср неопозитивизм оқими вакилларининг баъзилари ўз билиш назарияларида ҳақиқатнинг мезони, деб когеренция принципини оладилар. Бу принципга кўра, ҳақиқатнинг мезони билимнинг ўз-ўзига мос келишидир. Неопозитивизмнинг бошқа бир гурӯҳи вакиллари эса билимларнинг ҳақиқатлик мезони сифатида верификация принципини илгари сурадилар. Бу принципга кўра, билимларни ҳиссий тажриба, кузатиш, эксперимент йўллари билан текшириш мумкин. Бироқ бизга маълумки, фанларда пайдо бўлган баъзи ғоялар ва қарашларнинг ҳақиқатлигини бундай ҳиссий тажрибалар асосида текшириб бўлмайди.

Прагматизм оқими вакиллари эса, ҳар қандай билимнинг ҳақиқатлик мезони унинг инсонга келтирадиган фойдаси булиши керак, дейишади. Ҳақиқатда эса, фойдали булиш, фойда келтириш ҳали инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони бўлмайди.

Экзистенциализм фалсафаси вакилларининг баъзилари бўлса, инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони ҳар бир кишининг ўз эҳтиёжи, мақсад ва манфаатларига боғлиқдир, дейишади. Уларнинг қарашича, ҳеч қачон икки кишининг эҳтиёжи, интилишлари бир-бирига тўла мос келмайди. Шу сабабли ҳақиқатнинг барчага баробар бўлган мезони булиши мумкин эмас.

Аслида эса, билимларнинг ҳақиқатлиги мезони амалий фаолиятдир. Билимларнинг ҳақиқатлиги ёки хатолиги кишиларнинг амалий фаолиятида маълум бўлади. Ҳақиқат бўлмаган билимлар инсон фаолиятини муваффақиятсизликка олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай янги билимнинг ҳақиқат эканлиги амалиётда текшириб кўрилади. Амалиёт инсоннинг билиш жараёнида ҳосил бўлган ҳар бир билимнинг ҳақиқатлигини тасдиқлаш билан бирга, бу билимнинг чекланганлигини, бир томонламалигини, хато ёки файриилмийлигини ҳам аниқлаб беради. Амалиёт ҳам инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони сифатида мутлақ эмас. Сабаби: инсон билимларининг ҳақиқатлиги ёки хатолиги амалиётда тасдиқланиши тўлиқ

бўлмайди. Шунинг учун барча даврларда инсон билимларининг соҳаларида ҳали ҳақиқатлиги тұла тасдиқланмаган ёки хатолиги тұла аниқланмаган күргина гипотезалар мавжуд булади, улар келгуси авлодлар томонидан тузатилиб, тұлдирилиб, тасдиқланиб ёки рад қилиниб борилади. Шу боисдан маълум шароитларда инсон эришган билимларнинг ҳақиқатлиги амалиётта тасдиқланиши ёки хатолиги исботланиши мүмкін. Бу муддат бир неча ўн йил, бир неча юз, ҳатто минглаб йилларни ўз ичига олиши ҳам мүмкін.

Лекин, шунга қарамасдан, амалиёт ҳақиқат мезони сифатида инсоннинг тұғри билимларини хато билимларидан фарқ қилишда катта ахамиятта эга. Бу мезон, бириңчидан, инсон билимлари борлықнинг тұғри ёки нотұғри инъикоси эканлигини тасдиқласа, иккинчидан, у борлықни нотұғри акс эттирувчи қарашларнинг хатолигини ҳам очиб беради.

5. ИЛМИЙ БИЛИШ ВА УНИНГ УСУЛЛАРИ

Биз юқорида илмий билишни предмет ва ҳодисаларнинг қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишдир, деган әдик. Илмий билиш муайян олим ёки тадқиқотчи томонидан олиб бориладиган изланишлар асосида амалга ошириладиган, узоқ давом этадиган жараёнларни ўз ичига олади.

Илмий билиш учун тадқиқотчи үрганаётган предмет ва ҳодисаларнинг ҳамма томонларини, алоқадорлик ва боғланишларини бирга олиб үрганиши лозим булади. Гарчи бунга у ҳеч қачон тұла-тұқис эриша олмаса ҳам, лекин бу ҳар томонлама үрганиш талаби уни хатоликлардан ва бир томонламаликлардан сақлаб қолади.

Илмий билишнинг вазифаси борлықдаги предмет ва ҳодисаларнинг ички табиатини, улардаги алоқадорлик ва боғланишларни, уларда амал қиладиган қонулар ва қонуниятларни, хуллас, уларнинг моҳиятини билишдан иборатдир. Илмий билиш, шу билан бирга, предмет ва ҳодисаларни «ўз ҳаракатида» «жонли» ҳолатда, «ҳаёт ҳолатда», узгариб ва ривожланиб туришида билишни талаб қилади. Илмий билиш натижасида ҳосил қилинган билимларнинг маълум тизимлари фанларни вужудга келтирди.

Фанлар илмий билишнинг шаклларидир. Фанлар

борлиқ ва унинг турли күринишлари: табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури тұғрисидаги илмий билиш жараёнида юзага келган билимлар тизимлардан иборатдир. Улар инсоннинг борлиқни билиши, үрганиши ва үзлаштиришининг үзига хос назарий шакллари булиб, үзларida моддий ва маънавий омилларни бирлаштирувчи күп қирралы ижтимоий ҳодисалар.

Ҳамма фанлар борлиқни назарий тафаккур шакллари: илмий тушунчалар ва ғоялар, категориялар, принциплар, муаммолар, гипотезалар, назариялар, қонунларда акс эттиради ва ифодалайди.

Фанлар жамият тараққиёти моддий ва маънавий жиҳатдан маълум етукликка эришган даврда, инсоният илмий билиши борлиқ ҳақида маълум миқдордаги билимларни ҳосил қилиши натижасида вужудга келади. Ҳозирги даврда мавжуд бұлған ҳар бир фаннинг келиб чиқиши, шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд. Уларнинг ҳар бири инсон билишининг күп асрлық узоқ тараққиёти давомида аста-секин шаклланиб ва ривожланиб борган.

Жамиятда фанларнинг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб боришида уч муҳим босқич фарқ қилинади.

Бириңчи босқичда фанлар жамият ишлаб чиқарышыга оид амалий-ижтимоий талаблар ва әхтиёжаларға жавоб бериш асосида пайдо бұлади ва ривожланади. Бу босқичда пайдо бұлған астрономия, геометрия, математика ва механика каби фанлар ирригация, денгизда сузиш, йирик жамоат иншоотлари: пирамидалар, әхромлар қуриш каби қурилиш ишлари; деңқончилик, ерларни булиш, үлчаш ишлари талаблари ва әхтиёжлари асосида ривожланади. Бу босқичда фанлар шароит имконияти ва әхтиёжи асосида нисбатан суст ривожланади.

VII—XII асрларда араб Шарқи ва Үрта Осиё фанлар энг тараққий этган үлкалардан бирига айланиб, уларнинг бошқа үлкалар билан савдо-сотиқ муносабатлари, маданий-илмий алоқалари анча авж олган эди. Бу даврда деңқончилик, ҳунармандчилик үсади, турли хил ирригация ва маданий қурилишлар кучаяди. Натижада, астрономия, математика, геометрия, кимё, география, минерология, геодезия, табобат илми соҳаларига оид билимларнинг тез тараққий этишига олиб келади.

Фанлар тараққиётининг янги иккинчи босқичи XIV асрнинг охири ва XV асрларда Урта Осиёда темурийлар империяси даврида ҳамда XVII асрнинг охирларидан бошлаб Оврӯпада капитализмнинг тез ривожланиши билан бошланади.

XV асрда, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандла Мирзо Улуғбек, Фиёсиддин Коший ва Али Қушчилар фалакиёт илмига ва сонлар назариясига жуда муҳим ҳисса қўшадилар. Улар кузатиш астрономиясини юқори поғонага кутарадилар.

XVII—XVIII асрларда эса Оврӯпада капиталистик муносабатларнинг қарор топиши, саноатнинг тез суратлар билан ривожланиши натижасида механика, математика, физика, кимё, биология оид билимлар мисли кўрилмаган даражада тез ривожлана бошлайди. Саноатнинг ривожланиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг ҳам тараққий этишини талаб қилди. Бу қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган ботаника, зоология, агрономия каби соҳаларга оид билимларнинг ривожланишига олиб келади. Айни шу даврга келиб фалсафадан механика, математика, физика, кимё, биология каби фанлар мустақил билим соҳалари сифатида ажраблиб чиқади. Кўпчилик фанлар узларининг эмпирик даражасидан ўсиб, назарий даражага кутарилади.

Бу даврда инсон ва жамият ҳақидаги гуманитар ва ижтимоий билимлар ҳам жадал ривожлана бошлади.

Илмий билишнинг кўпчилик соҳаларида янги-янги техника воситалари яратилиб, улар навбатдаги ривожланиш учун қурдатли омил бўлади.

Фанлар ривожланишининг учинчи босқичи XX аср бошларидан бошланади. Бу босқичда фанлар жадал ривожланиб, уларнинг амалиёт билан муносабати бутунлай ўзгаради, фанларнинг тараққиёти амалиётни инқилоблаштириши туфайли, янги-янги ишлаб чиқариш тармоқлари вужудга келади, фанлар бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айлана бошлайди. XX асрнинг ўрталарига келганда, фанлар тараққиёти техника тараққиёти билан биргаликда жамиятда фан-техника инқилобининг содир бўлишига олиб келади. XX аср охирiga келиб эса, фанларда анъанавий (классик) тафаккур услуги ўрнига ноанъанавий (нонкласик) тафаккур услуги шаклланади. Фан ва техника ютуқлари кундаклик ҳаётда кенг ўрин олиб, сунъий материаллар, яrim ўтказгичлар, микрокалкуляторлар, компьютерлар, видеолардан фойдаланиш оддий ҳодиса бўлиб қолди.

борлиқ ва унинг турли кўринишлари: табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури түғрисидаги илмий билиш жараёнида юзага келган билимлар тизимларидан иборатдир. Улар инсоннинг борлиқни билиши, урганиши ва узлаштиришининг узига хос назарий шакллари булиб, узларида моддий ва маънавий омилларни бирлаштирувчи кўп қиррали ижтимоий ҳодисалар.

Ҳамма фанлар борлиқни назарий тафаккур шакллари: илмий тушунчалар ва ғоялар, категориялар, принциплар, муаммолар, гипотезалар, назариялар, қонунларда акс эттиради ва ифодалайди.

Фанлар жамият тараққиёти моддий ва маънавий жиҳатдан маълум етуклика эришган даврда, инсоният илмий билиши борлиқ ҳақида маълум миқдордаги билимларни ҳосил қилиши натижасида вужудга келади. Ҳозирги даврда мавжуд бўлган ҳар бир фаннинг келиб чиқиши, шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд. Уларнинг ҳар бири инсон билишининг кўп асрлик узоқ тараққиёти давомида аста-секин шаклланиб ва ривожланиб борган.

Жамиятда фанларнинг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб боришида уч муҳим босқич фарқ қилинади.

Биринчи босқичда фанлар жамият ишлаб чиқаршига оид амалий-ижтимоий талаблар ва эҳтиёжларга жавоб бериш асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Бу босқичда пайдо бўлган астрономия, геометрия, математика ва механика каби фанлар ирригация, денгизда сузиш, йирик жамоат иншоотлари: пирамидалар, эҳромлар қуриш каби қурилиш ишлари; деҳқончилик, ерларни булиш, ўлчаш ишлари талаблари ва эҳтиёжлари асосида ривожланади. Бу босқичда фанлар шароит имконияти ва эҳтиёжи асосида нисбатан суст ривожланади.

VII—XII асрларда араб Шарқи ва Ўрта Осиё фанлар энг тараққий этган ўлкалардан бирига айланиб, уларнинг бошқа ўлкалар билан савдо-сотиқ муносабатлари, маданий-илмий алоқалари анча авж олган эди. Бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчилик усади, турли хил ирригация ва маданий қурилишлар кучаяди. Натижада, астрономия, математика, геометрия, кимё, география, минерология, геодезия, табобат илми соҳаларига оид билимларнинг тез тараққий этишига олиб келади.

Фанлар тараққиётининг янги иккинчи босқичи XIV асрнинг охири ва XV асрларда Ўрта Осиёда темурийлар империяси даврида ҳамда XVII асрнинг охирларидан бошлаб Оврўпада капитализмнинг тез ривожланиши билан бошланади.

XV асрда, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда Мирзо Улугбек, Фиёсиддин Коший ва Али Қушчилар фалакиёт илмига ва сонлар назариясига жуда муҳим ҳисса қўшадилар. Улар кузатиш астрономиясини юқори поғонага кўтарирадилар.

XVII—XVIII асрларда эса Оврўпада капиталистик муносабатларнинг қарор топиши, саноатнинг тез суратлар билан ривожланиши натижасида механика, математика, физика, кимё, биологияга оид билимлар мисли кўрилмаган даражада тез ривожлана бошлайди. Саноатнинг ривожланиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг ҳам тараққий этишини талаб қилди. Бу қишлоқ хўжалиги билан бевосита бөглиқ бўлган ботаника, зоология, агрономия каби соҳаларга оид билимларнинг ривожланишига олиб келади. Айни шу даврга келиб фалсафадан механика, математика, физика, кимё, биология каби фанлар мустақил билим соҳалари сифатида ажраблиб чиқади. Кўпчилик фанлар ўзларининг эмпирик даражасидан ўсиб, назарий даражага кутарилади.

Бу даврда инсон ва жамият ҳақидаги гуманитар ва ижтимоий билимлар ҳам жадал ривожлана бошлади.

Илмий билишнинг кўпчилик соҳаларида янги-янги техника воситалари яратилиб, улар навбатдаги ривожланиш учун қурдатли омил бўлади.

Фанлар ривожланишининг учинчи босқичи XX аср бошларидан бошланади. Бу босқичда фанлар жадал ривожланиб, уларнинг амалиёт билан муносабати бутунлай ўзгаради, фанларнинг тараққиёти амалиётни инқилоблаштириши туфайли, янги-янги ишлаб чиқариш тармоқлари вужудга келади, фанлар бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айлана бошлайди. XX асрнинг ўрталарига келганда, фанлар тараққиёти техника тараққиёти билан биргаликда жамиятда фан-техника инқилобининг содир бўлишига олиб келади. XX аср охирiga келиб эса, фанларда анъанавий (классик) тафаккур услуги ўрнига ноанъанавий (ноклассик) тафаккур услуги шаклланади. Фан ва техника ютуқлари кундаклик ҳаётда кенг ўрин олиб, сунъий материаллар, яrim утказгичлар, микрокалкуляторлар, компьютерлар, видеолардан фойдаланиш оддий ҳодиса бўлиб қолди.

Фанларнинг предмети, кенг маънода, инсонни қуршаб турган борлиқ ва унинг шаклларири. Шу жиҳатдан фанларни уларнинг предметларирига кўра шартли равишда табиатшунослик, жамиятшунослик ва уларнинг ўртасидаги техника фанларирига бўлиш мумкин.

Табиатшунослик фанлари табиатни билиш, узлаштириш ва ўзгартириш қонунларини ўрганади.

Жамиятшунослик фанлари эса ижтимоий муносабатларни, инсонни ва унинг жамиятда тутган ўрнини, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ўрганади.

Техника фанлари бўлса, инсон томонидан ихтиро қилинган машина ва механизмлар, уларнинг тузилиши, қурилиши ва иш фаолиятининг қонуниятларини ўрганувчи фанлардир. Техник фанларнинг вазифаси инсонни техника қурилмалари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириб, янги техника воситаларини яратишга ёрдам беришдан иборатdir.

Фанларни яна амалий ва фундаментал фанларга ҳам булишади. Бунда ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, эришилган ҳар бир янги натижаси ишлаб чиқаришга бевосита тадбиқ этилиб борадиган фанлар амалий фанлар, дейилади. Фундаментал фанлар эса табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларини назарий жиҳатдан ўрганувчи фанлардир. Амалий ва фундаментал фанлар ўзаро чамбарчас боғлиқ булиб, фундаментал фанлар борлиқнинг турли соҳалари қонуниятларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, ижтимоий-амалий масалаларни ҳал қилишга тадбиқ этади.

Табиатшунослик, жамиятшунослик ва техника фанларидан фарқли, фалсафа инсоннинг борлиқ ҳақидаги энг умумий билимлари тизимидан иборат булиб, у бошқа барча фанларга методологик асос булиб хизмат қиласди. Фалсафа барча фанларни бирлаштирувчилик хусусиятига эга булиб, инсоннинг моҳияти ва жамиятдаги ўрни, инсон билишининг энг умумий усулларини, табиат, жамият, тафаккур тараққиётининг энг умумий муаммоларини ўрганади. Фалсафа жуда кўп фалсафий билимлар соҳаларига оид фанларни ўз ичига олади. Фалсафий билимларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар умуминсоний қадриятлардан иборатdir.

Фалсафа, табиатшунослик фанлари, ижтимоий-гуманитар ва техника фанлари бир-бирлари билан чам-

барчас бөглиқ ва алоқадорликда, бирлиқда ривожланып боради.

а) Илмий методлар ва методология.

Маълумки, ҳар бир фан соҳасида илмий изланишлар олиб борувчи тадқиқотчи объекти үрганишга киришар экан, үрганаётган предмет ёки ҳодиса ҳақидаги билимларга бирданига эга бўлмайди. Бунинг учун у бу предмет ёки ҳодиса устида маълум давр ичидаги тинмай турли хил изланиш ва тадқиқотлар олиб бориб, уз тадқиқот жараёнида турли хил йўллар, усуллар ва воситалардан фойдаланади, руҳий ва ақлий жараёнларни кечиради. Шундан кейингина у ўзи тадқиқот олиб бораётган предмет ёки ҳодиса юзасидан маълум янги билимларни ҳосил қилиши мумкин.

Тадқиқотчининг ўз тадқиқоти жараёнида янги билимларга эришиш учун қўлладиган турли хил усуллари, йўллари ва воситалари илмий билишнинг методлари дейилади.

Илмий билишнинг методлари тадқиқотчининг тадқиқот объектини билиши учун қўллаган амалий ва назарий фаолият усулларидир. Бу методларнинг илмий билишдаги вазифаси: тадқиқотчига үрганаётган предмет ёки ҳодиса ҳақида, унинг табиати ва моҳиятини, уларни ифодалайдиган қонун ва қонуниятларни очишида ёрдам беришдан, шу асосда тадқиқотнинг муваффакиятли бўлишини таъминлашдан иборатdir.

Илмий тадқиқот ишларидаги тадқиқотнинг характеристи ва унинг натижасида ҳосил бўлган янги билимлар кўп жиҳатдан тадқиқотчининг ўз фаолиятида қандай методларни танлаганига, улардан қандай фойдаланганига боғлиқ. Тадқиқотчи томонидан тўғри танланган методлар тадқиқотнинг муваффакиятли якунланишига олиб келади. Аксинча, нотўғри танланган ёки нотўғри қўлланган методлар тадқиқотчини ўз изланишларида бози берк кучага киритиб қўйиб, унинг тадқиқотининг муваффакиятсиз, самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин.

Тўғри танланган илмий билиш методлари тадқиқотчиларнинг изланишларида тадқиқот йўлини ёритувчи бир машъалдир.

Илмий билишда тўғри танланган метод¹ шу метод ёрдамида қилинган илмий кашфиётга нисбатан қим-

¹ Метод (юнонча: «методос» сузидан олинган булиб, билишнинг йўли, дегани) — илмий билиш, илмий тадқиқотнинг усулидир.

матлироқ аҳамиятга эга булиши мумкин. Бундай метод билан тадқиқотчи бир эмас, балки бир неча илмий кашфиётлар қилиши мумкин.

Илмий билиш методларини үрганиш фалсафада методологиянинг¹ пайдо булишига олиб келди. Методология илмий билиш методлари ҳақидаги фалсафий таълимот сифатида ўзида кишилар дунёқараши принципларини, уларнинг бир бутун амалий ва назарий фаолиятларига тадбиқ этишини үрганади. Методология термини фалсафада күп маънолидир. У бир ўринда борлиқни илмий билиш ва ўзгартиришнинг методлари ҳақидаги назарияни ифодаласа, иккинчи ўринда у бутун илмий билиш методларининг йифиндиси маъносини ифодалайди. Учинчи бир ўринда эса, методология термини инсоннинг борлиқни илмий билиш ва ўзгартиришининг энг умумий методи маъносида қўлланади.

Илмий билишда метод ва методология терминлари бир-бiri билан жуда яқин ва ўзаро чамбарчас боғлиқdir. Методологияга кўра илмий тадқиқотларда қўлланиладиган методлар бир-бирларидан ўз табиати, характеристи, қўлланиш соҳалари, қўлланиш қўлами, даражалари жиҳатдан фарқ қиласидар. Улар бир-бирларидан илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари жиҳатидан ҳам фарқ қиласидар. Ўз қўлланиш қўламига кўра илмий методларнинг баъзилари ҳамма илмий тадқиқотларда қўлланилса, бошқа бир хиллари кўпчилик фан соҳаларидаги олиб бориладиган тадқиқотларда, учинчи бир хиллари эса алоҳида, айрим фан соҳаларида олиб бориладиган тадқиқотлардагина қўлланилади. Шунга кўра илмий билишнинг методларини фалсафа З турга бўлиб үрганади.

Улар қўйидагилар:

1. Илмий билишнинг энг умумий илмий методи.
2. Илмий билишнинг эмпирик даражасига оид умумий илмий методлар.
3. Илмий билишнинг назарий даражасига оид умумий илмий методлар.

Илмий билишнинг энг умумий илмий методининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у тадқиқотчиларнинг ҳар қандай онгли амалий ва назарий фаолиятида, ҳамма ва ҳар қандай илмий тадқиқот соҳасида қўлланилади.

¹ Методология (юононча: «методос» ва «логос» сўзларининг бирикувидан олинган бўлиб, метод ва таълимот, деган маъноларни ифодалайди) — методлар ҳақидаги таълимотдир.

Илмий билишнинг эмпирик даражасига оид умумий илмий методлари — булар күпчилик ёки бир гурӯҳ фан соҳаларида қўлланиладиган, илмий билишнинг эмпирик босқичига оид бўлган методлардир.

Илмий билишнинг назарий даражасига оид умумий илмий методлар эса илмий тадқиқотларнинг назарий босқичида қўлланадиган методлардир.

Илмий билиш кўплаб умумий, хусусий ва алоҳида конкрет илмий методлар ёрдамида вужудга келади. Илмий билишда методларнинг хилма-хил ва кўп бўлиши инсоннинг дунёни билиб олиш имкониятларини янада кенгайтиради ва уни чуқурроқ билишга имкон беради.

Ҳозирги замон фанларида илмий билишнинг қуидаги методлари мавжуд: кузатиш ва эксперимент, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, идеаллаштириш, моделлаштириш ва шу кабилар. Илмий билишнинг бу методлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар билишнинг қайси босқичи ва қайси даражасида қўлланиши, ўзларининг табиати ва характерлари билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Биз бу методларнинг ҳар бири билан алоҳида алоҳида танишиб чиқамиз.

б) Кузатиш ва эксперимент методлари.

Кузатиш ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдаги маълум обьектни табиий шароитда у қандай бўлса, шу ҳолида диққат билан, белгиланган вақт ичиди, маълум мақсад асосида кўздан кечириб боришдир.

Эксперимент эса сунъий яратилган шароитда олиб бориладиган кузатишдир. Экспериментда ўрганилаётган предмет ёки ҳодиса ўз ҳолида, лекин сунъий яратилган шароитда кўздан кечириб борилади. Экспериментда тадқиқотчи ўз ўрганиш обьектига актив таъсир қилиши, кузатишнинг боришида, кузатилаётган жараённи ўзи хоҳлаган йўналишга қараб ўзгартириши мумкин.

Эксперимент кузатиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, у кузатишсиз мавжуд бўлмайди, улар бир-бирларини тўлдиради. Кузатиш ва эксперимент методлари асосида тўпланган фактлар, маълумотлар илмий билишнинг эмпирик даражасини ҳосил қиласди.

Кузатиш ва эксперимент асосида ҳосил қилинган факт ва маълумотлар эса ўз набатида тадқиқотчидан уларни анализ ва синтез қилишини тақозо қиласди.

в) Анализ ва синтез методлари.

Анализ — бир бутунни қисмларга, булакларга, томонларга ва элементларга ажратиб, уларнинг ҳар бири нима эканлигини билишдир. Анализ усули натижасида бутунни ташкил этган қисмлар, томонлар, булаклар, элементлар, уларнинг бутун таркибидаги ўрни аниқлашади. Анализ орқали предмет ва ҳодисаларнинг структураси, тузилиши билинади.

Синтез — анализ туфайли ажратилган булаклар, томонлар, қисмлар, элементларни ўзаро бириктириб, уларни бир бутун ҳолига келтиришдир. Синтез орқали тадқиқотчи бутуннинг бўлаклари, қисмлари, томонлари, элементлари ўртасидаги ва уларнинг бутун билан бўлган алоқа ва боғланишларини билиб олади.

Анализ билан синтез билиш жараёнидаги бир моддий ёки мантиқий амалнинг икки томонидир, уларни бир-биридан ажратиб қўллаб бўлмайди, чунки табиатда ва жамиятда ҳамма жараёnlар кўп томонламадир.

Тадқиқотчи ўрганаётган предмет ёки ҳодисалари устида олиб борган кузатиш ва экспериментлари, анализ ва синтезлари асосида ҳосил бўлган эмпирик фактлар ва маълумотларни ўз тафаккурида умумлаштиради, абстрактлаштиради ва конкретлаштиради. Тафаккур жараёнида юз берадиган бу амаллар ҳам илмий билишнинг умумий илмий методларини ташкил этади.

г) Умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш методлари.

Илмий билишнинг бу методлари фақат тафаккур жараёнига оид бўлиб, улар илмий билишнинг назарий даражасига хосдир.

Умумлаштириш — бу тадқиқот олиб борилаётган бир қанча предмет ёки ҳодисаларга хос бўлган томонлари, хусусиятлари ва хоссаларини фикрда эътибордан соқит қилиб, тадқиқот учун зарур бўлган бирорта белги ёки хусусиятни мавҳум ҳолатга келтиришдир. Илмий билиш жараёни умумлаштириш ва абстрактлаштириш билан тугамайди.

Конкретлаштириш — бу умумлаштириш ва абстрактлаштириш жараёнида ажратиб олинган, эътибордан соқит қилинган олдинги бутун белги ва хусусиятларни яна предмет ёки ҳодисалар билан боғлаб, шу предмет ёки ҳодиса ҳақида аниқ бир фикр ҳосил қилишдир.

Умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш тафаккурдаги бир мантиқий амалнинг тур-

ли томонларидир холос. Тадқиқотчи умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш усуллари асосида тафаккур жараёнида янги назарий билимларни ҳосил қиласи. Бу усулларнинг ҳар уччаласи тафаккур жараёнида доимо бирликда қулланиб, бир-бирларини тұлдириб келади.

Умумлаштиришдан абстрактликка ва ундан конкретликка ҳамда конкретликтан умумлаштириш орқали яна абстрактликка томон бориши билишнинг умумий усулларидир.

Илмий билишнинг бу усуллари фанлар тараққиетининг турли даврларыда турлича роль үйнаб келган. Конкретликдан абстрактликка бориши усули фанларнинг шаклланиш даврида уларга оид турли илмий түшунча ва категорияларни ишлаб чиқиша мұхим роль үйнаган эди. Кейинчалик фанлар жадал ривожланиб борган даврга келганды, предмет ёки ҳодисаларни чуқур билиш талаби абстрактликдан конкретликка күтарилиш усулининг аҳамиятини орттириди. Шунга қарамай, илмий билиш жараёнида бу икки усул доимо бирликда ва үзаро боғлиқликда қулланилади. Бу усуллар назарий билишнинг индуктив ва дедуктив методлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

д) Индуктив ва дедуктив методлар.

Индуктив метод ёки индукция билишнинг шундай усулики, бунда тадқиқотчи үз тафаккурида текшираётганды, предмет ёки ҳодисалар түғрисидаги бир қанча жузъий фактлардан, улар ҳақидағи айрим билимлардан умумийроқ билимларни ҳосил қиласи.

Илмий билишда индуктив усул билан ҳосил қилинганды, билимлар доимо дедуктив усул ёрдамида текширилади.

Дедуктив метод ёки дедукция — бу билиш жараёнида фикрда умумий билимлардан жузъий, қисман билимларга келишдир. Дедуктив усул воситасида тадқиқотчи бир синф, бир жинс, бир гурух предмет ёки ҳодиса түғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қиласи. Инсоннинг билиш тажрибасидан шу нарса маълумки, агар бирон хусусият бир синф ёки бир жинсдаги ҳамма предмет ёки ҳодисаларга хос бўлса, бу хусусият шу синф ёки жинсга оид ҳар бир предмет ёки ҳодисага ҳам хос бўлади.

Илмий билишнинг бу усуллари үз навбатида тарихийлик ва мантиқийлик методлари билан чамбарчас боғлиқдир.

е) Тарихийлик ва мантиқийлик методлари.

Тарихийлик — бу үрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг пайдо булиш, ривожланиш ва емирилиш жараёнлари бирлигини, унинг тарихий тараққиёт жараёнида бошқа воқеалар билан алоқадорлигини назарий билишга оид усулдир. Тарихийлик деганда, тадқиқ этилаётган предмет ёки ҳодисанинг конкрет шароитда пайдо булиши, яшаши, ривожланиш ва емирилиш ёки йўқ булишидан иборат жараённинг тафаккурда ифодаланиши тушунилади.

Мантиқийлик эса, ана шу тарихийликнинг тадқиқотчи фикридаги умумлаштирилган, абстрактлаштирилган, конкретлаштирилган, қисқарган, тасодифлардан тозаланган абстракт конкретлик шаклида ифодаланишидир.

Мантиқийликда тарихийликнинг энг зарур ва энг асосий томонлари, хусусиятлари, қонуниятлари ифодаланади. Тарихийлик ва мантиқийлик ўзаро чамбарчас боғлиқ. Лекин тарихийлик — бирламчи, мантиқийлик иккиласмачидир.

Тадқиқотчи бирон бир объект устида изланишлар олиб борганида, илмий билишнинг бу усулларини тұрғы күллаш лозим. Ҳақиқатан ҳам, тадқиқ этилаётган предмет ёки ҳодисанинг реал тарихини тұғри үрганиб чиқмай туриб, унинг моҳиятини тұғри ифодалаб бериб булмайди.

з) Формаллаштириш ва моделлаштириш методлари.

Кейинги вақтда ЭХМлар ва компьютерларнинг яратилиши, уларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши, математик усулларнинг конкрет фанлар соҳаларида самарали құлланиши, моделлаштириш ва формаллаштириш каби янги усулларнинг пайдо булишига олиб келди. Ҳозирги кунда бу усуллар күпчилик табиатшунослик ва гуманитар фанлар соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда кенг құлланилиб, улар илмий билишнинг умумий илмий методларига әйланиб бормоқдалар. Биз қуйида шу методлар ҳақида тұхталиб үтамиз.

Формаллаштириш — бу текширилаётган предмет ёки ҳодисаларнинг маълум конкрет томонлари, хосса ва хусусиятларининг мазмунини мавхумлаштириб, уни маълум абстракт ифода, формула ёки схемалар билан ифодалашдир. Бу метод ёрдамида тадқиқ этилаётган объектларнинг уртасидаги алоқадорлик, уларнинг муносабатлари маълум ифодаларда белгиланади. Маса-

лан, алгебрадаги математик ифодалар: $a+b$, ab , $a^2 - 2ab + b^2$ кабилар миқдорий муносабатнинг формаллаштирилган күринишидир.

Формаллаштириш усули энг күп даражада математика, физика, химия, математик мантиқ, муҳандислик ва техника соҳаларида олиб бориладиган тадқиқотларда қулланилади. Формаллаштириш усули ўз навбатида моделлаштириш усули билан чамбарчас боғлиқ.

Моделлаштириш усули дастлаб математика фанларида юзага келган. Ҳозирги вақтда эса физика, биология, кибернетика каби кўпчилик фанларда олиб бориладиган тадқиқотларда кенг қулланилмоқда. Моделлаштириш усули ўрганилаётган обьектга тузилиши ёки функциясига кўра унга ўхшаш лекин унинг ўзи эмас, унинг нусхасини яратиб, шу нусха орқали ҳақиқий обьектнинг тегишли хосса ва хусусиятларини ўрганишдир. Илмий билишда бу усулнинг вазифаси одатда текширилаётган предмет ёки ҳодисани бевосита, оригиналида ўрганиш иложи бўлмаган пайтда унинг оригиналга ўхшаш, унга мос моддий ёки фикрий нусхасини, яъни моделини¹ ясад, шу модель асосида оригинални ўрганишдан иборатдир. Моделлаштириш усули ўрганилаётган обьектда юз берадиган жараёнларни унинг нусхасида бевосита тадқиқ қилиш имконини бериши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Моделлаштириш ва моделнинг ўзига мисол қилиб, биз глобусни олишимиз мумкин.

Моделлаштириш күп босқичли жараёндир. Унинг биринчи босқичи моделни қуришдир. Қурилган моделнинг оригинал билан мослигини аниқлаш моделлаштиришнинг иккинчи босқичидир. Моделлаштиришнинг учинчи босқичи — бу модель асосида ҳосил қилган билимни оригиналга тадбиқ қилишдир. Моделлаштиришнинг охирги босқичи эса бу модель орқали эга бўлган янги билимнинг ҳақиқатлигини аниқлашдир.

Илмий билиш жараёнида турли фанлар соҳасидаги тадқиқотларда ҳар хил моделлар қўлланади. Ўз табиатига кўра бу моделларни икки группага бўлиш мумкин. Улар: 1) моддий моделлар; 2) фикрий моделлар.

Моддий моделлар моддий жисмлардан қилинган моделлардир. Фикрий моделлар эса тил белгилари,

¹ Модель (латинча: model — сизи булиб, нусха дегани) — шартли образ, схема маъноларни билдиради.

тилдаги символлар, ҳар хил кодлар, ЭХМ программалари ва шулар кабилардир.

Моделлаштиришнинг чекланган томонлари ҳам бор. Масалан, ҳеч бир модель оригиналнинг хусусиятларини тұла ифодалай олмайды. Чунки ҳар қандай модель объектнинг (оригиналнинг) тадқиқот учун мұхим бүлган хусусиятларини ифодалаб, бошқа барча хусусиятларини мавхұмлаштиради. Лекин модельнинг объектни қай даражада түғри ифодалаши унинг объектге қанчалик мөслигиге, модельнинг құлланылған техник ва бошқа воситаларга боғлиқдир. Илмий билишда модельнинг турли хилларини биргалиқда құллаш, мұкаммалроқ моделлардан фойдаланиш яхшироқ натижалар беради.

Биз юқорида күриб үтган методлардан ташқари, илмий билишда хусусий, алоҳида методлар ҳам илмий билишда мұхим ақамиятга эга. Улар бир ёки бир неча фан соқаларыда олиб бориладиган тадқиқотларда құлланиши билан умумий илмий методлардан фарқланади холос. Бу методларнинг аниқ фанларда бир қанчаси құлланилади. Масалан, техника фанларыда график метод; тарих, адабиётшunosлик ва тилшunosлик фанларыда қиёсий-тарихий метод кабилар алоҳида методлар ҳисобланади. Бу методларнинг ҳар бири үзига хос хусусиятларға эга булып, илмий билиш жараёнида мұхим роль уйнайды.

6. ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Тадқиқотчи ўзи тадқиқ этаётган предмет ёки ҳоди-
саларни ўрганишда илмий билишнинг турли методла-
ридан фойдаланиш асосида маълум янги билимларни
ҳосил қиласди. Бу янги билимлар ўзларининг пайдо бу-
лишидан то инсониятнинг назарий билимлари тизим-
лари — фанларга кириб келишигача, ҳар хил қури-
нишларда бир қанча тараққиёт босқичларни босиб
үтади. Илмий тадқиқот асосида пайдо булган янги би-
лимларнинг ривожланишидаги турли қуринишдаги бу
босқичлар илмий билишнинг шакллари, дейилади.
Илмий билишнинг бундай шаклларининг асосийлари-
и л м и й ғ о я , м у а м м о , г и п о т е з а , н а з а р и я в а и л м и й о л-
диндан қўришлар ташкил қиласди.

Илмий гоя илмий билишнинг биринчи шаклидир. **Фоя** — бу тадқиқот мақсадини, унинг йұналиши ва моҳиятини ифодалайдиган илмий билиш шаклидир.

Фоя үз табиатига күра бирор фикрдир, у тадқиқотчи миясида унинг амалий ва назарий фаолияти асосида пайдо булиб, борлиқнинг туғри ёки хато инъикосидир.

Илмий билишда фоя муҳим роль йўнайди. Маълум бир аниқ фоя туғилмагунча, бирор соҳада тадқиқот олиб бориш мумкин эмас. Ҳар бир гоя маълум бир тайёргарлик, маълум мушоҳада асосида, маълум бир соҳада фикр юритиш натижасида пайдо булиб, унда тадқиқотчининг амалий ва назарий тажрибалари умумлашган бўлади. Бундай фояларни уларнинг табиатига кўра: а) илмий фоялар ва б) бадиий фояларга булиш мумкин. Илмий фоялар фан-техника соҳаларига оид туғилған фоялардир. Бадиий фоялар эса, асосан, бадиий ижодга оид булиб, улар ёзувчи ёки шоирнинг «нияти» деб аталади. Фояларни яна уларнинг характеристига кўра иккига ажратиш мумкин: а) борлиқнинг туғри, реал инъикосидан иборат фоялар; б) борлиқнинг хато ёки фантастик инъикосларидан иборат фоялар. Фоялар яна прогрессив ва реакцион фояларга ҳам бўлинади. Прогрессив фоялар илмий билишни ривожлантиришга хизмат қиласа, реакцион фоялар унга тусқинлик қиласи. Илмий билишда прогрессив ва реакцион фоялар уртасида доимо кураш кетади. Илмий билишда бир қанча фоялар бирикиб, бирор илмий муаммони пайдо қилиши мумкин.

Муаммо¹ — илмий билишнинг ҳали билиб олинмаган ва ҳал қилинмаган, лекин билиниши ва ҳал қилиниши лозим бўлган билим шаклидир. Муаммо одатда тадқиқотчининг бирор тадқиқот соҳасига оид янги фактларни тўплаган, лекин бу фактларни ўзидағи эски билимлари билан изоҳлаши мумкин бўлмагандан, бу фактлар эски билимлар тизимиға сифмай, ўзларининг янгича баёнини талаб қила бошлагандан туғилади. Муаммонинг туғилиши ва қўйилиши илмий билиш жараёнининг энг муҳим моментларидан биридир. Муаммони туғри қўйиш — илмий билишда ишнинг ярмини ҳал қилиш демакдир.

Кундалик ҳаётда муаммони кўпинча савол ёки бирор масала билан аралаштириб қуллашади. Илмий билишнинг шакли сифатида муаммо савол ва масаладан фарқ қиласи. Купчилик муаммони энг қийин, энг мураккаб масала ёки саволдир, дейишади. Муаммо савол

¹ Муаммо — арабча сўз булиб, «масала», «вазифа» маъноларини ифодалаган.

ёки масала билан, савол ёки масала муаммо билан боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин савол ёки масала муаммо эмас. Савол ёки масаланинг ўзига хос хусусияти, муаммонинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Савол ёки масаланинг ўзига хос хусусияти шуки, саволга жавоб бериш, масалани ечиш доимо олдинги билим асосида амалга ошади. Муаммода бундай эмас. Муаммони олдинги ҳосил қилинган билимлар доирасида туриб ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун янги фактлар, маълумотлар тўглаш, уларни янгича изоҳлаш, шу пайтгача мавжуд бўлган эски билим доирасидан чиқиш талаб қилинади.

Муаммолар ҳам ғоялар каби, ҳақиқий ва сохта (ёлғон) муаммолардан иборат бўлади. Ҳақиқий муаммолар илмий факт ва фанларнинг қонунларидан келиб чиқса, сохта муаммолар илмий фактлар ва фан қонунларига зид келади.

Илмий билиш жараёнида бир муаммо бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга бизнинг бозор иқтисодиётига ўтишимиз муаммосини кўрсатиш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоси бизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётимизда янги-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Булар ишлаб чиқарилган товарларни эркин нарх билан сотишга ўтиш, кам таъминланган оиласларни, нафақахўр кишиларни, талабаларни ва ёнларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларидир.

Илмий билиш жараёнида муаммоларни ҳал қилишда кўплаб гипотезаларнинг пайдо бўлиши мумкин.

✓ **Гипотеза** — текширилаётган предмет ёки ҳодиса тўғрисида илгари сурилган, илмий жиҳатдан асосланган, илмий факт ва маълумотларга зид бўлмаган, лекин ҳақиқатлиги ҳали исботланмаган илмий билиш шаклидир.

Илмий билиш жараёнида кўплаб гипотезалар пайдо бўлиши мумкин, улар бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига зид, бир-бирига қарама-қарши, бир-бирини инкор қилувчи гипотезалар бўлиши мумкин.

Умуман олганда, илмий билишнинг ривожланиши гипотезаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг исботланиши ёки рад қилиниши ва яна янги гипотезаларнинг пайдо бўлиши асосида содир бўлади.

Гипотезалар тадқиқотчани доимо маълум изланишга йўналтиради, унинг эътиборини нимага қаратиши, нимани излашини аниқлаб беради, унга ўз соҳасида

бирон бир янгилик қилиш ёки яратишда ёрдам беради. Гипотезалар, образли қилиб айтганда, тадқиқотчининг доимий иш қуролидир. Илмий билишда пайдо бўлган гипотезалар кейинги тадқиқотларда текширилиб, уларнинг ҳақиқатлиги ёки тасдиқланади ёки хатолиги исботланиб, рад қилинади. Гипотезани рад этиш учун унинг хатолигини исботловчи биргина илмий факт кифоядир. Гипотезанинг ҳақиқатлиги исботланса, бундай гипотеза назарияга айланади.

➤ **Назария** — илмий билишнинг энг юқори шаклидир. Назария, дейилганда ҳақиқатлиги амалий ёки назарий жиҳатдан исботланган, борлиқнинг бирор соҳасига оид маълум ғоялар, қарашлар, қонунлар ва принципларнинг муайян тизими тушунилади. Назария бирор фан соҳасига оид бўлиб, у маълум билимларнинг умумлаштирилиши асосида пайдо бўлади. Илмий билишда назариянинг асосий вазифаси — амалиёт берган янги фактларни изоҳлаш, ўрганилаётган предмет ёки ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириш, рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни олдиндан кўра олишдан иборатдир.

Ҳар бир назария маълум соҳадаги илмий билимларнинг сўнгги натижаси сифатидаги билим шаклидир, лекин уни ҳеч қачон тугалланган, ўзгармас, абсолют билим, деб қарамаслик керак. Чунки ҳар бир назария фақат у ёки бу гипотезанинг акти асосидаги исботи бўлмай, балки узлуксиз ўрин алмашиб, чинлиги аниқланиб борувчи жуда кўп ва чексиз гипотезаларнинг натижасидир. Шу сабабли назария ҳам доимо ривожланиб бориб, унинг мазмуни абсолют ва нисбий ҳақиқатларнинг бирлигидан иборат бўлади.

Илмий башорат. Инсоннинг кундалик амалий фаолияти ҳамиша маълум режа, маълум мўлжалга асослангани каби, тадқиқотчининг илмий изланиш ва тадқиқотлари ҳам доимо илмий башорат билан боғлиқ бўлади.

Башорат инсоннинг келгусида табиат ва жамиятда нималар содир бўлиши, қандай ҳодиса ва воқеалар юз беришини билиш бўлиб, бу нарса инсон миясининг борлиқ воқеа ва ҳодисаларини олдиндан акс эттириш қобилияти билан боғлиқ жараёндир. Инсон бирор фаолиятини бошлар экан, у буни қандай қилиб амалга оширишни ўйлади, уни қай тарзда ва қандай тартибда қилиш кераклиги устида фикрлайди. Шу асосда у ўз фаолиятининг бориши ва унинг қандай натижаларга

олиб келишини фикран белгилаб олади. Инсон доимо ўзининг олдин орттирган билимларига, тажриба, кўникма ва малакаларига таянади. Шулар асосида унда олдиндан кўриш содир бўлади.

Илмий башорат тадқиқотчи ёки олимнинг табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти қонунларига асосланиб, бирон фан соҳасида табиат ва жамиятда келгусида юз берадиган ҳодиса, воқеа ёки жараённи олдиндан айтишидир.

Илмий башорат тадқиқотчининг табиат ва жамиятдаги предмет ва ҳодисаларнинг ўтмишда ва ҳозирги даврдаги ҳолати, ўзгариш ва ривожланишларининг объектив қонуниятларини билиш асосида уларнинг келгуси ҳолати ҳақида бирон бир фикр айтишидир.

Тадқиқотчи ўзи ўрганаётган предмет ёки ҳодисанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ундаги ички зарурый алоқадорлик ва бояланишларни ўргана бориб, бу предмет ёки ҳодисанинг қачон, қандай шароитда, қай тартибда, нималар сабабли, қандай қонуниятлар асосида юз бериши ҳамда қандай ҳолатда муқаррар тақрорланишини билиб олиши натижасида, шу предмет ёки ҳодисанинг келгусидаги ҳолатини илмий башорат қила олади.

Илмий башорат ҳар қандай илмий тадқиқотда, ҳар қандай илмий фаолиятда бебаҳо аҳамиятга эгадир. Илмий олдиндан кўриш ҳам дунёни илмий билишнинг ўзига хос шаклидир.

Илмий башорат диний каромат қилиш, фолбинлик қилиш, кишилар тақдирини осмон жисмлари — юлдузлар ва сайёralар ҳаракатига қараб белгилашлардан фарқ қиласи.

Маълумки, ўтмишда кишилар ўртасида келгусини, кишиларнинг келгуси тақдирини, жамиятда келгусида содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларни осмон сайёralарининг ҳаракат ҳолатига боғлаб олдиндан айтиб беरувчи астрологлар (мунажжимлар) фаолият кўрсатиб келганлар. Уларнинг бу таълимоти астрология, деб аталиб, бошқа ерларда бўлгани каби Ўрта Осиё халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган эди.

Астрологлар нуқтаи назарича, жамиятда келгусида бўладиган воқеа ва ҳодисаларни, кишиларнинг тақдирини юлдузлар ва сайёralарнинг ҳолатига ва ҳаракатига қараб олдиндан айтиб бериш мумкин. Шу сабабли улар маҳсус гороскоплар тузишиб, уларда ўз қарашларини баён қилишади. Астрологларга ишониш кўп

мамлакатларда анча кенг тарқалган. Бизда собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин астрологик қарашларга қизиқиши жонлана бошлади. Хусусан, матбуотда, радио ва телекүрсатувларда ҳар хил гороскоплар берила бошлади.

Лекин шуни айтиш лозимки, астрологиянинг илмий эканлиги шу кунгача асосланмаган, астрологларнинг башоратлари эса кўпинча илмий жиҳатдан тасдиқланмаган. Аммо айрим астрологларнинг башоратлари содир бўлган воқеа ва ҳодисаларга тасодифий мос келиши туфайли, уларга ишониш кишилар ўртасида шу пайтгача давом этиб келмоқда. Илмий башоратларнинг астрологик башоратлардан туб фарқи шундаки, уларнинг ҳақиқатлиги доимо илм-фан ютуқлари билан, табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунлари билан илмий асосланган бўлади.

Фанлар тараққиёти учун, кишиларнинг жамиятдаги фаолиятлари учун табиат ва жамият ҳодисаларининг рўй беришини илмий олдиндан кўриш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Табиат ва жамият ҳодисаларини илмий башорат қилиш бизнинг мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисадиётiga ўтаётган ҳозирги шароитда давлат ва халқнинг келгусида мамлакат ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодиса ва воқеаларга ҳар томонлама тайёр бўлиши, бу ҳодисаларнинг ижобий оқибатларини кўпайтириш, салбий оқибатларнинг эса олдини олиш, ҳеч бўлмаса, уларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Лекин шуни айтиш керакки, миллионлаб кишилар фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган ижтимоий ҳодисаларни илмий башорат қилиш анча мураккаб жараёндир. Шунга қарамай, биз мустақил Ўзбекистон — келажаги буюк давлат деганда, бу хуносага илмий асосланган ҳолда, ҳар томонлама ўйлаб, барча имконият ва эҳтиёжларимизни тўлиқ ҳисобга олиб, ижтимоий жараёнларнинг тарихий ривожланиш қонуниятларига таянган ҳолда илмий олдиндан айтилганинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

7. ИЖТИМОИЙ БИЛИШ

а) Ижтимоий билишнинг ўзига хос томонлари.

Ижтимоий билиш инсоннинг жамият ва унинг қонунларини билишидир.

Жамият табиат тараққиёти натижасида келиб чиқ-

қан бўлиб, инсонларнинг ижтимоий уюшган бирлиги, ижтимоий фаолиятининг натижасидир. Жамият ҳам табиат каби объектив, ўз тузилиши ва тараққиёт қонунларига эга бўлган ижтимоий организмдир. Шу билан бирга, жамият ўз табиати ва моҳиятига кўра табиатдан фарқ қиласди. Бу фарқ шундаки, табиат моддий борлиқ сифатида вақтда абадий, маконда чексиз мавжуд бўлса, жамият ҳам моддий ва маънавий борлиқнинг бирлиги сифатида у вақтда ва маконда чегаралангандир. Табиатда фақат онгсиз кучлар бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилиб, унинг умумий қонунлари ана шу кучларнинг ўзаро таъсири жараёнида амал қиласди. Бунда англанган, исталган мақсад ҳеч қачон бўлмайди. Жамиятда эса онгли, муайян мақсадга, маълум эҳтиёж ва манфаатларга эга бўлган, маълум режалар билан иш кўрадиган кишилар фаолият кўрсатади. Бунда ҳеч нарса англанмаган, мақсадсиз қилинмайди.

Жамиятда инсонлар фаолиятини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллар белгилайди. Бу омиллар жуда хилма-хил бўлиб, улар ташқи ижтимоий ҳодисалардан ва ички идеал орзулардан: чунончи шуҳратпастлик, ҳақ ва ҳуқуққа хизмат қилиш, шахсий манфаат, шахсий нафрат ёки истак ва тилаклардан иборат бўлади. Бу омиллар заминида эса доимо уларни ҳаракатга келтириб турувчи маълум моддий ва маънавий кучлар мавжуд бўлади. Улар кишиларнинг мияларида турли-туман мақсадлар, орзулар, рағбатлар, хоҳиш ва истаклар, иродалар ва эҳтиёжлар шаклларига кирган тарихий сабаблардан ташкил топади. Бу омиллар инсонлар онгига тарихда амал қиласидиган, уларни ҳаракатга келтирувчи идеал кучлар сифатида намоён бўлади. Бу идеал кучлар заминида эса уларни пайдо қилувчи ва ҳаракатлантирувчи эҳтиёжлар ва манфаатлар, уларни қондиришга қаратилган ижтимоий ва маънавий фаолиятлар ётади.

Кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий фаолиятлари орқали жамиятнинг қонунлари амал қиласди. Бу қонунлар, аслида, кишилар фаолиятининг қонунларидир. Шу сабабли жамиятни билиш кишиларнинг фаолиятлари билан боғлиқ бўлиб, у ижтимоий мазмунга эга. Унинг бу мазмуни жамиятни ташкил қилган кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муносабатларидан келиб чиқади.

Жамиятни билишда кишиларнинг ижтимоий муносабатлари маҳсули сифатида келиб чиқадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг белгиловчи характерини тушуниш катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий билиш — бу жамиятни, ундаги ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг келиб чиқиши, яшаши ва ривожланиши қонунларини билишdir. Бу эса уларни ижтимоий муносабатлар тизимида, уларнинг маҳсули сифатида олиб ўрганишни талаб қиласди. Ижтимоий ҳодисаларнинг ҳақиқий келиб чиқшини ўрганишда, назарий жиҳатдан тушунишда моддий, маънавий муносабатлар белгиловчи роль ўйнайди. Ижтимоий билишнинг бошқа барча жиҳатлари унинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ижтимоий билиш, аввало, кишилар ижтимоий-амалий фаолиятлари билан, бу фаолиятлар натижасида юзага келадиган муносабатлар билан, бу муносабатлар соҳиби бўлган кишиларнинг билим даражалари билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий билиш, кенг маънода, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгнинг инъикосидир. У ижтимоий инъикос бўлиб борлиқ инъикосининг ҳамма унгача бўлган шакллари ва босқичларидан тубдан фарқ қиласди. Ижтимоий билиш жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларнинг, иқтисодий, маънавий муносабатларнинг кишилар миясидаги фаол аксиdir.

Ижтимоий билиш — бу бутун жамиятни, унинг тарихий тараққиёт қонунларини, барча ижтимоий воқеа-ҳодисаларни, хуллас, жамиятнинг бир бутун моддий ва маънавий ҳаётини билишdir. Ижтимоий билиш жамият пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлиб, ривожланиб, ўзгариб бориши билан ривожланиб, бойиб боради. У, инсон билиш фаолиятининг бир томони сифатида, ҳар доим тарихий характерга эга бўлиб, унинг ҳолати жамиятнинг муайян тараққиёт босқичи билан боғланган ва чегаралangan бўлади.

Ижтимоий билиш — бу инсоннинг ижтимоий борлиқни маълум мақсад асосида ўзлаштиришидир. У, табиатни билишдан фарқли ўлароқ, фақат жамиятдаги моддай ижтимоий фаолиятлар ва муносабатларни ҳамда уларнинг қонуниятларини билишдан иборат бўлмасдан, маънавий, мафкуравий фаолиятлар ва муносабатларни, уларнинг қонуниятларини билишни ҳам ўз

ичига олади. Ижтимоий билиш, шу билан бирга, инсоннинг ўзини ҳам, унинг табиати ва жамиятдаги ўрнини, тақдири, ҳаётининг маъноси ва мазмунини билишдан ҳам иборатдир.

Ижтимоий билишнинг ҳар бир янги босқичи олдинги авлодларнинг амалий тажрибалари ва назарий билимларига таянган ҳолда юзага келади. Ижтимоий билишни юзага келтирадиган асосий омиллардан бири — ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлардир. Ҳар қандай ижтимоий билиш жамият ижтимоий эҳтиёжлари билан, кишиларнинг моддий ва маънавий манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келади.

б) Ижтимоий билишнинг таркиби, субъекти ва объекти.

Ижтимоий билишнинг таркиби жуда кўп элементлардан ташкил топган. Бу элементларнинг энг муҳимлари — унинг субъекти ва объектидир. Ижтимоий билиш жараёни айни шу субъект ва объектнинг ўзаро таъсири ва муносабатлари асосида юзага келади.

Ижтимоий билишнинг субъекти кенг маънода кишилар, шахслар, инсон ва инсоният, яъни бир бутун жамият аъзоларидир. Тор маънода эса жамиятнинг маълум бир конкрет босқичидаги яшовчи аниқ шахс, кишилар, социал гуруҳлар, синфлар, ижтимоий қатламлар, партиялар, халқлар ва миллатлар, маълум жамоа ва шу қабилардир.

Ижтимоий билишнинг объекти, кенг маънода, бир бутун жамият, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг, унинг моддий ва маънавий ҳаёти, умумий тараққиёт қонунлари ва асосий ҳаракатлантирувчи кучларидир. Тор маънода эса жамиятнинг маълум бир конкрет босқичдаги ижтимоий тизим, базис ва устқурма, унга хос ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, уларнинг таркиби, ривожланиш ва ўзгариш қонунлари, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва маънавий муносабатлар, содир бўладиган конкрет воқеа ва ҳодисалар ижтимоий билишнинг объектини ташкил қиласди.

Жамият бир вақтнинг ўзида ижтимоий билишнинг ҳам субъекти, ҳам объекти сифатида намоён бўлиши мумкин. Бунда жамиятнинг ўз-ўзини билиши содир бўлади. Ижтимоий билишнинг ривожланиши, аввало, билиш объекти ва субъекти бўлган жамиятнинг ривож-

ланиш даражасига боғлиқ бўлади. Чунки ижтимоий билиш текширилаётган ижтимоий объекtnинг, реал жараённинг ижтимоий онгдаги инъикосидан иборатдир.

Шуни айтиш керакки, жамият ҳодисалари ва воқеалари ўз-ўзидан ижтимоий билишнинг обьекти бўлавермайди, балки улар кишиларнинг билиш фаолияти доирасига кирган чоғда ижтимоий билишнинг обьектига айланадилар. Буни субъект тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Шахс, ижтимоий гуруҳлар, этник бирликлар, синфлар, ижтимоий қатламлар, хуллас, жамият ўз-ўзича ижтимоий билишнинг субъекти бўла олмайди. Бинобарин маълум шахслар, гуруҳлар, синф ёки миллат ўз билишини бирор ижтимоий воқеа ёки ҳодисага қаратган пайтдагина, улар ижтимоий билишнинг субъектини ташкил қиласиди. Бундан шу нарса маълум бўладики, улар ўргасидаги алоқадорлик ҳар доим конкрет тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий билишда субъект ва обьект бирлиқда, бир нарсанинг икки томони сифатида намоён бўлади. Субъект ўз фаолиятини ўзи туғдирмайди, балки обьект субъект фаолиятини туғдиради. Бундаги субъект сифатидаги кишилар гуруҳи ўз фаолиятларини ўзларидан олдин ўтган авлодлар фаолиятларининг давоми сифатида яратадилар, ўтмиш авлодлар фаолиятлари бу ўринда кейинги авлодлар фаолиятлари учун йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қиласиди.

Ижтимоий билишнинг субъекти гарчи бир бутун жамият, катта ёки кичик ижтимоий гуруҳлар ва жамоалардан иборат бўлса ҳам, бунда одатдаги билиш жараёни бевосита фақат реал фаолият кўрсатувчи ижтимоий шахслар, индивидлар томонидан амалга оширилади. Лекин бундан, алоҳида индивид ҳам ижтимоий билишнинг субъекти бўлар экан, деган холосага келмаслик керак. Сабаби, индивид ҳамма вақт фақат маълум обьектив ва субъектив ижтимоий шарт-шароитларда шаклланиб бориб, оқибатда, маълум ижтимоий шахс сифатида ўз манфаати билан бир қаторда, доимо ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, синф ёки маълум миллат, халқ манфаатларини ифодалайди.

Ижтимоий билиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — унинг субъекти ва обьекти диалектикасидир. Ижтимоий билишнинг субъекти ва обьектининг ўзаро муносабатларида уларнинг ҳар ик-

каласи ҳам фаолдир: субъект объектга эга бўлиши биланоқ ўз-ўзини яратади; объект эса тарихий жиҳатдан маълум даражада субъектнинг конкрет фаолият шаклини олдиндан белгилайди. Шуни айтиш керакки, ижтимоий билишнинг субъекти ва объекти алоқадорлиги, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва ўзаро таъсири табиатни билишга нисбатан анча мураккабдир. Бунинг сабаби шуки, ижтимоий билишнинг субъекти ва объекти бўлган жамиятда доимо маълум мақсадга эга бўлган, муайян даражада билимли, онгли кишилар фаолият қўрсатади, уларнинг фаолиятисиз бунда ҳеч нарса бўлмайди. Жамиятда содир бўлган ҳар бир ижтимоий ҳодиса ёки воқеа маълум ижтимоий гуруҳ ёки ижтимоий жамоанинг, уларни ташкил этган кишилар онгли фаолиятларининг натижалари сифатида майдонга чиқади. Бунда ўз тарихини яратувчи субъектнинг фаолияти бизда ҳеч бир шубҳа туғдирмайди. Лекин объектга келганда, бир қарашда, у ҳар қандай фаолликдан маҳрумга ўхшаб туюлади. Бу нарса фақат юзаки қарашда шундайдир. Аслида, объект ҳам субъект каби фаолдир. Умуман олганда, ижтимоий билиш жараёнида субъект ва объект бир-бирига «бегона» эмас, бунда объект субъектга предмет фаолияти сифатида берилган бўлади ва айни вақтда объект ўзида субъектнинг нимасинидир ифодалайди.

Ижтимоий билишда субъект объектни ўз манфаатлари, мақсадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўзига хос ҳолатда инъикос эттиради. Бунда субъектнинг мақсадлари ва манфаатлари, биринчи навбатда, ижтимоий борлиқнинг моддий, объектив шарт-шароитлари субъектнинг ижтимоий позицияси билан мос ҳолда унинг онгига назарий жиҳатдан қайта ҳосил қилинган бўлади. Бунда ҳамма нарса шу ижтимоий билишни амалга оширадиган субъектга ва унинг эътибори қаратилган объектга боғлиқ бўлади. Ижтимоий билишда билишнинг субъективни ташкил қилган ижтимоий кучлар, гуруҳлар, ўзларининг субъектив манфаатларидан келиб чиқиб, объектни бузиб акс эттириши ҳам мумкин. Бундай ҳолат, одатда, объектнинг моҳияти ва қонунларини тўғри инъикос эттириш бу гуруҳларнинг туб манфаатига зид келадиган пайтларда рўй беради.

Ижтимоий билишда субъективлик билан объективлик бир-бирига мос келиши лозим, зид келиши эса

баъзан жамиятда жиддий хатоларга ва бузилишларга олиб келиши мумкин. Ижтимоий билишдаги субъективлик айрим раҳбар шахсларнинг тафаккуридаги шахсий чекланганликлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда субъектга хос субъективлик фақат субъектнинг шахсий субъектив томонларидан гина келиб чиқмасдан, балки субъект ҳаёти фаолиятининг объектив шарт-шароитларидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Чунки, субъект бу ўринда объектнинг айнан ўзи эмас, балки унинг бошқача нисбатдаги олинишидир. Ижтимоий билишнинг субъекти ва обьекти диалектикаси шундайки, бунда уларнинг ўзаро таъсири жараённада объектнинг ўзгариши ва ривожланиши субъектнинг ҳам ўзгариши ва ривожланишига олиб келади.

Ижтимоий билишда субъект ва обьект категорияларининг методологик роли шундаки, улар ёрдамида бизнинг тафаккуримиз ижтимоий ҳодисаларни бирбиридан ажратади. Бу жиҳатларнинг бири фаол фаолият кўрсатувчи субъект бўлса, иккинчиси — субъект томонидан билиниши зарур бўлган жамият, унинг моддий ёки маънавий ҳаётига оид ҳодиса ёки воқеадан иборат обьектдир.

Ижтимоий билишни, унинг обьектидан келиб чиқсан ҳолда сиёсий, иқтисодий билишларга бўлиш, унинг субъектидан келиб чиқсан ҳолда эса маълум ижтимоий гурӯҳ, синф, ижтимоий-этник бирликларнинг сиёсий, иқтисодий, бадиий, фалсафий тафаккурига ажратиш мумкин.

в) Ижтимоий билишда билиш ва баҳолашнинг нисбати.

Ижтимоий билишнинг муҳим ҳусусиятларидан яна бири — унинг кишилар ижтимоий-тариҳий, амалий фаолиятлари билан боғлиқлигидир. Шу сабабли ижтимоий билишни тариҳий амалиёт билан боғлаб ўрганиш ижтимоий ҳодисалар моҳиятини илмий тушунишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият борлигининг моҳияти шундаки, у кишилар моддий ва маънавий фаолиятларининг, улар ижтимоий амалиётларининг ўзаро бирлигидан, уларнинг моддий ва маънавий ижтимоий муносабатларнинг мавжудлик шаклларидан иборатдир. Бир бутун жамиятнинг ҳаёти фаолияти ундаги кишиларнинг ўз-ўзини такрор ишлаб

чиқариши асосида юзага келади. Бунда кишиларнинг жамиятдаги моддий ва маънавий ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятлари муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий-тарихий амалиёт ижтимоий билишнинг асосини ташкил қилиб, унинг манбаи, мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий билишда ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки воқеа кишилар томонидан фақат билиб олинмайди, балки улар шу билан бирга, ўзига хос ижобий ёки салбий, яхши ёки ёмон, маъқул ёки номаъқул, адолатли ёки адолатсиз, ақлга мувофиқ ёки ақлга номувофиқ, деб баҳоланади. Бу ижтимоий билишнинг қадриятлар билан боғлиқ томонидир. Одатда, ижтимоий ҳодисаларни ва улар ҳақидаги билимларни бундай баҳолаш доимо маълум ижтимоий шарт-шароитлар билан, маълум объектив ва субъектив омиллар билан боғланган ва шартланган бўлади. Бунда баҳоловчи субъектнинг манфаати, эҳтиёжи, талаби, мақсадлари ва ниҳоят, ғоявий йўли ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, тарихда рўй берган айни бир ижтимоий ҳодиса шахслар томонидан, уларнинг ғоявий йўлидан келиб чиқиб, турлича баҳоланганини маълум.

Умуман олганда, ақлга мувофиқ ва ақлга номувофиқлик ўзаро бир-бирлари билан қарама-қарши ва айни вақтда бутун баҳолаш жараёнининг ажралмас иккι томонини ташкил қилади. Баҳолаш жараёнига хос бу ақлга мувофиқлик ва ақлга номувофиқликни бир-биридан ажратиб, уларни бир-бирига бутунлай қарама-қарши қўйиш хатодир. Чунки жамиятдаги нарса ва ҳодисалар табиатига, моҳият эътибори билан бу хусусиятлар хос эмасдир. Бундай хусусиятларни уларга инсон ўз эҳтиёjlари, талаб ва манфаатларидан келиб чиқиб беради.

Шундай бўладики, кишиларнинг ақлга мувофиқ, деб амалга оширган ижтимоий амалиётларининг улар ҳали билмаган, кутмаган ақлга номувофиқ томонлари ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, кишилар дарёларни боғлаб, гидроэлектростанциялар қурадилар ва арzon электр энергияси олишга эришади. Бу — ақлга мувофиқдир. Лекин, шу билан бирга, бу жойда сув омбори ҳосил бўлиб, у ердаги кўп экинзор ерлар сув остида қолади, атрофика эса ботқоқликлар пайдо бўлади, ер ости сувларининг кўтарилиши рўй беради.

Имаратлар захлаб кета бошлайди. Атроф-муҳитнинг иқлими, табиий шароити ўзгаради ва ҳ. к. Булар — ақлга номувофиқдир.

Ақлга мувофиқлик ва ақлга номувофиқлик инсоннинг ижтимоий билимлари соҳасига ҳам хосдир. Ақлга мувофиқ билимлар ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаб, жамият тараққиётини тезлаштириши, кишилар ҳаётининг фаровон бўлишига олиб келиши мумкин. Ақлга номувофиқ билимлар жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб, уни турғунликка, таназзулга олиб келиши мумкин. Бунга биз мисолларни собиқ Иттифоқ даврида ижтимоий фанлар соҳаларидан кўплаб келтиришимиз мумкин.

г) Ижтимоий билишда ҳақиқат муаммоси.

Ижтимоий билишнинг моҳиятини тўғри тушунишда муҳим масалалардан бири — ижтимоий билимларнинг ҳақиқатлиги масаласидир. Ижтимоий ҳақиқат — ижтимоий билимларнинг ижтимоий борлиққа, унга хос воқеа-ҳодисаларга мос келишидир. Бу жиҳатдан ижтимоий ҳақиқат ҳам мазмунига кўра инсонга, инсониятга, кишиларнинг онгига, хоҳиш иродаларига боғлиқ эмас. У ҳам ўз мазмуни жиҳатидан объектив ҳақиқат намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ўзига хослик, аввалам бор, субъект ва объект муносабатларининг алоҳида хусусиятлари билан, субъект ва объектни ташкил этган кишиларнинг онгли фаолиятлари, субъектнинг объектни ўзлаштиришига қаратилган фаол амалий таъсири билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ҳақиқат бунда объектга субъектнинг фаол таъсири туфайли содир бўладиган ижтимоий инъикос сифатида юзага келган ижтимоий билимларнинг объектив мазмунидир. Лекин ижтимоий билиш объекти кишилар фаолияти маҳсули бўлганидан ҳақиқатнинг мазмунига доимо субъективлик ҳам хос бўлади. Шу туфайли ижтимоий ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳар доим объективлик ва субъективликнинг диалектик бирлигидан ташкил топади. Бу диалектик бирлик, шу билан бирга, ўзаро тафовутга ҳам эга. Ижтимоий ҳақиқатнинг мазмунига хос бу тафовут объективлик ва субъективликнинг қарама-қарши муносабатида намоён бўлади.

Ижтимоий билишда билимларнинг ҳақиқатлиги

уларнинг тарихий жиҳати билан ҳам боғлиқдир. Ижтимоий билимларнинг шаклланиши асосида ҳам, энг аввало, кишиларнинг моддий ва маънавий амалий фаолиятлари ётади. Шу туфайли уларнинг мазмуни ҳам маълум вақт ва макон, шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади. Булардан ташқари, ижтимоий билимлар доимо маълум ижтимоий груп, синф, табақа ёки шахсларнинг манфаатлари, мақсадлари, хоҳиш ва истаклари билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Ижтимоий билимларнинг мазмунида бу нарса маълум мағкуравий ва дунёқараш компонентлари сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий ҳақиқат ижтимоий билиш обьектининг ҳолати билан ҳам боғлиқ бўлади. Ижтимоий билишда ҳақиқатнинг шаклланиши мантиқи, одатда, етук обьектни талаб қиласди. Етук обьектгина субъектга обьектни тўла билиш, у ҳақда тўла мазмунли билимлар ҳосил қилиш имконини беради. Етук ривожланган ижтимоий обьект ҳақида ҳосил қилинган билимлар ижтимоий борлиқнинг ҳали етилмаган шаклларини билишда катта роль ўйнайди. Шу сабабли ижтимоий билишда обьектнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини билиш унинг келажак ҳолатини олдиндан кўришга, яъни олдиндан айтишга имконият беради.

Ижтимоий ҳақиқат ҳам нисбий ва мутлақ ҳақиқатларнинг бирлигидан юзага келади. Жамиятнинг ривожланиб бориши билан ижтимоий билимлар ҳам ривожланиб боради. Жамият тараққиётининг конкрет босқичидаги ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлодлар орттирган билимларни ўзлаштириб олиш билан бирга, ўзлари ўрганиб, инсониятнинг ижтимоий билиш чегараларини янада олға силжитиб боради. Шу сабабли нисбий ижтимоий ҳақиқатлар тўпланиб, мутлақ ижтимоий ҳақиқат томон яқинлашиб боради. Инсоннинг бир бутун билиши каби унинг ижтимоий билиш имкониятлари ҳам бениҳоядир, у ҳам нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқатга томон борадиган чексиз жараёндири. Бутун ижтимоий фанлар ва ижтимоий амалиёт тарихи ижтимоий билимларнинг ҳам нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқатга томон боришидан иборат диалектик жараён эканлигини тасдиқлайди.

Ижтимоий билишнинг ривожланиши ҳам қарама-қарши ғоялар ва қарашларнинг, концепциялар ва на-

зарияларнинг ўзаро кураши орқали, уларни ҳар бир даврда қайта қўриб чиқиши, янгича баҳолаш, уларнинг эскирган ва хато томонларидан воз кечиб, янги томонларини қабул қилиб бориш асосида юзага келади.

Чунки ижтимоий ҳақиқат ҳам аниқ бўлиб, у ҳам жамиятдаги аниқ воқеа ва ҳодисаларга, улар мавжуд бўлган аниқ даврга, вазиятга, жойга, ўринга, вақтга, аниқ объектив ва субъектив ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқдир. Шу сабабли ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгариши билан, аввал ҳақиқат бўлган ижтимоий билимлар ўзгарган шароитда ҳақиқат бўлмай қолиши мумкин. Бу шуни қўрсатадики, ижтимоий билишда мавхум ҳақиқат йўқ, балки аниқ ҳақиқат мавжуддир. Шунинг учун ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга доимо аниқ ижтимоий алоқадорлик ва боғланишлардан, аниқ объектив ва субъектив ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқиб ёндошмоқ лозим. Чунки, ҳамма замонлар, ҳамма даврларда, ҳар қандай шароитда ўзгармай қоладиган ижтимоий билимлар йўқ. Ижтимоий билишда ҳақиқатнинг аниқлиги масаласини тўғри тушуниш ҳаётда жуда катта роль ўйнайди.

Ниҳоят, ижтимоий билимларнинг ҳақиқатлиги критерийси ҳам ижтимоий-тарихий амалиётдир. Ижтимоий-тарихий амалиёт ижтимоий билимларнинг ҳақиқат ёки хато эканлигини ажратадиган, аниқлайдиган мезондир. Лекин ижтимоий-тарихий амалиёт маълум тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳақиқат мезони сифатида нисбий характерга эга. Чунки, бу мезон инсон билимларининг «мутлақлик»ка айланаб кетишига имкон бермайдиган даражада но муайян бўлиши билан бирга, уларнинг фақат нисбий ҳақиқатлардан иборат эмаслигини тасдиқловчи даражада муайяндир. Лекин шуни ҳам унутмаслик лозими, ижтимоий амалиёт мезони моҳият эътибори билан ҳеч вақт инсоннинг ижтимоий билимларини мутлақ тўлиқ ҳолда тасдиқлаб ёки рад қилиб бера олмайди.

Ижтимоий ҳақиқат ўз табиатига кўра кишиларнинг ҳис-туйғулари ва эҳтирослари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий ҳақиқатга эришиш ҳис-туйғуларисиз мумкин эмас. Кишилирнинг ҳис-туйғуларисиз ҳеч маҳал ҳақиқатни қидириш бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ижтимоий ҳақиқат ижтимоий борлиқнинг, ундаги

воқеа ва ҳодисаларнинг оддий механик инъикоси ёки тұғри ифодаланиши эмас, балки маълум қадриятларнинг, мавжуд воқелик ва имкониятларнинг идеаллашган маънавий ифодаси ҳамдир. Тұғриси, ижтимоий ҳақиқат анча чуқур маънодаги ижтимоий объективлик нинг идеал маънавийлик билан мос келишидир. Шу сабабли ижтимоий ҳақиқатда тарихий ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқатлар бир-биридан фарқ қиласы.

Тарихий ҳақиқат — бу тарихда юз берган бирор ҳодиса ёки воқеаларнинг қачон ва қандай объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида юз берганини илмий манбалар аниқ ва ҳаққоний акс эттирган, асосланған билимлардир. Тарихий ҳақиқатнинг бузилиши тарих саҳифаларида «оқ доғлар» ва «қора доғлар»нинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса тарихнинг нотұғри ёзилишига сабаб бўлиб, ўтмиш тарихий воқеа ва ҳодисаларни билишда нотұғри ёки бир томонлама қарашларнинг қарор топишига сабаб бўлади. Бунга со-биқ Иттилоқ даврида ёзилған тарих фанлари асарларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ижтимоий билишда ҳаёт ҳақиқати ҳам мавжуд.

Ҳаёт ҳақиқати — бу ижтимоий тараққиётнинг маълум тарихий босқичида ҳаётда содир бўлган ёки бўлаётган, жамият томонидан англаңган ва эътироф этилган воқеа ва ҳодисалар ҳақидағи уларга мос келувчи ижтимоий билимлардир. Биз ҳаёт ҳақиқати деганимизда, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг, улар асли қандай ҳолда юз бераётган бўлса, уларнинг бизнинг билишимиз жараёнида ва билимларимизда худди шундай ўз ифодасини топишини тушунамиз. Ҳаёт ҳақиқати, одатда бизнинг ижтимоий билимларимиздан ташқари, санъат ва маданият асарларида, моддий ва маънавий қадриятларда, ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларда, таълим ва тарбия соҳаларида ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуш, бадиий ҳақиқат нима?

Ҳаёт ҳақиқатнинг санъат ва маданият асарларида санъат қонуниятлар ва мантиқи асосида акс эттирилиши натижасида ифодаланған қарашлар, фоялар бадиий ҳақиқат дейилади. Бунда ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқатни белгилайди. Ҳаёт ҳақиқати ўз моҳиятига кўра

ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий инъикос принциплари билан боғлиқ юзага келса, бадиий ҳақиқат ижтимоий ҳаётнинг санъат ва маданият асарларида эстетик акс эттириш хусусиятлари ва санъатнинг воқеаликни эстетик инъикос эттириш принциплари билан боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топади. Шу сабабли санъат асарининг қиймати унда ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатда қанчалик реал, ҳаққоний, тұғри бадиий ифодаланиши билан белгиланади. Хуллас, тарихий ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқатлар ижтимоий ҳақиқатнинг турли томонлари, турли қырралари бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Ижтимоий ҳақиқат, шу билан бирга, ўз ичига ақл ва адолат талабларига мос келувчи билимларни ҳам олади. Бу жиҳатдан ижтимоий ҳақиқат билимларнинг, назарий қарашларнинг ижтимоий ҳодисалар ва воқеаларга оддий мос келиши бўлмай, балки «аклга мувофиқ» мос келишидир.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ, ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

1. МУСТАҚИЛЛИК – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақиллик ижтимоий, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалар учун умумий тушунча бўлиб, давлатнинг, халқнинг бошқаларга қарам бўлмаган ҳолда ўз ички ва ташқи муаммолари ва муносабатларини ҳал қила олиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлишини билдиради. Миллий мустақиллик ва давлат мустақиллиги тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Лекин, давлат мустақиллиги тушунчаси мазмун ва моҳияти жиҳатидан кенгроқдир. Биз бу ўринда муаммонинг миллий мустақиллик билан боғли томонларини қараб чиқамиз.

Мустақил давлат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. У бошқа давлатлар ҳуқуқларини, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан қабул қилинган нормаларни бузмаган ҳолда иш кўради.

Мустақил миллий давлатлар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, бошқа давлатларга ҳужум қиласлик, уларнинг ҳудудий дахлизлигини ҳурмат қилиш, сиёсий, иқтисодий ва миллий манфаатларига путур етказмаслик билан боғлиқдир. Мустақилликнинг асосий мезонлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бир давлат ўз конституциясига эга бўлиши, ҳудуди барқарорлигини, дахлизлигини, ҳудудий-маъмурий тизимини белгилай олиши, фуқароларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши, ўз тараққиёт йўлини танлай олиши, ҳокимият ва бошқариш органларини белгилаши, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари мавжудлиги, давлат тили ва ўз ҳарбий тузилмаларига эгалиги, миллий, хавфсизлигининг ташкил бўлганлиги, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатиши, ўз бюджетига эгалиги, герби, байроби, мадҳияси, пойтахти борлиги, мустақил қонунлар ва фармон чиқара олиши ва шу кабилар билан

белгиланади. Мустақил давлат халқ, мамлакат барқарор ривожланиши, ўз имкониятларидан тұла фойдаланишининг асосий омилидир.

Миллий мустақилликка эришиш ҳар қандай даврларда ҳам оғир, зиддиятли шароитларда амалга ошган. Бу мураккаб вазиятларда мустақилликка эришган давлат мустамлакачилик давридан қолған оғир меросни тезда бартараф этиши, улкан истиқбол режаларини ўз олдига қўйиши, оммани аста-секин тарбиялаб, ижтимоий, сиёсий фаоллиги ва миллий онгини ошириб бориши, янги улкан режаларни бажаришга сафарбар этиши керак. Миллий мустақиллик улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлган миллий уйғонишни ҳам ўз ичига олади.

Мустақил давлат ўз тараққиёти йўлини белгилаши уч муҳим омилни ҳисобга олиш билан боғлиқдир. Булар қуйидагилар:

1. Мамлакатнинг мустақил тараққиётiga асос бўладиган, унга шароит яратиб берадиган сиёсий, иқтисодий имкониятлар, табиий бойликларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши.

2. Халқнинг миллий онги, бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, миллий гурури, ватанпарварлик туйгулари кучли бўлиши, ўз тарихи, анъаналари қадриятларини чуқур билиши, давлатнинг, мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий кучларнинг асосланган, узоққа мўлжалланган, мустақил тараққиёт манфаатлари билан белгиланган режаларнинг бўлиши.

3. Халқаро вазият мўътадиллиги, қўшни давлатлар, улардаги ижтимоий, сиёсий кучларнинг мустақил тараққиёт йўлига ўтаётган давлатга нисбатан бўлган адолатли муносабати.

Мустақил тараққиёт йўлининг бу омиллари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Мустақилликка эришган давлатнинг етарли ижтимоий, маънавий, иқтисодий имкониятлари бўлмаса, унинг ривожланиш заминлари ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлмайди. Халқ оммаси, мамлакатдаги турли сиёсий кучлар мустақилликка эришган давлат олдида турган вазифаларни тўғри, тўла тушунма-

салар, уларни амалга оширишга онгли равишда интилмасалар мустақилликни мустаҳкамлаш қийин кечади. Ижтимоий-сиёсий фаоллиги етарли бўлмаган, миллий онги ўсмаган, миллий фурури паст бўлган халқни мустақиллик йўлига қўлидан етаклаб, зўрлик билан олиб кириб бўлмайди. Ҳар қандай катта иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар кенг тарбиявий, маърифий-мағкуравий ишлар билан боғлаб олиб борилган тақдирдагина самара беради.

Миллий мустақиллик инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳам жамият тараққиётини тезлатишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб келган.

Миллий мустақиллик прогрессив тарихий жараёнинг зарурӣ таркибий қисми бўлганлиги сабабли ҳам муҳим илмий, назарий, амалий муаммо сифатида турили фанлар томонидан ўрганилади. Тарих фани халқ оммасининг ўз озодлиги йўлида олиб борган курашларини, мустақилликка эришган мамлакатларда амалга оширилган тадбирлар тажрибасини, бу курашда иштирок этган, этаётган ижтимоий, сиёсий кучларнинг шаклланиши сингари муаммоларни ўрганади. Ҳуқуқшунослик фани эса мустақил миллий давлат ташкил топганидан кейин уни мустаҳкамлаш, ривожлантириш учун зарур бўлган қонунлар, ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантириш, ривожлантириш масалаларини ўрганади. Сиёsatшунослик фани ҳам мустақиллик учун кураш ва мустақил миллий давлатлар ташкил топиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий, сиёсий жараёнларни ўрганади. Мустақил давлатларда қарор топган ва топиши лозим бўлган сиёсий тактика ва стратегия, ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатлари масаласини ўрганиш ҳам айни шу соҳага тегишилдири. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин мамлакатда амалга оширилган ва оширилиши лозим бўлган иқтисодий ислоҳотлар масаласи иқтисод фани томонидан тадқиқ қилинади.

Лекин, бу алоҳида фанлар мустақиллик муаммосини яхлит жараён сифатида ўрганиш, унинг тарихий тажрибасини умумлаштириш ва назариясини яратиш имконига эга эмас. Мустақил тараққиёт йўлидан муваффақиятли бориш учун бу жараёнларнинг умумий

қонуниятларини очиш, истиқлол учун кураш йўлида кўлланма бўла оладиган назарий хулосалар чиқариш ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифани инсон тафаккурининг умумлаштирувчи хусусиятини ўзида кенгроқ ва тўлароқ ифода этувчи фалсафа фанигина бажара олиши мумкин. Фалсафий тафаккур асосида гина бу муаммолар билан боғлиқ бўлган тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий масалаларни чуқур илмий умумлаштириш, асосий қонунлари ва қонуниятларини очиб бериш мумкин. Бу борадаги фалсафий умумлашмалар ўтмиш тараққиётининг илмий якуни ҳамда истиқлолни тұғри англаш учун зарур бўлган муҳим дастур ҳамдир.

Мустақиллик назариясини ўрганиш билан боғлиқ бўлган фалсафий муаммолар қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1) мустақиллик прогрессив йўлдан бораётган жамият тараққиётининг муайян шакли эканини кўрсатиш, унинг ички қонуни ва қонуниятларини очиб бериш;

2) мустақиллик учун курашга сабаб бўлган барча сиёсий, иқтисодий, маънавий заминларни жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида мавжуд бўлган имкониятлар, шарт-шароитлар билан боғлаш;

3) мустақилликка эришиш жамият ҳаётидаги кескинлашган зиддиятларни ҳал этишнинг муайян бир йўли эканини кўрсатиш;

4) мустақилликка эришиш учун олиб борилган курашлар даврида ҳал этилиши кун тартибида турган сиёсий, ижтимоий зиддиятлар ичida миллий муносабатлар билан боғлиқ зиддиятлар ҳал этувчи аҳамият касб этганини исботлаш, мустақиллик шароитида миллий манфаатлар муштараклашишини ўрганиш;

5) мустақил тараққиёт йўлидан боришнинг турли конкрет шароитлардаги ўзига хос хусусиятлари, йўллари ва умумий қонуниятлари ўртасидағи боғланишларни тадқиқ этиш.

Бу масалаларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мустақилликнинг фалсафий муаммоларини ёритишида катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, мустақиллик учун кураш мустамлакачилик тузуми яратган қарама-қарши манфаатлар ва улар-

нинг заминида ётган зиддиятлар кескинлашиши асосида юзага келади. Ҳукмрон ва тобе мамлакатлар, халқлар ўртасидаги курашнинг бошланиши ва кескинлашувига олиб келувчи омиллар бир-бирига зид бўлган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий манфаатлардир. Манфаатлар борасидаги муносабатлар зиддиятларга айланниши ва уларнинг кескинлашуви миллий озодлик учун курашиш масаласини асосий мақсад қилиб қўйган кучларнинг шаклланишига олиб келади.

Мустақилликнинг фалсафий муаммолари жумласига миллий муносабатлар борасидаги зиддиятлар масаласи ҳам киради. Шунинг учун ҳам ҳар доим мустақиллик учун кураш миллий озодлик ҳаракати, деб талқин этилиб келинган. Миллий озодлик кураши миллий зулм ва тенгсизлик бор жойда содир бўлади. Бу ерда кураш асосан икки сиёсий груп ёки бир мамлакат фуқаролари ўртасида эмас, балки, ўз эркинлиги, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилаётган миллат томонидан олиб борилади. Бинобарин, мустақиллик учун кураш заминида ҳар доим ҳам эзилган, таҳқир ва таъқиб этилган миллатнинг манфаатлари учун курашиш вазифаси ётади.

Турли шароитларда қўлга киритиладиган мустақилликнинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган уч муҳим жиҳати бор. Булар — иқтисодий, сиёсий, маънавий мустақилликка эришишдир. Агар шу жиҳатлардан бири бўлмаса тўла, барқарор мустақиллик тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу борадаги илмий, назарий муаммолар ҳам фалсафа фани томонидан яхлит ҳолатда ўрганилади.

Мустақил иқтисодий ривожланиш имкониятлари сиёсий мустақиллик қарор топганидан кейингина юзага келади ва ўз навбатида сиёсий мустақилликнинг барқарор бўлишига хизмат қиласи. Агар сиёсий мустақилликни қўлга киритган мамлакат иқтисодий муносабатларни тезда, самарали изга сололмаса, бу борадаги барча ютуқлар, халқнинг орзу-умидлари барбод бўлиши муқаррардир. Мустақил давлат иқтисодий ривожланишнинг асосий йўлларини, пировард мақсадларини белгилаб беради. Лекин, мураккаб шароитларда амалга ошаётган иқтисодий ривожланиш фақат олдиндан белгилаб қўйилган мезонлар, қоидалар дои-

расидагина қолиб кетиши мумкин эмас. Иқтисодий ривожланиш йўлларига конкрет шароитдаги эҳтиёж, талаб ва имкониятлар, бозор муносабатларининг ҳолати, халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар, фан ва техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш борасидаги янги қадамлар ҳам бевосита таъсир этади. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотлар борасидаги давлат сиёсати ҳам жамият тараққиётнинг янги шароитлари ва имкониялари таъсирида такомиллашиб туриши зарур.

Сиёсий ва иқтисодий тараққиёт борасидаги ўзаро боғлиқлик жамият ривожланишининг объектив қонунидир. Ривожланишнинг барча даврларида иқтисоднинг сиёсатга таъсири кучли бўлади. Сиёсат — бу ақидабозлик эмас, балки, муайян шароитлар таъсири остида ўзгариб борувчи жараёндир.

Мафкуравий мустақилликка эришиш ҳам тараққиётнинг муҳим омиллариданdir.

Мустамлакачилик даврларида давлат сиёсати эзилган халқларни маънавий қарамлик ҳолатида сақлаб қолишига қаратилган бўлади. Масалан, 130 йилдан ортиқ давр давомида Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ томонидан мазлум халқларнинг миллий онги, миллий ифтихор туйғуси кучайишига йўл бермаслик учун қилинган ҳаракатлар ҳам шу мақсадлар билан bogланган эди. Мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари ўртасида ҳукмрон миллат тили ва маданиятини кенг тарғиб этиш ҳам маънавий қарамлик ҳолатини кучайтиришга қаратилган бўлади.

Мустақиллик мафкураси, миллий уйғониш миллатнинг ўз тарихи ва тақдирини чуқур тушуниши, миллий онги ўсиши, миллий қадр-қимматини асраши, миллий фуур, ватанпарварлик туйғуси кучайиши билан боғлиқдир. Юксак миллий онг бўлмаган жойда тўлақонли миллий мустақиллик ҳам, миллий мафкура ҳам бўлмайди.

Миллий истиқлол мафкураси мустақиллик қўлга киритилганидан кейин эмас, балки, унгача бўлган узоқ курашлар жараёнида шаклланади. Бу мафкура ўз озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати учун курашаётган халқларнинг орзу-умидлари билан боғлиқдир. Муста-

қыллук құлға киритилгач, бу курашда иштирок этган күчлар олдинга сурган илғор ғоялар яхлитланиб, миллий мафкура ҳолатига келади. Миллий истиқбол мафкураси мустақилликка эришган давлат, халқ танлаб олған иқтисодий, сиёсий тараққиёт, маънавий камолот йұли, халқнинг орзу-истакларининг илмий умумлашган, муайян мақсадларни амалға оширишга қаратилған назарий ифодасидир. Бу мафкуранинг бош мақсади халқни умуммиллий манфаатларини амалға ошириш йұлида бирлаштириш, унинг кучи ва имкониятини белгиланған, тобора аниқлашиб бораёттан вазифаларини бажаришга сафарбар этишдір. Истиқбол мафкурасининг мамлакат ижтимоий тараққиётидаги кучи ва имконияти ҳам у омманинг онгига қанчалик чуқур сингиши, фаолиятига асос бўлиши билан белгиланади. Халқдан ажралған, унинг манфаатларига мос келмайдиган мафкура зўравонлик йұли билан оммалаштирилганида ҳам узоқ самара бермайди. Агар жамият аъзолари сиёсий қатағонлик ва таъзиикдан қўрқиб бирор мафкурани «қабул қилишга» мажбур бўлсалар, лекин, улар дил амри, эътиқод билан иш қымасалар, натижада мафкуравий бўшлиқ ҳолати юзага келади. Мафкуравий бўшлиқ муайян мафкура халқнинг қалбидан чуқур ўрин олмаганлигининг ифодасидир. Янги мафкура омманинг онгига чуқур сингиши, керакли даражада ижтимоий аҳамият касб этиши учун халқ манфаатларини ифодалаши лозим. Шу билан бирга, халқ ҳам, ўз навбатида, маълум маънавий камолот даражасига кўтарилиған бўлиши зарур. Мафкуравий баркамоллик маънавий етуклиқ бор жойдагина мавжуд бўлади. Маънавий камолоти юксалиб бораётган халқ ва миллатгина ўз мафкурасини яратиш, унга асосланиб фаолият кўрсатиш имконига эга. Ҳуллас, сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақилликнинг заминларини биргаликда мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мустақил давлат тараққиётининг асосий шартлари дандир.

Мустақиллик учун кураш турли шаклларида бўлиши мумкин. Булар қўйидагилардан иборат:

а) кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг ўз озодлиги учун халқаро империализм ва коммунизм ҳукмронлигига қарши биргаликда кураши;

б) ҳар бир мамлакат, миллат ўзининг мустақиллиги учун кураши.

Халқаро империализм, совет тоталитар тузумининг жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ўрнатган зулми миллий озодлик ҳаракатларининг, бир-бири билан боғланган жараён сифатида, кучайишига сабаб бўлди. Бундай курашлар дунёning турли жойларида, турли шароитларда, турли даврларда бўлган бўлса ҳам улар мустамлакалар билан метрополиялар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашишининг оқибати эди. Бу кураш натижасида халқаро империализм ва совет тоталитар тузумининг томирлари га болта урилди, кўплаб мамлакатлар, халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритиши учун имконият яратилди.

Миллий мустақиллик учун кураш бир мамлакатнинг мақсад ва манфаатлари билан боғлиқ равишда амалга ошади. Миллий мустақиллик айрим бир мамлакатни бошқа давлат асоратидан қутқазиш, ўз тараққиёти йўлларини мустақил ҳал этаолишига имкон яратишидир. Бу ўринда мустақилликка интилаётган давлатнинг, унда яшаётган барча аҳолининг манфаатлари биринчи ўринда туради ва шу мақсадлар асосида кураш олиб борилмоғи лозим.

Кўп миллатли мамлакатларда давлат мустақиллигини бир миллат мустақиллиги билангина тенгглаштириш назарий хатоликларга, амалий чалкашликларга, ихтилофларга олиб келиши мумкин. Мустақил давлат асосий ерли миллатнигина эмас, балки, шу мамлакатда яшаётган бошқа миллатларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя этмоғи зарур.

Гуржистон республикаси мустақил бўлиши натижасида мамлакатдаги асосий миллатнинг манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ҳоллари кучайди. Миллий шовинизм кучайиб, Жанубий Осетия автоном обlastини тугатиш, абхазларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишини чеклаш учун уринишлар авж олиб кетди. Бу, Гуржистонда бошқа миллатлар ҳам мавжудлигини, уларнинг ўзига хос манфаатлари борлигини унугаш эди. Натижада, мустақилликка эришган бир мамлакат доирасида миллий озодлик курашлари кучайиб кетди. Сўнгги бир неча йил давомида бу мамлакатда минглаб кишилар ҳалок бўлди, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қи-

линди. Бу сабоқ шуни күрсатдикі, миллій мустақиллик ұзарғанда шароитта ҳам инсон ҳуқуқтарини, барча миллаттарнинг манфааттарини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлгандагина яхши самара беради. Миллій мустақилликни янги мустамлакачилик, шовинистик, бошқа миллаттарни менсимай қўйиш кайфиятлари билан боғланиб кетиши эса тараққиётга салбий таъсири кўрсатади.

Умуман олганда, миллій мустақилликнинг жамият тараққиёти тезлашишига кўрсатадиган ижобий таъсири қўйидагилардир:

1) мустақиллик туфайли ҳар бир мамлакат ва миллат ўз иқтисодий имкониятларидан, ишлаб чиқарувчи кучларидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибаттарини тўла ҳисобга олган ҳолда, оқилона фойдалана олади;

2) фан техника тараққиёти борасидаги ютуқлар айрим давлатларнинг монополияси бўлиб қолмай, барча мамлакатларда уларнинг кенг қўлланишига имкон яратилади;

3) барча мустақил мамлакатлар ўртасида тенглик, тенгхуқуқлилик ва ҳамкорликка асосланган янги иқтисодий, сиёсий муносабатлар үрнатилиши мумкин бўлади;

4) жаҳоннинг табиий ресурсларидан бутун инсоният ва келажак авлодлар манфааттарини кўзлаб, оқилона фойдаланиш йўлига ўтиш мумкин бўлади;

5) миллій ва ирқий муносабатлардаги барча адолатсизликларга, тенгсизликларга чек қўйилиб, ҳар бир халқ маънавияти, миллій хусусиятлари, қадриятларини эркин ривожлантира олишига шароит яратилади, миллій, умуминсоний қадриятлар биргалиқда, узвий bogлиқ равишда ривожланишига имконият юзага келади;

6) жаҳондаги халқлар, мамлакатларнинг иқтисодий ва маънавий тараққиётини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга шароит туғилади.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида бу тадбирларни бир-бири билан bogлиқ равишда амалга ошириш жамият ривожланишини тезлаштиришнинг муҳим шартидир.

2. МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ КУЧАЙИШИ ВА СОВЕТ ТОТАЛИТАР ТУЗУМИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ

Мустамлакачилик ва қарамлик сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар бошқа халқлар ва мамлакатларга нисбатан олиб борган агресив, босқинчилик сиёсатининг оқибати эканини кўриб чиқдик. Бундай сиёсат натижасида асрлар давомида кўплаб мамлакатларнинг бойликлари таланди, улар мустақил сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўлиб қолдилар.

Мустамлакачилик асорати миллий-озодлик ҳаракатлари шаклланишига ва тобора кенг авж олишига олиб келади. Миллий-озодлик ҳаракати миллатнинг сиёсий, миллий онги ўсиши, унга етакчилик қилувчи кучларнинг уюшиши ва шаклланиши билан боғлиқдир. Жаҳондаги барча мустамлака ва қарам мамлакатларда миллий-озодлик кураши метрополиянинг ҳукмронлиги ўрнатилган дастлабки даврларданоқ бошланиб, турли босқичлардан ўтди. Бу босқичлар ички ва ташқи зиддиятларнинг кескинлашиши, ҳаракатга келган ижтимоий, сиёсий кучларнинг уюшиши, ташкилий, фоявий жиҳатдан чиниқиши билан боғлиқ бўлади.

Туркистон халқларининг миллий мустақилликка эришиш мақсадида олиб борган ҳаракати 130 йил давом этди ва мураккаб, зиддиятли босқичлардан ўтди. XIX асрнинг иккинчи ярмида миллий-озодлик ҳаракатларининг сиёсий мақсадлари аниқланмаганлиги сабабли чоризм зулмига қарши курашга кўтарилиган халқ асосан айрим амалдорларни ўлдириш, ҳукумат маҳкамаларига ўт қўйиш, солиқ тўлашдан бош тортиш йўлларидан борди. Айрим ҳолларда бу ҳаракат ўлкада яшовчи рус аҳолисига ҳам қарши қаратилди. Халқ миллий зулмнинг асосий сабабларини яхши тушуниб етмаганлиги учун, келгинди русларни маҳаллий аҳоли бошига тушган барча мусибатларнинг сабабчиси, деб билди. Айрим даврларда эски хонлик тартибларини тиклаш ҳам оммавий норозилик ҳаракатларининг мақсади сифатида кун тартибига қўйилди. Туркистонда 1860—1900 йиллар орасида бўлиб ўтган барча халқ қўз-

ғолонларининг хусусияти шундай эди. 1892-йилги Тошкент қўзғолони, 1898-йилги Дукчи эшон бошчилигидаги халқ ҳаракати ҳам мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракатларининг муҳим саҳифаси эди.

Бу даврларда миллий-озодлик ҳаракатининг мақсадини аниқ тасаввур қиласиган, унинг мафкурасини яратишга қодир бўлган сиёсий кучлар ҳали шаклланмаган эди. Зиёлилар асосан дин арбобларидан иборат бўлиб, эндиғина шакланаётган маҳаллий буржуазия ҳали ўзининг иқтисодий ва сиёсий мақсадларини тўла тасаввур қилолмаган эди. XX аср бошларида маърифатчилик, жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Улар мустақилликка эришиш масаласини халқни саводли қилиш, онгни ўстириш мақсадлари билан боғладилар. Шўрои уламо, Шўрои Исломия ҳаракатининг баъзи ташаббускорлари панисломизм фоялари таъсирида бўлиб, миллий-озодлик ҳаракатининг асосий фояси сифатида диний бирлик ва бирдамликни, ислом давлати барпо этиш вазифасини қўйдилар.

Большевиклар ташвиқоти таъсирида бўлган айрим зиёлилар мустақилликка эришишни социалистик инқилоб ғалабаси билан ҳам боғладилар. Лекин, социалистик тўнтаришдан кейин миллий муносабатлар борасида кескин ўзгаришлар бўлмади. Янги тузумнинг биринчи қадамлариданоқ шовинистик мақсадлар совет давлати олиб бораётган сиёсатда устунлик қилиб, чекка ўлкаларни хомашё базаси сифатида сақлаб туришга интилиш коммунистлар олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналиши экани очиқ кўзга ташланди. Ҳокимият асосан рус ишчилари ва зиёлилар қўлига ўтиб қолди. Фикри, эътиқоди мустамлака ўлка шароитида шаклланиб, шовинистик фоялар қон-қонига сингиб кетган бу кишилар мазлум миллатларнинг манфаати, талаб ва эҳтиёжларига холисона қараши асло мумкин эмас эди. 1918—1920 йиллар ўртасида шовинистик кайфиятларнинг ўлкада амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маданий тадбирларга таъсири ниҳоятда кучли бўлди. Шундан кейин, миллий мустақилликка эришиш йўлидаги курашларда янги давр бошланди.

Туркистонда мустақил давлат барпо этишга қаратил-

ган ҳаракатнинг мисоли сифатида «Туркистон Мухторияти»ни кўриш мумкин. Мухторият раҳбарлари совет ҳокимияти қабул қилган дастлабки декретларга ишониб, энди собиқ мустамлака ўлкаларнинг халқлари ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий мустақил давлатини ташкил этиши мумкин, деб ўйлаган эдилар. Лекин, бу умидлар сароб бўлиб чиқди. Янги мухторият етарли сиёсий заминга, ҳарбий кучларга эга бўлмаганлиги сабабли тезда қонга ботирилди. Шўро ҳукумати яхши қуролланган арман дашноқларининг ёрдами билан Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолини талади.

Турор Рисқуловнинг «Турк республикаси», «Турк компартиясини» тузиш тўғрисидаги фикрларини ҳам мустақилликка интилиш йўлидаги ҳаракат, деб баҳолаш мумкин.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларга буржуа миллатчилиги, деган сиёсий тамға ёпиштирилди. Натижада, 20—30 йилларда бу йўлда кураш олиб борган ўн минглаб миллатпарвар кишилар қатағон қилинди ва йўқ қилиб юборилди.

Совет тузумининг кейинги даврларида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий маданият ва тилларни таҳrir этишга, ўлканинг бойликларини талон-тарож қилинишига йўл бермаслик билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ҳам мустақилликка эришиш йўлида олиб борилган курашларнинг таркибий қисми эди.

1984—1991 йилларда миллий мустақилликка эришиш йўлидаги курашлар янги босқичга кўтарилиди. Демократия ва ошкоралик борасидаги дастлабки имкониятлар натижасида шаклланган соғлом кучлар бу курашда фаол иштирок эта бошладилар.

1991 йилнинг 19—21 август кунлари Москвада фавқулодда ҳолат бўйича давлат комитети уюштирган исён тоталитар тузумнинг чириб бўлган заминини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Агарда мазкур комитет ғалаба қилганида мустақиллик йўлида жонланиб бораётган ҳаракатлар катта зарбага учраши ва қонга ботирилиши турган гап эди.

Фавқулодда давлат комитетининг исёни бостирил-

ганидан кейин совет тоталитар тузуми барбод бўлиши учун янги шароит яратилди. Лекин, собиқ иттифоқчи республикаларни иқтисодий ва сиёсий қарамлик ҳолатида ушлаб туриш учун бўлган ҳаракатлар собиқ «марказда» ҳануз кучли эди. Шу сабабли собиқ иттифоқчи республикалар ўз мустақиллигини эълон қилиши кунтартибидаги муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ўзбекистон, собиқ иттифоқчи республикалар ичida биринчилардан бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилди.

Беловеж Пушъасида Россия, Украина, Белоруссия раҳбарлари қабул қилган қарор бу жараённи тезлаштиришга олиб келган бир омилдир.

Собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар, хусусан, Ўзбекистон эришган мустақиллик мустамлакачилик асоратига тушиб қолган халқларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган кураши оқибатидир.

3. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖИННИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1991 йилнинг 31 августидан эътиборан, она-Ватанимиз кўхна тарихи солномасида янги саҳифа — Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги даври бошланди. Диёrimизда қарийб бир ярим аср давомида хукм сурган мустамлакачилик, мустабидчилик тузумлари барҳам топди. Халқимизнинг азалий орзу-умидларига эришиши, армонларини ушалишининг дебочаси бўлмиш ушбу тақдириломон вазиятда жамиятимиз олдида қатор мураккаб масалалар, муаммолар кўндаланг бўлди. Мустақиллик нима ўзи, биз, эндиликда, қайси йўлдан ва қаёққа қараб юрамиз, кечаги куннинг узоқ ҳамда яқин ўтмишидан нималарни ўзимиз билан келажак учун оламиз ва уларнинг нималаридан воз кечамиз каби саволлар бутун ижтимоий онгимизни қамраб олди. Иқтисодиётдан сиёsatгача, моддийликдан маънавиятгача, ижтимоийликдан инсон шахсигача, давлатчиликдан фуқароликкача, узоқ тарихимиздан ҳозирги кунимиз ва Эртанги тақдиримизгача тааллуқли бўлган барча жабҳалар, воқеа, ҳодиса ҳамда нарсаларни ақл-заковатнинг холис тарозисига қўйиш зарурати туғилди.

Мазкур ҳолатни чуқур анлаган мамлакатимиз йўлбошчиси — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, истиқолимизнинг ilk босқичидаёқ, бутун жамият аҳлига қаратада: маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт йўқ ва унинг бўлиши ҳам мумкин эмас! — деб хитоб қилди. Ушбу пурҳикмат хитоб ёш ўзек миллий давлати расмий сиёсатининг ўзига хос даракчиси сифатида намоён бўлди.

Мустақиллик мустабид шўролар мамлакатининг, унинг танҳо ҳукмрон мағкураси томонидан чизиб берилган «темир йўллари» бўйлаб ҳаракат қилувчи «поездидан» ўз «вагонимизни» ажратиб олишдангина иборат жараён эмасди. У, авваламбор, мазкур «вагон» ичидаги ўрнатилган файриинсоний тартиботларга барҳам беришга ҳамда унга эркинлик негизидаги ўзиюрарлик табиатини ато этишга қаратилган эди. Бунинг учун шўролар тузумидан мерос бўлиб ўтган маънавий инқироздан халос бўлиш чораларини кўрмоқ керак бўлди.

Сиёсий жиҳатдан эълон қилинган мустақиллигимизни ҳаётий воқеликка айлантиришнинг тубида ётган муаммоларнинг жиддийлигига мамлакатимиз фуқароларининг диққат-эътиборини қаратиб, давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлади: «Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд ҳўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича ҳўжалик юритиш тизимини жорий этишdir. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишdir. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир».¹

Мустақиллик, уни мустаҳкамлаш, юртимизда ижтимоий адолатга асосланган инсоний жамият қуриш вазифаси билан боғлиқ тарзда олдимизда кўндаланг бўлган муаммоларни таҳлил этар эканмиз, дастлабки даврда, ҳаётимиздаги салбий иллатларнинг сабабларини, кўпроқ, иккинчи даражали, ҳосилавий тусдаги, ўткинчи, жузъий ҳодисалардан ахтариш билан машғул бўлдик, қарийб чоракам бир аср давомида илдиз отган

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мағкура. I-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996. 315-бет.

номаъқулчиликларни бир зумда ҳал этишни хоҳишистак қилдик.

Бундай хатти-ҳаракатлар замирида, бошқа сабаблар билан бир қаторда, жамиятимиздаги умумий фалсафий маданият даражасининг пастилиги ҳам ётарди. Зоро, шўролар истибодий тузуми фалсафани асосан ўз расмий сиёсатининг «дастёрига», маддоҳига айлантирган, ундаги илмийлик, холислик, ижодий тафаккурнинг тимсолилик хислатларини сиқиб чиқарган эди.

Бирон-бир соғлом жамиятни соғлом маънавиятсиз, унинг муҳим, ўзагий тусдаги таркибий қисми — соғлом фалсафасиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Чунки, инсон, жамият ҳаёти муаммолари ақл, тафаккур томонидан теран таҳлил қилинmas, пухта қамраб олинmas экан, ижтимоий жараёнлар ҳали одамлар измига бўйсунмаган бўлади, демакки, уларнинг кишилар манфаатларига хизмат қилаётганлигига ҳеч қандай жиддий кафолат йўқ.

Хилма-хил, ранг-баранг оламнинг табиий-тариҳий жараёнларидаги умумийликни, ўзаро алоқадорликни, қонуниятларни кашф этмай, бутун инсоният, жумладан муайян жамият, ҳалқ, миллат, шахс ҳаётига дахлдор масалаларни ҳал этиш мумкин эмас. Маълумки, фақат фалсафагина жамиятга, кишиларга якка-дукка нарса, воқеа ва ҳодисалар тизими тубида ётган умумийликни, тасодифийликлар ортидаги қонунийликни кўра билиш, булар негизида уларга ўз турмушларини англаш, уни ижтимоий-сиёсий бошқариш, йўналтириш имкониятини беради.

Бошқача қилиб айтганда, фалсафа ҳаётнинг ички мантиқидан келиб чиқиб, унинг ўзи яратган имкониятларига таяниш орқали ушбу ҳаётнинг ўзини муайян тарзда, яъни фалсафий тушунчалар, тасаввурлар, таълимотлар тимсолида ифода қилишдан иборатdir. Бу маънода, ҳар қандай фалсафа унинг ўзига жон ато қилган ҳаётий шароитлардан яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Фалсафанинг қандай бўлишлиги мазкур жамиятдаги унга бўлган таъсирчан эҳтиёжлар тузи билан белгиланади. Фалсафа жамиятдаги етакчи, устивор эҳтиёжлар, манфаатлар, ниятларнинг қай тусдалиги, уларнинг қайси ёки қандай мақсадлар томон йўналганлигининг

ўзига хос кўзгусидир. Жамиятнинг соғлом фалсафага нисбатан теран англанган эҳтиёжи унинг чинакам инсоний мақсадларни кўзлаётганлигидан дарак берувчи ҳолатдир ва аксинча.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати, унинг замирида юз бераётган туб ўзгаришларнинг муайян фалсафага асосланганлиги бизда жамиятимиз кўзлаётган олийжаноб ниятларга муносиб ва монанд теран фалсафага чуқур ижтимоий эҳтиёжнинг шакланаётганидан бир нишонадир.

4. ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар қуидаги фалсафий асосларга таянади:

а) миллий маънавият ва ижодий тафаккур — жамият ижтимоий янгиланишининг бош омиллари.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожи эҳтиёжлари жамиятда миллий маънавиятни, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида ижодий фикр қила олиш қобилиятини шакллантириш вазифасини кун тартибига қўйди. Маълумки, шўролар тузуми даврида жамият ҳаётининг муҳим тамойили, деб эътироф этилган, халқлар дўстлиги аталмиш, аслида сохта байналмилалчиликдан нарига ўтмаган ақида миллий маънавиятни, унинг ижобийлигини инкор этарди. Маънавиятга эса, қўпол моддиюнчилик фалсафаси нұқтаи назаридан келиб чиқилиб, иккиласи, яъни амалий жиҳатдан иккинчи даражали ҳодиса, деб қаралди.

Эндиликда бундай қусурларга барҳам берилмоқда. Чунончи, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ривожи маънавият, унинг миллийлиги билан узвий боғлиқликда тасаввур қилинмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, агар истибдодий тузум даврида маънавият моддий, иқтисодий ривожланишнинг ҳосиласи, натижаси, деб қаралган бўлса, бугунга келиб, биз, маънавиятни иқтисодий равнақнинг нафақат ҳосиласи, балки, унинг дастлабки шарти сифатида ҳам идрок этмоқдамиз. Зеро, бирон-бир бинони қурмоқчи бўлган киши, авваламбор, унинг лойиҳасини (ғоясини) пишириб олади. Оддий кулба қуришга им-

конияти бор оқил киши, ҳеч қачон, кошона қураман, деб чиранмайди.

Бундан таишқари, маънавий имкониятлар даражаси қанчалик юқори бўлса, амалга оширилажак ишларнинг кўлами шунчалик кенг ва уларнинг самараиси ҳам юксак бўлади. Маънавият «дараҳти» қанчалик чуқур «илдиз» отган бўлса, мазкур дараҳт шунчалик бақувват ва, демакки, «серҳосил» бўлади. Ахир, ҳаётимиздаги кўплаб ғам-ғуссалар, келишмовчиликлар, салбий иллатлар, риёкорликлар, умуминсоний ахлоқ меъёрларининг бузилиши ва ҳоказоларнинг тубида айни дунё-қарашимиздаги қусурларнинг ҳам ётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Шу боисдан ҳам, мамлакатимиз йўлбошчиси, истиқдолга эришган дастлабки кунлардаёқ, кўзланаётган олийжаноб эзгу ниятларга эришишимизнинг асосий шарти — Ватанимиз фуқаролари дунёқарашини тубдан ўзгартиришда, уни мутелик, боқимандалик кайфиятлари каби нуқсонлардан холи этишда эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, **«Бозор муносабатлариға ўтишнинг ўз йўлини танлаб олиш аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзини, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама эътиборга олишга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир».**¹ Кўриниб турганидек, инсон ҳаётини унга муносиб тарзда ташкил этиш ҳал қилувчи даражада маънавиятга, унинг салоҳиятига боғлиқ. Юқорида келтирилган фикрлар маънавиятнинг инсонга сувдек, ҳаводек зарурлигини ҳамда маданиятнинг миллий ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши лозим эканини кўрсатади. Маънавият, айни пайтда, турли ҳалқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қиласди.

Она диёримиз — мустақил Ўзбекистонда қад кўтариётган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат муҳташам биносини барпо этишга қаратилган тақдиршумул ислоҳотлар, жумладан, уларнинг муҳим омили — мамлакат фуқаролари онги, дунёқарашидаги ўзгаришлар фалсафаси давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари ва бошқа

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисад, сиёсат, мағкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон» 1996, 293-бет.

чиқишлиарида¹ изчил баён этилган. Уларнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосини айни миллий маънавият, ижодий тафаккур масалалари ташкил этган.

Мазкур масалаларни биз учун ўта долзарб муаммоларга айлантирган яна бир ҳолат бор. У ҳам бўлса — биз мустақилликка жамиятни маънавий инқизор қамраб олган, бой маданий меросимиз, урф-одатларимиз, азалий қадриятларимиз, жумладан, она тилимиз, топталган, оёқ-ости қилинган бир пайтда эришганлигимиздир.

Ушбу эҳтиёжни қондиришга даъват этилган маънавият замонавийликнинг юксак руҳи билан чуқур суғорилган ва миллийлигимиз, тилимиз, динимиз, урфодатларимиз, қадимий анъаналаримизга таянган бўлмоғи зарур. Шундай маънавиятгина халқимиз, миллатимиз, мамлакатимизни илгор жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига имкон яратади.

Зотан, маънавият, тафаккур деганда, авваламбор, куйидагиларни назарда тутамиз:

— ҳар бир инсонни ўз шахсий иқтидори, истеъоди, қобилияти, ижодий имкониятларини мумкин қадар тўла ишга солиш, намоён қилиш, ривожлантиришга ундовчи меҳнат, ишлаб чиқариш маданиятини;

— бозор муносабатларининг, рақобатчиликка асосланган, мураккаб шароитларида тўғри йўл тутишнинг иқтисодий маданиятини;

— моддий ва маънавий истеъмол юксак даражаси-нинг муҳим кўрсаткичи — турмуш маданиятини;

— меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат қиласиган жойларда, кишилар ўртасида таркиб топадиган, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик ҳамда инсонга ҳурмат каби, муҳим фазилатларни тақозо этувчи, инсоний муносабатлар маданиятини;

— ҳамма соҳада эзгуликни қарор топтирувчи ахлоқий маданиятни;

— ҳар бир киши томонидан ўз ҳуқуқи ҳамда мажбу-

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мағфура. 1-жилд; Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд; Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir. 3-жилд; Бунёлкорлик йўлидан. 4-жилд; Т., «Ўзбекистон», 1996; Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997.

риятларини пухта билишни, уларни ўзи ва бошқалар фаровонлиги йўлида амалда қўллай олишни уддасидан чиқишнинг жиддий омили — сиёсий маданият ва ҳоказоларни.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маънавият, тафаккур жамиятда ўз вазифаларини бажаришлари учун уларнинг ички имкониятлари етарли эмас. Улар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларнинг тегишли йўналишлари билан омухта бўлиб кетгандагина кўзланган мақсадларга эришишнинг беқиёс воситаларига айлана оладилар.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг моҳияти, унинг ҳаёт мантифи ақли расолик мағкураси талабларини ҳар томонлама ҳисобга олган теран фалсафага қай даражада таянганлиги билан белгиланади. Айни шундай фалсафага таяниб, мамлакатимизда юз бераётган туб ислоҳий ўзгаришларнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари аниқланган ва аниқланмокда;

б) туб ислоҳотларнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари.

Ўзбекистонда жамиятни туб ислоҳ қилишнинг асосий тамойиллари мамлакат Президенти И. А. Каримов томонидан олга сурилган бешта фалсафий-сиёсий қоида тимсолида ифода этилган¹. Уларнинг моҳияти қўйидагicha:

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар сиёсий-мағкуравий майлар манфаатига бўйсундирилмаслиги керак. Яъни, иқтисод сиёсат учун эмас, балки, сиёсат иқтисод учундир. Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ҳақидаги фикрнинг маъноси мана шунда. Бундан ташқари, иқтисод мағкурунинг синаш майдонига айланмаслиги, ўзининг ички қонуниятлари асосида, эркин ривожланмоғи даркор. Бу ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларга бирдай тааллуқлидир.

Бу ерда гап, умуман, мағкурасизлик, уни тамомила инкор этиш тўғрисида кетаётгани йўқ, балки, иқтисодиётни фақат ўзининг «ҳақлигини» исботлаш воситасига айлантиришга қаратилган мағкурабозлик

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ўзбекистон: миллый истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 300—301-бетлар.

хуружлари хусусида бормоқда. Соғлом мафкура — иқтисод эркинлиги мафкурасидир. Соглом сиёсат иқтисодий равнақнинг мутлақ ҳукмдори бўлишликка эмас, балки, унинг самарали омили бўлишга даъват этилган.

Иккинчидан, ислоҳотларнинг бош раҳнамоси давлат бўлмоғи лозим. Давлатнинг ислоҳотлар бош йўналишларини белгилашдаги, туб ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишдаги фаолиятининг сусайиши жамиятда бош-бошдоқликка, янгиликлардан манфаатдор бўлмаган аксилислоҳотчиларнинг бузғунчилик саъии ҳаракатларининг кучайишига олиб келади. Бундай ҳол одамларда ижтимоий янгиланишга нисбатан ишончсизлик руҳини уйғотади, кишиларни ҳаёт қийинчиликлари олдида ҳимоясиз қилиб қўяди, уларнинг бошига қўплаб мусибатлар тушишига сабабчи бўлади. Давлат ҳокимияти идоралари кучи ижобий йўналишининг демократик табиати уларнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро мувозанати орқали бошқариб турилади.

Учинчидан, жамиятда қонунларга риоя этишнинг устуворлик даражаси таъминланмоги даркор. Кишиларда мустабидчилик даврида шаклланган, қонунларга беписандлик билан қарашиб каби кайфиятларга барҳам бериш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларда, мансабдор шахсларда Конституция, қонунларга ҳурмат, уларга сўзсиз итоат этиш фазилатларини илдиз орттириш.

Тўртинчидан, аҳолининг нуфусий (демографик) таркибини, хусусан унинг эҳтиёжманд қатламларини аниқ ҳисобга оловчи кучли, самарали ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш. Бу сиёсат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамиятни эҳтимолий ларзалардан, портлашлардан сақлайди, умуммиллий барқарорликни таъминлайди.

Бешинчидан, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига, жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш «инқилобий тўнтаришларсиз», тадрижийлик йўли билан, босқичмабосқич юз беради. Мазкур тамойил халқимизнинг тарихан таркиб топган ҳаёт тарзи, анъаналари ва удумларига тамомила мосдир.

Ижтимоий тараққиётнинг тарихий, миллий анъаналарига, жаҳон илфор тажрибасига, яқин ўтмиш сабоқларига асосланган ҳолда, ўз йўлини танлаган мустақил Ўзбекистон мазкур тамойилларга таяниб, туб ислоҳотлар кўлами, уларнинг босқичма-босқич амалга ошириладиган устувор йўналишларини муайян фалсафий ёндашувлар негизида белгилади ва худди шу йўсинда уларни қадам-бақадам аниқлаштириб бормоқда.

Бунга Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қатор асарлари, хусусан, унинг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли»; «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли»; «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»¹ ҳамда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларини ўрганиш асосида тұла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг мустақил мамлакатимизда янги жамият, давлат ва хўжалик қурилишининг назарияси, сиёсати ҳамда амалиётига даҳлдор қоидалари жаҳон жамоатчилиги, хориждаги етакчи иқтисодчилар, сиёсатшунослар диққатини ўзига тортди, уларнинг юксак ижобий баҳоси, эътирофига сазовор бўлди.

Ижтимоий ҳаёт ривожини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга фалсафий ёндашув кўзланаётган асосий мақсадни, унга етиш йўлларини, тегишли вазифаларни, миллион-миллион кишилар ҳамда ҳар бир инсон шахси саъии ҳаракатлари муштараклиги, уйғунлашувига эришиш омилларини, тараққиётга элтувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи кучларини, уларнинг самарали манбаларини пухта аниқлашни тақозо қилади. Мана шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда юз берәётган барча ислоҳий ўзгаришлардан кўзланаётган мақсад — мамлакат аҳолиси, ҳар бир фуқаро, оила учун ин-

¹ Ушбу нашрлар Ислом Каримовнинг кўп жилдли асарлари тўпламидан тегишли тарзда ўрин олган: Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 364-бет.; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 366-бет.

сонга муносиб ҳаёт ва фаолият шароитларини яратиш эканлиги эълон қилинган.

Ушбу мақсадга эришишнинг фалсафий асосланган йўллари қўйидагилардан иборат:

— халқнинг маънавий етуклигини, ахлоқий баркамоллигини таъминлаш, унинг онгидаги ақидапарастлик майлларига барҳам бериш, иқтисодий ҳаётни чуқур ҳар томонлама ислоҳ қилиш, мулкчиликнинг хилма-хиллигини жорий этиш;

— ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш;

— ислоҳотларнинг ҳукуқий негизларини яратиш;

— ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар осойишталиги, умуммиллий тотувликни таъминлаш;

— кучли фуқаролик жамияти ҳамда давлат бошқарувининг унга монанд тизимини барпо этиш;

— иқтисодиётни бошқаришнинг бозор муносабатлари талаблари табиатига мос янги ташкилотлари, муассасаларини вужудга келтириш, унинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини барҳам топтириш ва ҳоказолар.

Табиийки, ушбу вазифалар бирин-кетин, галма-гал тарзда амалга оширилмайди. Шу билан бирга, ҳамма қўзланган вазифаларни бирваракайига ҳам адo этиб бўлмайди.

Шу боис устувор вазифаларни, яъни тараққиёт занжирининг асосий, етакчи халқаларини, аниқламоқ лозим. Иш шундай ташкил этилмоғи лозимки, бунда бир-бирига ўзаро таъсир этувчи ижтимоий ҳодисалардан қайси бири бошқасига фаол таъсир этиш кучига эга бўлган ҳолда, барибир, пировард натижада, унинг ҳосилавий, натижавий мақомга эга эканлиги аниқ ҳисобга олинган бўлсин. Зеро, ҳаётда, барча муносабатларда мутлақ бирламчи ёки мутлақ иккиламчи деган нарса ва ҳодисаларнинг ўзи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Нарса ва ҳодисалар, хоҳ табиатда, хоҳ жамиятда бўлсин, бир-бирларига таъсир этадилар, ўзаро ўрин алмасиб турадилар.

Масалага худди мана шундай тарзда, фалсафий ёндашувнинг намунаси сифатида, қўйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тузу-

мини, кучли сиёсий тузилмани барпо этиш мумкинлигини ҳеч инкор этиб бўлмайди. Бироқ, бу — даставвал ҳамма иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилади ва ундан кейингина тегишли давлат тизими вужудга келтирилади, дегани эмас. Унда давлатнинг бош ислоҳотчилиги қаёқда қолади? Ҳамма гап шундаки, бу ўринда иқтисоднинг жамият учун пойдор аҳамияти пайқалган, мазкур соҳадаги ўзгаришларнинг бошқа соҳаларга нисбатан тақдиршумул таъсири тушунилган. Бироқ, иқтисод ўзининг ушбу аҳамият ва таъсирини ўз-ўзидан, унга ташқаридан бўладиган турткисиз амалга оширомайди. Бунинг учун давлатнинг, жамиятнинг йўналтирувчи саъии ҳаракатлари, тегишли сиёсати талаб этилади. Кучли фуқаролик жамияти ва демократик хукуқий давлатни барпо этиш бизнинг пировард мақсадимиз бўлсада, аммо, уларнинг ўзини вужудга келтириш ҳам айни ижтимоий йўналтирилган, барқарор бозор иқтисодиётини яратиш билан уйғун тарзда амалга ошириладиган вазифадир. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг, истисносиз, ҳамма йиллари биз учун айни ёш демократик давлатчиликни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш даври бўлди. Бундан ташқари, И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Ўзини ўзи бошқариш вужудга келмаган, эркин рақобат бўлмаган, ташқи алоқалар чекланган бир шароитда талаб ва таклиф таъсирида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдан воз кечиши тангликтининг чуқурлашишига ва пулнинг қадрсизланиши кучайишига туртки бўлади»¹.

Умумий мақсадни тўлиқ англамасдан ислоҳотларнинг йўналишини белгилаш ва уни самарали амалга ошириш сира мумкин эмас. Айни пайтда, пировард мақсадга олиб борувчи чора-тадбирлар мазкур йўлнинг ҳар бир босқичида ўз мазмуний ифодасини топмоғи зарур. Ушбу ҳолат ўтиш даврида давлат ҳокимияти идоралари тизимининг йўналтирувчилик фаолияти аҳамиятини нақадар муҳим масалага айлантириб қўяётганини кўриш қийин эмас.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган исло-

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. З-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 180-бет.

ҳотларнинг дастлабки босқичида иккита тақдиршумул вазифани бирданига ҳал қилишга тұғри келди. Улар, бир томондан, бизга мустабид тузумдан мерос бўлиб ўтган маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратларини енгиш, у келтириб чиқарган тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва, иккинчи томондан, республиканинг ўзига хос шароитлари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизларини шакллантиришдан иборат бўлди. Мамлакатнинг Асосий Қонуни — мустақил Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинди. Улар иқтисодиётда, жумладан қишлоқ ҳўжалигида, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимида, нархларни эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолият, ижтимоий кафолатларни ишончли таъминлаш, ҳалқни маънавий-руҳий тикланиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг қонуний таг-заминини ташкил этдилар.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида эришилган натижалар уларнинг янги босқичи устувор йўналишлари ҳамда вазифаларини аниқлаш имкониятини берди. Мулкнинг аксарият қисмини давлат тасарру-фидан чиқариш, уни хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш, миллий пулимиз — сўмнинг қадрини ошириш, иқтисодиётда, хусусан қишлоқда, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий кафолатларнинг ишончли тизимини таъминлай олишга қодир фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни қуриш мазкур устувор йўналиш ҳамда вазифалар жумласига киради.

Кўзланаётган мақсадга эришиш ва унга олиб борувчи йўлдаги амалий вазифаларни адо этишга қаратилган саъии ҳаракатларнинг муваффақиятини таъминловчи манбалар хусусига келсак, уларни қўйидагилар ташкил қиласидилар:

Биринчидан, кишиларнинг сермаҳсул меҳнат қилишларини моддий ва маънавий рафбатлантиришнинг таъсирчан, бақувват тизимини шакллантириш, ҳар бир

кишининг самарали меҳнат қилишдан шахсий манфаатдор бўлишини таъминлашнинг ижтимоий кафолатларини яратиш. Бу — ҳар бир фуқаронинг мулкка эгалик ҳуқуқи, иқтисодий фаолиятда тўла эркин, яъни бозор муносабатларининг тўлақонли соҳиби бўлиши демакдир.

Иккинчидан, аҳолининг юқори даражадаги замонавий саводхонлигига, юксак маданиятли бўлишига эришиш. Чунки, фақат юқори савияли, маълумотли, маданиятли ва касбий тайёргарлиги жиҳатидан етук бўлган фуқаровий шахсгина иқтисодий эркин, демократик ҳамда маънавий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўла олиши мумкин.

в) фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шарти.

Демократия ҳозирги замон жаҳон ижтимоий тараққиётининг бош тамойили сифатида ўзини тобора яққол намоён қилмоқда. Унинг ижтимоий ва миллий равнақни, мамлакатлар, халқлар, давлатлар мустақиллигини таъминлаш, мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни вужудга келтиришдаги бекиёс аҳамияти фуқаролик жамиятини қарор топтириш, ривожлантириш масаласини давримиз илгор ижтимоий-сиёсий фикрининг долзарб мавзусига айлантириди. Зоро, фуқаролик жамиятисиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас, усиз эса демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистон демократияни ўз тараққиётининг бош йўли сифатида танлади. Демакки, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни қуриш — бизнинг истиқболдаги вазифамиздир. И. А. Каримов, ушбуни назарда тутиб, айтганидек: «**Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир**»¹.

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 11-бет.

Фуқаролик жамияти тушунчасининг хилма-хил талқинлари мавжуд. Аммо, мазкур ижтимоий ҳодисанинг бугунги кунда тушунилишини қўйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин. Яъни у:

- давлат ҳокимияти тизимининг ижтимоий негизи;
- жамият аъзолари ижтимоий фаоллигини шакллантириш, таъминлаш макони;
- жамиятни демократиялашнинг ижтимоий замини;
- давлат ҳокимияти идоралари тизими ваколатлари, таъсир доирасини оқилона чегаралаш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш воситаси;
- кишилар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатларнинг сиёсийлашмаган томонлари;
- сиёсий тизим, давлат ҳокимияти шакланишининг дастлабки негизи.

«Давлат» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари ўзларининг ижтимоий воқеликдаги ўринлари, ўзаро муносабатларининг инъикоси сифатида фақат ажралмас бирликда намоён бўладилар. Мазкур тушунчаларнинг ўртасида муайян зидлик, қарама-қаршилик мавжуд бўлса-да, бироқ, ушбу зиддиятлар, қарама-қаршиликларни мутлақлаштириш ёки уларни бир-бирлари билан айнанлаштириш асло мумкин эмас. Зеро, ушбу тушунчалар ўзаро айрилиқда ёки бир-бирлари билан айнанлаштирилганида маъносиз бўлиб қоладилар. Чунки, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат яхлит, бир бутун ижтимоий тананинг узвий, бир-бири билан боғлиқ қутбларини ташкил этадилар. «Фуқаролик жамияти» ва «давлат» ҳодисалари ҳамда тушунчаларини фарқлаш ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг мураккаблашганлиги, унинг тегишли тарздаги фикрий таҳлилининг маҳсулидир.

Демократиянинг ижтимоий тараққиёт тақдири учун аҳамияти «фуқаролик жамияти» ва «давлатнинг» ўзаро муносабатлари муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этишни ўта долзарб вазифа сифатида олға сурмоқда. Зеро, жамиятнинг қандай бўлишлиги билан, охир-оқибатда, давлатнинг қандай бўлишлиги белгиланади. Фуқаролик жамиятининг, халқнинг англанган, шаклланган эҳтиёжлари, манфаатлари давлат ҳокимияти тизи-

ми идораларининг хоҳиши-иродаси, вазифаси, мажбуриятларини аниқлаб беради. Фуқаролик жамиятининг ривожи, халқнинг ижтимоий фаоллиги даражаси давлат ҳокимияти, унинг фаолияти мазмунига демократик рух бағишлайди. Айни пайтда, чинакам демократик давлат фуқаролик жамияти ҳаётига самарали ижобий таъсир кўрсатади. Хилма-хил негизлар, мақсадлар, қизиқишилар, интилишлар асосида тузиладиган турли-туман жамоат ташкилотлари, уюшмалари, жумладан сиёсий партия ҳамда ҳаракатлар, фуқаролик жамияти аъзоларининг ижтимоий фаолигини таъминловчи во-ситалар бўлиб, улар, шунингдек, давлат ҳокимияти тизими идораларида мансабларни демократик сайлов йўли билан эгаллашга даъвогарларни танлаш, уларни халқ олдида ҳисоб беришга ундовчи муҳим омилдирлар. Сиёсий партия ва ҳаракатлар «бир оёқлари» билан халқ — фуқаролик жамияти ичидаги турсалар, «иккинчи оёқлари» билан ўзларининг давлат ҳокимияти идораларига сайланган ёки улардаги лавозимларга тайинланган вакиллари тимсолида сиёсий тизим таркибиға кирадилар. Шу боис улар, И. А. Каримов таъкидлаганидек¹, халқ билан сиёсий тизимнинг етакчи бўғини — давлат ҳокимияти идораларини боғлаб турувчи муҳим ҳалқа вазифасини ўтайдилар.

Юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамияти муайян ижтимоий макон бўлиб, у шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари мумкин қадар тўла даражада рӯёбга чиқишига имконият, шарт-шароитлар яратади. Унга монанд тарзда қурилажак демократик ҳуқуқий давлатда қонун устувор бўлиб, мазкур ҳолат инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига хизмат қилади. Бундай жамиятдаги давлат қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини асло камситмаслиги, аксинча, уларнинг ҳаётда амалий қарор топишига кўмаклашмоғи лозим.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитларида аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этишни ўз зиммасига олган кўппартиялилик тизими ҳамда жа-

¹ Қаранг: *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* Т., «Ўзбекистон», 1997, 175-бет.

моат ташкилотларининг вужудга келиши алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиши тобора кучайиб бормоқда. Мазкур жараёндан манфаатдор бўлган давлат ҳокимияти сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятини сусайтирувчи говларни бартараф қилишга ҳаракат қилмоқда. Зоро, бусиз жамиятдаги вакиллик демократиясини сира ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаолияти, унинг самараси фуқароларнинг ўз ҳаётларига дахлдор муаммоларга жонли қизиқиш билан қарашларига, уларнинг у ёки бу сиёсий партия ёки ҳаракатда фаол иштирок этишларига боғлиқ. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий хуқуқларини ҳаётда қарор топиши уларнинг сиёсий фаолликлари, бунинг қамрови ва даражасидан бевосита келиб чиқадиган нарсадир.

Масаланинг ўта мураккаблигини қуйидаги фалсафий мушоҳада орқали ҳам сезиш мумкин. Жамиятни тегишли тарзда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш, ўзининг моҳият эътибори билан, асосан, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш негизидагина амалга оширилади. Айни пайтда, жамиятда сиёсий институтларни, жумладан сиёсий партияларни, шакллантирмасдан, ундаги ижтимоий муносабатларнинг демократиялашувига эришмасдан уни иқтисодий ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини муваффақиятли давом эттиришнинг сира иложи йўқ. Иқтисодий ўзгаришларсиз, яъни бозор муносабатларисиз, демократия бўлмайди ва тегишли йўналишдаги демократик ривожсиз кўзланаётган иқтисодий ислоҳотларнинг рӯёбга чиқиши амри маҳол булиб қолади. Ушбу муаммоларни англамасдан, уларни ҳал этиш йўлида юксак фуқаролик фаолигини намоён этмасдан кўзланган мақсадларга этишиб бўлмайди. Масаланинг муҳим фалсафий жиҳати худди шундан иборат.

Ўз навбатида, умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, бутун илфор дунёда чуқур илдиз отган демократик қадриятларни ўрганмасдан, улардан ижодий фойдаланмасдан юртимиизда самарали фаолият кўрса-

тишга қодир сиёсий институтларни, демакки, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асослари ни шакллантириб бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистонда ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил кўриб борилмоқда. Зотан, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартидир. Мазкур йўналишдаги истиқболимизни таъминлаш учун зарур бўлган барча асосларга эгамиз.

5. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ИСЛОҲОТЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ БОШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ФАЛСАФАСИ

Демократиянинг бутун ижтимоий ривожимизнинг асосий йўли сифатида эътироф этилиши, эркин инсоний йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, юксак маънавий маданиятга эришиш, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш мақсадлари — мустақил Ўзбекистон давлати ислоҳотчилик сиёсатининг бош тамойилларини ташкил қиласди. Мазкур тамойилларга таянган ислоҳотлар йўлининг асосий йўналишлари доирасида қуйидаги натижаларга эришилди ва вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

а) сиёсий соҳада. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида тақдиршумул ўзгаришлар рўй берди. Миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Жаҳондаги энг демократик сиёсий тузумнинг муҳим тармоғи — давлат ҳокимияти вакиллик тизими вужудга келди. Мамлакат парламенти — Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига илк бор кўпартиялилик асосидаги сайловлар ўтказилди. Давлат ҳокимияти бўлинининг конституциявий тамойиллари асосида унинг ижроия ва суд тармоқлари қарор топди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган давлатнинг, аввалимбор, ушбу борада умумжаҳон цивилизацияси эришган ютуқларга, дунёнинг илфор халқлари тажрибалари

ва, айни пайтда, Шарқ демократияси, миллий меросимиз анъаналарига асосланиши муҳимдир.

Одамларнинг тафаккури, маданий савијаси уларнинг ижтимоий фаоллиги ва сиёсий ўзгаришлар дарајасининг ўзаро мутаносиблиги жамиятни демократиялаштиришнинг жиддий шартидир. Бу мутаносибликнинг бузилиши чалкашлик ва хатарли оқибатларга олиб келади.

Башариятнинг тарихий тажрибаси шундан яққол далолат берадики, демократия ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга фақат тинимсиз меҳнат, аччиқ тажрибалар, оғир синов, мардона курашлар орқалиги на етишиш мумкин.

Ўзбекистонда шаклланётган демократия халқимизнинг миллий маданияти хусусиятларини ўзида мужассам этмоғи даркор. Янги тарихий вазиятда анъанавий бошқарувнинг ўтмишимизда синалган шакли — ҳоқимликлар тикланди.

Чинакам миллий равнаққа биз фақат давлат ҳокимиюти билан фуқаролик жамияти ваколатларини ўзаро оқилона мувозанатлашуви орқали эришамиз. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимиюти асосан умуммиллий манфаатларни ифода этади, бутун мамлакат ижтимоий тараққиётининг истиқболини белгилайди, унга эришишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Қонунчилик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, негизий (фундаментал) илм-фан, мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёsat, пул-молия, солиқ тизими соҳалари шулар сирасига киради.

Замонавий давлат, жамият қуришнинг мазкур йўлини таъминлашга қаратилган қонунлар мажмуасини яратиш устувор вазифа ҳисобланади. Кишилар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий ва миллатлараро тенгликни таъминлашга хизмат қилувчи, барча даражалардаги давлат ҳокимиюти идораларининг уларга бевосита дахлдор ваколатларини аниқлаб берувчи, давлат ҳокимиюти ва бошқаруви тизими вазифаларини босқичмабосқич марказдан қўйига — уларнинг вилоят, шаҳар, туман бўғинлари ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув даражаларига ўтишига хукуқий замин бўлиб хизмат

қилиш мазкур қонунлар мажмусининг зиммасига тушади.

Таълим, кадрлар тайёрлаш соҳаларини ислоҳ қилиш вазифаси бутун ижтимоий тараққиётимизни ривожлантиришнинг муҳим зарурий шартига айланди. Зеро, давр замонавий илғор технологияларда ишлай оладиган, бозор муносабатлари қонуниятларига монанд тарзда фикр қила биладиган етук мутахассисларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Ушбу эҳтиёжга жавобан, Олий Мажлиснинг IX сессияси, 1997 йилда, И. А. Каримов ташаббуси билан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилди. Энди, ҳамма гап уларни ҳаётга татбиқ этишда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи мустақил Ўзбекистон ривожини таъминлашнинг жиддий аҳамиятга молик жиҳатини ташкил этмоқда. Зотан, жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, охир оқибатда, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг жиддий кафолатини яратишга қаратилгандир.

Мустақил Ўзбекистонда инсон шахси эркинлиги, унинг ҳуқуқлари муҳофазаси бутун бир қонунлар тизими билан таъмин қилинган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили, Инсон ҳуқуқлари республика миллий маркази, Олий Мажлиснинг Амалдаги қонunchilik мониторинги институти каби муассасаларнинг ташкил этилиши ҳам шулар жумласига киради. Албатта, И. А. Каримов айтганидек: «**Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни қўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганилиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган**»¹. Бироқ, мамлакатимиз йўлбошлигининг фикрича, ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзларининг қандай бошқарилаётганликлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини англашига ҳамда мазкур ҳуқуқдан амалий ҳаётда

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 173-бет.

фойдалана оладиган бўлишларига эришмоқ зарур. Шундагина давлат ҳокимияти идоралари, улардаги мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидағи ўз масъулиятларини ҳис этадиган бўладилар.

Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат аҳолиси, ҳар бир киши тафаккурини чуқур ўзгартиришни, уларнинг маънавий, жумладан ҳуқуқий маданияти даражасини юксак савияда бўлишини таъминлашни ўта жиддий ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Шу боис, Олий Мажлиснинг IX сессияси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни қабул қилди. Уни рӯёбга чиқаришга қаратилган жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Инсон манфаатлари шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда устивор бўлиши керак. Давлат ҳокимияти тизимининг учала — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари ўз фаолиятларини инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғламоқлари муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда республикада фаолият кўрсатаётган Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларининг ўрни алоҳидадир.

Республика парламенти — Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан ўзининг бутун мазмун-моҳияти билан тубдан фарқ қиласди.

Бу нималарда ўз ифодасини топмоқда?

Авваламбор, Олий Мажлис депутатлари кўппартиялилик тамойили асосида сайландилар. Кўппартиялилик тамойили, эндиликда, парламентчилик ишига ҳам жорий этилди ва у тобора такомиллашиб бормоқда. 1994 йилнинг 25 декабряда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига, жумладан Олий Мажлисга, ўtkazilgan сайловларда синфий ёндашув, нодемократик тамойил сифатида, барҳам топтирилди. Ваҳоланки, авваллари, Олий Кенгаш ва бошқа даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларда уларга сайланажак депутатларнинг қанчаси ишчилардан, колхозчилардан, зиёлилардан, аёллардан, ёшлардан, қайси миллат вакиллари ва ҳоказолардан бўлишлиги олдиндан белгилаб қуйилар ҳамда бундай «режа» изчил

амалга ошириларди. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ўтган илк сайловларда депутатлар турли партия ва сиёсий кучларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан, муқобиллик асосида, сайландилар.

Бугунги кунда, мустақиллигимиз туфайли, Ўзбекистон Олий Мажлиси қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. У мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, самарали фаолият кўрсатмоқда, мустақил мамлакатимиз, унинг фуқаролари, ҳар биримизнинг тақдиримизга дахлдор қонун ва ҳужжатларни қабул қилмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг президентлик тизими жорий этилди ва у муваффақиятли фаолият кўрсатиб, ижтимоий-сиёсий онгимизда чуқур илдиз отди. Республиқанинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг серқирра, самарали, фидокорона назарий, сиёсий, амалий фаолияти уни жаҳоннинг машҳур давлат арбоблари қаторига олиб чиқди, давлат ҳокимияти тизими президентлик идораси нуфузини, мамлакатимиз фуқаролари нигоҳида, бекиёс ошириб юборди.

Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, айни вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.¹

Бугунги кунда республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси Конституцион, Олий, Олий хўжалик судлари, вазирликлар, ҳокимликлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, мувофиқлашган фаолият кўрсатишнинг самарали тизими йўлга қўйилмоқда. Бундай фаолиятнинг янги-янги шакллари қарор топмоқда;

б) иқтисодий соҳада. Ўз мустақиллигининг дастлабки қунлариданоқ бозор муносабатларига ўтишни иқтисодий соҳани демократиялаштиришнинг бирдан-бир имконий йули, деб ҳисоблаган Ўзбекистон давлати собиқ иттифоқдан қабул қилиб олган меросни чуқур таҳлил қилди. У ҳам бўлса — хом ашё ишлаб чиқаришга

¹ Қаранг: Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1994, 54-бет.

мослаштирилган, марказдан туриб, маъмурий-буйруқбозлиқ усуллари асосида бошқариладиган, ўша кунларга келиб асосан бузилган хўжалик тизимини тубдан янгилаш эди.

Мазкур ҳол жиддий, пухта ўйланган сиёсий йўлни ишлаб чиқиши тақозо этди. Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ҳуқуқий негизларини яратиш ушбу сиёсий йўлнинг дастлабки босқичи бўлди. Аҳолини, хусусан унинг ночор қатламларини, ижтимоий муҳофаза қилишнинг таъсирчан чоралари кўрилди.

Мулкий муносабатларни ислоҳ қилишга, яъни уни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ишбилиармонлик, тадбиркорликни йўлга қўйишга қаратилган қонунлар мажмуаси қабул қилинди. Собиқ шўролар тузумини инқирозга олиб келган асосий омиллардан бирини — мулкчиликнинг социалистик атамлиш, аслида, мулкни одамлардан бегоналаштирган амалиёти ташкил этган эди. У, дарҳақиқат, ҳеч кимники, яъни хўжасиз мулк эди. Мулкчиликдаги айни шу ҳолат кишиларнинг меҳнатга муносабатини совутди, одамларни боқимандалик кайфиятига мубтало қилди, ижтимоий-сиёсий ҳаётга нисбатан лоқайд қилиб қўйди. Чунки, нимани, қанча ишлаб чиқариш, уни кимга ва қандай нархга сотиш, кишиларни амалда мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилганликлари сабабли, уларнинг ихтиёрида эмасди.

Мулкий муносабатлардаги бундай амалиёт одамлар ўртасидаги бетайинликни келтириб чиқарди. Мулкий бегоналашув инсоний муносабатлардаги бегоналашувга олиб келди, халқ авомга, оломонга айланди. Собиқ Иттироқ сиёсий тизими манзили номаълум, бетайин оломоннинг охлократик хилдаги давлат ҳокимияти эди. У барчани «баҳтиёр» қилишни ўз зиммасига «олганди». Авомга, оломонга айланган мамлакат аҳолиси эса ўзининг бутун хоҳиш-иродасини унинг мутлақ ихтиёрига буткул топшириб қўйганди. Ундан фақат бир нарса — «чурқ этмаслик» талаб қилинарди. Авом эса, «чурқ этишнинг» қанчалик қимматга тушишини яхши тасаввур қиласди.

Мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлиқ асосида бошқариш усули негизи-

да қурилган тизимга барҳам бермоқда. Назорат-тафтиш идоралари кескин камайтирилмоқда. Уларнинг ўрнида бозор муносабатлари моҳиятига мос тузилмалар — ҳиссадорлик компаниялари, уюшмалар, концернлар ва ҳоказолар ташкил этилмоқда. Бозор инфратузилмасининг бошқа муассасалари ҳам қарор топди. Маълум муддатга қадар, маҳсус маблағ ажратиш йўли билан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархини чеклаб туриш мақсадида, давлат корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатилди.

Шулар билан бир вақтнинг ўзида мулкий муносабатларни чуқур ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилди. Унинг тегишли соҳалар бўйича устувор йўналишлари белгиланди. 1994 йилнинг 1 августидан миллий валюта — сўм жорий этилди ва у муомалага киритилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш бўйича жиддий тадбирлар кўрилди, четдан мол келтириш, уни ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали, камайтирилди. Четга маҳсулот чиқариш имкониятини ишга солган корхоналарни рафбатлантириш чоралари амалга оширилди.

Иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичida Ўзбекистоннинг алоҳида нуфузини вужудга келтирди. Юртимиз ижтимоий барқарорлик, мустаҳкам тинчлик ва мафтункор осойишталик диёрига айланди.

1994 йилнинг ижобий якунлари макроиқтисодий барқарорликка эришиш сиёсатини амалга ошириш ишларини дадил бошлаб юбориш имкониятини берди. 1996 йилда ёқ мазкур сиёsat ўз мевасини берди. Мустақил мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорликдан юксалиш томон бурилиш ясади. Нефть ва дон мустақиллиги кўлга киритилмоқда, бошқа кўплаб эҳтиёж молларини четдан олиб келиш кескин камайтирилди. Хорижий сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида бутун моддий ишлаб чиқариш, хусусан қишлоқ хўжалиги тизимида мулкчиликнинг янги шаклларини чинақамига қарор топтиришнинг таъсирчан тадбирлари кўрил-

моқда. Мазкур жараённинг қонуний негизларини та-
комиллаштириш зарурати ўта долзарб вазифа сифатида
ўзини тобора яқол намоён қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон — қишлоқ хўжалиги мам-
лакати. Аҳолининг аксарият қисми қишлоқда исти-
қомат қиласди. Қишлоқда чуқур таркибий ўзгариш-
ларни амалга оширмасдан, бу ерда банд бўлмаган
ишчи кучини жиддий камайтирмасдан, маҳсулотлар-
ни қайта ишлаш, уларни тайёр ҳолга келтирадиган
саноат корхоналарини бу ерга яқинлаштирмасдан,
ернинг эгасини топиб, унга топширмасдан мамлакат
халқ хўжалигининг ушбу етакчи тармоғида тўпланиб
қолган ўткир иқтисодий, ижтимоий, маънавий-сиё-
сий аҳамиятга молик муаммоларни жойидан силжи-
тиш асло мумкин эмас.

Мустақил Ўзбекистон — катта имкониятлар, улкан
салоҳият мамлакати. Аждодларимизнинг бой маданий
мероси, ҳозирги замон цивилизацияси ютуқларини
ўзида мужассамлаштирган ақл-заковат салоҳияти бу-
ларнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Пахта
етишириш бўйича жаҳонда тўртинчи, унинг толасинӣ
экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўриндамиз. Олтин
захиралар бўйича дунёда бешинчи, уни қазиб чиқариш
бўйича эса еттинчи ўриндамиз. Яна бошқа кўплаб стр-
атегик материаллар, жумладан мис, уран ва бошқа
нодир металлар тўғрисида ҳам шундай манзарани яқ-
қол тасаввур этиш мумкин.

Эндилиқда, ҳамма гап ушбу имкониятлардан сама-
рали фойдалана билишдадир. Мустақиллик шарофати
 билан амалга оширилаётган ҳамда бундан мамлакат-
нинг ҳар бир фуқаросини шахсан манфаатдор қилишга
даъват этилган ислоҳотлар аллақачон пишиб этилган
имкониятларимизни зудлик билан ишга солиниши-
нинг жиддий гарови, кафолатидирлар.

Шунга қарамай, мустақил Ўзбекистон, мамлакат
Президенти И. А. Каримов уқтирганидек, истиқлол
йиллари давомида шу даражада юксалдики, энди
унинг жаҳон бозорига интеграциялашуви (уйгунлашу-
ви) тўғрисида бемалол гапириш мумкин.¹

¹ Қаранг: *Ислом Каримов. Ўзбекистон сузид юрадиган музтоғ эмас. «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил, 12 ноябрь.*

Шубҳасиз, ўзини мустақил ҳисоблаган, жаҳон хўжалик тизимида ўзига муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилаётган ҳар қандай мамлакатнинг қуидаги саволларга амалий жавоб топа биладиган бўлиши табийдир:

— мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлай оладиган устувор соҳа ва тармоқлар нималардан иборат?

— жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотларни қандай қилиб ва нима ҳисобидан ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мумкин?

Бу саволларга жавоб топмасдан, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида нуфузли ўринни эгалламасдан мамлакат ривожини, ҳалқ фаровошлигини таъминлаб бўлмайди. Дунёда биз танҳо юрт, яккаю-ягона ҳалқ эмасмиз. Иқтисодий мустақилликни қанчалик қўлга киритмайлик, ўзимиз учун зарур барча нарсаларни фақат ўзимиз ишлаб чиқара олишимиз мумкин эмас. Бошқа мамлакатлар ҳам шундай шароитда яшашади. Шунинг учун ҳам жаҳон бозори, ҳалқаро меҳнат тақсимоти бор. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан «тeng тилда» гапира олишни йўлга кўйиш улар билан худди шундай teng даражада ривожланган бўлишликни тақозо этади. Акс ҳолда, мамлакат мустақиллиги асосланмаган, мустаҳкамланмаган, демакки, истиқболсиз бўлади ёки, бошқача айтганда, у, расман мустақил бўлган ҳолда, бошқа ривожланган мамлакатларга иқтисодий, демакки, сиёсий жиҳатдан ҳам, қарамлигича қолаверади. Биз, ўтмишимиз сабоқлари, мавжуд ноёб имкониятларимиз ва нурли истиқболимиз манфаатларидан келиб чиқиб, бунга асло йўл қўя олмаймиз;

в) ижтимоий соҳада. Одамнинг ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодиса эканлиги тўғрисидаги фалсафий таълимот мустақил Ўзбекистон давлати бутун ички ва ташқи сиёсатининг назарий-услубий негизини ташкил этади. Бу — одам фақат жамиятда шаклланади, ривож топади, унинг барча муҳим хусусиятларини ўзида мұжассамлаштиради, деган маънени билдиради.

Одамни ўзгартириш, уни камол топтириш учун жамиятни, ундаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни тегишли тарзда, яъни инсонийлик

негизида, ўзгартирмоқ зарур. Модомики, одам жамиятнинг маҳсали экан, демак, жамият шундай асосларга қурилмоғи лозимки, унинг шароитида яшаётган ҳар бир кишининг асл одам, чинакам инсон, етук шахс бўлиб шакланиши ва камол топишидан ўзга иложи қолмасин. Аммо, мазкур вазифани бирданига, яъни даб-дурустдан, тегишли, моддий, маънавий, сиёсий таг-заминсиз адо этиб бўлмайди. Жамият тараққиётининг муайян муаммолари, мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳал этила борилар экан, ушбу пировард мақсадни сира ҳам ёддан чиқармаслик муҳимдир.

Жамиятнинг пировард мақсади — заминимизда яшаётган одамларнинг инсонга муносиб турмуш кечиришларини истиқболда таъминлашга қаратилган бўлсада, айни пайтда, мамлакатимиз аҳолиси муайян қатламлари моддий аҳволининг ёмонлашувига йўл қўймаслик, уларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш ҳам ўтиш даврида катта аҳамиятга эга.

Мана шулардан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистон давлати ўзининг аниқ мўлжалланган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий йўналишларини белгилади. Улар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, ижтимоий ҳимоя, авваламбор, барча учун имкониятлар тенглигини таъминлашdir. Токи ҳар бир фуқаро иқтисодий фаолият, меҳнат қилиш, касб-корни эркин танлаш, ўз оиласини боқиш, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланишда бошқалар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлсин. Ижтимоий муҳофаза — хайр-эҳсон, ташқаридан бериладиган мадад эмас, балки, ҳар бир кишига самарали меҳнат қилиш, ўз ҳаётий эҳтиёжларини ўзи қондира олиши имкониятларини яратиш, бунинг учун зарур бўлган моддий ва маънавий рафбатлантириш ижтимоий кафолатларининг таъсирчан тизимини вужудга келтириш демакдир. Шу сабабдан, кучли ижтимоий сиёсат, биринчи галда, меҳнатнинг қадрини ошириш, уни шахс манфаатларини қондериш, унинг ҳар томонлама уйғун камол топишининг, ўз ижодий қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш ва намоён этишининг ҳал қилувчи воситасига айлантиришта ҳамда бунинг учун зарур шарт-

шароитларни яратишга қаратилган бўлмоғи керак. Мазкур чора, айни пайтда, жамият фаровонлигини таъминлашнинг ҳам ягона йўли ва муқим, барқарор манбайдир.

Иккинчидан, мамлакат ҳар бир фуқаросининг мулк соҳиби бўлишини таъминлаш юқоридаги мақсадга эришиш имкониятини беради. Мулк эгасигина сермаҳсул, фидокорона меҳнат қила олиши мумкин.

Учинчидан, мустабид жамият кишиларни мулкка эгалик қилишнинг ҳам хусусий, ҳам жамоавий шаклларидан маҳрум қилиши натижасида авомга, оломонга айланган аҳолини фақат мулкдорлар синфини вужудга келтириш орқалигина халқ сифатида қайта шакланишига эришиш мумкин. Иқтисодий манфаатлар негизида таркиб топган мулкдорларгина фуқаролик жамиятининг тайинли ижтимоий негизини, демократик ҳуқуқий давлатнинг «умуртқа суюгини», унинг мустаҳкам таянчини ташкил эта олади.

Фақат туб, биринчи галда иқтисодий, манфаатдорлик асосида шаклланган ижтимоий гуруҳлар, табақалар, ташкилотлар, муассасалар ва уларнинг фаол иштирокларида тузилган давлат ҳокимияти идоралари, қолаверса, бутун сиёсий тизим фуқаролар учун ўзига хос таянч бўлиб хизмат қиладиган ёки шундай бўлишга даъват этилган бўлади. Ваҳоланки, киши жамиятда яшар экан, у муайян таянчга эҳтиёж ҳис этади. Ҳамма гап ушбу таянчнинг қандай эканлигига. Мабодо, жамиятда киши соғлом негизларда қурилган таянчни то-па олмас экан, унинг носоғлом таянчларга кўз тикиши, уларнинг «хизматидан» фойдаланишдан бошқа иложи қолмайди. Демакки, жамият, кишилар буни англашлари ва ўzlари учун соғлом таянч тизимларини шакллантиришни уддасидан чиқишининг барча зарур чораларини кўрмоқлари лозим. Мустақил Ўзбекистонда шундай муҳитни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган саъии ҳаракатлар давлат ижтимоий кафолатлар сиёсатининг муҳим қирраси, ҳатто, унинг бош мазмунини ташкил этмоқда.

Тўртингчидан, шундан келиб чиқиб, аҳолининг муҳтож қисмлари — кўп болали оиласалар, ёшлар, ногиронлар, нафақахўрлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, вақ-

тинча ишсиз қолганлар ва бошқа эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

Бешинчидан, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат, илм-фанинг бозор муносабатларига ўтиш даврида тушиб қоладиган мушкул аҳволини яхшилаш ҳам мазкур йўналишдаги сиёсатнинг узвий таркибий қисмидир.

Айни кучли ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, пировард натижада, кишилардаги боқимандалик кайфиятларининг пайини қирқади, фуқароларни сермаҳсул меҳнат қилишга ундаиди, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, давлат қурдатини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлади, жамият аъзолари турмушининг фаровонлигини таъминлайди;

г) маънавий соҳада. Мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавият соҳасидаги сиёсати мазкур жабҳанинг мамлакатимизда кўзланаётган барча инсоний мақсадларга эришишнинг, унинг бозор иқтисодиётига таянувчи демократик жамиятта маърифатли йўл билан киришнинг руҳий асоси ҳамда жамиятдаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашни халқимизнинг маданий савияси ривожига узвий боғлиқ эканлигини эътироф этиш билан тавсифланади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ва рӯёбга чиқарилажак саъии ҳаракатларнинг моҳияти, мазмуни ҳамда аҳамиятини таъкидлаб, И. А. Каримов томонидан айтилган фикрларнинг ўзагини қуидаги фалсафий қоидалар ташкил этади: ислоҳотлар, хусусан қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, бутун ҳаётимизни ўзгартиради; одамлар тафаккурини эса фақат турмуш, ҳаёт тарзигина ўзгартира олади; турмуш, ҳаёт тарзи онгни белгилайди; одамларнинг турмушини, ҳаёт тарзини қанчалик кўп ўзгартирсак, эски тузум асоратларини қай даражада барҳам топтирсак, кишиларнинг тафаккур тарзи ҳам шунча тез ўзгаради¹.

Ушбу фикрлар билан танишган киши, гўёки, бир «гирдобга», зиддиятлар оламига тушиб қолгандек бўла-

¹ Қаранг: Ислом Каримов. «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил, 8 октябрь; 12 ноябрь сонлари.

ди. Аслида, бу фикрда ҳеч қандай жүн зиддият йүк. Аммо, мураккаб ҳаёттій воқееликни ўзида ақс эттирган диалектик-мантиқий зиддият мавжуд. Бу ҳол, жонли ҳаёт фалсафаси нұқтаи назаридан қараганда, мутлақо табиийдір.

Дархақиқат, пировард натижада, турмуш онгни белгилайди. Бироқ, турмушнинг ўзи қотиб қолған, ҳеч ўзгармайдиган ҳодиса әмас. Уни одамлар ўз амалий фаолиятлари орқали ўзгартирадилар. Жамиятнинг ilk босқичларидан тортиб то шу кунгача, оддий кетмон, болтадан тортиб то мураккаб замонавий техника қурилмаларигача бўлган тараққиёт айни одамлар томонидан амалга оширилган саъии ҳаракатлар маҳсулидир. Лекин, инсон саъии ҳаракатлари, ўзининг мумтоз шаклида, ақл-заковат заминида, унга таянган ҳолда юз беради. Ҳамма гап шундаки, замонанинг моддий-маънавий имкониятлари салоҳияти, эҳтиёжларининг таъсирчанлиги ушбу ақл-заковатнинг кўлами ва дараҗасини белгилайди.

Бошқача қилиб айтганда, жамият тараққиётининг қуий босқичларida инсон ақл-заковати, тафаккури, уларга мутаносиб, яъни ушбу босқичларга яраша бўлади. Унинг юқори босқичларida эса тобора юксаклашиб бораверади. Айни пайтда, жамият тараққиёти барча босқичларининг тубида инсон ақл-заковати, тафаккури, маънавий оламининг тегишли даражалари ҳам ётади.

Ижтимоий турмуш билан ижтимоий онг бир-бирлари билан ўзаро таъсир доирасида бўладилар. Уларнинг бир-бирларига нисбатан ҳал қилувчилик даражасидаги таъсирлари ҳам ўзаро ўрин алмашиб туради. Бамисоли Куёш ва Ойнинг бир кечаю-кундуз давомида ўрин алмашилари каби. Бироқ, беғубор тунда тўлиб чиққан Ой, у қанчалик мафтункор бўлмасин, барибир, ўзида Куёш нурини ақс эттиради, унинг тизими қонуниятлари доирасида ҳаракат қиласи. Ушбу маънода, маънавият, онг, тафаккур ҳам, улар қанчалик муҳим бўлмасинлар, охир-оқибатда, ўзларида инсонлар, жамият турмушини, ҳаёт тарзини ақс эттирадилар, уларнинг ҳал қилувчилик таъсири остида яшайдилар ва ўзларининг сарчашмалари фаолиятига тақдиршумул

таъсир ҳам ўтказадилар. Мазкур таъсирнинг даражаси, унинг кўламининг ўзи, айни пайтда, пойдор аҳамиятга молик ҳал қилувчи омил — ҳаёт тақозоси, турмуш талаби билан белгиланади.

Демак, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурлари мажмуи — юртимизнинг имкониятлари, эҳтиёжларини чуқур англашдан келиб чиқиб, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган амалий саъий ҳаракатларнинг маънавий-руҳий, ғоявий ифодасидирлар. Уларнинг рӯёбга чиқишилари натижасида юз берадиган ўзгаришлар маънавиятимизни янада юксакликка парвоз қилиши учун замин бўлиб хизмат қиласи. Бундай жараён, моҳияттан, узлуксиздир ва, инсоният мавжуд экан, шундайлигича қолади.

Бу ерда яна шундай қонуният бор. У ҳам бўлса, шуки — жамият ўз тараққиётининг қуи босқичидан унинг юқори босқичлари томон юксалиб борар экан, кишилар турмушининг ҳал этилишга дахлдор муаммоларининг кўлами кенгайиб, уларни бартараф этиш бўйича бажарадиган ишлар, адо этиладиган вазифалар ҳам тобора мураккаблашиб бораверади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, маънавий ривожнинг аввалги босқичи даражаси билан янги ҳаётий масалаларни ҳал этиб бўлмайди, яъни ўзгаришлар, вазифалар кўлами қанчалик кенг ва улар қай дараҷада мураккаб бўлсалар, маънавий, тафаккурий, ақлзаковатий равнақнинг ҳам бунга мутаносиб бўлмоғи талаб қилинади.

Бундан ташқари, маънавият, онг, тафаккур, ақлзаковат ҳамиша турмушдаги ўзгаришларга эргашиб, яъни фақат уларнинг ортидан юрмайдилар. Маънавиятга келажакни, истиқболни илгарилаб акс эттириш — ижодий инъикос хусусияти хосдир. Бу ерда бамисоли бир тоғнинг чўққисига чиққанингиздан сўнг ундан анча узоқлиқда бўлган, яна ҳам улуғворроқ, бошқа тоғнинг қиёфаси кўринганидек ҳолат юз беради. «Учар гилам», «Ойнаи жаҳон» тўғрисидаги қадимий афсоналар ҳозирги самолёт ва телевизорларнинг ўзига хос башорати эмасмиди? Шу боисдан ҳам маънавият, унинг турли-туман шаклларининг фақат ўтмиш билан

ўралашиб қолмасликлари, ҳатто, шу куннинг муаммолари билан ҳам меъёрида шуғулланиб, кўпроқ, истиқболга йўналган бўлишлари ўта муҳимдир. Жамият эса маънавият аҳли учун бундай фаолиятнинг зарур шароитларини яратиб бермоғи даркор.

Юқоридагилардан қўйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: маънавият ҳаётимизда қанчалик жиддий аҳамият касб этмасин, уни биз қанчалик фаол тарғиб қўлмайлик, барибир, одамлар фақат шунинг ўзидангина юксак ақл-заковат, ижодий тафаккур соҳиби бўлиб қолмайдилар. Бутун инсоният тарихи бундан ёрқин далолат бермоқда. Қадимий даврлардан бошлаб қанчадан-қанча доно фикрлар, қимматли таълимотлар яратилган бўлишига қарамай улар ҳанузгача тўла-тўқис рӯёбга чиқа олмаётирлар... Демак, гап у ёки бу доно фикр, қимматли таълимотнинг фақат мавжудлигидагина эмас. Уларни рӯёбга чиқарувчи шарт-шароитларнинг жамиятда муҳайё эканлиги ҳам бу ерда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бизнинг воқелигимиз хусусида айтадиган бўлсак, у ҳолда, шуни алоҳида эътиборга олмоқ зарур: кишилар жамиятда шундай бир ижтимоий вазиятга қўйилмоқлари лозим-ки, уларнинг ақлли, доно, заковатли бўлишдан бошқа ҳеч қандай иложлари қолмасин. Бунинг, ҳозирча, иқтисодий соҳада бозор муносабатларини, сиёсий ҳаётда эса демократияни қарор топтиришдан ўзга йўли йўқ. Кўриниб турибдики, бу ердаги ҳар иккала ҳолатда ҳам одамлар турмушининг фаровонлиги, эркинликлари даражаси уларнинг ўзларигагина боғлиқ. Бозор ҳам, демократия ҳам одамлардаги маънавий маданиятнинг юксак савияда бўлишлигини ҳаёт тақозосининг ўзига айлантириб қўймоқда.

Мустақил Ўзбекистонда, мамлакат Президенти И. А. Каримов раҳбарлигига, амалга оширилаётган сиёсат маънавиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятини айни мана шу мазмунда тушунишга асосланган фалсафий қоидалар негизида қурилган.

Мамлакатимиз йўлбошчисининг фикрича: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлида мувваффакиятли

равиша олға силжитища ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»¹.

Шу билан бирга, айни мустақиллик йилларида маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни жамиятни янгилаш жараёни илк босқичининг улкан муваффақияти, деб ҳисобламоқ керак.

Истиқболимиз учун сабоқ бўлиб хизмат қиладиган ушбу муваффақиятнинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?

Биринчидан, бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни фақат ва фақат юксак маънавият, ахлоқийлик ҳамда ватанпарварлик негизларида қилинадиган ҳаракатлар орқали барпо этиш мумкин.

Иккинчидан, бундай жамиятга шарқона, исломий турмуш фалсафасининг юксак ғоялари, халқимизнинг тарихий анъаналари ва ақл-заковати мос бўлиб тушмоқда.

Учинчидан, янги жамият қуриш йўлида халқимиз дунёқарашида туб сифатий ўзгаришлар содир бўлмоқда, унинг ҳаётий мақсадлари сайқаллашмоқда ва, энг муҳими, мазкур силжишлар ҳозирги замон жаҳон ижтимоий тараққиётининг бош, етакчи тамойилларига монанд равиша юз бермоқда.

Тўртингчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятни ислоҳ қилиш жараёнида халқимиз руҳиятининг бениҳоя бардошлилиги исботланмоқда. Бу туфайли эса юртимизда истиқомат қилаётган халқларнинг фалсафий, маънавий меросига таяниб, турли маданиятларнинг ўзаро алоқаси, баҳамжиҳатлиги ва уларнинг бир-биридан баҳраманд бўлиш имкониятларини очдик.

Бешинчидан, ёш авлодни хур ва демократик Ўзбекистонга муносиб кишилар қилиб вояга етказиш маънавият соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади.

Олтингчидан, турмушимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавиятини, руҳиятини янгилашнинг яхлитлиги қоидаси батамом тўғри

¹ Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 274-бет.

эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом жамиятгина кучли, кучли жамият эса ислоҳотларга тайёр ва бардошли бўлади.

Еттичинчидан, жамиятимизда, умумбашарий қадриятларни ўрганишга интилиш қучайиб бораётган бир пайтда Шарқ фалсафасига ҳам эътибор ортмоқда. Шарқ фалсафасининг инсонпарварлик ғоялари давлат сиёсатига, таълим-тарбия ишларига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Саккизинчидан, аждодларимиз эътиқод қилиб келган ислом динининг инсон ва унинг ҳаётдаги аҳамиятини эъзозлаш давлатимизнинг дунёвий ривожланиши йўлидан одимлаши билан уйғунлашиб кетмоқда.

Тўққизинчидан, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик муҳим маънавий-ахлоқий муваффақиятимиздир.

Ўнинчидан, биз тарихимиз, маънавиятимиз, маданиятимизни ўзимиз, дунё ва, энг асосийси, келажагимиз учун тикламоқдамиз, уни ҳар томонлама ривожланиши хусусида қайтурмоқдамиз. Зеро, юксак маънавият, биз учун эзгуликка, инсонийликка, нурли истиқболга, Ўзбекистоннинг буюк келажагига элтувчи яккаю-ягона, бирдан-бир тўғри йўлдир.

Лўнда қилиб айтганда, мустақиллик йиллари мобайнида босиб ўтган йўлимиз бизни, инсонийлик руҳи билан сугорилган, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлатни фақат илғор маънавиятнинг мустаҳкам пойдевори негизида қуриш мумкинлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Зеро, И. А. Каримовнинг мутлақо ҳақли равишда уқтиришича: «**Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда**»¹.

Шу боис ҳам бизнинг жамиятимиз ўз келажагини

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 150-бет.

фақат фуқаролар онгиди мустаҳкам ришта отган юксак маънавий қадриятлар орқалигина тасаввур қилмоқда. Агар мустақиллик ақл доиранизни кенгайтирган бўлса, ўз навбатида, ақл-заковат, маънавиятимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига тўла сафарбар этилгандир.

Ҳаёт ўз-ўзидан кишиларни баҳт-саодатли қилиш даражасига кўтарила олмайди. Бунинг учун одамлардан тегишли йўналишдаги саъий ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади. Ҳар қандай эзгу, олийжаноб мақсадга етишишнинг бирдан-бир йўли — «ақлни пешлаб» иш кўришдир. «Ақлни пешлаб» иш кўришнинг индаллосини айни фалсафий саводхонлик, маданият ташкил қиласи. Зеро, биз кўришга бел боғлаган ва барпо этаётган жамият, бу — иқтисоддан тортиб, то маънавиятгача бўлган соҳаларда демократик тартиботларни қарор топтиришдан иборат. Демократия эса, ўз навбатида, бу — кишилар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муросамадорадан бошқа нарса эмас. Бунга фақат ақлли кишилар, маънавияти юксак ижтимоий бирликлар, давлатлар, мамлакатларгина қодирдирлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: демократияни фақат жамият аъзолари — фуқароларнинг юксак маънавияти негизидагина қуриш мумкин. Фақат шу таҳлитдаги чинакам демократия орқали минтақавий ҳарбий можаролар ва фуқаролар урушлари диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик, этник ва миллатларро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчилик иллатларининг барҳам топиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, умуминсоний ҳамда миллий хавфсизлик таъминланишига эришишнинг мустаҳкам замини яратилган бўлади.

Бир зум фикран тасаввур қилайлик: жамият, гўёки, бу — бир кемадаги кишилар бирлигидан ташкил топган. «Кемага тушганнинг жони бир», — дейди халқимиз. Агар кемани (кемани уларнинг ўzlари, имкониятларидан келиб чиқиб, қурганлар) жамиятнинг бир рамзий кўриниши, деб билсак, у ҳолда унда эзгу

олийжаноб мақсад томон кетаётган йўловчиларни «жамият аъзоларига», кемани ҳаракатга келтираётган кучни — «иқтисодиётга», кема сардорини — «маънавиятга» қиёслаш мумкин. Мабодо, маънавиятнинг турли, — диний-асотирий, илмий, бадиий, ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий ва ҳоказо кўринишлари кемадаги йўловчилар хоҳиш-иродасини мужассам ифодаловчи кема «сардори»нинг «танасини» ташкил этсалар, фалсафа — ушбу «танадаги» «бош мия, марказий нерв тизимиدير». Албатта, серқирра ижтимоий ҳодиса — маънавиятнинг муайян кўринишларидан ҳар бирининг ўрни алоҳида, уларнинг биттаси бошқасининг ўрнини боса олмайди. Маънавиятнинг ҳар бир кўриниши, шаклининг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини фақат фалсафий таҳлил кучига таяниш асосидагина тўла аниқлаш мумкин.

Мана шулардан нима учун мустақил Ўзбекистонда маънавиятга, ижодий тафаккурга катта эътибор бериллаётганининг сабабини билиш қийин эмас.

Ахир, мустақилликка эришгунимизга қадар ҳаётилизга мулкчиликнинг хилма-хиллиги, кўппартиялилик, давлат ҳокимияти тизимини уч тармоққа бўлиниши, инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш институтлари, маънавий меросимизга, диний қадриятларимизга нисбатан янгича ёндашувлар каби қўплаб «ақл бовар қилмайдиган» ҳодисалар кириб келишини тасаввур қила олармидик? Булар биздан бугун ушбу ва бошқа жараёнларни янада ривож топтиришни талаб қилмоқда. Бунинг учун янгидан-янги маънавий парвозлар, руҳиятнинг тинимсиз меҳнати зарур. Юқори-дагилардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги халқимизнинг маънавий қудратига, миллий онгининг ижодий-яратувчанлик кучига боғлиқ. Мазкур келажакни барпо этиш ишига эса чинакам инсоний жамиятда яшашни истаган ҳар бир фуқаро ҳисса қўшмоғи зарур. Буни теран англаш барчамиздинг маънавий бурчимиздир.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I бўлим. Фалсафа, унинг жамият ҳаётида, инсон маънавий камолотида туттан ўрни

1. Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти, структураси ва узига хос хусусиятлари	8
— 2. Дунёқарашнинг тарихий шакллари	11
3. Фалсафанинг баҳс мавзуси ва унинг муаммолари	18
4. Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва асосий вазифалари	26
5. Фалсафага синфий ёндашиш ва унинг чекланганлиги ..	30

II бўлим. Фалсафий қарашлар ривожланишининг босқичлари, уларнинг тарихий шакллари

1. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнонистондаги фалсафий таълимотлар	47
2. Қадимги Туронда диний-фалсафий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланиши	54
3. Ўрта асрда Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий, диний фикрлар ривожланиши ..	63
4. Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-фалсафий, сиёсий тафаккур тараққиёти	101
5. Ўрта аср ва Уйғониш даврида Фарбий Оврӯпада шаклланган ва ривожланган фалсафий таълимотлар	125
6. Оврӯпада Янги давр фалсафаси	127
7. Туркистонда XIX аср охири, XX аср бошларидага ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти	134
8. Ҳозирги даврнинг асосий фалсафий таълимотлари (XX аср)	143

III бўлим. Борлик ҳақидаги фалсафий таълимотлар

1. Борлик муаммосининг фалсафий мазмуни. Борлик категорияси	162
2. Берлиқнинг асосий шакллари	167
3. Фалсафада субстанция муаммоси	177
4. Материя ва унинг мавжудлик шакллари	178

IV бўлим. Умумий алоқадорлик, боғлиқлик ва ривожланишнинг фалсафий муаммолари

1. Умумий боғланиш, алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги фалсафий қарашлар	188
2. Диалектика ва унинг муқобиллари	194
3. Умумий боғланиш ва алоқадорликнинг шакллари	199
4. Таракқиётнинг моҳияти, босқичлари, сабаблари ва йўналиши	216

V бўлим. Табиатни фалсафий тушунниш

VI бўлим. Жамиятни фалсафий тушунишнинг асосий жиҳатлари

1. Жамият борлиги, унга дин ва фан нуқтаи назаридан ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари	247
2. Жамиятта фалсафий қарашнинг асосий усуллари, тамоилилари ва тушунчалари	252
3. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари	255
4. Жамиятнинг таркибий тузилиши: оила, ижтимоий табакалар ва тарихий-этник бирликлар	265
5. Тарихий жараён, унинг маъноси, мақсади ва йўналганилиги	268
6. Фалсафада инсон муаммоси	272
7. Жамият ва шахс	283
8. Маданият ва цивилизация	301
9. Қадрияллар, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни	322
10. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари	338

VII бўлим. Фалсафада онг муаммоси

1. Онгнинг моҳияти	356
2. Онг генезиси. Инъикос шаклларнинг ривожланиб бориши	357
3. Онг — руҳий инъикоснинг юксак шакли	361
4. Онгнинг пайдо бўлишида меҳнат ва нутқнинг роли	364
5. Онг ва ахборот. Онг ва белгилар системаси	368
6. Онг ва ўз-ўзини англаш	373
7. Онг — ижтимоий ҳодиса	377
8. Онг ва ижод	381

VIII бўлим. Амалиёт — инсоннинг дунёга ўзига хос муносабати усули

1. Фалсафада амалиёт муаммоси	387
2. Амалий фаолиятнинг тузилиши ва унинг асосий шакллари	393
3. Амалиёт — инсон ҳаётий фаолияти барча шаклларининг негизидир	396

IX бўлим. Билиш жараёни ва унинг моҳияти

1. Билиш жараёнини таҳтил этишнинг фалсафий йўллари	401
2. Билишнинг субъекти ва обьекти. Билишнинг турлари	405
3. Билишнинг асосий босқичлари. Ҳиссий ва мантиқий би- лишнинг бирлиги	410
4. Ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий таълимот. Амалиёт — ҳақиқатнинг асосий мезони	413
5. Илмий билиш ва унинг усуллари	417
6. Илмий билишнинг асосий шакллари	428
7. Ижтимоий билиш	433

X бўлим. Мустақилликнинг ижтимоий, фалсафий муаммолари

1. Мустақиллик — жамият тараққиётининг муҳим омили	446
2. Миллий-озодлик ҳаракатлари кучайиши ва совет тоталитар тузумининг барбод бўлиши	455
3. Мустақил Ўзбекистон ривожининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари	458
4. Ислоҳотларнинг фалсафий асослари	461
5. Мустақил Ўзбекистон давлати ислоҳотчилик сиёсатининг бош тамойиллари ва асосий йўналишлари фалсафаси	474

ФАЛСАФА

(Үқув қўлланма)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1999

Муҳаррир *A. Бобониёзов*
Безакловчи рассом *K. Акчулаков*
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *D. Габдрахмонова*
Мусахҳидлар *Ю. Бизаатова, Ж. Тоирова*

Теришга берилди 9.11.98. Босишга рухсат берилди 25.01.99.
Бичими 84x108^{1/3}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 26,04. Нашриёт ҳисоб табоги 25,7. Адади 5000 дона.
Буюртма № 3201. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41-уй.**

